



А.К. Дўталиев



ҚИРҒИЗИСТОН  
ТАРИХИДАН  
ҚИСҚАЧА  
ҲИКОЯЛАР

5



Қирғиз Республикасининг  
Давлат Герби



Қирғиз Республикасининг  
Давлат Байроғи



## Қирғиз Республикасининг Давлат Гимни

*Сўзи: Ж. Садыков, Ш. Кулуевдики*  
*Мус.: Н. Давлесов, К. Молдобасановдуку*

Ак мөнгүлүү аска-зоолор, талаалар,  
Элибиздин жаны менен барабар.  
Сансыз кылым Ала-Тоосун мекендеп,  
Сактап келди биздин ата-бабалар.

*Нақарот:*

Алгалай бер, кыргыз эл,  
Азаттыктын жолунда.  
Өркүндөй бер, өсө бер,  
Өз тагдырың колунда.

Байыртадан бүткөн мүнөз элиме,  
Досторуна даяр дилин берүүгө.  
Бул ынтымак эл бирдигин ширетип,  
Бейкуттукту берет кыргыз жерине.

*Нақарот:*

Аткарылып элдин үмүт-тилеги,  
Желбиреди эркиндиктин желеги.  
Бизге жеткен ата салтын, мурасын,  
Ыйык сактап, урпактарга берели.

*Нақарот:*

А. ДЎТАЛИЕВ

ҚИРҒИЗИСТОННИНГ ТАРИХИ  
БЎЙИЧА  
ҚИСҚАЧА ҲИКОЯЛАР

Ўрта мактабнинг 5-синфи  
учун дарслик

*Қирғиз Республикасининг  
Билим ва фан вазирлиги томонидан тасдиқланган*

Бишкек – 2009





Бу дарслик Бутун дунё Банки маблағи билан амалга оширилган ҚР Маориф ва фан вазирлигининг «Қишлоқ маорифи» лойиҳасининг асосида нашр этилди.



Рецензенттери:

- Иманкулов М.К.* – педагогика илимдеринин кандидаты;  
*Белекова Н.М.* – ҚРнын Билим берүүсүнүн отличниги,  
№ 2 орто мектептин тарых мугалими, Бишкек ш.  
*Сабитова М.Ж.* – ҚРнын Билим берүүсүнүн отличниги,  
№ 39 орто мектептин тарых мугалими.

**Дўталиев Асилбек.**

Д –70 Қирғизистоннинг тарихи бўйича қисқача ҳикоялар: Ўрта мактабнинг 5-синфи учун дарслик. – Б.: «Билим-компьютер», 2009. – 160 с. илл.  
ISBN 978-9967-426-99-3

Дарслик «ҚРнинг мактабларда тарихий билим бериш бўйича давлат стандартининг» асосида ва Билим бериш ва фан вазирлиги томонидан тасдиқланган (2006-й., тўртинчи ва 2008-й., бешинчи нашрдаги) дастурларига мувофиқ ёзилди.

Дарсликнинг методик аппарати ва иллюстрациялари инсонийликка йўналтириб ўқитиш технологиясига қаратилган. Дарсликнинг асосида муаллимлар учун қўлланма, ўқувчилар учун қўлланма дафтар ва муаллимларга ўқиш жараёнида фойдаланилувчи электрон диск (CD) тайёрланди. Натикада комплеке ўқиш қуроли тузилди.

Дарсликка қуйидаги манбаълардан иллюстрациялар ва хариталар фойдаланилди:

- «Историко-культурный атлас Кыргызстана» (2001);
- «Виздив Кыргызстан» оммабон тарихий энциклопедияси (2004);
- Археолог, тарих фанларининг номзоди, профессор К. Табаддиевнинг шахсий архивларининг материаллари.

Д 4306020600-09

ББК 373.167.1  
УДК 63.3(2Ки) я 721

ISBN 978-9967-426-99-3

© Дўталиев А. К., 2009  
© «Билим-компьютер», 2009  
© ҚР Маориф ва фан вазирлиги, 2009

## МУҚАДДИМА

*Инсониятнинг тарихи –  
ўзи туғилиб ўсган Ота  
Юртидан бошланади.*

### ОНА ВАТАНИМИЗ – ҚИРҒИЗИСТОН

Она Ватан деган нима? Она Ватан – ота-бобомизнинг ўчмас тарихи.

Она Ватан – ҳар бир фуқаронинг туғилиб-ўсган муқаддас ери.

Она Ватан – ҳар бир фуқаронинг ор-номуси.

Бир донишманд айтган экан: «Она Ватаним менсиз яшаса яшар, лекин мен Она Ватансиз яшай олмайман», – деб.

Она Ватан – бу муқаддас, фароғатли Ота Юрт.

Инсоният биргалашиб қандайдир бир ердан баҳра олиб, у ерда ўсиб, у ерни муқаддас тутиб, кўкларга кўтариб сақлаб келишди. У ерда авлоддан-авлодга ўсиб, тирикчилик ўтказиб, фикр-ғоя кутиб, яшашини давом эттиришган. Ҳар доим кейинги бўғинлар туғилиб вояга етган тураржойини муқаддас сақлаб, ота-бобомизнинг ери, муқаддас ер деб, бошқа ерлардан фарқлаб, у ўлкани Она Ватанимиз, Ота Юртимиз деб атай бошлашган. «Туғилган ернинг тупроғи олтин» дегандай ҳар бир одамнинг туғилган жойи – унинг Ватани. Ҳар бир фуқаронинг вазифаси ўша Ватани муқаддас сақлаб, ўсиб-ривожланишига ҳиссасини қўшиш. Ота Юрт, Она Ватан деган сўзлар ҳар биримизга муқаддас бўлиб, қалбимиздан ўрин олиши керак.

Менинг Ватаним – Қирғизистон. Биз Қирғизистон деган қуёшли ўлкада яшаймиз. Бизнинг ота-боболаримиз ушбу ерда



Ота-Тоғнинг марвариди Иссық-Кўл.

яшаб, Манас бобомиз ватанимизга кўз олайтирган душманлардан мудофаа қилиб, бизга табаррук қилиб меросга қолдирди. Қирғизистон – бизнинг Она Ватанимиз! Бугунги кунда манзилимизда фақат қирғизларгина эмас, ҳархилмиллатнинг вакиллари яшайди, улар учун ҳам Қирғизистон – муқаддас Ватан. Биз ҳаммамиз биргалашиб Ватанимизни муқаддас тутсак, унинг ривожланишига шарт-шароит бўла оламиз. Агар ҳар ким ўзига юкланган вазифани тўғри, аниқ бажарса, оталаримиз иш хизматларини давлатнинг эҳтиёжи учун юргизса, акаларимиз Ватанимизни муқаддас сақласа, она-опаларимиз муқаддас меҳрини тўкса, ёш бўғинлар яхши билимга эгадор бўлса – Ватан ҳеч вақтда йўқ бўлмайди.

Қирғизистоннинг территорияси, табиати, тарихий-маданий ёдгорликлари. Қирғизистон – мустақил, қарам бўлмаган давлат. Қирғизистон Марказий Осиёнинг ўрта қисмидан ўрин олиб, асосан Тангри-Тоғнинг территориясида жойлашган. Қирғизистон шимолидан ва шимолий-шарқидан Қозоғистон, шарқидан ва жанубий-шарқидан Хитой, жанубидан ва жанубий-ғарбидан Тожикистон, ғарбидан Ўзбекистон билан чегарадошдир. Умумий майдони 198,5 минг квадрат километрни ташкил этиб, унинг 93% ини тоғлар тузади. Аҳолисининг сони 5 миллиондан ошиқ. Маъмурий территорияль томондан Боткен, Жалол-Обод, Норин, Ўш, Талас, Чу, Иссиқ-Кўл вилоятларига бўлинади. Республикамизда 40 туман 22 шаҳар бор. Пойтахт шаҳримиз – Бишкек.

Қирғизистон баланд тоғли, табиати гўзал ўлка. Кўзга иссиқ кўринган Қирғизистоннинг марвариди аталган Иссиқ-Кўл, ундан кам қолишмаган Чатир-Кўл, Сари-Челек, Сўнг-Кўл деган кўллари кўрасан. Сувга бой йирик дарёларимиз: Норин, Қора-Дарё, Сари-Жаз, Чатқал, Чу бўлиб ҳисобланади. Осмон тираган тоғларимизда турли кон бойликларимиз бор.

Буюк Ипак йўлида ўрин олган Қирғизистоннинг территориясида йирик шаҳарлар – Суяб, Боласоғун, Ўзган, Ўш зўр тарихий



Ўзган минараи.



Манаса гумбаз.



аҳамиятга эга бўлиб, бугунги кунда тарихий ёдгорликларнинг мажмуини тузади. Қўшўй-Қўргўн, Ширдақбекнинг истехкоми, Бурана ва Ўзган миноралари в. ҳ. ёдгорликлар ўтган ота-боболаримизнинг босиб ўтган йўлидан хабар бериб туради.

Бизнинг ота-боболаримиз манзил олган еримиздаги ҳар бир ёдгорлик ўтгандан зўр хабар бериб, ёзув манзилгоҳларида ёки, халқ оғзидан афсона сифатида айтилиб, тарихимизни тўлдириб келади. Ҳар кимимизнинг Она Ватанимизнинг тарихини, тарихий қурилиш, воқеалар ҳақида маълумотларни, овозаларни яхши билиб, уларни сақлашга ясаган ҳаракатимиз, ота-боболаримизнинг тарихига бўлган ҳурматимиз бўлиб ҳисобланади.

Буни билиш қизиқарли

Бурана минораси ҳақида овоза

Ҳурматли дўстлар! Агар сиз Тўқмоқ шаҳрининг ёнидаги қадимги шаҳар Боласоғунга экскурсияга бориб қолсангиз, XI асрга тегишли минора билан танишасиз. Ўрта асрнинг аъло чеварларининг қўлидан яралган Бурана минораси ҳақида халқ оғзидан қуйидагидай овоза сақланиб қолган. «Илгари-илгари Қорахон деган хон яшабди. Унинг ой деса ойдек, қуёш деса қуёшдек келишган қизи бор экан. Қизи ёлғиз бўлгани сабабли хон билан хоним, кўз қорачигидек эҳтиётлаб боқишади. Кунлардан бир кун хон саройига келган кўзи очиқ муқаддас одам хонга қизининг тақдирини ҳақида юрак туширган гап айтади. Унинг сўзи бўйича хон қизи бўйга етганда уни қора қурт чақиб ўлдирар экан. Бу хабарни эшитган Қорахон қизини ўлимдан олиб қолиш йўлини ўйлайди. Қизга бағишлаб, баланд минора солдириб, сайил қилишга, кимдир биров билан учрашишга, ерга тушишни манъ этиб, кузатувчиларни қўяди.

Қиз минорага биркитилиб, яшашини давом эттиради. Бироқ қиз бўйга етиб, яшашга бўлган хумори орта бошлаганда, кўққисдан оламдан ўтади. Қизга олиниб келинган узумнинг орасига кириб олган қора қурт хоннинг қизини чақиб, ўлимга сабабкор бўлган экан.

(Бундан бошқа ҳам тарихий ёдгорликлар ҳақида афсоналарни биласизми?)



Минора

### Саволлар ва топшириқлар;

1. Она Ватан деган нима, уни қандай тушунадигиз?
2. Муқаддас Ватанимизга қандай муомала қилишимиз керак экан?
3. Қирғизистонда қандай тарихий ёдгорликлар бор экан, улар ҳақида нима биласиз?
4. Қирғизистондаги тарихий ёдгорликлар ҳақида эссе ёзиб келинг.

# I ҚИСМ. ҚИРҒИЗИСТОН ТАРИХИНИ ТАДҚИҚОТ ҚИЛИШГА КИРИШИШ

## I БОБ. ТАРИХНИ ТАДҚИҚОТ ҚИЛИШНИНГ МАНБАЪЛАРИ

### § 1. Тарих дарси нимани ўқитади?

✓ **Тушунчалар:** тарих, тарихий манбаълар.

Тарих деган нима? Ҳурматли ўқувчилар, сиз ота-боболар мерос қолдирган кўплаган мақол-маталларни биласиз. Қуйидаги мақолга эътибор берсангиз: «Тарихи бўлмай эл бўлмайди, илдизи бўлмай ер бўлмайди».

Ҳар бир халқнинг ўзига тегишли тарихи бўлади, ўша тарихни ўқиб бизнинг ота-бобомиз ким бўлган, қандай йўлларни босиб ўтган, қандай воқеаларга дуч келганини биламиз. Демак, биз бу ўқиш қуроли орқали Қирғизистоннинг территориясида бўлган тарихий воқеаларни, ота-боболаримизнинг босиб ўтган йўлини ўқиб-ўргана оламиз.

Тарих деганимиз – бу инсониятнинг, ота-боболаримизнинг ўтмиши тўғрисидаги фан. Биз бундан нари, ҳар бир дарсда яшаб ётган территориямизда турмуш-тирикчилик, халқимизнинг босиб ўтган йўлидаги ҳар қандай воқеалар билан танишиб, билимимизни чуқурлаштирамиз.

Одамлар яшаб ўтган даврини қандай билишади. Бугунги кунларгача одамзод минглаган йилларни босиб ўтди, бизгача ҳар бир кун, ҳар бир йил, ҳар бир аср, ҳар бир минг йиллик ўзича зўр тарихни ичига олади. Уларнинг сирини очиб, қандай қилиб тарихимизни аниқлаб ўрганамиз? Сиз ўзингиз яшаган ердаги тарих музейига бориб кўрганмисиз? Уерда инсониятнинг ҳаётига боғлиқ, уларнинг иш-ҳаракатлари туфайли яралган буюмларни кўриш мумкин.

Бу инсониятнинг тарихини акс эттирган ва одамнинг иш-ҳаракатига боғланишган, ўтмишдан қолган меросларни тарихий манбаълар деб атаймиз.

Тарихий манбаълар учта катта гуруҳга бўлинади.

**Биринчиси** – моддий буюмлар (меҳнат қуроллари, ҳаётий-маиший буюмлар, архитектура қурилишлар).

**Иккинчиси** – ёзув манбаълари (қоғоз бетидаги, тош бетидаги ёзувлар, расмлар, муҳр, танга бети, ҳодиса, йилномалар).

**Учинчиси** – оғзаки манбаълар (шажара, овозалар в.ҳ.).

Буларни ҳам чуқур очишга, тарихга кўмакдош фанлар ёрдам беради.

Улар: археология, антропология, хронология, эпиграфика, генеалогия в.ҳ.

**Археология** – тарих фанининг бир соҳаси. Юнон сўзи «Архиос» – қадимги, «логос» эса фан деганни тушунтиради. Олимлар қадимги одамларнинг турар жойини, гўристонларни, шаҳар қолдиқларини, ундан ташқари қоя, унгур бетидаги расмларни, архитектура қурилишларини, солинган ганжларни, тангаларни кавлаб қидиришади. Бу буюм ёдгорликлари ўтган тарихни очиб беришга шарт-шароит тузади. Демак, археология – инсониятнинг ўтган ҳаётини буюм ёдгорликлари орқали тадқиқот қилувчи фан, усиз тарихни аниқлаш мумкин эмас.

**Антропология** (юнонча инсон ҳақида фан деганни тушунтиради) – одамнинг пайдо бўлишини, унинг ривожланишини ва ирқларини тадқиқот қилади. Дастлабки одамларнинг ранг-тусини, қандай гуруҳларга киришини аниқлашга катта ёрдам беради.

**Хронология** (юнонча «хронос» – вақт ва «логос» фан деганни тушунтиради) – бу фан вақт бирлигининг тизимини ва унинг ривожланишини тадқиқот қилади.

Тарихий воқеаларнинг ва ҳужжатларнинг вақтини тўғри аниқлашга шарт-шароит тузади.

**Эпиграфика** (юнонча «эпиграфо» – ёзув деганни тушунтиради) – қаттиқ моддаларга ёзилган ёзув, ишораларнинг эволюциясини тадқиқот қилади. Тош, металл, суяк, гилларга ёзилган ёзувларни аниқлайди.

**Генеалогия** (юнонча – ижтимоий чиқишини ўргатувчи фан) – уруғларнинг тарихини, инсон шахсининг наслини, қариндошлик боғланишларини тадқиқот қилиб, авлод тарихини тузади. Мана шундай кўмакчи фанлар орқали бугунги кунда қирғиз халқининг тарихи тадқиқот қилиниб, аниқланмоқда.



VI-VII-аа. одам шакли. Антропология реконструкция.



Эпиграфик ёдгорлик.  
XI а. *Новакат*.



Ҳуш VIII-  
X-аа. Чуб.

Тарих нимани ўргатади? Тарихни билишининг қандай аҳамияти бор? Тарихни билиш – жуда қизиқарли. Бизнинг қандай қилиб ушбу территорияда яшаб қолганимизни, наслимиз ким, қандай воқеаларни босиб ўтиб, бизга нима мерос қолганини тарихгина ҳал қилиб беради. Тарих бизга ўтган давр тўғрисида жўнгина маълумот бермасдан, ота-боболаримизнинг босиб ўтган йўлини англаб тушунишга, келажакда қандайча ривожланишимизни таҳлил қилиб олишга имконият беради. «Тарих – бу кўзгу, у келажакка йўл кўрсатади» – деган учирик сўзни доимо унутмаслигимиз керак.

Бизнинг ота-боболаримиз тарихнинг муҳимлигини англаб тушуниб, уни кейинги бўғинларга қолдириш учун етти отани билиш усулини қўлланиб келишган. Ҳар бир одам ота-боболарининг ким эканини унутмасдан ёдида тутиб, авлоддан-авлодга беришлари зарур бўлган. Етти отани билмаганни «қул» дейишган, демак тарихни билиш ҳар бир жамиятнинг аъзоси учун мажбурий бўлган. Халқимизнинг дostonларида, шажараларида халқ тарихи баён этилади. Шажара хийла вақт қирғизларнинг тарихини сақлаб келди. Дунёнинг бошқа халқларидек тарихимизни аниқлаб ёзиб, авлодларга қолдириш йўлига ўта бошладик. Юнонларнинг тарих отаси деб аталган Гредот, буюк хитой тарихчиси Сима Цянь сингарийёқ, Ўсмўнаали Сидиқ ўғли XX асрнинг бошида тарихимизни ёзишга йўл солган. «Қалбида оташи бор йигитларга тарихни билиш керак, у муҳим фан» – деб тарихнинг аҳамиятлилигини дастлабки тарихчимиз 1913-йилда Уфа шаҳрида чиққан «Қисқача қирғиз тарихи» деган асарида ёзиб кетган. Буни ҳар кимимиз ёдда сақлашга мажбурмиз. «Ўз тарихини билмаган, халқига лутф айламайди» – деган учирик ифода бекордан чиққан эмас.

✍ *Ёзиб олинг:*

*Тарих* – инсоният жамиятининг ўтган йўлини тадқиқот қилувчи фан.

*Тарихий манбаълар* – инсоният жамиятининг тарихини аёкс эттирган ва одамларнинг иш-ҳаракатидан қолган мерослар.

Инсон ҳақида билиб олинг!

*Ўсмўнаали Сидиқ ўғли* – қирғизнинг дастлабки тарихчиси, маърифатпарвари. Ота-оқасидан эрта етим қилиб, ўғай акаси Қанат бўлисининг назорати остида балоғатга етиб, маҳаллий мулладан бошланғич таълим олган.

1895-йилдан бошлаб ўз қишлоғидаги болаларни ўқитиб, тўплаган маблағи билан 1899-йилда Уч-Турпандаги мадрасадан ўқишнинг давом эттиради. Кейин Бухорода диний олий ўқув юртидан билим олган. 1895-йилдан бошлаб биринчилардан бўлиб қирғиз халқининг тарихини тўплаб, уни ёзиш ишини қўлга ола бошлайди. Ўсмўнаали Сидиқ ўғли тарихий

асарларини тўллаб, 1913-йилда «Қирғизларнинг қисқача тарихи» деган ном билан Уфа шаҳрида араб ҳарфида бостириб чиқаради. Кўп ўтмай 1914-йилда «Шобдонга бағишланган қирғиз тарихи» номи иккинчи китобини нашр этган. Унинг бу асарлари қирғиз халқининг тарихидаги дастлабки тарихий асарлар бўлиб ҳисобланади. 1919-йилдан Бишкекдаги турк ўқув жойининг раҳбари, ундан кейин «Қўшчи» иттифоқининг мактабида муаллим, 1925-йилдан тўртинчи мактабда она тили муаллими бўлиб меҳнат қилган. 1930-йилда «халқ душмани» деган тухмат билан қамоққа олинган. Ундан чиққандан кейин Хитойга кетади. Умрининг охиригача Тескесда, Қулжада муаллим бўлиб ишлаган.



Усмунаали  
Сидиқ ўғли

② Саволлар ва топшириқлар:

1. Тарих деган нима ва нима учун тарихни билишимиз лозим?
2. Тарихий манбаълар деган нима, у тарихни ўрганишга қандайча ёрдам беради?
3. Тарихни ўрганишга қандай фанлар кўмакчи эканини билдингизми?
4. Тарихни билишнинг қандай аҳамияти бор деб ўйлайсиз?
5. Қирғиз халқининг дастлабки тарихчиси Усмунаали Сидиқ ўғли ҳақида эссе ёзинг.

### § 2–3. Ёзув манбаъларининг пайдо бўлиши ва унинг тарихдаги роли

Асосий саналар:

Бизнинг эрагача 3–4-минг йилликларда – Шумер ёзуви пайдо бўлган.

Бизнинг эрагача 3300–3100 йиллари – Мисрда ёзув пайдо бўлган.

Бизнинг эрагача XVI асрларда – Хитой ёзуви яралган.

Бизнинг эрагача XVIII–XVII асрларда – Финикияда алифбо яралган.

Бизнинг эранинг V асрида – Орхон-Эне-Сай ёзуви пайдо бўлган.

Бизнинг эранинг IX асрида – кириллица ҳарфи тузилган.

✓ **Тушунчалар:** ёзув манбаълари, палеография, пиктограмма, клинопись, иероглиф.

Биз ўтган мавзуимизда тарих нима эканини билдик. Қандай деб ўйлайсизлар, бу билим етарлими? Тарихни тўлиқ ўқиб-ўрганишга тағин нима керак? Ҳа, сиз тўғри ўйланаяпсиз, ёзма манбаълар керак, чунки, у тарихий манбаъларнинг энг муҳими.

Демак, биз тарихни аниқ билишга жуда катта ҳисса қўшган *ёзма манбаъ* ҳақида билишимиз керак.

Ёзма манбаъ деган нима? Ҳар бир халқ ўзининг тарихини, ота-бобосининг босиб ўтган йўлини билишга қизиқади ва ўз халқининг тарихини тузишга ҳаракат қилади. Қирғизлар айтишади: «Тарихи бўлмай, эл бўлмайди» – деб. Демак, дунё халқининг бугунги кунгача етган тарихини ўқиб-ўрганишга имконият тузиб берган манбаъ, бу албатта, ёзув. Инсоният ёзувни ўзлаштиргандан бошлаб, бўлиб ўтган воқеаларни, энг муҳим иш қоғозларни, давлатлараро хат олишувларни ёзиб қолдиришган ва сақлашган. Бизгача келиб етган ҳар турли воқеаларни, баҳоли иш қоғозларни акс эттирган, инсоният тарихини баён этган энг бебаҳо материалларни – *ёзув манбаълари* деймиз. Мана шу тарихий ёзма манбаъларнинг тўпламини ўргатувчи ва уни ҳал қилувчи фан – бу палеография. **Палеография** – ёзма манбаъларни ва унинг ривожланишини тадқиқот қилади. Палеография атамаси юнонча «палайос» – қадимги ва «графо» – ёзаман деганни тушунтиради.

Ёзувнинг яралиши ва унинг ривожланиши. Инсониятнинг ҳаётидаги муваффақиятларнинг бири – ёзувнинг кашф этилиши бўлиб қолди. Ёзув одамларга ўтганларни билишга ва ўзларининг тарихини қолдиришга шарт-шароит тузди. Энг аввал бизнинг эрагача 4–3-минг йилликларда Икки Дарё оралигидаги қадимги Шумерларда ёзув йўлга қўйилган. Сабаби, шаҳарларнинг тезлик билан ўсиши ва кўплаб маълумотларни ўз ичига олиш ёзувнинг заруратини пайдо қилган. Улар аввал қандайдир бир сўзларни расм турида тушунтиришга ҳаракат қилишган. Олимлар бу расм ёзувларини **пиктограмма** деб аташади.

Кейинчалик пиктография ёзув тизими пайдо бўлган у атама (лот. *pictus* – расм, *графия* – ёзув), пиктографияда товуш, сўз белгиланмасдан ҳаёлий тимсол бериш йўли билан гапнинг маъносигина акс этади. Бу белгилар одамнинг аъзои-баданининг қисмларини, меҳнат қуролларини, жониворларни, ўсимликларни, тоғ, юлдуз в.ҳ. акс эттирган. Аввал пиктограмма тиккасидан ёзил-

Поёна турлидаги ёзувнинг  
ривожланиши

Балиқ



Буқа



Парранав



Пиктограммалар



Иероглифни тандан уш  
томонга қараб ўқин.



Иероглифни ўндан чап  
томонга қараб ўқин.

ган, кейин кўндаланг ёзишга ўтиб, ёзма ҳунари тезлашган. Бу ёзув усули ривожлантирилиб, унинг асосида пона туридаги ёзув (клинопись) пайдо бўлган. Клинопись шартли белгилардан (расмчалардан) иборат қадимги ёзманинг бир тури. Пона туридаги ёзmani Олдинги Осиё, Ассирия, Вавилон, Қадимги Персия в.ҳ. давлатлар қўлланган.

Ёзувнинг ундан нари ривожланиши қадимги Мисрлиларга тегишли. Уларда дастлабки ёзув бизнинг эрагача 3300–3100-йилларда пайдо бўлган. Миср ёзуви иероглиф деган ном билан маълум. **Иероглиф** деган атама (юнон. hieros – муқаддас ва glyphe – ўйилган нарса деганни) тушунтиради. Иероглиф – бизнинг эрагача IV асрда қўлланилган Миср ёзувнинг тасвирий расм ишоралари. Мисрлилар бу ёзувни «оллоҳ сўзи» деса, юнонлар «муқаддас ёзув» деб аташган. Қадимги Миср ёзуви 700дан ошиқ белгидан иборат, кўпчилиги ҳар қандай нарсаларнинг ва жониворларнинг расмлари билан белгиланган. Иероглиф чапдан ўнг томонга ёки ўнгдан чап томонга, юқоридан пастга қараб ўқилаверган. Агар жонивор ёки одам белгиси чапга йўналиб турса, демак у чапдан ўнгга қараб ўқилган, агар ўнгга йўналиб турса эса, чапни қараб ўқи деганни тушунтирган. Бизнинг эрагача XVI асрда Хитойда иероглифли ёзув пайдо бўлган ва у 2 мингдан ортиқ ишорадан турган.

Бу пиктограмма, клинопись ва иероглифли ёзувлар жуда мураккаб бўлиб, уни махсус тайёргарлиги бор одамларгина ёза олишган.

Биз қўлланган ёзувнинг пайдо бўлиши. Ўрта денгизнинг шарқ қирғоғида бизнинг эрагача 3-миг йилликда Финикия давлати тузилган. Финикия шаҳар давлатлари кема қуриб, денгиз кезишган, бу уларда савдо-сотикнинг ривожланишига туртки берган. Кўпчилик аҳоли савдо билан шуғулланганликдан, улар учун оддий, ҳаммага етарли ёзув зарурати келиб чиққан. Кўп ташвиш тортишлардан кейин бизнинг эрагача XVIII–XVII асрларда Миср иероглифларининг асосида дастлабки алифбо ёзувини ўйлаб топишган. Улар ёзувга ва ёдда тутишга мувофиқлашган 22 ишорадан иборат ҳарфни яратишди. Бу инсониятнинг ўйлаб топишидаги бебаҳо ўйлаб топиш эди. У ҳарфлар ундош товушлардан турган, кейин ушбу Финикия алифбосининг асосида юнон алифбоси пайдо бўлди. Улар унли ва ундош товушлардан иборат бўлган. Юнон ҳарфлари Финикия ҳарфлари билан оҳангдошдирлар; Финикия ҳарфи «алеф» – юнон ҳарфида «альфа» (α), Финикия ҳарфидаги «бет» – юнонларда «бета» (β). Финикия ва юнон алифболари бутун дунё алифболарининг яратилишига асос солган.

Юнон ҳарфининг асосида Улуғ Моравияда бизнинг эрамининг IX асрида славян маърифатпарвари Кирилл кириллица ҳар-

фини тузиб чиққан. Биз бугунги кунда бир оз ўзгартиш билан бу алифбони қўлланмоқдамиз.

Қирғизлар ҳақида маълумот. Турк тилли тоифаларнинг ичидан қирғизлар ҳақида дарак барчадан бурун учрайди. Ўрта Осиё билан Марказий Осиёнинг ўрта асрдаги тарихини тадқиқот қилган машҳур рус олими академик В. В. Бартольд: «Қирғизлар Ўрта Осиёнинг энг қадимги халқларининг бири. Ҳозирги вақтда Ўрта Осиёда яшаётган халқларнинг ичидан тарихда номи шунчалик эрта учраган биронта ҳам халқ йўқ бўлса керак» – деб ёзган. Қирғизлар ҳақидаги маълумот хитой халқининг Улуғ тарихчиси Сима Цяннинг (бизнинг эрагача 145–86-йй.) «Ши-цзи» (Тарих ёзмалари) йилномасида бизнинг эрагача 201-йилда хуннларнинг қирғизларни (гянь-гунь) босиб олганини ёзган. Бу маълумотда қирғизлар ўзича эгалиги бор халқ бўлиб, бизнинг эрагача III асрда яшагани маълум. Қирғизлар ҳақидаги маълумотни IX–XIV асрлардаги форс, араб ёзма манбаъларидан кўп учратишга ҳам бўлади. 982-йилда ёзилган «Дунё чекларида» («Худуд ал-алам») деган китобда турк халқлари, унинг ичида қирғизлар ҳақида ёзилган. Бу китобда дунёнинг территориясида яшаган 52 халқнинг касблари, дини, урф-одатлари, савдо ишлари соҳасида маълумотлар ёзилган. Китобда қирғизлар ҳақида бундай деб ёзилган:

«Уларнинг бойлигининг асосини хирхиз буюмлари, қўйлар, сигирлар ва йилқилар тuzган. Улар сувли, қуруқ чўпли, об-ҳавоси қулай ва ўтлоқ ерларни излаб кўчиб юришади. Қирғизлар ўтга сифинишади ва вафот қилганларини ёндириб юборишади. Улар ўтовларда ва чодир капаларда яшашади, овчилик билан касб қилишади».

Қирғиз тарихини тўлиқлаган бундай ёзма манбаълар ота-бобларимизнинг босиб ўтган йўлидан аниқ маълумот олишга имконият яратади.

Қирғиз алифбоси	Дини тартиби	Қирғиз алифбоси	Дини тартиби	Қирғиз алифбоси	Дини тартиби
А	А	А	А	А	А
Б	Б	В	В	В	В
Г	Г	С	С	С	С
Д	Д	Д	Д	Д	Д
Э	Э	Е	Е	Е	Е
Ү	Ү	Ү	Ү	Ү	Ү
И	И	И	И	И	И
Н	Н	Н	Н	Н	Н

Финиқия, томон  
лисон алифбоси



Ота-Сой қирғиз ҳарфлари.



Қирғизларнинг қадимги ёзуви. Қирғизларнинг қадимги ёзуви бўлганини ёки бўлмаганини кўплаб олимлар тадқиқот қилишган. Улар VII–XII асрларга тааллуқли Ўрхўн ва Эне-Сой дарёларининг қирғоқларида топилган тошга чекилган ёзувларга таянишган.

Хитойли олим бундай деб ёзган: «Хитой ва чет эллардаги қадимги ёзма даракларни ўқиганда, қирғизлар турк миллатларининг ичида энг аввалги ёзув яратган миллат эканлигини кўришга бўлади». Хитойдаги Қирғиз олими Анвар Байтур: «Қирғизлар V асрнинг бошларида 40 ҳарфли ёзувни фойдаланган», – деб қайд қилган. Демак, қирғизлар турк халқларининг ичидан энг аввал ёзувни яратган халқ эканлигини V асрдан тортиб Ўрхўн-Эне-Сой ёзмасини қўлланганлигини билсак бўлади. Улар қўлланган Эне-Сой ёзувларида 39 ҳарф бўлган (унинг бештаси унли). Бу қадимги қирғиз ёзуви Эне-Сой ёзуви деб аталган.

Эне-Сой қирғизлари ўз ёзувиغا (руна сингари ёзув) эга бўлгандан бошлаб бир неча ёзув тарзидаги меросларни қолдирган. Масалан, Эне-Сойдан топилган «Йаглакар хон тош ёзув ёдгорлиги», «Барсбекка бағишланган ёдгорлик» в.х. Кейинги даврдаги Талас, Қўчқўр, Алай уваларида топилган қадимги тош бетидagi ёзмалар қирғизларнинг ёзуви бўлганлигини тасдиқлаб туради.



Бунини билиш қизиқарли

Ўрхўн-Эне-Сой турк алифбоси

Ўрхўн-Эне-Сой турк алифбоси VI–VII асрларда пайдо бўлиб, X–XII асрларгача қўлланилган. Бу қадимги руна ёзувлари асосан катта-катта тошларга, қоянинг силлиқ бетларига ва қўй тошларга чекилган. Руна ёзмалари Хакассия, Тува, Олтой, Монголия, Или ва Қирғизистоннинг территорияларидан тошилган. Қадимги руна ёзувларини Марказий ва Ўрта Осиёда яшаган турк халқлари фойдаланишган. 1889-йилда Н.М. Ядринцев биринчи бор Ўрхўн водийсидан (Монголия) катта тошларга чекилган кўп руна ёзма ёдгорликларини топган.

Бу ёдгорликлар тошилган ерининг номидан Ўрхўн-Эне-Сойлик ёки қадимги турк ёзувлари деб аталган. 1898-йилда Талас водийсидан қадимги турк ёзувлари топилиб, тадқиқот қилишга олинган. 1893-йилда данияли олим Б. Томсен ва рус туркшуноси В. Радлов Ўрхўн-Эне-Сой ёдгорликларининг топилмоқчи ҳарфларини биринчи бор ўқишган.

Машҳур туркшуносларнинг фикрича Эне-Сой ёзув ёдгорликлари қирғизларга тааллуқли бўлган.



Ёзиб олинган:

**Ёзув манбаълари** – бизгача келиб етган ҳар турли воқеаларни энг муҳим ҳужжатларни ақс эттирган, инсоният тарихини баён қилган бебаҳо материаллар.

**Палеография** – тарихий ёзма манбаъларининг тупдамини ўргатувчи ва уни ҳал қилувчи фан.

**Пиктограмма** – сўзларни расм турида тушунтиришга ҳаракат қилинган ёзув.

**Клинопись** – шартли белгилардан (расмчалар) иборат қадимги ёзувларнинг бир тури.

**Иероглиф** – қадимги Миср ёзув белгилари.

**?** Саволлар ва топшириқлар:

1. Ёзув манзилгоҳлари деган нима ва тарихда у қандай роль ўйнайди?
2. Ёзувнинг пайдо бўлиши ва унинг ривожланиш босқичлари қандай юрган?
3. Финикия ҳарфининг тарихий аҳамияти нимада?
4. Ёзма манбаълар қирғизлар ҳақида қандай хабар беришади?
5. Биз учун қадимги қирғиз ёзувининг аҳамияти қандай?

#### § 4. Археология ва нумизматика фанларининг тарихдаги ўрни

- 1** Асосий саналар:  
XIX асрнинг 2-ярми – Қирғизистондаги археологик тадқиқотларнинг бошланиши.  
3-минг йилликларда. – Хитой тийинларининг пайдо бўлиши.  
VIII аср – Турғеш тийинларининг чиқарилиши.  
XI аср – Қорахонлар тийинининг чекилиши.

✓ **Тушунчалар:** археология, маданий қатлам, нумизматика.

Археологик манбаълар ва тадқиқотлар. Тарихни тадқиқот қилишда ёзма манзилгоҳлар фоят катта ёрдам беришига гувоҳ бўлдик. Демак, ўша ёзмалардаги бўлган воқеалар қайси ерда, қандай шаҳарларда бўлганлигини одамларнинг ҳаёт-тирикчилигида нималар фойдаланилганини, улар қолдирган ёдгорликлардан топишга бўлади. Бундай ёдгорликларни археология фани тадқиқот юритарини бурунги мавзулардан биламиз. Қирғизистонда дастлабки археологик тадқиқот ишлари XIX асрнинг 2-ярмидан юритила бошлаган.

Дастлабки одамларнинг турар-жойлари, шаҳар харобалари, меҳнат куруллари, гўристонлар, қоя-бетидаги расмлар, ёзувлар в.ҳ. археологик манбаълар бўлиб ҳисобланади. Улар орқали қадимги халқларнинг турмуш-тирикчилиги, урф-одати бўйича маълумот оламиз. Бу учун археологлар диққат билан тадқиқотларни юргизишади.

Ёзма, оғзаки манбаъларга таяниб археологлар тадқиқот қиладиган ерларни аниқлашиб, харитага тушириб, ёдгорликларни кав-

лаб, топилган буюмларни тадқиқот қилишади. Табиий фанларнинг муваффақиятларини фойдаланишиб, топилган буюмларнинг даврларини тўғри аниқлашади.

Археологлар топилган меҳнат қуроолларига яраша одам боласининг босиб ўтган йўлини тарихий уч даврга бўлишади. Тош, бронза ва темир даврлари. Бу даврларга тегишли меҳнат қурооллари Қирғизистоннинг барча территорияларидан топилган.

Археологик топилдиқлар. Қирғизистоннинг территориясида топилган археологик ёдгорликлар орқали бу территорияларда одамлар қадимданоқ истиқомат қилиб келишганини билемиз. Одам боласи дастлабки турар-жойидан бошлаб, улар ўрин олган қишлоқ, шаҳар қолдиқлари, ўз даврига яраша меҳнат қурооллари, уруш қурооллари ва турмуш-тирикчиликка фойдаланувчи буюмларини қўлланиб, уларни ривожлантириб ўтирган. Унгур бетидаги расмлардан бошлаб ҳар қандай гўзаллик буюмларга туширилган сурат-ўйиқлар, бадний ҳунарнинг ривожланганини билдиради. Ундан ташқари тошга, ёғочга, металлга туширилган ёзувлар уларнинг маданиятининг ривожланганлик гувоҳи. Одамларни охириги сафарга узатиш, уни авайлаб кўмиш ва унга бағишлаб, урф-одат қилиб, ёдгорлик ўрнатиш одатга айланганлигини гўристонлар, гумбазлар ва алангалар аниқлаб туради. Тарихий-маданий ёдгорликларнинг кўпчилиги археологик маданий қатламларда сақланган.

Маданий қатлам деганимиз – инсоният ҳаётини, ижодкорлигини акс эттирган археологик қолдиқларнинг қатлами. Инсон яшаган ерда қолган буюмлар, меҳнат қурооллари, озиқ-овқат қолдиқлари маданий қатламни ташкил этади. Археологик кавлашларда маданий қатламлар топилиб, уларнинг ҳар бирининг даври аниқланади.

Топилган буюмлар орқали ўша давр, у пайтдаги халқнинг маданияти тўғрисида маълумот олинади. Маданий қатламларнинг умумий қалинлиги бир неча миллиметрдан ўнлаган метргача ет-



Бронза даврлаган  
гил идиш.



Қадимги одамлар  
яшаган унзулар



Сибил  
Биринчи қатламда  
Биринчи қатламда

ШКОЛ

ган пайтлар учрайди. Археологларнинг тинмаган меҳнатининг натижасида тарихда буюк кашфиётлар ясалиб келади.

Олсак, 2000-йилнинг октябрь ойида Ўш шаҳрининг 3000-йиллигини нишонладик. Ўш турар жойларини тадқиқот қилган профессор, археолог Заднепровский Юрий Александрович ундаги энг эски маданий қатламдаги буюмларни кимёвий таҳлилдан ўтказиб, унинг асосида топилган буюмлар бундан 3000 йил бурун қўлланилганини исботлаган. Шундай қилиб, Ўш шаҳри Ўрта Осиёдаги энг қадимги шаҳар эканлиги аниқланди.

Пул-тийинларнинг келиб чиқиши. Нумизматика деган нима? Қадимги замондан буён одамлар ҳаёт-тирикчилигига истеъмол қилинувчи нарсаларни алмаштириш йўли билан ўзида йўқ нарсаларни тўлиқлаб келган. Мол боққан уруғлар ўтроқ уруғлардан ўзларига кераклиларни алмаштириб олиб туришган. Борган сари буюмларнинг нархи ошиб, унга тенг келган буюмлар талаб қилина бошлайди. Бу пулнинг пайдо бўлишига шарт яратган. Югуртиш ва хизмат қилиш воситаси сифатида қўлланилувчи металлдан ясалган пул бирлиги – тийин келиб чиққан. Дастлабки тийинлар бундан 3 минг йил бурун Хитойда пайдо бўлиб, ундан кейин бошқа мамлакатларга тарқаган. Топилган тийинларни тадқиқот қилувчи фан *нумизматика*. Нумизматика (лот. Numisma – тийин) – тийин ва пул – мол муомалаларини ўргатувчи тарих фанининг қўмакчи соҳаси. Нумизматика фанида махсус қабул олинган тушунчалар қўлланилади. Тийиннинг бет томони – аверс деб аталади. Унда давлатнинг герби ёки давлат бошлиғининг расми туширилади. Тийиннинг қирраси – гурт деб аталган. Унда расм ёки ёзув туширилган. Қирғизистоннинг территориясидан кўплаган тийинлар топилган. Сабаби бизнинг эрагача II асрдан бошлаб Ғарб билан Шарқни бирлаштирган Буюк Ипак йўли Марказий Тангри-Тоғ территориясидан ўтиб, савдо-сотиқ гуриллаб ривожланган. Савдо йўлларини бўйлаб катта-катта шаҳарлар қурилиб, давлатлар тийин чиқариб, кенг савдо юритишга



шарт-шароит тузишган. Бизнинг территорияда бундан 2 минг йил бурун Хитойда чекилган тийинлар топилган. Тан династиясининг тийинлари VIII асрдан бошлаб Суябда тургеш тийинлари чиқарилган. Етти-Сувнинг бошқа шаҳарларида хитой тийинларига ўхшаштирилган тийинлар чиқарилган. Масалан карлукларнинг «Мирза Арслон Бильге-каган Фан» тийини чиққан. XI асрда қорахонлар ҳам тийинларини чиқара бошлашган. XV асрга тааллуқли Ўш шаҳрининг бозорларида Тимур авлодларига тегишли мис тийинлар айлантирила бошлаган. Демак бу тийинлар бизга Буюк Ипак йўлининг ривожланишини, карлук, қорахон давлатларининг тарихини ойдинлаштиришга ҳам катта ёрдамни тегизди. Қирғизистоннинг территориясида монгол-татар босқинчилигидан кейин тийин чиқариш тўхтатилган. XVIII асрда Қўқон хонлигининг асосланиши ва Қирғизистонни босиб олгандан кейин бу территорияларда Қўқонда чекилган тийинлар пайдо бўлган. XIX асрнинг 50-йилларидан кейин Қирғиз манзилни қидирган Қозоқ олими Чўқан Валиханов қирғизлар пул бирлиги қатори ов-териларни, молни, хитой кумуш ёмбисини фойдаланганини ёзади. Қирғизистон Россия империясига қаратилгандан кейин рус пуллари фойдаланила бошлаган.

 Буни билиш қизиқарли

**Археологик топилдиқлар ҳақида маълумот.** Ўш турар жойи. Бронза даврига тааллуқли археологик ёдгорлик Сулаймон тоғида ўрин олган. Тош ва бронза даврларига тегишли қуролларнинг қолдиқлари, қоя бетига туширилган расмлар ва ғўристонлар тадқиқот қилинган. 1947-йилда нақш туширилган гил идишнинг қолдиғи топилиб, у деҳқончилик ва чорвачилик билан касбланган бронза давридаги уруғларга тегишли экани аниқланган. 1976-йилда тоғ бағридаги музейга йўл солишда сопол идиши топилган. Кавлаш пайтида ер юзасидан икки метр чуқурликда шағал билан ёпилиб ётган, бир кезларда одам яшаган, майдондаги чорвачиликка фойдаланувчи учта тўтарак ўраси бор сўқмоқ туپроқли ер очилган. Бу ердаги маданий қатлам устидан шағал билан ёпилиб, қалинлиги 1 метрга ётган.

Кавлаётганда кўплаб ҳар турли ғўзалликдаги сопол буюмлари топишган. Археолог Ю. А. Заднепровский раҳбарлик қилган олимлар тоғнинг этагидан тубан томонга қараб кетган текисликларда турар жойлар жойлаштирилганини пайқашган. Бу территорияларни тадқиқ қилишда ҳар қандай рангдаги бўёқ билан безатилган идишлар, гил идишларнинг 5000 мингдан ортиқ синиқлари, ярқирама тошдан маржонлар, 140 тош қуроллари ва тешиклари бор ошиқлар топилган. Кўплаб топилдиқлар Сулаймон тоғининг бағрида жойлашган музейда бугунги кунгача сақланмоқда.



Сулаймон тоғи

✍ **Ёзиб олинг:**

**Археология** – одам боласининг қадимги тарихини модда туридаги манбаълар бўйича таниб, тадқиқот қилувчи илм.

**Маданий қатламлар** – инсониятнинг ҳаётини, ижодкорлигини акс эттирган археологик қолдиқларнинг қатлами.

**Нумизматика** – тийин ва пул - мол муомалаларини тадқиқот қилувчи илм.

① **Саволлар ва топшириқлар:**

1. Археология деган нима ва у тарихни тадқиқот қилишда қандай аҳамиятга эга?

2. Қирғизистоннинг территориясида топилган археологик ёдгорликларга таъриф беринг.

3. Тийинлар ҳақида тадқиқот қилган илм нима деб аталади?

4. Қирғизистонда тийинлар қайси даврларда кенг фойдаланилган экан?

5. Ўш турар жойини тадқиқот қилиш қирғиз тарихига қандай ҳисса қўшди?

6. Қирғизистоннинг территориясидан топилган қандайдир бир ёдгорлик ҳақида кичкина ҳикоя ёзинг.

## § 5. Тарихий вақтнинг ўлчови (Хронология фани)

1 **Асосий саналар:**

Бизнинг эрагача 4–3-минг йилликларда – энг аввалги ой календарининг пайдо бўлиши.


Бизнинг эрагача 4-минг йиллик – Мисрда Қуёш календари чиққан.

Бизнинг эрагача 46-йил – Римда Юлиан календарининг яралиши.

Бизнинг эрагача 1582-йил – Григориан календарининг тузилиши.

✓ **Тушунчалар:** хронология, календарь.

Тарихни ўқиб ўрганишда, у ёки бу воқеа қачон бўлиб ўтган, қайси воқеа эрта ёки қайсиниси кеч бўлганини билиш керак. Биз вақт ўлчовлари қуйидагидай бўлинишини биламиз, ой – йилни, юз йил – асрни, ўн аср эса – минг йилликни тузади. Вақтнинг ўлчовсиз одам боласининг тарихини, ундаги муҳим воқеаларни билишга бўлмайди. Тарих аини ушбу вақт ўлчовларидан иборатдир.



Вақтнинг ўлчовларини тадқиқот қилиб ўргатувчи фан, бу — Хронология. Хронология (юнонча «хронос» — давр — «логос» — фан) — вақт ўлчовини ва унинг тарихий ривожланишини ўқитади.

Вақт ўлчов бирликлари. Дастлабки одамларнинг вақт ўлчовларини ҳисоблашга имконияти етган эмас. Борган сари яшашнинг мураккаблашиши, ҳаётий эҳтиёжларнинг ўсиши шу вақтнинг ўзида одамнинг онгининг анча даражада ривож топиши билан атрофга кузатиш юритиш, вақтни тушуна билиш, уларни ажратиб бўлиш тараққийлашган. Бундан бир неча минг йилликлар бурун одамлар кун билан туннинг фарқини, вақтни кун санаш (сутка) билан ҳисоблашни ўрганишган. Улар бундай деб айтишган: «беш кун бурун қаттиқ ёғин ёққан» ёки «етти кундан кейин уруғлар овчиликка чиқади». Бироқ вақтнинг кўп қисмини кун санаш билан ўлчаш етарли бўлган эмас. Улар кечаси ой шаклининг ўзгаришини пайқашган. Улар ойнинг баъзан ўроқ шаклида, баъзан ярими тўлиқ, баъзи ҳолда эса тўлиқ бўлганини қараб, ойнинг ўзгаришига яраша ой ҳисобини чиқаришган. Шундай қилиб, дастлабки ой ҳисоби яралган. Энди улар вақтни қуёшгина эмас, ой билан ҳисоблай бошлашган. Бора-бора деҳқончиликнинг ривожланиши, ер ҳайдаш, ҳосил йиғиш даврларини аниқлаш билан вақтни йил билан ҳисоблаш ўзлаштирилган. Йил узоқлиги, ёки унинг ўлчамининг 365 кун эканлигини инсоният тарихида биричи бор Қадимги Мисрликлар ҳисоблаб чиқишган. Шундай қилиб, қадимги даврда одамлар аввал кун билан тунни, суткани, ундан сўнг ойни, ҳафтани, йилни ажратишган. Ёзувнинг ўзлаштирилиши билан календарни тузишни ўрганган.

Календарнинг пайдо бўлиши. Календарь вақт ўлчамини аниқловчи тизим. Бу сўз лотин сўзидан келиб чиққан «календарь» — ҳар бир ойнинг биринчи куни деганини тушунтиради. Энг дастлабки календарь бизнинг эрагача 4–3-минг йилликларда пайдо бўлиб, у ой календари деб аталиб, ҳар бир ой 29 ва 30 кундан иборат бўлган. Унда 12 ой ёки 354 кун ҳисобланган.

Бизнинг эрагача 4-минг йилликда Мисрда қуёш календари чиққан. Миср йили 365 кунга барабар бўлган. Унда 12 ой бўлиб, ҳар бир ой 30 кундан турган.

Қадимги Римда бизнинг эрагача VIII асрда ой-кун календари қўлланилиб, у 355 кундан туриб, 12 ойга бўлинган. Ҳар бир ой 29–31 кундан иборат бўлиб, янги йил 1-мартдан бошланган. Кейин календарни аниқлаш мақсадида бизнинг эрагача 46-йили Рим императори Юлий Цезар ислоҳот юритишга буйруқ берган. Янги календарни тузиб чиқиш учун Александрия шаҳридан машҳур астроном Созиген чақиртилган. Улар Мисрнинг календари асосида янги календарни ишлаб чиқишиб, у Юлиан календари деб атал-

ган ва бизнинг эрамизнинг XVI асригача ҳеч ўзгаришсиз фойдаланилиб келган. Янги Юлиан календари бўйича ойлар қуйидагидай аталган:

	Ойлар	Номланишлари ва тушунтиришлари
1	Январь	«Януариус» – Рим империясидаги вақтнинг худоси Янусга бағишланган;
2	Февраль	«Фебриариус» – тозаланиш ойна деб римликлар ёмон одатлардан, гуноҳлардан қутулиш байрамини ўтказишган;
3	Март	«Мартиус» – урушнинг худоси Марсга бағишланган;
4	Апрель	«Апрелис» – қуёш исиб, кўкат чиққан, гуллаган деган маънода.
5	Май	«Майус» – баҳорнинг, тоғнинг, ҳосилнинг худосининг ҳурматига бағишланган;
6	Июнь	«Юниус» – осмоннинг худоси Юпитернинг қайлиғи Юнон худосига бағишланган;
7	Июль	«Юлиус» – Рим императори Юлий Цезарга бағишланган;
8	Август	«Августус» – Рим императори Октавиан Августнинг ҳурматига бағишланган;
9	Сентябрь	«Септембер» – латинча «еттинчи», бурун Римликлар янги йилни мартдан бошлашарди, шу сабабли сентябрь еттинчи ой бўлган;
10	Октябрь	«Окtober» – латинча «саккизинчи»;
11	Ноябрь	«Новембер» – латинча «тўққизинчи»;
12	Декабрь	«Децембер» – латинча «ўнинчи» деганини билдирган.

Охириги уч ой бурунги янги йилни март ойидан бошлаб санашдан олинган.

Бугунги биз қўлланаётган календарь 1582-йили Рим папаси Григорий XIII томонидан асосланиб, Григориан календари деб аталади. Бу календарни тузишда италияли олим, врач, математик ва астроном Алоизий Лилионинг меҳнати зўр.

Григориан календари бўйича йилнинг узунлиги 365 сутка, 5 соат, 49 дақиқа, 12 секундадан иборат. Бу календарь аввал Италия, Франция, Испания, Португалия, Польша в.ҳ. давлатларда қўлланилиб, Россияда 1918-йилдан бошлаб қўлланила бошлаган.

Қирғизлар қўлланган йил ҳисоби. Қирғизлар Шарқ халқларига киргани сабабли ҳар бир йил жониворнинг номидан қўйилган. 12 жониворнинг номи билан йилни фарқ қилишган. 12 йил ўтгандан кейин 13-йил одамнинг бир мучали деб ҳисоблашган.



Йилларнинг ўзбекча аталиши	Ойлар	Ойларнинг қирғизча аталиши	Ойларнинг русча аталиши
Сичқон	1 ой	Ёлғон қуръон	Февраль
Сигир	2 ой	Чин қуръон	Март
Йулбарс	3 ой	Буғу	Апрель
Қуён	4 ой	Қулжа	Май
Балиқ	5 ой	Така	Июнь
Илон	6 ой	Бош сўна	Июль
Йилқи	7 ой	Оёқ сўна	Август
Қўй	8 ой	Тўққизнинг ойи	Сентябрь
Маймун	9 ой	Еттининг ойи	Октябрь
Товуқ	10 ой	Бешинг ойи	Ноябрь
Ит	11 ой	Учининг ойи	Декабрь
Тўнғиз	12 ой	Бирининг ойи	Январь

Мучални, йилларни суриштириш билан одамнинг ёшени, воқеанинг бўлган йилини аниқлашарди. Бир йилда 360 кун бор деб, уни 12 ойга бўлишган. Қирғизларда ой ҳисоби кўчман ҳаётнинг тажрибасида қадимги замондаёқ пайдо бўлган.

Демак, қирғизлар дунёдаги бошқа халқлар каби қадимдан буёноқ йил, ой, кун ҳисобини юргизиб келишган.

Қирғизлар кун санашни форс тилидан олиб қўлланишган.

Кунлар	Форс тилидан олиниб ўзбекча аталиши	Куиларнинг русча аталиши
1-кун	Душанба	Понедельник
2-кун	Сешанба	Вторник
3-кун	Чоршанба	Среда
4-кун	Пайшанба	Четверг
5-кун	Жума	Пятница
6-кун	Шанба	Суббота
7-кун	Якшанба	Воскресенье

 Бунинг билими қизиқарли

Шарқ календарини

Норин вилоятининг марказида тўртта квадрат тешикчаси бор, одатдан ташқари хитой бронза «тийини» топишган. Унда жониворларнинг – илоннинг, хўрознинг, аждаҳонинг, йилқининг расмлари туширилган. Бу ўрта асрдаги шарқ календарини бўлган. Бунда бизга бугунги кунда одат

бўлган кунлар билан ойларнинг ўрнига йиллар белгиланган. Ун икки йиллик шикли шарқ календарини Марказий Осиёнинг кўчманлари тузган деб ҳисобланади.

Ҳар бир ўтов мустақил «планетарий» бўлган. Қадимги астрономлар Юпитер Қуёшнинг айланасида 12 йилда тўлиқ айланажагини аниқлашган. Айланани Юпитер йўлининг ўн икки барабар қисмига бўлиб, улар у қисмларнинг ҳар бирига маълум жониворнинг номини беришган.

Календарь шундай тузилган: бири-бирини алмаштирган жониворларнинг тартибини эсдан чиқариб қўймаслик учун эса қадимги хитойлилар шундай унча катта эмас «чўнтак календарларини» чиқаришган.



✍ *Ёзиб олиг:*

**Хронология** – вақтнинг ўлчов тизимини ва унинг тарихий ривожланишини ўқитади.

**Календарь** – ҳар бир ойнинг биринчи куни деганини тушунтиради.

② Саволлар ва топшириқлар.

1. Тарихий воқеаларнинг вақтнинг аниқлашга қайси фан кўмаклашади?
2. Вақтнинг ўлчов бирлиги қандайча аниқланган?
3. Календарининг ривожланиш босқичлари қандай юрган?
4. Қирғизлар йил ҳисобини қандайча юргизишган?
5. Вақтнинг ўлчовини аниқлаб чиқиш инсониятнинг ривожланишида қандай роль уйнаган?

## § 6. Харитадаги тарихий воқеалар

✓ **Тушунчалар:** харита, тарихий харита.

Тарихни ўқишдаги хаританинг роли. Тарихни тадқиқот қилиб аниқлашда тагин бир жуда аҳамиятли нарса, бизгача ўша воқеалар қайда, қайси ерда бўлганлигини ойдинлаштирувчи харита бўлиб ҳисобланади. Дунё тарихида унинг ичида қирғиз тарихида ҳам одамлар ўтроқлашган ерлар, шаҳарлар, савдо йўллари, йирик уруш тўқнашувлари, архитектура ёдгорликлари, тарихий воқеалар харита бетига туширилиши билангина ҳақиқий тарихни исботлашади. Харита (немисча Karte; асл нусха; гр. Chartes – ёзув учун фойдаланилувчи папирус варағи) – ер юзининг, юлдузларнинг ёки уларнинг айрим қисмларининг кичрайтилиб, умумлаштирилиб берилиши. Хаританинг турлари бўлади, масалан: географик харита, тарихий харита, контур харита в.ҳ. Тарихий хаританинг асосий аҳамияти қандайдир бир тарихий во-

қеаларни, давлатларнинг жойлашган ерларини, табиат шартларини, йирик давлатлараро ва савдо йўлларини аниқлашга ёрдам берганлигида. Тарихда қўлланилувчи асосий харита – тарихий харита деб аталади. Тарихий харита катта хусусиятларга эга, унда қадимги мамлакатлар ва уларнинг чегаралари, шаҳарлар ва уларнинг бурунгидаги аталишлари, уруш воқеалар шартли белгилар билан кўрсатилади. Мана шуниси билан у географик харитадан тўлиқ фарқланиб туради.

Тарихий харитада давлатларнинг келиб чиқишини, унинг ўрнининг ўзгаришини, аскарларнинг юришларини, савдо йўлларини в.ҳ. осонгина билишга бўлади. Чунки, харитада кўрсатилган махсус белгилар билан символлар зўр ёрдам беради.

Тарихий харитадаги шартли белгилар ва унинг тушунтиришлари:

Тарихий хариталарни тузишда қуйидаги қоғдалар сақланиши лозим.

1. Харитага туширилган территория сўзсиз тарихий бир даврни акс эттиради.

2. Харитага тушган давлатнинг асосий территорияси ва у босиб олган тевараклар ҳар қандай ранглар билан белгиланади.

3. Шартли белгилар билан қўшинларнинг бир ердан иккинчи ерга силжиши, йирик уруш бўлиб ўтган территориялар билан қаратишган тевараклар, воқеаларнинг саналари кўрсатилади.

4. Давлатлар билан шаҳарларнинг ва ер-сувларнинг аталиши ўша даврдаги номлари билан берилади.

Шартли белгилар	Расм	Маъноси
Рангли ареаллар		Давлатларнинг территориялари в.ҳ.
Чизиқлар (узлуксиз, нуқталардан иборат чизиқ)		Мамлакатларнинг территориялари, қандайдир бир воқеаларнинг умумийлиги
Камон ўқлари (бутун, узлуксиз)		Одамларнинг ер кўчишлари
Камон ўқларининг кенглиги		Аскар урушлари, юришлар
Доирачалар (пунсон)		Шаҳарлар
Қайчиланган қисқа қуроллар		Тўқнашиш жойи
Штрихлар		Давлатнинг территориясидаги асосий воқеалар, бегона ерлар
Ичида тишчалари бор доирачалар		Қуршаб олинган шаҳар

Қирғизлар дунё харитасида. Қадимги даврлардаёқ юнон олимлари, саёхатчилари ўзлари билган кўплаб давлатларни, уларнинг чегараларини, мамлакат ичидаги дарёларни, шаҳарларни харитага туширишга ҳаракат ясаб келишган. Олиб кўрсак, қадимги юнон астрономи, математики, харита тузувчиси Птолемей дунёнинг ва йирик давлатларнинг 53 харитасини тортиб кетган. Кўплаб асрлар бўйи бу дунёнинг харитаси тарихда зўр роль ўйнаб келди. Европада бу харита XVI асргача асосий харита қатори фойдаланилган. Бироқ кейин кўплаб давлатлар ўз хариталарини тузиб, уни дунё харитасига тенглаш куч олган. Энг қизиғи, у хариталарда қирғиз ерлари ҳам кўрсатила бошлаган. Масалан: 1526-йилда тузилган «Москва давлатининг харитасида» қирғиз (Kirges) ҳозирги территорияси бўйича кўрсатилган.

Дунё харитасини тузиш ҳаракати ўрта асрда Марказий Осиёда ҳам бошланган. Олим бобомиз, ҳамюртимиз Махмуд Қашғарий XI асрда Дунёнинг рангли харитасини тузган. У харита орқали биз X–XI асрлардаги Қирғизистоннинг территориясини ва унга қўшни давлатлар тўғрисида билдик. Махмуд Қашғарийнинг харитаси ўз давридаги хариталардан тамоман фарқланиб туради. Харита тўғарак шаклда ясалиб, рангли бўлган. Нима учун тўғарак шаклда берилган? – деган савол туғилиши мумкин. Эҳтимол, Махмуд Қашғарий дунёни, оламни тўғарак шар шаклида тасаввурлаш билан уни харитага туширса керак. Харитада дунёнинг маркази қатори муқаддас Иссиқ-Кўл, Марказий Тангри-Тоғи территорияси ва ўзи туғилиб ўсган Барсқон шаҳри кўрсатилган. Ўрта асрдаги Европа харитасида эса дунёнинг маркази Рим, ундан кейин Қуддус шаҳарлари бўлган. Мусулмон хариталарида дунё маркази қатори Макка шаҳри берилган. Қирғиз территорияси бўлган Ўткен, Ўзган шаҳарлари киритилиб, ундан ташқари



Махмуд Қашғарий тузган дунёнинг рангли харитаси

ғарбда Венгриягача, шарқда эса Япония ерлари харитадан ўз ўринларини топишган. Ҳар бир территория, мулк шартли равишда чегаралар билан белгиланиб, тоғлар, дарёлар туширилган. Албатта, бу харита қирғиз тарихини ўқишда махсус маълумот манбаъи бўлиб қолди.

✍ Ёзиб олинг:

**Харита** – ер юзининг, юлдузларнинг ёки уларнинг айрим қисмларининг кичрайтилиб, умумлаштирилиб берилиши.

**Тарихда қўлланилувчи асосий харита** – тарихий харита деб аталади.

① Саволлар ва топшириқлар:

1. Харита деган нима, унинг тарихни ўқитишдаги аҳамияти қандай?
2. Тарихий харита қандай хусусиятларга эга экан?
3. Шартли белгилар нимани тушунтиради? Мисол келтириңг.
4. Харитани тузишда қандай қондалар сақланиши керак?
5. Махмуд Қашғарийнинг Дунё харитасининг хусусияти қандай?

## II ҚИСМ. ҚИРҒИЗИСТОН ҚАДИМГИ ДАВРДАН СОВЕТ ЗАМОНИГАЧА

### II БОБ. БИЗНИНГ ВАТАНИМИЗ ҚАДИМГИ ЗАМОНДА

#### § 7. Қирғизистоннинг территориясидаги дастлабки ижтимоий жамият

1

Асосий саналар:

3 миллион йил бурун – Одам боласи пайдо бўлган.

800–100 минг йил бурун – Қирғизистонда тош даврига тааллуқли  
дастлабки одамларнинг излари топилган.

Бизнинг эрагача 5–3 минг йилликлар – чорвачилик ва деҳқончилик  
хўжалиги келиб чиққан.

Бизнинг эрагача 3 минг йилликда – бронза даври бошланган.

- ✓ Тушунчалар: тош даври, палеолит, ижтимоий жамият,  
мезолит уруғчилик жамияти, неолит

Тош даври. Тангри-Тоғидаги дастлабки одамлар. Ер юзидан бундан 3 миллион йил аввал одам боласи яратилган. Дастлаб улар тўғри босишни, кейин меҳнат қуроиларини яшани ва ўтти фойдаланишни ўзлаштиришган. Кейинчалик улар гаплашишни ўзлаштириб, ўзаро алоқадорликка ўтгандан тўртиб, инсониятнинг тарихий ривожланиш даври бошланади. Инсон изи энг аввал Шарқий Африкада ва Ява оролида топилган. Бундан миллион йил бурун улар Европа, ундан кейин Осиё теварагига,



Тош қуроллар  
Оқ-Сой vodiёси.



Мезолит давридаги одамлар  
яшаган унгул. Арпа vodiёси

шу жумладан ҳозирги Қирғизистоннинг территориясига тарқаган. Дастлабки одамнинг изи бизга уларнинг тошдан ясалган меҳнат қуроллари орқали маълум бўлди. «Тош даври» деган аталиш ўша замондаги одамлар фойдаланган қуроллар туфайли аталган. У қуроллар қиррали тошлар ва ер кавловчи чўқморлар эди. Дастлабки инсониятнинг тарихий ривожланиши тош асри деб аталди. Одамлар аста-секинлик билан меҳнат қуролларини ривожлантириб ўтирган. Уларнинг ясаган тош қуролларининг ривожланишига нисбатан тош даври уч даврга бўлинади: қадимги тош асри (*палеолит*), ўрта тош асри (*мезолит*) ва янги тош асри (*неолит*). Ҳозирги Қирғизистоннинг территориясидаги дастлабки одамларнинг излари қадимги тош асрига (800–100 минг йил аввал) тегишли.

Энг қадимги меҳнат қуроли Марказий Тангри-Тоғда, Ўн-Арча сувининг бўйида, Қўжў-Бақирган сойда, ундан ташқари Саломат-Манбаъга яқин ердаги Оқ-Ўланг мазгилидан топилган. Арпа мазгилидаги унгурдан топилган тош қуроллари мезолит ва неолит даврига тўғри келади. Маҳаллий халқ бу унгурни Семетей унгури деб аташган. Қадимги даврда одамлар мустаҳкам тош қуролларини ясаш учун мустаҳкам тош жинсларини излашган. Боткен территориясида Қапчиғай, Уй-Тош мазгиллари пишиқ тош жинсларига бой бўлиб, тош қуроллари ушбу ерларда кўпроқ топилган. Улар жуда оддий бўлган. Бу қуроллар билан дастлабки одамлар овчиликка, бошқа ишларга қўлланишган. Бундай қуроллар билан яшаш жуда оғир бўлгани сабабли, улар биргалашиб яшашга мажбур бўлишган. Шу сабабли одамлар «тўда-тўда» бўлиб,



тўпланиб яшаб, биргалашиб овчилик қилишиб, йиртқичлардан сақланишган. «Тўдадаги» одамларнинг сони 25дан 50 гача етган.

Минглаган йиллар ичида меҳнат қуроллари аста-секник билан яхшилана бошлаган. Одамнинг ҳаётида ўтқи фойдаланиш зўр муваффақият бўлган. Ўт одамни иситиб, улар яшаган унгури ёруғ қилиб, йиртқич ҳайвонотлардан ҳимоя қилган.

**Дастлабки одамларнинг овчилиги ва хўжалиги.** Қадимги одамларнинг дастлабки хўжалиги тўпламоқ бўлган. Дастлабки инсоният табиат озикларини тайёр турда олган. «Тўдадаги» эркаклар ов қилишга кетганда, хотин-қизлар ва ёш болалар унгурулардан анча узоқ эмас ерлардан мева-чеваларни йиғишган. 40–30 минг йил бурун *гомо сапиенс* (онгли одам) пайдо бўлган. Уларнинг ташқи кўриниши ҳозирги одамлардан озгина фарқ қилган. Улар фикр югуртишиб, ўз ўйларини бир-бирига сўз билан тушунтиришга эришишган. Ўлган одамлар ерга қўйила бошлаган. Тахминан 40 минг йил бурун Қирғизистон билан Ўзбекистоннинг чегарасидаги Тешик-Тош унгуридан археологлар 8–9 ёшдаги боланинг суягини топишган. Унинг ёнига тоғ эчкисининг мугузлари қўйилган. Қабрнинг устини тош билан дафн қилишган. 30 минг йил илгари дастлабки одамлар «тўдаси» уруғлик жамиятга ўтган. Уруғлик жамият қондош туғишганлардан иборат, улар биргалашиб яшаб, топган-ташиганларига тенг эгаллик қилишган. Қирғизистоннинг территориясидан ўрта тош даврига (мезолит) тегишли овчиларнинг турар жойлари ҳам топилган. Улар Сўх сувининг бўйида, Тош-Кўмир шаҳрида баланд тоғли Оқ-Сойда, Арпа водийларида ва Чотир-Кўлнинг атрофида бўлган. Бу даврдаги одамлар ёй билан ёй ўқини фойдаланишган. Меҳнат қуроллари анча яхшилашган, одамларнинг архар, элик, тоғ такаси в.ҳ. жониворларга овчилик қилиши осонлашган. Турар жой-



Тешик-Тош унгуридан топишган бола. Герасимовнинг реконструкцияси



Дастлабки ер ишлатиш.  
(Д. Ақматовнинг расми)



ларга бўлган муомала ўзгарган, жониворларнинг суяклари ўзича кавланган чуқурларга ирғитилган, озодалик ўзлаштирилган. Инсониятнинг ҳаётида бизнинг эрагача 5–3-минг йилликларда зўр ўзгариш бўлган. Одамлар ерни ишлата бошлаб, маҳаллий ўсимликларни ўстира бошлаган. Ўша даврдаёқ ёввойи ҳайвонотлар қўлга ўргатилиб, боқилган.

Янги тош даврида (неолит): деҳқончилик ва мол чорвачилиги пайдо бўлди. Ола-Тоғ ва Олой территорияларида янги тош асри одамлари молчилик билан кун кўришган. Қўй, эчки, йилқи боқиб, ундан гўшт, сут, юнг олишган. Текисликларда эса деҳқончилик ўзлаштирилиб, арпа, тариқ, буғдой экилган. Ҳозирги Бишкек шаҳридан, Оламедин сувининг бўйидан, Тўқмўқ шаҳридан Марказий Тангри-Тоғнинг в.ҳ. территорияларидан махсус деҳқончиликка мослаштирилган меҳнат қуроллари ва сопол идишларнинг синиқлари топилган.

Неолит замонида қуроллар анча яхширган. Тошларга ўткир дам чиқаришган. Улардан тош болта, кетмон ясашган. Дастлабки одамларнинг турмуш-тирикчилигини акс эттирган энг ҳайрон қолдирадиган топилдиқ бу Оқ-Чунғур унгуридаги расмлар бўлиб қолди. Иссиқ-Кўлдаги Сари-Жаз водийсидаги баланд тоғда ўрин олган Оқ-Чунғур унгуридан дастлабки одамнинг қўлидан яралган жониворларнинг расмлари, шунингдек одамларнинг овчилигини ва рақсини акс эттирган расмлар топилган. Бу унгулдаги тортилган расмлар бундан 10 минг йил илгари тортилган экан. У расмлар – бизга ота-боболаримизнинг ўтганидан, яшаш турмушидан хабар берган ёдгорлик бўлиб қолди.

Металл даврининг хусусияти. Жамиятнинг яшашидаги энг катта ўзгариш мис конининг очилиши билан бошланган. Конни эритиш билан ундан дастлабки металл қуролларини ясашди. Мис конлари ҳозирги Ўш вилоятидаги Новқат қишлоғида, Чатқал ва Кетмон-Тепа водийларида топилган. Бироқ дастлабки мис қуроллари оз фойдаланилган, сабаби у юмшоқ ва мўрт бўлган.

Металлнинг тараққиёт даври мис билан қалайнинг қўшилмаси, бронзага эга бўлгандан бошланди. Шундай қилиб бизнинг эрагача 3-минг йилликда янги замон – *бронза даври* бошланади. Қалай конини Иссиқ-Кўлнинг Сари-Жаз сувининг бўйидан кавлаб олишган. Улар конларни устахоналарга фидиракли арава билан та-



Найтаннинг боши  
Бронза даври



Бронза балчи.

шиб келишган. У мисга нисбатан анча қаттиқ келиб, ишлатганга фойдали бўлган. Бронза даврида ўлган одамларни ерга қўйиш урф-одати кенг тарқалган. Қабрларга озиқ-овқат, бронза пичоқлар, игналар, сирғалар ва билагузуклар, шунингдек эркакларнинг ёнига уруш қурол-яроғлари қўйилган.

Бронза даврида алмаштириш авжига чиққан, масалан, Чуй территориясидаги Александровка қишлоғидан бизнинг эрагача 2-минг йилликка тегишли ўттизтача бир-бирига ўхшаш бронза ўроғи, Қорақўл шаҳрининг территориясидан эса бешта бронза ханжари топилган.

Бронза замонида деҳқончилик анча яхши даражада ривожланган. Ерни кетмонлаб ишлатиш куч олган. Ўшаёқ замонда одамларнинг маданий даражаси ҳам анча ривожланган. Бунга Тўғуз-Тўрўдаги Саймали-Тош қадимги расм тўплами ва Чўлпўн-Ота шаҳридаги тош бетидаги расмлар гувоҳ бўлаолади. Чорвачиликнинг, деҳқончиликнинг ривожланиши, ортиқча маҳсулотларнинг кўпайиши жамиятдаги тенгсизликни пайдо қилди. Тахминан бизнинг эрагача 1-минг йилликда бронзанинг ўрнини темир эгаллаган. Натижада меҳнат унумдорлиги куч олади. Унинг билан биргаёқ жамиятдаги тенгсизлик кучаб, дастлабки ижтимоий жамият бузила бошлаган. Жамият синфларга бўлиниб, инсониятнинг яшаш даври янги босқичга кўтарилган. Марказий Осиёнинг тоғли ва далали территорияларида уруф бирлашмалари тузила бошлаган.



Буни билиш қизиқарли

Саймали-Тош – қоя бетидаги расм галереяси

«Денгиз сатҳидан уч минг метрдан ошiq баланд тоғдаги Саймали-Тош тоғ йўлида кўп сонли қоя бетидаги расмлар бор. Бу – қадимги замоннинг энг катта расм галереяси. Минглаган йиллар ичида тошларга «расм тортиш билан» одамлар бу тоғларга ўзларининг фаолиятларининг, ўзларининг ушбу ерда бўлганликларининг изларини қолдиришган. Ҳаммаси бўлиб юз мингдан ошiq расм тортилган. Энг қадимгилари бизнинг эрагача 2-мингинчи йилларда тортилган – булар бронза даврининг ёдгорликлари.

Тўпоз қўшилган аравалар ва сўқалар тасвирланган кўринишлар, махсус кийимчан ва қанотлардан ясалган бош кийимчан одам шакллари – анча қадимий расмлар.

Саймали-Тош – очiq осмон остидаги дунёда энг катта расмлар галереясининг бири».



Ёзиб олинг

*Тош даври* – инсоният тарихидagi узoққа давом этган давр, у одим джралиб чиқишдан тортиб бошланган

**Инсоният жамиятининг дастлабки босқичи** – дастлабки ижтимоий жамият.

**Уруғлик жамият** – она томонидан қонлашишга асосланган одамларнинг жамоати.

② Саволлар ва топшириқлар:

1. Дастлабки одамлар қуролларни нимадан ясашган ва ҳаёт-тирикчилиги қандай бўлган?
2. Тош даври қандай бўлинади, уни нима учун бўламиз?
3. «Онгли» одам аввалгилардан нимаси билан фарқ қилади?
4. Чорвачиликдаги ўзгаришлар одамларнинг яшашига қандай таъсир теккизган деб ўйлайсиз?
5. Харитадан тош даврининг ёдгорликлари қайси ердан топилганини кўрсатинг.

## § 8. Сақ уруғ иттифоқлари

① Асосий саналар:

Бизнинг эрагача I минг йилликда – Ўрта Осиёда сақлар яшаган. Бизнинг эрагача VI–V асрлар – сақлар иккита катта уруғ иттифоқига бирикишган.

Бизнинг эрагача 530-йилда – форс подшоси Кир II сақларга қўл солиши.

Бизнинг эрагача 519-йилда – сақлар босқинчи Дарий I га қарши уришишган.

✓ **Тушунчалар:** тиграхауда-сақлари, кўчман жамоатлар, хамураварга-сақлари, жамиятдаги тенгсизлик, династия.

Сақлар жойлашган территориялар. Бизнинг эрагача I минг йилликнинг ўртасида Ўрта Осиёнинг территорияларида кўчман халқлар яшаган. Ўрта Осиёдаги бу халқларни қадимги форс тилида – *сақлар*, қадимги юнон тилида *скифлар* деб аташган. Сақ атамаси «кучли эркак» (жангчи) деганини тушунтирган. Сақлар Қирғизистоннинг ҳозирги территориясида истиқомат қилган асосий халқ бўлган. Бизнинг эрагача VI–V асрларда улар икки уруғ иттифоқига бириккан. Уларнинг бири Каспий денгизидан Марказий Тангри-Тоққача территорияни эгаллашган. Қадимги форс манбаъларида бу иттифоқ сақ-тиграхаудалар.

Сақ уруғларининг бошқа иттифоқи Шимолий Ҳиндистондан Олойга ва Фарғонагача ерларни истиқомат қилишган. Форслар уларни сақлар-хамураваргалар, яъни «хаумни ортиқча кўрганлар» (муқаддас ўсимлик), деб аташган. Ҳозирги Қирғизис-

тон территориясининг шимолий томонида сақ-тиграхаудалар, жанубий томонларида эса сақ-хамураваргалар яшашган.

Сақлар шарқ Эрон тилида гапиришган. Олой, Марказий Тангри-Тоғи ва Кетмон-Тева водийларида археологлар топишган бош суякларга нисбатан сақлар европали қиёфада бўлишган.

Чорвачилиги. Қирғизистон территориясидаги сақларнинг асосий хўжалиги кўчман мол чорвачилик бўлган. Мол ёки мол озиқларини қўшни деҳқон уруғларининг экинига алмаштириб олишган. Юнон тарихчилари бундай деб ёзган:

«Сақларнинг қўй боққан молчилари – скиф уруғлари. Улар Марказий Осиёда истиқомат қилган кўчманлар. Улар тирик бўйсуниб бермайди, бир-бирига адолат муомала ясайди. Улар отчан юришади ва сут билан озиқланишади». Сақларда мол кўп бўлган. Оқ суяклари бир неча минг қўй ва уюр-уюр йилқиларга эга бўлган. Мол йил бўйи далада овқатланган. Сақлар дағал жунли қўй, икки ўркакчи туя ва ўркакчи сигир боқишган. Шундай сигирларнинг скелетини археологлар Иссиқ-Кўлдан топишган. Сақлар айрича йилқилари билан фахрланишган. Йилқилари кучли, кичкина, бўйини қисқа ва боши катта бўлган. Уларнинг асосий афзаллиги: ўзлари озиқа топиб, гўшт, сутни кўп бериб, фоят чидамли келишганлигида эди.

Сақлар ёзда яйловларда ўтов сингари, кўчиб-қўнишга осон турар-жойларда, қишда мутгасил солинган томларда яшашган. Унда овқат ясаш учун ўчоқ бўлган. Озиқ-овқатини асосан гўшт, сут озиқлари, арпа нон ташкил этган. Баъзан озиқ-овқатга қанотлилар гўшти фойдаланилган. Сақлар моҳир овчилар бўлишган.

Сақлар ҳар хил қўл ҳунарчилиқни билишган. Қўйнинг жунидан газлама тўқишган, кигиз босишган, уни сирт кийим ва гилам ясашга қўлланишган. Ишлатилган теридан идишлар, белбоқ, оёқ кийим, бош кийимлар ясалган. Сақларнинг Ола-Тоғдаги қўрғонларидан гил идишлар топилган. Уларнинг туби тўғарак бўлган, кўчман ҳаётнинг шартларига яхши мослаштирилиб, пи-



Сақ-тиграхауд.



От жабдуқлари.



Гўзаллик буюми.

шиқ бўлган. Сақлар мис, темир, олтин, кумуш кавлаб олишган ва ишлатишган, бронза олишни билишган. Темирдан ва бронзадан қурол-яроқ, шунингдек меҳнат қуролларини ясашган.

Сақларнинг ижтимоий тузилиши. Сақ жамиятини туғишган оилаларнинг кичкина гуруҳи кўчман жамоат тузган. Бир неча кўчман жамоат, уруғлар иттифоқига бириккан. Сақ жамиятининг бошида энг юқори ҳокимиятга эга бўлган хон ёки хонимлар турган. Ҳокимият бўғиндан бўғинга ўтган. Сақ халқининг асосини эркин жамоатчилар – қатордаги кўчман-молчилар тузган. Хотин-қизлар сақ жамиятида махсус ўрин эгаллашган. Тарихий манбаъларга қараганда улар «қаҳрамон бўлишган ва ўзларининг куёвларига уруш пайтларида ёрдамга келишган». Жамиятнинг энг қуйи босқичини тутқунга тушган қуллар тузган. Улар чорвачиликда қора ишларинигина бажаришган: ўтин олиб, тери ишлатишган в.ҳ.ш.к. ишларни бажаришган.

Бизнинг эрагача V асрга қараб сақларда катта бойликка эга бўлган оқ суяк одамлар пайдо бўлган. Пайдо бўлган мулкни тенгсизликни сақлар қўйилган гўристонлардан пайқаса бўлади. Сақ подшоларининг гўристонлари ёлғиз ва қатор тизилган гўристонлардан иборат.

Сақларнинг жангчилик ишлари. Ҳар бир даражага етган сақ аскар бўлиб ҳисобланган ва бошқарувчининг чақирғи бўйича барча қурол-яроғи ва ўзининг номи билан талончиликка чиқишга мажбур бўлган. Отда юришни ва ёй отишни улар бола чоғлариданоқ ўзлаштиришган, шунинг учун сақларнинг отчанлари дунёдаги энг моҳир чавандозлар деб ҳисобланган. Юнон тарихчисининг айтишига кўра Ўрта Осиёда: «ёй билан отувчи дунёдаги барча ёйчиларнинг ичидан жуда чевар, биронта ҳам ёй ўқини бекорга кеткизмаган сақлар кўнгил қўйишган». Ёй отганни жангчилар жуда яхши билишган – қандайгина ҳолатда бўлмасин – ҳатто от чопиб бораётиб ҳам, орқага бурилаётганда ҳам нишонга тўппа-тўғри теккизишган. Сақ жангчиларининг қурол-яроғлари: қисқа ханжарлар, қисқа қиличлар-акинаклар, сопида тешикчаси бор япроқсимол найзалар, пайраҳалардан тўқилган ва қалин тери билан қопланган қалқонлар, уруш ой болталари бўлган. Ёй қисқа келиб, лекин ғоят маҳкам керилган. Ёй ўқини ёғочдан ёки қамишдан уч қиррали бронза билан, баъзан темир билан учлаб ясашган. Сақлар дубулға кийиб урушга киришган.

Ёвга яроқли отларни ўргатишга алоҳида эътибор беришган. Сақ армияси донгдор бўлиб, ўша замонда энгилмас қатори ҳисобланган.

Сақларнинг форс подшоларига қарши кураши. Бизнинг эрагача VI асрда сақлар кучли душманларига қарши мустақиллик учун кураш юргизишга тўғри келган. Сабаби, форс уруғла-

рини бирлаштириб, буюк давлат тузган Кир II чи сақларни босиб олишни кўзлаган. Унинг кучли армиясининг галабали ҳужумларининг натижасида йирик давлатларни ўзига бош эгдирди.

Бизнинг эрагача 530-йили ёзда Кир II 200 минг жангчиси билан сақларнинг территориясига келган. Қўл солиш учун баҳона излаб, у элчилар орқали Томирис тулнинг қўлини сўраган. Сақларнинг хоншоси Томирис Етти-Сув, Иссиқ-Кўл ва Тангри-Тоғи территорияларидаги сақ тиграхаудлардан Кир II нинг армиясига тенг куч йиғнаган. Ундан кейингина Кир II нинг таклифидан бош тортган. Бу форслар билан бўлган урушга олиб келган. Бироқ икки юзлашишдан кейиноқ сақлар форсларни тор-мор қила бошлаган.

Ерни яхши билган сақлар форсларни орқасидан эрчитиб тоғ дарасига қамаб, уларнинг икки юз минг армиясини тўлиқ вайрон қилган. Жангда отоқли Кир II ҳам ҳалок бўлган. Кир II ўлгандан кейин Форс давлатининг подшолигини Дарий I Гистасп бошқарган.

Бизнинг эрагача 519-йилда Дарий I сақларни бош эгдириш учун кўп сонли аскар билан қўл солган. Бу замонда сақ-тиграхаудаларнинг аскарлари тарқоқ бўлгани сабабли, аскарлар вақтида тўпланган эмас. Шундай қийин пайтда Ширав деган оддий қўйчи умрини қийиб, ўз халқини босқинчилардан сақлаб қолган. У қахрамон ўз қулоқ-бурнини кесиб, танасини ханжар билан тилиб, форс аскар бошчисига келган, у ўз уруғлари уни қийнаганлигини ва улардан ўч олиш учун уларнинг асосий кучи қаерда яширинганини топиб бермоқчи бўлганини айтган. Ширав етти кун бўйи босқинчиларнинг аскарларини қуёш куйган, сувсиз чўлга солиб, форс аскарлари чекасидан қирила бошлаган. Охирида Ширав-Сақ жангчисининг ҳийласини тушунган аскар бошчиси уни ўлим жазосига буюрган. Шундай дубулғаси қилиб, ўз эл-юртини севган сақ ўғли эли учун қурбон бўлган. Дарий I сақларни элаб ўзига қаратгани билан унинг ҳокимлиги маҳкам бўлмади. Босқинчиларга қарши курашга қатнашган Тангри-Тоғлик сақлар қарам бўлган эмас ва форс давлатининг таркибига кирмасдан, эркинлигини сақлаб қолишган.



Буни билиш қизиқарли

Иссиқ кўрғони

Олмотидан анча узоқ эмас ерда жойлашган Иссиқ кўрғонидан археологлар сақларга хос янги маълумотни олишди. Унда бизнинг эрагача V асрда ўлган 16-18 ёшдаги ўсмирнинг суяги ётган, унинг ёнида ҳар турли расмлар туширилган 4 мингдан ошмиқ олтин тахтачаларни топишди. Тахтачалар қачондир бир пайтда ўсмирнинг кийимига тикилибди. Олимлар кавлашда уларнинг биронтасини ҳам ўрнидан жидирмасликка ҳаракат-

ланишди ва улар «олтин одамнинг» костюмини шаклига келтиришди. Иссиқ қўرғонидаги олтин буюмлар гоаят сифатлиги билан фарқ қилади.



✍ **Ёзиб олинг:**

**Кўчман жамоатлар** – қондош туғишганларнинг гуруҳидан иборат бир ерга доим яшамаган чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланишган халқларнинг гуруҳи.

**Жамиятдаги тенгсизлик** – меҳнат қуроллари ривожланган сари меҳнат унумдорлиги ўсиб, унинг натижасида ошиқча ундирилган маҳсулотларни уруғ оқсоқолларининг ўзларига ёзиб олиши.

**Династия** – ҳокимиятнинг ижтимоий келиб чиқишига мувофиқ бўғиндан бўғинга ўтиши.

② **Саволлар ва топшириқлар:**

1. Олимлар сақ уруғларининг яшаш турмушини билиш учун қандай манбаъларни фойдаланишсади?
2. Сақларнинг чорвачилиги ва ижтимоий тузилиши қандай бўлган?
3. Форс подшолари нима учун сақларни тўлиқ бош эгдиря олишган эмас, қандай ўйлайсиз?
4. Қўйчи Ширақнинг ўз умрини қийишига нима туртки берди, унинг қаҳрамонлигини қандай баҳолайсиз?

## § 9. Усун давлати

1 **Асосий саналар:**

Бизнинг эрагача 160-йилда – Усунларнинг Марказий Тангри-Тоғига ва Етти-Сувга келиши.

Бизнинг эрагача 107-йилда – Усунлар билан Хитойларнинг ўртасида иттифоқ тузилган.

Бизнинг эрагача 71-йилда – Усунлар билан Хитойлар бирлашиб хунларни тор-мор этган.

Бизнинг эрагача 45-йилда – «Улуғ кунбоғ» Цилими тахтга ўтиради.

✓ **Тушунчалар:** кунбоғ, мерос, кутқу, сулола.

Усун давлатининг тузилиши. Тангри-Тоғидаги усун халқи тузган давлат, хитой ёзувларида «усунь го» (усунлар давлати) деб аталган. Аввал усунлар Улуғ Хитой деворининг фарб томонида кўчиб қўниб юришган. Бизнинг эрагача 160-йилда улар сақларни тор-мор этиб, Тангри-Тоғи ва Етти-Сувга келишган. Уларнинг куч-қувватли уруғ бирикмасига Марказий Тангри-Тоғи, Олой, Етти-Сув, Иле дарёси, ундан нари Балхаш кўлигача

территориялар кирган. Усун давлатининг подшоши кунбоғ – «уруғ бошлиғи» деган унвонга эга бўлган. Унинг ўрда шаҳри Чигу ёки Чигучэн (қизил водийдаги шаҳар) бўлган. Археологик тадқиқотлар орқали Чигу шаҳрининг харобалари ҳозирги пайтдаги Иссиқ-Кўлнинг Туп кўрфазининг тубида қолганлиги аниқланди. У ердан усунларга тегишли гил идишлар, бронза ўроқлар, ханжарлар, қозонлар топилган. Бизнинг даврнинг бошланишида кўлнинг суви кўтарилиб, Чигу шаҳри сув остида қолган.

Кунбоғ ҳокимлиги меросга ўтган. Усунларнинг муҳим ишларининг бири уруш бўлиб, ғоят жангчи халқ бўлишган. Давлатни бошқаришда кунбоғ оқсоқоллар кенгашига таянган, улар давлатнинг муҳим масалаларини ҳал қилишган. Подшога давлатни бошқаришда 16 мансабдор ёрдам берган. Усун армияси ўша замонда жуда кучли бўлган. Усун отличлари суяк билан қопланган оғир ёй, темир учли ёй ўқи ва темир қилич билан қуролланишган.

Чорвачилиги. Усун давлатининг хўжалигини чорвачилик, деҳқончилик ва қўл ҳунарчилик тузган. Энг асосий хўжалик ярим кўчманчи мол чорвачилиги бўлиб ҳисобланган. Ёзда баланд тоғли яйловларда ва қишда водийларда қўра-қўра қўйларни, уюр-уюр йилқиларни боқишган. Асосий бойлик йилқи эди. Молнинг кўпчилиги қисми усунларнинг оқсуяқларига тааллуқли бўлган. Энг бойларида 4–5 минг арғумоқларнинг уюрлари бор эди. Уларга жуда яхши яйловлар тааллуқ бўлган, бунда қашшоқлашган қариндошлари ва қуллар уларнинг йилқиларини ва қўйларини боқишган. Кунбоғ ҳисобсиз йилқи уюрларига эгалик қилган. Иссиқ-Кўл ва Чуй водийларида археологлар томонидан усунларнинг турар жойлари топилган. Ҳозирги Қора-Болтанинг шимолидан, шунингдек Оламудун ва Қум-Ариқ қишлоқларининг ёнидаги усунларнинг турар жойларидан кўплаб тош қўл тегирмонлар, ўроқлар ва сопол идишлар топилган. Бу ёдгорликлар усунларнинг деҳқончилик ва қўл ҳунарчилик билан шуғулланиб, ҳаёт ўтказганидан хабар беради.



Иссиқ-Кўл тубидаги сопол намуна.



Усунларнинг сопол-оёқлари. Иссиқ-Кўл.



Хитой билан иттифоқ. Бизнинг эрагача II асрнинг 2-ярми-дан тортиб усунлар билан хитойларнинг ўртасида ўзаро алоқа тузилади. Хитойлар усунлар билан яхши муомала тузиш орқали азалги душмани хунларни тор-мор қилишни ва Ўрта Осиёдаги Улуғ Ипак йўлига назорат қилишни мақсад қилган. Буни амалга ошириш учун Хитой императори У-Ди подшо қизларининг биттасини кунбоғга хотинликка жўнатди. Хитой подшосининг қизига уйланган кунбоғ бизнинг эрагача 107-й. Хитой билан иттифоқ тузган. Хунларнинг ҳукмдори тагин усунлар давлатига ўзининг таъсирини йўқотгиси келмасдан, дарровоқ кунбоғга ўзининг қизини берган. Вақтнинг ўтиши билан четэл хон қизларининг авлодлари тоққа ўтиришган ёки унга талабгор бўлишган. Улар кунбоғнинг сулоласида «хань» ва «хунн» деб аталган ўзаро баслашган иккита доимий бутоқни тузишган.

Хуннлар билан бўлган уруш. Бизнинг эрагача I асрнинг бошланишида усунлар давлатининг бошига кунбоғ Унгуими туриб, тоққа ўтирганда Фейван деган номга эга бўлган. Бу кунбоғ сулоласининг «хань» бутоғига тааллуқ бўлган. У ҳам хитойлик хон қизига уйланган. Фейван бошқариб турган пайтда усунларнинг давлати куч олиб, унинг қадр-қиммати қўшни давлатлар орасида ўсган. Усун кунбоғининг болалари хитойлик императорнинг саройида билим олишган. Бизнинг эрагача I асрнинг 70-йилларида усунларнинг кучаганидан ва хитойлар билан алоқасининг ривожланишидан чўчиган хуннлар сун мулкларининг чегараларига бир неча марта ҳужум ясашган. Ўшанда Фейван Хань империяси билан хуннларга қарши биргалашган аскарый ҳаракатлар ҳақида келишув тузади. Бизнинг эрагача 71-йилда усунларнинг 50 минг аскари, 150 минг хитой армияси билан биргаликда хуннларга қақшатқич зарба уришган.

Усун давлатидаги ички чатоқлар. Усунларнинг кучаши Хань империясини қаттиқ тинчсизлаштирган. Унга баҳслаш эмас, сўзга кирадиган иттифоқдош керак бўлганди. Кўп ўтмай хитойлик ўрда усунлар давлатининг ички ишларига кириша бошлаган.

Бизнинг эрагача 64-й. кунбоғ Фейван вафот этгандан кейин, усунларнинг оқсоқоллар кенгаши, онаси хунн қизи бўлган меросхўри Нимини тоққа ўтиргизишади. Янги кунбоғ тоққа ўтиргандан кейин Қуанван деган исмга эга бўлган.

Кунбоғ Қуанван давлатни озгинаёқ бошқарди. Халқ уни яхши кўрмади. Оқсуяклардан ҳокимият олган кунбоғ уларнинггина манфаатини ҳимоя қилиб, оддий халқга эътибор берган эмас. Қуанваннинг хотини — Хитой подшосининг қизи Унгуими Қуанваннинг халқ орасида қадр-қиммати йўқ эканлигини император саройига билдирган. Уларнинг кўрсатмаси билан кунбоққа қарши қутқу

ташкил этилган. Хитой хонининг қизи Чигудаги оқ саройида тўй бериб, тўй ўргалаб қолганда тўрда ўтирган Қуанванни қутқучиларнинг бири қилич билан чопган. Бироқ қилич яхши тегмасдан, Қуанван ярадоргина бўлган. Қутқуга қатнашганларнинг бири қўл солишдан кейин тоққа қочиб кетган. Ундан кейин қўққисдан Қуанванга ҳужум қилиб, уни ўлдирган.

Бизнинг эрагача I асрнинг 60- йиллари ўртасидан бошлаб бизнинг эрагача 45-йилларгача усун кунбоғларининг сулоласининг «хунн» ва «хань» бутуқларининг ўртасида олий ҳокимият учун кураш юрган. Бу кураш давлатнинг тор-мор бўлишига олиб келган.



Тарихий манбаъ билан танишиш  
Қадимги Хитой тарихида усунларнинг баён этилиши.

«Усунларнинг катта гуньмоси Чигу шаҳрида яшайди. Чанғандан 8900 ли масофада, 120 000 хонадон, 630 000 одам, аскарининг сони 188 800, ери текис ва ўтли; ўлка ёғин-сочинли ва совуқ. Тоғларида игнабаргли ўрмон ва мань дарахти ўсади. Деҳқончилик қилишмайди, моли билан эса сувли ва ўтли ерларга кўчиб-қўниб юришади; ташқи кўринишлари хуннларга ўхшашиб кетади. Уларнинг мулкларида йилқи кўп, бойлари тўртдан беш минггача йилқи боқишади. Уларнинг мулки энг кучлилардан бўлиб ҳисобланади.



Ёзиб олинг:

**Кунбоғ** (гуньмо) – «уруғларнинг бошлиғи», усунларнинг подшосига берилган унвон.

**Мерос** – отадан болага ҳокимиятнинг меросланиб қолиши, усун давлатининг ҳокимияти меросга қолган.

**Қутқу** – бир неча одамнинг ҳокимиятга қарши махфий уюшганлиги.



Саволлар ва топшириқлар:

1. Усун давлатига таъриф беринг:
2. Усунлар билан хуннларнинг уруши қимларга фойдали бўлган?
3. Нима учун Қуанванга қарши қутқу ташкил этилди?
4. Усунларнинг ички чатоғи нимага олиб келди, давлатга қандай таъсир текказди?
5. «Чин у шаҳри» деган мавзуда ҳикоя ёзинг.

## § 10. Давон давлати

1

Асосий саналар:

Бизнинг эрагача I минг йиллик – Фарғона водийсидаги Давон давлати.

Бизнинг эрагача 103-йилда – Фарғонага хитойликларнинг биринчи босқинчилиги.

Бизнинг эрагача 101-йилда – Фарғонага иккинчи босқинчилик.

✓ Тушунчалар: босқинчи, аргумоқ, хом ғишт.

Давон давлати. Фарғона водийсида бизнинг эрагача I минг йилликнинг бошланишидаёқ ривожланган, кучли давлат пайдо бўлган. Хитой ёзувларида у Давон деб аталган.

Давлатни маҳаллий подшоларнинг сулоласи бошқарган. Уларнинг ҳокимияти оқсуяклардан тузилган оқсоқоллар кенгаши билангина чекланган. Кенгаш подшоларни танлаган ва алмаштирган, уруш ва тинчлик масалаларини ҳал қилган, бошқа ўлкалар билан элчилик алоқаларни тузган ва узган.

Оқсоқоллар кенгашининг қарори айрим шаҳарларнинг раҳбарлари учун ҳам мажбурий бўлган. Давлатнинг таянчини эркин қишлоқ жамоати тузган. Уруш маҳалида улардан 60 минг одамгача халқ қўшини тўпланган, улар ёй ва найзалар билан қуролланган. Хўжаликда қўлларнинг меҳнати фойдаланилган, бироқ қўлчилик кўпинча оилалик сифатда эди, чунки ишлаб чиқаришда қишлоқ жамоати асосий аҳамиятга эга бўлган.

Хўжалиги, шаҳарлари. Бизнинг эрагача II асрда Давон хўжалиги энг юқори даражада ривожланган. Давлатнинг хўжалигини деҳқончилик тузган, жамоатдагилар гуруч, бугдой, пахта, беда, узум ўстиришкан, ундан энг яхши шароб тайёрлашган. Давоннинг фахри наслдор аргумоқлар эди, улар бутун Марказий Осиё бўйлаб доғдор бўлишган. Бу ўлкани «кўкдан тушган олам аргумоқларининг ўлкаси» – деб бекордан айтишган эмас, чунки: – «Хитой тарихчилари давонликларда аргумоқлар ғоят кўп. Аргумоқлар терлаганда қизғиш тер чиқади. У аргумоқлар йилқиларнинг осмон насл-насабларидан пайдо бўлган деган афсоналари бор» деб тамшаниш билан ёзишган. Фарғонада 70 тача катта ва кичкина шаҳарлар жойлашган. Давоннинг пойтахти Эрши шаҳри бўлган. Шаҳарни бир нечта ғов айлантириб ўраб турган, марказий қисми хом ғишдан қурилган минорали қалин деворлардан иборат. Давон давлатининг йирик шаҳарларининг бири Ўш шаҳри бўлган.

Давлатнинг шарқдаги чекини Ю шаҳри ҳимоя қилган. Шарқдан, ғарбдан ва шимолдан уни баланд минорали ҳимоя қилувчи

деворлар ўраб турган, жанубдан жўш урган дарё ҳимоя қилган. Хом гиштдан қурилган унча катта эмас турар уйларнинг тепасида гов деворлари юқори кўтарилиб турган.

Фарғона халқи тахминан 300 минг одамни ташкил этган, ташқи кўринишлари европалилар турида бўлган. Хитой тарихчилари «Давонликларнинг кўзлари чуқур, соқоллари қуюқ» деб ёзишган. Улар шарқ эрон тилларида гаплашишган.

Фарғонага хитойликларнинг биринчи босқинчилиги. Бизнинг эрагача II а. охирида Фарғона халқи Хитойдаги Хань сулоласининг тажовузкор босқинчилигига қарши курашишга дучор бўлган. Хань империясининг императори У-Ди бир неча босқинчилик урушларни юргизган. Кўчман хунн давлатининг кучдан кетишидан фойдаланиб, улар Улуғ Ипак йўли ўтган Шарқ Туркистонининг кўп қисмини босиб олган.

Бизнинг эрагача 105-й. улар усунлар билан иттифоқ туздандан кейин Фарғонани босиб олишни ва Фарғона орқали ўтган Улуғ Ипак йўлига эгаллик қилишни назарда тутган. У-Ди Фарғонага уларнинг аргумоқларини сотиб олиш учун элчи жўнатган. Оқсоқоллар кенгаши аргумоқларни хитойликларга сотишдан бош тортишган. Хань элчиси ўзини ғоят юқори даражада сезиб, давонликларга пўписа қилган, элчининг бундай қилиғи учун уни Ю шаҳрида ўлдириб қўйишган. Элчининг ўлдирилиши императорнинг фарғоналикларга уруш эълон қилиши учун яхши баҳона бўлган.

Император олти минг отлиқни ва бир неча минг пиёда аскарни аскар бошчиси Ли Гуанлининг раҳбарлигида босқинчиликка жўнатади. Бизнинг эрагача 103-й. хитой аскарлари оғир жанглар билан тоғни ошиб, Ю шаҳрига етган, шаҳарни ўраб олган. Хитой аскарлари шаҳарга ҳужум қилиб, уни бўйсундирган. Бироқ ундан нариги уруш ҳаракатлари учун кучи етмай, Ли Гуанли чекинишга буйруқ берган. Фарғонага босқинчилик муваффақиятсиз тамомланган. Хитойга ҳар бир беш жангчининг биригина келган.



Тоғ бетига чекилган ишқал  
Уш. 6. 3. 1-минг йиллик.



Пами жангчилар

Хитойликларнинг Фарғонага иккинчи босқинчилиги. Император У-Ди фарғоналикларни эздан кетмас қилиб жазолаш-ни ечган. Бизнинг эрагача 101-й. юз минг армия иккинчи босқин-чиликка чиққан. Барча қуролли кучларнинг бошида Ли Гуанли турган.

Биринчи босқинчиликдагидаёқ тажовузкорларнинг йўлида Ю шаҳри турган. Шаҳарнинг жангчилари далага чиқиб, Хитой ар-мияси билан очиқ жанг қилган. Бироқ шаҳарликлар оз бўлган ва мағлубиятга учраб қолишган, уларнинг қолганлари шаҳар ичига яшинишиб, мудофаага ўтишган. Ли Гуанли шаҳарнинг довурак мудофаачиларини қуршаб олиш учун аскарларининг бир қисми-ни қолдириб, асосий кучни давлатнинг пойтахти Эрши томонга қараб олиб жўнаган.

Фарғонанинг подшоси Мугуа душманнинг ортиқчилик қил-ган кучига очиқ жангга чиқиш натижасиз эканини тушуниб, озиқ-овқат ва мол учун ем-хашак ғамлаб, марказий шаҳарнинг дарво-заларини ёпишга буйруқ берган.

Хитой армияси Эршини 40 кун қуршовга олган. Марказга кирган сувни бошқа томонга буриб юборишган. Қуршовдагилар чуқур қудуқларни кавлаб олиб, мудофаани давом эттиришди. Хитойликлар шаҳарни қуршаб турган деворни буза бошлади. Ўшанда подшо Мугуа мудофаачиларни маҳкамроқ ички девор-нинг ичига киргизиб, қаршилик кўрсатишни давом эттираверган.


Фарғонанинг енгилиши. Ғовлардан ҳам мустаҳкамлик — бу бирикканлик эди. Мана шу бирикканлик шаҳар мудофаачи-лариди бўлмади. Энг оғир пайтда оқсоқоллар кенгашининг таъсирли одамлари босқинчилари билан тил топишмоқ йўлини излай бошлади. Довурак Мугуа хонлик билан ўлдиридди. Унинг бошнини ярашишнинг нишонаси сифатида оқсоқоллар Ли Гуанли-га юборишди. Ўртада тинчлик шартномаси тузилди.

Унинг шартига кўра хитойликлар бир неча ўнлаган наслдор аргумоқларни ва 3 минг чопқир отларни олишди. Мугуа ўлди-рилгандан кейин, бўш қолган подшонинг тахтига хитойликларга жон тортган тўра Моцай ўтирди.

Шундай қилиб, босқинчиларнинг армияси Эршини босиб олол-май қайтиб орқага жўнади. Озодликни севган Ю шаҳри Хитой билан тинчлик шартномани танимади. Ли Гуанли бу томонга кат-та куч юбориб, улар ҳужум билан Ю шаҳрини олишди. Фарғона-ликлар қувватли Хитой билан курашда енгилиб қолишди. Бироқ У-Ди учун ғалаба ўнғайга турган эмас. Хитойга 100 минг аска-рининг ўрига 10 минг аскаргина қайтиб келди, 3 минг Фарғона аргумоқларининг эса мингигина қолган.

Ли Гуанлининг армияси кетиши билан Фарғона давлатида хань империясининг сиёсий таъсири тўхтади. Оқсоқоллар подшо

Моцайни хоин қатори айблаб, ўлим жазосига ҳукм қилишди. Тахтга Мугуанинг энг кичик укаси Чаньфин ўтирди. Давон давлати тезгина ўзининг мустақиллигини тиклади.

 Тарихий манбаъ билан танишиш  
Қадимги Фарғона ҳақида Хитой маълумоти.

«Халқи 60 000 оиладан, 300 000 одамдан турган; аскарининг сони 60 000 Давон мулкдориди ҳамма ерда узумдан шароб ачитишади. Бойлар уни кўп меъёрда уйларида сақлашади ва улар бир неча ўнлаган йиллар бўйи бузилмасдан сақланиб тураверади. Давонликлар шаробни яхши кўришади; уларнинг отлари эса му-су ўтини (беда) ейишади. Давонда 70 дан ошиқ шаҳар бор. Арғумоқлари кўп, отлари терлаганда қизғиш тер чиқади.

Уларнинг йилқилари осмон отларининг тухумидан пайдо бўлган деган миш-мишни айтишади... Давонликларнинг кўзлари чуқур, соқоллари куюқ; савдога қобилиятли, фойда кўзлашда бир-бирига баҳслашади. Хонимларни ҳурмат қилишади, рафиқаси айтган сўзни эркаклар ҳеч қачон ерда қолдиришмайди.


 Ёзиб олинг:

**Оқсоқоллар кенгаши** – давлатдаги йирик оқсуяклардан иборат, подшонинг фаолиятини назорат қилиб турувчи идора.

**Тажовузкор** – давлатнинг иккинчи бир давлатга аскар кучлари билан қўл солиши.

**Хом ғишт** – лой ва сомон аралашмасидан ясалиб, қуёшга қуритилган ғишт.

**Арғумоқ** – наслдор отларнинг қадимги аталиши.

 Саволлар ва топшириқлар:

1. Давон давлати қайси пайтда пайдо бўлган, уни кимлар бошқарган?
2. Фарғоналикларнинг хўжалигининг асосини нима тuzган?
3. Хитойликларнинг Фарғонага уруш очилишининг сабаби нимада эди?
4. Биринчи ва иккинчи босқинчиликлар хитойликлар учун ва фарғоналиклар учун қандай натижалар билан тамомланди?
5. Фарғоналикларнинг қаҳрамонлигини ва довбюраклигини ақс эттирган кичкина эссе ёзинг.

## § 11. Қадимги қирғизлар хуннларнинг (гунн) даврида

1

Асосий саналар:

Бизнинг эрагача 1-минг йиллик — Марказий Осиёда хуннларнинг тарихий аренага чиқиши.

Бизнинг эрагача 209-й. — Маодуннинг ўзини хуннларнинг шоңуий қатори эълон қилиши.

Бизнинг эрагача 201-й. — Маодуннинг Гэгун (Қирғиз) эгаликларини босиб олиши.

Бизнинг эрагача 56-й. — Қирғизларнинг хуннлардан бўлиниб, мустақил давлат тузиши.

✓ **Тушунчалар:** шоңуий, гэгун.

Қирғизлар ҳақида дастлабки хотира ва қадимги қирғиз территориялари. Қирғизлар ҳақида бизга етган энг биринчи хотира Хитойнинг тарихий асарларида учрайди ва бизнинг эрагача 201-йилга тааллуқ. Худди ушбу замонда Маодун раҳбарлик қилган хуннларнинг қувватли давлати гэгунларни босиб олгани ҳақида маълумот бор. Гэгун деб хитойлилар қадимги қирғизларни аташган. Қирғизлар ҳақида кейинги хотира Хитой йилномасида юз йил ўтгандан кейин — бизнинг эрагача 101-йилда учрайди. Ушбу замонларда хуннлар, қирғизларнинг бошқарувчи қатламларини алмаштирган. Бизнинг эрагача 99-й. Қирғиз мулкдорлигини бошқаришга хуннларга асирга тушган хитой аскар бошчиси Ли Лин тайинланган. Бизнинг эрагача 90-й. қирғизларнинг янги бошқарувчиси хитойликларга қўл солган. Бу урушга қирғизлар фаол қатнашган, хитойликлар оғир мағлубиятга учраган. Ли Лин бизнинг эрагача 74-йилда вафот қилган.

Миш-мишларга кўра унинг авлодлари қирғиз ерида меросли мулкларга эга бўлишган. Қирғизлар хуннларнинг қўл остида қолаверишган. Бизнинг эрагача 56-й. хуннларнинг марказий бошқаруви ночорлаган пайтда қирғизлар уларга қарши чиқиб, озодликка эга бўлишган. Мана шу воқеадан кейин Хитой тарихий манбаъларида дастлабки Қирғиз давлати тўғрисида хотиралаш бошланган. У Қирғиз давлатининг территорияси Шарқ Тангри-Тоғининг шимол томонида Бўрў-Хўрў тоғ тизмаси билан Дзосотин-Элисун чўлининг ўртасида жойлашган.

Хуннлар давлатининг тузилиши. Маодун ҳақида миш-миш. Бизнинг эрагача 1-минг йилликнинг чекларида Марказий Осиёда қадимги кўчманлар хуннлар яшаган. Хуннлар давлатининг тузилиши Маодун шоңуийга боғлиқ. У ақлли, жасур, узоқни кўра билган сиёсатчи одам бўлган, Турк халқлари ўзларининг миш-мишларида уни ҳўккиз хон деб билишган. Унинг исми билан бизга ет-

ган энг қадимги турк афсонаси боғлиқ. Унинг отаси Туман шонуйнинг икки боласи бўлган. Туман яхши кўрган энг кичик боласига тахтини қолдириш учун, Маодунни қўшни уруғга бекорга берган ва қўшнилари ўсмирни тезоблик билан ўлдириб қўяди деб ҳисоблаган. Бироқ Маодун ўнгидан келганда энг яхши аргумоққа миниб, ўз юртига қочиб келади. Отаси унинг довиюраклигини баҳолаб, унга 10 000 оиладан иборат озгина ерни бошқаришга беради. Бошқариш территориясига эга бўлган Маодун аскар туза бошлаган. У аскарлари учун «ҳуштак чалиб учувчи» ёй ўқларини ясади. Маодун ўзининг отлиқларига, ўзи нима ясаса ўшанинг ҳаммасини сўзсиз бажаришга буйруқ берган, у ўзининг зувиллаган ёй ўқини қайси тарафни қараб отса, жангчилар ҳам ўша тарафга отиши лозим эди. Маодунга ҳеч нарсани ўйламасдан, у хоҳлаган нишонга тўппа-тўғри отувчи жангчилар керак эди. Кунларнинг бирида у ўзини асирдан қутқариб чиққан энг яхши кўрган отини отган. Юзлаб ёй ўқи теккан от қулаб тушган. Отни отмаганларнинг боши олинган. Тағин бир бор Маодун боши олинган. Тағин бир бор Маодун ўз рафиқасига ёй ўқини қаратган. Ўша пайтдаёқ рафиқасининг танаси, сайилган ёй ўқларидан кўринмай қолган. Отмай қолган аскар бўлгани йўқ, бу учун аскарларини аёвсиз мукофотлади. У ўзининг жангчилари бошлиқнинг хоҳлаган ишига тайёр эканини тушунди. Учинчи бор у буғуга овчиликка чиққан пайтда унинг ёй ўқи отасининг курак суягига мўлжалланиб, кўз очиб юмгунча юзлаган ёй ўқлари унга сайилди. Бу воқеадан кейин бизнинг эрагача 209-йилда Маодун ўзини хунларнинг шонуйиман (хониман) деб эълон қилган.

Тағин бир миш-миш Маодуннинг бошқарувчи фаолияти ҳақида баён қилади. Бир бор унга қўшни дунху халқининг элчилари келади. Улар Маодундан энг яхши аргумоғини беришини талаб қилган. Шонуйнинг кенгашчилари отни бермасликни айтишди. Маодун оқилларини тинглаб, «яхши қўшни учун от аянчли эмас» деб, энг яхши аргумоғини бериб ташлади. Ундан кўп ўтмасдан чавандоз келиб, энди Маодун ўзининг энг чиройли ра-



Маодун шонуй.



Хун жангчилари.



фиқасини беришини айтди. Аччиғи келган кенгашчилар дарров уруш очишни айтишди.

Бироқ шонуй қўшниси билан тинчликда яшаш учун севикли рафиқасини бериб юборди. Учинчи бор дунху халқининг элчиси чегарадаги ерларни беришини талаб қилди. Оқсоқоллар дарров ер беришни муҳокамага олди. Кенгашчиларнинг кайфини пайқаб Маодун: «Ерни мен ҳеч қачон ва ҳеч кимга бермайман, – деди оҳистагина, – ер давлатнинг асосини тузади». Маодун кенгашчиларнинг бошларини олиб дарров дунхуларга қарши босқинчиликка жўнади. Хуннлар сел қоплагандай қоплаб, дунхуларни тор-мор қилди. Ундан кейин Маодун қўшни уруғларни ва халқларни қаратиб, кучли хунн давлатини тузди. Бизнинг эрагача 200-йилда хуннлар Хитойга йирик ҳужум ясади, ўшандан бошлаб икки давлатнинг ўртасида узоқ давом этган урушлар бошланган. Узунлиги 6 минг км бўлган Улуғ Хитой девори ўша замонларнинг ёдгорлиги. Бизнинг эрагача II а. Хунн давлатининг территорияси шимолдан Байкал, жанубда Тибет, шарқда Хинган, ғарбда Тангри-Тоғигача чўзилиб ётган. Маодун-шонуй бизнинг эрагача 174-йилда вафот қилган.

Тарихий манбаъ билан танишиш  
Хунн давлатининг яралиши.

(Маодун ҳақида миш-миш, хитой тарихчиси Сима Цяннинг энг қадимги йилномасидан). Ундан кейин Маодун умумий ҳарбий чақириқ эълон қилди ва кечикканларнинг бошини олиш буйруғини бериб, қўкқисдан дунхуларга ҳужум қилиб, уларни тор-мор қилди. (Хитой тарихи бу воқеани бизнинг эрагача 209-йилга тааллуқ қилади.)

Ўшандан бошлаб Маодун от устидан тушгани йўқ. У хуннларнинг 24 уруғини бирлаштириб, энг кучли дала давлатини тузди. Қисқа пайтнинг ичидаёқ 300 минг одамдан иборат уруш имконияти энг юқори армия яралди. Хитой ноилждан бизнинг эрагача 198-й. хуннлар билан тинчлик шартномасини тузган.

*Ёзиб олинг.*

*Шонуй* – хуннларнинг хони.

*Гэгун* – қадимги қирғизларнинг хитойча айтилиши.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Қирғизлар ҳақида биринчи бор қачон хотириланади?
2. Қирғизлар билан хуннлар қандай муомалада бўлишган экан?
3. Хуннлар давлатига таъриф бериш.
4. Маодунга боғлиқ афсонави айтиб бериш.

### III БОБ. ҚИРҒИЗЛАР ТУРК ДАВРИ ЗАМОНИДА (VI–XII АСРЛАРДА)

#### § 12–13. Қирғизистоннинг территориясидаги турк ҳоқонликлари

1

Асосий саналар:

552-й. – Улуғ Турк ҳоқонлигининг тузилиши.

603-й. – Улуғ Турк ҳоқонлигининг иккига бўлиниши.

704–766-йй. – Турғўш ҳоқонлигининг замони.

751-й. – Таласдаги Атлах жанги.

✓ Тушунчалар: этнос, ҳоқон, шомон.

Улуғ Турк ҳоқонлиги. Марказий Осиёнинг ва Қирғизистоннинг тарихида VI–X асрлар қадимги турк даври деб аталади. «Турк» деган Хитой солномасида биринчи бор 546-й. ёдга олинган. Бу сўз халқнинг номи, руна сингари ёзувлар бўйича «кучли», «маҳкам» деган сўзни тушунтирган.

VI а. ўртасида Олтойда яшаган турк уруғ иттифоқини ашина уруғидан чиққан бир туғишганлар Бумин ва Истемин бошқарган. Улар миш-мишда айтилган бўрининг ўғли Ашинани ота-бобомиз деб ҳисоблашган. Дастлаб улар Марказий Осиёдаги аварларга (жуан-жуанлар) бош эгиб туришган. Бумин ва Истемин аскарларини кучлаб, аварларнинг ҳокимиятидан қутулишигина эмас, Марказий Осиёга ҳукмронлик қилишни кўзлаган. Уларнинг юқорилаш замони 546-йилда ўзларининг қўшниси теле уруғларини босиб олиш билан қўшланади. Ишончли кучга эга бўлган турклар аварларга солиқ тўлашдан бош тортади, пухта қуролланган жаңчилари билан 552-йилда аварларнинг аскарларини тормор қилиб, Бумин аварларнинг давлат бошчисининг «ҳоқон» унвонини олган. Шундай қилиб, бу воқеадан кейин Марказий Осиёда янги «Улуғ турк» ҳоқонлиги тузилди. Турк ҳоқонлигининг асословчиси Бумин 553-йилда вафот қилгандан кейин унинг ўғли Мухан-ҳоқон Манчжурия ва Жанубий Сибирдаги қирғизларни бош эгдирган, ўша замондаёқ шимолий Хитой давлати туркларга солиқ тўлаб турган.

Туркларнинг урф-одатига кўра ҳоқонлик бош ҳокимият Буминнинг укаси Истеминга ўтган. У ғарбга йирик босқинчиликларни ясаб, бурунги босиб олган ерлари Етти-Сув, Марказий ва ғарбий Тангри-Тоғи территорияларини, Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг йирик далалари билан кенгайтган. Натижада Улуғ Турк давлати Марказий Осиёдаги бирдан-бир йирик давлат бўлиб қолган.

Ҳоқонликнинг бўлиниши. Турк ҳоқонлиги ташқи сиёсатида йирик муваффақиятларга эга бўлгани билан уни ушлаб туриш қўлидан келмади. Сабаби, куч билан босиб олган ерлардаги кўз-ғолонлар, ташқи душманлар — Хитой билан Эроннинг куч олиши ва ички ўзаро адоват халақит бўлди. 575-й. қадр-қиммати юқори Истемин-ҳоқон оламдан ўтди, ундан кўп ўтмасданоқ Турк ҳоқонлиги шарқ тарафининг бошқарувчиси Таспар-ҳоқон дунё солди. Бу одамлар ўз вақтида ҳар турли уруғлардан иборат давлатни қаттиқ ушлаб туришган. Энди ночорлаган ҳокимиятга эга бўлиш учун бир туғишганлар орасида уруш юрди. Узоққа чўзилган ҳокимият учун курашнинг натижасида 603-йил Улуғ Турк ҳоқонлиги иккига бўлинган, Шарқий-Турк ҳоқонлигининг марказий территориясини Мўғулистон ва Фарбий-Турк ҳоқонлигининг марказий территориясини Тангри-Тоғи тузган. Шундай қилиб, Улуғ Турк ҳоқонлиги 552-йилда тузилиб, 603-йилгача ҳукм сурган.

Қирғизистоннинг тарихи Фарбий-Турк ҳоқонлиги билан зич боғланишган. Фарбий-Турк ҳоқонлиги 603–704-йй. замонида яшаган. Бу ҳоқонликнинг таркибига Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё территорияларининг деҳқончиликка қулай ерлари, Орол бўйидаги ва Шимолий Кавказдаги ерлар кирган. Маркази аввал Талас водийсидаги Минг-Манбаъ, кейин 618-йилдан бошлаб Чуй водийсидаги Суяб шаҳри бўлган.

Фарбий-Турк ҳоқонлиги Тон жабғу ҳоқоннинг бошқариш замонида (618–630-йй.) ўз аро уришувлардан қутилиб, ривожланишга етишган. Замондошлари унга сиёсий томондан ҳам, аскарий томондан ҳам юқори баҳо беришган. «У ҳеч нарсадан тортинмаган, ҳаммасини олдиндан билган, зийрак одам бўлган. Унинг ҳар қандай тўқнашувни ғалаба билан битган», — деб ёзади хитой солномалари. Унинг вақтида ҳоқонликнинг территорияси кенгайган, ташқи душманлар теголмас бўлган. Фарбий-Турк ҳоқонлиги халқининг асосий хўжалиги молчилик бўлган. Туркларнинг усталари қурол-яроғларни, деҳқонларнинг меҳнат қуролларини ясашган. Бронзадан, мисдан, қумушдан ва олтиндан ҳар турли гўзал буюмлар ясаган заргарлар бўлган.

Фарбий-Турк ҳоқонлиги Фарб ва Шарқ давлатлари билан савдо ва сиёсий алоқада бўлиб, Жанубий Сибирдаги, Олтой ва Мўғулистондаги халқлар билан маданий алоқаларини узган эмас. Улар шомон динини тутиб, ўтга сиғинишган ва ўлган одамни қадимги одат бўйича қўйишган. Ўликни қўйганда тирик вақтида ўша одамга тегишли бўлган буюмларни — ёй, ханжар ёки найза, озиқ-овқат солинган идиш, безак буюмларни қўйишган. Атоқли бошқарувчилар ва аскар бошчиларини тантанали кўмишган. Унга бағишлаб хурофот-аломатлар ясашиб, кўрғончанинг шарқ ёки фарб тарафига мраммар тошдан ҳайкалинини ўрнаттишган.

Тон жабғу-ҳоқон аҳамиятли сиёсий-маъмурий ислоҳот юргизиб, кўчман халқ билан Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонда яшаган даражали одамларнинг ҳуқуқларини тенглаган. Бу дала оқсуякларининг ортиқчиларининг йўқотилишига олиб келиб, улар бир неча енгилликлардан ажраган. Ҳоқон ўзига бош эгиб юрган бошқарувчиларнинг ишини кузатиш учун ва солиқларни йиғиш учун махсус ҳокимлар-дудуқларни тайинлаган. Дала оқсуякларининг норозилигининг кучаши Тон жабғу-ҳоқонни ўлдириш билан тугалланди.

Мана шу воқеадан кейин Фарбий Турк ҳоқонлигида ҳокимият учун кураш бошланади. Охири Ашина сулоласининг охириги ҳоқони тургўшлар тарафидан ўлдирилиб, ҳоқонликнинг йўқ қилиниши билан тугади.

Тургўш ҳоқонлиги (704–766-йй.). VIII асрнинг бошланишида турк уруғларининг орасида Чуй дарёсининг шимолий-шарқида яшаган тургўш уруғи куч олади. 704-йй. тургўшларнинг раҳбарининг қўлидан охириги Фарбий Турк ҳоқони ўлади. Мана шундан кўп ўтмасданоқ Етти-Сувнинг территориясининг кўп қисмига ўз ҳокимиятини ёйилтириб, тургўшлар турк уруғларининг орасида бошқарувчи ҳолатни эгаллайди. Тургўш ҳоқонлигига йиғирма уруғ бириктирилиб, уларнинг ҳар бири ҳоқонга 7000 одамдан турган аскар бериб турган. Маркази Суяб шаҳри бўлган.

Тургўшларнинг энг кучли замони VIII асрнинг биринчи чорагида – Сулук деган ҳоқоннинг бошқариш йилларига тўғри келади. Бу замонда тургўшлар қўшни давлатлар билан боғланишни кучатиб, ўзларининг устунлигини Етти-Сувдан бошқа ерларга ҳам ёйишга ҳаракат қилган. Тургўш ҳоқонлигининг даври Қирғизистоннинг территориясида иқтисоднинг ва маданиятнинг юқорилаши билан белгиланди. Бу ишда Ўрта Осиёга арабларнинг қўл солишига боғлиқ Сўғдани ташлаб кетишган сўғдаликлар муҳим роль ўйнади. Шаҳар ҳаёти жонланиб, савдо ривожлана бошлайди.



Шаҳар ҳаёти жонланиб, савдо ривожлана бошлайди. Ўша замонда ҳоқонликда тургўш мис тийинлари савдода кўп қўлланилган. VIII а. ўрталарида тургўш ҳоқонлиги учун ташқи сиёсий оғир аҳвол тузилган. Шарқда Хитой империясининг қўл солиш хавфи туғилган, жанубий-ғарб тарафдан эса араб босиб олувчилари кириб келган. Кўп узамасдан хитойлар тургўшларга қўл солиб, уларни тор-мор қилади. Бироқ 751-й. Етти-Сувга кириб келган хитойнинг жангчилари Таласда араблар билан учрашади. Араблар бўлса ўша пайтда бутунлай Ўрта Осиёни енгиб олиб, Етти-Сувга қараб келаётганди. Шиддатли жанг Атлах шаҳрининг ёнида бўлиб ўтади. Хитойлар мағлубиятга учраб қолади-да ўзининг еригача чекинади, араблар эса қайтадан Сўғдага кетишади. Тургўшларнинг араблар билан ва ичора урушлари ҳоқонликни тамоман ҳолдан кеткизган ва 759-й. қарлуқларнинг ҳужуми бошланганда тургўшлар уларга лойиқ қаршилик кўрсата олган эмас. Мана шундай вазиятда Етти-Сувдаги устунлик қилиш туркларнинг қарлуқ уруғига ўтади.

Қарлуқ давлати. Қарлуқлар аввало Олтойнинг ғарбида ва Иртиш дарёсининг қирғоқларида яшаган. VIII а. ўрталарида улар Иле дарёсининг қирғоқларидан бошлаб, Чуй ва Талас водийларигача жойни ўзгартишган. 766-й. Суяб шаҳрини эгаллаб олишгандан кейин қарлуқлар Қирғизистоннинг территориясида бутунлай мустаҳкамланиб олишган. Қарлуқларнинг бошлиғи «жабғу» унвонини олиб юрган. Қарлуқ ҳоқонлиги деярлик икки юз йил яшаган. У яшаган замон – Қирғизистоннинг дастлабки ўрта асрлардаги маълум юқорилаган даврини тузади. Ҳоқонликнинг ҳалқининг асосий қисмини этник жиҳатдан, шунингдек хўжалик жиҳатдан, маданияти ва маиший жиҳатдан бўлсин бир-бирига яқин турк тилида гапирувчи уруғлар ташкил этган. Шаҳарлар ривожланиб, савдо куч олган. Бироқ тобора бош кўтариб келаётган уйғурлар қарлуқларни қисимга ола бошлаган. Натижада қарлуқ давлати барбод бўлиб, тарқоқлик даврини бошидан кечира бошлади.



Тарихий манбаъ билан танишиш      Қадимги хитой маълумоти

Турклар асосан йиғилма ўтовларда яшаган. Бошқарувчилари эса ўтовдагина эмас, катта томларда ҳам яшашган. Истемин ҳоқоннинг энг гўзал ўрда томи қараган кишининг кўзига иссиқ кўриниб, ўз вақтида гўзаллиги ва безаклари бўйича европадаги византиялилардан қолишган эмас. У томининг гаяичи олтин ялатилган ёғоч устунлардан иборат бўлиб, тепаси қизил ипак билан ёшилган эди. Кўчманларнинг бундай ўрдаси ташқи олам-



ларни қабул қилишда жуда яхши гўзал буюмлар, идиш-оёқлар билан тўлдирилиб, одам-одамни ҳайрон қолдирган. Ҳоқоннинг баланд тахтининг икки томонида жанговар кийимли, қуролли соқчилар туриб, туркларнинг кучидан хабар бериб турган.

✍ **Ёзиб олинг:**

**Этнос** – маълум бир территорияда шаклланган халқнинг ўзгармас гуруҳи.

**Ҳоқон** – қадимги турк, қирғиз, уйғур ҳоқонликларидаги одий бошқарувчининг ва аскар бошлиғининг номи.

**Шомонийлик** – диннинг энг қадимги шакллариининг бири.

② **Саволлар ва топшириқлар:**

1. Турк ҳоқонлигининг тузилиши ҳақида айтиб бering.
2. Бумин ва Истемиин ҳоқонликни қуришда қандай роль уйнаган?
3. Фарбий Турк ҳоқонлиги бўйича Қирғизистоннинг территориясида қандай ёдгорликлар бор?
4. Тургўш ҳоқонлиги ҳақида нима билдингиз?
5. Қарлуқлар ҳақида айтиб бering.

## § 14. Она-Сойдаги Қирғиз давлати

① **Асосий саналар:**

Бизнинг эрагача I аср – Чжичжининг қирғиз жангчилари билан Минг-Ўзан водийсига босқинчилиги.

Бизнинг эранинг V асри – Қирғизларнинг Она-Сойга юрт ўзгартиши.

Бизнинг эранинг VI асри – Она-Сойда қирғиз давлатининг тузилиши.

✓ **Тушунчалар:** ажо, цигу, қиштим.

Қирғизларнинг Она-Сойга юрт ўзгартиши. Қирғизлар – Марказий Осиёдаги халқларнинг энг қадимгиларининг бири. Уларнинг тарихи хуннлар билан зич боғланишли эканлиги хитой солномаларида акс эттирилган. Хуннларнинг қўл остидаги қирғизлар бизнинг эрагача 56-й. уларга қарши қўзғолонга чиқиб, ўз давлатининг мустақиллигини тиклашган.

Бироқ хуннларнинг хони Чжичжи бизнинг эрагача 49-й. қирғизларни қайтадан ўзига бўйсундирган. Ундан кейин Чжичжи ўзининг аскарларини довурак қирғиз жангчилари билан тўлдириб, ўрта Она-Сойдаги Минг-Ўзан водийсини эгаллаган динлин уруғларига қўл солиб, уларни босиб олган. Бу қирғизларнинг Она-Сойга биринчи марта бориши бўлган. Бироқ қирғизлар таркибида бўлган хуннлар у томонда кўпга туришган эмас, қайтиб келишиб, ҳозирги Талас территориясига жойлашган. Буерда Чжичжи

бизнинг эрагача 36-й. Хитой аскарларининг қақшатғич зарбасига дучор бўлиб, жангда тутқунга тушиб, боши олинади.

Ундан нари қирғизлар ҳақида маълумот бизнинг эранинг I–V асрларига таълуқли хитой солномаларида ёдга олиниб, унда қирғизлар хэгу ёки цигу деб аталган. V асрда қирғизлар жуан-жуанларга қарам бўлмас учун жон аямасдан курашишган. Марказий Осиёда эгаллик қилишга интилган ва жуан-жуан уруғларининг қисими остида қирғизлар Тангри-Тоғдан Она-Сойга юрт ўзгартишга мажбур бўлишган. V аср охирида қирғизлар Она-Сойдаги маҳаллий уруғларни ўзига қўшиб олиб, у ерларни эгаллай бошлаган.

Она-Сойда Қирғиз давлатининг тузилиши. Хитой солномалари ёзгандай VI асрларда қирғизларнинг ерлари Она-Сой дарёсининг ўрта оқимидаги Минг-Ўзан водийсида бўлган. Булар ҳар қайси халқларнинг тарихий манбаъларида ҳар қандай айтилади, сўғда, уйғур ва қадимги турк манбаъларида «қирғиз» деган ном билан маълум. VI асрда Она-Сой қирғизлари бут Минг-Ўзан водийсини бутунлай қаратиб олишиб, мустақил давлат тузишган. Бу ерларда яшаган маҳаллий уруғлар қирғиз уруғларига аралашган, баъзи бирлари эса тоғли томонларга сурилган. Улар қирғизларга солиқ тўлаб туришган. Солиқ тўлаган уруғларни қирғизлар қиштимлар деб аташган. Қиштимлар – Қирғиз давлатига қарам бўлган халқлар бўлиб ҳисобланган.

Қирғиз давлатининг бошида олий бошқарувчи – ажо турган. Ажо олтин иллардан тикилган учи чўққили қалпоқ кийиб, унинг қароргоҳида доимо қизил байроқ тикилиб турган. Ажонинг қароргоҳи яхши мустаҳкамланган, ўртада ажонинг ўтовни, уни айлантира эса кичкина ўтовлар тикилиб, уларда унинг яқинлари туришган. Хитой тарихчилари баён қилгандай Она-Сой қирғизлари номусли, ўзгармас бўлишган. Уларнинг низоми ғоят қаттиқ бўлган:



«Жанг олдидаги тутуруқсизлик, элчилик вазифани бажармаганлик, ажога тескари маслаҳат бергани учун, кимлигидан қатъий назар боши олинган».

Қирғизларнинг хўжалиги ва маданияти. Қирғизларнинг асосий хўжалик ишларидан хабар берган бурунги ёзма дараклар кўп. Айниқса қирғизлар чорвачиликка жуда зўр диққат ажратган. Тан давридаги хитой солномаларида қирғизларнинг «ойилқилари семиз ва ҳайбатли, уларнинг пухталари ер тепиб, ирғишлаб туради. Туялари ва сигирлари бор, бироқ энг асосийи сигир билан қўй. Бойлари бир неча минг мол боқишади», — деб баён қилишган. Қирғизлар эса ўзларига тегишли гўё руник каби ёзувларида «менинг олти минг йилқим», «белги солинган молимга ҳисоб еткис эди», деган сингари сўзларни ёзишган. Чорвачилик қирғизларнинг хўжалигида муҳим ўринда турганлигини археологик топилмалар ҳам тасдиқлайди. Қирғизларнинг ер ўзгартиб, тиришқоқлик билан кўчиб-қўниб юрган ҳаётини уй ҳайвонларининг сонигина эмас, уларнинг туриб қолган ерлари, уйларининг тузилиш қиёфаси ҳам маълум қилади.

Кигиз билан ёпилган ўтовлар қирғизларнинг асосий турар жойи бўлган. Тарихий манбаъларда: «Ажонинг турган жойи Қора-Тоғда. Унинг янги ўтови устунчалар билан ўралган. Кигиз ёпилган. Қолган бошлиқлар ундан кичикроқ уйларда туришади», — деб ёзади.


Кўчманчи қирғизларнинг хўжалик ҳаётида овчилик муҳим роль ўйнаган. Бу тўғрида ёзма дараклар ва тоғ-тошга чекилган расмлар баён қилади. Ёввойи тирик жонлиларга от қўйиб, тайғон солиб, ёй тортиб, камон ўқи билан ёввойи қуш отиб овчилик касбини қилишган.

Қимматбаҳо терилар, (буғунинг мугузи) ва йилқи савдонинг асосий манбаи бўлган. Савдо-сотик ишларининг, талончилик урушларининг орқасидан чет томонлардан қирғизларга серҳашам қурол-яроқлар, чиройли идишлар, газлама-духобалар, тийинлар, бошқа безаклар келиб турган.

Қирғизларга сўғдалик кўпаслар савдо юргизган. Ёзма даракларнинг маълумотига кўра 20–25 туядан иборат карвонлар Она-Сойга икки ойлик йўл босиб, уч йилда бир келиб туришган.

Қирғизлар кон бойликларини ишлата билишган. Қирғиз қўл ҳунармандлари мис, кумуш, олтиндан, темирдан уруш қурол-яроқларини ва энг чиройли безакларни ясаган. Сопол вазаларни, косачаларни ясашни билишган.



 **Тарихий манбаъ билан танишиш**  
**Она-Сой қирғизларининг дини**

Она-Сойдаги қирғизларнинг дини тангричилик бўлган. Бошқа турк халқлари сингариеъ Тангри билан Умай-она олий худолар деб ҳисобланган. Қирғизларнинг ишончини форс тарихчиси Гардиси қуйидагича баён қилади: «Қирғизлар индуслар сингариеъ ўлганларини ёндириб юборишади ва ўт – энг тоза нарса, ўтга дуч бўлганнинг ҳаммаси тозаланади: ўлган одамни яна ўт кирдан ва гуноҳлардан тозалайди» деб айтишади. Уларнинг орасида шомон деб аталган одамлар бор; улар янги йилда нима бўлишини: «муҳтожлик ва бойлик ҳақида, ёгин-сочин ва қурғоқчилик ҳақида, қўрқинч ва хавфсизлик ҳақида, душманларнинг қўл солиши ҳақида олдиндан айтишган ва кўпинча у қандай айтса, ўшандай бўлган».




 **Ёзиб олинг:**

**Цигу** – хитой солиномларида қирғиз деган аталешнинг берилиши.

**Қиштим** – қирғизларга солиқ тўлаган қарам халқларнинг аталеш.

**Ажо** – Она-Сойдаги қирғизларнинг олий бошқарувчиси.

 **Саволлар ва топшириқлар:**

1. Марказий Осиёдан қирғизларнинг Она-Сойга бориши ҳақида айтиб беринг.
2. Қирғиз давлатининг тузилиши ҳақида айтиб беринг.
3. Қирғизларнинг ҳўжалиги ва маданияти ҳақида нима билдингиз?
4. «Она-Сойдаги Қирғиз давлати» деган мавзуда эссе ёзинг.

## § 15. Барсбек – қирғиз ҳоқони

1

Асосий саналар:

703-й. – Иккинчи Турк ҳоқонлигининг қирғизларга биринчи бошқинчилиги.

709-й. – Туркларга қарши қирғиз, хитой ва турғўш бирлашувининг тузилиши.

710-й. – Қирғиз элчиси Эрен Улуқнинг Тибетга элчиликка юборилиши.

711-й. – Сунгтадаги жанг.

✓ **Тушунчалар:** ажо, Ишонувчи Баҳодир Билге, эпитафия.

Барсбек-ҳоқон. Она-Сойда шаклланган Қирғиз давлатининг ҳурмати Барсбекнинг шонли исми билан боғлиқ. Барсбек VII аср охирида Она-Сойдаги Қирғиз давлатининг ажоси (олий бошқарувчиси) бўлган. Бу руна сингари ёзмаларида маълум қилинган қирғиз бошқарувчисининг биринчи исми. Унинг ҳақида тош устунга қирғизлар томонидан ўйиб ясалган эпитафияда ёзилган. Барсбек ёшлигиданоқ етим қолган, тўртта бир туғишгани бўлган. У оиладаги фарзандларнинг каттаси эмас эди, лекин ўзининг шахсий сифати билан ажралиб турган. Унинг уруғи Умай-онанинг хусусий қўллашида туради деб ҳисобланган. Барсбекнинг ўзи ва унинг қариндошлари сийрак учрайдиган – Умай бек деган унвонни олиб юришган. Барсбек ажо ўзининг давлатининг куч-қувватини юксак баҳолаб, Ишонувчи Баҳодир Билге ҳоқон деган юксак унвонни олган. 679-йилда тузилиб, чегараларини аввалги шаклига келтириб, қўшни халқларни босиб олиш нияти авж олган Иккинчи Шарқий Турк ҳоқонлиги билан тенглашиш ҳуқуқига эга бўлган. Марказий Осиёда устунлик қилиш учун интилган туркларга қарши ҳаракат Қирғиз давлатининг қадр-қимматини кўтар-



Барсбек ажо



Барсбекка бағишланган тош устун.

ган. Шундай қилиб, қирғизлар Иккинчи Турк ҳоқонлигининг энг кучли душманларининг бири бўлиб қолган.

Турк ҳоқонлигининг босқинчилиги. Туркларга қарши бирдамлик тузиш ҳаракати. Турк бошқарувчиси Қопағон-ҳоқон 703-йилда аскарларини ўзи етаклаб қирғиз ерига келган. Туркларнинг бу босқинчилиги муваффақиятсиз битган. Чунки Билге ҳоқоннинг ҳурматиға қўйилган тош устунда Барсбекнинг зўр муваффақияти абадийликка ўйиб ёзилган: «Биз ўша пайтда Барсбекка ҳоқон унвонини татбиқ этдик ва менинг синглимни бердик». Демак, босқинчиликда нияти амалға ошмаган Қопағон-ҳоқон Барсбекнинг янги унвонини эътироф қилиб, унинг билан сулола никоҳи орқали қариндош тутинишға мажбур бўлган.

Иккинчи Турк ҳоқонлигининг бошқарувчиси билан қариндошлик алоқа тузилганиға қарамасдан, қирғиз ҳоқони аввалгидаёқ туркларға қарши фаол сиёсат юргизган. Сабаби Барсбек ажо келажакда Марказий Осиёда ўзи устунлик юргизиш мақсадини қаттиқ ният қилган. Туркларнинг кучини тўғри баҳолаган Барсбек уларға қарши жанговар бирлик тузишни ният қилиб, 707–709-йй. Хитойға элчилик юборган. Чу водийсидаги тургўш ҳоқонлигиға Эзгене тўранинг раҳбарлигида элчилигини юборган. 709-йилда Барсбек туркларға қарши бақувват жанговар бирлик тузиб, Унга Қирғиз ҳоқонлиги, Тан империяси (Хитой) ва Тургўш ҳоқонлиги кирган.

Турклар бу бирлик мустаҳкамланишидан олдинроқ шошиб, буларни ёлғиздан яқсон қилишни кўзлади. 709-йилда турк ҳоқонининг буйруғи билан меросхўр хонзода Билге ҳоқон қирғизларға қарши отланиб, уларнинг шериги бўлган чик ва аз уруғларини босиб олган. Улар бу территорияға эга бўлиб, қирғизларни босиб олиш учун қаттиқ тайёрликка ўтишган.



Сунга жанги.



Турк ҳоқонини бағишланган  
тошданги ёзув.

Қирғизлар Саян тизма тоғидаги доволарни мустаҳкамлаб, Минг-Узан водийсига ўтувчи Она-Сой тоғ дарасини баландлатиб тўсишган. Бу табиий ғов туркларнинг қўл солишидан сақлаб, ўз вақтида шерикларнинг ёрдамга келишини таъмин қилади.

Бироқ шериклар ўзларининг чекларинигина ҳимоя қилиш билан чекланиб, қирғизларга келишган эмас. Турклар билан ёлғиз урушиш кўрқинчини сезган Барсбек хитой ва тургўшларга душман бўлган Тибетга 710-йили кузда элчи жўнатган. Элчиликни кучли болчар (булсар) уруғидан чиққан Эрен Улуқ етаклаган. Бу тажрибали элчининг вазифасига куч-қувватли Тибетни туркларга қарши курашишга тортиш вазифаси юкланган, бироқ кеч бўлиб қолган, Эрен Улуқ номаълум сабаблар билан чет ерда вафот қилган. Тибет Барсбек билан иттифоқдош бўлишни билдирган эмас. Хитой ва Тургўшлар унга ёрдамга келгани йўқ. Тақдир ҳал қилинувчи кун яқинлашиб қолган.

Сунгтадаги тўқнашиш. Турк қўл бошчилари жон аямаган қадам ясашни: Саян тизма тоғларидан, қирғизлар мудофаа қилган доволардан айланиб ўтиб, қиш пайтларида йўлсиз ер бўйлаб ўтишга қарор қилишди. Мақсадлари қирғизларга тасодифан қўл солиб, тор-мор этиш бўлган. Босқинчиликка туркларнинг келажакдаги ҳоқонлари тувишган Билге ҳоқон билан Қултегин, шунингдек энг салобатли аскар бошчиси Тўникўк раҳбарлик қилишган.

Қишда Саян тизма тоғлари орқали туркларнинг босқинчилиги ҳақида Тўникўкнинг тош устунда қуйидагича ёзилган: «Мен қорни йириб йўл солдим, ўзим бошқалар билан бирга ёғоч сўйилга таяниб чиқдим. Ғоят қийинчиликлар билан тубан тушдик ва қор йиғиндисини айланиб ўтиб, ўн кеча деганда тоғнинг бағрига етдик». Туркларнинг аскарлари музлаган дарё орқали Минг-Узан водийсига етишди.

Шундай қилиб, 710–711-йилнинг бошида туркларнинг аскарлари беғам ётган қирғизларга қўл солишди. «Биз қирғизларга тун ичида, эл уйқуда ётганда қўл солдик... найзалар билан йўл солдик», – деб белгиланган туркларнинг руна сингари ёдгорлигида. Барсбек асосий кучини Сунгганинг тоғдаги ўрмонли ерига тўшлаб, душманга қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. Ваҳшийлашган жанг бўлди. Куч тенг эмас эди, қирғизларнинг минглаган жангчилари қаҳрамонлик билан уришишди. Барсбек охиригача жанг қилиб, ҳалок бўлди.

Сунгганинг олдидаги жангда қирғизларнинг мағлубиятга учраши, уларнинг тақдирига қайғуди таъсирини тегизди. Турклар Қирғиз давлатини йўқ қилишмади, лекин давлат бошчилигига қирғизлардан чиққан ўз одамини қўйишди. Қирғиз давлати Иккинчи Шарқий Турк ҳоқонлиги ағдарилганга қадар қарам бўлиб қолди.

Қирғиз ажоси Барсбекнинг Марказий Осиёга устунлик қилиш учун ясаган ҳаракати қайғули мағлубият билан тамомланган. Унга бағишланиб ёдгорлик тоши ўрнатилиб, қаҳрамонликлари ёзилган.

Исон ҳақида билиб ол!

Эрен Улуқ – VII аср охири VIII аср бошидаги Она-Сойдаги Қирғиз давлатининг донгдор элчиси. Барсбекнинг ишончли довжорак элчиси бўлган. Эрен Улуқ қирғизларнинг донгдор болчар (булсар) уруғидан чиққан. У қирғизларнинг бошига қийин иш тушиб турганда Тибетга элчиликка бориб, номаълум сабабларга кўра Она Юртига қайтмай қолган. Бу маълумот Хакасиядаги Олтин-Кўл қирғизларига тааллуқли тош бетидаги руна сингари ёзма ёдгорликда ёзилган. Барсбекнинг махсус ҳурмат қилгани ва ўзининг қаҳрамонлиги ҳақида тош ёдгорликларида бундай деб ёзилади: «Мен халқимдан тўрт марта четга чиқиб, тўрт марта қайта келдим. Уша қаҳрамонлигимни Ишонувчи Баҳодир ғоят ҳурматлади».

Эрен Улуқ Тибетга элчилик сафар билан бориш олдидан 38 ёшда бўлган. Кўзи тирик пайтидаёқ хусусий қаҳрамонлиги учун Ишонувчи Баҳодир унвонига, шунингдек элчилик даражасига эга бўлгани айтилади.



Ёзиб олинг:

**Ажо** – Она-Сойдаги Қирғиз ҳоқонлигининг ҳокимият эгасининг мансаби.

**Ишонувчи Баҳодир Билге** – Давлат бошчисига берилувчи турк иерархиясидаги юксак унвон.

**Эпитафия** (юнон. Epitaphios – мирза ёзуви) – қабрга қўйилган ёдгорлик-тошнинг бетига ёзилган ёзув.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Барсбек ажо ҳақида нима билдингиз?
2. Қирғиз давлатининг турклар билан муомаласи қандай бўлган?
3. Қирғизларнинг ташқи алоқаси ҳақида нима билдингиз?
4. Сунгга жанги ҳақида айтиб беринг.
5. Барсбек, Эрен Улуқ ҳақида эссе ёзинг.

## § 16. Уйғур ҳоқонлиги

1

**Асосий саналар:**

744-й. – Иккинчи Шарқий Турк ҳоқонлигининг тор-мор қилиниши.

745-й. – Уйғур ҳоқонлигининг тузилиши.

758-й. – Уйғурларнинг қирғизларни босиб олиши.

820-й. – Уйғур-қирғиз ўртасидаги йигирма йиллик урушнинг бошланиши.

✓ **Тушунчалар:** ҳокимият инқирози, манихейчилик, тезучар отрядлар.

Уйғур ҳоқонлигининг тузилиши. Уйғурлар – Марказий Осиёнинг далаларида яшаган қадимги турк халқларининг бири бўлган. Хитойлилар бу уйғурларнинг уруғ бирикмасини теле деб аташган. Турк ва мусулмон тарихий манбаъларида эса уларни тўққиз хўкизлар деб ёзишган. VIII асрнинг ўртасида уйғурларнинг уруғ бирикмасини яғлақар уруғининг бошлиқлари бошқара бошлаган. Уйғурлар кучли аскар тўплаб, асосий душмани бўлган Иккинчи Шарқий Турк ҳоқонлигига қарши отланишган. Ўша даврда Иккинчи Шарқий Турк ҳоқонлигида ҳокимият инқирози авж олиб, тарқоқликда яшаётган. Улар ташқи ёвга қаршилиқ кўрсата олган эмас. 744-йили Иккинчи Шарқий Турк ҳоқонлигини уйғурлар тор-мор қилади. 745-йилда Марказий Осиёда янги Уйғур ҳоқонлиги асосланади. Унинг пойтахти Ўрда-Балиқ шаҳри бўлган. Яғлақар уруғининг вакили Элетмиш Билге ҳоқон деб эълон қилинади. Уйғурларга шарқда Маньчжуриядан тортиб ғарбдаги Иртиш дарёсигача барча халқлар бўйсунган. Уйғур ҳоқонлигининг давлат дини манихейчилик бўлган. Уйғурларнинг давлати жуда кучли бўлиб, унга Хитой солиқ тўлаб туришга мажбур бўлган.

Уйғурларнинг қирғизларни босиб олиши. Она-Сойдаги қирғизлар, уйғурлар томонидан Иккинчи Шарқий Турк ҳоқонлиги тор-мор келтирилгандан кейин мустақилликка эга бўлишган. Озодликка эришган қирғизлар давлатини мустаҳкамлай бошлаган. Улар уйғурларнинг босиб олиш кўрқинчини йўқ қилиш мақсадида, ўзига иттифоқдошларни излай бошлаган. Натижада уйғурларга қарши қарлуқ ва чик уруғлари билан иттифоқ тузади. Қирғизлар енгил қуролланган тайёр қўшинни (тезучар отрядлар) тарафдошлари чикларга юборади.

Бироқ уйғур ҳоқонлигининг аскар бошчилари бу тарафдошларнинг иш-ҳаракатларини олдиндан билишиб, уларни бирлаштирмасдан тор-мор қилиш қарорини чиқаришади. Яхши қуролланган уйғур аскарлари 751-йилда чикларни тор-мор қилишади, ундан сўнг қирғизларнинг тайёр қўшини мағлубиятга учрайди. Мағ-

лубиятга учраган қирғизлар уйғурларга солиқ тўлашга мажбур бўлиб қолишади.

Кучланиб олган уйғурлар қирғизларнинг территориясини бутунтай босиб олишга ҳозирлана бошлашган. 758-йилда уйғур аскарлари Минг-Ўзан водийсидаги Қирғиз давлатига қўл солиб босиб олган. Ғалабага эга бўлган уйғурлар қирғиз бошқарувчисини ҳоқон унвонидан ажратган ва қирғизларнинг мустақил ташқи сиёсат юргизишига тақиқ қилган. Уйғурларнинг оғир солиғи ва уларнинг талаб-тўнашлари номусли қирғизларнинг чидамини тугатган. Улар тўлиқ мустақиллик учун курашишга ҳозирлана бошлашган.

Қирғизларнинг қўзғолони. 795-йилда қирғизлар уйғурларнинг ҳукмронлигига қарши қўзғолон чиқаришган. Шу пайтларда Уйғур ҳоқонлигида марказий ҳукмронлик учун ички қарама-қаршилиқлар куч олган эди. Ундан ташқари уларнинг йирик Аскар кучлари Шарқий Туркистонда уруш ҳаракатини юргизаётганди. Уйғурлар билан қирғизларнинг уруши узоққа давом этди. Охирида Уйғур тахтига ўтирган Қутлуғ ҳоқон қирғизларга босқинчилик ясаб, қўзғолонни босган. Қирғизларнинг мағлубиятга учраганлиги ҳақида Қора-Боласағундаги ёзма эсдалиги аке эттириб, унда қирғиз ҳоқонининг 200 минг ёйчиси бўлганини, шунга қарамасдан уйғурлар уларни тор-мор қилиб зўр ўлжага эга бўлганини маълум қилади. Бироқ қирғизлар урушни давом эттиришдан безор бўлган эмас. 820-йилда қирғизлар уйғурлар билан бўлган курашни қайтадан давом эттиришган. Уруш йигирма йилга яқин чўзилган. Қирғизларни тўлиқ тор-мор қилишга уйғурларнинг куч-қуввати етмади. Уйғурлар ўша пайтларда бир тарафдан тибетликлар, иккинчи тарафдан қирғизлар билан уруш юритган, бу уларнинг кучини кекизган. Унинг устига ташқи урушлардаги мағлубиятлар ички жанжалларга олиб келди. Йирик ва кучли уруғлар ҳокимият учун кураш бошлашди. Бу уйғур ҳоқонлигининг ночорлашини тезлатган. Ўша маҳалда Она-Сойдаги қирғизлар эса бир хийла даражада куч олиб, уйғурларнинг асосий душманига айланган. Уйғур ҳоқонлигининг қайғули тақдири яқинлаб қолган эди.

Буни билиш қизиқарли

Шаҳар ҳақида баёни

Ўрда-Балиқ, 744-840-йй. Уйғур ҳоқонлигининг пойтахти бўлган. «Балиқ» - Қадимги турк тилида «шаҳар» маъносини тушунтирган. Ўрда-Балиқ ҳозирги Монголиядаги Орхон дарёсининг ўнг томон қирғоғида жой олган шаҳар чордевори. Бу шаҳар ҳақида араб тарих-



чиси Ибн Хордадбек бундайча ёзган: «Уйғурларнинг пойтахти, Ўрда-Балиқ ўн икки темир дарвозали деворлар билан ўралган. Шаҳарнинг ичида яхши мустаҳкамланган гов-қўрғони бўлган, унда ҳоқоннинг ўзи яшаган. Унинг 900га яқин одамни сиғдирган олтин чодирини шаҳардан 30 чақирим узоқдан кўриниб турарди».

✍ **Ёзиб олинг:**

**Ҳокимият инқироzi** – халқнинг ҳокимиятга қарши норозилиги ва ишонмовчилиги.

**Манихейчилик** – Мани деган одам асослаган. Унда яхши билан ёмоннинг, кун билан тушнинг кураши ҳақида ўқиш баён қилинган. Уйғур ҳоқонлиги манихей динини қабул олиб, давлатни мустаҳкамлашга фойдаланган.

**«Тезучар отрядлар»** – қирғизларнинг енгил қуролланган тайёр кўшини.

② **Саволлар ва топшириқлар:**

1. Уйғурларнинг давлати қандайча тузилган?
2. Қирғизларнинг озодликка эга бўлишига уйғурлар қандай роль ўйнаган?
3. Уйғур-қирғиз муомалалари қандай бўлган экан?
4. Қирғизлар нимага кўзғолон чиқаришган?
5. Нима учун уйғурлар қирғизлар билан бўлган урушни узоққа юргизишган?

## § 17. Буюк Қирғиз мамлакати

- ① **Асосий саналар:**  
 840-йил – Уйғур ҳоқонлигининг тор-мор қилиниши, Буюк Қирғиз мамлакатининг тузилиши.  
 840–855-йиллар – Қирғиз ҳоқонлигининг территорияларининг кенгайиши.  
 843–847-йй. – Қирғиз ҳоқонлиги билан Тан подшоҳлигининг алоқаси.

✓ **Тушунчалар:** уруш тактикаси, ёпиқ.


Қирғизларнинг куч-қувватининг мустаҳкамланиши. Қирғизлар уйғурлар билан йигирма йиллик урушнинг юришида куч-қувватга эга бўла бошлаган. Марказлаштирилган давлат ҳокимияти тузилиб, ҳаммаси ажога бўйсунган. Ўнлик, юзлик, минглик ва ўн минглик жангчиларни таркибига олган армия мустаҳкамланди. Бутун армия аскарларнинг икки туридан – оғир қиличбозлардан ва енгил отлик кўшинлардан иборат бўлган. Қирғизларнинг асосий кучини оғир қуролланган 30 минг жангчи ташкил этган. Жангчилар узун найзалар, қўш тигли қиличлар, ой болталар билан қуролланишиб, отлари ҳам ишончли ҳимоя қилинган.



70 минггача енгил отликлар кўшини тузилиб, улар қирғизларга бўйсунган қиштим уруғларидан иборат бўлган. У жангчилар ёй ва камон ўқи билан қуролланиб, темир ёки ёғоч қалқонлар билан ҳимояланган. Қирғиз ҳоқонлигининг армияси, урушишнинг тактикасини пухта ўзлаштиришган. Биринчилардан бўлиб урушга енгил отликлар кирган, улар душманнинг қаторини бузиб, қайта орқага чекинишган. Уларни қувлаган душман пистирмадаги Оғир қуролли аскарларга дуч келишган, натижада улар тўлиқ мағлуб бўлишган ёки қочиб қутулишга ҳаракатланишган. Бундай аскар тизимининг тузилиши ва уруш тактикасини ўзлаштириш қирғиз армиясининг урушиш қобилиятини кучатган.

Уйғурларнинг тор-мор қилиниши. Қирғизлар уйғурлар билан урушаётган пайтдаёқ кўшни халқларни бош эгдириб олишган. Натижада қирғизлар шимолий, шарқий ва ғарбий чегараларини кенгайтган. Қирғиз давлати бўйсунган территориялардан солиқ олиб турган. Бу уларнинг куч-қувватини мустаҳкамлаган. Ўша пайтда уйғурларнинг аҳvoli ночорлаб, Қирғиз мамлакати эса ўзининг аскарини кучайтириб ва территориясини кенгайтиб, куч ола бошлаган эди. IX асрнинг биринчи ярмида Қирғиз мамлакатининг жангчиларининг сони юз мингга етган. Улар мудофааланишгагина эмас, ҳужум қилиш қобилиятига ҳам тўлиқ эга бўлишган.

Мамлакатнинг ва армиянинг бошида ажо ўзи турган. Уйғурлар билан бўлган урушнинг тақдири ҳал қилина бошлаган. Куч-



Буюк Қирғиз мамлакатининг яралиши.

ли армияга эга бўлган қирғиз ажоси, уйғур ҳоқонига қаршиликсиз бўйсуниб бериши ҳақида талаб қилиб хат жўнатган. Унда: «Сенинг тақдиринг битди. Мен яқинда сенинг олтин ўрдангни оламан, унинг олдига ўз отимни боғлайман, ўз байроғимни кўтараман, агар мен билан олишгинг келса, унда дарров келгин: агар олиша олмасанг, тезда йўқол» — деб ёзилган.

Урушдаги мағлубиятлар Уйғур ҳоқонлигидаги ўзаро жанжални кучатган. 840-йилда қалин тушган қордан мол қийналиб, очарчилик ва юқумли касалликлар кучайган. Шундай қийин вазиятда, қирғизлар 100 минг аскарини Ўрда-Балиққа жўнатди. Селдай қоплаган қирғиз жангчилари уйғур аскарларини тор-мор қилиб, пойтахти Ўрда-Балиқни олиб, уни ёндириб юборишган. Уйғурларнинг ҳоқони урушда ҳалок бўлади. Уйғурларнинг тирик қолганлари, Хитойга, Шарқий Туркистонга қочишиб, ўзларининг яхши ерларини ва бойликларини қирғизларнинг қўлига қолдиришган. Бу Қирғиз мамлакатининг йирик ғалабаси бўлган.

Буюк Қирғиз мамлакати. Уйғур ҳоқонлиги ағдарилгандан кейин, унинг ўрнини Қирғиз мамлакати эгаллайди.

840-йилдан тўртиб Қирғиз ҳоқонлиги Она-Сой водийси билангина чекланмасдан, Марказий Осиёдаги кенг фазони эгаллаган. Бу даврни рус академиги В. В. Бартольд «Буюк Қирғиз мамлакати» деб тарихга киргизган. Қирғиз ҳоқонлигининг йирик қўл бошчиси Тапу Баҳодир Сўл 840-йилдан 855-йилгача жанубда Турфон, ғарб томонда Иле дарёсигача территорияни эгаллашга эришган. Вазир қўл бошчи А-бо (Апо) эса 847-йилда Амур дарёсининг бўйидаги швейлерни (татарлар) босиб олиб, ҳоқонатликнинг чегарасини кенгайтишга эришган. Шарқдаги энг охириги йирик кўчман турк мамлакати бўлган Қирғиз ҳоқонатлиги Марказий Осиёда зўр фазога эга бўлиб, IX а. биринчи ярмидан X асрнинг биринчи чорагигача умуман 80 йилдай ҳукм сурган. Бу пайтда қирғизларнинг куч-қуввати ҳақида Марказий Осиёнинг чекидан ташқари томонларга ҳам эшитилган. Хитойдаги Тан подшолиги Қирғиз ҳоқонлигини таниб, унинг билан 843–845-йилларда элчилик кутиб, хат-хабар олишган. Ўша даврда қирғиз деган ном донгдор, ғайратли уруғга тааллуқлиликини билдириб, Марказий Осиёдаги бошқа халқлар ҳам ўзларини қирғиз деб атай бошлаган.

Марказий Осиёдаги Буюк Қирғиз мамлакати марказий бошқариш ҳокимиятининг ночорлаши сабабли X асрнинг дастлабки чорагида энг йирик территорияни бошқара олмай, бир неча кичкина Қирғиз мамлакатларига бўлиниб кетган.

↪ Инсон ҳақида билиб ол!

Тапу Баҳодир Сўл – IX асрдаги Қирғиз қўл бошчиси ва элчиси. 840-йилда қирғиз ҳоқонининг Уйғур мамлакатига ясаган катта ғазотида армиянинг чап қанотини бошқарган ва Она-Сойдаги Буюк Қирғиз Мамлакатини асослашга ҳисса қўшган. 843-йилда хитойнинг Тан сулоласининг императорига элчи қатори борган.



Бу ҳақда Хитой йил баёнида: «841-й. тахтга ўтирган император Вуцзун узоқдаги Қирғиз ҳоқонидан келган элчига ғоят рози бўлиб, Бо-Хайдан келган элчидан юқори, тўрға ўтиргизди» – деб ёзилган. Тапу Баҳодир Сўл машҳур аскар бошчиси ва довиорақ, доно элчи қатори ўша пайтда Қирғиз ҳоқонининг ишончли одами бўлган.

↪ Ёзиб олинг:

**Уруш тактикаси** – қирғиз қўл бошчиларининг уруш пайтида душманларига қўлланувчи **усулларининг** (ҳийла-амаллари) ишланиб чиқиши.

**Жул** – от ёпқичи, уруш маҳалида жангчиларнинг отлари металл ёки ёғочдан ясалган ёпқичлар билан ҳимоя қилинган.

② Саволлар ва топшириқлар:

1. Қирғизларнинг куч-қувватининг мустаҳкамланишига нима сабаб бўлган?
2. Уйғур ҳоқонлигининг 840-йилдаги аҳволига таъриф беринг.
3. Қирғизларнинг Ўрда-Балиқни босиб олиши ҳақида баёнданг.
4. Буюк Қирғиз мамлакати ҳақида айтиб беринг.
5. Буюк Қирғиз мамлакати ҳақида класстер тузинг.

## § 18. Қорахонлар давлати

① Асосий саналар:

X а. – Қорахонлар мамлакатининг тузилиши.

940-й. Қорахонларнинг Боласоғун шаҳрини босиб олиши.

999-й. – Қорахонларнинг Сомонийлар давлатини тор-мор қилиши.

✓ Тушунчалар: қорахон.

Қорахонлар давлати. Сатук Қорахон. X а. Марказий Тангри-Тоғнинг ва Етти-Сувнинг территориясида қарлуқ, ягма ва чигил уруғлари яшаган. X асрдан XIII асрнинг бошигача яшаган Қорахонлар ҳоқонликларининг тузилишида бу уруғлар асосий ролни ўйнаган. Уларнинг ичидан чигиллар Марказий Тангри-Тоғнинг ва Етти-Сувнинг халқининг босимли қисмини тузган. Чигил уруғидан чиққан Сатук Абд ал-Карим Қорахон Қорахон-

лар давлатининг асосчиси бўлган. Сатуқ Буура хоннинг ота-таги ҳақида Тангри-Тоғлик тарихчи Жамал Қарши қуйидагича ёзган: Сатуқ Буура хоннинг бувасининг исми Билге Қодир хон бўлган, унинг Базир Арслон хон (Сатуқнинг отаси) ва Ўғулчақ Қодир хон деган икки ўғли бўлган экан. Ўғулчақ Қодир хон бардам чиқиб, турк уруғларини бошқариб, ўрдаси Қашғар шаҳри бўлган. Сатуқ акалаш отаси Ўғулчақ хоннинг ўрдасида яшаб, тарбияланган, 25 ёш чоғида элликтача кўмакчилари билан яширинча ислом динига ўтиб, Қашғардан шимолга қочади, у томондан куч тўплаб келиб акасининг ҳокимиятини тортиб олади. Қора хонлар деган тушунча ҳоқонларнинг ичидан исломни биринчи қабул қилган Сатуқ Абд-ал-Карим Қорахоннинг унвонига нисбатан пайдо бўлган. Қора хон деган унвонни кейин бу мамлакатнинг бошқарувчилари олиб юрган.

Қора атамаси турк тилида эл, халойиқ халқ деген маънони бериб, қора хон эл-юртлар хони деган тушунчага айланган. Сатуқ Буура хоннинг иккита боласи бўлган – Муса (туркча Бойтош) ва Сулаймон. Сатуқ 955-й.вафот қилиб, унинг жасади Ортиш қишлоғига қўйилган. Ўлкада ҳокимият Мусага ўтиб, у 960-йилда ислом динини давлат дини деб эълон қилган. Сатуқ ва унинг болалари бошқариб турган пайтларда давлатнинг таркибига Марказий Тангри-Тоғ ва болалари бошқариб турган пайтларда давлатнинг таркибига Марказий Тангри-Тоғ ва Қашғарнинг шимолидаги ерлар кирган.

940-йилда Сатуқ Буура хоннинг аскарлари Чуй водийсига кириб, Боласоғун шаҳрини босиб олган. Ўшандан кейин Қорахонлар давлатининг пойтахти Боласоғун шаҳри бўлиб эълон қилинган.

Қорахонлар давлатининг территорияси. Дастлаб Сатуқ Буура хон Қашғар территориясинигина эгаллаб турса, ташқи босқинчиликларнинг натижасида X а. иккинчи ярмида унинг эгаллиги Марказий Тангри-Тоғ ва Етти-Сув территориялари билан тўлиқланиб, Қорахонлар ғарб томонга интилган. Дастлаб улар Фарғо-



Сатуқ Абд-ал-Карим.



Елчи жангчи.

нани эгаллашади, ўша пайтда Қорахонлар ғарбдаги қўшнисини бўлиб қолган Сомонийлар мамлакатада феодал ва аскар бошчиларининг ҳокимият талашуви кучайиб, борган сари ҳолсизланиб бораётганди. Бу ҳолатдан фойдаланган қорахонлар биринчи босқинчиликка чиқади, лекин у муваффақиятсиз тамомланган. Қайтадан куч-қувват тўплаган қорахонлар Сомонийлар мамлакатини биратўла тор-мор қилишни кўзлашган. Фарғонадаги Ўзган шаҳрининг бошқарувчиси қорахоний Наср Али ўғли 999-йилда Бухорони эгаллаб, Сомонийлар мамлакатини тор-мор қилиб, уларнинг Аму-Дарёсигача территориясини қаратиб олади.

Шундай қилиб, Қорахонларнинг территорияси Шарқий Туркистон, Жанубий Қозоғистон ва Марказий Осиёнинг Аму-Дарёсигача территориялар киреди.

Бу янги Турк мамлакатаи XI асрнинг биринчи ярмида сиёсий томондан кучайган. Бироқ Қорахонлар мамлакатининг бошқарувчиларининг ичора жанжаллари туфайли шарқий ва ғарбий ҳоқонликларига бўлиниб кетди. Шарқий ҳоқонликнинг пойтахти — Боласоғун, ғарбий ҳоқонликнинг пойтахти эса — Самарқанд шаҳри бўлган.

Қорахонлар мамлакатининг хўжалиги. Шаҳарлар билан аҳолини қишлоқларда деҳқончилик яхши ривожланган. Угина эмас, ўсимликларни ўстириш учун тоғ этакларидаги қия ёнбағрлар фойдаланилган, тоғларнинг бағрларига ариқлар чопилиб, сув етказилган.

Ундан ташқари конлар ва металл ишлатиш анча ривожланган. Қўл ҳунарчилик ва савдо ишлари кенг тарқалган. Ички савдо асосан мол боққан кўчман уруғлар билан шаҳар, қишлоқларда ўтроқлашган аҳолининг оасида юритилган. Карвон савдоси Қорахонлар мамлакатини бошқа ўлкалар билан алоқалаштириб турган. Бунга Иссиқ-Кўл ҳавзаси билан Чуй водийси орқали Шарқдан Ғарбга қараб кетган савдо йўли қулай шарт тузган.

Пул айланиши ҳам фоят кенг тарқалган. X—XI асрларда Қирғизистоннинг территориясида Ўзган, Ўш, Боласоғун, Барсқўўн (Иссиқ-Кўлда) ва Шельжи (Таласда) шаҳарларида тийин чиқарилган. Уй қуриш хийла яхширган. Пиширилган гишт, шунингдек сувоқ суваш кенг фойдаланилган. Ҳар турли безатишлар ва сирлаш кўп қўлланила бошлаган. Боласоғун, Ўзган ва Қашғар шаҳарлари меъморий қурилишларнинг маркази бўлиб қолган. Меъморларнинг орасидан бизгача келиб етган энг зўр эсдалик Бурана ва Ўзган миноралари бўлиб ҳисобланади.

Шаҳарларда сув тарновлари, тош тўшалган кўчалар, ижтимоий ҳаммомлар, карвон-саройлар, масжидлар, бошқарувчилар учун оқ саройлар энг юқори чеварчиликда қурилган.

Қорахонларнинг эгаликларида ўтроқлашган халқ билан қатор, асосан чорвачилик билан шуғулланган кўчман халқлар ҳам бўлган. Маълум бир даражада чорвачилик ҳам ривожланган. Аввалги кўчманларнинг мусулмон дунёсига аралашуви илми ва маданиятни ривожлантириш учун зўр аҳамиятга эга бўлган.


 **Меъморий-ёдгорлик билан танишув**

Бурана – Қорахонлар даврига тааллуқли тарихий-меъморий ёдгорлик, минора. Чуй водийсидаги Тўқмоқ шаҳридан 15 км жанубий-ғарбда ўрин олган. Минора Етти-Сувдаги туркларда ислом тарқала бошлаган пайтда, X а. охири XI а. бошида қурилган. Пишган гишт билан тўрт бурчакли пойдеворга саккиз қиррали тубланиб, цилиндр турида тургизилган минора ғовнинг ичида жойлашиб, ташқи бети безатишлар билан ҳусн киргизилган, ичида юқори томон басавлат чиқувчи тепкичлар ўрнатилган. Баландлиги 24 м, тубининг диаметри 9 м, тепасиники 6 м га яқин. Бурана Марказий Осиёдаги минора меъморий ёдгорликларнинг энг қадимгиси. Унинг айланасидаги қурилишнинг қолдиқлари, ғов деворлар бу ерда Қорахонлар мамлакатининг пойтахти Боласоғун шаҳри бўлганлигини тасдиқлайди. Минора Қирғизистоннинг территориясидаги қурилиш ҳунарининг юксак даражада ривожланганини баён қилади.



 **Ёзиб олинг:**

**Қорахон** – турк тилида эл, халойиқ, халқ деганини тушунтиради.

 **Саволлар ва топшириқлар:**

1. Сатук Буура хон, Бурана ҳақида нима билдингиз?
2. Қорахонлар нима учун ислом динини қабул олишган деб ўйлайсиз?
3. Қорахонлар ўз территорияларини қандай қилиб кенгайтишган?
4. Мамлакатнинг ҳужалниги қандай ривожланган?
5. Бурана ҳақида нима айта оласиз?

**§ 19. Махмуд Қашғарий ва Юсуф Боласоғуний**

 **Асосий саналар:**

1072–1077-йй. – «Турк тиллар тўпламининг» ёзилиши.  
1069–1070-йй. – «Қутадғу билиг» достонининг ёзилиши.

 **Тушунчалар:** «Хосс-ҳожиб».

Махмуд Қашғарий ва унинг мероси. Қорахонлар даврида Қирғизистоннинг халқининг маданияти ҳам жиддий ривож-

ланишга эга бўлган. Моддий маданиятнинг ривожланиши билан қатор руҳий маданият жиҳатида ҳам жиддий ривожланиш бўлди. Араб ҳарфининг тарқалиши энг муҳим муваффақият бўлган. Ўша пайтдаги энг машҳур асарлар турк энциклопедик-олими Махмуд Қашғарийга тааллуқли. Махмуд Қашғарий – умуман Қорахонлик турк халқларининг вакили. Иссиқ-Кўлнинг жанубий қирғоғидаги Барсқўён шаҳрида туғилган. Отаси Ҳусайин Барсқўён шаҳрининг амири бўлган. Буvasи бўлса улуғ ҳоқон Муҳаммад ибн Юсуф Қодир хон эди.

Махмуд Қашғарий ҳам амирлар ўзининг боболари бўлганлигини китобида хотирлаган. Унда: «Мен ўзим қорахон туркларининг тили ўткир гапга чечанидан, айтадигани очиқ етугидан, кўкраги тоза тетигидан, оқ суяк авлодига мансубидан бўламан», – деб ёзилган. Отаси Барсқўённи бошқарган Махмуд Қашғарий учун илм-билим олишга кенг имконият яратилган. У ўз давридаги файласуф, тилчи, тарихчи, жуғроф, диндор в.ҳ. мутафаккирларнинг асарлари билан яхши танишган. Махмуд Қашғарий турк тилларини ўрганиб кўп саёҳат қилган. У ўз хотирасида: «мен турк, туркман-ўғиз, чигил, қирғизларнинг қалъаларини ва далаларини тадқиқот қилдим, уларнинг тилларини ва нақл сўзларини зеҳнга тутдим» – деб ёзган. Натижада йиғилган билимларини тўплаб бизга келиб етган «Девони луғат ат-турк» (Турк тилларининг луғати) деган зўр асарини 1072–1077-йй. оралигида ёзган. Асарнинг асл нусхаси бизга етган эмас. Унинг 1266-йилнинг 1-августига нисбатан, Муҳаммад ас-Сави ад-Димашқий томонидан тайёр-



Махмуд Қашғарий



Туркий тиллар  
сўз тўплами.



Юсуф Баласоғуний

ланган кўчирмаси ҳозир Стамбул шаҳрида сақланади. Бу китоб қирғиз тилига Тинчтиқбек Чўрўтегин томонидан таржима қилинган. «Девонинг» бу кўчирмаси 638 саҳифадан иборат. Унинг кириш қисмида турк тилларини ўрганишнинг муҳимлиги баён қилиниб, туркларнинг ўз алифбоси билан туркларнинг асосий халқлари ва уруғларининг номлари аталади. Улар қайси территорияда яшаганлиги айтилади. Асар луғат шаклида тузилган. Мақол-матал ёки шеърларнинг парчалари ўрнида ёзилиб, ўз қўлидан чиққан мўнчоқдай тизилиб ёзилган. Ўз давридаги китоблардан айирмаланиб, Махмуд Қашғарий «турк эли» деб бермасдан, ҳар бир элни ўзининг уруғининг номи билан бўлиб ёзган. Мисоли: луғатда қирғиз, ўғиз, чигил, қипчоқ уруғ номлари билан белгиланади.

Ўзининг асарида Махмуд Қашғарий дунёнинг бир бошқача, доира харитасини тиркаган. Харитада ернинг булоқ жойи сифатида Муқаддас масжид жой олган Макка шаҳри эмас, муаллиф туғилиб-ўсган Барсқўён шаҳри бор Иссиқ-Кўл, Марказий Тангри-Тоғ территорияси жойлаштирилган. Махмуд Қашғарийнинг ўзи чизган рангли, тўгарак харитаси, ўз халқининг дунёга чизган рангли, тўгарак харитаси, ўз халқининг дунёга таниқлигини акс эттирган энг аввалги харита чизиш асари бўлиб ҳисобланади.

Юсуф Боласоғуний ва унинг «Қутадғу билиг» асари. Халқимизнинг ўрта асрдаги маданияти билан илмини ривожлантиришда Юсуф Боласоғунийнинг меҳнати зўр. У Боласоғун шаҳрида туғилиб-ўсган шоир, мутафаккир ва давлат арбоби бўлган. Туғилган ерига қараб унга «ал-Боласоғуний», арабча «Боласоғулик» деган ном берилган. Юсуф Боласоғуннинг бизга етган мероси «Қутадғу билиг» (Қут олувчи билим) дostonи. Бу буюк асар 1069–1070-йилларда ёзилиб битган. Достонни ёзиш Боласоғун шаҳрида бошланиб, уни Қашғар шаҳрида тўлиқ тамомлаган. «Қут олувчи билим» ) дostonини Қашғарни бошқариб турган Қорахонлар ҳокими Тавғач-Богра-Қора хонга тортиқ қилган. У Юсуф Боласоғуннинг меҳнатини юксак баҳолаб, унга юқори ўрда хизматини — «улуғ маҳсус хожибликни» («Улуғ хосс хожиб») тақдимлаган. «Қут олувчи билим» дostonида ҳақиқат, бахт, донолик, сабр ва оддийлик тўғрисида баён этилади.

Боласоғундан чиққан шоир ўша пайтда устунлик қилган араб ва форс тиллари билан қатор, адабиётга турк тилини биринчи бўлиб киритган.

Унда, Юсуф Боласоғун бундай деб ёзган:

Билим учун қўл чўздим тинмай ўзим,  
Сўзини сўзга уладим, қўшиб сезгим.  
Кийик эди турклар тоғда юрган,  
Ўргатдим, ҳунар қилдим унинг сўзин.



Достон ўрта асрда Шарқдаги энг юксак даражадаги насиҳатомуз асар бўлган. Юсуф Боласоғун асарини 54 ёшга келганда битирган. У Қашғар шаҳрида вафот қилиб, ўша ерга қўйилган.

Ҳамма ўтар, абадийлик — яхши шухрат,  
Яхши одамнинг ишларини айтса мақтаб,

дегандай Юсуф Боласоғун бизга ўлмас-ўчмас мерос қолдириб, унинг шон-шухрати асрлар бўйи яшайди.

Асардаги насиҳатлар. «Қут олувчи билим» достонида айниқса кўп ўрин берилган насиҳатлар — бу ўқиш, билим олиш, илмга интилиш. Ўқишнинг фойдаси ҳақида:

«Айтгим келди, эй донишманд, сўз жойин, —  
Ўқиш, билим фойдасидан бошлайин.  
Ўқиш — тунги олдиндаги шам чироқ,  
Билим олсанг, манглай очиқ ярқираб.  
Ўқиш, билим кўп нарсага еткизар.  
Икковидан одам ҳурмат кўп кўрар».

Бола кичкиналигидан зийрак, тиришқоқ бўлса, кейин етилиб киши бўлган пайтда ўйлаган фикр-мақсадларига етиши тўғрисида кенг баён этади:

Ким ёшидан кўп ўқиб билим олса,  
Бўй етганда мақсади ўрин топар.  
Ўқишдаги тиришқоқлик берар мева,  
Илм, билим — бойликка кенг йўл очар.  
Пайқаб кўрсанг хатоси йўқ бу ҳақ сўз.  
Илм-билим олган одам ҳақиқат.  
Кимда ким ўқий олса, ўлжа топар,  
Кимда ким билим олса — бек аталар.

Инсон шухратини, буюк исми тоза сақлаш, адолатликка, бахт-саодатга, қаноатга эга бўлиш бахтиёр одам деган тушунчага олиб келади.

Бахт — бу яхшиликнинг барча хусусиятини ўз гаркибига олган баландлик.

Юсуф Боласоғун бахтиёрликни юксак ҳаволарга кўтариб, кейинги наслларга мерос сифатида тортиқ қилди. Бу насиҳатлар бизнинг келажакимизнинг яйловдай кенгайишига шарт тузади ва ёруғ яшашга еталайди.

*Ёзиб олинг:*

*Хосс-ҳожиб* — қорахонлар давридаги юқори давлат мансаби.

**Саволлар ва топшириқлар:**

1. Махмуд Қашғарий деган ким бўлган, унинг қандай асари билан танишдингиз?
2. Дунёнинг харитасини тузишда Қашғарий нима учун ернинг маркази қилиб Иссиқ-Кўлни олган, ўйланиб, фикрингизни айттинг.
3. Юсуф Боласоғуний ҳақида нима айта оласиз?
4. «Қут олувчи билим» достони ҳақида нима тушундинг?

**§ 20. Буюк Ипак йўли**

- 1** Асосий саналар:  
 Бизнинг эрагача 138-й. – Хитой саёҳатчиси Чжан Цяннинг Фарғона водийсига келиши.  
 Бизнинг эрагача II а. – Буюк Ипак йўлининг асосланиши.

✓ **Тушунчалар:** буюк Ипак йўли.

Буюк Ипак йўлининг очилиши. Шарқ билан Ғарбни бирлаштирган шуҳрати оламга кетган Буюк Ипак йўли Қирғизистоннинг территорияси орқали ўтиб, тарихимизга чуқур из қолдирган. Бизнинг эрагача 138-й. – Хитой саёҳатчиси Чжан Цяннинг Олой тоғларини ошиб, Фарғона водийсини оралаб, Ғарб мамлакатларига саёҳат ясаши Буюк Ипак йўлининг очилишига замин бўлган. Шундай қилиб Бизнинг эрагача II асрдан бошлаб Буюк Ипак йўли асосий савдо йўли сифатида хизмат ўтай бошлаган. Ўрта Осиёга жойлашган халқлар ҳақида маълумот олиб, хитойлар аввал улар билан Буюк Ипак йўли бўйича, ундан кейин, у орқали Европа халқлари билан савдо алоқаларини тузишган. Аталган йўлнинг умумий узунлиги 7 минг километргача чўзилиб, уни карвонлар 3 йилда босиб ўтишган.

Буюк Ипак йўли Хитойнинг қадимги пойтахти – Лояндан бошланган. Чўллар, тоғлар ва далалар орқали туя карвони тинимсиз



Тош-Робот карвон саройи.



Карвон сарой.  
 IV а. Реконструкция.

ўтиб турган. Хитойдан Буюк Ипак йўли орқали гарбга – чинни, қоғоз ва ҳаммасидан олдин ипак газламаларини ва ипак ипларни олиб ўтишган, уларни Европа чеварлари газлама тўқишга фойдаланишган.

Хитой бўлса Ўрта денгиздан ойна идиш-оёқларни, Ўрта Осиёдан узум, нўхат, анор ва бошқа ўсимликларни олишган. Савдогарларнинг фаолияти билан Ўрта Осиёга ипак кенг тарқалган. Қирғизистондаги бизнинг замоннинг дастлабки асрларидаги гўристонларидан ипак газламалар топилган.

Қирғизистон территорияси орқали ўтган савдо йўллари. Қирғизистон Буюк Ипак йўлининг муҳим қисмларининг бири бўлган. Қирғизистон орқали ўтган савдо йўли уч йўналишда бўлган. Савдогарлар Шарқий Туркистондан чиқиб, Кўк-Сув дарёсининг қирғоғини бўйлаб юриб ўтиришиб, Эркештом доvonини ошиб, Олой тоғларига келишган. Ундан Қизил-Сувни бўйлаб, Термез шаҳрига, ундан нари Аму-Дарёсидан ўтиб, Марв шаҳри орқали Эронга, ундан Ўрта денгизга чиққан.

Иккинчи йўл йўналиши Марвдан бошланиб, Бухоро, Самарқанд, Хўжанд орқали Фарғона водийсига келади. Савдогарлар ундан Ўш, Ўзган шаҳарларини оралаб, Ясси дарёсини бўйлаб Арпа, От-Боши орқали Шарқий Туркистонга кетган.

Учинчи йўналишдаги йўл Самарқанддан Тошкентга, ундан нари кўплаб шаҳарларни оралаб, Чуй водийсига, Чуй водийсидаги шаҳарларда савдосини юритиб, ундан нари Бўём дараси билан Иссиқ-Кўлга етиб, Барсқўўнда дам олган карвонлар, От-Бошига етиб, унда Тош-Робот карвон саройида дам олишиб, Тўруғарт орқали Хитойга киришган. Ўша пайтнинг ўзидаёқ Барсқўў



Ипак йўлининг Қирғизистон орқали ўтиши.

ўндан шимолга кетган карвонлар Сон-Тош орқали Она-Сой қирғизларига қараб йўл олишган.

Буюк ипак йўлининг тарихий аҳамияти. Буюк Ипак йўли Европа давлатлари билан Шарқ мамлакатларининг бир-бири билан танишувида катта аҳамиятга эга бўлган. Бир неча аср бурун ривожланган пул хўжалиги мавжуд, Шарқ билан Фарбнинг йирик цивилизацияларини бирлаштирган Ипак йўли савдога ва алмаштиришга кўмак берган. Бу ҳақда Қирғизистон территориясида топилган Парфиянинг, Юнон-Бактриянинг, Қушаннинг, Қадимги Римнинг тийинлари, бизнинг эранинг 1-минг йиллигидан тортиб эса Эрон, Византия, Хоразмнинг, Сўғданинг ва Хитойнинг тийинлари ойдинлаштиради.

Савдо, мол алмаштиришгина юрмасдан, илмий ва техник билимларни, маданий муваффақиятларни ҳам бири-биридан ўрганишган. Буюк Ипак йўли ўтган территорияларда бир-биридан қолишмаган йирик шаҳарлар ўсиб чиққан, меъморий бинолари кўзни олган шаҳарлар савдо марказларига айланган.

Буюк Ипак йўли бугунги кунда ҳам янгилиниб, Шарқ билан Фарбнинг алоқаси яхши йўлга қўйилмоқда.

 Тарихий манбаъ билан танишиш:

Ибн Хордадбекнинг 885-886-йй. ёзилган «Давлатлар ва йўллар китоби».

Бу асарда Ўрта Осиёнинг шаҳар-қишлоқлари ва савдо йўллари ҳақида маълумот бор. Ибн Хордадбекнинг ёзганига кўра Самарқанд тарафдан Қирғизистоннинг жанубий территориясида – Қува, Ўш, Ўзган, От-Боши (Қўшўй-Қўрғўн) ва Иссиқ-Кўлнинг қирғоғидаги Барсқўўи шаҳарлари орқали Шарқий Туркистон томонга савдо йўли ўтган. Самарқанддан чиққан шимолий савдо йўли эса Шош (Тошкент), Исфиджаб (Сайрам), Тараз (Жамбул), Мерке, Невакет, Бўём дараси орқали Барсқўўнга келган. Ибн Хордадбек турк халқларининг рўйхатида қирғизларни ҳам атаб кетган.

 Ёзиб олинг:

*Буюк Ипак йўли* – бизнинг эрагача II асрда хитой императори Шинхуан томонидан асосланган Хитой ва Ўрта денгиз мамлакатларини бирлаштирган савдо йўли бизнинг эрагача 109-йилда Тангри-Тоғ орқали Буюк Ипак йўли очилган.

 Саволлар ва топшириқлар:

1. Буюк Ипак йўли қачон очилган?
2. Қирғизистоннинг территорияси орқали қандай йўллар ўтган, харитани фойдаланиб айтиб беринг?
3. Буюк Ипак йўлининг бўйида қандай шаҳарлар жойлашган?

## IV БОБ. ҚИРҒИЗЛАРНИНГ МУСТАҚИЛЛИК УЧУН КУРАШИ

### § 21. Чингиз хоннинг ғазабли замони

1

Асосий саналар:

1206-й. – Мўнғул давлатининг тузилиши.

1207-й. – Жучининг Жанубий Сибирга юриши.

1218-й. – Мўнғулларнинг Етти-Сувга келиши.

1219-й. – Марказий Осиёни қулчиликка айлантириш.

✓ Тушунчалар: Чингиз хон.

Чингиз хоннинг аскарларининг қирғиз ерларига босиб кириши. XII а. охири XIII а. бошида мўнғул далаларидаги уруғлар ўртасидаги кураш охирига чиқиб, бўржигин уруғи устунлик ҳолатга эга бўлди. 1206-йилда мўнғул уруғларининг катта қурултойида бўржигин уруғининг машҳур бошқарувчиси Есугей ботирнинг ўғли Тэмучин оқ кигизга солиниб, бутун мўнғулларнинг хони деб эълон қилиниб, Чингиз хон унвонига эга бўлади.

Чингиз хон ўзининг сўзини ғинг демай эшитган, таланти қўл бошчиларига таяниб, қисқа муддатда кучли армия тузган. Барча мўнғуллар унинг буйруғи билан дарров юришга чиқишга мажбур бўлган. Аскарлари ўнликларга, юзликларга, мингликларга ва ўн мингликларга (туман) бўлинган. Ҳар бир бўлакнинг бошида довярак қўл бошчи бўлган. Ғоят қаттиқ тартибга эга бўлган, кучли армияси билан Чингиз хон босиб олувчилик юришларини бошлаган. 1207-йилда Чингиз хон ўзининг ўғли Жучига Жанубий Сибирнинг халқларини бўйсундиришга буйруқ берган. Ўша пайтда Она-Сойдаги қирғизлар бурунги куч-қувватидан айрилиб, тарқоқлик яшашни бошларидан кечираётган. Тарқоқ эгаликлари бошқариб турган қирғиз бошлиқлари, халқни беҳуда қирилиш-



дан сақлаб қолиш учун Чингиз хонга бўйсуниб беришга қарор қилишган.

Жучи қирғизларнинг эгалигига яқинлашиб қолганда, унга қирғизлар элчи жўнатиб, энг баҳоли оқ шунқор, оқ бўз от тортиқ қилиб, ўз ихтиёри билан ғазабли дала эгасининг фуқаролигига ўтишини билдиришган. Она-Сойликлар мўнғўлларга солиқ қатори темир, экин бериб туришга мажбурият олган. Мўнғўлларнинг эзуви ғоят ғазабли бўлиб, озодликни истаган қирғизлар 1218-йилда ўзларининг қўшниси туматлар билан бирга қўзғолон чиқаришган. Бироқ куч тенг келган эмас, мўнғўлларнинг Жучи бошида турган зўр армияси қўзғолончиларни қонхўрлик билан босиб жазолашган. Қирғизлар қайтиб куч тўплаш учун кўплаб йиллар талаб қилинган. Чингиз хоннинг босқинчилик даври кучайиб турганда ҳозирги Қирғизистоннинг территориясида найманларнинг бошчиси Кучлукнинг ҳокимияти ҳукм суриб турган. Шарқий Туркистон ва Етти-Сув халқи найманларнинг оғир эзувида бўлган. Кучлук бу ердаги мусулмонларни буддизмга ёки христиан динига ўтишга мажбурлаган.

1218-й. Чингиз хон Етти-Сувга Жебе-Нўйўн бошида турган 20 минг одамдан иборат армияни жўнатган. Етти-Сувнинг чекига етганда мўнғўл қўл бошчиси ҳар ким ўз динини тутишга ҳуқуқли деб жар солган. Ундан ташқари мўнғўлларнинг тартибли аскарлари одобли халқни тўнамасликка буйруқ олишган. Жебе-Нўйўннинг бундай сиёсати муваффақиятли бўлиб, маҳаллий халқлар Кучлукка қарши кўтарилиб, мўнғўлларни қутқазувчи қатори тўсиб олган. Масалан, Боласоғун шаҳрининг дарвозаси мўнғўлларга қаршиликсизоқ очилиб берилган. Шунингдәк усул билан мўнғўллар Қирғизистоннинг территориясидаги бошқа шаҳарларни ҳам эгаллашга етишишган. Кучлук мўнғўллар билан тўқнашишда яқсон қилиниб қочган, бироқ мўнғўллар уни қувиб етиб бошини олишган.

Марказий Тангри-Тоғ тўлиғи билан мўнғўлларнинг кузатиши остида бўлган. Бунда, Марказий Осиёга босқинчилик ясаб, босиш учун мўнғўллар куч тўплаган.

Марказий Осиёни қудчиликка айлантириш. Тангри-Тоғни мўнғўлларнинг эгаллаши Ўрта Осиёга босиб киришга йўл очди. Ўша пайтда Ўрта Осиёдаги энг катта давлат Хоразм шоҳлиғи эди. Хоразм шоҳи бутун Ўрта Осиё, угина эмас, Эрон ва Ироқнинг бир қатор территорияларини бошқариб, пойтахти гуллаб ривожланган Урганч шаҳри эди. Муҳаммад шоҳ ўзини бутун шарқнинг бошлиғиман деб ҳисоблаган. Чингиз хон 1218-й. Муҳаммад шоҳга элчи жўнатган, унда: «Мен сенинг билан тинчликда яшагим келади. Сен менинг энг улўғ ва қимматли хизматчим

бўл». Бундай камситишга чидамаган Муҳаммад шоҳ, Ўттар шаҳрида элчиларнинг бошини олдиради. Бу хабарни эшитган Чингиз хон уруш босқинчилигига чиққан.

1219-йилда 20 мўнғул тумани (200 минг отлик) чегарадаги Сир-Дарёга яқинлаб келишди. Хоразм шоҳнинг армияси очик қаршилик кўрсатмасдан йирик ғовларда мудофаа қилиш урушларини юргизган. Чингиз хон энг асосий кучи Ўттар шаҳрига йўналиб, уни йўқ қилган.

Улар ғовларни тош ирғитувчи машина билан яксон қилиб, умумий ҳужумга ўтиб, рақибларини аёвсиз қирган. Ҳеч кимга кечирим берилган эмас. Самарқанд халқи қаттиқ қаршилик кўрсатди, шаҳар тўлиғи билан тор-мор қилиниб, 30 минг эркак қирилиб, аёллар ва болалар қулликка сотилди. 1221-й. Урганч қамоққа олинди. Ўрда шаҳарининг халқи аёл-эркак, бола-чақа демай бутунлай душманга қаттиқ қаршилик кўрсатиб, қошиқ қони қолгунча жанг қилишди. Бироқ провардида босқинчилар ғалабага эришадиде, Аму-Дарёсидаги тўсмани бузиб, шаҳарни сел қоплаган. Шундай қилиб, 1221-й. Ўрта Осиёнинг кўпчилик қисми мўнғул босқинчиларининг қўл остида қолди.

Мўнғулларга барқарорлик билан қаттиқ қаршилик кўрсатган Хоразм шоҳининг ўғли Жалолиддин бўлди. Урушавериб, унинг аскарлари Ҳиндистон чегарасигача сурилди. Провардида душманларнинг қуршовида қолган Жалолиддин талпинган оти билан баландликдан Ҳинд дарёсига бўй уради. Оти, қурол-яроғи ва қўлидаги байроғи билан соғ-саломат нарги қирғоққа сузиб ўтди. Чингиз хон унинг орқасидан қувғун юборган эмас, у Жалолиддиннинг қаҳрамонлигига қойил қолиб, ўз жангчиларига: «Ундан ибрат олиш керак!» – деб айтган. Бу ботирнинг отаси Муҳаммад шоҳ Каспий денгизининг оролларининг бирига яшириниб, кўп ўтмасдан қазо бўлган.

1227-йилда 72 ёшдаги Чингиз хон оламдан ўтади. Унинг эғалигидаги ерлар улусларга бўлиниб, болаларига меросга қолган. Қирғизистоннинг территорияси, Марказий Осиёнинг кўпчилик қисми Чингиз хоннинг иккинчи ўғли Чағатойнинг эғалигига тегишли бўлган. Она-Сой билан Иртиш дарёларининг оралигидаги ва Балхаш кўлигача қирғизларнинг ери эса учинчи ўғли – Угедейга теккан. Кейин Угедей Мўнғул империясининг буюк хон бўлиб эълон қилинган.


✍ Езиб олинди:

*Чингиз* – турк тилида «тегин», «денгиз» деганини билдиради.

 Буни билиш қизиқарли


Чингиз хон Хоразмнинг йирик шаҳарларига хат жўнатган, унда бундай деб айтилган:

«Биласизми – Кўк Тангри менга Шарқни ва Фарбни, ер юзидаги барча подшоҳликни атаб қўйди. Агар қаршилик кўрсатмай бош эгсангиз кечирим берилиб умрингиз сақланади, йўқ агар қаршилик кўрсатишни ечсангиз халқингиз қирилиб, кулингиз кўкка совурилади». Шундай қилиб, баъзи бир шаҳарлар уришмасдан дарвозаларини очиб беришган, мўнғўллар халқни далага ҳайдаб чиқиб, бўш қолган шаҳарларни уч кун талон-торож қилишган, мудофааланиб қаршилик кўрсатганларни эса мўнғўллар бераҳмлиқ билан жазолашган.

 Саволлар ва топшириқлар:

1. Тэмучин деган ким бўлган?
2. Мўғуллар Тэмучинга Чингиз хон деган унвонни бериш билан нимани ибоят қилишган?
3. Чингиз хоннинг босиб олишлари қандай бўлган?
4. Қирғизларнинг мўнғўлларга бош эгиши ҳақида айтиб беринг.
5. Мўнғўллар босиб олган территориядаги халқнинг ҳаёти қандай бўлганини қўшимча адабиётдан топиб ўқиганга ҳаракат қилинг.

## § 22. Мўғулистон давлати

-  Асосий саналар:  
1348-й. – Мўғулистон давлатининг тузилиши.  
1365-й. – Лой жанги.

✓ **Тушунчалар:** мўғул, улусбеги, бутнараст.

**Мўғулистон давлатининг тузилиши.** Ўрта Осиёни эгаллаб турган Чағатой улусининг территориясида асосан турк ва турклашиб кетган мўнғул уруғлари яшашган. Сир-Дарё билан Аму-Дарёсининг ўртасидаги территориялар Мовароуннаҳр деб аталиб, ундаги халқлар ўзларини «Чағатойлар» деб аташган, Тангри-Тоғ, Етти-Сув территориясидаги мўнғуллар эса ўзларини мўғуллармиз дейишган. XIV а. ўрталарида Ўрта Осиёнинг шарқида янги давлат – Мўғулистон, яъни «Мўғуллар ўлкаси» пайдо бўлган. Мўғулларнинг энг йирик уруғлари туркча ва мўғулча аталган. Уларнинг ҳаммаси аллақачонданоқ турк тилида гаплашишган, туркларнинг урф-одатини қабул қилишган, ўзларининг Она Ватани қатори Мўнғўлиянинг далаларини эмас, балки Марказий Тангри-Тоғни ҳисоблашган.



Мўғулистон давлатини дуглат уруғининг йирик бошлиқлари етаклашган. Улар Шарқий Туркистонни, Мангғалай-Субе билан Фарғонанинг бир қисмини, Олой, Иссиқ-Кўлгача бутун Марказий Тангри-Тоғ туманидаги ерларни эгаллаган.

Бу ерлар дуглат уруғининг амири Пуладчига тегишли бўлиб, унинг ўрдаси Оқ-Сув шаҳрида (Шарқий Туркистонда) жойлашган.

Талас, Чуй водийлари, Иссиқ-Кўл ва уларнинг шимолидаги ерлар Балхашга, шарқ томонидан Иртишгача дуглат уруғининг тагин битта бошчиси Камориддинга қараган. У Пуладчи амирнинг туғишган укаси бўлган.

Дуглат уруғининг бошлиқлари ўз уруғининг уруш кучларига таяниб, Мўғулистонни Мовароуннаҳрдан ажратиб олиш ҳаракатларига раҳбарлик қилишган.

Амир Пуладчи ўзи Чингиз хоннинг қавмидан бўлмаган сабабли хон тахтига ўтира олмаган. Шу сабабдан у чағатойларнинг қавмидан чиққан Тўғлиқ-Темир деган ёш болани топиб келиб, ўша орқали ўзим ҳокимлик юргизаман деган ниятда уни 1348-й. Мўғулистоннинг хони деб эълон қилади. Шундай қилиб, Мўғулистон давлати тузилиб, Пуладчи ўзи хоннинг олдида улусбеги деган юқори хизматни эгаллайди-да, уни наслдан-наслга меросга қолдирадиган қилади.

Мўғулистоннинг хони Тўғлиқ-Темир давлат ҳокимлигини кенгайтиб, мустаҳкамлашга қарор қилади. Тўғлиқ-Темир 24 ёшида ислом динини қабул олиб, уни давлат дини деб эълон қилади. Унинг устига у исломни қўл олдидагиларга куч билан тарқатади. Тарихчиларнинг маълумотида бир кунда бутпараст йўлини йўлловчи 160 минг киши ислом динини қабул олади.

Мовароуннаҳрга юришлар. Марказий Тангри-Тоғнинг кўчман оқ суяклари хондан бошқа ерларни босиб олишни талаб қилишган. Тўғлиқ-Темир агарда юриш муваффақиятли бўлиб қолса ўзининг обрўси кўтарилиб, ҳокимлиги мустаҳкамланадиганини тушунган. Хон ҳам, у таянган кўчман бошлиқлар ҳам Ўрта Осиёдаги Аму-Дарёси билан Сир-Дарёсининг ўртасида (Мовароуннаҳр) ётган ғарбий территорияларни осонгина босиб олишга бўлади деган қарорга келишган. Чунки, у ердаги ҳокимият тарқоқ ва ўзаро ёвлашиб турган турк амирларининг қўлида эди.

1360-йилнинг эрта баҳорида Тўғлиқ-Темир кўп аскарлари билан Етти-Сувдан Мовароуннаҳр томон юришга чиққан. Уларга урушсизоқ шаҳар халқи бўйсуниб беришиб, маҳаллий турк амирлари Тўғлиқ-Темирнинг тарафига ўтишди. Мўғул оқ суяклари Мовароуннаҳрни босиб олинган ўлка қатори ҳисоблашиб, халқни талон-торој қилиб, кўп бебошлик қилишди.

Шу сабабли халқ кўзғолонга чиқади, уларни баъзи бир маҳаллий бошлиқлар қўллаган. Самарқанд шаҳрига ҳоким қатори

қўйилган Тўғлиқ-Темирнинг ўғли Илёс Хўжа оғир аҳволда қолган. Ўша пайтларда Мўғулистоннинг хони Тўғлиқ-Темир оламдан ўтади, Илёс Хўжа Самарқанддан қайтиб келиб, отасининг тахтини эгаллайди. 1362–63-йй. Мовароуннаҳр вақтинча қўлдан чиқади. Илёс Хўжа 1365-йилда Мовароуннаҳрни қайтадан босиб олишга жўнайди. Мовароуннаҳрни Хусейин ва Темир деган амирлар бошқариб турган, улар билан мўғулларнинг ўртасида зўр уруш бўлиб, охирида Илёс Хўжанинг аскарлари ғалаба қозонади. Мўғулларнинг аскарларига Самарқандга қараб йўл очилади.

Мўғулларнинг мағлубияти, ичаро урушлар. Самарқанд шаҳрининг турғунлари тўдаланиб шаҳарни мудофаа қилишга чиқишади. Уларга босқинчиларнинг қўлига тушиб бергиси келмаган қатордагиёқ оддий одамлар раҳбарлик қилишади. Халқ шаҳарга кирган битта кўчадан бошқа барча йўللарни кавлаб, қўлга теккан ҳар қандай нарсалар билан тўсиб ташлашади. Мўғулларнинг отлиқлари тўсилган, кавланган кўчага кираверганда ҳар тарафдан ёй отиб, тошга олиб, сўйил билан уриб, чиқиб бўлмайдиган ҳолатга туширишади. Бостириб кирганлар мингга яқин одамларидан, кўп сонли от-уловларидан ажраб, шаҳардан қайтиб эплаб чиқишади. Илёс Хўжа Самарқандни қуршовдан бош тортиб, аскарларини Мўғулистонга олиб кетади.

Илёс Хўжанинг Мовароуннаҳрдаги урушда мағлубиятга учраши Мўғулистондаги йирик бошлиқларнинг унга қарши чиқишига туртки бўлади. Дуглат уруғининг халқ билган обрўли амири Камориддин Илёс Хўжанинг ўрдасига қўл солиб, хонни ўлтириб, унинг оиласини йўқ қилади.

Мўғулистоннинг бошлиқларининг ўртасида ҳокимлик талаш-шиш куч олиб, ичаро урушлар бошланади. Улар Темирнинг аскарларининг юриши бошланар олдида давлатни ҳолсизлантирган.



Мўғул аскар.



Мовароуннаҳрга юриш.


Бу воқеа Илс Хўжанинг Мовароуннаҳрга ясаган юришида бўлган. Мўғулларнинг аскарларини Мовароуннаҳрнинг бошқарувчиси Темир Тошкент билан Чинознинг ўртасидан, Сир-Дарёдан тўсиб чиқишади. Икки тараф юзлашиб уришаётганда изғирин бўлиб сел ёғди. Аскарлар ботқоққа ботишиб, берилган буйруқлар эшитилмади. Челақлаб куйгандай ёмғирда душман қаёқда, ўз қаёқда экани билинмайди. Жанг ҳаддан ташқари кучайиб турган маҳалда мўғулларга янги куч келиб қўшилади-да, қайсарлик уларнинг фойдасига ҳал бўлади. Темирнинг аскарлари орқага қочишади. Саросимага тушиб қочганда тирикларнинг ва ярадор бўлганларнинг кўпи лойга тепаланиб қолади. Ўша пайтдагиларнинг айтишига кўра Сир-Дарёдаги «Жанг-и Лойда» («Лойдаги тўқнашиш») 10 мингга яқин одам қурбон бўлган.

 Ёзиб олинг:

*Мўғул* – турклашиб кетган мўнғул уруғлари.

*Улусбеги* – мўғул давлатидаги юқори хизмат.

*Бутпараст* – кўп худодиликка ишонич.

 Саволлар ва топшириқлар:


1. Мўғулистон давлати қачон асосланган, биринчи хоний ким бўлган?
2. Қайси территориялар Мўғулистонга кирган?
3. Нима учун Пуладчи хон бўлиш ҳуқуқига эга бўлган эмас?
4. Мовароуннаҳрга ясаган юришлар қандай бўлди?
5. Илс Хўжа нима сабабдан ўлдирилди?
6. «Лойдаги тўқнашув» қайси воқеани акс эттиради?

## § 23. Амир Темирнинг давлати

 Асосий саналар:

1370-й. – Амир Темирнинг давлатининг тузилиши.

1371-й. – Мўғулистонга Темирнинг юришининг бошланиши.

 Тушунчалар: «Амир».

Амир Темирнинг давлатининг асосланиши. Мўғулларнинг такрор-такрор ясаган юришларидан ва халқ қўзғолонларидан безор бўлган Мовароуннаҳрнинг бошлиқлари билан савдогарлари ўлкага қарши келаётган юришларни рад қилиб, халқни ёнғ дегизмай ушлаб турган кучли одамни излай бошлашади. Охири улар халққа белгили бўлиб қолган Амир Темирни танлашган.

Темир Шахрисабз шаҳрининг атрофидаги турклашиб кетган мўнғул уруғи барласдан чиққан Тарағай бек деган одамнинг оила-

сида 1335-йилда туғилган. У ёш чоғиданоқ уруш ишларини яхшилаб ўрганган, йўл бошчилик қилишга тайёр инсоний сифати бор, довурак одам бўлган. У куч-қувватли, ғайратли деса ғайратли, қаҳрли деса қаҳрли йигитлардан ҳайбатли аскар тўплаб, карвонларни талон-торож қилиб, қўшниларига қўл солиб турган. Йигирма ёшга чиққанда Темир халқ орасида қадр-қимматли, Қазаған деган амирга хизматга ўрнашган. Тўғлик-Темир Мовароуннаҳрни босиб кирганда, Темир мўғулларга хизматга ўтиб, Кеш территориясига эғалик қилган.

У 1361-йилда Қазағаннынг невараси, ўша пайтда Мовароуннаҳрни бошқариб турган Хусайн амир билан иттифоқ тузадида, кўп ўтмасдан 1370-йилда уни тутқунга олиб ўлдиради, Мовароуннаҳрнинг тўла ҳуқуқли ҳокимият эгаси қатори ўзининг номидан давлат асослайди. Умрининг охирида Амир Темир Ўрта денгиздан тортиб Шарқий Туркистонни ўз ичига олган мамлакатни тузган. Унинг пойтахти Самарқанд шаҳри бўлган. Юришларнинг бирида Темир оёғидан ярадор бўлгани сабабли оқсаб босарди, шунинг учун уни «оқсоқ Темир», европалилар эса «Тамерлан» деб аташган.

Темирнинг қирғиз территориясига ясаган юриши. Ўзининг ҳукмронлигини кенгайтиш мақсадини кўлаб, Темир Мўғулистонни босиб олишга бир қатор юришларни ясаган. 1371-йилда Темир Камар ад-Диннинг улусига қарши юришга чиқиб, Иссиқ-Кўлга келади. Бироқ ўйлаган ўйи ўнгидан чиқмайди. Чунки, халқнинг бир қисми Шарққа, Иле билан Иртиш дарёларининг ўртасига кўчиб кетиб, иккинчи қисми босқинчилар осонлик билан етолмайдиган тоғли водийларга чиқиб кетган. Борган ерлари одам яшамайдиган бўлиб, бўш қолган. Мўғул уруғлари босиб олувчиларга қарши доим шундай амални қўлланишарди. Кўчманчи уруғлар билан бўлган йигирма йил давом этган уруш уларни тўлиқ бўйсундиришга мумкин эмаслигини кўрсатган. Унга қарамадан 1390-йилда Темир бир неча амирлар бошлаган 20 минг




Амир Темир.



Амир-Темирнинг жанрчиси.


аскарини Мўғулистонни вайрон қилиб, Камар ад-Динни қувғин қилиш учун жўнатади. Уларнинг бири шимолдаги йўл билан – Тошкент, Талас, Чуй орқали, иккинчиси жанубдаги йўл билан – Андижондан чиқиб, Жаази, Арпа дарёларини бўйлаб жўнайди. Аскарлар юриб ўтириб Иссиқ-Кўлдан қўшилади. Орқага чекиниб бораётган Камар ад-Динни қувлаб етиш учун, улар Иртишгача боришади. Ер одам яшамайдиган бўлиб, бўш қолган. Халқ босқинчилардан яшириниб, баланд тоғли территорияларга чиқиб кетган. Тангри-Тоғда яшаган кўчманчи уруғлар душманга бош эгишни истамай, Она Ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлишган эди. Темирнинг ҳокимлиги Чуй водийсигачагина тарқаган. Бу территорияни ва унга қўшиб умуман Мўғулистонни бошқаришни Темир ўзининг неварасига – ўрта асрдаги энг йирик олимларнинг бири қатори ном чиқарган машҳур Улуғбекка берган. Бироқ Улуғбек аслида Мўғулистонда ҳокимият юрита олган эмас.

 Буни билиш қизиқарли

Амир Темир ва унинг босқинчилик урушлари ҳақида қирғиз халқининг эсида кўп хотиралар сақланиб қолган. Ушбу кунларда ҳам Иссиқ-Кўлнинг шарқ тарафидаги, Сонтош довоидаги икки тош тепани халқ миш-миши «Оқсоқ Темир» исми билан боғлаштиришади. Унинг маъноси бундай: Темир Сонтош орқали Хитойга кетиб бораётиб, довога чиққанда ҳар бир жангчига «сойдан биттадан тош олиб, уларни бир ерга йиғинг» деб буйруқ беради. Қайтиб келаётганда тирик қолган жангчилар ҳалиги тош тепадан биттадан тош олиб, тепанинг қаторига йиғишади. Шундай тарзда довода иккита катта тош тепа пайдо бўлади. Уларнинг биттаси бўлак ерда қурвон бўлганларнинг ўз қўллари билан ўзларига ўрнатган ёдгорлиги. Иккинчиси юришдан соғ-саломат қайтганларники экан.

 Ёзиб олинг:

*Амир* – арабча аскар бошчиси.

 Саводлар ва топшириқлар:

1. Амир Темир қандай қилиб давлат тузибди?
2. Унга таъриф бериб кўринг.
3. Қирғиз территориясига яшаган ҳужумчи нима учун етмаётганларини билгиласизми?
4. Темир ҳақида қандай миш-мишлар йўр экан?
5. Амир Темир ҳақида эссе ёзинг.

## § 24. Муҳаммад Қирғиз (Тоғой бий)

- 1** Асосий саналар:  
 1510-й. – Муҳаммад Қирғизнинг хон бўлиб эълон қилиниши.  
 1517-й. – Мўғуллар билан Қирғизларнинг уруши.  
 1524-й. – Қирғиз-қозоқ иттифоқининг тузилиши.

✓ Тушунчалар: амир.

Марказий Осиёдаги вазият. Темирнинг Мўғулистонга ясаган вайрон қилувчи қонли юришларининг натижасида унда катта ўзгаришлар бўлган. Бир вақтлардаги кучли уруғлар одам жиҳатидан ҳам, тирикчилик жиҳатидан ҳам зўр йўқотишларга учради. Марказий Тагри-Тоғ, Иссиқ-Кўлнинг шаҳарлари ва Иле водийси бўш қолди, Мўғулистоннинг шарқий чет томонларида, Олтойда ва Жунғорияда яшаган қирғизлар Темирнинг урушларидан тор-мор бўлган мўғул уруғларининг қолганларини ўзига қаратиб, бўш қолган яйловларни аста-секин эгаллай бошлади. XV асрдаёқ қирғизлар қолган мўғуллардан деярли фарқланмай қолишади. Ўша вақтда уларнинг иккитагина фарқини белгилашган. Қирғизлар ўзларини жасурмиз деб ҳисоблашган. Мўғуллардан жанговарлиги билан ҳам, чидамлилиги билан ҳам фарқ қилишган. Довюррак, чаққон-эпчил бўлишган. Ўша сабабли улар «Мўғулистоннинг шерлари» деган фахрий ном олишган. Иккинчиси, қирғизлар бир қатор мўғул уруғларига ўхшаб, исломни қабул олмасдан, ўзларига одат бўлиб қолган кўп худоликка сифинишни давом эттираверишган ва мўғуллар тушинадиган, лекин бошқа турк тилида гаплашишган. XV а. 80-йй. Мўғулистоннинг территориясида сиёсий икки бирикма тузилган. Уларнинг бири Жунус хон бошида турган мўғулларнинг улуси, иккинчиси Шимолий Қирғизистонда энг кўпчилиги қирғизлардан иборат бўлган Султон Ҳалилнинг ўрдаси. Султон Ҳалил «қирғизларнинг обрўли подшоси» деган ном билан маълум, кейин буларнинг ўртасида йирик ўзаро урушлар авж олган, ундан ташқари бу территорияларга жунғорлар ва шайбонийларнинг қўл солиш хавфи кучаган.

Қирғизларнинг мустақиллик учун кураши. Бу пайтларда Мўғулистонда қирғизларнинг роли кучай бошлади. XVI а. қирғизлар анча илдиз отиб, ҳокимликни Чингиз хоннинг авлодларининг мерос қилиб бериш одатидан бош тортишиб, амирларни ўзларининг орасидан кўтара бошлаган. Ўша пайтда Иссиқ-Кўлнинг Барсқўўн территориясини етаклаб турган Муҳаммад Қирғизнинг номи чиқа бошлаган. Унинг фаолияти қирғиз уруғларининг ўнг ва чап қанотларининг иттифоқларини мустаҳкамлашга йўналтирилган. У 1510-йилда одатга кўра оқ кигизга солиниб, хон деб

эълон қилинган. Бу амалда қирғиз уруғларининг мустақилликка эга бўлишини нишонлади.

Қирғиз уруғлари Муҳаммад Қирғизнинг раҳбарлиги билан Мўғул давлатининг хони Султон Саидга 1514-йилда Қашғарни босиб олишда жиддий қўллаш кўрсатган. 1517-й. Муҳаммад Қирғиз Сайрам, Тошкент, Туркистонга қўл солиб, Тошкентнинг ҳокими хонзода Абдуллани тутқунга олган. Бироқ кейин уни ҳурмат билан қўйиб юборишади. Буни эшитган Султон Саид хон Муҳаммад Қирғизга қарши йўлга чиқиб, мусулмон ерларини харобага учратганлиги учун жазолашга қарор қилди. Ҳақиқатда хон қирғизларнинг бошқарувчиси ўзига душман шайбонийлар билан яширин иттифоқ тузмоқчи деб хавотирланган.

1517-йилда Саид хон ўзи бош бўлиб, аскарлари билан қирғизларга қарши жўнаган. Улар Барсқўўнга яқин ерда қирғизларга бехосдан қўл солади. Урушда қирғизлар мағлубиятга учраб, Муҳаммад Қирғиз тутқунликка тушади. У унга «Сени кўчманчиларнинг одати-га кўра ўлимга тортиш керак эди. Бироқ, мен сени олижаноблик билан кечираман» деб, уни кишанлашга буйруқ берган. Ҳалабадан кейин мўғуллар қирғизларнинг уюр-уюр йилқиларини, кўра-кўра қўйларини, тўп-тўпи билан туяларини ҳайдаб кетишади.

Муҳаммад Қирғиз Шарқий Туркистонга олиниб келингандан кейин 5 йил бўйи Қашғарда қамоқда бўлади. Келажакда қирғиз ерига эга бўламан деган умидда 1522-йилда Султон Саид Муҳаммад Қирғизни бўшатиб, ватанига юбориб, унинг қадр-қимматини фойдаланишга ҳаракатланган.

Бироқ унинг умиди оқланган эмас. Муҳаммад Қирғиз ўзининг атрофи-га барча қирғиз уруғ бирикмаларини тўплаган ва қайтадан амалда қирғизларнинг бошчиси бўлиб қолган.

Муҳаммад Қирғиз мўғул давлатининг босқинчилигига қарши Қозоқ хонлиги билан иттифоқ тузишга ҳаракат ясаган. 1524-йилда қозоқ хонлигининг бошқарувчиси Тоҳир-хон Муҳаммад Қирғиз билан мўғулларга қарши шериклашиш ҳақида суҳбатла-



Муҳаммад-Қирғиз



XVI а. қирғиз жангчиси

шувларни юргизган. Султон Саид бу ҳақда билиб қолиб, Муҳаммад Қирғизни қайтадан тутқунга олган ва уни Қашғарга юборган, бунда у Султон Саид ўлгунгача бўлган. 1533-йилда Муҳаммад Қирғизнинг ўзи ҳам вафот қилган.

Мўғул давлатининг бошқарувчиларининг Шимолий Қирғизистонни эгаллашга бўлган ҳаракати ишга ошган эмас. Муҳаммад Қирғизнинг зийрак сиёсати қирғизларга қозоқлар билан шериқлашиб, ўз мустақиллигини ҳимоя қилишга имконият берган.

✍ **Ёзиб олинг:**

**Амир** – шарқдаги баъзи бир мусулмон ўлкаларида ўлка бошқарувчиларининг номи.

② **Саволлар ва топшириқлар:**

1. XV асрларда Марказий Осиёда вазият қандай бўлган экан?
2. Муҳаммад Қирғиз деган инсон ким?
3. Мўғулларнинг қирғизлар билан уруши нима билан аёқлаб турган?
4. Қирғиз-қозоқ шериқлашларининг маъноси қандай бўлган?

## § 25–26. Қўқон хонлигининг устунлиги

- 1 **Асосий саналар:**  
1709-й. – Қўқон давлатининг тузилиши.  
1762-й. – Ўзган билан Ўшни Қўқон хонлигининг босиб олиши.  
1825-й. – Шимолий Қирғизистонни босиб олишнинг бошланиши.

✓ **Тушунчалар:** бий, ғов, сарбоз.

Хонликнинг тузилиши, қирғизлар билан алоқаси. XVIII а. бошида Бухоро амирлигидан бўлиниб, Фарғона водийсида ўзича, мустақил эгалик тузилади. Қўқондаги янги бошқарувчи сулоланинг асословчиси минг уруғидан чиққан ўзбек феодали Шохрух бий бўлган. Уни 1709-йилда зўр тантана билан оқ кигизга солишиб хон кўтаришган. Хонликнинг халқи ўзбек, тожик, қипчоқ ва қирғизларнинг кўчманчи ва турғунлашган уруғларидан иборат. Қўқон хонлиги тузилгангача Фарғона водийсини Қўқон территориясида Шохрух бий, Хўжанд территориясида Оқбўта бий бийлаган. Қирғизларнинг Наманган, Андижон тарафида қипчоқларнинг эгаликлари бўлиб, улар бир-бири билан зич боғланишда бўлишган. XVIII а. бошида Шохрух бийнинг эгалигига Наманган территорияси қўшилади. Хўжанднинг бошқарувчиси Оқбўта бий билан муоамаласини яхшилаб, Шохрух бий қизини куёвга берган. Унинг қизига уйланган Оқбўта бий Шохрух-



нинг боласини чақиртиб, унга эгалигини бошқаришни ишониб берган. Кейин бийликни энгсаган Шохрухнинг боласи Оқбўта бийни хонлик билан ўлдиради-да, Хўжанд территорияси Қўқон эгалигига ўтади. Шундай қилиб, Фарғона водийсидаги ерлар Қўқон эгалигига ўтиб, унинг территорияси кенгайверади.

Қўқоннинг бошқарувчилари қирғиз бошлиқлари билан алоқада бўлиб, уларнинг эгаликларига мустақил қўл сола олишган эмас. Угина эмас, ўз эгалиklarини кенгайтиш учун қирғизлардан ёрдам сўраб туришган. Масалан, жанубий қирғизларнинг қушчи уругининг бошчиси Қубат бий Ўра-Тева давлатининг бошқаришига қарши юриш ясаган пайтда, у Қўқон бошқарувчисининг тенг ҳуқуқли иттифоқдоши қатори чиққан. Уни Бухоро солномаларида «Эрденининг таянчи» деб аташган.

Қўқонлик тарихий манбаъларда Қубат бий «қирғизларнинг подшоси» деб ёзилган. Қубат бий ўз уруғдошлари билан Фарғонада ва Тангри-Тоғда анчагача кўзга кўринарли роль ўйнаган. У ўз номидан, Қўқоннинг асосий иттифоқдоши қатори Хитой императорига мурожаат мактубини юборган. Қубат бий Фарғона, Тангри-Тоғ, Шарқий Туркистонда қирғиз уруғларини бош қўштириш йўналишида фаолият юритиб, келажакда марказлашган Қирғиз давлатини тузишга интилган. Бироқ бу ҳаракатлар ишга ошган эмас. Бунга уруғлар ўртасидаги жанжаллар, ташқи душманларнинг ҳар қандай ҳаракатлари сабаб бўлган.

Қўқон хонлигининг кучайиши ва Жанубий Қирғизистонни босиб олиши. Эрдене қирғиз уруғларининг бирлашиш ҳаракати ўнгидан чиқмаганлигидан фойдаланиб, Ўрта Осиёда Қўқон бийлигининг вазиятини мустаҳкамлашга киришади. Қўқон хонлиги қирғизлар билан иттифоқини бузиб, Қубат бий билан муомаласини узади. Эрдене қирғиз тураржойини босиб олиш учун турли ҳийла-найранглари қўлланади. XVIII а. 60-йй. жанубий қирғиз уруғларининг ўзича бирлашмаси бўлган, уни адигине уруғидан чиққан Ажи бий бошқарган. Қўқон бошқарувчиси Ажи бий билан Қубат бийнинг ўртасига ўт ёқиб, уларни васвасага туширишга кўп куч сарфлаган.



Қўқон сароёи.



Қўқон сарбени.

Қирғизларнинг ўртасидаги жанжални амал билан фойдаланиб, Эрдене бий 1762-йилда Ўзганга қўл солади. Маҳаллий аҳолидан ҳосил қилинган қўл Ажи бийнинг байроғи остида қонли курашга чиқишади, бироқ куч тенг эмасди, қирғизлар чекинганда, қўқонлилар Ўшни босиб олиб, қирғиз қўлини тоғ тарафга суриб ташлайди. Кейин бу ерларни бўшатиб олиш учун Ажи бий қўл тўплаб қарши чиқади-да, мағлубиятга учраб тутқунга тушади. Қирғизларнинг мустақиллигини сақлаб қолиш оғирга тушди, чунки қўқонлиларнинг қисими кучаб, унинг аскарлари, қурол-яроғи ва ташкил этилиши томонидан анча кучлилиқ қилган.

Дарғазаблик билан бўлган қаттиқ жанглардан кейин олойлик қирғизлар ҳам бўйсунушга мажбур бўлишган, Қўқон аскарлари у ерларга Қизил-Қўрғон, Сўпу-Қўрғон ва Тош-Қўрғон деган ғовларни солишган. Чўнг-Олой бўйсундирилганда унинг ғарбида Дарўўт-Қўрғон ғови қурилган.

Қўқон эгаллиги 1808-йилда хонлик бўлиб эълон қилиниб, ўша вақтдан тортиб Фарғона водийси Қўқон хонлиги деб атала бошлайди. Бурун Қўқон давлатининг бошчилари бий номини олиб келса, Алим бийнинг бошқарувидан тортиб хон деган унвонга эга бўлишади. Алим хоннинг даврида қирғизларга қарши юриш кучайган. Улар Тошкентни босиб олишган, бу Талас, Етти-Сувга босиб киришга лойиқ изни яратади. Бироқ Кетмон-Тепа томонга қараб олдинган эмас.

Қўқонлиларга қарши қирғизлар жон аямасдан курашган, уларни Сатике исмли одам етаклаган. Бу территорияни босиб ололмаган қўқонлиларнинг аскар бошчилари ҳар қандай ҳийлагарликларни ўйлашган. Провардида Ўмўр хоннинг вақтида, қишнинг чилласида Қўқон аскарлари Кетмон-Тепани босиб олишган, бу воқеа 1821-йилда бўлган эди. Шундай қилиб, Жанубий Қирғизистон территорияси Қўқон хонлигига бош эгишга мажбур бўлган.

Шимолий Қирғизистонни итоат қилдириш. Қўқоннинг бошқарувчиси Мадали хон шимолий қирғиз уруғларининг — сарибағиш билан сўлтўнинг ўртасидаги жанжаллардан фойдаланиб, 1825-йилда Чуй водийсига Лашкер қушбек бошлаган 4 минг одамдан иборат қўшинни юборади. Ҳаёт-тирикчиликка ери қулай, баракали Чуй водийсида мустаҳкамланиб олиш учун қўқонлилар ўша йилдөқ Аламедин сувишнинг қирғоғига Бишкек ғовини қуриб, унда аскарларини жойлаштиришган. Ғов қирғиз қаҳрамони Бишкекнинг гумбазига қатор, қирғизларнинг бурунги мудофаа ғовининг вайроналарининг устига қурилган.

Қўқошли бек бу ердан Иссиқ-Кўл қирғизларига хоннинг ҳукмига бош эгишини, тегишли солиқ тўлаб туришини талаб қилиб мактуб жўнатади.

Бироқ озодликни севган қирғиз уруғлари бўйсунтишдан бош тортишган. Бу хабарни эшитган Мадали хон бу территорияларни босиб олиш учун уруш ҳаракатларини бошлайди.

1831-йилда Тошкентнинг ҳокими Лашкер қушбеги аскарлари билан Чуй водийси орқали Иссиқ-Кўлнинг қирғоғига боради, иккинчи тарафдан Марказий Тангри-Тоғни босиб олиш учун Фарғонадан чиқиб, Кўк-Арт доволанини ошиб, Хаққула минг бошининг қўшини жўнайди. Хоннинг қўл бошчилари қирғиз уруғларининг орасидаги ноиттифоқликни билафонлик билан фойдаланишиб, қаршилиқ кўрсатишларни осонгина босишади.

Шундай қилиб, қўқонликлар Марказий Тангри-Тоғни, Иссиқ-Кўл айланасини босиб олишиб, у ерларга Тўқмоқ, Қуртқа, Жумғал, Барсқўён, Қорақўл в.ҳ. ғовларини солишган.

XIX а. ўртасида Қирғизистонда Қўқон хонлигининг тўлиқ устуңлиги ўрнаган.

➔ Исон ҳақида билиб олинг!

Қубат бий – XVIII а. иккинчи ярмида Фарғона водийсида яшаган қирғиз уруғларининг бошлиғи, қўл бошчи, қушчи уруғидан чиққан бий. У жунғор ва Қўқон босиб олувчиларидан қирғиз уруғларининг озодлигини ва мустақиллигини ҳимоя қилган. Қубат бий уруғдошларининг орасида довораклиги ва қаҳрамонлиги, ҳалоллиги, меҳрибонлиги ва одиллиги билан зўр қадрқимматга эга бўлган.



Қўқон адреси «Тарих-и Раҳим-Хони» уни «қирғизларнинг подшоҳи» деб атаган. Қубат бий ёлғиз ўзининг номидан Хитой императорига мурожаат юбора олган. Кўк тангри подшоҳчилигининг бошқарувчиси эса Қубат бийнинг фикрини эшитган, чунки унинг Тангри-Тоғнинг сиёсий ҳаётидаги ўрнини билган.

✍ Ёзиб олинг:

**Бий** – кўчманчи турк халқларидаги уруғ оқсоқолларидан чиққан мансабли одам; туманини, территорияни бошқарган.

**Ғов** – Қирғизистоннинг территориясидаги Қўқон хонлигининг маъмурий маркази.

**Сарбоз** – Қўқон жангчиларининг аталishi.

❓ Саволлар ва топшириқлар:

1. Қўқон хонлигининг тузилиши ҳақида айтиб беринг.
2. Оқбўта бий ва Қубат бий қандай одамлар экан?
3. Ажи бийнинг қаҳрамонлиги нимада?
4. Қўқонликлар жанубий қирғизларни қачон, қандай қилиб босиб олди?
5. Шимолий Қирғизистонни нима учун қўқонликлар осон эгаллаб олди?

## § 27. Босқинчиларга қарши кураш. Тойлоқ ботир

1

Асосий саналар:

XIX а. 30-йй. — Шимолий Қирғизистоннинг территориясини Қўқон хонлигининг босиб олиши.

1838-йй. — Тойлоқ ботирнинг қазо бўлиши.

✓ Тушунчалар: вилоят.

Қўқон хонлигининг эзиши. XIX а. биринчи ярмида Қўқон эгаллиги Ўрта осийдаги энг йирик хонликларнинг бирига айланди. Унинг территорияси Тангри-Тоғдан Балхаш кўли билан Орол денгизигача кенгайиб, халқининг сони ҳам қозоқларнинг, қирғизларнинг, ўзбекларнинг, тожикларнинг ҳисобидан кўпайган. XIX а. 30-ййларининг тахминан ўрталарида қирғизларнинг барча уруғлари Қўқон хонлигининг бийлиги остида қолади. Қўқон давлати вилоятларга, областларга бўлинган. Кичкина шаҳарларга беклар, қишлоқларга, хўжалик ҳаётга оқсоқоллар етакчилик қилишган. Йирик уруғларни манаплар, уруғларни бийлар бошқарган. Қирғиз кўчманларининг орасида бийлар суд вазифасини бажаришган. Турғунлашган, деҳқончилик билан тирикчилик ўтказганларда суд бийлиги қозининг қўлида бўлган. Суд ишини қозилар шариатнинг, қирғиз бийлари халқнинг урф-одатининг асосида юргизишган.

Ўзларининг устуңлигини ушлаб туриш учун қўқонликлар қирғизларнинг кўчиб юрган территорияларида бир қатор ғовларни: Чуй водийсида Бишкек, Тўқмоқ, Мерке, Марказий Тангри-Тоғда Қуртқа, Тўғуз-Тўрў, Жумғал, Олойда Қизил-Қўрғон, Дарўўт-Қўрғон ғовларини қуришган. Бу ғовлар Қўқонлик босқинчиларнинг аскарий, бошқариш ва савдо жойлари бўлиб ҳисобланган.

Қирғиз халқи қўқонликларга «шимолий закот» (тутун солиғи), «қўй закоти» (қўй солиғи), «хирож» (ер солиғи) туридаги ва бошқа оғир солиқларни тўлаб туришган. Йўлларни, бузилган кўприк ва ғовларни бепул тузатиш ҳам уларнинг вазифаси бўлган. Ислам динини ёйилтган дин вакилларига махсус солиқларни — «ушр», «фитрларни» тўлашган. Давлат солиғини ғовнинг беклари, солиқ йиғувчилар солиқнинг миқдорини хоҳлагандай кўпайтиб, бойишни кўзлашган. Ер масаласи ҳам оғир бўлган, Жанубий Қирғизистонда қирғизларнинг яхши ерлари тортиб олиниб, улар тоғ тарафга сурилган. Хоннинг ҳокимияти куч билан ушланиб турган. Бундай эзишга чидамаган халқ ўз эркинлиги ва озодлиги учун ҳар доим курашиб келган.

Тойлоқ ботир. Қирғиз тураржойини босиб олишда зўр куч билан келаётган Қўқон аскарларига қирғизлар осонликчаёқ бўйсуниб берган эмас. Уларнинг қаршилик кўрсатиш ҳаракати

ўшандаёқ бошланган. Айниқса Норин водийсидаги саёқ ва черик уруғлари қаттиқ қаршилиқ кўрсатишган. Буларнинг бошида — туғишган ака-укалар Тойлоқ ботир билан Отантой турган.

Хаққуланинг 7 минг қўлига қарши, қирғизларнинг қўшини тизилиб, ушлашишга чиққан. Ҳал қилувчи олишишда ўз ерини ҳимоя қилувчилар мағлубиятга учраб қолишади-да, уларнинг бошчилари Тойлоқ ботир билан Отантой тутқунга олинади. Бироқ Қўқон хони халқ орасида буларнинг қадр-қиммати юқори эканини сезиб, кўп ўтмай тутқундан бўшатади. Ўз уруғ дошларининг ғоят оғир эзишда қолиши, Тойлоқ ботирни қайтадан эркинлик учун курашга чақирган. Тойлоқ ботир йигитлари билан Норин водийсидаги Қўқон хонлигининг тираги Қуртқа ғовини олишга жўнайди.

Қуртқа ғови Норин сувининг ўнг қирғоғидаги тик жарнинг бошига қурилган, унинг уч тарафи тупроқдан урилган баланд девор билан ўралган. Ғовнинг икки дарвозасида замбараклар турган, атрофида қоровул, отувчи тешиклари бор минораси бўлган. Ичида бекнинг уйи, аскарлар турувчи ётоқ жой, солиқ йиғилган омбор, масжид ва зиндон (турма) жойлашган.

Тойлоқ ботир ғовни қуршовга олганда, унда андижонлик қирғизлардан тўпланган (орасида 50 гина ўзбек бўлган) 200 отлиқ сарбоз бўлган. Ғовнинг беги қўрқоқ, обрўсиз Тошмат деган одам бўлган.

Ғовни қуршовга олиш узоққа чўзилган эмас, ғовдаги қирғизлар дарровоқ Тойлоқ ботир тарафига ўтиб кетади. Тошмат бўлса эплаб қочиб чиқиб, Қўқонга қараб йўл олади. Қўқон ғовининг қирғизлар томонидан тор-мор қилинганини эшитган хон Тойлоқ ботирнинг курашини тўхтатиш мақсадида отоқли қўл бошчи Арап ботирни 500 сарбоз билан жўнатади. Тойлоқ ботир йигитлари билан Тўғуз-Тўрўдаги Бичан деган ерда Арапнинг қўли билан юзлашиб, ғалаба қозонади. Қўқонликлар 400дан ошиқ сарбозидан



Тойлоқ ботир.



Қуртқа ғови. Норин водийси

ажраб қочганда, Тойлоқ ботир уларни белда қувлаб етиб, якка-якка сайишда Арапни ўлдирган. Ўша ер «Арапнинг бели» деб аталиб қолган. Курашиб кучи етмаган Қўқонликлар Тойлоқ ботирни йўқ қилиш учун ҳийлаю-найранглари йўлана бошлашган.

Тойлоқ ботирнинг қазо бўлиши. Тойлоқ ботирнинг кўзини тозалаш учун қўқонликлар Кўр Аким деган айғоқчини давogar қатори, норинлик қирғизларга жўнатишади. У уч йил бўйи Тойлоқ ботирнинг элида яшаб, табиб қатори танилиб, ишончга кирган. Бир бор Тойлоқ ботир катта тўй бериб, томоша куради. Ўрда отаётиб, боши оғриб кетганликдан табиб чақиртиради. Мунофиқ фикрини амалга ошириш учун қулай пайтни кутиб юрган Кўр Аким дарров етиб келади. Ботирнинг бошига бузуқ қон тўлиб кетибди деб эли ишонтириб, табиб Тойлоқ ботирнинг бошидан қон олади. Оққан қонни у қайтиб тўхтата олмайди. Ботирнинг ҳоли кетиб, кўзи юмилиб бораётганини кўриб, табиб ўз ишини бажардим деб қочиб кетади.

Шундай қилиб, қўқонликлардан ва бошқа душманлардан эли ҳимоя қилиб турган Тойлоқ ботир 1838-йилда дунёдан ўтади. Тойлоқ ботирни Қуртқа суви Норин дарёсига қуйган ерга кўмишади. Кейин унинг туғишгани Отантойни ҳам ўша қирғоққа қўйишади.

### Буни билиб олинг!

Норин дарёсининг ўнг қирғоғи билан юқорига бораётган ҳозирги пайтадаги йўловчи қирғиз гумбазларининг гуруҳини кўради. Ўша гумбазларининг нақ ўргасида гўзал, ўзича бир бошқача безатилган қўш гумбаз туради.

У қирғизларнинг ботир ўғиллари, иккита бир туғишган Тойлоқ билан Отантойнинг гумбази. Солинганидан бери 150 йилга чўзилган вақт ўтганига қарамасдан Тойлоқ билан Отантойнинг гумбази юқори кўтарилиб савлат билан кўринган, алоҳида бир меъморий қурилиш. Қирғиз халқи бундай ботирлари билан доим фахрланиб келган.



### Ёзиб олинг:

*Видоят* = Қўқон давлатидаги видоятнинг аталиши.

### Саволлар ва топшириқлар:

1. Қўқон холиғи босиб олган территориясини қандай бошқарган?
2. Қирғизларга солинган солиқлар қандай бўлган?
3. Ғовлар нимага қурилган деб ўйлайсиз?
4. Тойлоқ ботир қандай кураш юргизган?
5. Нима учун қўқонликлар қандай ҳам бўлмасин ботирни ўлдирishга ҳаракат қилишган?

## § 28. Қўқон хонлигидаги тахт талашлар

1 Асосий саналар:

1842-й. — Қўқонда Шералининг хон бўлиши.

✓ Тушунчалар: минг боши.

Тахт талашлар жанжаллари, қирғиз бийларининг унга қатнашиши. Қўқон хонлигининг эгаллаган территорияси, халқининг таркиби бўйича Туркистоннинг деярлик барча қисмини ўз ичига олган. Шу сабабли хонликда яшаган барча халқларнинг вакиллари хонликнинг ижтимоий сиёсий ҳаётига фаол аралашган. Ҳокимиятнинг энг юқори босқичида хон турган, ундан кейин биринчи бийлик ўрни минг бошига, иккинчи ўрин қушбегига, ундан кейин парвоначи (додхоҳ) ва бошқаларга тўғри келган. Аталган бу бийлик ўринлари хонликда қирғиз, ўзбек, қипчоқ халқлари томонидан бўлиштирилиб келинган. Бийлик улушларини бўлиштириб келганда қирғизлар билан қипчоқларга минг бошилик, амирлашкарлик, оталик, додхоҳ, ноиб (ўринбосар), иноқ ўринлари тўғри келган.

Қирғизистонни қўқонликлар босиб олгандан кейин қирғиз уруғ бошқарувчилари хоннинг атрофидаги сиёсий муҳитга жуда тез аралашиб кетишади. Қўқонлик бошқарувчилар уларни ўзларига тортиб, душманларига қарши курашишда уларнинг қўллашига етишиш учун жонларини аямасдан ҳаракат қилишган. Ушбу мақсадда қирғиз бошлиқларига хизмат ўринларини, ҳар қандай мукофот-тортиқларни аяшган эмас. Қўқонни бошидан охиригача ҳамма вақтларда ўзбекларнинг биргина Минг деган сулоласи бошқарган. Бироқ XIX а. унга бир хийла қирғиз қони аралашиб кетган. Сабаби қирғизлар билан муомалаларини мустаҳкамлаш мақсадида Минг сулоласидан чиқишган хонлар қирғизларнинг эътиборли одамлари билан қуда-анда бўлиб, қариндошлашишга ҳаракат қилиб келишган.

1842-йилда Қўқонни бошқариб қолган Шерали хоннинг онаси қирғиз қизи бўлган. Шерали ўзининг умрининг кўп йилларини таласли қирғизларнинг орасида ўтказиб (бунга Қўқондаги тахт талашлар жанжаллари сабаб бўлган), Жарқиной деган чиройли қирғиз қизига уйлган. Унинг болалари Малла-хон билан Худоёр-хон қирғизларга жиян бўлишган. Иккови тенг қирғиз яйлов-қишлоқларида балоғатга етишган.

Қўқон давлатидаги тез-тез алмашилиб турувчи хонликларнинг вақтида машҳур қирғиз бийи Нузуп ва қипчоқ Мусулмонкул ўз вақтида катта роль ўйнашган.

Нузуп оталик. Эсенбай ўғли Нузуп – Қўқон хонлигида қирғиз бийларидан биринчилардан бўлиб «минг бошилик» даражага етган, аскар бошчи бўлган. У доим Қўқон хонлигининг ички ишларига қатнашиб келган. Ўмўр хоннинг даврида у қатордаги жангчидан «юз бошилик» даражасигача етган. Кейин давлатнинг ташқи ишларида аралашиб, маълум кучга эга бўлган. У Ўра-Тепа, Қоратегин ва Олой территорияларида тинчлик ўрнатиб, Бухоро хонлиги билан бўлган чегара масаласини тартибга солган. Бу асарлари учун «додхоҳ» даражасини олган. Нузупнинг ташаббуси билан қирғизлар ўрдадаги ҳокимиятни қўлга олиб туришган. Нузупнинг тўғридан-тўғри таъсири остида қирғизларнинг вакили Шерали оқ кигизга солиниб, хонликка кўтарилади. Нузуп бий Шерали хоннинг буйруғи билан Қўқон давлатининг «минг бошилик» хизматига тайинланади. Нузуп ўрданинг асосий ишларини ўз қўлига олган, ўша пайтдаги давлатдаги энг таъсирли одам бўлган.

Мусулмонқулнинг бийлиги. Қўқон хонлигидаги қирғиз билан қипчоқларнинг таъсирли бошлиғи, хонликда оталик номига етган андижонлик қипчоқлардан чиққан Мусулмонқул катта роль ўйнаган. Мусулмонқул билан Шади додхоҳ ўрдада қутум уюштириб, Нузуп бийнинг қурбон бўлишига сабабчи бўлишган. Мусулмонқул Шерали хоннинг бийлигини тўлиқ ўз қўлига олади. Бироқ бунга қарши гуруҳ чиқиб, Шерали хонни ўлдиришиб, тахтга Алим хоннинг ўғли Шоҳ-Муродни ўтиргизишади.

Кўп ўтмай Мусулмонқул куч тўплаб хонлик ишга аралашиб, Шоҳ-Муродни тахтдан қулатиб, Шералининг Жарқин ойимдан туғилган тўнғич ўғли 14 ёшдаги Худоёрни хон кўтаради. Ўзини оталик эълон қилиб, давлат ҳокимиятини тўлиқ қўлга олган.

Янги хоннинг вақтида ҳокимият Мусулмонқулнинг қирғиз, қипчоқ бошлиқларидан иборат гуруҳининг қўлига ўтди. Бу орада кўплаб воқеалар бўлди. Мусулмонқул Кетмон-Тепалик қирғизларнинг қизига уйланиб, Худоёр хонга ўзининг қизини олиб беради. Худоёр каттайиб эр етгандан кейингина тагин бир қипчоқ Тошкентнинг қушбеги Нурмуҳаммаднинг ёрдами билан қайнатасининг бийлигидан аранг қутилади.



Қўқон хон строи.



Худоёр хон.



✍ Ёзиб олинг:

**Минг боши** – аскар қўшинининг қўл бошчиларининг бири, унинг қўли минг аскардан турган.

② Саволлар ва топшириқлар:

1. Қўқон хонлигида бийлик даражалари қандай бўлган?
2. Қирғизлар давлат юқори ҳокимиятига қандай қилиб эга бўлишган?
3. Нузуп бий билан Мукулмонқул ҳақида нима билдингиз?
4. Қўқондаги бийлик жанжалига нималар гувоҳ бўлишини аниқлаб чиқинг.

## V БОБ. ҚИРҒИЗИСТОН РОССИЯНИНГ ТАРКИБИДА

### § 29. Қирғизистоннинг Россия билан дастлабки алоқаси

① Асосий саналар:

1785-й. – Биринчи қирғиз элчиларининг Россияга жўнатилиши.

1787-й. – Екатерина II нинг жавоб мактубининг келиши.

✓ Тушунчалар: қурултой, элчи.

Қирғизистоннинг XVIII а. охиридаги сиёсий аҳволи. XVIII асрнинг охирида Қирғизистонда сиёсий вазият жуда оғир бўлган. Ҳа пайтдаги жанговар замон, уруғчилик тузилиш, ўзаро душманлашиш, бўлиниб-ёрилиш кучайиб, Қирғиз халқи бирлашган бир давлатни туза олган эмас. Унинг устига ташқи аҳвол ҳам оғирлашган. Бирданига Жанубий Қирғиз уруғлари яшаган территорияни Қўқон хонлигининг босиб олиши, уларнинг бирлашувига чек қўйиб, ноилождан қўқон фуқаролигига ўтишга мажбурлаган.

Шимолӣ Қирғизистондаги уруғларнинг ҳам боши бирикмай ҳар бир водийдаги уруғнинг ўз манапи бошқариб, бирлашиш нияти бўлган эмас. Уруғларнинг боши бирикмай бўлинди бўлиб турган аҳвол, ташқи душманларга осон ет бўлишни кучайтирган. Тарқоқликдан фойдаланган Қўқон хонлиги уруғларнинг ўртасига ўт ёқиш усулини қўлланиб, қирғизларни ўзига бўйсундириш ҳаракатига ўтди.

Шарқий Туркистон тарафда хитойлар еримизга кўз ортиб, бо-сиб олишни кўзлаган. Бир пайтларда ташқи душманларга қарши курашда бирлашиб келган қозоқ бошқарувчиларининг қирғиз ерига қўл солишлари кучайган. Шундай қилиб, XVIII а. охирида қирғизларда ички бирикканликнинг йўқлиги туфайли, ташқи душманларнинг куч олиши, қирғизларни бу аҳволдан чиқишнинг йўллари излашга мажбур қилди.

Ўз халқининг бундан кейинги тақдирини ўйлаган, Чуй бағридаги сарибағиш уруғининг бийи, Отаке ботир кучли бир давлатнинг бийлигини таниш мақсадини кўзлаб, бутун шимол уруғларининг бошчиларини йиғиб, қурултой ўтказишга қарор қилади.

Қурултойга – Талас, Чуй, Иссиқ-Кўл, Қўчқор, Жумғал, Норин, От-Боши, Тўғуз-Тўрўда яшаган уруғларнинг вакиллари келишган. Бу қурултойда улуғ бийлар томонидан ҳар қандай ўйлар, маслаҳатлар айтилиб, охириги сўзни Отаке ботир олиб: – «Ўзингиз кўрдингиз, ҳурматли юрт бошчилари, қай томонидан олманг, руслар билан қўл ушлашмасак бўлмай қолди. Оқ подшонинг фуқаролигини олайлик. Қўлнинг бир панжасидан ҳеч нарса келмайди, беш панжа муштум бўлиб туйилса, бу ўзича бир куч. Агар қирқ уруғ қирғиз душманга бир муштумдай туйилсак, ким бизга яқин келади? Сиз мақул бўлсангиз, Оқ подшога элчи жўнатайлик!».

Отаке ботирнинг фикрини ҳаммаси қўллашиб, охирида Россияга элчи юборишга ҳам кўришган.

Россияга элчиларни жўнатиш. Узоқдаги ўлкага элчи бўлиб боришга, тил билган, кўп ер қидирган, белгили савдогар Абдирахмон бормоқчи бўлади.

Абдирахмон Кучоқ ўғли Россиянинг Астрахань губерниясида яшаб, Она Ватанига келгандан кейин Тошкентда савдо қилган, ундан кейин Отаке бийга хизматга ўтиб, савдо карвонларининг бошчиси бўлган. Уни қирғиз кўчманлари яхши билишган, у рост-гўйлиги, хушмуомалалиги ва савдо ишларида ҳаққонийлиги учун



Абдирахмон  
Кучоқ ўғли



Екатерина II.

кадр-қимматга эга бўлган. Унинг устига у саводли бўлиб рус тилини билган.

Ёшлигига қарамай зирак ўсган Шерғозини унинг билан қўша юборишга қарор қилишган. Улар йўлга 1785-й. баҳорида отланишган. Екатерина II нинг шахсан ўзига бағишланган мактубни икки от, илбирс билан силовсин терисини, унга қўшиб тури мўъжиза араб қулни тортиққа олишган.

Петербургда элчиларни Екатерина II ўзи қабул олган. Отаке бийнинг хатини эшитиб, рози бўлган хоншоҳ унга 800 сўм кумуш танга, Абдирахмон Қучоқовга 100 ва Шерғозига 25 сўм кумуш танга бердирган.

1787-й. хоншоҳ ойим Отаке бийга хат йўллатган, унда бийнинг дўстлик ҳақидаги таклифи қабул олинганини билдирган ва «рус савдосини кенгайтишга ёрдамлашувини» илтимос қилган.

Россияга элчилик вазифасини бажарган Абдирахмон Қучоқ ўғли Қирғизистонга қайтмай қолган. У оғриб, Сибирь чекига келиб етганда 1789-й. 20-июнда масжидда намоз ўқиб ётган ерида қазо бўлади. Уни тўсиб борган ўғли Сатинбой билан элчи Шерғозининг суягини элига олиб келиб, барча хурофотларни ясаб узатишган. Тангри-Тоғдан Россияга борган биринчи элчиликнинг вазифаси муваффақиятли тамомланган. Натижада, қирғизларнинг Россия билан алоқасига асос солинган.

Исмон ҳақида билиб ол!

Отаке ботир Тинай бий ўғли – XVIII а. иккинчи ярмида Чуй водийсидаги сарибағиш уруғидан чиққан бий. Ёш вақтида қирғизларнинг қозоқларнинг ва кипчоқларнинг орасида жунгғорлар билан курашишдаги довиюраклиги билан донги чиқиб, «ботир» деган фахрли машҳурликка эга бўлган.

Рус манбаъларида қирғизлар ҳақида бундай деб ёзишган: «уларда ҳеч қандай хон ва султон йўқ, бўлгани биргина князи ёки бийи, Отакегина бор. У, уларнинг барча ўрдаларига бошчилик қилади, у тоғларда ўз эли билан бирга кўчиб юради».

Бий кўп йиллар бўйи Қўқон хошиғига қарши турган. Қўқонликларга ва бошқа ташқи душманларга қарши курашда қирғизларни қўллайдиган кучли иттифоқдош излаб, Отаке ботир Россия билан иттифоқ тузишни ечган.

Сарибағиш уруғининг йўл бошчиси. Отаке ботир тарихга Россия билан дўстлик муомалаларини ўрнатишининг ташаббускори қатори кирган.



Ёзиб олинг:

*Қурултой* – турк халқларидаги умумий ҳалқ йиғилишининг аталиши.

*Элчи* – бир давлатнинг бошқа бир давлат билан суҳбатларни юргизувчи ишончли вакили.

② Саволлар ва топшириқлар:

1. XVIII а. охирида қирғизларнинг сиёсий аҳволи қандай бўлган?
2. Нима учун қирғизлар Россия давлатини тандаб олишган ва у ўлка билан алоқалашиш қандай воқеадан кейин ҳал қилинган?
3. Дастлабки элчиликини кимлар етаклаган ва у қандай тугалланди?
4. Отаке ботир ҳақида эссе ёзинг.

### § 30. Шимолий Қирғизистоннинг Россияга қартилиши

Асосий саналар:

1

1842-й. – Ўрмоннинг шимолий қирғизларда хон кўтарилиши.

1847-й. – Қозоқ султонининг қирғизлардан мағлубиятга учраши.

1855-й. – Буғу уруғининг рус фуқаролигига ўтиши.

✓ Тушунчалар: «Ўрмон ўқиш».

Мустақил қирғиз хонлигининг тузилиши ва афдарилиши. Ўрмон хон. XIX а. биринчи чорагида Шимолий Қирғизистонда истиқомат қилган сарибағиш, саяқ, буғу, сўлтў уруғларининг ўртасидаги жанжаллар авжига чиқиб, Қўқон хонлигининг бу территорияларни босиб олишига йўл берди. Ундан кейин ҳам туғишган элнинг ўртасидаги уруш юриб, аҳоли хийла жафо чекди. Шундай вазиятда сарибағишларнинг катта манаси Ўрмон – Отакенинг урвоғи қирғиз уруғларини бирлаштириб, хонлик эълон қилишга ҳаракат ясади.

1842-й. ёзида ҳозирги Балиқчида шимолий қирғиз уруғларининг қурултойи чақирилади. Аҳволнинг оғирлигини халққа айтиб етказган Ўрмон қурултойда: «Биз бирикмасак қирғиз бўлмай қоламиз. Бир муштумга тугилайлик. Қўқоннинг хони бор, Қашғарнинг хўжаси бор, Қозоқнинг султони бор. Биз бўлса, ҳар кимимиз ўз уруғимизнинг орсиз номусини тутиб, сачраб, бирла-



Ўрмон хон.



Бўрўмбой.

шолмай юрамиз. Бундай қилиб юраверсак, эл-юртимизни йўқотиб оламиз. Биз ҳам бирлашайлик. Ўзимизга хон сайлаб олайлик. Хонни эл сайлайди. Шунинг учун Ушбу қурултой чақирилди» — деб мурожаат қилади. Қалиғул, Ажибек ботир, Жантай, Тўрўгелди, Бўрўмбой, Жангғарачлар чиқиб, хонликка Ўрмонгина сазовор дейишган. Эл мақул бўлиб, сарибағиш уруғининг катта манапи Ўрмон Ниёзбек ўғлига ой ҳарfli қизил кимхоб билан ёпилган қизил телпак кийгизиб, хон сайлашган. Ўрмон хон ўрдасини Байсўрунга ўрнатган. Хоннинг ҳарфи, муҳри бўлган. Ўрмон хон бўлиб сайлангандан кейин, мустақил ўзича давлатни тузишга ҳаракатланган. «Ўрмон ўқиш» деган низомини чиқариб, натижада уруғлар ўртасидаги урушлар тўхтатилиб, иттифоқ ўрнаган.

Қирғизларнинг бу ҳаракати Қўқон хонлигини чўчинқиратган. Улар Мусулмонқул оталик бош бўлган 5000 аскарини юборган. Буни эшитган Ўрмон хон Жангғарач, Жантай билан биргаликда қўл бошлаб, душманини тўсиб чиққан. Тўқнашиш бир ҳафтага чўзилиб, Мусулмонқул қайта чекинишга мажбур бўлади. Ўрмон хоннинг асосий мақсади — қирғиз ерини бошқаларга эгаллатмай, кўз қорачиғидай сақлаш, чегарани кенгайтиш бўлган. Унинг даврида шимолий қирғизлар бирдамликка етишган. Бу айниқса қозоқ султони Кенесари Қосим ўғли қирғиз ерини босиб кирган 1845-й. очиқ кўринган. Ўрмон хоннинг аскар ишини пухта билганлиги, элнинг иттифоқининг кучи орқали Тўқмоққа яқин ерда 1847-й. қозоқлар тор-мор қилиниб, мақсадлари ишга ошган эмас.

Қирғизларнинг кадр-қиммати кўтарилиб, Ўрмон хоннинг қирғиз уруғлар орасида таъсири кучаган.

Ўрмон хон газабли ва мустақил адаб-ахлоққа эга одам бўлган. У ўз билганини бермайди деб буғу манапи Бўрўмбойга гуноҳ ортади. Қўқонликларнинг яширин тўхматлари эса бурун иттифоқли сарибағиш билан буғунинг ўртасидаги тўқнашувга олиб келган. Бу тўқнашувнинг бирида 1854-й. Ўрмон хон қаза бўлган. Бу Қирғиз хонлигига ярамас дов келтирган. Сарибағишларнинг буғуларга бўлган чолиши кучаган. Бу урушлар Шимолий Қирғизистон Россиянинг таркибига киргунгача тўхтаган эмас.

Шимолий қирғиз уруғларининг Россияга бош эгиши, Бўрўмбой, Дастлабки Қирғиз давлатининг тузилишига сарибағиш билан буғу уруғларининг ўртасидаги жанжал касофатини теккизди. Бундан ташқари ташқи душманларимиз ҳам қирғизларнинг мустақил бирлашган давлат бўлишини хоҳлашган эмас. Қирғиз хонлигининг тарқалиши билан Россия подшочилигининг қирғиз манзилини ўзига қаратишига қулай шартлар тузилган. Сарибағишларнинг қақшатқич зарбаларига дучор бўлган буғу уруғи Россиянинг фуқаролигига ўтиб, ҳимоя қилинишни кўзлади. Буғу

уруғининг манәпи Бўрўмбой Бекмурат ўғли юборган элчи Қачибек Шерали ўғли Омск шаҳрида 1855-й. 17-январда ўз уруғининг Россиянинг фуқаролигига ўтганлиги ҳақида қуръон ушлаб қасам ичди. Қирғизлардан биринчи бўлиб, буғу уруғининг ўз хоҳиши билан Россияга ўтиши, русларнинг Чуй водийсини, Марказий Тангри-Тоғнинг, Кетмон-Төпа билан Таласнинг халқини ўзига тортишига йўл солди. Қудай ерларга ғов солган руслар, куч-қувватини тўплаб, Чуй водийсига юришларни ясаши, уларнинг қўқонликлар билан тўқнашувига олиб келди.

Байтик, Шобдон ботирлар. Россиянинг аскар кучи, қирғиз уруғи манапларининг Қўқон бийлигидан бош тортиб, русларга жон тортишига туртган. 1862-йилда Қўқон бийлигига қарши сўлтў уруғининг манәпи Байтик Қанай ўғли очиқ курашга чиққан. У Чуй водийсидаги Қўқон хонлигининг таянчи бўлган Бишкек ғовини рус аскарлари билан бирга тор-мор қилган. Сўлтў уруғи рус фуқаролигини қабул олган. Байтик ботир ўзининг 200 йигити билан рус аскарларига қўшилиб, Қўқон ғовларини олишга қатнашган. Хизмати юқори баҳоланиб, рус ҳокимияти унга аскар мансабини бериб, орден билан мукофотлаган.

Ўша вақтдаёқ бурун Қўқон хонлигига хизмат қилган, бироқ аҳволни тўғри пайқаган сарибағишларнинг улуғи Жантай ўғли Шобдон рус ҳокимиятига хизматга ўтган. У ўз аскарлари билан Тўқмоқ ғовини қўқонликлардан бўшатган. Сўлтўлар кабиёқ сарибағиш уруғи ҳам Россия фуқаролигига ўтган. Кетмон-Төпа билан Марказий Тангри-Тоғни русларнинг қаратиб олишида Шобдон ботир катта хизмат кўрсатган. Подшога кўрсатган ҳақ хизмати учун ҳарбий номга ва мукофотларга сазовор бўлган.

Қирғизларнинг баъзи бир манаплари иккиланиб, Россия билан муомалага анча ишонган эмас. Уларнинг баъзилари кутиб туришни исташди, баъзи бирлари эса подшо аскарларига қаршилик кўрсатиб, қасдлашишгача боришди. Олиб кўрсак, Марка-



Байтик ботир.



Шобдон ботир.

зий Тангри-Тоғда русларга Ўсмон билан Уметали қаттиқ қаршилик кўрсатишган.

Бироқ пухта қуролланган, тайёрлиги жойида аскарларга қарши туриш, улардан ўз ерини ҳимоя қилиб қолиш мумкин эмас эди.

Натижада 1855–1868-йилларгача Шимолий Қирғизистон Россиянинг қарамоғига баъзиси ўз эрки билан кирса, баъзи бирлари куч билан киргизилди.

Тарихий манбаъ билан танишиш.

Омскада Қачибек Шерали ўғлининг Буғу уруғининг номидан қасамд килиши.

«... Мен, ҳеч бир давлатга бўйсунмаган қадимги қирғизларнинг ўрдасидаги буғу уруғининг манапларининг, бийларининг ва бошқа уруғ бошчилари билан оқсоқолларининг номидан келган киши қатори буғу уруғининг ишончли, ниятлаш, итоатгўй ва абадий фуқаро бўлиб, улуғ мартабали подшоҳнинг руҳсати ва ёрлиғи бўлмагунча бошқа ўлканинг хизматига кирмаслигимга, қудратли Оллоҳ олдида қасамд килиб, онт бераман...».

Ёзиб олинг:

*Ўрмон ўқиш* – Ўрмон хонининг инзом тўплами.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Ўрмон деган ким ва қирғиз хонлигининг тулиши қандай хусусиятга эга бўлди?
2. Сарибатин ва буғу чопишининг касофати қандай бўлди?
3. Бўрўмбой руслари а ўттиш ҳаракатини қандай юргизди, у нима билан тамом бўлди?
4. Шимолий Қирғизистон Россияга тўлиги билан қачон қўшилди?

## § 31. Жанубий Қирғизистонни Россиянинг босиб олиши

Асосий саналар:

1

1865-й. – Ташкентни русларнинг босиб олиши.

1873–1876-йй. – Пўлат хоннинг қўзғолони.

1876-й. – Қўқон давлатининг афдарилиши, Олой қирғизларининг Россияга қаратилиши.

Тушунчалар: додхоҳ, оталик.

Қўқон хонлигининг ночорлаши. Олимбек додхоҳ, Олимкул оталик. XIX а. ўртасида Қўқон хонлигининг аҳволини тинимсиз такрорланган қўзғолонлар, хонларнинг тез-тез алмашилиб туриши ҳокимиятни ҳолдан тойдирди. Рус аскарларининг

Фарғона водийсига ва Жанубий Қирғизистонга босиб киришини енгиллаштирди. Аввалгидаёқ бу пайтларда ҳам қирғиз бошлиқлари ўрдадаги ҳар қандай ишларга қатнашган. Қўқон хонлигида тахт талашган хонзодалар доим Ўш, Олой территориясидаги қирғиз бошлиқларига таяниб, ўз мақсадларига етиб туришган. Олиб кўрсак, 1858-й. Мала бекнинг тахтга ўтиришига қирғиз билармонлари Олимбек билан Олимқул катта ёрдам берган. Олимбек Ҳасан ўғли ўз пайтида Олой қирғизларининг бошида туриб, Қўқон хонлигига бош эгмасдан тенг ота бўлган, унинг қадр-қимматининг юқори эканини сезган Қўқон хони унга додхоҳ номини берган эди. Мала хон кўрсатган хизмати учун уни Андижон территориясининг ҳокими қилган. Олимбек додхоҳ кейин хонликда улуғ вазирлик мансабигача етиб, хонликдаги қўзғолоннинг бирида қурбон бўлган. XIX а. иккинчи ярмида жанубий қирғизларнинг бошлиғи Мулла Олимқулнинг хонликдаги таъсири ўсган. Олимқул бола чоғида мусулмон мактабидан билим олиб, кейин Андижон, Қўқон мадрасасида ўқиган, билимдон ва аскар ишини пухта ўзлаштирган улуғ инсон бўлган. Навбатида Мала хонга ёрдам кўрсатиб, ҳурматга эга бўлса, 1863-йилда 12 яшар Султон Саидни хон кўтаришда фаол роль ўйнаган. Кўпни кўриб чиниққан, сиёсий арбоб Олимқул ўсмир хоннинг бош маслаҳатчиси — оталик мансабига тайинланади. Энди Қўқон хонлигида ҳокимият қирғиз-қипчоқ билармонларининг қўлига ўтган. Бу пайтда руслар Марказий Осиёга аста-секин кириб келаётган. Рус жаноблари хонликдаги асосий шаҳар Тошкентни босиб олишга қаттиқ тайёрлик кўришган. 1865-йилда Тошкентга Олимқул оталик қўл бошчилик қилган кўп аскар келиб, руслар билан қонли тўқнашиш бошланган. Қирғиз-қипчоқ кўшинлари жон аямасдан уришишган, бироқ урушда Олимқул оталик ўққа учиб қаза бўлганда, улар майдон даласини ташлаб, шаҳарни ҳимоясиз қолдиришган. Тошкентни руслар эгаллаб, босиб олинган территорияларда Туркистон вилояти тузилган.



Олимбек Димеков



Олимқул оталик



Пўлат хоннинг қўзғолони. Тошкент русларнинг қўл остига ўтди. Ўшандан тортиб, Қўқон хонлигининг бийлиги Фарғона водийси ва Олойдаги қирғиз қўнишлари билангина чекланиб қолади. Бу эса хонни қолган аҳолидан олиқ-солиқ олишни кўпайтишга мажбур қилади. Саройдаги жанжаллар, хонларнинг тахт талашishi ва эзишдан қашшоқлашган халқнинг норозилиги кучайган. 1873–1876-йиллари Қўқон хонлигига қарши Исҳоқ Ҳасан ўғли етаклаган қўзғолон чиққан. Бу ҳаракат тарихда халқ ҳаракати, Қўқон қўзғолони, Пўлат хоннинг қўзғолони деган номлар билан маълум бўлган. Қўзғолон Фарғонанинг бутун территориясини эгаллаган, унга қирғизлардан бошқа ўзбек, тожик халқлари қатнашган. Қўзғолоннинг юришида Исҳоқ Ҳасан ўғли Пўлат хон деган номга эга бўлган. Қўқон хонлиги бу қўзғолончиларга қарши турулган эмас, Қўқон хони рус ҳокимиятидан ҳимоя сўраганга мажбур бўлган. қўзғолончилар Қўқон шаҳрини эгаллаган. Худди мана шу пайтда руслар Қўқон хонлигини тўлиқ босиб олишни кўзлаб, қўзғолончиларга қарши очиқ чиққан. Пўлат хон бошлаган қўзғолончиларга рус аскарларига қарши урушишга тўғри келган. Пухта тайёрликдаги рус аскарлари қўзғолонни қонхўрлик билан босиб, Пўлат хонни тутқунлаб, 1876-йилнинг 1-мартида дорга осадди. Шундай қилиб, руслар томонидан бу қўзғолон қонли босилиб, Қўқон хонлигининг ағдарилишига олиб келган.

Олой қирғизларининг Россияга қараши. Қурвонжон додхоҳ. Фарғонадаги қўзғолонни босгандан кейин Россия, Қўқон давлатини йўқ қилиб, эгаллаган территорияни, Фарғона вилояти деб атайдди. Янги Фарғона вилоятини бошқариш, рус аскар бошчиси Скобелевга белгиланади. Ўша пайтда Жанубий Қирғизистоннинг тоғли территориялари, яъни Олой ҳали бош эгиб бермаганди. Бу томонларни қаратиш мақсадида рус аскарлари жўнатилган. Олимбек додхоҳ хон ўрдасидаги қўзғолондан қайтиш бўлгандан кейин, Олой водийсини аёли Қурвонжон бошқариб қол-



Исҳоқ Ҳасан ўғли



Қурвонжон додхоҳ

ган. Қурвонжоннинг иш билармонлигини, донишмандлигини, қирғиз уруғларини иттифоқда тутганлигини Бухоро амири юқори баҳолаб, унга «додхоҳ» деган номни берган эди. Ўз навбатида Қурвонжон додхоҳ Қўқон хонлигига бош эгмай, мустақиллигини сақлаб, қадр-қиммати билан халқ орасида ҳурматга эга бўлган.

Олимбек додхоҳ билан Қурвонжон додхоҳнинг болалари аскар тузиб, ерига кириб келган рус аскарларига қарши кураш бошлашиб, рус аскарларининг Олойга киришини тўхтатишга ҳаракат қилишган. Қурвонжон додхоҳ русларнинг қўл солишидан сақланиб, Қашғар чегараси томондаги Кўк-Сув водийсига кўчиб кетиб, кўп ўтмай Олойга қайтиб келади. Қурвонжон додхоҳ Чўнг Олойда генерал Скобелев билан учрашади. Унда Қурвонжон додхоҳ русларга қарши туриш фойдасиз эканлигини кўриб, ўз халқини беҳуда қирғинга учратмасликни кўзлаб, рус фуқаролигига ўтганлигини билдирган. Суҳбатлашувларнинг юришида рус генерали Қурвонжон додхоҳнинг ақлига, ҳушёрлигига тан бериб, уни «Олой хоншаси» деб баҳолайди. Шундай қилиб, Олой водийси Қурвонжон додхоҳнинг раҳбарлигида Россия ҳукмронлигига ўтади.

✍ **Ёзиб олинг:**

*Додхоҳ* – Қўқон хонлигидаги йирик феодал бошлиқларига берилган аскарлий, ҳокимлик мансаб.

*Оталик* – ўтган асрдаги Ўрта Осиёда ёш хонзодаларни тарбияловчи олий мансабнинг номи.

⑦ **Саволлар ва топшириқлар:**

1. XIX а. ўртасида Қўқон хонлигининг аҳволи қандай эди?
2. Қўқон хонлигида Олимбек, Олимқуллар қандай роль ўйнаган?
3. Пўлат хоннинг қўзғололининг сабаби, унинг натижаси?
4. Жадубий Қирғизистоннинг Россияга қаратилиши қандайча тугалланди?

## § 32. Миллий-озодлик учун кураш

- 1** Асосий саналар:  
 1998-й. – Андижон қўзғолони.  
 1916-й. – Миллий-озодлик қўзғолони.

✓ **Тушунчалар:** мустамлака, низом.

Подшоликнинг мустамлакачилик сиёсати. Россия империяси Қирғизистонни тўлиқ қаратиб олгандан сўнг, у ерларда ўзининг бошқариш тартибини киргизган. Қирғизистоннинг территорияси Туркистон губернаторлигига қарашли вилоятларга кириб, вилоятлар эса туманларга бўлинган, туманларга эса бўлисликлар бўйсунган. Қаратилиб олган ерларда бошқаришнинг махсус низомлари ишланиб чиққан. У бўйича вилоят ва туманларни рус аскар бошлиқлари, бўлислик билан қишлоқларни эса маҳаллийлар бошқариши лозим бўлган. Бўлислиқ ўринларга сайлов ўтказишиб, халқ сайлаганларга ғинг демай бош эгиши лозим эди. Низомлар бўйича маҳаллий халқнинг барча ҳуқуқлари чекланган. Қирғизистонда яшаган кўчманчи халқнинг ерлари давлат ерлари бўлиб ҳисобланган. Бу иш юзида қирғизларнинг қадимдан бери эгаллаб келган қишловларини, яйловларини Россия империяси хоҳлаган пайтда тортиб олиб, уларни ерсиз қолдира олади деган низом эди. Бутун Қирғизистон территориясидаги ерлар тортилиб олиниб, уларга русларнинг бийлигининг таянчи бўлган келгинларни жойлаштира бошлашган. Шундай қилиб, рус қишлоқлари биридан қолмай бири пайдо бўла бошлади. Улар қирғизларнинг сув босган яхши ерларини эгаллаб, маҳаллийларни эзишга ўтган. Россия империяси солиқларнинг сонини кўпайтиш билан халқнинг қашшоқлигини кучайтган. Натижада Россияга қарагандан бошлаб қирғизларнинг ҳуқуқлари чекланиб, мустамлака устунлигининг бош кўтаргис бийлигига душвор бўлишган.

Андижон қўзғолони. Россия империясининг мустамлака сиёсатидан азоб чекиб, чидамай туганган Фарғона водийсининг халқи 1898-й. озодлик курашига чиққан.

Курашга Фарғона водийсининг қирғиз, ўзбек, тожик ва бошқа халқлари қатнашиб, унинг бошида Мадали эшон турган. У халққа кенг танилган, Маккага бориб, ҳожиб бўлиб келган қадр-қимматли одам бўлган. Халқнинг қўзғолонга чиқишига: «Русларнинг халққа арақ-шаробни, бузуқиликни ёйилтгани, масжид, мадрасаларни ёптириши, халқни шариат йўлидан чиқаришнинг ҳаракатлари сабаб бўлди», – деб тушунтирган. Халқ қўзғолонининг асосий сабабларининг бири Фарғонадаги асосий бойлик пахта-нинг Россияга ташилиши, халқнинг эзилиши ва қашшоқланиши

бўлган. Кураш 1898-й. 17-майда Минг-Тева қишлоғида бошланиб, қуролланган халқ Андижондаги рус аскар ётоқхонасига қўл солган. Қўзғолонга 1500 дан ошиқ одам қатнашиб, тўлқинланишлар бошқа туманларда ҳам чиққан. Бироқ, маҳаллий халқларнинг рус колонизаторларига қарши бу кураши бир ҳафтага етмай босилиб, асосий раҳбарлари дорга осилиб, 500дан ошиқ одам Сибирга сургунга ҳайдалган. Уларнинг ичида ёлғон ғийбат билан қамалган отоқли ақин Тўқтўғул Сатилғанов ҳам бўлган. Жазога тортилганларнинг 257си қирғизлар эди. Руслар Минг-Тева қишлоғини ер билан яқсон қилиб, унинг ўрнига рус қишлоғини турғизишган. Рус ҳукмдорларининг бийлиги кучай берган. Енгилиб қолса ҳам, Андижон қўзғолони подшоликка қарши дастлабки миллий-озодлик кураш қатори тарихга кирган.

1916-йилдаги Миллий-озодлик қўзғолони. Россия империясининг мустамлакалик жабр-зулмига қарши энг йирик кураш 1916-йилда бўлган. Қирғизлар билан қозоқлар яшаган территориялардан рус келгинларига ер кесиб бериш кучаган. Подшолик бийлик бошлиқлари урушга баҳона қилиб олиқ-солиқнинг ҳажмини кескин кўтаришган. Чунки, Россия биринчи жаҳон урушига қатнашаётган эди. Халқнинг қашшоқланиши кучаган, у оз келгансиз, 1916-йилнинг 25-июнида маҳаллий халқларни урушдаги яқин ишларга чақириш ҳақида подшонинг буйруғи эълон қилинган. Усиз ҳам жаҳди чиққан халқ қўзғолонга чиққан. Аввал 1916-й. 4-июлда Хўжанд шаҳрида бошланган кураш, буткул Туркистон территориясига тарқаган. Қўзғолоннинг авж олган ери Шимолий Қирғизистонда бўлди. Август ойидан бошлаб руслар билан уришиш Чуй, Иссық-Кўл, Норин территорияларида бошланган. Октябрь ойигача чўзилган бу курашнинг бошида довюрак билармонлар турди.

Кемилик қирғизларда Шабдан ўғли Мўкуш хон кўтарилса, Иссық-Кўлда Ботирқан Нўғўй ўғли, Марказий Тангри-Тоғда эса Қанат Убуке ўғли хон кўтарилган. Қўзғолончилар рус аскарларининг ҳужумининг дамини бир неча бор қайтаришган. Қўзғолоннинг куч олишидан чўчиган подшолик махсус яхши қуролланган жазолаш аскарларини жўнатган. Жазоловчи бу аскарлар ночор қуролланган халқни бераҳм қирғинга олишиб, қишлоқларни ёндиришган. Халқ жон иложини қилиб, Она Юртидан қочишга мажбур бўлган, шундай қилиб, кеч кузда қўзғолончилар Хитойга қочган, бу тарихда «Фулгула» деб аталиб қолди.

Қўзғолонга қатнашган халқнинг 150 мингдайи қирилган. Қўзғолонга чиққанларнинг урушга тайёрлиги йўқ эди, қурол-яроғ етишсиз бўлган. Подшолик аскарларнинг қуролларининг ортиқчилиги, уларнинг ғалабасини таъминлади. Мағлубиятга учраса

хам қирғиз халқининг Она Юртини бўшатиш учун, эркинлик учун курашга чиқиши гоят катта аҳамиятга эга. 1916-йилдаги қайғули воқеа – қирғиз халқининг XX а. бошидаги миллий-озодлик ҳаракатининг энг йириги. У халқнинг ёдида «Фулғула» деган ном билан абадий сақланиб қолди.

✍ Ёзиб олинг:

**Мустамлака** (лот. Colonia – жойлаштириш) – ёт халқнинг маҳаллий халқнинг бўш ёки жойлашган ерларига зўрлик билан кўчиб келиб ўтrockланиши.

**Низом** – Россия подшоисининг мустамлака территорияларига таалдуқли низоми.

② Саволлар ва топшириқлар:

1. Подшодикнинг мустамлака сиёсати қандай юрган?
2. Андижон кўзғолонини ким етаклаган ва сабаби нимада?
3. Қирғизистондаги миллий-озодлик кўзғолон қандай юрган?
4. Кўзғолоннинг натижаси қандай бўлди?
5. «Фулғула» ҳақида қўшимча адабиётлардан ўқиб келинг!

### § 33. Қирғиз халқининг маданияти

Донгдор манасчилар, ақинлар. XIX а. ва XX а. бошида кўчманчи ҳаётда яшаган қирғиз халқининг оғзаки ижодиёти – манасчилиги, ақинлиги (шоирлиги), мусиқаси зўр ривожланишга эга бўлган.

Келдибек, Бекмурат, Тинибек, Чўюке, Сағимбой, Саяқбой каби машҳур манасчилар «Манас» эпосини ойлаб, йиллаб айтишиб, халқнинг ғам-ғуссасини ёзиб, эпосни ўстириб-ривожлантириб келишган. Ярим миллион сатрдан иборат «Манас» эпосини янглишмасдан, зўр чеварчиликда айтиш улкан талантни талаб қилган. Ўшандай талантлар жаҳон халқларининг орасидан қирғиз халқидагина яралган.

Бу даврларда қирғиз халқида ақинчилик (шоирлик) ҳунар ҳам ривожланган. Қалиғул Бой ўғли билан Арстанбек Буйлаш ўғли биргина пайтда ўтганини, ўз замонасини, келажакни равшан ақс эттирган чуқур мазмунли шеърларни яратишган. Қалиғул «Тор замон», Арстанбек эса «Охир замон» деган шеърларида русларнинг келишини олдиндан айтишиб, ўша пайтда замоннинг бузилишини, замоннинг келажаги нима бўлишини равшан айта олишган. Бир-бирининг асарларини тўлиқлаган бу шеърлари туфайли, улар *замончи ақинлар (шоирлар)* деб аталишган.

XIX а. қирғиз халқининг маданиятидаги тагин бир хусусият ёзувчи ақинларнинг (шоирларнинг) яралиши. Ундай ақинларга (шоирларга) Мўлдў Ниёз, Мўлдў Қилич ва Тўғұлқ Мўлдў қирган. Араб ҳарфининг асосида ўзларининг асарларини ёзишган. Булар билимли инсонлар бўлгани сабабли, уларга Мўлдў деган қўшимча номлар берилган. Мўлдў Ниёзнинг «Санат» шеърлари бизгача етди. Мўлдў Қилич эса 1911-й. Қозон шаҳрида «Зилзила» деган шеър китобини чиқарган.

Женгижўқ, Тўқтўғул оқ танглай тайёргарликсиз шеър айтувчи қирғиз ақинлари бўлган. Женгижўқ «Манас», «Семетей», «Қўжўжаш», «Эр Тўштук» каби дostonларни кеча-кундуз айтган эртакчи бўлиб, айтишганда олдиға киши чиқармаган таланти инсон эди.

Тўқтўғул Сатилған ўғли мисли кўрилмаган оҳанг, куйларни чиқариб, сўз чеварчилиги томонидан ҳам бошқа ақинлардан фарқ қилиб турган. Унинг ашулалари (ирлари) халқ орасида кенг тарқаган.

Дастлабки тарихчилар ва маорифчилар. Қирғизларнинг дастлабки тарихчиси ва маорифчиси – Ўсмонали Сидиқ ўғли бўлган. У Қўчқорда катта манапнинг оиласида туғилган. Унинг акаси Жарқинбой мулла бўлган, ундан таълим олган. Кейин Ўсмонали Уч-Турпандаги, Бухородаги, Уфадаги билим марказлари бўлган медресаларда ўқиган. У қирғиз тарихини тўплаб, ёзишға киришган. Энг аввал қирғиз тарих китобини босмадан чиқарган. 1913-й. Уфа шаҳрида «Қисқача қирғиз тарихи», кейинчароқ «Шобдонға бағишланган қирғиз тарихи» деган китобларини чиқарган.

«Қалбида ўти бор йигитларға тарихни билиш керак ва у – кўп эътибор берилувчи бир илм», – деб тарихға эҳтиёт муомала қилишға чақирган.

Ўсмонали Сидиқ ўғли мактабларда дарс бериб, ўз вақтида саводсизликни тугатишға зўр ҳисса қўшган.



Мулла Қилич



Бек Сўлтўев

Қирғизнинг тагин битта йирик тарихчиси – Белек Сўлтўнўев Чўнг-Кемин водийсидан чиққан. Етти-саккиз ёшидан хат таниган. Қора-Қўлда рус мактабида, кейин Бишкекдаги боғбончилик мактабида ўқишини давом эттирган. 1890-й. тортиб Қирғиз тарихини ёзиш учун маълумот тўплаган. Унинг «Қизил қирғиз тарихи» асари қўл ёзма тарзида сақланиб қолган. Белек Сўлтўнўев 1916-й. Отаке бўлислигининг бўлиси қатори сайланган, Улуғ Фулгула маҳалида Хитойга қочиб бориб, 1917-й. қайтиб келган. Маориф, илмий хизматларда ишлаган. Асарида энг қадимги замондан 1917-йилгача даврни ўз ичига олиб, мусулмонлик жиддий тарихий маълумотларни, қирғиз шажарасини, миш-миш гапларни Европа олимларининг асарлари билан уйғунлаштириб ёзишга ҳаракатланган.

Қирғизистоннинг Россияга қаратилиши билан Волга ва Уралдаги мусулмон турк маданияти билан Ола-Тоғ халқининг ўзаро алоқадорлиги куч олган. Татар билан бошқир маорифчилари «янги усул» йўли билан қирғизларнинг саводини чиқаришга кўмаклашган. Қирғизларнинг орасида ҳам маорифчилик ҳаракати жонланган.

Моддий маданият. Қирғизларнинг Россиянинг таркибига киришига боғланишли XX а. иккинчи ярмида қирғизларнинг моддий маданиятида маълум бир ўзгаришлар бўлиб ўтган. Руслар ва бошқа халқлар билан бўлган алоқанинг асосида турар-жой, кийим-кеча, турмуш-тирикчилик буюмларида янгиликлар пайдо бўлган. Бироқ қирғиз халқи ўзининг жиддий маданиятини сақлаб, ривожлантириб келган. Қирғиз халқининг қўл ҳунарчилигида кигиз босиш жуда пухта ривожланган. Ўйиб расм солинган кигизлари, ширдоқ, ола кигизлар гўзаллиги, ранг солишининг юксак чеварчиликда ясалгани билан фарқ қилган. Қирғиз усталари терини ишлатишнинг энг юқори чеварлари бўлишган. Ишлатилган теридан уй тирикчилигига қўлланилувчи кўнлаган буюмлар: идиш-оёқлардан, белбоғлардан, от жабдуғлардан бошлаб гиламчалар, ҳар хил кийимлар ясалган. Қайишчи чеварлар қайиш буюмларини кумушга ушлатилган металл билан безатишган. Қирғизларда темир устачилик, заргарчилик, тўқувчилик, каштачилик, ёғоч ушлаб турувчилик, чий тўқиш каби уй ишлаб чиқаришининг турлари бир хийла ривожланишга етишган.

Қирғиз заргарлари олтин, кумушни қайтиб ишлатиш билан энг гўзал олифталик буюмларни – билагузук, сирға, узук ва бошқаларни яшашган.



Қирғизларнинг бадий кашталари, гиламлари ва нақшли ширдоқлари, ола кигизлари, кийим-кечаларининг кўркамлиги, гўзаллиги билан айирмаланиб, маданиятнинг юқори ривожланишини ошкоралаган.

➔ Инсон ҳақида билиб ол!

**Саяқбой Қаралаев** (1894-й. Иссиқ-Кўлдаги Тўнг туманининг Оқ-Ўлўнг қишлоғида туғилган. 1971-й. Бишкек шаҳрида қазо бўлган) – зўр манасчи, эпоснинг тўлиқ айтувчиси. Кўллик манасчи Чўюке Ўмир ўғлини эрчиб, «Манас» айтишни ўрганган.

1932-й. Фрунзегга келиб, «Манас», «Семетей», «Сейтек» бўлимларини айтиб ёздирган. Саяқбойнинг айтган «Манас» эпоси 500 553 сатр шеърдан иборат. 1963-й. Москвада ўтган халқаро конференциянинг иштирокчиларига «Манас» айтиш билан у эпосни дунё халқига танитган. Буюк манасчи Саяқбойни ёзувчи ва эпосни тадқиқот қилувчи М. Ауэзов «XX асрнинг Гомери» деб атаган.



② Саволлар ва топшириқлар:

1. Манасчилар деган кимлар ва манасчилик деган нима?
2. Замончи ақилларнинг вакиллари кимлар экан?
3. Тарихчилар ва маорифчилар ҳақида айтиб бering!
4. Моддий маданият қандай ривожланган экан?



## VI БОБ. ҚИРҒИЗИСТОН СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ДАВРИДА

### § 34–35. Қирғизистонда Совет ҳокимиятининг ўрнаши

1

Асосий саналар:

1917-й. февраль – Россияда подшолик ҳокимиятнинг қулаши.

1917-й. октябрь – Россияда ишчи-деҳқонлар Советининг ҳокимиятнинг ўрнаши.

1917–1920-йй. – Гражданлар уруши даври.

✓ **Тушунчалар:** революция, гражданлар уруши, босмачилик.

Подшолик ҳокимиятнинг қулаши, янги сиёсий ташкилотларнинг тузилиши. Қирғизистонда Россия империясининг қаттиқ сиёсати айниқса 1916-й. воқеадан кейин кучайган. Халқнинг қирилишдан сақланиш учун Хитойга қочиши, ерларидан ажраши, хўжаликнинг тўлиқ вайронликка учраши билан қўшилиб, ҳаёт-тирикчилик жуда оғир бўлди. Ўша пайтда Россиянинг ўзида ҳам аҳвол оғир эди, подшолик камситиш жонига теккан оддий рус халқининг ҳокимиятга қарши норозилиги кучайган эди. Рус халқининг ҳокимиятга қарши кураши 1917-й. февралда бошланиб, подшонинг тахтдан қулаши билан тугалланган.

Подшонинг ҳокимиятдан қулагани билан Россияда халқнинг тилагини бажо келтирувчи янги ҳокимият тузилган эмас. Йирик бойларнинг вакилларида иборат Муваққат ҳукумат ўрнаб, бурунгиёқ подшолик сиёсатни юритган. Жой-жойларда ҳокимиятга бурунгиёқ подшонинг шериклари ўтириб, халқларга миллий эркинлик, тенглик берилгани йўқ. Қирғизистонда аҳвол ўзгарган эмас. Ер мустамлакачиларнинг, маҳаллий бойларнинг қўлида бўлиб, қирғиз гадолари бурунгиёқ азобли ҳаётда яшаган. Хитойга қочган қирғизлар: «Подшо қулабди, эркиндик берилибди», – деган сўзларни эшитиб, Она Юртига қайта бошлашган. Бироқ кутган озодлик йўқ, ўз ерларига эга бўла олмай, маҳаллий рус бошлиқларидан оғир азобларни тортишди.

Шундай қилиб, Муваққат ҳукумат қирғизларни миллий эркинликка чиқарган йўқ, подшоликнинг мустамлакали сиёсати давом эттирилиб, қўзғолонга қатнашган халқни қувғин қилиш давом эттирилди.

Россиядагидаёқ Қирғизистонда 1917-й. мартдан бошлаб, ишчилар кўп тўпланган территорияларда, ишчилар совети ва бошқа сиёсий ташкилотлар тузила бошлади. Улар миллий эркинлик, Муваққат ҳукуматнинг азобидан қутилиш, гадо-камбағалларнинг манфаатини ҳимоя қилиш мақсадларини кўзлашган.

Қозоқ-қирғизларнинг илғор билимли граждaнлари «Алаш» партиясини тузишган, унинг мақсади келажакда қозоқ-қирғиз миллий давлатини тузиш эди. Унинг Қирғизистондаги бўлимини Абдикерим Сидиқов етаклаб, ўша пайтдаги илғор билимли одамлар – Иманали Айдарбеков, Ишенали Арабаев, Қасим Тинистановлар аъзо бўлишган.

Гадо-камбағалларнинг манфаатини ҳимоя қилиш, халқнинг онгини кўтариш, уларнинг яшаш шартини яхшилаш мақсадида Қўжўмурат Сариқулоқов бошида турган «Фуқаро» иттифоқи тузилган.

Умумий халқ орасида миллий озодликка чиқиш, ўз ерига эга бўлиш, халқнинг ҳаётини енгиштириш мақсадларини кўзлаган ва яшаб ётган ҳукуматнинг адолатсизлигига норозилик билдирган фаолиятлари куч ола бошлаган.

Қирғизистонда Совет ҳукуматининг ўрнаши. Муваққат ҳукуматга қарши, Россиядаги гадо-камбағалларни қўллаган большевиклар партияси 1917-й. 25-октябрда тўнтариш ясади, у тарихда Улуғ Октябрь Социалистик Революцияси деб аталиб қолган. Муваққат ҳукумат кулади, тарихда биринчи бор ишчи-деҳқонларнинг ҳукумати ўрнаб, унинг ҳукумати – Халқ комиссарлар Совети тузилди. Бу ҳукумат оддий халқнинг истаб келган тилагини ўз низомлари билан ишга ошира бошлади. Тинчлик ва Ер ҳақидаги декретлар (низомлар) қабул олинди. Тинчлик ҳақида декретда адолатли демократик тинчлик ҳақида музокараларни тўхтовсиз бошлаш, урушдан чиқиш, Ер ҳақидаги декретда помешчикча ёки бой-манапча ер эгаллашни йўқ қилиш, ерларни деҳқонларга бериш қаралган. Большевикларнинг халқ орасида қадр-қиммати кўтарилди. Қирғизистонда ҳам большевикларнинг раҳбарлигида советлар тузила бошлади. Совет ҳокимияти ишчилар кўп тўпланган Судукта ва Қизил-Қияда 1917-й. декабрида ўрнаган. Ундан кейин Жалол-Ободда, Ўшда ҳокимият советларнинг қўлига ўтган. Шимолий Қирғизистонда 1917-й. декабрида Таласда,



К. Сарикүлоқов.



М.В.Фрунзе.

1918-й. Пишпекда, ундан кейин Норин, Иссиқ-Кўлда янги ҳокимият мустаҳкамланган. Янги ҳокимият Қирғизистонда 1918-й. ўртасига-ча ўрнаб, оддий халқнинг манфаатини ҳимоя қилишга киришган.

Гражданлар уруши, Совет ҳокимиятини ҳимоя қилиш. Совет ҳокимиятининг галабаси, большевикларнинг фаолиятлари бурунги бошқарувчиларнинг, бой манапларнинг қаршилигини туғдириб, улар қандайгина бўлмасин янги ҳокимиятни йўқ қилишни кўзлашди. Бу тирашиш гражданлар урушига олиб келди. Бир тарафи гадокамбағалларнинг манфаатини ҳимоя қилиб, уларга эркинлик, тенглик, ер бериш мақсадини кўзласа, иккинчи тараф бурунги подшоликнинг вакиллари ўзларининг ҳокимиятини ва мулкини сақлаб қолиш билан эски ҳокимиятни қайтиб ўрнатишни кўзлаган. Гражданлар уруши 1918-й. иккинчи ярмидан тортиб, 1920-йилгача бўлган.

Қирғизистонда Совет ҳокимиятига қарши кураш босмачилик ҳаракат билан бошланган. Бунга бурунги бойлар, мустамлакачи ҳукуматнинг мансабдорлари ва дин вакиллари кирган. Уларнинг асосий қўшини оддий одамлардан тузилган, унга жой-жойлардаги дастлабки совет ҳокимиятининг миллат сиёсатидаги ва диний кўз ташлашидаги камчиликлар бирдан бир сабаб бўлиб берган. Босмачилик айниқса Қирғизистоннинг жанубида кучаб, унга Холхўжа, Омон Полвон, Мадаминбек номли қўрбошилар раҳбарлик қилишган. Шимолда эса маҳаллий бой манаплар билан рус қулоқлари ҳар қандай кўзғолонларни уюштиришган.

Совет ҳокимиятининг биринчи вазифаси қаршилашларни йўқ қилиб, ҳокимиятини сақлаб қолиш бўлди. Унинг учун Қирғизистонда Қизил Армиянинг отрядлари тузилган. Дастлабкилардан бўлиб, 1-Пишпек полки уюштирилди, унинг қаторига руслар, украинлар кирган, ундан ташқари, қирғиз ва бошқа миллатларнинг вакиллари ҳам бўлишган. Тўнгич уюшилган Пишпек полкининг командири революционер Я.Н.Логвиненко бўлган. Қизил Армиянинг аскарлари ўз вазифаларини аниқ бажаришиб, Беловодск, Пржевальск ва Норин шаҳридаги кўзғолонларни босишда ва жанубдаги босмачиларни тор-мор қилишда зўр қаҳрамонликларни кўрсатишди. Қизил Армиянинг қаторига ўтиб, қаҳрамонлик кўрсата олган қирғиз ватанпарварларига Совет ҳокимияти тарафидан ишонч кўрсатилиб, улар қизил командирликка тайинландишган. Улар вазифаларини аниқ бажаришиб, Сулаймон Кучуков, Арстанали Ўсмўнбеков, Исабек Бектемировлар жанговар мукофотларга сазовор бўлишган. Гражданлар урушини бутунлай тўхтатиш ва Туркистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида 1919-й. 14-августда Туркистон fronti тузилади. Унинг бош команди-

ри бўлиб, ҳамшаҳаримиз М.В. Фрунзе тайинланади. М. В. Фрунзенинг буйруғи билан Етти-Сувдаги қирғиз-қозоқлардан махсус қирғиз отликлар бригадаси тузилган, унинг командири А.Ўсмўнбеков бўлган.

Большевиклар Туркистоннинг маҳаллий халқининг қўллашига эга бўла бошлаган. Босмачиларнинг куч-қуввати ночорлади. Кўплаб қўзғолонлар Қизил Армиянинг кучи билан босилди. Совет ҳокимиятига ишонган умумий халқнинг қўллашининг натижасида 1920-йилнинг охирида Қирғизистонда гражданлар уруши тугалланиб, Совет ҳокимиятини қуриш бошланди.

✍ **Ёзиб олинг:**

**Революция** (лат. *revolutio* – тўнтарш) – яшаб турган ҳукуматнинг таг-тугидан бери ўзгариши.

**Гражданлар уруши** – бир давлатнинг ичидаги граждандарнинг ўртасидаги келишмасликдан келиб чиққан уруш.

**Босмачилик** – (турк. босмоқ-кисимга олиш, хўрлик кўрсатиш) – Қирғизистондаги Совет ҳукуматига қарши чиққан ҳаракат.

➡ **Инсон ҳақида билиб олинг!**



**Арстанали Ўсмўнбеков** – Туркистонда ва Қирғизистонда Совет ҳукуматини мустхкамлашга фаол иштирок этган. Наманганда рус-маҳаллий мактабида ўқиган. Биринчи жаҳон урушида ўзриқ ишига олиниб, урушга қарши курашга қатнашган. 1919-йилда наманганлик қирғизларнинг ихтиёрий отликлар дивизионига командир бўлиб, босмачиларга қарши курашган. Довюрак командир қаторида ва босмачиликни тор-мор қилишда фаоллиги учун Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган.

② **Саволлар ва топшириқлар:**

1. Подшоҳчилик қулагандан кейин қандай ҳукумат ҳукм суриб, у қандай сиёсат юргизган?
2. «Алаш» ва «Фуқаро» қандай мақсадларини кўзлаган экан?
3. Совет ҳукумати халқ истагини бажарган қандай низомларини чиқарган?
4. Қирғизистонда гражданлар уруши нима учун бўлган?
5. Совет ҳукумати қандайча мудофаа қилинди?

## § 36–37. Иқтисоддаги социалистик қурилишнинг бошланиши

1

Асосий саналар:

1921–1922-йй. – Шимолий Қирғизистондаги ер-сув ислоҳоти.

1927–1928-йй. – Жанубий Қирғизистондаги ер-сув ислоҳоти.

1925-йй. – Қирғизистонда «Интергельпо» кооперативининг тузилиши.

✓ **Тушунчалар:** ислоҳот, ўтроқлаштириш, кўлхозлаштириш.

Ер-сув ислоҳоти ва кўчманчи халқни ўтроқлаштириш. Россияда граждaнлар уруши совет ҳокимиятининг ғалабаси билан тугаллангандан кейин, ҳукумат 1917-йилдаёқ қабул олинган Ер ҳақидаги декретни амалга оширишга киришган. Барча территорияларда ер помешчикларнинг ва дин вакилларининг мулкчиликларидан тортиб олиниб, деҳқонларга берилган. Ерга эга бўлганларга ҳукумат меҳнат асбоб-ускуналарини ва уруғларни бекор беришди. Совет ҳокимиятининг бундай ер ҳақидаги иш-ҳаракати халқнинг кенг қўллашига эга бўлди.

Қирғизистонда асосий масалаларининг бири ер-сув бўлиб ҳисобланган. Подшолик пайтда қирғизларнинг деҳқончиликка яроқли ерлари тортиб олиниб, махсус кўчириб келинган рус деҳқонларига бўлиштириб берилган. Қирғизистондаги совет ҳокимиятининг вазифаси рус қулоқларининг, шунингдек маҳаллий бой-манапларнинг ерларини олиб, қирғиз ва бошқа миллатларнинг гадо-камбағалларига бўлиштириб бериш бўлиб ҳисобланган. Бу мақсадларни амалга ошириш учун Қирғизистоннинг шимолий территорияларида 1921–1922-йилларда ер-сув ислоҳоти юрган. Бурунги қирғизларнинг ерларига ўтроқлашган келгин деҳқонларнинг ва қозоқ-рус бойларининг мулки ўртага олиниб, уларнинг ери қирғиз деҳқонларига бўлиниб берилган. Рус қишлоқларининг ўрнига, ўтроқлашган қирғиз қишлоқлари пайдо бўлган.

Жанубий Қирғизистон территорияларида босмачилик ҳаракати тугатилгандан кейин 1927–1928-йй. ер-сув ислоҳоти ўтказилган. Уларда ҳам бой-манапларнинг ерлари тортиб олиниб, ерсиз ва ери оз деҳқонларга бўлиб берилиб, меҳнат асбоб-ускуналари бекор тарқатилиб, унинг билан бирга солиқдан бўшатиш амалга оширилган. Бу ислоҳотларнинг якунида қирғизлардаги кўчманчи ва ярим кўчманчи хўжаликлар ўтроқлаштирилди. Аста-секинлик билан ерга эга бўлган деҳқонларни коллектив хўжаликка ўтказиш юрди. *Коллектив хўжалик – бу хусусий хўжаликни йўқ қилиб, ер улушлари, меҳнат асбоб-ускуналари, уруғ, от-улов ўртага йиғилиб, меҳнат асбоб-ускуналарини бирлаштириш дегауликка ётган.* Аввал деҳқонлар коммуна, артелларга бирлаштирилиб,

охирини катта-катта ширкат бирикмаларининг пайдо бўлишини пиланда қилган. Бундай бирлашиш ҳайдов ерларининг кўпайиши, деҳқонларнинг биргалашиб ишлашининг натижасида меҳнатнинг яхшиланиши, ҳосилнинг кўп олинishi ва ем-хашакнинг кўп тўпланиши билан ҳайвонот миқдорининг ўсишига замин тузган. Совет давлатининг бундай иш-ҳаракати қишлоқ хўжалигини юксалтиришни таъминлаган.

Саноатнинг ривожланиши. Совет ҳокимиятигача Қирғизистоннинг территориясида кон ишлатиш, айланиш тош кўмир қавлаб олиш, ундан ташқари пахта тозаловчи, тери ишлатувчи, мой ишлаб чиқарувчи кичкинагина корхоналар бўлган. Гражданлар уруши даврида бунинг ҳаммаси вайрон бўлган эди. Совет ҳокимияти табиий кон бойликларини ишлатиш, халққа керакли нарсаларни чиқарадиган кичкина корхоналарни қуриш, уларда ишчиларнинг миқдорини кўпайтиш мақсадини кўзлади. Бу мақсадларни амалга оширишда 1925-йилда Қирғизистонда «Интергельпо» (Ўз аро ёрдам) деган кооператив ташкилот тузилган. Чехословакиядан келган мутахассис ишчилар ўзлари билан қўша ҳар қандай асбоб-ускуналарни олгач келишган. Кооперативда 14 миллатнинг вакили ишлаб, тез орада мовут фабрикаси, булғори заводи, электростанцияларни, устахоналарни қуришган. Саноат корхоналарининг бундан нари кенгайишида 1926-й. бошланиб, 1930-й. битган Туркистон-Сибирь темир йўли зўр аҳамиятга эга бўлган. У орқали машиналар, станоклар, жабдуқлар, металл в.ҳ. ташилиб келиниб турган. Совет ҳокимияти мустаҳкамланган сари Қирғизистонда саноатнинг ривожланиши ихчамлаб, беш йиллик режа асосида ишлаш йўлга қўйилган. Қирғизистонда биринчи беш йиллик режага кўра 1928–1932-йилларда 40дан ошиқ йирик корхона қурилган. *Беш йиллик режа – бу давлат томонидан белгиланган беш йил ичида битказиладиган чора-тадбирлар.*

Колхозлаштириш. Ер-сув ислоҳоти ва ўтроқлаштиришнинг асосида хусусий хўжаликлар, ўрта деҳқонлар хўжаликлари, коллектив хўжаликлар биринчи қадам ташлаб – қишлоқ хўжалигини юксалтиришда муваффақият тезоб яратилганди. Совет ҳокимияти хўжаликнинг бундай ҳар турли ривожланишидан бош тортиб, уларни йирик хўжаликларга бирлаштириш сиёсатини ишлаб чиқди. Унинг мақсади давлат учун арзон қишлоқ хўжалик маҳсулотини ишлаб чиқарувчи колхозларни тузиш бўлган. 1929-йилнинг ёзида Сталин «ёппасига коллективлаштириш» шioriини эълон қилди, демак уни бажариш ҳокимият томонидан қаттиқ назоратга олинган. Сталиннинг талаби билан колхозга кириш ихтиёрий тартибда юрмай, мажбурийлик билан бирга юз берадиган бўлди. Кўпчилик хусусий хўжаликлар, ўрта ва бой деҳқонлар барча мулки

билан колхозга киришга мажбур бўлишди, агар кирмаса колхозга қарши чиққан қатори мулкидан ажратилиб, турмага қамалади ёки чет томонларга кўчирилади. Колхозга ҳайдов ерларигина эмас, бурун умумий фойдаланишда бўлган яйловлар, ўрмонлар берилди. Колхозларни қўллаш учун давлат атайлаб чора-тадбирларни ташкил этган, уй-жой қуришга материал беришган. Натижада янги овул-қишлоқларнинг сони ўсган. Ҳайдов майдонларини кўпайтиш мақсадида йирик каналлар халқнинг кучи билан қурила бошлаган. Янги колхозларни қўллаш мақсадида совет давлати уларни техника билан таъминлай бошлаган. Техникани қўлланиш меҳнатни енгиллатиб, ҳайдов майдонини кенгайтишга, ҳосилни юқорилатишга имкон берди. 1938-йилларда деҳқон хўжаликларининг деярли ҳаммаси колхозларга ўтган. 40-йилларнинг бошида Қирғизистонда ўтроқлаштириш ва колхозлаштириш тўлиқ тугалланган.

✍ **Ёзиб олинг:**

**Ислоҳот** – ижтимоий ҳаётда ҳар қандай янгилликларни киритиш.

**Ўтроқлаштириш** – кўчманчиликнинг ўзгармас яшаш қудайлигига ўтиш жараёни.

**Колхозлаштириш** – СССРнинг меҳнаткаш деҳқонларининг ихтиёрий бирикма ташкилоти, У ижтимоий ишлаб чиқариш воситаларини ўртага солиб, йирик социалистик хўжалик юритиш учун ташкил этилган.

📖 **Буни билиш қизиқарли**

Интергельпо (лат. Inter – ўз аро. чех. гельпо – ёрдам) – 1925–41-йй. Қирғизистонда ишлаган ишлаб чиқариш кооперативи. Чехословакияда коммунист ишчиларнинг ташаббуси билан 1923-йилда тузилган. 1925–32-йй. Қирғизистонга Чехословакиядан ҳаммаси 1317 одам келиб, уларнинг 390 одами Интергельпонинг аъзоси бўлишган. Кооперативнинг жамоати пойтахтимизда корхоналарнинг ривожланишига зўр ҳисса қўшган. Дастлабки беш йилда электр станциясини, қишлоқ-хўжалик асбоб-ускуналарини, фишт, черепица, булғори заводларнинг, мебель фабрикасини в.ҳ. муҳим саноат корхоналарини курган. Шунингдек Туркистон-Сибирь темир йўлининг, Чуй каналининг, Қантдаги қанд заводининг қурилишига иштирок этишган. Қирғизистоннинг саноат тармоғининг ривожланишига бебаҳо ҳисса қўшишган.

❓ **Саволлар ва топшириқлар:**

1. Ер-сув ислоҳотининг мақсадлари қандай бўлган?
2. Ўтроқлаштириш деган нима?
3. Саноатнинг ривожланиши қандай юрган?
4. Колхозлаштиришнинг мақсади нимага бўлган?

### § 38. Миллий давлат тузумининг тикланиши ва ривожланиши

1

Асосий саналар:

1917-й. 2-ноябрь — «Россия халқларининг ҳуқуқларининг декларацияси» эълон қилинди.

1924-й. 14-октябрь — Қора-Қирғиз автоном области тузилди.

1926-й. 1-февраль — Қирғиз АССРи эълон қилинди.

1936-й. 5-декабрь — Киргиз ССРи тузилди.

✓ **Тушунчалар:** декларация, конституция.

Совет ҳокимиятининг мустаҳкамланиши, қирғизларнинг ватанига қайтиши. Россиядаги совет ҳокимияти тинчлик, ер масаласини ҳал қилиш билан бурунги империянинг мустамакаси бўлган халқларга миллий озодликни беришни ҳам кенг эълон қилишган. 1917-й. 2-ноябрда қабул олинган «халқларнинг ҳуқуқларининг декларациясида» барча халқларнинг тенг ҳуқуқлиги, ўз тақдирини ўзлари эркин ҳал қилиш, мустақил давлат тузиш ҳуқуқи эълон қилинган. Унинг асосида 1918-й. январда кўп миллатли Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси тузилди. Бу ҳукуматга маҳаллий халқларнинг вакиллари кенг тортилиб, улар совет ҳукуматининг бундан буён мустаҳкамланишига зўр ҳисса қўшишган.

Қирғизистон территориясида совет ҳокимияти ўрнагандан кейин 1916-й. кўзғолонда Хитойга қочган қирғизларнинг ватанига қайтиб келишига кўмак кўрсатилиб, уларни жазолаш, таъқиб этиш деган тўхтатилган. Миллий ишлар бўйича махсус тузилган қўмита миллатларнинг бир-бирига бўлган ишончини орттириш, рус-қирғиз муомалаларини яхшилаш ишларини юритган. Очарчиликка учраган қирғизларга озиқ-овқат бериш жойлари ташкил этилган. Хитойда қолиб кетган қирғизларни кўчириб келиш бўйича иш-ҳаракатлар юрган. Совет ҳукумати буларга зўр диққат ажратиб, махсус маблағ бўлиб, унинг ҳисобидан бепул мол, қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари, ўтовлар, қурилиш материаллари берилган. Ватанига келган қирғизларга ҳайдов ерлари ва яйловлар тарқатилган. Улар беш йиллик муддатга солиқдан бўшатилган. Бу ғамхўрликнинг ҳаммаси қирғизларнинг Совет ҳукуматига бўлган ишончини ортдирган.

Қирғизларнинг миллий давлатнинг тузилиши. Марказий Осиёда Совет ҳукуматига қарши курашган кучларнинг тормор қилиниши билан бу территорияларда яшаган халқларни миллий давлатларга бўлиш имконияти тузилган. Туркистон Автоном Социалистик Республикасининг ичига кирган қирғиз, қозоқ, ўзбек,



туркман, тожик халқларининг мустақил миллий давлатининг тузилишига, 1922-й. 30-декабрида пайдо бўлган Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи (СССР) туртки бўлди. 1924-йил 14-октябрида Марказий Осие миллий давлатларга бўлинади. Унинг асосида Туркман ССРи, Ўзбек ССРи, Қозоқ АССРи, Тожик автоном области ва РСФСРнинг таркибидаги Қора-Қирғиз Автоном области тузилган.

Қора-Қирғиз Автоном области сачранди бўлиб бўлиниб қолган қирғиз халқини бир миллий давлатга бирлаштирди. Бу қирғиз халқидаги давлат тузумининг тузилишидаги зўр тарихий воқеа бўлган.

Қирғиз халқи давлат тузумига эга бўлиб, ўз ҳукуматини тузган. Область партия ташкилоти бошчилигига Михаил Каменский ва Жусуп Абдраҳмонов тайинланган. Ревкомнинг раислигига Иманали Айдарбеков бекитилган.

1925-йилдан бошлаб Қирғиз Автоном области деб аталиб, унинг территориясига Фрунзе, Қорақўл, Жалол-Обод, Ўш округ ижроия қўмиталари, 72 бўлислик ижроия қўмитаси, 437 қишлоқ кенгаши кирган. ҚАОнинг оближроқўмининг биринчи раислигига Абдиқодир Ўрозбеков сайланган.

Областнинг аҳолиси 800 минг одамдан турган, унинг ичида қирғизлар 63,5% тузган. Қирғиз халқи келажакка интилиб, ўз давлатини ривожлантиришга тайёрланиб киришган.

1926-йилнинг 1-февралида Қирғиз Автоном областини қайтиб тузиш қаралиб, Қирғиз Автоном Совет Социалистик Республикаси яралади. Бунинг тузилишига қирғиз ерининг территория кенглиги, чет ўлкалар билан чеклашганлиги, иқтисодий аҳволи, халқининг сони сабаб бўлган. Шундай қилиб, қирғизларнинг давлат тузуми ундан нари юқорилаб, унинг ҳуқуқлари кенгайди. Қирғиз АССРининг ҳукумати – Халқ Комиссарлар Совети тузилиб, унинг раиси Жусуп Абдраҳмонов бўлган.

Конституциянинг қабул олиниши. Қирғиз ССРининг тузилиши. Автоном республиканинг давлат бийлиги ундан нари



мустақкамланди. Икки йилдан кейин 1929-й. 30-апрелида Қирғиз АССРининг биринчи Конституцияси қабул олинди. У Қирғиз Миллий давлат тузумини низомлаштирди. Қирғиз АССРи барча давлат ҳуқуқларига эга бўлган. Қирғизистонда яшаган барча халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги эълон қилиниб, улар ўз тилида билим олиш ҳуқуқига эга бўлишган. Қирғиз АССРида давлат тили қатори қирғиз ва рус тиллари ҳисобланган. Республиканинг пойтахти – Фрунзе шаҳри бўлиб аниқланган.

Қирғизистоннинг ундан нари давлат тузумининг ўсишига – Жусуп Абдраҳмонов, Бояли Исакеев, Абдиқодир Ўрозбековлар зўр ҳисса қўшишди. Улар Қирғизистонни қўшни республикалар билан тенг ҳуқуқда СССРнинг таркибига киргизиш илтимоси билан СССРнинг ҳукуматиға мурожаат қилиб келишган. Натижада 1936-йилнинг 5-декабрида Қирғиз ССРи эълон қилинган.

Қирғизистон иттифоқдош республикаға айланиб, унинг асосида 1937-йилда Қирғиз ССРининг Асосий низоми – Конституция қабул олинди. Қирғиз ССРининг бошқариш ҳокимияти аниқланди. Одам ҳуқуқлари ва граждандарнинг озодликлари мустақкамланди. Конкурсе асосида Қирғиз ССРининг герби ва байроғи қабул олинди. Қирғиз ССРи тенг ҳуқуқли қатори СССРнинг таркибига кириб, ўз давлат тузумининг олға юришиға кенг шароитлар тузилди.

Инсон ҳақида билиб ол!



Жусуп Абдраҳмонов – 1901-йилда Иссык-Кўлдаги ҳозирги Жарқинбоев қишлоғида туғилган сиёсий Давлат арбоби. 1911-йилда маҳаллий рус мактабида ўқиб, кейин Қора-Кўлда олий бошланғич мактабни битирган. Ўз даврининг билимли инсони бўлган. 1916-йилда халқ билан бирга Хитойға қочиб, 1917-йилда қайтиб келган. Ундан кейин Совет ҳокимиятининг қурилишиға зўр ҳисса қўшган. 1920-й. Москваға комсомолларнинг съездиға делегат бўлиб бориб, В.И.Ленин билан гаплашиб, фикр олишган қирғизнинг биринчи ватаншарвари. 1924-йилдан бошлаб Қирғиз давлат тузумининг тузилишиға зўр ҳисса қўшиб, унинг пойдевориға асос солган. Олий давлат ҳокимиятида ишлаб, елғон тухмат билан қамалган. 1938-й. халқ душман деб отилиб, 1958-йилда оқланган.



📖 **Билиб алинг.**

**Декларация** – Совет ҳукуматиининг муҳим қарори.

**Конституция** – Давлатдаги энг асосий қонуни.

② Саволлар ва топшириқлар:

1. Совет ҳукуматининг миллий сиёсати қандай бўлган?
2. Нима учун Қўқон автономияси тузилган?
3. Совет ҳокимияти қочқин қирғизларга қандай ёрдам берди?
4. Миллий давлат тузумининг тузилиши ҳақида айтиб беринг.
5. Қирғиз давлат тузумининг тузилиши ҳақида класстер тузинг.

§ 39–40. Қирғизистон Улуғ Ватан уруши йилларида

1

Асосий саналар:

- 1939-й. 1-сентябрь – Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши.  
 1941-й. 22-июнь – Совет халқига фашист Германиясининг қўл солиши.  
 1945-й. 9-май – Улуғ Ватан урушининг битиши.  
 Буюк ғалаба.

Урушнинг бошланиши, Панфиловчиларнинг қаҳрамонлиги. Совет халқининг тинч ҳаётига хавф туғдириб, бутун дунёни босиб олиш мақсадига интилган фашистлар Германияси 1939-й. 1-сентябрида Европадаги Польша давлатига босиб кириши билан иккинчи жаҳон уруши бошланган. Европанинг кўпчилигини босиб олган фашистлар куч-қувватини тўплаб, 1941-й. 22-июнида чегарани бузиб, Совет Иттифоқига бостириб кирди. Шундай қилиб, бир неча йилга чўзилган, ғазабланган уруш бошланди. Совет мамлакатининг тинчлик ривожланишини бузган бу воқеа тарихда Улуғ Ватан уруши деб аталди. Қирғизистоннинг халқи бутун юртимиздагидек, фашистларнинг қўл солишини ўз бошига тушган офат қатори қабул олди. Уруш ҳаракати юраётган территориялардан узоқ турганига қарамасдан Қирғизистон Ватанини ҳимоя қилиш учун чаққонликни кўрсатишди. Қари-ёши демай урушга кетиш талаби билан аскар комиссариатига тўпланишди. Уларни биргина мақсад – Она Юртни ҳимоя қилиш, душманга муносиб жавоб бериш бирлаштирган. Қирғизистоннинг территориясида аскар қисмлари тузилиб, урушга диққат билан тайёрланиб, қон куйган ғарбга жўнатилиб турди. Урушнинг дастлабкиёқ кунларида Қирғизистондан майдонга отланган жангчилар қаҳрамонликларни кўрсатди. Совет чегарасини бузиб кириб келган душманлар Брест ғовида қаттиқ қаршиликка учрашди. Бу ғовнинг ботирлари бир ой бўйи тенгсиз урушда душманларга ғовни беришгани йўқ. Уларнинг орасида Қирғизистонлик жангчи В.И. Фруцев бўлган. Бу воқеа совет жангчиларига ватанпарварлик иштиёқ берган, фашистлар Европанинг баъзи бир мамлакат-

ларини бир кунда босиб олса, бу ғовни бир ой ололмасдан, қандай душман билан ушлашишга тўғри келганини тушунишган. 1941-й. июлда Борисово шаҳрини ҳимоя қилишда ватандошимиз Николай Дмитриев кўрсатган қаҳрамонлиги учун қирғизистонликлардан дастлабки бўлиб энг юқори мукофотга, Совет Иттифоқининг Қаҳрамони деган номга сазовор бўлди.

Чекланмаган кучга эга бўлган фашистлар куз олдида Москвага яқинлашади. Совет жангчиларига Москвани мудофа қилиш муқаддас бурчи юкланган. Қирғизистонда тузилган қирғиз ва қozoқ вакилларида иборат 316-отувчилар дивизияси генерал-майор Иван Васильевич Панфиловнинг командирлигида Москвани мудофаа қилишга қатнашди. Душманнинг бир неча бор ҳужумини қайтаришди. Жангда олд чекда юрган И.В.Панфилов қазо топди. Унинг қаҳрамонлиги юксак баҳоланиб, Совет Иттифоқининг Қаҳрамони номи берилди. Айниқса тарих варағида 28 панфиловчи жангчиларнинг қаҳрамонлиги абадий ёзилиб қолди. Улар тенгсиз жангда душманнинг ўткирлигини қайтариб, бирлашганликни, жасоратни, маҳкам ўзгармасликни кўрсатди. Улар душманнинг 50 танкасига қарши туришиб, 18 танкасини парчалашган, душман мақсадига етмай чекинишга мажбур бўлган. Кўрсатган мардликлари учун улар Совет Иттифоқининг Қаҳрамони деган номга эга бўлишган. Уларнинг қаторида қирғизистонлик Дуйшўнкул Шўпўқов, Николай Ананьев, Григорий Шемьякин в.х. ватандошларимиз бўлган. Совет жангчиларининг ғайратли мардлиги орқасида Москва шаҳри мудофаа қилиниб, душман орқага сурилган.

Ч. Тулўбердиев, Д. Асанов, А. Садирбоевларнинг мардликлари. Москванинг олдида чекинишга учраган фашистлар ундан баттар ўчашиб, барча кучини совет халқига қарши ишлатди. Урушнинг қон куйган майданларида бошқа қон-қариндош миллатлар сингариёқ қирғизистонликлар ҳам биридан ўтиб бири мардликларни яратишарди. Қирғиз халқининг ўғли Чўлпонбой Тулўбердиев 1942-йили ёзда ўлмас-ўчмас мардлик кўрсатди. У хизмат ўтаётган полкнинг олдида Дон дарёсини кечиб ўтиб, душ-



И. В. Панфилов



Д. Шўпўқов



Ч. Тулўбердиев



Д. Асанов

маннинг ўнг қирғоқдаги жойлашган еридан қувлаб чиқиш вазифаси қўйилади. Ёмғирдай ёққан ўқнинг олдида дарёдан сузиб ўтиб, бу оғир вазифани бажариш 11 жангчига юкланган. Уларнинг ичида Чўлпонбой Тулўбердиев ҳам бўлган. Жангчилар қийинчилик билан аскарларнинг ҳужумга ўтишига тўсқин бўлган дзотга етишиб, гранаталарни ирғитишди. Бироқ душман ўқ отишини тўхтатмади, ўшанда Чўлпонбой аста-секин олға жилиб, дзотнинг оғзини ўз танаси билан тўсиб қолди. Бу уруш тарихидаги Қирғиз ўғли ясаган биринчи мардлик эди. Душман мағлубиятга учраб, аскарлар муваффақиятли ҳужумга ўтди. Чўлпонбой Тулўбердиевнинг мардлиги юқори баҳоланиб, Совет Иттифоқининг Қаҳрамони деган номга сазовор бўлган.

Сталинград ва Харьковнинг ёнидаги жангда сержант Дайир Асанов хусусий аскарний усталикни ва довиюракликни кўрсатди. У танкаларни парчаловчи артиллерия полкида хизмат қилган. Сталинграднинг олдида аниқ отиш билан душмanning икки танкасини йўқ қилган. Харьковнинг ёнидаги жангда душмanning уч марта ҳужумини қайтариб, замбарағи билан душмanning 8 танкасини, 6 бронемашинасини, кўп сонли ўқ отувчи нуқталарини йўқ қилган. Сержант Дайир Асанов бу мардлиги учун Совет Иттифоқининг Қаҳрамони деган ном олган.

Кавказ учун жангда қисмнинг командири Ақун Садирбоев душмanning навбати билан ирғитилган 16 гранатасини довиюраклик билан тўсиб олиб, уларни душманга қайтиб ирғитишга етишган. 17-чи граната қўлида ёрилиб қурбон бўлган. Ўртоқлари ёрдамга келгунгача ўзи турган чекни душманга берган эмас. Қаҳрамонлиги учун А.Садирбоев қурбон бўлгандан кейин Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган.

Урушнинг охириги пайтидаги мардликлар, Совет жангчиларининг қаҳрамонлик кураши душмanning дамини қайтариб, уларни ҳолдан кетказди, уларнинг совет халқини қулчиликка айлантириш мақсади амалга ошмай қолди. Қирғизистонлик жангчилар аскар қисмларининг барча тармоқларида хизмат ўтаб, қаҳрамонликларини кўрсатишди. Олсак, 1944-йилда Эстониядаги ҳаво жангида қирғиз учувчиси Исмойил Таранчиевнинг самолетига ўқ тегиб, ёна бошлаган. Учувчи самолетини душмanning техникаси тўпланган ерга тўғрилаган, натижада душманлар кўп йўқотишга учраган. И.Таранчиевга Совет Иттифоқининг Қаҳрамони деган ном берилди. Уруш пайтида эркаклар билан қатор аёллар ҳам ўзларининг мардликларини кўрсатишган, Қирғизистондан урушга кетган Ё. Пасько бомбаловчи авиация полкида хизмат ўтаб, самолети билан ҳавога 780 марта кўтарилиб, душмanning орқа томонига 93 тонна бомба ташлаган. Ғайратли, довию-

рак учувчи Е.Пасько Совет Иттифоқининг Қаҳрамони номига сазовор бўлган.

Душманни тўлиқ йўқ қилиш мақсадида 1945-йилнинг апрелидан бошлаб Берлин учун жанг бошланади. Бу жангларни Қирғизистонлик жангчилар Совет Иттифоқининг икки марта Қаҳрамони, учувчи, капитан Талғат Бегелдинов ва Совет Иттифоқининг Қаҳрамони, лейтенант Қалийнур Усўнбеков ва бошқа мард азатларимиз аскарӣй ҳақиқӣй қаҳрамонликларни кўрсатишган.

Совет халқининг ғайратчан қаҳрамонлиги, жангчиларимизнинг мардликларининг натижасида 1945-йилнинг 9-майида душман тор-мор қилиниб, Берлинда фашистларнинг уяси йўқ қилинди. Улуғ Ватан уруши майдонида Қирғизистондан чақирилган 380 минг жангчимиз Она Юртни мудофаа қилган. Урушдаги мардликлари учун 10 минглаган қирғизистонлик жангчилар орден, медалга сазовор бўлса, 76 жангчимиз Совет Иттифоқининг Қаҳрамони, 38 жангчимиз «Шухрат» орденининг тўлиқ эгаси бўлишди. Уларнинг ўлмас-ўчмас мардликлари қалбимизга сақланиб, унутилмайди!

✈ Буни билиш қизиқарли

Майдонга мактуб!

Қирғизистоннинг меҳнаткашлари, фронт билан доим алоқада бўлиб, уларнинг мардликлари билан руҳланиб турган. 1943-й. республикамизнинг 700 минг кишиси қўл қўйган мактуб қирғиз жангчиларига юборилган. Унда: «Қирғизистоннинг ўғли, сен душмандан бўшатган Кавказ билан Волганинг шаҳарлари, Марказий Россиянинг шаҳарлари Иссиқ-Кўл, Сўнг-Кўл, Оқ-Сой, Талас ва Олой водийларида қирғиз тили билан қирғиз маданиятини, сенинг ота-онангнинг умрини, сенинг опа-сингилларингнинг умрини, сен севган болаларингнинг умрини сақлари ёдингда бўлсин...» — деб ёзилган.

② Саволлар ва топшириқлар:

1. Урушни кимлар бошлаган ва қандай мақсадди кўзлаган?
2. Қирғизистонлик жангчиларнинг дастлабки мардликлари ҳақида нима биддингиз?
3. Улуғ Ватан уруши ҳақида ҳессе ёзинг.

## § 41. Орқа томондаги чаққонлик меҳнат

1

Асосий саналар:

1941-й. июнь – СССРда эвакуация Совети тузилган.

✓

Тушунчалар: эвакуация.

Уруш пайтидаги саноат. Улуғ Ватан уруши пайтида, душман СССРнинг иқтисодий ривожланган территорияларини босиб олиш билан аҳволни қийинлаштирган. Урушиб ётган ерлардаги фронт талабини қаноатландириш учун иқтисодни уруш йўлига буриш керак эди. Халқ истеъмол молларини чиқарган саноатни, уруш талабига лойиқ қайта қуриш керак эди. Қирғизистон ўлканинг ҳарбий-хўжалик таянч пунктига айлантирилди. Саноат ҳарбий заказларни ишлаб чиқаришга ўтди. Урушга боғли оғир нишомлар чиқди, мажбурий меҳнат нормалари киргизилди. Асосий ишчи кучини аёллар ва ёш болалар ташкил этиб қолди. Бироқ унга қарамасдан меҳнаткаш халқ «Ҳаммаси фронт учун, ҳаммаси ғалаба учун!» деган шиорнинг олдида тиришқоқ ғайратчанлигини кўрсатишди. Фарбдаги ишлаб чиқаришни ва халқни орқа томонга эвакуациялаш учун 1941-й. июнда махсус Совет тузилди. Қирғизистонга 38 йирик корхона кўчирилиб келиб, тез орада маҳсулот чиқаришга ўтди. Уруш саноати учун керак бўлган кон бойликларини ишлатиш қўлга олинди. Уруш пайтида ғоят керакли симоб, сурьма, қўрғошин ундирилиб, ҳарбий техника ва ўқ дори чиқаришга ишланаётди. Енгил саноат тармоқлари жангчиларга кийим-кечакларни тикиш ва жўнатиш билан банд бўлди. Озиқ-овқат саноати урушдаги жангчиларга миллионлаган банка консерва, қанд, колбаса ва бошқа озиқ-овқатларни кўп ишлаб чиқариб, фронтга бетиним жўнатиб турди.

Қирғизистонга уруш юраётган территориялардан 200 мингга яқин одамлар эвакуацияланиб келди. Уларнинг кўпи завод-фабрикаларда ишлай бошлади. Кўпчилик ёш болалар, қари-қартанларни қирғиз халқи ўз бағридай қабул олиб, уй, кийим-кечак би-



Ҳарбий саноат.

«Совет Қирғизистонини  
Танги Қозоқистон»

лан таъмин қилди. Уруш пайтида саноатда ишлаганлар зўр ғайратчанликни кўрсатишди ва ҳарбий талабларни аниқ бажаришга эришишди.

Қишлоқ хўжалиги фронт учун. Уруш ўзининг касофатини қишлоқ хўжалигига ҳам тегизди, мард азаматлар фронтга отланиб, овул-қишлоқларда аёллар билан ёш болалар қолди. Бутун оғирчилик уларнинг бўйнига юкланди. Улар кеча-кундуз фронт учун ишлашган. Жангчиларни дон билан таъмин қилиш иш-ҳаракатлари куч олди. Қирғизистондаги дон тайёрловчи территорияларда «Экиннинг ҳар бир тоннаси – фашистларнинг лагерига ташланган снаряд!» – деган чақириқ ҳукм сурди. Қишлоқда меҳнат кучи етишмади, техникалар ишламай, қўл меҳнати фойдаланилди, бу оғир қийинчиликларни тузди.

Шундай қийинчиликларга қарамасдан колхозчи деҳқонлар майдонни ва ўлкани озиқ-овқат билан таъминлаш, душман устидан ғалабага эришиш учун мумкин бўлганларнинг ҳаммасини ясашди. Ҳар бир меҳнат соҳасида қаҳрамонлар яралди. Сўқулуқ районидаги «Қизил-Аскар» колхозидан лавлагичи Керимбуби Шўпўқова етаклаган звеноси 1942-йилда ҳар гектардан 684 центнердан ошди лавлагичи ўстириб, йиғиб олишган. Ғайратчан меҳнати учун Керимбуби Шўпўқова Социалистик Меҳнат Қаҳрамони номини олган. Шундай қилиб, Дуйшўнқул Шўпўқов фронтда мардлик кўрсатса, аёли орқа томонда қаҳрамонлик меҳнатни яратди. Бундай меҳнат қаҳрамонлари кун санаб ўсди. Уларга Чуй районидан лавлагичи А.Жўлдўшевани, Сузақ районидан пахтакор И.Исмаиловани қўшишга бўлади.

Деҳқончиликдагина эмас, чорвачиликда ҳам ғайратчан мардликлар яралди, мол бошини кўпайтиш, гўшт тўкиш ишларида молчилар ғайратчанлик билан ишлашди.

Умумий халқ ёрдами, урушнинг касофати. Бутун давлатдагидаёқ, уруш бошлангандан тортиб, Қирғизистонда ҳам мудофаа жамғармаси тузилиб, маблағ тўплаш иши бошланган. Қирғизистоннинг орқа томондаги меҳнаткашлари фронтга саноатдаги, қишлоқ хўжалигидаги ғайратчан меҳнатларигина эмас, шахсий маблағлари орқали ёрдам беришга фаол қатнашишган. Ўзларининг ҳол-аҳволининг қийинликларига қарамасдан, оддий халқ фронтга, тўплаган бойликларини, ишҳақиларининг бир қисмини, қимматбаҳо буюмларини, олтин, кумуш безакларини, озиқ-овқатларини жўнатишган. Уруш йилларида қирғизистонлик ишчилар, колхозчилар, хизматчилар ва ўқувчилар ўлкани мудофаа қилиш жамғармасига ҳаммаси бўлиб 189 млн. сўм тўплашган. Қирғизистонда тўпланган маблағлар 93 танк ёки 189 самолет қуришга етмоқ. 1942-йилда қирғизистонлик меҳнаткашларнинг маблағи-



га қурилган «Совет Қирғизистони» танк колоннаси Совет Армияси вакилларига топширилган.

Совет халқига ғалаба осонга тургани йўқ. Урушда 27 миллиондан ошиқ одамлар қурбон бўлишди. Минглаган шаҳар, овулқишлоқлар, саноат корхоналари тор-мор қилинди. Иқтисод оғир зарар тортди. Ҳар бир оила ўз яқинларидан айрилди. Урушнинг доғи кўпгача халқнинг ёдида қолди.



Буни билиш қизиқарли

Қирғизистонлик меҳнаткашлар коллектив посилкаларни, иссиқ кийим-кечакларни йиғиб, майдонга жўнатишган. Блокадада қолган Ленинград шаҳрига қирғиз халқи 100 вагондан ошиқ озиқ-овқат берган. Душмандан бўшатишган районларга молчиларимиз 130 минг бош пода мол, кўй ва эчкиларни жўнатишди. Шунинг ҳаммаси шаклланиб қолган совет халқининг дўстлигининг, қардошлигининг яққол мисоли бўлиб қолди.



Ёзиб олинг:

*Эвакуациялаш* – уруш пайтида Ғарбдаги саноат жабдуқларини ва халқнинг кенг массасини Шарққа кўчириш.



Саволлар ва топшириқлар:

1. Қирғизистондаги уруш пайтидаги саноатлар ҳақида айтиб бериш.
2. Эвакуация деган нима?
3. Қишлоқ меҳнаткашлари қандай ғайратчанликни кўрсатишган?
4. Халқ ёрдами қандай юрган, уруш қандай касофатларни олиб келди?
5. Уруш мавзуйига бағишланган Ч. Айтматовнинг асарлари бўйича эссе ёзинг.

## § 42. Халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш (1946–1964-йй.)



Асосий саналар:

1946–1950-йй. – Халқ хўжалигини тиклаш пайти.

1953-йй. март – Сталин ҳокимиятининг тугалланиши.

1950–1961-йй. – И. Раззоқовнинг Қирғизистонни бошқариши.



Тушунчалар: демократия, репрессия.

Саноатни тинчлик ҳаётга ўтказиш, Улуғ Ватан уруши совет халқининг йирик ғалабаси билан томонланди. Кўпни куттирган тинчлик иши бошданган. Албатта, ҳарбий йўлга бурилган иқтисодни тинчлик йўналишига солмоқ асосий масала бўлиб қол-

ди. Уруш пайтидаги қаттиқ тартиб олиб ташланди, ишчиларнинг ишлашига шарт тузила бошлади. Вайронликка учраган хўжаликни тиклаш учун урушдан кейин дарров беш йиллик режа қабул олиниб, у 1946–1950-йй. ичига олди. Режа бўйича тор-мор қилинган саноатларни қуриш, сув босган шахталарни, керакдан чиққан йўлларни ўнглаш билан иқтисодни тез орада ривожлантириш қаралган. Қирғизистон бошқа регионларга нисбатан халқ хўжалиги ҳолсизланиб, барбод бўлишга учраган эмас. Уруш пайтида саноат бўлиб кўрмагандай ўсган, асосий вазифа тинчлик маҳсулотини чиқаришга ўтиш ва ундан нари саноат даражасини кўтариш бўлган. Беш йил ичида рангли металлургия, кўмир, нефть, машина қуриш саноатлари ривожланди. Бистровка – Балиқчи темир йўли 1950-йилда фойдаланишга берилиб, Қирғизистоннинг иқтисодий ривожланишига катта ҳисса қўшди.

Қишлоқ хўжалигини тиклаш. Уруш Қирғизистоннинг қишлоқ хўжалигига кўплаган қийинчиликларни олиб келган. Натижада халқни озиқ-овқат билан таъминлашда, саноат корхоналарини ишлатишда қийинчиликлар пайдо бўлди. Колхозларда ишчи кучи етишмади, урушнинг касофатидан 1946-йилда бўлгани 66 мингдан озроқгина эркалар бўлган. Бунинг натижасида ҳайдов майдонлари қисқариб, далаларнинг ҳосилдорлиги ночорлаган. Қишлоқ хўжалигида техника етишмади. Қўл кучи талаб қилинди, натижада ем-хашак оз тўпланиши билан молнинг сони озайган.

Бироқ ғалабадан кейин Совет Армиясининг қаторларидан бўшанганларнинг ҳисобидан колхозларда ишчи кучлари кўпайиб, техника тикланиб, ҳайдов майдонлари кенгайтилган. Ўшанга қарамасдан қишлоқ хўжалиги тўлиқ тузала олган эмас, унга кўп вақт талаб қилинган.

Қишлоқ хўжалигини яхшилаш асосий вазифа бўлган. Усиз ҳаётни тузатиш, саноатни кўтариш, шаҳар халқини озиқ-овқат билан таъминлаш амалга ошмоқ эмас.

Давлат томонидан қишлоқ хўжалигини кўтариш учун пул маблағлари бўлина бошлайди. Техникаларни олиш, ҳайдов майдонларини кенгайтиш, ер ўғитларини фойдаланиш билан ернинг ҳосилдорлигини орттириш, суғориш ишлари учун каналларни қуриш қўлга олинади. Меҳнаткашларни меҳнатга қизиқтириш учун социалистик мусобақалар ташкил қилинади. Илғор ишлаб-чиқаришда ишловчиларни қўллаш, уларнинг ойлик ҳақиларини кўпайтиш қаралади. 1947-йилда лавлагичи Зуурақан Қайназарова режадан ошиқча ҳосил олгани учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлади. Бундай қаҳрамон меҳнат йўлини давом эттирувчилар авж олиб, беш йилликнинг ичида Қирғизистонда 47 одам юқори қаҳрамонлик номларга эга бўлган.

Сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар. 1953-йилнинг 5-мартида 30 йилдан ошиқ вақт бўйи давлатни бошқариб турган И.В.Сталин дунёдан қайтади. Сталиннинг ўлими билан ўлкадаги қаттиқ буйруқчи-ҳокимчи тизим барбод бўлган. Ҳокимиятга Н.С.Хрушчевнинг келиши ўлкада янги сиёсий ўзгаришлар билан қўшланди. Н.Хрушчев СССРдаги ғоят қаттиқ тартибни йўқ қилиб, бошқаришнинг демократик турини киргизишга ҳаракат қилди. 1950-й. Қирғизистонни етаклаш ишига Исҳоқ Раззоқов тайинланган.

И.Раззоқов Совет ҳокимияти ўрнагандан бери республиканинг юқори партия ҳокимиятини етаклаган биринчи қирғиз бўлган. У ғоят билимли, эл-ерини севган ҳақиқий ватанпарвар эди. 1950–1961-йиллари Қирғизистон Компартиясини етаклаган. Унинг мақсади СССРда юргизиладиган ислохотларга таяниш билан Қирғизистоннинг мустақиллигини кенгайтиш бўлган. Натижада Қирғизистондаги 225 саноат корхоналарини, иттифоқ бошқарувидан республика бошқарувиغا ўтказган. Бир вақтларда «Халқ душманлари» деб репрессияланганлар оқланди. Қирғиз интеллигенциясига диққат ажратилиб, олий ўқув юртлири очилди. И. Раззоқовнинг ташаббуси билан мактаб ўқувчиларига, айниқса кенжа синфларга ҳар куни иссиқ овқат бериш ташкил этилди. Рус мактабларида қирғиз тилини ўқитиш киргизилди.

Бироқ бундай мустақиллик, демократик ўзгаришлар кўпга чўзилгани йўқ. Москвадаги ҳокимият бошлиқлари республикаларнинг мустақилликларини ёқтиришмади. Бир қатор раҳбарларнинг ясаётган иш-ҳаракатлари қаттиқ танқидга олинди. И.Раззоқов ўйлаган кўп ишларини амалга оширишга улгурмасдан хизматидан олинди ва ўзига хос «миллатчи» қатори Москвага олиб кетилди.

Қирғизистонда мустақиллик тўхтатилди. Қайтадан Москвага бош эгиш, марказлаштирилган бошқариш ҳокимияти тиклана бошлади.



Инсон ҳақида билиб ол!

**Исҳоқ Раззоқов** – 1910-йилда ҳозирги Лайлак районидаги Хўросон қишлоғида туғилган. Эрта етим қолиб, Хўжаанда болалар уйида тарбияланган. Тошкент, Москва шаҳарларида олий ўқув юртлиридан билим олган. Кўп йил бўйи Ўзбекистонда давлат масъул хизматларда ишлаб тобланган. Иш билармони, зийраклиги ва чуқур донишмандлигининг натижасида 1950-йилда Қирғизистон Компартиясининг Марказий қўмитасининг раҳбари бўлиб тайинланган. Бу пайтларда Қирғизистоннинг иқтисоди юқори даражада ривожланган. 1979-йилда Москва шаҳрида қалю бўлган. И.Раззоқовнинг «Мен тоза бўлсам, сен тоза бўлсанг, жамият ҳам



тоза бўлади», – деган сўзи абадий халқ орасида қолди. И.Раззоқов ўз пайтидаги қирғизнинг машҳур улуғ инсони бўлган.

✍ **Ёзиб олинг:**

**Демократия** (гр. demos – халқ, kratos – ҳокимият) – халқ ҳокимиятига асосланган сиёсий тузилиш шакли.

**Репрессия** – низомсиз судлаш, оммавий отиш, халқнинг айрим қисмини қувғинлаш.

② **Саволлар ва топшириқлар:**

1. Ҳарбий иқтисодни тинчлик иқтисодига ўтказиш деганга қандай тушундинг?

2. Халқ хўжалигини тиклаш қандай юрди?

3. Қишлоқ хўжалигида аҳвол қандай бўлган, уни кўтариш учун қандай иш-ҳаракат бўлди?

4. Сталиннинг қазо бўлиши билан жамиятда қандай ўзгариш бўлган?

5. И.Раззоқовнинг фаолияти тўғрисида нима билдингиз?

### § 43. Қирғизистон «Ривожланган социализм» пайтида (1964–1985-йй.)

1 **Асосий саналар:**

1964–1985-йй. – «Ривожланган социализм» пайти.

1961-йй. – Т.Усубалиевнинг Қирғизистон КП раҳбарлигига келиши.

1965-йй. – Халқ хўжалигидаги ислохотнинг бошланиши.

Иқтисодни ислохотлаш. Т.Усубалиевнинг фаолияти. 1964-ййлда Н.С.Хрущевнинг ҳокимиятдан кетиши билан Л.И.Брежнев бошида турган янги олий партия раҳбарлиги келди. Марказлаштирилган ҳокимият аппарати куч олди. Л.И.Брежневнинг даври СССРда «ривожланган социализм» қатори тарихда қолди. Қирғизистонда ҳам сиёсий ўзгариш бўлди. 1961-ййлдан тортиб Қирғиз ССРидаги партия давлат раҳбарлиги – Турдақун Усубалиевга ўтган.



Т. Усубалиев



Түктүгүл ГЭСи.

У 1985-йилгача Қирғизистон Компартиясининг Марказий Қўмитасининг биринчи котиби бўлиб, республикаimizi стаклаб турган.

Бироқ Т.Усубалиев ўзининг фаолиятида Москвадаги ҳокимиятнинг айтганларини аниқ бажаришни ўзлаштиришга мажбур бўлган. Унга ҳеч қандай мустақиллик берилган эмас. Ҳаммаси юқори томондан бошқарилиб турган. 1965-йилда қабул қилинган ислоҳот Қирғизистонда ҳам дастлаб ижобий натижаларини берди. Бошқа иттифоқдош республикалардагидаёқ Қирғизистоннинг иқтисоди тез ривожланди. 1966-йилдан 1985-йилгача Қирғизистонда 150дан ошиқ йирик корхона ишга берилди. Машина қуриш, рангли металлургия, электроника, прибор қуриш, гидроэнергетика тармоқлари ўсди.

Қирғизистонда чиқарилган маҳсулотлар жаҳон давлатларига экспортлана бошлаган. Қуввати юқори бўлган Тўқтўғул ва Курпсой ГЭСи битказилди. У Қирғизистондагина эмас, Марказий Осиёдаги халқ хўжалигида катта роль ўйнаган. Бироқ бу муваффақиятларни ушлаб туришга имконият бўлмади. Буйруқбоз ҳокимият режанинг бажарилишини талаб қилиши билан ишлаб чиқариш маҳсулотларининг сифати ночорлади. Сабаби корхоналар режани бажариш мақсадларинингина кўзлаб қолди, ишга бўлган жавобгарчилик пастлаб, меҳнат тартибини бузишлар бошланди. Ҳокимият бу кўринишларга қарши чора кўллангани йўқ.

Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ва камчиликлар. Қирғизистон асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чиқаришга ихтисослашиб, «ривожланган социализм» даврида қишлоқ хўжалигига айниқса диққат ажратилган. 60-йй. ўртасидан 80-йй. ўртасигача қишлоқ хўжалигини кўтариш мақсадида давлат томонидан йирик йиғиндидаги пул маблағи ишлатилган. Уларнинг кўпчилиги қисми ҳайдов ерларини кўпайтишга ва уларнинг ҳосилдорлигини ортдиришга, ишлаб чиқаришни механизациялашга, овул-қишлоқларни қайта қуришга ишлатилган. Айниқса қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлаш бир хийла юқорилаган.

Бу ҳайдов майдонларининг ўз вақтида ҳайдалишига, ҳосилни зарарга учратмай маҳалида йиғиб олишга шарт тузган. Экин,



Янги ташлаган овул.



Ҳайдов майдонлари

пахта, картошка, лавлаги, тамаки ҳайдов кўпайтилиб ва уларнинг ҳосилдорлигини ортдириш учун ер ўғитлари сотиб олинган.

Республикадаги йирик ГЭСларнинг қурилиши билан қишлоқ хўжалигини электрлаштиришга шарт тузилди. Электр энергияси ҳар бир қишлоққа етиб, қолаверса молчиларнинг тоғдаги саройларигача тортилди. Суғориш ишларини яхшилаш мақсадида, йирик сув омборлари, каналлар қурилиб ишга киришди. Давлатнинг озиқ-овқатларни сотиб олиш баҳосини юқорилатди. Колхозчиларнинг иш ҳақиси кўпайтилди. Бу ҳаракатнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалик маҳсулотини кўп ишлаб чиқаришга шарт тузган.

Етишилган муваффақиятлар билан қатор камчиликлар ҳам ўрин олган. Ҳаммасидан бурун ҳокимиятнинг буйруқ-фармойиш билан бошқариши. Ҳар бир колхознинг имкониятини қарамай режа берилиши, унинг устига улар давлатдан сотиб олувчи техника билан ер ўғитларининг баҳосининг улар ундирган маҳсулотлардан қимматлиги, аста-секин уларни қарзга ботира бошлади. Қишлоқ хўжалигига ишлатилган чиқимлар ўрни оқланмай қолди.

Овул-қишлоқларининг ижтимоий ҳаёти. Қишлоқ хўжалигидаги асосий куч, деҳқонларнинг ва молчиларнинг яшаш аҳволи катта ўзгаришларга учради. Колхозлар ишлаб чиқарган маҳсулотининг ҳисобидан даромад ола бошлади. Колхозчиларга таъмин этилган иш ҳақи тўлаш тартиби киргизилди. Давлат томонидан қариларга, болалар учун тиргович пул тўлана бошлаган. Албатта, бу халқнинг яшаш-тирикчилигини яхшилашга олиб келган. Янги типдаги овул-қишлоқлар кўпайган. Турар уйлар янги меъморий стилда солиниб, кўчаларга асфальт тўшалиб, ободонлаштириш ишлари олға жилган. овул-қишлоқлардаги халқни маданиятли хизмат қилиш мақсадида юқори кўтарилган клублар, кутубхоналар, мактаблар, болалар боғчалари, дўконлар ва медицина муассасалари қурилган. Меҳнаткашларнинг дам олиш ва соғлиқларини мустаҳкамлаш учун санаторийлар ва курортлар қурилган.

Халқнинг яшашини қаноатландирган барча маданиятли жойлари бор овул-қишлоқлар районнинг марказига ёки шаҳарга яқин территориялардаёқ бўлиб, олис колхозлар эса бундай имкониятдан қуруқ қолишган. Оила аҳволини яхшилаш чекланган, кўлидан келганига бир уй ва бир машина олишгагина руҳсат берилган. Давлат эса ҳаммасини уй билан таъминлай олган эмас.

Таъмин этилган иш ҳақи бериш ҳам ўзини оқлай олмади. Колхозчилар ой сайин ишласа ҳам, ишламаса ҳам ойлик олиб туриши, уларнинг онгига тескари таъсирини теккизди. Натижада ишга салқин муомала қилган, ялқовликни ҳунар қилганлар кўпайди. Давлат ўз пайтида камчиликларни йўқота олмади.

Албатта, яшаб турган ҳокимият тизими ўзгармагунча, янгича кўз қарашдаги одамлар ҳокимиятга келмагунча саноат ва қишлоқ хўжалиги ўйдагидай кўтарила олмоқ эмас. Ўлка қандайдир бир янгиланишни кутиб ётди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. «Ривожланган социализм» пайтида саноат қандай ривожланган?
2. Қандай тармоқларда мувиѳақиятлар яралган?
3. Қишлоқ хўжалигида қандай юқорилар ва камчиликлар бўлган?
4. Халқнинг яшов шартини нимага боғланишли бўлган?

#### § 44. Қирғизистон «Қайта қуриш» йилларида (1985–1991-йй.)

Асосий саналар:

1985-йй. март – СССРда қайта қуриш пайтининг бошланиши.

1985-йй. октябрь – А.Масалиевнинг Қирғизистон Компартиясини етаклашга келиши.

1990-йй. февраль – Қирғиз ССР Олий Советига альтернатив сайлов.

Тушунчалар: альтернатив сайлов.

Ижтимоий-сиёсий яшашдаги ўзгаришлар. А.Масалиев, «Ривожланган социализм» йилларидаги дастлабки ривожланишлар 80-йй. ўртасидан бошлаб пасайди. Давлат билан халқнинг ўртасида ажрим кучади, партиявий қарорларга ишонмаслик яралди, сиёсий бепарволик сиёсий ижтимоий-иқтисодий инқирозга олиб келди. Халқ қандайдир бир ўзгаришларни кута бошлади. 1982-ййили ноябрда Л.И.Брежнев қаза бўлгандан кейин икки марта партиявий-давлат раҳбарлик алмашди. СССРдаги ҳокимиятнинг юқори босқичидаги алмашувлар кенг халқ оmmasининг иштирокисиз юрган.

1985-йй. мартада СССРдаги олий партиявий ҳокимиятга М.С.Горбачев келган. У бурунгидай яшашга ва бошқаришга бўлмайд қолганини тушунган. М.С.Горбачев «тезлатиш», «қайта қуриш» ислоҳотини юргизган. 1985-ййили октябрда Т.Усубалиев хизматдан бўшатилиб, ўрнига Апсамат Масалиев тайинланган. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасида янгича ишлаш белгиланди. Маълумликнинг натижасида социалистик ривожланишдаги камчиликлар очикқа чиқди. Ишлаб чиқаришни кўтариш, сифатли маҳсулотларни чиқариш режалаштирилди.

1988-йй. июнда СССРда «инсонпарвар, демократик социализмни» қуриш ғояси биркитилди.

Қирғизистонда демократик ташаббуслар кўтарилди. Сталин замонидаги бегуноҳ қамалиб отилган инсонларни оқлаш қайтадан бошланди. Тарих варақларидаги унутда қолган, давлати учун, халқи, ери учун хизмат қилган одамлар, асосли тарихий воқеалар равшанлаштирилиб акс эттирила бошлади. Халқнинг ижтимоий онги кўтарилди. Энди улар сиёсий иш-чораларда ҳам фаолликларини кўрсата бошлади.

Янги сайловлар. 1989-йилда СССРнинг Конституциясига ўзгартишлар киргизилиб, сунъий сайлов системаси йўқ қилинади. СССРда олий ҳокимият органи – СССР Халқ депутатларининг съезди бўлади. Бундай ўзгариш Қирғизистонда ҳам юритилди. Сайловнинг янги низомига лойиқ сайлов тартиби ўзгарди. Депутатликка талабгорларнинг сони чекланган эмас. Халқнинг ўз ишлаган жойида талабгорларни кўрсатиши қаралган.

Қирғизистоннинг тарихида биринчи бор демократик формада 1990-й. февралда Қирғиз ССРининг Олий Советига ва маҳаллий советларга сайлов бўлди. Қирғиз ССР Олий Советидан иборат бир палатали парламент тузилди. У 5 йиллик муддатга сайланган 350 депутатдан иборат бўлган. Бу депутатлар биринчи бор альтернатив сайлов йўли билан сайланишган. 1990-йили апрелда Қирғиз ССРининг Олий Советининг биринчи сессиясида Апсамат Масалиев Қирғиз ССРининг Олий Советининг раиси бўлиб сайланиб, давлат бошчилигининг ҳуқуқини олди. 1990-йили мартда СССРда, унинг ичида Қирғизистонда тарихий зўр воқеа бўлди. СССР Халқ депутатларининг 3-съезди ўлканинг Конституциясидан КПССнинг жамиятдаги раҳбарлиги ҳақидаги моддани олиб ташлади. Конституциядаги бу низомнинг олиб солиниши билан давлатни бир партиянинг бошқаришининг куни битди. Сиёсий равшанлик ва кўп партиялиликнинг ривожланиши учун йўл очилди.

Инсон ҳақида билиб олинг!



Апсамат Масалиев – партиявий ва давлат арбоби. А.Масалиев 1933-йилда Боткен областининг Қадамжой районининг Олиш овулида туғилган. 1956-йилда Москвадаги тоғ-кон институтини тамомлагандан кейин тош кўмир қонида, партиявий хизматларда ишлаган. 1985-йилда Қирғизистон КП биринчи секретари, 1990-й. бошлаб эса Қирғиз ССРининг Олий Советининг раиси бўлиб сайланган. У ўзининг ҳақ меҳнати билан танилган. Қирғиз давлатининг ривожланишига зўр ҳиссасини қўшган.

Ўзиб олинг:

**Альтернатив сайлов** – сайлов халқнинг талабгорларни эркин танлаши



② Саволлар ва топшириқлар:

1. Ижтимоий ҳаётда нима учун сиёсий ўзгариш керак бўлди?
2. Қайта қуриш, тезлатиш, маълумликни қандай тушунасан?
3. А. Масалиев ҳақида нима айти оласиз?
4. Сайловдаги ўзгаришлар қандай фойда олиб келди?

## § 45. Совет ҳокимиятининг пайтидаги маданий революция

① Асосий саналар:

- 1924-й. – И. Арабаевнинг «Қирғиз алифбосининг» босмадан чиқиши.  
1932-й. – Қирғиз давлат педагогика институтининг очилиши.  
1954-й. – Қирғиз Фанлар Академиясининг очилиши.

Маданий революция, саводсизликни тугатиш. Совет ҳокимиятининг асосий вазифасининг бири, совет жамиятини қуришда маданий революцияни амалга ошириш бўлиб ҳисобланган. Унинг вазифаси совет маданиятини тузиш ва маданиятнинг муваффақиятларини меҳнаткаш халқ ўзлаштириб, юксак онгли, жамиятнинг ривожланишига фаол қатнашган, саводли, ҳар тарафдан етук ривожланган одамини шакллантириш эди. Бу вазифани амалга ошириш Қирғизистонда айниқса мураккаб бўлган. Чунки;

– Қирғизистоннинг умумий иқтисодий ва маданий томондан орқада қолиши;

– қирғиз халқининг кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳаёти;

– ишчиларнинг оз миқдорда бўлиши;

– ёппасига саводсизлик;

– она тилидаги ёзманинг йўқлиги маданий революциянинг юришини оғирлаштирган. Бунга қарамасдан Қирғизистонда маданий қурилиш иши бошланган.

1919-й. «РСФСРнинг халқининг орасида саводсизликни йўқ қилиш ҳақидаги» декретнинг қабул оlinиши, саводлилик учун курашнинг бошланишига тurtки бўлди. Қирғизистонда 20-йилларнинг ўртасида Саводсизликни йўқ қилиш бўйича махсус комиссия ва «Саводсизлик йўқолсин» номи иxtиёрли жамият тузилган. Улар орқада қолувчиликни йўқ қилиш бўйича зўр ишларни юргизишган, араб алифбосининг асосида 1924-йилда Қирғиз халқининг миллий ёзмаси тузилган. Саводлиликни тезлатиш мақсадида мактаблар очилиб, қирғиз болаларини умумий ўқишга тортиш қаралган. Бироқ улар ўқий оладиган қирғиз тилидаги китоблар йўқ эди. Бу масалани ҳал қилишда Ишенали Арабоев ва Қасим Тинистанов айниқса хизмат кўрсатишган. 1924-йилда

И.Арабоевнинг «Қирғиз алифбоси» деган асари Тошкентдан чиққан. Бу қирғиз тилидаги биринчи дарслик бўлган. Ундан кейин 1925-йилда «Саводсиз катталар учун алифбони» тузган. Қасим Тинистанов эса ўша 1924-йилдаёқ «Дарсликни» ва 1927-йилда «Бизнинг тил» деган китобларини нашр эттирган. Мактабларда асосий ўқиш қуроллари бўлган бу китоблар, саводсизликнинг йўқ қилинишида зўр роль ўйнади. Қирғизистоннинг территориясида 1925-йилда 156 саводсизликни йўқ қилиш мактаблари очилиб, уларнинг 134и овул-қишлоқларда бўлган. Бу мактабларда 8 минг одам саводсизлигини йўқ қилган. 1926-йилнинг охирида Қирғизистоннинг халқининг умумий саводлилиги 15,1%ни ташкил этган. 1930-йилларда саводсизликни йўқ қилиш ундан нари авж олган. Ўқиганни ва ёзганни ўргатувчи ликбезларда 100 мингга яқин одам ўқиган. Ушбу йилда «Саводли бўл!» деган газета чиққан.

Халқнинг саводлиликка бўлган ҳаракатининг орқасида 1939-йилда Қирғизистонда 9 ёшдан 49 ёшгача халқнинг саводлилиги 82% га етган. Улуғ Ватан Урушининг олдида Қирғизистонда саводсизликни йўқ қилиш асосан тугалланган.

Билим бериш. Совет ҳокимиятининг йилларида Қирғизистонда халққа билим бериш системаси шаклланган. Ўқиш қирғиз тилида юритилган мактаблар очилган. 1930–31-ўқиш йилида республикада умумий мажбурий бошланғич таълим бериш киргизилиб, у муваффақиятли тугалланиб, 30-йилларнинг охирида овул-қишлоқларда умумий мажбурий етти йиллик, шаҳарларда ўн йиллик таълим беришга ўтишга имконият берган. Умумий таълим берувчи мактабларнинг сони тезлик билан ўсган. 1940–41-ўқиш йилида умумий таълим берувчи 1645 мактабда 328 минг бола ўқиган. Қирғиз халқининг тарихида биринчи бор махсус ўрта ва олий ўқув юртлири ташкил этилган. 1925-й. Қирғиз маориф институти, Ўш педтехникуми очилган. 1932-йилда республиканинг энг дастлабки олий ўқув юрти – Қирғиз давлат педагогика институти, 1933-



И. Арабаев.



Қирғиз алифбоси.  
1924-й.

й. зооветеринария институти, 1939-й. медицина институти очилган. 1940-йилда Қирғизистонда 33 махсус ўрта ва 6 олий ўқув жойи бўлган. Бу ўқув жойлари маҳаллий миллий мутахассисларни тайёрлаган. Олий ўқув жойларида билим берган мутахассислар Москва, Ленинград шаҳарларидан келишиб, Қирғизистонда таълим беришнинг совет системасининг ривожланишига ҳисса қўшишган.

Фаннинг ривожланиши. Қирғизистондаги таълим беришнинг ривожланишининг натижаси, фаннинг шаклланишига замин бўлди. Дастлабки илмий муассаса – Қирғиз ўлкашунослик илмий-тадқиқот институти бўлиб, у 1928-йилда очилган. Улар Қирғизистоннинг халқ хўжалигини, тарихини ва маданиятини ўрганишган.

1943-йилда илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш мақсадида СССР Фанлар Академиясининг Қирғиз филиали ташкил этилган. У илмий мутахассисларни тайёрлашга ва фаннинг ривожланишига зўр ҳисса қўшган. 1954-йилда бу филиал мустақил Қирғиз Фанлар Академияси бўлиб тузилган. Унинг президенти бўлиб И.Ахунбаев сайланган. Академиянинг олдида кўплаган фан соҳалари бўйича тадқиқот институтлари очилиб, унда кўплаган олимлар ишлаган. Қирғизистонда фаннинг чўққисига етган йирик олимлар чиқа бошлаган. Улар медицина соҳасида машҳур доктор Иса Ахунбаев, тарихчи академик Бегимали Жамғирчинов, қирғиз тилини ривожлантириш соҳасида Б.Юнусалиев ва К.Юдахин, тоғкон бойликларини текширишда академик Муса Адишев бўлган. Бу инсонларнинг фандаги йирик муваффақиятлари бугунги илмий-тадқиқот олимларига ўрнак бўлиб келмоқда.

➔ Инсон ҳақида билиб олинг!

Ахунбаев Иса Қўнўевич – Қирғиз совет олими, хирург, Иссиқ-Кўлдаги Тўри-Айғир қишлоғида 1908-йилда туғилган. Меҳнат йўлини 1935-йилда Ўрта Оснё медицина институтига тамомлагандан кейин Бишкек шаҳар касалхонасининг хирургия бўлимида бошлаган. 1959-йилнинг июнида Ўрта Оснёда биринчи бўлиб юракка операция ясаган. Қирғиз ССРининг фанга хизмат кўрсатган арбоби, унинг исми республика клиника касалхонасининг умумий хирургия бўлимига берилган.



② Саволлар ва толшириқлар:

1. Мадааний революция деган нима?
2. Саводлилик учун қуран қандай юрган?
3. Таълим беришда муваффақиятлар бўладими?
4. Илм соҳасидаги иш-ҳаракатлар ҳақида айтиб бериш.
5. Отоқли олимлар ҳақида эссе ёзиш.

## VII БОБ. ҚИРҒИЗИСТОН МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ

## § 46. Қирғизистон мустақиллиги учун ҳаракатлар

1

Асосий саналар:

1989-й. 23-сентябрь – Қирғиз тилини давлат тили қатори эълон қилиш.

1990-й. 27-октябрь – Парламент томонидан Қирғизистоннинг биринчи Президенти бўлиб А. Ақаевнинг сайланиши.

1990-й. 15-декабрь – Қирғиз давлатининг мустақиллиги ҳақида декларациянинг қабул олинishi.

✓ Тушунчалар: декларация, парламент, президент.

Қирғизистонда демократик ҳаракатнинг ривожланиши. Қирғизистон Совет Иттифоқига 1936-йилда Иттифоқдош республика қатори киргандан бошлабоқ, ўзича давлат қатори сиёсий, миллий масалаларни еча олган эмас. Давлатнинг юқори раҳбарлари, республикада яшаган халқ орқали сайланмасдан, Москвадаги компартиянинг раҳбарлари орқали тайинланган. Қирғизистоннинг иқтисоди Москва тарафдангина тартибга солинарди. Демак, барча иттифоқдош республикалар СССРнинг пойтахти Москвага тўғридан тўғри қарам бўлиб туришган.

1985-йилнинг 11-мартда, СССРда юқори партиявий раҳбарликка М.С.Горбачевнинг ҳокимиятга келиши билан янги имкониятларга йўл очилди. Бурунги иттифоққа кирган республикаларда ҳар қандай кўз ташлашлар уйғониб, янги ижтимоий сиёсий ташкилотларни тузиш ташаббуси авж олди. Қирғизистонда ҳам оддий халқнинг сиёсий фаолияти юксалди. Улар равшанлик тўлиқ киргизилишини, қирғиз тилининг маъносига, халқнинг тарихий ўтказганларига тўғри баҳо бериш, халқ урф-одатларни кўтариш масалаларини талаб қилишди. Айниқса ёшлар томонидан дастлабки сиёсий музокаралар юритилиб, ҳар қандай ўй-фикрлар айтилаверди. Ўша пайтда ер масаласи жуда ўткирлашган. Қирғиз ёшлари шаҳар ерларидан ўзларига турар-жой ола олишган эмас. Уй-жойи йўқ ёшлар шаҳарнинг чет ёқасидаги ерларни 1989-йилда баҳор-ёз ойларида ўз бетича эгаллаб олиб, уй қуришга киришган. Ҳокимият бу масалани тўғри қабул олиб, уни тартиб билан ҳал қилишга қудрати етмади. Ёшларни қувғунлашга киришди. Бунга қаршилик қилиш мақсадида уй-қурувчилар 1989-йилда биринчи бор ижтимоий-иқтисодий манфаатдорликни кўзлаган «Ҳашар» ташкилотини тузишган. У келажакда Қирғизистонда сиёсий ташкилотларнинг пайдо бўлишига замин яратди.

Давлат тил низомининг қабул олинishi. Қайта қуришнинг юришида миллатларнинг онги юқорилаб, ҳар бири ўзининг

тарихини, маданиятини, тилини, ниятини сақлашга интиланган. ҳар бир миллатнинг миллатлигини аниқлаган унинг тили. Совет даврида қирғиз халқи миллий тилидан очиқдан очиқ ажрай бошлаган. Рус тили устунлик қилган. Болалар боқчасидан, мактабдан бошлаб олий ўқув юртларигача рус тилида ўқитиш кучаб, миллий тил тубанлаган.

Барча тармоқларда рус тилининг устунлиги, қирғиз тилининг аста-секин йўқ бўлишига шарт тузмоқ, буни тушунган маҳаллий халқ тил масаласини кўтариб чиққан. Қирғиз тилини ривожлантириш учун унга давлат тили ҳуқуқини бериш ҳаракати кенг қулоч ёйди. Тилни сақлаш билан миллатни сақлаш масаласи кун тартибда турди. Натижада, умумий халқнинг талаби бўйича, Қирғиз ССР Олий Совети 1989-йилнинг 23-сентябрида «Давлат тили ҳақида» низомни қабул олди. Унда Қирғиз тили давлат тили деб эълон қилинди. Рус тили миллатлар орасидаги қатнаш тили қатори танилиб, республикада яшаган ҳамма миллатларнинг тилларининг тенг ҳуқуқли ва эркин ривожланиши таъмин қилинади деб белгиланди.

Тўнгич Президентни сайлаш. Демократиянинг ғалабаси. СССР халқ депутатларининг 1990-йили март ойидаги махсус қарори бўйича СССРда Президентлик ҳокимияти киргизилган. Унга партиянинг устунлигининг тубанлиши, миллатлараро муомалаларнинг мураккабланиши, кўп партияларнинг пайдо бўлиши, иттифоқдош республикаларнинг мустақилликка интилиши сабаб бўлди. Қирғизистонда президент постини киргизиш масаласи муҳокама ланиб, махсус низом қабул олинди. Президент – сайланувчи давлат бошчиси. У ҳукуматнинг ишига йўналиш бериш, уни назоратга олиш, низом қабул олиш, халқ хўжалигини бошқаришни ташкил қилиш ишларига раҳбарлик қилиш вазифасини бажаради. Олий Кенгеш президентни сайлови олдидан, Қирғизистонда тузилган сиёсий ташкилотларнинг демократик вакиллари очлик эълон қилишган. Сабаби улар давлатнинг бошчилигидан Қирғизистон компартиясининг бурунги раҳбари Апсамат Масалиевнинг ҳокимиятдан кетишини талаб қилган. 1990-йилнинг 27-октябрида демократик тўлқиннинг кучи билан Қирғиз ССРининг Олий Кенгешидagi сайловнинг асосида, республиканинг биринчи Президенти бўлиб – Асқар Ақаев сайланди.



А. Ақасев

Қирғизистонда компартиянинг давлат юқори ҳокимиятидан кетиши ва ҳокимиятга Президент бош бўлган демократик кучларнинг келиши ўлкадаги вазиятни ўзгартди. Ўлка демократик ривожланиш йўлига тушиб, мустақилликка эга бўлиш ҳаракати

юқорилади. Олий Кенгешда мустақилликни, қарам эмасликни ёқлаган депутатларнинг сони кўпайди.

Натижада улар 1990-й. 15-декабрда «Қирғиз Республикасининг давлат мустақиллиги ҳақидаги декларацияни» қабул олишди. Қирғизистон Совет Иттифоқининг таркибидаги мустақил ўлка бўлб қолди. У Қирғизистон ўз бойлигига ўзи эгадор, ўзи чиқарган низом ҳаммасидан баланд туриб, бошқа давлатлар билан алоқа туза олади деганни билдирган.

✍ **Ёзиб олинг:**

**Декларация** (лат. Declaratip – билдириш, маълумлаш) – бир тарафли, икки тарафли акт. Қандайдир бир масала бўйича давлатнинг ўз позициясини билдириши.

**Парламент** – (анг. Parliament – гапириш) – низом чиқазувчи сайланма вакилчиликли орган.

**Президент** – (лат. Praesidens – раис) – бошқаришнинг республика шакли бор ўлкаларда энг юқори давлат бошчиси.

② **Саволлар ва топшириқлар:**

1. Қирғизистондаги демократик ҳаракат қандай ривожланди?
2. Ҳашар ҳаракати нима учун тузилган?
3. Қирғиз тили ҳақидаги низомнинг маъноси нимада?
4. Президентни сайлов қандай юрди?
5. Мустақиллик ҳақида декларация қачон қабул олинди?

## § 47. Мустақил Қирғиз давлатининг асосланиши

1

**Асосий саналар:**

1991-й. 19-август – Москвадаги давлат тўнтариши.

1991-й. 31-август – «Қирғиз Республикасининг мустақиллигининг декларациясининг» қабул олинishi.

1991-й. 21-декабрь – СССРнинг йўқ қилиниши.

1991-й. 19–21-августдаги давлат тўнтариши. СССРдаги демократик қайта қуришларнинг асосида, иттифоқдош республикалар демократик йўналишга тез ўтишди. Кўпчиликлари мустақилликка эга бўлишди, баъзи бирлари, масалан: Балтика бўйидаги ўлкалар иттифоқдан чиқиш мақсадларини кўзлади. Бурунгидек, пойтахтга – Москвага тўппа-тўғри бош эгиш бўлмади қолди. СССРнинг яшаб туришига қўрқинч туғилди. Шундай аҳволда умумий иттифоқ раҳбарлиги СССРни сақлаб қолиш масаласини кўтариб чиқди. Унда барча миллатларнинг ҳуқуқларининг тенглигини таъмин қилган. янгиланган мустақил республикаларнинг

иттифоқи қатори СССРни сақлаб қолиш таклиф қилинган. Кўпчилик республикалар маъқул бўлган, бу иттифоққа 20-августда қўл қўйилмоқ. Бироқ бурунги марказий ҳокимиятнинг маҳкамлигига ва юқоридан бошқаришга кўнган айрим партиявий раҳбарларга бу ёққан эмас. Улар иттифоқдош республикаларни бурунгидаёқ марказдан маҳкам бошқариб туришни кўзлашган. 1991-й. 19-августда СССРнинг Президенти М.С.Горбачевнинг дам олишга кетганидан фойдаланиб, бурунги ҳокимиятнинг талабгорлари давлат тўнтаришини уюштиришган. Улар Давлат фавқулодда тадбирлар қўмитасини (ДФТҚ) тузиб, Москвада фавқулодда ҳолат киргизишган. Баъзи бир коммунисттик партиянинг вакиллари тўнтаришни қўллашган. Бироқ давлат бошида турган Президент, Олий Кенгеш, демократик кучлар бунга қаттиқ қарши туришди.

Қирғиз Республикасининг Олий Кенгешининг раиси М.Шеримқулов ўзининг баёнотида ДФТҚ томонидан киргизилган «фавқулодда ҳолат Қирғиз Республикасида ҳеч қандай кучга эга бўлмайди» деб билдириб, тўнтаришчиларни айблади ва уни қўлламаслигини билдирди.

Президент томонидан республиканинг мустақиллигини ҳимоя қилиш, демократик ривожланишни сақлаб қолиш иш-ҳаракатлари ясалди.

Қирғизистон – мустақил давлат. СССРнинг барбод бўлишини Москвадаги воқеа тезлатди. 1991-й. 19-августда Фавқулодда уюштирилган давлат қўмитасининг СССР Президенти М.С. Горбачевни ҳокимиятдан четлатиш ҳаракати ўрнидан чиқмай, Иттифоқ ҳукуматининг иши вақтинча тўхтатилган. Иттифоқдош республикаларнинг ўзича бошқаришга ўтишига шарт тузилган. Улар бирдан қолмай иккинчиси ўзларининг мустақиллигини эълон қила бошлашди. 1991-йилнинг 31-августида Қирғиз Республикасининг Олий Кенгешининг сессияси тарихий ҳужжатни – «Қирғиз Республикасининг мустақиллиги ҳақида Декларацияни» қабул олди.

Унинг асосида Қирғиз Республикаси қарам эмас, мустақил демократик давлат деб тантанали эълон қилинди. Шундай қилиб, дунёнинг харитасида янги, ўз ҳолича, тобе эмас давлат – Қирғиз Республикаси пайдо бўлди. 31-август Қирғиз Республикасининг мустақиллигининг байрами қатори белгиланиб қолди.

Мустақиллиги эълон қилингандан кейин Қирғиз Республикаси умумий иттифоқ органларининг назоратидан қутулиб, бутун ҳокимиятни ўз қўлига тўплай бошлади. Мустақилликнинг шартларида 1991-й. 12-октябрда Асқар Ақаев умумий халқ сайловида Қирғиз Республикасининг Президенти бўлиб сайланди.

1991-йилнинг 8-декабрида Минскида Украина, Белоруссия, Россия Федерациясининг раҳбарларининг мустақил давлатлар-

нинг ҳамкорлиги ҳақидаги тузилган шартномаси СССРнинг қулашининг бошланиши бўлди. 21-декабрда эса бурунги иттифоқдаги 11 давлат ўзаро қарам эмас давлатларнинг ҳамкорлигини тузиши билан СССР қулади. Бурунги республикалар Иттифоқи ҳеч қандай қон тўкмасдан, жанжалсиз, тинчлик йўл билан йўқ қилиниб, унинг ўрнига мустақил давлатларнинг янги бирлиги – Мустақил Давлатларнинг Ҳамкорлиги (МДҲ) тузилди.

**?** Саволлар ва топшириқлар:

1. Бурунги буйруқчи ҳокимиятнинг сақлаб қолиш учун коммунистлар қандай ҳаракат қилишган? Нима учун халқ оммаси бунга қарши турди?
2. Қирғиз давлати Москвадаги воқеага қандай қараган?
3. Мустақил давлатнинг тузилиши бизга нима олиб келди?
4. Мустақиллик ҳақида декларация деган нима?

**§ 48–49. Янги давлатнинг шаклланиши.  
Миллий символикалар**

**1** Асосий сана:

1993-й. 5-май – Қирғиз Республикасининг Конституциясининг қабул олинishi.

Янги Конституциянинг қабул олинishi. Давлатнинг шаклланиши. Қирғиз Республикаси мустақилликка эга бўлиши билан демократик давлатни қуришга киришди. Асосий вазифалар: бурунги ҳокимият тузилишини тўлиқ барбод қилиш, ҳуқуқий ва демократик давлатни қуриш, иқтисодни қайтиб жонландириш, миллатлараро муносабатларни яхшилаш, бошқа ўлкалар билан тенг ҳуқуқли муомала тузиш бўлган. Бунинг учун аввал Қирғиз Республикасининг Конституциясини ишлаб чиқиб, қабул олиш вазифаси турган. Конституция – бу давлатнинг бош низоми бўлиб ҳисобланади. Конституцияда давлатнинг тузилиши, халқнинг ҳуқуқи ва эркинлиги, давлатнинг ривожланишининг ҳар тарафли йўналиши кўрсатилади. Қирғиз Республикасининг янги Конституцияси 1993-й. 5-майда қабул қилинган. Бу умумий халқ байрами – Қирғиз Республикасининг Конституциясининг кунини деб эълон қилинди. Конституция бўйича Қирғиз Республикасининг Президенти беш йиллик муддатга сайланади. Биргина одам икки муддатдан ошди республиканинг Президенти бўла олмайди. Давлатнинг Президенти бўлиб ёши 35 билан 65нинг ўртасидаги, қирғиз тилини билган, 15 йилдан ошди Қирғизистонда яшаган ватанпарвар сайлана олади.



Қирғизистонда низом чиқариш ҳокимияти беш йилда бир сайланувчи Олий Кенгешга тааллуқли бўлган. Олий Кенгеш низом чиқаришни, уларнинг амалга ошишини талаб қилувчи олий орган. Қирғизистоннинг 25 ёшдан ўтган барча граждани депутатликка сайланишга ҳуқуқли. Депутатларни сайлов альтернатив асосда ўтиши лозим.

Ижроия ҳокимиятига – Ҳукумат билан маҳаллий бошқариш органлари киради.

Қирғиз Республикасининг ижроия ҳокимиятининг бошида Бош вазир туради. Бош вазирни Президент танлаб, уни Олий Кенгеш тасдиқлайди.

1991-й. 22-январда Олий Кенгешнинг сессиясида мустақил республиканинг биринчи Бош вазирлигига – Насирдин Исанов тасдиқланган.

Низом чиқарувчи ва ижроия давлат ҳокимияти билан қатор Конституцияга лойиқ суд ҳокимияти тузилган.

Қирғиз Республикасининг Конституциясида давлат тузилишидан ташқари, одам ҳуқуғи ва эркинлиги белгиланган. Унда Қирғиз Республикасида яшаган ҳар бир гражданинг ҳуқуғи ва эркинлиги таъмин қилинади.

Конституциянинг қабул олинishi демократик Қирғизистоннинг ўсиб-ривожланишига замин тузган.

Давлат символлари. Мустақил мамлакатнинг асосий ишораларининг бири – давлат байроғи. У давлат идораларининг иморатига, Қирғизистоннинг чет мамлакатлардаги элчиликларига илинади. Америкадаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) ёки Франциядаги ЮНЕСКОнинг бош иморатларининг олдида бошқа давлатларнинг байроқларининг орасида Қирғизистоннинг ҳам байроғи ҳилпираб илиниб туради.

1992-й. 3-мартда Қирғиз Парламенти Давлат байроғини бекитган.

Байроқнинг муаллифлари – олим Собир Иптаров, rassomлар Бекбўсин Жайчибеков, Жусуп Матаев, архитекторлар Маматбек Сидиқов, Эдил Айдарбеков.

Қипқизил бўлиб нурланиб, эркинликнинг донгини чиқарган байроғимизни қарасак, унда асрлар бўйи ота-бободаримиз яшаб келган ўтовнинг тундугини (тепа тешигини), ярқираб нурини сочган қуёшни кўрамыз. Тундук – одам яшашининг, оила иттифоқини муқаддас тутган кўчманчи халқнинг ишораси.

Байроқдаги қуёшнинг нури – ўз олдида тундук кўтарган Қирғиз давлатига қуёш доим тегиб ёрув сочиб турсин деганини тушуниради. Ватанни мудоффа қилишга қасам ичган Қирғиз жангчилари ҳар доим байроқни ўзиб таъзим қилишади.

**Қирғизистоннинг гимни.** Азалдан ота-боболаримиз байроғини ҳилпиратиб, эн тамғасини тошга чекиб шиор чақириб келгани маълум. Гимн шиор сингари – давлатни донг кўтарган тантанали шеър. Ҳар куни тонгнинг отиши билан Қирғиз радиоси давлат гимни билан бошланиб, тунги соат 12да гимн билан якунланади. Тантанали йиғинлар ҳам гимн билан бошланади. Унга таъзим қилган йиғиннинг иштирокчилари ўринларидан туриб ўнг қўлини кўкрагига қўйиб қўшилиб ашула айтишади. Мамлакатнинг Президенти чет мамлакатларга расмий иш сафарига борганда, Қирғизистоннинг байроғи кўтарилиб, гимни ўйнатилиб, ҳурмат билан тўсиб олишади. Халқаро спорт мусобақаларида ватандошимиз 1-ўринни енгиб олса, минглаган одамларнинг олдида мамлакатимизнинг байроғи кўтарилиб, гимни янграйди.

Гимн 1992-й. 18-декабрда Олий Кенгешнинг йиғинида қабул қилинган. Унинг сўзини – Қирғиз Халқ ақини Жалил Содиқов билан ақин Шабдонбек Қулуев ёзган. Оҳангини – Қирғиз халқига кенг таниқли композиторлар, СССР Халқ артистлари Қалий-Мўлдўбасанов билан Носир Давлесов яратишган.

Қирғиз герби. Герб мустақил давлатнинг расмий белгиси. Герб ҳам байроқ сингари муқаддас сақланиб, лойиқ ерларга илиниб, махсус аҳамиятли ҳужжатларда қўлланилади.

Қирғизистоннинг герби 1994-й. 14-январда қабул қилинган. Унинг муаллифлари – rassом А. Абдраев билан милициянинг генерали С. Дубанаев. Гербдаги оқ музли Ола-Тоғимиздан қуёш нури янгидан чиқиб келаяпти. Ундаги тоғлар манзилимизни билдирса, кўл қирғиз халқининг фаҳри Иссиқ-Кўлни эсга солади. Уларни қаноти билан пардалаб турган Оқ шунқор – Манас бобомизнинг шунқори.

Қадимги замондан бери Қирғиз халқи оқ шунқорни муқаддас ҳисоблаб сажда қилиб келади. Гербнинг икки ёнидаги пахта билан буюдой иссиқликнинг, тўқчиликнинг белгиси.

Ҳокимиятнинг янгилааниши. 2005-йилнинг феврилида Қирғиз Республикасининг бир палатали Олий Кенгешига сайлов ўтказилган. Бу сайловлар ҳақиқатсиз юриб, демократик тартиблар бузилган. Халқнинг яшаш шарти тубанлаган. Мамлакатда



Қирғиз Республикасининг давлат байроғи.



Қирғиз Республикасининг давлат герби.

сиёсий вазият кескинлашган, халқ оммасининг Конституциянинг, қонунийликнинг гарови бўлган Президент А.Ақаевга бўлган нозилиги кучаган.

2005-йилнинг 24-мартида умумий халқ революцияси бўлиб, Қирғизистонда давлат ҳокимияти алмашди. 2005-йили 10-июлда Қирғиз Республикасининг янги Президентини сайлов альтернатив тарзда ўтди. Демократик асосда ўтган сайловнинг якунида халқ ўз овозини Қурманбек Бакиевга берган. Шундай қилиб, демократиянинг дами билан Қ. Бакиев – Қирғиз Республикасининг Президенти бўлиб қолди.

**Бакиев Қурманбек** – Жалол-Обод областидаги Сузоқ районининг Тейит қишлоғида туғилган. Куйбишев политехника институтини (Россия) битирган. Заводда инженердан бошлаб, директорлик ўрингача ишлаган. 1990-й. бошлаб давлат масъул хизматларида ишлаган. Чуй областининг губернатори, мамлакатимизнинг бош вазири хизматида ишлаган. Олий Кенгешнинг депутати бўлган. 2005-йилдан Қирғиз Республикасининг Президенти.



Қ. Бакиев

Қирғизистондаги демократик ривожланиб-ўсиш ундан нари давом этган. 2007-йилнинг 21-октябрида умумий халқ муҳокама-си билан Қирғиз Республикасининг Конституцияси қабул қилинган. 2005-йилнинг октябрида сайланган парламент шу йилдаёқ тарқатилди. 2007-й. декабрда партиявий рўйхат бўйича 90 депутатдан иборат бир палатали Олий Кенгеш – янги парламент сайланган. Бурунги парламентдан фарқ қилиб, ҳар миллатнинг вакиллари, ёшлар ва аёллар депутатлик ўринга эга бўлишди. Бугунги кунда Олий Кенгеш янги низомларни қабул қилиб, давлатнинг манфаати учун ишламоқда.

② Саволлар ва топшириқлар:

1. Янги давлатнинг шаклланиши учун имзолар зарур?
2. Конституциянинг қабул қилиниши сўригида имзоларни банданин?
3. Давлат символлари ҳақида айтиб беринг.
4. Ҳокимиятнинг янги шаклини ҳақида айтиб беринг.
5. Қ. Бакиев ҳақида нима банданин?

## § 50. Мустақил Қирғиз Республикасининг иқтисодий аҳволи

1

Асосий саналар:

1991-й. декабрь – Олий Совет томонидан «Хусусий мулкчилик ҳақида низом» қабул қилинади.

1993-й. 4-май – Қирғиз Республикасининг Миллий пул бирлиги – сўм қабул қилинади.

✓ **Тушунчалар:** бозор иқтисоди.

Бозор иқтисодига йўл олмоқ. СССРнинг қулаши билан иқтисодий оғир аҳвол пайдо бўлди. Сабаби, СССРнинг таркибидаги иттифоқдош республикалар иқтисодий томондан бир-бирига қарам бўлган. Қирғизистонда иттифоқ пайтида қурилган завод-фабрикалар, мустақилликка эга бўлгандан кейин ишламай тўхтаб қолди. Чунки уларнинг ишлаб туришига имконият бўлмади. Олсак, Бишкекдаги Фрунзе номли машина қуриш заводи, иттифоққа кирган республикалардан ҳар қандай керакли деталларни олиб, сўнг маҳсулот чиқарарди. Иттифоқ таркагандан кейин заводга келадиган керакли деталлар ўз вақтида келмай, заводнинг тўхташига олиб келган. Кўплаб одамлар ишсиз қолди. Давлат иқтисодни кўтариш, халқни иш билан таъминлаш йўлини излай бошлаган. Одамларнинг меҳнатга бўлган қизиқишини уйғотиш учун уларга иқтисодий эркинлик бериш талаб қилинди. Иттифоқ пайтида қайси тармоқда бўлмасин корхоналарнинг ҳаммасига режа берилиб, режани бажариш учун чиқарган молнинг сифатига диққат ажратилган эмас. Ишчиларнинг яхши ишлагани, ёки ишга қобилияти йўқлари ҳам бирдай иш ҳақи олишарди. Бу одамларнинг, айниқса ҳақиқий меҳнаткашларнинг меҳнатга қизиқишини йўқотган. Албатта, бунинг ҳаммаси иқтисодга ўз таъсирини тегизган. Мустақилликнинг йўлига тушган Қирғизистон иқтисодий аҳволини тўлиқ ўзгартишга ҳаракат ясади. Хукумат иқтисодий ислохотларни юргизишни ишлаб чиқди. Бу режали ривожланишдан бош тортиб, бозор иқтисодига ўтиш эди. Бозор иқтисоди – бу ривожланишнинг бирдан бир йўли, унда корхоналар қандай мол чиқаради, деҳқон нимани экади, тўлиқ эркинлик берилиб, улар чиқарган маҳсулотини эркин баҳода сота олишарди. Бу одамларнинг меҳнатга бўлган қизиқишини пайдо қилмоқ. 1990-й. октябрда Олий Кенгеш халқ хўжалигини бозор иқтисодига ўтказиш дастурини қабул қилди. Унда тенг ҳуқуқли мулкчиликни киргизиш, корхоналарга иқтисодий эркинлик бериш қаралган. Унга нисбатан Олий Кенгеш 1991-й. декабрда «Мулкчилик ҳақида низом» қабул қилади. Давлат мулки кўмитаси тузи-

лади. Унинг вазифаси — низоми чегарасида давлат мулкидаги барча мулкни шахсий мулкка бериш бўлган. 1992-йилдан бошлаб давлатдаги йирик завод-фабрикалар, хизмат муассасалари, турар-жойлар, қурилишлар ва ерлар шахсий мулкка ўта бошлади. Мустақил Қирғизистонда мулкнинг кўп хиллиги ўрин олди. Одамлар шахсий мулкка эга бўлди, уларнинг хоҳласа шахсан ишлаши ёки биргалашган корхоналарни тузишига шарт тузилди. 1993-йили 4-майда Миллий пулни чиқариш қарори қабул қилиниб, 10-майда Миллий пул бирлиги киргизилди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар. Қирғизистоннинг халқ хўжалигининг асосини қишлоқ хўжалиги тuzган. Халқнинг кўпчилиги қишлоқларда яшаб, далачиликда ва чорвачиликда ишлашган. 80-йилларнинг охирида колхоз ва совхозлар ўзини оқламай қолди. Колхозчилар меҳнат қилишга қизиқишган эмас, сабаби, улар давлат учун, режани бажариш учунгина ишлашиб, тирикчилик ҳолатлари ночорлаган. Колхоз-совхозлардаги ҳайдов майдонлари озайган, уларнинг ҳосилдорлиги ночорлади, молнинг сони озайди, яйловлар қисқарган. Қишлоқ хўжалик техникаларига муомала ночорлаб, совуққонликдан атайлаб сотиб олинган техникалар тез бузилди. Меҳнат унумдорлиги пастлади. Буларнинг ҳаммаси янги шартларда қишлоқ хўжалигида ислохотни бошлаш кераклигини исботлади. Қирғизистонда 1991–1993-йиллар ичида ер ислохоти юргизилди. Унинг натижасида колхоз-совхозларнинг мулклари эгалikka берилиб, ерлар ижарага ўтди. Кўплаган фермер хўжаликлари пайдо бўлди. Энди деҳқонлар ерни қандай фойдаланиш, нима сепиб, нима экиш, ҳосилни хоҳлагандай сотиш ҳуқуқларига эга бўлишди. Уларнинг меҳнатга бўлган қизиқиши ўсди. Давлат тарафидан уларнинг ривожланиши учун имтиёзли кредитлар берилди.

1998-йили 17-октябрда ерга шахсий мулк ҳуқуқи тўғрисида масала умумий халқ ислохотига қўйилиб, уни халқнинг кўпчилиги қўллашди. Натижада, деҳқонлар ернинг ҳақиқий эгаси бўлиб қолди. Ҳар бир оила ерга эга бўлиб, олган ер улуши наслдан наслга мерос қатори ўтади. Одамларнинг ерга бўлган муомаласи ўзгарган, энди улар ер уни боқилиши тушуниб, унга эҳтиёт муомала ясашга ўтди. Қишлоқ хўжалигида деҳқонлар ишлаб чиқаришнинг асосий воситаларига, ернинггина эмас, шунингдек, ўзининг меҳнати натижасига ҳам тўлиқ ҳуқуқли хўжайинларига айланди. Қисқа муддатнинг ичида халқнинг озиқ-овқатга нисбатан эҳтиёжлари қониқтирилиб, деҳқонлар ошдиқча дон экишлари, тамакини, пахтани, сабзавот-меваларни сотишга имконият олди.

✍ Ёзиб олинг:

**Бозор иқтисоди** – халққа иқтисодий эркинликнинг берилиши, мулкнинг эркин савдо ҳуқуқи.

② Саволлар ва топшириқлар:

1. СССР қулагандан кейин, республикаларда иқтисод нимага ночорлаб кетди?
2. Бозор иқтисоди деган нима экан?
3. Қирғизистонда саноат ва қишлоқ хўжалигини эгаллаш қандай бошланган?
4. Иқтисодий эркинлик одамларнинг меҳнатга бўлган муомаласини ўзгартдими?

### § 51. «Қирғизистон ҳаммамизнинг ватанимиз». Миллатлар орасидаги бирдамлик

- 1 Асосий саналар:  
1994-й. 21-январь. – Қирғизистон халқларининг биринчи қурултойи ўтказилган.  
1994-й. 26-сентябрь – Бишкекда Дўстлик уйи очилган.

Қирғизистон – кўп миллатли давлат. Мустақил Қирғиз Республикамизда ҳозирги кунда 80дан ошиқ ҳар хил миллатларнинг вакиллари яшайди.

Давлат миллатлар ўртасидаги бирдамликнинг асосидагина яшай олади. Миллатларнинг бидамлиги, бир-бирига оғир қийинчиликларда таянч бўлиши, уларнинг биргалашиб олдидаги қийинчиликларни енгишигина Қирғизистонни ривожланган давлатга айлантира олади.

Қирғизистон мустақил давлат бўлгандан бошлаб, мамлакатда яшаётган ҳар миллатнинг халқига ғамхўрлик кўрилиб, уларнинг Қирғиз халқи билан биргаликда тенг ҳуқуқда, эркин ривожланишига шарт тузилмоқда. Қирғиз ерининг гўзаллиги, хал-



Кўп миллатли Қирғизистон.



Ассамблеяга бағишланган тантана.

қининг меҳмондўстлиги бошқа халқларнинг бу территорияларга ўтроқлашиб қолишига шарт тузган. Илгариданоқ Қирғиз халқи Марказий Осиё халқлари билан ўзаро алоқадорликда яшаб келишган. Уларнинг ўртасидаги алоқага қўни-қўшничилик ҳисса қўшган. Шарқий Туркистондаги қўзғолондан кейин у томондаги дунган, уйғур халқлари бош беркитиб, қирғиз ерига келишган. Рус подшолиги пайтида Қирғизистонга Россиянинг марказий қисмларидан рус, украин халқлари кўчириб келтирилган. Уруш вақтида ғарбдан кўплаган миллатлар Қирғизистонга кўчирилган.

Қирғизистон аста секинлик билан кўп миллатларнинг ватанига айлана бошлаган. Қирғизистондаги саноатни ривожлантириш пайтида ҳам СССРга кирган иттифоқдош республикалардан кўплаган миллатдаги мутахассислар келиб, тамомила ўтроқлашиб қолишган. Бугунги кунда Қирғизистондаги миллатларнинг ҳаммаси тенгликда ҳаёт кечиришмоқда. Уларнинг барча ҳуқуқлари низом даражасида бирдай. 1993-йили қабул қилинган Конституциямизда: — «Қирғиз Республикасида одамнинг қадр-қиммати муқаддас ва қўл теккис... низом ва суд олдида барча одамлар бирдай» деб ёзилган.

Мустақил давлатга айланишимиз билан унга асос қуриш кўплаган қийинчиликларни яратди. Айниқса иқтисоддаги оғир аҳвол турмуш-тирикчиликка қаттиқ таъсир теккизган. Иттифоқнинг тарқashi, ҳар бир мустақил давлатларнинг яралиши билан Қирғизистонда яшаётган миллатлар ўз она ватанига кўча бошлаган. Европали халқларнинг Қирғизистондан кўчиб кетишига республикадаги оғир иқтисодий инқироз, кўпчилик саноат корхоналарининг ёпилиб қолиши, бозор иқтисодига ўтишдаги қийинчиликлар туртки берган. 1991-йилдан бошлаб, Қирғизистондаги миллатларнинг тарихий ватанига кўчиб кетиши кўпайган. Халқнинг кўчиб кетишини тўхтатиш, миллатлараро муомалаларнинг ўзгармаслигини таъминлаш қирғиз ҳукуматининг асосий вазифаларининг бири бўлган.

Қирғизистон халқларининг Ассамблеяси (1994). Қирғизистонда яшаган миллатларнинг бирдамлигини мустаҳкамлаш ва уларга ғамхўрлик кўриш мақсади давлатимизнинг диққат марказида бўлиб қолди. Қирғизистонда миллатлараро муомалаларни мустаҳкамлаш учун 1994-йили 21-январда Бишкек шаҳрида Қирғизистон халқларининг биринчи қурултойи чақирилади. Унга республикамизда яшаган барча миллатларнинг вакиллари қатнашиб, келажақдаги миллий бирдамлик ишлари муҳокамаланди. Қурултойда Қирғизистон халқининг Ассамблеяси тузилиб, унинг Устави қабул қилинди, раҳбар органи — ҚХА Кенгеши сайланди. «Бирдамликнинг, тинчликнинг ва иноқликнинг декларацияси»

қабул қилинди. Қирғизистоннинг халқини ташкил этган миллатларнинг манфаатини қўллаган бу ижтимоий ташкилот кўплаган яхши ишларни олиб бормоқда. Унга 30га яқин миллий-маданий марказ ва ижтимоий бирикмалар киради. Ассамблея тил ва миллий маданиятни ривожлантириш бўйича ишларни олиб боради. Улар байрамларда ўз миллатларининг одатини, маданиятини кўкларга кўтариб, ҳар қандай ўйин-кулгиларни уюштиришади. Бу ташкилотнинг иш-ҳаракатлари давлат тарафидан доим қўллашга олиниб туради.

Миллий маданий марказлар учун 1994-йилнинг 26-сентябрида Бишкекда Дўстлик уйи очилган. Қирғизистондаги ҳар миллатнинг вакилларининг биргалашиб иш олиб боришига, ўз маданиятини ривожлантиришига бу уйнинг очилиши кенг йўл берди. Ҳар хил миллатлар урф-одатини, маданий ривожланишини ўстириш билан Қирғизистон халқларининг иноқлигига зўр ҳисса қўшди.

**?** Саволлар ва топшириқлар:

1. Қирғизистонда миллатлар вакилларининг тўпданишига қандай тарихий воқеалар таъсир тегизган?
2. Конституцияда миллатларнинг ҳуқуқи қандай ҳимоя қилинган?
2. Қирғизистон халқларининг қурултоғин қандай муҳим иш-ҳаракат ясаган?
3. Қирғизистон халқларининг Ассамблеяси ҳақида айтиб бериш.

## § 52. Мустақил Қирғизистоннинг ташқи сиёсати

- 1** Асосий саналар:  
1991-й. 27-декабрь – АҚШнинг Қирғиз Республикасининг мустақиллигини таниши.  
1992-й. 2-март – Қирғиз Республикасининг БМТга аъзо бўлиб кириши.  
1996-й. – «Шанхай беш илтигининг» тузилиши.

Қирғизистоннинг мустақиллигини дунё мамлакатларининг таниши. Қирғизистон мустақилликка эришгандан кейин халқаро муомалаларга ўз ҳолича қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Қирғизистоннинг ташқи сиёсатининг мақсади ўз ҳолича давлат қатори дунёга танилиш ва бошқа мамлакатлар билан тинчликда ёнма-ён яшаш эди.

Қирғизистон тез орада халқаро аренада қўллашга эга бўлиб, кенг танилди. 1991-й. 27-декабрда Америка Қўшма Штатлари Қирғизистоннинг мустақиллигини таниди. 1992-йилнинг 1-февралда эса Марказий Осиёнинг ва Қирғизистоннинг тарихида биринчи бор – Бишкекда АҚШнинг, Вашингтонда Қирғиз Респуб-



ликасининг элчиликлари очилди. Бу Қирғизистоннинг дунёда кадр-қиммати ни кўтарган. Хитой Халқ Республикаси, Туркия, Германия, Россия ва бошқа давлатлар Қирғизистоннинг мустақиллигини таниш билан элчиликларини очишган. 1991-йилдан 1998-йилларгача Қирғизистоннинг мустақиллигини 135 давлат



Шанхай дамбордине ташкилотчининг саммитининг иштиллари.

таниган. Дунёнинг 91 давлати билан дипломатик муомалалар тузилган. Қирғизистоннинг пойтахтида четэл давлатларининг 11 элчилиги ва вакилчилиги очилган. Қирғизистон бўлса, дунёнинг 17 мамлакатига ўз элчилигини очышга эришди, улар Қирғизистоннинг манфаатларини ҳимоя қилишади. Қирғиз Республикасининг халқаро кадр-қимматининг кўтарилишига президент А.Ақаевнинг 90-йй. Фарб билан Шарқнинг йирик мамлакатларига ясаган давлат расмий сафарлари, ўз навбатида у мамлакатларнинг раҳбарларининг Қирғизистонга келиши туртки бўлган.

Қирғизистон ва дунёвий ташкилотлар. Дунё давлатлари бир сайёрада яшаётгандан кейин, муҳим масалаларни биргалашиб ечиш зарурлиги келиб чиққан. Бу мақсадларни халқаро ташкилотлар тузилиб, унга кирган мамлакатлар дунёвий масалаларни биргалашиб ечишга имконият олишган. Қирғизистон мустақилликка етишгандан кейин бундай ташкилотларга киришга йўл очилган.

1992-йили 2-мартда Қирғизистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) аъзолигига қабул қилиниб, ўша куниде Америкадаги БМТнинг иморатининг олдида унинг давлат байроғи илинди. Дунёнинг барча давлатлари аъзо бўлган БМТга кириш мустақил Қирғизистон учун зўр тарихий воқеа бўлиб ҳисобланади. Бу ташкилотга кириш билан Қирғизистон ўз муаммоларини дунёвий жамоатчиликка билдириб туришга имконият олди. Шунинг билан қатороқ Қирғизистоннинг баъзи ташаббуслари, таклифлари БМТнинг йиғинларида қўллашга олиниб келмоқда. Олсак, 2002-йили Халқаро тоғ йили деб эълон қилиш бўйича Қирғизистоннинг ташаббусини БМТнинг йиғини тўлиқ қўллаган. 1992-йй. Қирғизистон тағин бир дунёвий кадр-қимматли ташкилот ЮНЕСКОга аъзо бўлиб қолди. Дунёвий маданий меросларнинг ривожланиши учун ғам кўрган бу ташкилот Қирғизистоннинг маданий, илм-билим томонида ривожланишига зўр қўллаш кўрсатмоқда. 1995-йй. «Манас» эпосининг 1000 йилдик маъракаси унинг

қўллаши олдида ўтди. 2000-й. Ўш шаҳрининг 3000 йиллик тантанасига ҳам ҳар тарафлама ёрдам берди. Ҳозирги пайтда Қирғизистон 40дан ошиқ Бутун дунёвий ва халқаро ташкилотларнинг аъзоси. 1998-й. кузда МДХ мамлакатлари ичидан Қирғизистон биринчи бўлиб Дунёвий савдо ташкилотининг аъзоси бўлиб қолди.

Қирғизистоннинг МДХ мамлакатлари билан алоқаси. СССР тарқайдан кейин унинг таркибига кирган барча республикалар мустақил давлатга айланишган. 1991-йили 21-декабрда бурунги Совет республикаларининг ўн биттаси Мустақил Давлатларнинг Ҳамкорлигини (МДХ) тузишган эди. Улар бир-бири билан тенг ҳуқуқли ҳамкорликни ривожлантиришга маъқуллашишган.

Қирғизистоннинг ташқи сиёсатида МДХ айниқса Марказий Осиё давлатлари билан алоқани кучайтиришга ва мустақамлашга зўр аҳамият бериб келади. Чунки улар асрлар бўйи ёнма-ён яшаб, зич алоқада бўлиб келишган. 1991-йили Қирғизистон, Қозоғистон, Ўзбекистон ва Туркменистон билан дўстлик, ҳамкорлик, иқтисодий ёрдамлашиш бўйича шартномага қўл қўйган. Бу алоқалар ривожланиш йўлига тушиб, 2000-йили Россия, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ЕвроОсиё иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти тузишган. Унинг асосий мақсади бирлашган иқтисодий фазони тузиш эди. Қирғизистон билан Россиянинг ўртасидаги муомала кун сайин мустақамланмоқда. Марказий Осиёда барқарорликни сақлаш ва халқаро терроризмга қарши курашиш учун 1996-йили Шанхайда таркибига Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой, Россия, Тожикистон кирган «Шанхай беш илтиги» тузилган. 2001-йили Ўзбекистон қўшилиб «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти» деб аталиб қолди.

Ташқи сиёсатдаги энг аҳамиятли воқеа – 2007-йили 16-августда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига кирган мамлакатларнинг самитининг Бишкекда ўтиши бўлиб қолди. Бу йиғинга 10 давлат бошчилари қатнашиб, аҳамиятли қарорларни қабул қилишди. Шундай қилиб, Қирғизистоннинг кадр-қиммати тағин бир марта юқорилади.

② Саводлар ва тошпириқлар:

1. Халқаро ташкилотлар билан Қирғизистоннинг муомаласи қандай ривожланмоқда?

2. Ташқи сиёсатда қандай аҳамиятли мушффақиятлар яради?

## § 53. Мустақиллик давридаги маданият, илм-билимдаги янгиланишлар

1

Асосий саналар:

1993-й. – «Билим бериш ҳақида низомнинг» қабул қилиниши.

Маданият тармоғидаги янгиланишлар, Қирғиз Республикасининг мустақиллигининг эълон қилиниши билан маданият тармоқларини ривожлантириш ишлари қўлга олинди. Қирғизистоннинг ҳукумати «Маданият» деган давлат дастурини ишлаб чиқди. У бўйича маданият арбобларига махсус диққат ажратиш, давлат тарафидан уларни қўллаш қаралган. Машҳур маданият арбобларига бағишланган халқаро фестиваллар ўтказилган. Олсак, донгдор опера ашула айтувчиси Қирғизистонни кўкларга кўтаришга ҳисса қўшган Бўлўт Мингжилқиевни хотирлашга бағишланган фестиваль ўтказилиб, бунга кўплаган донгдор опера ашула айтувчилари келишган. 1996-йили очилган Қирғиз Республикасининг Расм академияси халқаро расм кўргазмасини уюштирган. Унга дунёвий отоқли рассомлар чақирилган. Театрларимизда қирғиз тарихи, тарихда изи қолган улуг инсонларни акс эттирган спектакллар қўйилмоқда. Қирғиз музыкаси илгарилаб, ҳозирги ёшларнинг табиғига лойиқ кўшиқлар яратилиши билан қатор халқ фольклорига ҳам эътибор берилмоқда. «Қамбарқан» фольклор-этнографик ансамблининг жўрлигида Халқ артисти Саломат Содиқова қирғиз халқ музыкасини ва кўмузини дунёга танитмоқда. Халқаро кинофестивалларда талантли кинорежиссер А.Абдиқалиқовнинг «Бешкампир» ва «Маймун», Э.Абдижапаровнинг «Овул ҳукумати», «Бўз салқин», Т.Бирназаровнинг «Белгисиз маршрут» фильмлари пойғали ўринларга етишди. Қирғизистоннинг тарихида биринчи бор «Гул» номли мультфильм халқаро фестивалга қатнашиш ҳуқуқини олди.



Қирғиз Халқ артисти  
Г. Содиқова



«Манас-Ўраан» Талас вилояти

«Манас» эпосининг 1000 йиллик таяниси. Мустақилликнинг шарофати билан қадимги тарихимизга бўлган муомала янги кўз қарашга эга бўлди. Халқимизнинг фахри бўлган «Манас» эпоси янги даврда миллатнинг бирлашганлигининг ва рухий такрорий яратилганлигининг, маданиятининг, миллатнинг ўзини-ўзи танишининг символига айланди.

Қирғиз Республикасининг Президенти А.Ақаевнинг Фармони билан 1995-й. «Манас» эпосининг 1000 йиллигини белгилаш эълон қилинди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Халқаро тарихий меросларни қўллаш, ривожлантириш ташкилоти 1995-йилни «Манас йили» деб белгилади. Маъракага биноан Талас ерида «Манас-Ўрда», Бишкек шаҳрида «Манас-овули» тарихий-маданий комплекслари очилди.

Адабиётнинг ривожланиши. Қирғиз давлати мустақиллик йилларида бадиий адабиётда ҳам зўр олға силжишларга эга бўлди. Отоқли ёзувчиларимиз Тўлўғўн Қасимбековнинг «Кел-кел», қайтиб ёзилган «Синган қилич» романи, Тугўлбой Сидиқбековнинг «Кўк асаба» тарихий романи, Қачқинбой Ўсмоналиевнинг «Кўчманлар тўқнашуви» романлари босилиб чиқиб, қирғиз халқининг севиқли асарларига айланди.

Қирғизистонни ўзининг ўлмас-ўчмас асарлари билан дунёга танитган Чинғиз Айтматовнинг «Кассандра тамғаси» деган янги романи ёзилиб, дунё тилларига таржима қилиниб чиқа бошлади. Чинғиз Айтматовнинг асарлари дунё халқининг севишига эга бўлган. Ҳар бир китобининг таржимасини чет элликлар жуда қизиқиш билан ўқишиб, Улуғ ёзувчи қатори қабул қилишади. Асарлари дунёга таниқлик Улуғ ёзувчимиз Чинғиз Айтматовнинг 70 йиллиги 1998-йили Туркияда, 1999-йили Қирғизистонда зўр таъна билан белгиланди. 2000-йили отоқли ёзувчимизнинг маъракаси дунёвий қадр қимматли ташкилот ЮНЕСКОнинг минтақасида белгиланди.

2008-йили ёзувчининг 80 йиллик маъракаси ялпи ЕвроОсиёда, унинг ичида Қирғизистонда ҳам зўр таъна билан ўтказиш қаралган.

Миллий меросларнинг қайта яралиши, Мустақиллик, қайта яралиш оқими тарихий меросларимизнинг халққа етишига замин яратди. Ўтган замондаги ёзма ақиодаларимизнинг, халқ орасидан чиққан шоирларнинг асарлари, қирғиз тарихи, маориф тармоқлари бўйича асарлар совет даврида чиқарилган эмас. Энди



Халқ ёзувчиси  
Ч.Айтматов.

буларни тадқиқот қилиб, ялпи қирғиз халқига таништириш ишлари ихчам юра бошлади. Эски даврни мартабалаган деган баҳона билан XIX асрда яшаган Мўлдў Ниёзнинг чиқарилмай келган оқилона, тарихий шеърлари текширилиб, ёруғликка чиқди. Замоначи ақинлар деб аталган Қалиғул, Арстанбек, Мўлдў Қиличнинг асарлари алоҳида китоб бўлиб чиқарилди. Тарихий зўр аҳамияти бор Махмуд Қашғарий ва Юсуф Боласоғунининг асарлари ёруғликка чиқарилиб, халққа тарқади. Дастлабки тарихчимиз Ўсмонали Сидиқ ўғлининг «Шобдонга бағишланган тарихи» ва Белек Сўлтўнўевнинг «Қизил қирғиз тарихи» деган китоблари босилиб, тарихимизни чуқур билишга имкон берди. Қирғизларнинг билим саводини очишда зўр роль ўйнаган Ишнели Арабоевнинг китоблари, Қасим Тинистановнинг асарлари ёруғ кўрди. Қирғиз халқи мустақиллик йилларида унутда қолган, ўз навбатида таққиланган тарихий меросларга қайтадан эга бўлди.

Илм-билимдаги янгиланишлар. Билим бериш соҳаларини янгилаш йўналишида иш-ҳаракатлар тезлаган. 1993-йили «Билим бериш ҳақида» низом қабул қилиниб, унда ёшларга замонбоб билим бериш масалалари қаралган. 1996-йили бўлса «Билим» деб аталган Миллий Билим бериш дастури ишланиб чиққан. Унда ўқувчиларнинг дунёвий тилларни ўзлаштириш, компьютер билимига эга бўлиши бўйича шартлар қаралган. Бурун давлат мактабларигина бўлса, энди шартта мувофиқ шахсий мактаблар пайдо бўлди. Лицей, гимназиялар, колледжлар очилиб, болалар янги дастурда ўқитила бошлади. Қирғизистондаги билим тармоғининг ривожланишига чет эл фирмалари, шахсий арбоблар, давлат муассасалари зўр ҳисса қўшишмоқда. Олсак, «Сорос» жамғармаси янги китобларни чиқаришга ва мактабларни компьютер билан таъминлашга кўп ҳисса қўшди. Ўқувчилар дунё тилларини ўзлаштириши учун кўп тил ўргатувчи марказлар очилмоқда. Бишкекдагина эмас, Қирғизистоннинг узоқ минтақасидаги болаларнинг замонбоб билим олишига «Себат» билим бериш муассасаси ҳам кўп ҳисса қўшмоқда. Бундаги ўқувчилар дунё олимпиадаларига қатнашиб, қирғиз халқининг номини чиқармоқда. Ҳар бир бугунги ўқувчи чет тилларни ўрганишга, компьютер билимига эга бўлишига тўлиқ имконият очилмоқда. Давлат билим бериш бўйича жуда катта ишларни ясамоқда. Олий ўқув юртлари янгиланмоқда. Қирғизистоннинг барча областларида олий ўқув юртлари очилган. Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Россия каби мамлакатларнинг университетлари очилиб, қирғиз ёшлари дунёвий билимга эга бўлмоқда. Бугунги шартда ўқувчиларнинг вазифаси – пухта билимга эга бўлиб, Қирғизистоннинг келажакдаги ривожланишига ҳисса қўшиш.

② Саволдар ва топшириқлар:

1. Маданият, илм-билим янгиланишлари ҳақида нима билингиз?
2. «Манас» эпосининг 1000 йиллиги қандай ўтган?
3. Адабиётдаги ўзгаришларни пайқай олдингизми?

§ 54–55. Чет мамлакатда яшаган қардошлар

1 Асосий саналар:

- 1992-й. Қирғизларнинг Бутун Дунёвий биринчи қурултойи.  
2003-й. Қирғизларнинг Бутун Дунёвий иккинчи қурултойи.

Қирғизларнинг Бутун Дунёвий қурултойи. Қирғизлар – Марказий Осиёда яшаган халқ. Бизнинг қадимги тарихимизни, яшаган территорияларимизни исботлаган кўплаган тарихий манбаълар бор.

Қадимги хитой маълумоти бўйича қирғиз номи бизнинг эрагача III асрга тааллуқли. Қирғизлар Осиёнинг кенг территорияларида кўчманчилик қилган ботир эл бўлган. Охири минг йилликларда тарихий ватани бўлган Қирғизистоннинг ҳозирги территориясида тамоман ҳардоим яшаб қолишган. Ҳозирги пайтда чет мамлакатларда ҳам қардошларимиз яшайди.

Қирғизистон мустақилликка эришгандан кейин, бошқа мамлакатларда яшаган қирғизлар билан зич алоқа тузишга имконият очилди. 1992-йилнинг 24-августидан 1-сентябригача Бишкек шаҳрида Бутун Дунёвий Қирғизларнинг биринчи қурултойи ўтди. Унга Хитойда, Ўзбекистонда, Россияда, Туркияда, Афғонистонда, Тожикистонда, Европа ва Америка малакатларида, Яқин Шарқда, Ҳиндистон, Австралияда яшаган қирғизларнинг вакиллари келишди. Улар Ола-Тоғимизнинг ҳамма областларида бўлиб, қариндошлари билан танишди. Бундай зўр воқеа чет томондаги қирғизлар билан алоқани мустаҳкамлашга, қардошларимизнинг тарихини тадқиқотлаб ўрганишга замин тузди.

Хитойда яшаган қирғизлар. Шарқий Туркистонда қадимги даврдан буёноқ қирғизлар истиқомат қилиб келишгани тарихий манбаълардан маълум. Бу территория қирғизларнинг дастлабки Ота Юрти бўлганлиги исботланмоқда. У ердаги Манас шаҳри, Манас кўли каби қирғизча аталган ер-сув номлари қадимги пайтдан қолган эсдаликлар. 1758-йили Цин империяси Шарқий Туркистонни босиб олгандан бери у территорияда Хитой ҳокимияти ўрнаган. Биз яшаган ҳозирги территориялар Россияга ўтгандан бошлаб, Хитой билан Россиянинг ўртасида чегарани аниқлаш ишлари бошланган. Кейин 1884-йилда икки мамлакатнинг ўртасида чегара аниқланиб, бу территорияларда яшатаган қирғиз-

ларнинг асосий қисми Россияга, бир гуруҳи Хитойга қараб қолган. Ушбу пайтдан бошлаб Хитой фуқаролигига ўтган қирғизлар Хитойлик қирғизлар деб аталган. Хитойлик қирғизлар Қашғар, Урумчи, Кулжа территорияларида ўtroқлашган. Ҳозирги пайтда 160–170 мингдай қирғизлар яшайди. Қирғизлар яшаган территория Қизил-Сув, Қирғиз Автоном округи деб аталади. Пойтахти Артиш шаҳри. У ердаги қирғиз мактабларида ўқиш қирғиз тилида юргизилиб, кўшимча хитой тилини ўрганишади. Ўқишни тамомлаганлар Пекиндаги олий ўқув юртларида ўқишади. Машҳур манасчи Жусуп Мамай «Манас» эпосини қоғозга тушириб, етти томли китоб қилиб чиқарган. Таниқли тарихчи Анвар Бойтур Хитойдаги қирғизларнинг тарихини тадқиқот қилиб, бир қатор китобларни чиқарган. Мустақилликнинг шартларида Хитойда яшаган қирғизлар билан алоқамиз яхшироқда.

Тожикистонда яшаган қирғизлар. Кўшни Тожикистоннинг тоғли Бадахшон областига қарашли Жерге-Тол, Мурғаб районларида қирғизлар яшашиди. Бу территорияларда қадимги даврдан бериёқ қирғизлар яшаб келгани ёзув дарақларидан маълум. Шунингдек, у ердаги ер-сув аталишлари, ҳар қандай овозалар ҳам қирғизларнинг доимо яшаб келганини мустаҳкамлайди. Охириги маълумотларга қараганда Тожикистонда 106 мингдан ошдиқ қирғиз яшайди. Улар яшаган қишлоқларда қирғиз мактаблари бор. Дарсликларни, газета-журналларни Қирғизистондан олиб туришади. Ўрта мактабни битирган ўқувчилар Қирғизистоннинг олий ўқув юртларидан билим олиб кетишади. Тожикистондаги 1990-й. Бошланган гражданлар урушида қирғизлар ҳам қийинчиликларга дучор бўлишди. Урушдан азоб чеккан баъзи одамлар республиканинг Ўш, Чуй, Жалол-Обод областларига кўчиб келиб яшаб қолишди. Қирғиз давлати кўчиб келган қардошларимизга паспорт бериб, улар қирғиз гражданлигини қабул қилишди.

Ўзбекистонда яшаган қирғизлар. Ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг деярли барча областларида қирғизлар яшайди. Уларнинг кўпчилик қисми Андижон, Наманган, Фарғона, Жиззах, Қўқон, Тошкент, Самарқанд, Сир-Дарё областларида туришали. Кўпчилик қирғиз қишлоқлари тоғ орасидан ўрин олган. Уларнинг аталишлари ҳам қирғиз тилида сақланган.

Кейинги маълумотлар бўйича Ўзбекистонда 160 мингдай қирғиз бор. Унда яшаган қирғиз болалари қирғиз ўрта мактабларида ўқишади. Бугунги кунда Ўзбекистонда 40қа яқин қирғиз тилидаги мактаблар бор. Дарсликлар ва бошқа тегишли ўқиш қуроллари Қирғизистонда тайёрланади. Мустақиллик йилларида кўшни икки мамлакат Абадий дўстлик шартномасига қўл қўйиб, бир жон, бир тан бўлиб яшаб келишмоқда. Ўзбекистонда яшаган қирғизлар меҳнатқаш-захматқашлиги билан маълум. Уларнинг баъзилари кейинги вақтларда Қирғизистонга кўчиб келишмоқда.

Туркия ва бошқа мамлакатларда яшаган қирғизлар. Узоқ Туркияда ҳам қирғиз гуруҳлари яшамоқда. Улар Туркиянинг Ван кўлининг ёнида, ундан ташқари Адана шаҳрига яқин территорияларда ўрин олишган. Ван кўлининг ёнидаги қирғизлар Афғонистондан Раҳмонқул хоннинг ҳаракатларининг натижасида кўчиб боришган. Адананинг ёнидаги қирғизлар эса большевикларнинг қувғинларидан Ўшдан Хитойга, ундан Туркияга ўтиб келишган. Туркияда бош аёғи бўлиб 4 мингга яқин қирғизлар яшайди. Туркияда яшаган айрим ёшларнинг Бишкекка келиб олий ўқув юртиларидан билим олишига имконият очилди.

Туркияга кўчмай қолган қирғизлар эса ҳозиргача Афғонистоннинг Кичик Помир, Катта Помир деган ерларида яшашмоқда. Уларга Қирғизистон томонидан ёрдам берилиб, алоқа тузилиб келинмоқда.

Чет мамлакатда яшаган қирғизларнинг яна бир кўпчилик қисми Россияда яшашади. Мустақилликкача Россиянинг ҳар қайси территорияларида 10 мингдай қирғиз яшаган. Ҳозирги пайтда эса Россиянинг кўпчилик шаҳарларидаги бозорларда минглаган қирғизлар савдо-сотиқ ишларини юргизишмоқда. Уларнинг орасида расмий тарзда рўйхатдан ўтиб, йил бўйи у ерларда доимий яшаганлар бор. Баъзи маълумотларга қараганда ундай қирғизларнинг сони 500 мингдан ошди. Россиядан ташқари бурунги Иттифоқдош республикаларда қолиб яшаётган 20 000дан ошиқ қирғизлар бор. Оз сонли қирғиз оилалари Европа мамлакатларида, Америкада, Покистонда, Австралияда, Иорданияда ҳам яшашади.

Қирғиз диаспорасининг вакиллари ўзлари яшаган давлатлар билан Қирғизистоннинг ўртасида дўстлик қарим-қатнаш қуришда кўприк хизматини бажармоқда. Қирғизистон ҳокимиятига чет мамлакат қирғизларининг бирдамлиги ўз Ота Ватанини таниб билишни орттириш мақсадларида ҳар қандай ишларни олиб боришмоқда. 2003-йили 28–30-августда Чўлпон-Ота шаҳрида Бутун Дунёвий Қирғизларнинг иккинчи қурултойи ўтказилди. Унга дунёнинг 22 давлатида яшаётган қирғизлардан 200га яқин вакиллар келишди.

Қирғизистон мустақилликка эга бўлгандан бери ташқарида яшаган қардошлар билан қарим-қатнаш яхшиланди.

### ② Саволлар ва топшириқлар:

1. Қирғизистон чет мамлакатдаги қирғиз қардошлари билан қандай алоқа тузмоқда? 2. Қирғизларнинг Бутун Дунёвий қурултойининг аҳамияти қандай? 3. Хитой қирғизлари ҳақида нима биламиз? 4. Туркиядаги қирғизлар ҳақида айтиб бериш. 5. Дунёнинг бурчиқларида яшаётган қирғизлар ўз ватани билан қандай боғлашнинг тўғри?



## ХРОНОЛОГИК ЖАДВАЛ

800–1000 йил аввал – қадимги одамлар томонидан Қирғизистоннинг баён қилиниши.

Бизнинг эрагача I мингйиллик – Марказий Осиё сақлари томонидан сақларнинг ўзлаштирилиши.

Бизнинг эрагача VI–V а. – сақлар икки йirik қабила иттифоқига бирилашган.

Бизнинг эрагача 160 йилда – усунларнинг Марказий Тиеншон ва Етти-Сувга кўчиши.

Бизнинг эрагача I минг йилда – Фарғона водийсида Давон давлатининг ташкил топиши.

Бизнинг эрагача I минг йилда – Марказий Осиёда гуинларнинг пайдо бўлиши.

Бизнинг эрагача 201 йилда қирғизлар мулкларининг гуинлар томонидан истило қилиниши.

Бизнинг эранинг VI а. – Она-Сойда Қирғиз давлатининг ташкил топиши. 552-й. – Буюк Турк ҳоқонотининг пайдо бўлиши.

745-й. – Уйғур ҳоқонотининг ташкил топиши.

840-й. – Қирғиз улуғ давлатининг бошланиши.

Ха. – Қорахонлар давлатининг ташкил топиши.

1206 –й. Мўнғул давлатининг ташкил топиши. Она-Сой қирғизларининг забт этилиши.

1348-й. – Мўғулистон давлатининг ташкил топиши.

1370-й. – амир Темир давлатининг асосланиши.

1510-й. – Муҳаммад қирғизнинг амир (ҳоким) деб эълон қилиниши.

1709-й. – Қўқон давлатининг асосланиши.

1855-й. – буғу қабиласининг Россия фуқаролигини қабул олиши.

1916-й. – миллий-озодлик кўзғолони.

1917-й., декабрь – 1918-й., июнь – Қирғизистонда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши.

1924-й., 14 октябрь – Қора-Қирғиз автоном областининг ташкил топиши.

1926-й., 1 февраль – Қирғиз АССРнинг ташкил топиши.

1936-й., 5 декабрь – Қирғиз ССРнинг ташкил топиши.

1941-й. 22 июни – Улуғ Ватан урушининг бошланиши.

1945-й. 9 майи – Улуғ Ватан урушининг тугаши, Буюк ғалаба.

1950-1961-йй. – И. Раззоқов Қирғизистон КПни бошқарган.

1961-й. – Қирғизистон КП раҳбарлигига Т.Усубалиевнинг келиши.

1985-й. – Қирғизистон КП раҳбарлигига А.Масалиевнинг келиши.

1990-й. 27-октябрь – парламент томонидан Қирғизистоннинг биринчи Президенти А.Ақаевнинг сайланиши.

1991-й. 31-август – «Қирғиз Республикасининг давлат мустақиллиги ҳақида» декларациясининг қабул олиниши.

1993-й. 31-майи – Қирғиз Республикасининг Конституциясининг қабул олиниши.

2005-й., 24-март – Халқ революцияси куни.

2005-й., 10-июль – Қ.Бакиевнинг Қирғизистоннинг Президенти бўлиб сайланиши.

2007-й., 16-август – Бишкекда Ҳамкорликнинг Шанхай ташкилоти (ХШТ) давлатлари саммитининг ўтказилиши.

2007-й., 21-октябрь – Қирғиз Республикасининг Конституциясининг қабул олиниши.

2007-й., 16-декабрь – партия рўйхатлари бўйича янги парламент – бир палатали Жўғурку Кеңеш сайланган.

2008-йил Президент томонидан Қирғизистондаги Ч. Айтмытов йили деб эълон қилинган.

№	Фамилияси, исми	Ўқиш тили	Китобнинг ҳолати*	
			йилнинг бошида	йилнинг охирда

\* 5 балли шкала билан китобнинг қўлланилган баҳоси

Ўқиш босилиши

**А. Дўталиев**

ҚИРҒИЗИСТОННИНГ ТАРИХИ БЎЙИЧА  
ҚИСҚАЧА ҲИКОЯЛАР

Ўрта мактабнинг 5-синфлари  
учун дарслик

Қирғизчадан *М. Жўраев* таржимаси

Бош муҳаррири *С. Давлатова*

Бадий муҳаррири *Б. Жайчибеков*

Компьютер расмийлаштирувчиси *У. Давлатова*

Техника муҳаррири *Т. Урускулов*

Шакли 60x90  $\frac{1}{16}$ . Times Uzb ҳарфи. Офсет қоғози.


Ҳажми 10,25 физ. босма тобоқ. Нусхаси 13 807 дона. Заказ № YD296.

Стамбул шаҳри, Йенибосна, Ата Турк жаддеси, Гөл кўчаси 1,

Имак офсет басим йайин сан. ве тижарет лтд. шти босмаси.









А.К. Дўталиев



ҚИРҒИЗИСТОН  
ТАРИХИДАН  
ҚИСҚАЧА  
ҲИКОЯЛАР

5





Қирғиз Республикасининг  
Давлат Герби



Қирғиз Республикасининг  
Давлат Байроғи



## Қирғиз Республикасининг Давлат Гимни

*Сўзи: Ж. Садыков, Ш. Кулуевдики*

*Мус.: Н. Давлесов, К. Молдобасановдуку*

Ак мөнгүлүү аска-зоолор, талаалар,  
Элибиздин жаны менен барабар.  
Сансыз кылым Ала-Тоосун мекендеп,  
Сактап келди биздин ата-бабалар.

*Нақарот:*

Алгалай бер, кыргыз эл,  
Азаттыктын жолунда.  
Өркүндөй бер, өсө бер,  
Өз тагдырың колунда.

Байыртадан бүткөн мүнөз элиме,  
Досторуна даяр дилин берүүгө.  
Бул ынтымак эл бирдигин ширетип,  
Бейкуттукту берет кыргыз жерине.

*Нақарот:*

Аткарылып элдин үмүт-тилеги,  
Желбиреди эркиндиктин желеги.  
Бизге жеткен ата салтын, мурасын,  
Ыйык сактап, урпактарга берели.

*Нақарот:*

А. ДЎТАЛИЕВ

ҚИРҒИЗИСТОННИНГ ТАРИХИ  
БЎЙИЧА  
ҚИСҚАЧА ҲИКОЯЛАР

Ўрта мактабнинг 5-синфи  
учун дарслик

*Қирғиз Республикасининг  
Билим ва фан вазирлиги томонидан тасдиқланган*

Бишкек – 2009





Бу дарслик Бутун дунё Банки маблағи билан амалга оширилган ҚР Маориф ва фан вазирлигининг «Қишлоқ маорифи» лойиҳасининг асосида нашр этилди.



Рецензенттери:

- Иманкулов М.К.* – педагогика илимдеринин кандидаты;  
*Белекова Н.М.* – ҚРнын Билим берүүсүнүн отличниги,  
№ 2 орто мектептин тарых мугалими, Бишкек ш.  
*Сабитова М.Ж.* – ҚРнын Билим берүүсүнүн отличниги,  
№ 39 орто мектептин тарых мугалими.

**Дўталиев Асилбек.**

Д –70 Қирғизистоннинг тарихи бўйича қисқача ҳикоялар: Ўрта мактабнинг 5-синфи учун дарслик. – Б.: «Билим-компьютер», 2009. – 160 с. илл.  
ISBN 978-9967-426-99-3

Дарслик «ҚРнинг мактабларда тарихий билим бериш бўйича давлат стандартининг» асосида ва Билим бериш ва фан вазирлиги томонидан тасдиқланган (2006-й., тўртинчи ва 2008-й., бешинчи нашрдаги) дастурларига мувофиқ ёзилди.

Дарсликнинг методик аппарати ва иллюстрациялари инсонийликка йўналтириб ўқитиш технологиясига қаратилган. Дарсликнинг асосида муаллимлар учун қўлланма, ўқувчилар учун қўлланма дафтар ва муаллимларга ўқиш жараёнида фойдаланилувчи электрон диск (CD) тайёрланди. Натикада комплеке ўқиш қуроли тузилди.

Дарсликка қуйидаги манбаълардан иллюстрациялар ва хариталар фойдаланилди:

- «Историко-культурный атлас Кыргызстана» (2001);
- «Виздив Кыргызстан» оммабон тарихий энциклопедияси (2004);
- Археолог, тарих фанларининг номзоди, профессор К. Табаддиевнинг шахсий архивларининг материаллари.

Д 4306020600-09

ББК 373.167.1  
УДК 63.3(2Ки) я 721

ISBN 978-9967-426-99-3

© Дўталиев А. К., 2009  
© «Билим-компьютер», 2009  
© ҚР Маориф ва фан вазирлиги, 2009

## МУҚАДДИМА

*Инсониятнинг тарихи –  
ўзи туғилиб ўсган Ота  
Юртидан бошланади.*

### ОНА ВАТАНИМИЗ – ҚИРҒИЗИСТОН

Она Ватан деган нима? Она Ватан – ота-бобомизнинг ўчмас тарихи.

Она Ватан – ҳар бир фуқаронинг туғилиб-ўсган муқаддас ери.

Она Ватан – ҳар бир фуқаронинг ор-номуси.

Бир донишманд айтган экан: «Она Ватаним менсиз яшаса яшар, лекин мен Она Ватансиз яшай олмайман», – деб.

Она Ватан – бу муқаддас, фароғатли Ота Юрт.

Инсоният биргалашиб қандайдир бир ердан баҳра олиб, у ерда ўсиб, у ерни муқаддас тутиб, кўкларга кўтариб сақлаб келишди. У ерда авлоддан-авлодга ўсиб, тирикчилик ўтказиб, фикр-ғоя кутиб, яшашини давом эттиришган. Ҳар доим кейинги бўғинлар туғилиб вояга етган тураржойини муқаддас сақлаб, ота-бобомизнинг ери, муқаддас ер деб, бошқа ерлардан фарқлаб, у ўлкани Она Ватанимиз, Ота Юртимиз деб атай бошлашган. «Туғилган ернинг тупроғи олтин» дегандай ҳар бир одамнинг туғилган жойи – унинг Ватани. Ҳар бир фуқаронинг вазифаси ўша Ватани муқаддас сақлаб, ўсиб-ривожланишига ҳиссасини қўшиш. Ота Юрт, Она Ватан деган сўзлар ҳар биримизга муқаддас бўлиб, қалбимиздан ўрин олиши керак.

Менинг Ватаним – Қирғизистон. Биз Қирғизистон деган қуёшли ўлкада яшаймиз. Бизнинг ота-боболаримиз ушбу ерда



Ота-Тоғнинг марвариди Иссық-Кўл.

яшаб, Манас бобомиз ватанимизга кўз олайтирган душманлардан мудофаа қилиб, бизга табаррук қилиб меросга қолдирди. Қирғизистон – бизнинг Она Ватанимиз! Бугунги кунда манзилимизда фақат қирғизларгина эмас, ҳархилмиллатнинг вакиллари яшайди, улар учун ҳам Қирғизистон – муқаддас Ватан. Биз ҳаммамиз биргалашиб Ватанимизни муқаддас тутсак, унинг ривожланишига шарт-шароит бўла оламиз. Агар ҳар ким ўзига юкланган вазифани тўғри, аниқ бажарса, оталаримиз иш хизматларини давлатнинг эҳтиёжи учун юргизса, акаларимиз Ватанимизни муқаддас сақласа, она-опаларимиз муқаддас меҳрини тўкса, ёш бўғинлар яхши билимга эгадор бўлса – Ватан ҳеч вақтда йўқ бўлмайди.

Қирғизистоннинг территорияси, табиати, тарихий-маданий ёдгорликлари. Қирғизистон – мустақил, қарам бўлмаган давлат. Қирғизистон Марказий Осиёнинг ўрта қисмидан ўрин олиб, асосан Тангри-Тоғнинг территориясида жойлашган. Қирғизистон шимолидан ва шимолий-шарқидан Қозоғистон, шарқидан ва жанубий-шарқидан Хитой, жанубидан ва жанубий-ғарбидан Тожикистон, ғарбидан Ўзбекистон билан чегарадошдир. Умумий майдони 198,5 минг квадрат километрни ташкил этиб, унинг 93% ини тоғлар тузади. Аҳолисининг сони 5 миллиондан ошиқ. Маъмурий территорияль томондан Боткен, Жалол-Обод, Норин, Ўш, Талас, Чу, Иссиқ-Кўл вилоятларига бўлинади. Республикамизда 40 туман 22 шаҳар бор. Пойтахт шаҳримиз – Бишкек.

Қирғизистон баланд тоғли, табиати гўзал ўлка. Кўзга иссиқ кўринган Қирғизистоннинг марвариди аталган Иссиқ-Кўл, ундан кам қолишмаган Чатир-Кўл, Сари-Челек, Сўнг-Кўл деган кўллари кўрасан. Сувга бой йирик дарёларимиз: Норин, Қора-Дарё, Сари-Жаз, Чатқал, Чу бўлиб ҳисобланади. Осмон тираган тоғларимизда турли кон бойликларимиз бор.

Буюк Ипак йўлида ўрин олган Қирғизистоннинг территориясида йирик шаҳарлар – Суяб, Боласоғун, Ўзган, Ўш зўр тарихий



Ўзган минараи.



Манаса гумбаз.

аҳамиятга эга бўлиб, бугунги кунда тарихий ёдгорликларнинг мажмуини тузади. Қўшўй-Қўргўн, Ширдақбекнинг истехкоми, Бурана ва Ўзган миноралари в. ҳ. ёдгорликлар ўтган ота-боболаримизнинг босиб ўтган йўлидан хабар бериб туради.

Бизнинг ота-боболаримиз манзил олган еримиздаги ҳар бир ёдгорлик ўтгандан зўр хабар бериб, ёзув манзилгоҳларида ёки, халқ оғзидан афсона сифатида айтилиб, тарихимизни тўлдириб келади. Ҳар кимимизнинг Она Ватанимизнинг тарихини, тарихий қурилиш, воқеалар ҳақида маълумотларни, овозаларни яхши билиб, уларни сақлашга ясаган ҳаракатимиз, ота-боболаримизнинг тарихига бўлган ҳурматимиз бўлиб ҳисобланади.

Буни билиш қизиқарли

Бурана минораси ҳақида овоза

Ҳурматли дўстлар! Агар сиз Тўқмоқ шаҳрининг ёнидаги қадимги шаҳар Боласоғунга экскурсияга бориб қолсангиз, XI асрга тегишли минора билан танишасиз. Ўрта асрнинг аъло чеварларининг қўлидан яралган Бурана минораси ҳақида халқ оғзидан қуйидагидай овоза сақланиб қолган. «Илгари-илгари Қорахон деган хон яшабди. Унинг ой деса ойдек, қуёш деса қуёшдек келишган қизи бор экан. Қизи ёлғиз бўлгани сабабли хон билан хоним, кўз қорачигидек эҳтиётлаб боқишади. Кунлардан бир кун хон саройига келган кўзи очиқ муқаддас одам хонга қизининг тақдирини ҳақида юрак туширган гап айтади. Унинг сўзи бўйича хон қизи бўйга етганда уни қора қурт чақиб ўлдирар экан. Бу хабарни эшитган Қорахон қизини ўлимдан олиб қолиш йўлини ўйлайди. Қизга бағишлаб, баланд минора солдириб, сайил қилишга, кимдир биров билан учрашишга, ерга тушишни манъ этиб, кузатувчиларни қўяди.

Қиз минорага биркитилиб, яшашини давом эттиради. Бироқ қиз бўйга етиб, яшашга бўлган хумори орта бошлаганда, кўққисдан оламдан ўтади. Қизга олиниб келинган узумнинг орасига кириб олган қора қурт хоннинг қизини чақиб, ўлимга сабабкор бўлган экан.

(Бундан бошқа ҳам тарихий ёдгорликлар ҳақида афсоналарни биласизми?)



Минора

### Саволлар ва топшириқлар;

1. Она Ватан деган нима, уни қандай тушунадигиз?
2. Муқаддас Ватанимизга қандай муомала қилишимиз керак экан?
3. Қирғизистонда қандай тарихий ёдгорликлар бор экан, улар ҳақида нима биласиз?
4. Қирғизистондаги тарихий ёдгорликлар ҳақида эссе ёзиб келинг.

# I ҚИСМ. ҚИРҒИЗИСТОН ТАРИХИНИ ТАДҚИҚОТ ҚИЛИШГА КИРИШИШ

## I БОБ. ТАРИХНИ ТАДҚИҚОТ ҚИЛИШНИНГ МАНБАЪЛАРИ

### § 1. Тарих дарси нимани ўқитади?

✓ Тушунчалар: тарих, тарихий манбаълар.

Тарих деган нима? Ҳурматли ўқувчилар, сиз ота-боболар мерос қолдирган кўплаган мақол-маталларни биласиз. Қуйидаги мақолга эътибор берсангиз: «Тарихи бўлмай эл бўлмайди, илдизи бўлмай ер бўлмайди».

Ҳар бир халқнинг ўзига тегишли тарихи бўлади, ўша тарихни ўқиб бизнинг ота-бобомиз ким бўлган, қандай йўлларни босиб ўтган, қандай воқеаларга дуч келганини биламиз. Демак, биз бу ўқиш қуроли орқали Қирғизистоннинг территориясида бўлган тарихий воқеаларни, ота-боболаримизнинг босиб ўтган йўлини ўқиб-ўргана оламиз.

Тарих деганимиз – бу инсониятнинг, ота-боболаримизнинг ўтмиши тўғрисидаги фан. Биз бундан нари, ҳар бир дарсда яшаб ётган территориямизда турмуш-тирикчилик, халқимизнинг босиб ўтган йўлидаги ҳар қандай воқеалар билан танишиб, билимимизни чуқурлаштирамиз.

Одамлар яшаб ўтган даврини қандай билишади. Бугунги кунларгача одамзод минглаган йилларни босиб ўтди, бизгача ҳар бир кун, ҳар бир йил, ҳар бир аср, ҳар бир минг йиллик ўзича зўр тарихни ичига олади. Уларнинг сирини очиб, қандай қилиб тарихимизни аниқлаб ўрганамиз? Сиз ўзингиз яшаган ердаги тарих музейига бориб кўрганмисиз? Уерда инсониятнинг ҳаётига боғлиқ, уларнинг иш-ҳаракатлари туфайли яралган буюмларни кўриш мумкин.

Бу инсониятнинг тарихини акс эттирган ва одамнинг иш-ҳаракатига боғланишган, ўтмишдан қолган меросларни тарихий манбаълар деб атаймиз.

Тарихий манбаълар учта катта гуруҳга бўлинади.

**Биринчиси** – моддий буюмлар (меҳнат қуроллари, ҳаётий-маиший буюмлар, архитектура қурилишлар).

**Иккинчиси** – ёзув манбаълари (қоғоз бетидаги, тош бетидаги ёзувлар, расмлар, муҳр, танга бети, ҳодиса, йилномалар).



**Учинчиси** – оғзаки манбаълар (шажара, овозалар в.ҳ.).

Буларни ҳам чуқур очишга, тарихга кўмакдош фанлар ёрдам беради.

Улар: археология, антропология, хронология, эпиграфика, генеалогия в.ҳ.

**Археология** – тарих фанининг бир соҳаси. Юнон сўзи «Архиос» – қадимги, «логос» эса фан деганни тушунтиради. Олимлар қадимги одамларнинг турар жойини, гўристонларни, шаҳар қолдиқларини, ундан ташқари қоя, унгур бетигаги расмларни, архитектура қурилишларини, солинган ганжларни, тангаларни кавлаб қидиришади. Бу буюм ёдгорликлари ўтган тарихни очиб беришга шарт-шароит тузади. Демак, археология – инсониятнинг ўтган ҳаётини буюм ёдгорликлари орқали тадқиқот қилувчи фан, усиз тарихни аниқлаш мумкин эмас.

**Антропология** (юнонча инсон ҳақида фан деганни тушунтиради) – одамнинг пайдо бўлишини, унинг ривожланишини ва ирқларини тадқиқот қилади. Дастлабки одамларнинг ранг-тусини, қандай гуруҳларга киришини аниқлашга катта ёрдам беради.

**Хронология** (юнонча «хронос» – вақт ва «логос» фан деганни тушунтиради) – бу фан вақт бирлигининг тизимини ва унинг ривожланишини тадқиқот қилади.

Тарихий воқеаларнинг ва ҳужжатларнинг вақтини тўғри аниқлашга шарт-шароит тузади.

**Эпиграфика** (юнонча «эпиграфо» – ёзув деганни тушунтиради) – қаттиқ моддаларга ёзилган ёзув, ишораларнинг эволюциясини тадқиқот қилади. Тош, металл, суяк, гилларга ёзилган ёзувларни аниқлайди.

**Генеалогия** (юнонча – ижтимоий чиқишини ўргатувчи фан) – уруғларнинг тарихини, инсон шахсининг наслини, қариндошлик боғланишларини тадқиқот қилиб, авлод тарихини тузади. Мана шундай кўмакчи фанлар орқали бугунги кунда қирғиз халқининг тарихи тадқиқот қилиниб, аниқланмоқда.



VI-VII-аа. одам шакли. Антропология реконструкция.



Эпиграфик ёдгорлик.  
XI а. Ўзбекистон.



Хуш VIII-X-аа. Чуб.

Тарих нимани ўргатади? Тарихни билишининг қандай аҳамияти бор? Тарихни билиш – жуда қизиқарли. Бизнинг қандай қилиб ушбу территорияда яшаб қолганимизни, наслимиз ким, қандай воқеаларни босиб ўтиб, бизга нима мерос қолганини тарихгина ҳал қилиб беради. Тарих бизга ўтган давр тўғрисида жўнгина маълумот бермасдан, ота-боболаримизнинг босиб ўтган йўлини англаб тушунишга, келажакда қандайча ривожланишимизни таҳлил қилиб олишга имконият беради. «Тарих – бу кўзгу, у келажакка йўл кўрсатади» – деган учирик сўзни доимо унутмаслигимиз керак.

Бизнинг ота-боболаримиз тарихнинг муҳимлигини англаб тушуниб, уни кейинги бўғинларга қолдириш учун етти отани билиш усулини қўлланиб келишган. Ҳар бир одам ота-боболарининг ким эканини унутмасдан ёдида тутиб, авлоддан-авлодга беришлари зарур бўлган. Етти отани билмаганни «қул» дейишган, демак тарихни билиш ҳар бир жамиятнинг аъзоси учун мажбурий бўлган. Халқимизнинг дostonларида, шажараларида халқ тарихи баён этилади. Шажара хийла вақт қирғизларнинг тарихини сақлаб келди. Дунёнинг бошқа халқларидек тарихимизни аниқлаб ёзиб, авлодларга қолдириш йўлига ўта бошладик. Юнонларнинг тарих отаси деб аталган Гредот, буюк хитой тарихчиси Сима Цянь сингарийёқ, Ўсмўнаали Сидиқ ўғли XX асрнинг бошида тарихимизни ёзишга йўл солган. «Қалбида оташи бор йигитларга тарихни билиш керак, у муҳим фан» – деб тарихнинг аҳамиятлилигини дастлабки тарихчимиз 1913-йилда Уфа шаҳрида чиққан «Қисқача қирғиз тарихи» деган асарида ёзиб кетган. Буни ҳар кимимиз ёдда сақлашга мажбурмиз. «Ўз тарихини билмаган, халқига лутф айламайди» – деган учирик ифода бекордан чиққан эмас.

✍ *Ёзиб олинг!*

*Тарих* – инсоният жамиятининг ўтган йўлини тадқиқот қилувчи фан.

*Тарихий манбаълар* – инсоният жамиятининг тарихини аёс эттирган ва одамларнинг иш-ҳаракатидан қолган мерослар.

Инсон ҳақида билиб олинг!

*Ўсмўнаали Сидиқ ўғли* – қирғизнинг дастлабки тарихчиси, маърифатпарвари. Ота-оқасидан эрта етим қолиб, ўғай акаси Қанат бўлисининг назорати остида балоғатга етиб, маҳаллий мулладан бошланғич таълим олган.

1895-йилдан бошлаб ўз қишлоғидаги болаларни ўқитиб, тўплаган маблағи билан 1899-йилда Уч-Турпандаги мадрасадан ўқишни давом эттиради. Кейин Бухорода диний олий ўқув юртидан билим олган. 1895-йилдан бошлаб биринчилардан бўлиб қирғиз халқининг тарихини тўплаб, уни ёзиш ишини қўлга ола бошлайди. Ўсмўнаали Сидиқ ўғли тарихий

асарларини тўллаб, 1913-йилда «Қирғизларнинг қисқача тарихи» деган ном билан Уфа шаҳрида араб ҳарфида бостириб чиқаради. Кўп ўтмай 1914-йилда «Шобдонга бағишланган қирғиз тарихи» номи иккинчи китобини нашр этган. Унинг бу асарлари қирғиз халқининг тарихидаги дастлабки тарихий асарлар бўлиб ҳисобланади. 1919-йилдан Бишкекдаги турк ўқув жойининг раҳбари, ундан кейин «Қўшчи» иттифоқининг мактабида муаллим, 1925-йилдан тўртинч мактабда она тили муаллими бўлиб меҳнат қилган. 1930-йилда «халқ душмани» деган тухмат билан қамоққа олинган. Ундан чиққандан кейин Хитойга кетади. Умрининг охиригача Тескесда, Қулжада муаллим бўлиб ишлаган.



Усмунаали Сидиқ ўғли

**?** Саволлар ва топшириқлар:

1. Тарих деган нима ва нима учун тарихни билишимиз лозим?
2. Тарихий манбаълар деган нима, у тарихни ўрганишга қандайча ёрдам беради?
3. Тарихни ўрганишга қандай фанлар кўмакчи эканини билдингизми?
4. Тарихни билишнинг қандай аҳамияти бор деб ўйлайсиз?
5. Қирғиз халқининг дастлабки тарихчиси Усмунаали Сидиқ ўғли ҳақида эссе ёзинг.

**§ 2–3. Ёзув манбаъларининг пайдо бўлиши ва унинг тарихдаги роли**

**1** Асосий саналар:

Бизнинг эрагача 3–4-минг йилликларда – Шумер ёзуви пайдо бўлган.

Бизнинг эрагача 3300–3100 йиллари – Мисрда ёзув пайдо бўлган.

Бизнинг эрагача XVI асрларда – Хитой ёзуви яралган.

Бизнинг эрагача XVIII–XVII асрларда – Финикияда алифбо яралган.

Бизнинг эранинг V асрида – Орхон-Эне-Сай ёзуви пайдо бўлган.

Бизнинг эранинг IX асрида – кириллица ҳарфи тузилган.

- ✓ **Тушунчалар:** ёзув манбаълари, палеография, пиктограмма, клинопись, иероглиф.

Биз ўтган мавзуимизда тарих нима эканини билдик. Қандай деб ўйлайсизлар, бу билим етарлими? Тарихни тўлиқ ўқиб-ўрганишга тағин нима керак? Ҳа, сиз тўғри ўйланаяпсиз, ёзма манбаълар керак, чунки, у тарихий манбаъларнинг энг муҳими.

Демак, биз тарихни аниқ билишга жуда катта ҳисса қўшган *ёзма манбаъ* ҳақида билишимиз керак.

Ёзма манбаъ деган нима? Ҳар бир халқ ўзининг тарихини, ота-бобосининг босиб ўтган йўлини билишга қизиқади ва ўз халқининг тарихини тузишга ҳаракат қилади. Қирғизлар айтишади: «Тарихи бўлмай, эл бўлмайди» – деб. Демак, дунё халқининг бугунги кунгача етган тарихини ўқиб-ўрганишга имконият тузиб берган манбаъ, бу албатта, ёзув. Инсоният ёзувни ўзлаштиргандан бошлаб, бўлиб ўтган воқеаларни, энг муҳим иш қоғозларни, давлатлараро хат олишувларни ёзиб қолдиришган ва сақлашган. Бизгача келиб етган ҳар турли воқеаларни, баҳоли иш қоғозларни акс эттирган, инсоният тарихини баён этган энг бебаҳо материалларни – ёзув манбаълари деймиз. Мана шу тарихий ёзма манбаъларнинг тўпламини ўргатувчи ва уни ҳал қилувчи фан – бу палеография. Палеография – ёзма манбаъларни ва унинг ривожланишини тадқиқот қилади. Палеография атамаси юнонча «палайос» – қадимги ва «графо» – ёзаман деганни тушунтиради.

Ёзувнинг яралиши ва унинг ривожланиши. Инсониятнинг ҳаётидаги муваффақиятларнинг бири – ёзувнинг кашф этилиши бўлиб қолди. Ёзув одамларга ўтганларни билишга ва ўзларининг тарихини қолдиришга шарт-шароит тузди. Энг аввал бизнинг эрагача 4–3-минг йилликларда Икки Дарё оралигидаги қадимги Шумерларда ёзув йўлга қўйилган. Сабаби, шаҳарларнинг тезлик билан ўсиши ва кўплаб маълумотларни ўз ичига олиш ёзувнинг заруратини пайдо қилган. Улар аввал қандайдир бир сўзларни расм турида тушунтиришга ҳаракат қилишган. Олимлар бу расм ёзувларини пиктограмма деб аташади.

Кейинчалик пиктография ёзув тизими пайдо бўлган у атама (лот. pictus – расм, графия – ёзув), пиктографияда товуш, сўз белгиланмасдан ҳаёлий тимсол бериш йўли билан гапнинг маъносигина акс этади. Бу белгилар одамнинг аъзои-баданининг қисмларини, меҳнат қуролларини, жониворларни, ўсимликларни, тоғ, юлдуз в.ҳ. акс эттирган. Аввал пиктограмма тиккасидан ёзил-

Поша турличаги ёзувнинг  
ривожланиши

Балиқ



Буқа



Парранав



Пиктограммалар



Иероглифни ғандан уш  
томонга қараб ўқин.



Иероглифни ўндан чап  
томонга қараб ўқин.

ган, кейин кўндаланг ёзишга ўтиб, ёзма ҳунари тезлашган. Бу ёзув усули ривожлантирилиб, унинг асосида пона туридаги ёзув (клинопись) пайдо бўлган. Клинопись шартли белгилардан (расмчалардан) иборат қадимги ёзманинг бир тури. Пона туридаги ёзmani Олдинги Осиё, Ассирия, Вавилон, Қадимги Персия в.ҳ. давлатлар қўлланган.

Ёзувнинг ундан нари ривожланиши қадимги Мисрлиларга тегишли. Уларда дастлабки ёзув бизнинг эрагача 3300–3100-йилларда пайдо бўлган. Миср ёзуви иероглиф деган ном билан маълум. **Иероглиф** деган атама (юнон. hieros – муқаддас ва glyphe – ўйилган нарса деганни) тушунтиради. Иероглиф – бизнинг эрагача IV асрда қўлланилган Миср ёзувнинг тасвирий расм ишоралари. Мисрлилар бу ёзувни «оллоҳ сўзи» деса, юнонлар «муқаддас ёзув» деб аташган. Қадимги Миср ёзуви 700дан ошиқ белгидан иборат, кўпчилиги ҳар қандай нарсаларнинг ва жониворларнинг расмлари билан белгиланган. Иероглиф чапдан ўнг томонга ёки ўнгдан чап томонга, юқоридан пастга қараб ўқилаверган. Агар жонивор ёки одам белгиси чапга йўналиб турса, демак у чапдан ўнгга қараб ўқилган, агар ўнгга йўналиб турса эса, чапни қараб ўқи деганни тушунтирган. Бизнинг эрагача XVI асрда Хитойда иероглифли ёзув пайдо бўлган ва у 2 мингдан ортиқ ишорадан турган.

Бу пиктограмма, клинопись ва иероглифли ёзувлар жуда мураккаб бўлиб, уни махсус тайёргарлиги бор одамларгина ёза олишган.

Биз қўлланган ёзувнинг пайдо бўлиши. Ўрта денгизнинг шарқ қирғоғида бизнинг эрагача 3-миг йилликда Финикия давлати тузилган. Финикия шаҳар давлатлари кема қуриб, денгиз кезишган, бу уларда савдо-сотикнинг ривожланишига туртки берган. Кўпчилик аҳоли савдо билан шуғулланганликдан, улар учун оддий, ҳаммага етарли ёзув зарурати келиб чиққан. Кўп ташвиш тортишлардан кейин бизнинг эрагача XVIII–XVII асрларда Миср иероглифларининг асосида дастлабки алифбо ёзувини ўйлаб топишган. Улар ёзувга ва ёдда тутишга мувофиқлашган 22 ишорадан иборат ҳарфни яратишди. Бу инсониятнинг ўйлаб топишидаги бебаҳо ўйлаб топиш эди. У ҳарфлар ундош товушлардан турган, кейин ушбу Финикия алифбосининг асосида юнон алифбоси пайдо бўлди. Улар унли ва ундош товушлардан иборат бўлган. Юнон ҳарфлари Финикия ҳарфлари билан оҳангдошдирлар; Финикия ҳарфи «алеф» – юнон ҳарфида «альфа» (α), Финикия ҳарфидаги «бет» – юнонларда «бета» (β). Финикия ва юнон алифболари бутун дунё алифболарининг яратилишига асос солган.

Юнон ҳарфининг асосида Улуғ Моравияда бизнинг эрамизнинг IX асрида славян маърифатпарвари Кирилл кириллица ҳар-

фини тузиб чиққан. Биз бугунги кунда бир оз ўзгартиш билан бу алифбони қўлланмоқдамиз.

Қирғизлар ҳақида маълумот. Турк тилли тоифаларнинг ичидан қирғизлар ҳақида дарак барчадан бурун учрайди. Ўрта Осиё билан Марказий Осиёнинг ўрта асрдаги тарихини тадқиқот қилган машҳур рус олими академик В. В. Бартольд: «Қирғизлар Ўрта Осиёнинг энг қадимги халқларининг бири. Ҳозирги вақтда Ўрта Осиёда яшаётган халқларнинг ичидан тарихда номи шунчалик эрта учраган биронта ҳам халқ йўқ бўлса керак» – деб ёзган. Қирғизлар ҳақидаги маълумот хитой халқининг Улуғ тарихчиси Сима Цяннинг (бизнинг эрагача 145–86-йй.) «Ши-цзи» (Тарих ёзмалари) йилномасида бизнинг эрагача 201-йилда хуннларнинг қирғизларни (гянь-гунь) босиб олганини ёзган. Бу маълумотда қирғизлар ўзича эгалиги бор халқ бўлиб, бизнинг эрагача III асрда яшагани маълум. Қирғизлар ҳақидаги маълумотни IX–XIV асрлардаги форс, араб ёзма манбаъларидан кўп учратишга ҳам бўлади. 982-йилда ёзилган «Дунё чекларида» («Худуд ал-алам») деган китобда турк халқлари, унинг ичида қирғизлар ҳақида ёзилган. Бу китобда дунёнинг территориясида яшаган 52 халқнинг касблари, дини, урф-одатлари, савдо ишлари соҳасида маълумотлар ёзилган. Китобда қирғизлар ҳақида бундай деб ёзилган:

«Уларнинг бойлигининг асосини хирхиз буюмлари, қўйлар, сигирлар ва йилқилар тuzган. Улар сувли, қуруқ чўпли, об-ҳавоси қулай ва ўтлоқ ерларни излаб кўчиб юришади. Қирғизлар ўтга сифинишади ва вафот қилганларини ёндириб юборишади. Улар ўтовларда ва чодир капаларда яшашади, овчилик билан касб қилишади».

Қирғиз тарихини тўлиқлаган бундай ёзма манбаълар ота-бобларимизнинг босиб ўтган йўлидан аниқ маълумот олишга имконият яратади.

Қирғиз алифбоси	Дини тартиби	Қирғиз алифбоси	Қирғиз алифбоси	Қирғиз алифбоси	Қирғиз алифбоси
А	А	А	А	А	А
Б	Б	В	В	В	В
Г	Г	С	С	С	С
Д	Д	Д	Д	Д	Д
Э	Э	Е	Е	Е	Е
Ү	Ү	Ү	Ү	Ү	Ү
И	И	И	И	И	И
Н	Н	Н	Н	Н	Н

Финиқия, томон  
лисон алифбоси



Ота-Соб қирғиз ҳарфлари.

Қирғизларнинг қадимги ёзуви. Қирғизларнинг қадимги ёзуви бўлганини ёки бўлмаганини кўплаб олимлар тадқиқот қилишган. Улар VII–XII асрларга тааллуқли Ўрхўн ва Эне-Сой дарёларининг қирғоқларида топилган тошга чекилган ёзувларга таянишган.

Хитойли олим бундай деб ёзган: «Хитой ва чет эллардаги қадимги ёзма даракларни ўқиганда, қирғизлар турк миллатларининг ичида энг аввалги ёзув яратган миллат эканлигини кўришга бўлади». Хитойдаги Қирғиз олими Анвар Байтур: «Қирғизлар V асрнинг бошларида 40 ҳарфли ёзувни фойдаланган», – деб қайд қилган. Демак, қирғизлар турк халқларининг ичидан энг аввал ёзувни яратган халқ эканлигини V асрдан тортиб Ўрхўн-Эне-Сой ёзмасини қўлланганлигини билсак бўлади. Улар қўлланган Эне-Сой ёзувларида 39 ҳарф бўлган (унинг бештаси унли). Бу қадимги қирғиз ёзуви Эне-Сой ёзуви деб аталган.

Эне-Сой қирғизлари ўз ёзувиغا (руна сингари ёзув) эга бўлгандан бошлаб бир неча ёзув тарзидаги меросларни қолдирган. Масалан, Эне-Сойдан топилган «Йаглакар хон тош ёзув ёдгорлиги», «Барсбекка бағишланган ёдгорлик» в.х. Кейинги даврдаги Талас, Қўчқўр, Алай уваларида топилган қадимги тош бетидagi ёзмалар қирғизларнинг ёзуви бўлганлигини тасдиқлаб туради.



Буни билиш қизиқарли

Ўрхўн-Эне-Сой турк алифбоси

Ўрхўн-Эне-Сой турк алифбоси VI–VII асрларда пайдо бўлиб, X–XII асрларгача қўлланилган. Бу қадимги руна ёзувлари асосан катта-катта тошларга, қоянинг силлиқ бетларига ва қўй тошларга чекилган. Руна ёзмалари Хакассия, Тува, Олтой, Монголия, Или ва Қирғизистоннинг территорияларидан тошилган. Қадимги руна ёзувларини Марказий ва Ўрта Осиёда яшаган турк халқлари фойдаланишган. 1889-йилда Н.М. Ядринцев биринчи бор Ўрхўн водийсидан (Монголия) катта тошларга чекилган кўп руна ёзма ёдгорликларини тошган.

Бу ёдгорликлар тошилган ерининг номидан Ўрхўн-Эне-Сойлик ёки қадимги турк ёзувлари деб аталган. 1898-йилда Талас водийсидан қадимги турк ёзувлари тошилиб, тадқиқот қилишга олинган. 1893-йилда данияли олим Б. Томсен ва рус туркшуноси В. Радлов Ўрхўн-Эне-Сой ёдгорликларининг топилмоқчи ҳарфларини биринчи бор ўқишган.

Машҳур туркшуносларнинг фикрича Эне-Сой ёзув ёдгорликлари қирғизларга тааллуқли бўлган.



Ёзиб олинган:

**Ёзув манбаълари** – бизгача келиб етган ҳар турли воқеаларни энг муҳим ҳужжатларни ақс эттирган, инсоният тарихини баён қилган бебаҳо материаллар.

**Палеография** – тарихий ёзма манбаъларининг тўпلامини ўргатувчи ва уни ҳал қилувчи фан.

**Пиктограмма** – сўзларни расм турида тушунтиришга ҳаракат қилинган ёзув.

**Клинопись** – шартли белгилардан (расмчалар) иборат қадимги ёзувларнинг бир тури.

**Иероглиф** – қадимги Миср ёзув белгилари.

**?** Саволлар ва топшириқлар:

1. Ёзув манзилгоҳлари деган нима ва тарихда у қандай роль ўйнайди?
2. Ёзувнинг пайдо бўлиши ва унинг ривожланиш босқичлари қандай юрган?
3. Финикия ҳарфининг тарихий аҳамияти нимада?
4. Ёзма манбаълар қирғизлар ҳақида қандай хабар беришади?
5. Биз учун қадимги қирғиз ёзувининг аҳамияти қандай?

#### § 4. Археология ва нумизматика фанларининг тарихдаги ўрни

- 1** Асосий саналар:  
XIX асрнинг 2-ярми – Қирғизистондаги археологик тадқиқотларнинг бошланиши.  
3-минг йилликларда. – Хитой тийинларининг пайдо бўлиши.  
VIII аср – Турғеш тийинларининг чиқарилиши.  
XI аср – Қорахонлар тийинининг чекилиши.

✓ **Тушунчалар:** археология, маданий қатлам, нумизматика.

Археологик манбаълар ва тадқиқотлар. Тарихни тадқиқот қилишда ёзма манзилгоҳлар фоят катта ёрдам беришига гувоҳ бўлдик. Демак, ўша ёзмалардаги бўлган воқеалар қайси ерда, қандай шаҳарларда бўлганлигини одамларнинг ҳаёт-тирикчилигида нималар фойдаланилганини, улар қолдирган ёдгорликлардан топишга бўлади. Бундай ёдгорликларни археология фани тадқиқот юритарини бурунги мавзулардан биламиз. Қирғизистонда дастлабки археологик тадқиқот ишлари XIX асрнинг 2-ярмидан юритила бошлаган.

Дастлабки одамларнинг турар-жойлари, шаҳар харобалари, меҳнат қуруллари, гўристонлар, қоя-бетидаги расмлар, ёзувлар в.ҳ. археологик манбаълар бўлиб ҳисобланади. Улар орқали қадимги халқларнинг турмуш-тирикчилиги, урф-одати бўйича маълумот оламиз. Бу учун археологлар диққат билан тадқиқотларни юргизишади.

Ёзма, оғзаки манбаъларга таяниб археологлар тадқиқот қиладиган ерларни аниқлашиб, харитага тушириб, ёдгорликларни кав-



лаб, топилган буюмларни тадқиқот қилишади. Табиий фанларнинг муваффақиятларини фойдаланишиб, топилган буюмларнинг даврларини тўғри аниқлашади.

Археологлар топилган меҳнат қуроолларига яраша одам боласининг босиб ўтган йўлини тарихий уч даврга бўлишади. Тош, бронза ва темир даврлари. Бу даврларга тегишли меҳнат қурооллари Қирғизистоннинг барча территорияларидан топилган.

Археологик топилдиқлар. Қирғизистоннинг территориясида топилган археологик ёдгорликлар орқали бу территорияларда одамлар қадимданоқ истиқомат қилиб келишганини билемиз. Одам боласи дастлабки турар-жойидан бошлаб, улар ўрин олган қишлоқ, шаҳар қолдиқлари, ўз даврига яраша меҳнат қурооллари, уруш қурооллари ва турмуш-тирикчиликка фойдаланувчи буюмларини қўлланиб, уларни ривожлантириб ўтирган. Унгур бетидаги расмлардан бошлаб ҳар қандай гўзаллик буюмларга туширилган сурат-ўйиқлар, бадний ҳунарнинг ривожланганини билдиради. Ундан ташқари тошга, ёғочга, металлга туширилган ёзувлар уларнинг маданиятининг ривожланганлик гувоҳи. Одамларни охириги сафарга узатиш, уни авайлаб кўмиш ва унга бағишлаб, урф-одат қилиб, ёдгорлик ўрнатиш одатга айланганлигини гўристонлар, гумбазлар ва алангалар аниқлаб туради. Тарихий-маданий ёдгорликларнинг кўпчилиги археологик маданий қатламларда сақланган.

Маданий қатлам деганимиз – инсоният ҳаётини, ижодкорлигини акс эттирган археологик қолдиқларнинг қатлами. Инсон яшаган ерда қолган буюмлар, меҳнат қурооллари, озиқ-овқат қолдиқлари маданий қатламни ташкил этади. Археологик кавлашларда маданий қатламлар топилиб, уларнинг ҳар бирининг даври аниқланади.

Топилган буюмлар орқали ўша давр, у пайтдаги халқнинг маданияти тўғрисида маълумот олинади. Маданий қатламларнинг умумий қалинлиги бир неча миллиметрдан ўнлаган метргача ет-



Бронза даврлаган  
гиз идиш.



Қадимги одамлар  
яшаган унзулар



Сибил  
Биринчи қатламда  
Биринчи қатламда

ШКОЛ

ган пайтлар учрайди. Археологларнинг тинмаган меҳнатининг натижасида тарихда буюк кашфиётлар ясалиб келади.

Олсак, 2000-йилнинг октябрь ойида Ўш шаҳрининг 3000-йиллигини нишонладик. Ўш турар жойларини тадқиқот қилган профессор, археолог Заднепровский Юрий Александрович ундаги энг эски маданий қатламдаги буюмларни кимёвий таҳлилдан ўтказиб, унинг асосида топилган буюмлар бундан 3000 йил бурун қўлланилганини исботлаган. Шундай қилиб, Ўш шаҳри Ўрта Осиёдаги энг қадимги шаҳар эканлиги аниқланди.

Пул-тийинларнинг келиб чиқиши. Нумизматика деган нима? Қадимги замондан буён одамлар ҳаёт-тирикчилигига истеъмол қилинувчи нарсаларни алмаштириш йўли билан ўзида йўқ нарсаларни тўлиқлаб келган. Мол боққан уруғлар ўтроқ уруғлардан ўзларига кераклиларни алмаштириб олиб туришган. Борган сари буюмларнинг нархи ошиб, унга тенг келган буюмлар талаб қилина бошлайди. Бу пулнинг пайдо бўлишига шарт яратган. Югуртиш ва хизмат қилиш воситаси сифатида қўлланилувчи металлдан ясалган пул бирлиги – тийин келиб чиққан. Дастлабки тийинлар бундан 3 минг йил бурун Хитойда пайдо бўлиб, ундан кейин бошқа мамлакатларга тарқаган. Топилган тийинларни тадқиқот қилувчи фан *нумизматика*. Нумизматика (лот. Numisma – тийин) – тийин ва пул – мол муомалаларини ўргатувчи тарих фанининг қўмакчи соҳаси. Нумизматика фанида махсус қабул олинган тушунчалар қўлланилади. Тийиннинг бет томони – аверс деб аталади. Унда давлатнинг герби ёки давлат бошлиғининг расми туширилади. Тийиннинг қирраси – гурт деб аталган. Унда расм ёки ёзув туширилган. Қирғизистоннинг территориясидан кўплаган тийинлар топилган. Сабаби бизнинг эрагача II асрдан бошлаб Ғарб билан Шарқни бирлаштирган Буюк Ипак йўли Марказий Тангри-Тоғ территориясидан ўтиб, савдо-сотиқ гуриллаб ривожланган. Савдо йўлларини бўйлаб катта-катта шаҳарлар қурилиб, давлатлар тийин чиқариб, кенг савдо юритишга



шарт-шароит тузишган. Бизнинг территорияда бундан 2 минг йил бурун Хитойда чекилган тийинлар топилган. Тан династиясининг тийинлари VIII асрдан бошлаб Суябда тургеш тийинлари чиқарилган. Етти-Сувнинг бошқа шаҳарларида хитой тийинларига ўхшаштирилган тийинлар чиқарилган. Масалан карлукларнинг «Мирза Арслон Бильге-каган Фан» тийини чиққан. XI асрда қорахонлар ҳам тийинларини чиқара бошлашган. XV асрга тааллуқли Ўш шаҳрининг бозорларида Тимур авлодларига тегишли мис тийинлар айлантирила бошлаган. Демак бу тийинлар бизга Буюк Ипак йўлининг ривожланишини, карлук, қорахон давлатларининг тарихини ойдинлаштиришга ҳам катта ёрдамини тегизди. Қирғизистоннинг территориясида монгол-татар босқинчилигидан кейин тийин чиқариш тўхтатилган. XVIII асрда Қўқон хонлигининг асосланиши ва Қирғизистонни босиб олгандан кейин бу территорияларда Қўқонда чекилган тийинлар пайдо бўлган. XIX асрнинг 50-йилларидан кейин Қирғиз манзилни қидирган Қозоқ олими Чўқан Валиханов қирғизлар пул бирлиги қатори ов-териларни, молни, хитой кумуш ёмбисини фойдаланганини ёзади. Қирғизистон Россия империясига қаратилгандан кейин рус пуллари фойдаланила бошлаган.

 Буни билиш қизиқарли

**Археологик топилдиқлар ҳақида маълумот.** Ўш турар жойи. Бронза даврига тааллуқли археологик ёдгорлик Сулаймон тоғида ўрин олган. Тош ва бронза даврларига тегишли қуролларнинг қолдиқлари, қоя бетига туширилган расмлар ва ғўристонлар тадқиқот қилинган. 1947-йилда нақш туширилган гил идишнинг қолдиғи топилиб, у деҳқончилик ва чорвачилик билан касбланган бронза давридаги уруғларга тегишли экани аниқланган. 1976-йилда тоғ бағридаги музейга йўл солишда сопол идиши топилган. Кавлаш пайтида ер юзасидан икки метр чуқурликда шағал билан ёпилиб ётган, бир кезларда одам яшаган, майдондаги чорвачиликка фойдаланувчи учта тўтарак ўраси бор сўқмоқ тупроқли ер очилган. Бу ердаги маданий қатлам устидан шағал билан ёпилиб, қалинлиги 1 метрга етган.

Кавлаётганда кўплаб ҳар турли ғўзалликдаги сопол буюмлари топишган. Археолог Ю. А. Заднепровский раҳбарлик қилган олимлар тоғнинг этагидан тубан томонга қараб кетган текисликларда турар жойлар жойлашганини пайқашган. Бу территорияларни тадқиқ қилишда ҳар қандай рангдаги бўёқ билан безатилган идишлар, гил идишларнинг 5000 мингдан ортиқ синиқлари, ярқирама тошдан маржонлар, 140 тош қуроллари ва тешиклари бор ошиқлар топилган. Кўплаб топилдиқлар Сулаймон тоғининг бағрида жойлашган музейда бугунги кунгача сақланмоқда.



Сулаймон тоғи

✍ Ёзиб олинг:

**Археология** – одам боласининг қадимги тарихини модда туридаги манбаълар бўйича таниб, тадқиқот қилувчи илм.

**Маданий қатламлар** – инсониятнинг ҳаётини, ижодкорлигини акс эттирган археологик қолдиқларнинг қатлами.

**Нумизматика** – тийин ва пул - мол муомалаларини тадқиқот қилувчи илм.

① Саволлар ва топшириқлар:

1. Археология деган нима ва у тарихни тадқиқот қилишда қандай аҳамиятга эга?

2. Қирғизистоннинг территориясида топилган археологик ёдгорликларга таъриф беринг.

3. Тийинлар ҳақида тадқиқот қилган илм нима деб аталади?

4. Қирғизистонда тийинлар қайси даврларда кенг фойдаланилган экан?

5. Ўш турар жойини тадқиқот қилиш қирғиз тарихига қандай ҳисса қўшди?

6. Қирғизистоннинг территориясидан топилган қандайдир бир ёдгорлик ҳақида кичкина ҳикоя ёзинг.

## § 5. Тарихий вақтнинг ўлчови (Хронология фани)

1 Асосий саналар:

Бизнинг эрагача 4–3-минг йилликларда – энг аввалги ой календарининг пайдо бўлиши.


Бизнинг эрагача 4-минг йиллик – Мисрда Қуёш календари чиққан.

Бизнинг эрагача 46-йил – Римда Юлиан календарининг яралиши.

Бизнинг эрагача 1582-йил – Григориан календарининг тузилиши.

✓ Тушунчалар: хронология, календарь.

Тарихни ўқиб ўрганишда, у ёки бу воқеа қачон бўлиб ўтган, қайси воқеа эрта ёки қайсиниси кеч бўлганини билиш керак. Биз вақт ўлчовлари қуйидагидай бўлинишини биламиз, ой – йилни, юз йил – асрни, ўн аср эса – минг йилликни тузади. Вақтнинг ўлчовсиз одам боласининг тарихини, ундаги муҳим воқеаларни билишга бўлмайди. Тарих аини ушбу вақт ўлчовларидан иборатдир.



Вақтнинг ўлчовларини тадқиқот қилиб ўргатувчи фан, бу — Хронология. Хронология (юнонча «хронос» — давр — «логос» — фан) — вақт ўлчовини ва унинг тарихий ривожланишини ўқитади.

Вақт ўлчов бирликлари. Дастлабки одамларнинг вақт ўлчовларини ҳисоблашга имконияти етган эмас. Борган сари яшашнинг мураккаблашиши, ҳаётий эҳтиёжларнинг ўсиши шу вақтнинг ўзида одамнинг онгининг анча даражада ривож топиши билан атрофга кузатиш юритиш, вақтни тушуна билиш, уларни ажратиб бўлиш тараққийлашган. Бундан бир неча минг йилликлар бурун одамлар кун билан туннинг фарқини, вақтни кун санаш (сутка) билан ҳисоблашни ўрганишган. Улар бундай деб айтишган: «беш кун бурун қаттиқ ёғин ёққан» ёки «етти кундан кейин уруғлар овчиликка чиқади». Бироқ вақтнинг кўп қисмини кун санаш билан ўлчаш етарли бўлган эмас. Улар кечаси ой шаклининг ўзгаришини пайқашган. Улар ойнинг баъзан ўроқ шаклида, баъзан ярими тўлиқ, баъзи ҳолда эса тўлиқ бўлганини қараб, ойнинг ўзгаришига яраша ой ҳисобини чиқаришган. Шундай қилиб, дастлабки ой ҳисоби яралган. Энди улар вақтни қуёшгина эмас, ой билан ҳисоблай бошлашган. Бора-бора деҳқончиликнинг ривожланиши, ер ҳайдаш, ҳосил йиғиш даврларини аниқлаш билан вақтни йил билан ҳисоблаш ўзлаштирилган. Йил узоқлиги, ёки унинг ўлчамининг 365 кун эканлигини инсоният тарихида биричи бор Қадимги Мисрликлар ҳисоблаб чиқишган. Шундай қилиб, қадимги даврда одамлар аввал кун билан тунни, суткани, ундан сўнг ойни, ҳафтани, йилни ажратишган. Ёзувнинг ўзлаштирилиши билан календарни тузишни ўрганган.

Календарнинг пайдо бўлиши. Календарь вақт ўлчамини аниқловчи тизим. Бу сўз лотин сўзидан келиб чиққан «календарь» — ҳар бир ойнинг биринчи куни деганини тушунтиради. Энг дастлабки календарь бизнинг эрагача 4–3-минг йилликларда пайдо бўлиб, у ой календари деб аталиб, ҳар бир ой 29 ва 30 кундан иборат бўлган. Унда 12 ой ёки 354 кун ҳисобланган.

Бизнинг эрагача 4-минг йилликда Мисрда қуёш календари чиққан. Миср йили 365 кунга барабар бўлган. Унда 12 ой бўлиб, ҳар бир ой 30 кундан турган.

Қадимги Римда бизнинг эрагача VIII асрда ой-кун календари қўлланилиб, у 355 кундан туриб, 12 ойга бўлинган. Ҳар бир ой 29–31 кундан иборат бўлиб, янги йил 1-мартдан бошланган. Кейин календарни аниқлаш мақсадида бизнинг эрагача 46-йили Рим императори Юлий Цезар ислоҳот юритишга буйруқ берган. Янги календарни тузиб чиқиш учун Александрия шаҳридан машҳур астроном Созиген чақиртилган. Улар Мисрнинг календари асосида янги календарни ишлаб чиқишиб, у Юлиан календари деб атал-

ган ва бизнинг эрамизнинг XVI асригача ҳеч ўзгаришсиз фойдаланилиб келган. Янги Юлиан календари бўйича ойлар қуйидагидай аталган:

	Ойлар	Номланишлари ва тушунтиришлари
1	Январь	«Януариус» – Рим империясидаги вақтнинг худоси Янусга бағишланган;
2	Февраль	«Фебриариус» – тозаланиш ойна деб римликлар ёмон одатлардан, гуноҳлардан қутулиш байрамини ўтказишган;
3	Март	«Мартуус» – урушнинг худоси Марсга бағишланган;
4	Апрель	«Апрелис» – қуёш исиб, кўкат чиққан, гуллаган деган маънода.
5	Май	«Майус» – баҳорнинг, тоғнинг, ҳосилнинг худосининг ҳурматига бағишланган;
6	Июнь	«Юниус» – осмоннинг худоси Юпитернинг қайлиғи Юнон худосига бағишланган;
7	Июль	«Юлиус» – Рим императори Юлий Цезарга бағишланган;
8	Август	«Аугустус» – Рим императори Октавиан Августнинг ҳурматига бағишланган;
9	Сентябрь	«Септембер» – латинча «еттинчи», бурун Римликлар янги йилни мартдан бошлашарди, шу сабабли сентябрь еттинчи ой бўлган;
10	Октябрь	«Октобер» – латинча «саккизинчи»;
11	Ноябрь	«Новембер» – латинча «тўққизинчи»;
12	Декабрь	«Децембер» – латинча «ўнинчи» деганини билдирган.

Охириги уч ой бурунги янги йилни март ойидан бошлаб санашдан олинган.

Бугунги биз қўлланаётган календарь 1582-йили Рим папаси Григорий XIII томонидан асосланиб, Григориан календари деб аталади. Бу календарни тузишда италияли олим, врач, математик ва астроном Алоизий Лилионинг меҳнати зўр.

Григориан календари бўйича йилнинг узунлиги 365 сутка, 5 соат, 49 дақиқа, 12 секундадан иборат. Бу календарь аввал Италия, Франция, Испания, Португалия, Польша в.ҳ. давлатларда қўлланилиб, Россияда 1918-йилдан бошлаб қўлланила бошлаган.

Қирғизлар қўлланган йил ҳисоби. Қирғизлар Шарқ халқларига киргани сабабли ҳар бир йил жониворнинг номидан қўйилган. 12 жониворнинг номи билан йилни фарқ қилишган. 12 йил ўтгандан кейин 13-йил одамнинг бир мучали деб ҳисоблашган.

Йилларнинг ўзбекча аталиши	Ойлар	Ойларнинг қирғизча аталиши	Ойларнинг русча аталиши
Сичқон	1 ой	Ёлғон қуръон	Февраль
Сигир	2 ой	Чин қуръон	Март
Йулбарс	3 ой	Буғу	Апрель
Қуён	4 ой	Қулжа	Май
Балиқ	5 ой	Така	Июнь
Илон	6 ой	Бош сўна	Июль
Йилқи	7 ой	Оёқ сўна	Август
Қўй	8 ой	Тўққизнинг ойи	Сентябрь
Маймун	9 ой	Еттининг ойи	Октябрь
Товуқ	10 ой	Бешинг ойи	Ноябрь
Ит	11 ой	Учининг ойи	Декабрь
Тўнғиз	12 ой	Бирининг ойи	Январь

Мучални, йилларни суриштириш билан одамнинг ёшени, воқеанинг бўлган йилини аниқлашарди. Бир йилда 360 кун бор деб, уни 12 ойга бўлишган. Қирғизларда ой ҳисоби кўчман ҳаётнинг тажрибасида қадимги замондаёқ пайдо бўлган.

Демак, қирғизлар дунёдаги бошқа халқлар каби қадимдан буёноқ йил, ой, кун ҳисобини юргизиб келишган.

Қирғизлар кун санашни форс тилидан олиб қўлланишган.

Кунлар	Форс тилидан олиниб ўзбекча аталиши	Куиларнинг русча аталиши
1-кун	Душанба	Понедельник
2-кун	Сешанба	Вторник
3-кун	Чоршанба	Среда
4-кун	Пайшанба	Четверг
5-кун	Жума	Пятница
6-кун	Шанба	Суббота
7-кун	Якшанба	Воскресенье

 Бунинг билими қизиқарли

Шарқ календарини

Норин вилоятининг марказида тўртта квадрат тешикчаси бор, одатдан ташқари хитой бронза «тийини» топишган. Унда жониворларнинг – илоннинг, хўрознинг, аждаҳонинг, йилқининг расмлари туширилган. Бу ўрта асрдаги шарқ календарини бўлган. Бунда бизга бугунги кунда одат

бўлган кунлар билан ойларнинг ўрнига йиллар белгиланган. Ун икки йиллик шикли шарқ календарини Марказий Осиёнинг кўчманлари тузган деб ҳисобланади.

Ҳар бир ўтов мустақил «планетарий» бўлган. Қадимги астрономлар Юпитер Қуёшнинг айланасида 12 йилда тўлиқ айланажагини аниқлашган. Айланани Юпитер йўлининг ўн икки барабар қисмига бўлиб, улар у қисмларнинг ҳар бирига маълум жониворнинг номини беришган.

Календарь шундай тузилган: бири-бирини алмаштирган жониворларнинг тартибини эсдан чиқариб қўймаслик учун эса қадимги хитойлилар шундай унча катта эмас «чўнтак календарларини» чиқаришган.



✍ *Ёзиб олиш:*

**Хронология** – вақтнинг ўлчов тизимини ва унинг тарихий ривожланишини ўқитади.

**Календарь** – ҳар бир ойнинг биринчи куни деганини тушунтиради.

② Саволлар ва топшириқлар.

1. Тарихий воқеаларнинг вақтнинг аниқлашга қайси фан кўмаклашади?
2. Вақтнинг ўлчов бирлиги қандайча аниқланган?
3. Календарининг ривожланиш босқичлари қандай юрган?
4. Қирғизлар йил ҳисобини қандайча юргизишган?
5. Вақтнинг ўлчовини аниқлаб чиқиш инсониятнинг ривожланишида қандай роль уйнаган?

## § 6. Харитадаги тарихий воқеалар

✓ **Тушунчалар:** харита, тарихий харита.

Тарихни ўқишдаги хаританинг роли. Тарихни тадқиқот қилиб аниқлашда тагин бир жуда аҳамиятли нарса, бизгача ўша воқеалар қайда, қайси ерда бўлганлигини ойдинлаштирувчи харита бўлиб ҳисобланади. Дунё тарихида унинг ичида қирғиз тарихида ҳам одамлар ўтроқлашган ерлар, шаҳарлар, савдо йўллари, йирик уруш тўқнашувлари, архитектура ёдгорликлари, тарихий воқеалар харита бетига туширилиши билангина ҳақиқий тарихни исботлашади. Харита (немисча Karte; асл нусха; гр. Chartes – ёзув учун фойдаланилувчи папирус варағи) – ер юзининг, юлдузларнинг ёки уларнинг айрим қисмларининг кичрайтилиб, умумлаштирилиб берилиши. Хаританинг турлари бўлади, масалан: географик харита, тарихий харита, контур харита в.ҳ. Тарихий хаританинг асосий аҳамияти қандайдир бир тарихий во-



қеаларни, давлатларнинг жойлашган ерларини, табиат шартларини, йирик давлатлараро ва савдо йўлларини аниқлашга ёрдам берганлигида. Тарихда қўлланилувчи асосий харита – тарихий харита деб аталади. Тарихий харита катта хусусиятларга эга, унда қадимги мамлакатлар ва уларнинг чегаралари, шаҳарлар ва уларнинг бурунгидаги аталишлари, уруш воқеалар шартли белгилар билан кўрсатилади. Мана шуниси билан у географик харитадан тўлиқ фарқланиб туради.

Тарихий харитада давлатларнинг келиб чиқишини, унинг ўрнининг ўзгаришини, аскарларнинг юришларини, савдо йўлларини в.ҳ. осонгина билишга бўлади. Чунки, харитада кўрсатилган махсус белгилар билан символлар зўр ёрдам беради.

Тарихий харитадаги шартли белгилар ва унинг тушунтиришлари:

Тарихий хариталарни тузишда қуйидаги қоғдалар сақланиши лозим.

1. Харитага туширилган территория сўзсиз тарихий бир даврни акс эттиради.

2. Харитага тушган давлатнинг асосий территорияси ва у босиб олган тевараклар ҳар қандай ранглар билан белгиланади.

3. Шартли белгилар билан қўшинларнинг бир ердан иккинчи ерга силжиши, йирик уруш бўлиб ўтган территориялар билан қаратишган тевараклар, воқеаларнинг саналари кўрсатилади.

4. Давлатлар билан шаҳарларнинг ва ер-сувларнинг аталиши ўша даврдаги номлари билан берилади.

Шартли белгилар	Расм	Маъноси
Рангли ареаллар		Давлатларнинг территориялари в.ҳ.
Чизиқлар (узлуксиз, нуқталардан иборат чизиқ)		Мамлакатларнинг территориялари, қандайдир бир воқеаларнинг умумийлиги
Камон ўқлари (бутун, узлуксиз)		Одамларнинг ер кўчишлари
Камон ўқларининг кенглиги		Аскар урушлари, юришлар
Доирачалар (пунсон)		Шаҳарлар
Қайчиланган қисқа қуроллар		Тўқнашиш жойи
Штрихлар		Давлатнинг территориясидаги асосий воқеалар, бегона ерлар
Ичида тишчалари бор доирачалар		Қуршаб олинган шаҳар

Қирғизлар дунё харитасида. Қадимги даврлардаёқ юнон олимлари, саёхатчилари ўзлари билган кўплаб давлатларни, уларнинг чегараларини, мамлакат ичидаги дарёларни, шаҳарларни харитага туширишга ҳаракат ясаб келишган. Олиб кўрсак, қадимги юнон астрономи, математики, харита тузувчиси Птолемей дунёнинг ва йирик давлатларнинг 53 харитасини тортиб кетган. Кўплаб асрлар бўйи бу дунёнинг харитаси тарихда зўр роль ўйнаб келди. Европада бу харита XVI асргача асосий харита қатори фойдаланилган. Бироқ кейин кўплаб давлатлар ўз хариталарини тузиб, уни дунё харитасига тенглаш куч олган. Энг қизиғи, у хариталарда қирғиз ерлари ҳам кўрсатила бошлаган. Масалан: 1526-йилда тузилган «Москва давлатининг харитасида» қирғиз (Kirges) ҳозирги территорияси бўйича кўрсатилган.

Дунё харитасини тузиш ҳаракати ўрта асрда Марказий Осиёда ҳам бошланган. Олим бобомиз, ҳамюртимиз Махмуд Қашғарий XI асрда Дунёнинг рангли харитасини тузган. У харита орқали биз X–XI асрлардаги Қирғизистоннинг территориясини ва унга қўшни давлатлар тўғрисида билдик. Махмуд Қашғарийнинг харитаси ўз давридаги хариталардан тамоман фарқланиб туради. Харита тўғарак шаклда ясалиб, рангли бўлган. Нима учун тўғарак шаклда берилган? – деган савол туғилиши мумкин. Эҳтимол, Махмуд Қашғарий дунёни, оламни тўғарак шар шаклида тасаввурлаш билан уни харитага туширса керак. Харитада дунёнинг маркази қатори муқаддас Иссиқ-Кўл, Марказий Тангри-Тоғи территорияси ва ўзи туғилиб ўсган Барсқон шаҳри кўрсатилган. Ўрта асрдаги Европа харитасида эса дунёнинг маркази Рим, ундан кейин Қуддус шаҳарлари бўлган. Мусулмон хариталарида дунё маркази қатори Макка шаҳри берилган. Қирғиз территорияси бўлган Ўтукен, Ўзган шаҳарлари киритилиб, ундан ташқари



Махмуд Қашғарий тузган дунёнинг рангли харитаси

ғарбда Венгриягача, шарқда эса Япония ерлари харитадан ўз ўринларини топишган. Ҳар бир территория, мулк шартли равишда чегаралар билан белгиланиб, тоғлар, дарёлар туширилган. Албатта, бу харита қирғиз тарихини ўқишда махсус маълумот манбаъи бўлиб қолди.

✍ Ёзиб олинг:

**Харита** – ер юзининг, юлдузларнинг ёки уларнинг айрим қисмларининг кичрайтилиб, умумлаштирилиб берилиши.

**Тарихда қўлланилувчи асосий харита** – тарихий харита деб аталади.

① Саволлар ва топшириқлар:

1. Харита деган нима, унинг тарихни ўқитишдаги аҳамияти қандай?
2. Тарихий харита қандай хусусиятларга эга экан?
3. Шартли белгилар нимани тушунтиради? Мисол келтириш.
4. Харитани тузишда қандай қондалар сақланиши керак?
5. Махмуд Қашғарийнинг Дунё харитасининг хусусияти қандай?

## II ҚИСМ. ҚИРҒИЗИСТОН ҚАДИМГИ ДАВРДАН СОВЕТ ЗАМОНИГАЧА

### II БОБ. БИЗНИНГ ВАТАНИМИЗ ҚАДИМГИ ЗАМОНДА

#### § 7. Қирғизистоннинг территориясидаги дастлабки ижтимоий жамият

1

Асосий саналар:

3 миллион йил бурун – Одам боласи пайдо бўлган.

800–100 минг йил бурун – Қирғизистонда тош даврига тааллуқли  
дастлабки одамларнинг излари топилган.

Бизнинг эрагача 5–3 минг йилликлар – чорвачилик ва деҳқончилик  
хўжалиги келиб чиққан.

Бизнинг эрагача 3 минг йилликда – бронза даври бошланган.

- ✓ Тушунчалар: тош даври, палеолит, ижтимоий жамият,  
мезолит уруғчилик жамияти, неолит

Тош даври. Тангри-Тоғидаги дастлабки одамлар. Ер юзидан бундан 3 миллион йил аввал одам боласи яратилган. Дастлаб улар тўғри босишни, кейин меҳнат қуроиларини яшани ва ўтти фойдаланишни ўзлаштиришган. Кейинчалик улар гаплашишни ўзлаштириб, ўзаро алоқадорликка ўтгандан тўртиб, инсониятнинг тарихий ривожланиш даври бошланади. Инсон изи энг аввал Шарқий Африкада ва Ява оролида топилган. Бундан миллион йил бурун улар Европа, ундан кейин Осиё теварагига,



Тош қуроллар  
Оқ-Сой vodiёси.



Мезолит давридаги одамлар  
яшаган унғур. Арпа vodiёси

шу жумладан ҳозирги Қирғизистоннинг территориясига тарқаган. Дастлабки одамнинг изи бизга уларнинг тошдан ясалган меҳнат қуроллари орқали маълум бўлди. «Тош даври» деган аталиш ўша замондаги одамлар фойдаланган қуроллар туфайли аталган. У қуроллар қиррали тошлар ва ер кавловчи чўқморлар эди. Дастлабки инсониятнинг тарихий ривожланиши тош асри деб аталди. Одамлар аста-секинлик билан меҳнат қуролларини ривожлантириб ўтирган. Уларнинг ясаган тош қуролларининг ривожланишига нисбатан тош даври уч даврга бўлинади: қадимги тош асри (*палеолит*), ўрта тош асри (*мезолит*) ва янги тош асри (*неолит*). Ҳозирги Қирғизистоннинг территориясидаги дастлабки одамларнинг излари қадимги тош асрига (800–100 минг йил аввал) тегишли.

Энг қадимги меҳнат қуроли Марказий Тангри-Тоғда, Ўн-Арча сувининг бўйида, Қўжў-Бақирган сойда, ундан ташқари Саломат-Манбаъга яқин ердаги Оқ-Ўланг мазгилидан топилган. Арпа мазгилидаги унгурдан топилган тош қуроллари мезолит ва неолит даврига тўғри келади. Маҳаллий халқ бу унгурни Семетей унгури деб аташган. Қадимги даврда одамлар мустаҳкам тош қуролларини ясаш учун мустаҳкам тош жинсларини излашган. Боткен территориясида Қапчиғай, Уй-Тош мазгиллари пишиқ тош жинсларига бой бўлиб, тош қуроллари ушбу ерларда кўпроқ топилган. Улар жуда оддий бўлган. Бу қуроллар билан дастлабки одамлар овчиликка, бошқа ишларга қўлланишган. Бундай қуроллар билан яшаш жуда оғир бўлгани сабабли, улар биргалашиб яшашга мажбур бўлишган. Шу сабабли одамлар «тўда-тўда» бўлиб,



тўпланиб яшаб, биргалашиб овчилик қилишиб, йиртқичлардан сақланишган. «Тўдадаги» одамларнинг сони 25дан 50 гача етган.

Минглаган йиллар ичида меҳнат қуроллари аста-секник билан яхшилана бошлаган. Одамнинг ҳаётида ўтқи фойдаланиш зўр муваффақият бўлган. Ўт одамни иситиб, улар яшаган унгурни ёруғ қилиб, йиртқич ҳайвонотлардан ҳимоя қилган.

**Дастлабки одамларнинг овчилиги ва хўжалиги.** Қадимги одамларнинг дастлабки хўжалиги тўпламоқ бўлган. Дастлабки инсоният табиат озикларини тайёр турда олган. «Тўдадаги» эркаклар ов қилишга кетганда, хотин-қизлар ва ёш болалар унгурлардан анча узоқ эмас ерлардан мева-чеваларни йиғишган. 40–30 минг йил бурун *гомо сапиенс* (онгли одам) пайдо бўлган. Уларнинг ташқи кўриниши ҳозирги одамлардан озгина фарқ қилган. Улар фикр югуртишиб, ўз ўйларини бир-бирига сўз билан тушунтиришга эришишган. Ўлган одамлар ерга қўйила бошлаган. Тахминан 40 минг йил бурун Қирғизистон билан Ўзбекистоннинг чегарасидаги Тешик-Тош унгуридан археологлар 8–9 ёшдаги боланинг суягини топишган. Унинг ёнига тоғ эчкисининг мугузлари қўйилган. Қабрнинг устини тош билан дафн қилишган. 30 минг йил илгари дастлабки одамлар «тўдаси» уруғлик жамиятга ўтган. Уруғлик жамият қондош туғишганлардан иборат, улар биргалашиб яшаб, топган-ташиганларига тенг эгаллик қилишган. Қирғизистоннинг территориясидан ўрта тош даврига (мезолит) тегишли овчиларнинг турар жойлари ҳам топилган. Улар Сўх сувининг бўйида, Тош-Кўмир шаҳрида баланд тоғли Оқ-Сойда, Арпа водийларида ва Чотир-Кўлнинг атрофида бўлган. Бу даврдаги одамлар ёй билан ёй ўқини фойдаланишган. Меҳнат қуроллари анча яхшилашган, одамларнинг архар, элик, тоғ такаси в.ҳ. жониворларга овчилик қилиши осонлашган. Турар жой-



Тешик-Тош унгуридан топишган бола. Герасимовнинг реконструкцияси



Дастлабки ер ишлатиш.  
(Д. Ақматовнинг расми)

ларга бўлган муомала ўзгарган, жониворларнинг суяклари ўзича кавланган чуқурларга ирғитилган, озодалик ўзлаштирилган. Инсониятнинг ҳаётида бизнинг эрагача 5–3-минг йилликларда зўр ўзгариш бўлган. Одамлар ерни ишлата бошлаб, маҳаллий ўсимликларни ўстира бошлаган. Ўша даврдаёқ ёввойи ҳайвонотлар қўлга ўргатилиб, боқилган.

Янги тош даврида (неолит): деҳқончилик ва мол чорвачилиги пайдо бўлди. Ола-Тоғ ва Олой территорияларида янги тош асри одамлари молчилик билан кун кўришган. Қўй, эчки, йилқи боқиб, ундан гўшт, сут, юнг олишган. Текисликларда эса деҳқончилик ўзлаштирилиб, арпа, тариқ, буғдой экилган. Ҳозирги Бишкек шаҳридан, Оламедин сувининг бўйидан, Тўқмўқ шаҳридан Марказий Тангри-Тоғнинг в.ҳ. территорияларидан махсус деҳқончиликка мослаштирилган меҳнат қуроллари ва сопол идишларнинг синиқлари топилган.

Неолит замонида қуроллар анча яхширган. Тошларга ўткир дам чиқаришган. Улардан тош болта, кетмон ясашган. Дастлабки одамларнинг турмуш-тирикчилигини акс эттирган энг ҳайрон қолдирадиган топилдиқ бу Оқ-Чунғур унгуридаги расмлар бўлиб қолди. Иссиқ-Кўлдаги Сари-Жаз водийсидаги баланд тоғда ўрин олган Оқ-Чунғур унгуридан дастлабки одамнинг қўлидан яралган жониворларнинг расмлари, шунингдек одамларнинг овчилигини ва рақсини акс эттирган расмлар топилган. Бу унгулдаги тортилган расмлар бундан 10 минг йил илгари тортилган экан. У расмлар – бизга ота-боболаримизнинг ўтганидан, яшаш турмушидан хабар берган ёдгорлик бўлиб қолди.

Металл даврининг хусусияти. Жамиятнинг яшашидаги энг катта ўзгариш мис конининг очилиши билан бошланган. Конни эритиш билан ундан дастлабки металл қуролларини ясашди. Мис конлари ҳозирги Ўш вилоятидаги Новқат қишлоғида, Чатқал ва Кетмон-Тепа водийларида топилган. Бироқ дастлабки мис қуроллари оз фойдаланилган, сабаби у юмшоқ ва мўрт бўлган.

Металлнинг тараққиёт даври мис билан қалайнинг қўшилмаси, бронзага эга бўлгандан бошланди. Шундай қилиб бизнинг эрагача 3-минг йилликда янги замон – *бронза даври* бошланади. Қалай конини Иссиқ-Кўлнинг Сари-Жаз сувининг бўйидан кавлаб олишган. Улар конларни устахоналарга фидиракли арава билан та-



Найтаннинг боши  
Бронза даври



Бронза балта.

шиб келишган. У мисга нисбатан анча қаттиқ келиб, ишлатганга фойдали бўлган. Бронза даврида ўлган одамларни ерга қўйиш урф-одати кенг тарқалган. Қабрларга озиқ-овқат, бронза пичоқлар, игналар, сирғалар ва билагузуклар, шунингдек эркакларнинг ёнига уруш қурол-яроғлари қўйилган.

Бронза даврида алмаштириш авжига чиққан, масалан, Чуй территориясидаги Александровка қишлоғидан бизнинг эрагача 2-минг йилликка тегишли ўттизтача бир-бирига ўхшаш бронза ўроғи, Қорақўл шаҳрининг территориясидан эса бешта бронза ханжари топилган.

Бронза замонида деҳқончилик анча яхши даражада ривожланган. Ерни кетмонлаб ишлатиш куч олган. Ўшаёқ замонда одамларнинг маданий даражаси ҳам анча ривожланган. Бунга Тўғуз-Тўрўдаги Саймали-Тош қадимги расм тўплами ва Чўлпўн-Ота шаҳридаги тош бетидаги расмлар гувоҳ бўлаолади. Чорвачиликнинг, деҳқончиликнинг ривожланиши, ортиқча маҳсулотларнинг кўпайиши жамиятдаги тенгсизликни пайдо қилди. Тахминан бизнинг эрагача 1-минг йилликда бронзанинг ўрнини темир эгаллаган. Натижада меҳнат унумдорлиги куч олади. Унинг билан биргаёқ жамиятдаги тенгсизлик кучаб, дастлабки ижтимоий жамият бузила бошлаган. Жамият синфларга бўлиниб, инсониятнинг яшаш даври янги босқичга кўтарилган. Марказий Осиёнинг тоғли ва далали территорияларида уруф бирлашмалари тузила бошлаган.



Буни билиш қизиқарли

Саймали-Тош – қоя бетидаги расм галереяси

«Денгиз сатҳидан уч минг метрдан ошiq баланд тоғдаги Саймали-Тош тоғ йўлида кўп сонли қоя бетидаги расмлар бор. Бу – қадимги замоннинг энг катта расм галереяси. Минглаган йиллар ичида тошларга «расм тортиш билан» одамлар бу тоғларга ўзларининг фаолиятларининг, ўзларининг ушбу ерда бўлганликларининг изларини қолдиришган. Ҳаммаси бўлиб юз мингдан ошiq расм тортилган. Энг қадимгилари бизнинг эрагача 2-мингинчи йилларда тортилган – булар бронза даврининг ёдгорликлари.

Тўпоз қўшилган аравалар ва сўқалар тасвирланган кўринишлар, махсус кийимчан ва қанотлардан ясалган бош кийимчан одам шакллари – анча қадимий расмлар.

Саймали-Тош – очiq осмон остидаги дунёда энг катта расмлар галереясининг бири».



Ёзиб олинг

*Тош даври* – инсоният тарихидagi узoққа давом этган давр, у одим джралиб чиқишдан тортиб бошланган



**Инсоният жамиятининг дастлабки босқичи** – дастлабки ижтимоий жамият.

**Уруғлик жамият** – она томонидан қонлашишга асосланган одамларнинг жамоати.

② Саволлар ва топшириқлар:

1. Дастлабки одамлар қуролларни нимадан ясашган ва ҳаёт-тирикчилиги қандай бўлган?
2. Тош даври қандай бўлинади, уни нима учун бўламыз?
3. «Онгли» одам аввалгилардан нимаси билан фарқ қилади?
4. Чорвачиликдаги ўзгаришлар одамларнинг яшашига қандай таъсир теккизган деб ўйлайсиз?
5. Харитадан тош даврининг ёдгорликлари қайси ердан топилганини кўрсатинг.

## § 8. Сақ уруғ иттифоқлари

① Асосий саналар:

Бизнинг эрагача I минг йилликда – Ўрта Осиёда сақлар яшаган. Бизнинг эрагача VI–V асрлар – сақлар иккита катта уруғ иттифоқига бирикишган.

Бизнинг эрагача 530-йилда – форс подшоси Кир II сақларга қўл солиши.

Бизнинг эрагача 519-йилда – сақлар босқинчи Дарий I га қарши уришишган.

✓ **Тушунчалар:** тиграхауда-сақлари, кўчман жамоатлар, хамураварга-сақлари, жамиятдаги тенгсизлик, династия.

Сақлар жойлашган территориялар. Бизнинг эрагача I минг йилликнинг ўртасида Ўрта Осиёнинг территорияларида кўчман халқлар яшаган. Ўрта Осиёдаги бу халқларни қадимги форс тилида – *сақлар*, қадимги юнон тилида *скифлар* деб аташган. Сақ атамаси «кучли эркак» (жангчи) деганини тушунтирган. Сақлар Қирғизистоннинг ҳозирги территориясида истиқомат қилган асосий халқ бўлган. Бизнинг эрагача VI–V асрларда улар икки уруғ иттифоқига бириккан. Уларнинг бири Каспий денгизидан Марказий Тангри-Тоққача территорияни эгаллашган. Қадимги форс манбаъларида бу иттифоқ сақ-тиграхаудалар.

Сақ уруғларининг бошқа иттифоқи Шимолий Ҳиндистондан Олойга ва Фарғонагача ерларни истиқомат қилишган. Форслар уларни сақлар-хамураваргалар, яъни «хаумни ортиқча кўрганлар» (муқаддас ўсимлик), деб аташган. Ҳозирги Қирғизис-

тон территориясининг шимолий томонида сақ-тиграхаудалар, жанубий томонларида эса сақ-хамураваргалар яшашган.

Сақлар шарқ Эрон тилида гапиришган. Олой, Марказий Тангри-Тоғи ва Кетмон-Тева водийларида археологлар топишган бош суякларга нисбатан сақлар европали қиёфада бўлишган.

Чорвачилиги. Қирғизистон территориясидаги сақларнинг асосий хўжалиги кўчман мол чорвачилик бўлган. Мол ёки мол озиқларини қўшни деҳқон уруғларининг экинига алмаштириб олишган. Юнон тарихчилари бундай деб ёзган:

«Сақларнинг қўй боққан молчилари – скиф уруғлари. Улар Марказий Осиёда истиқомат қилган кўчманлар. Улар тирик бўйсуниб бермайди, бир-бирига адолат муомала ясайди. Улар отчан юришади ва сут билан озиқланишади». Сақларда мол кўп бўлган. Оқ суяклари бир неча минг қўй ва уюр-уюр йилқиларга эга бўлган. Мол йил бўйи далада овқатланган. Сақлар дағал жунли қўй, икки ўркакчи туя ва ўркакчи сигир боқишган. Шундай сигирларнинг скелетини археологлар Иссиқ-Кўлдан топишган. Сақлар айрича йилқилари билан фахрланишган. Йилқилари кучли, кичкина, бўйини қисқа ва боши катта бўлган. Уларнинг асосий афзаллиги: ўзлари озиқа топиб, гўшт, сутни кўп бериб, фоят чидамли келишганлигида эди.

Сақлар ёзда яйловларда ўтов сингари, кўчиб-қўнишга осон турар-жойларда, қишда мутгасил солинган томларда яшашган. Унда овқат ясаш учун ўчоқ бўлган. Озиқ-овқатини асосан гўшт, сут озиқлари, арпа нон ташкил этган. Баъзан озиқ-овқатга қанотлилар гўшти фойдаланилган. Сақлар моҳир овчилар бўлишган.

Сақлар ҳар хил қўл ҳунарчилиқни билишган. Қўйнинг жунидан газлама тўқишган, кигиз босишган, уни сирт кийим ва гилам ясашга қўлланишган. Ишлатилган теридан идишлар, белбоқ, оёқ кийим, бош кийимлар ясалган. Сақларнинг Ола-Тоғдаги қўрғонларидан гил идишлар топилган. Уларнинг туби тўғарак бўлган, кўчман ҳаётнинг шартларига яхши мослаштирилиб, пи-



Сақ-тиграхауд.



От жабдуқлари.



Гўзаллик буюми.

шиқ бўлган. Сақлар мис, темир, олтин, кумуш кавлаб олишган ва ишлатишган, бронза олишни билишган. Темирдан ва бронзадан қурол-яроқ, шунингдек меҳнат қуролларини ясашган.

Сақларнинг ижтимоий тузилиши. Сақ жамиятини туғишган оилаларнинг кичкина гуруҳи кўчман жамоат тузган. Бир неча кўчман жамоат, уруғлар иттифоқига бириккан. Сақ жамиятининг бошида энг юқори ҳокимиятга эга бўлган хон ёки хонимлар турган. Ҳокимият бўғиндан бўғинга ўтган. Сақ халқининг асосини эркин жамоатчилар – қатордаги кўчман-молчилар тузган. Хотин-қизлар сақ жамиятида махсус ўрин эгаллашган. Тарихий манбаъларга қараганда улар «қаҳрамон бўлишган ва ўзларининг куёвларига уруш пайтларида ёрдамга келишган». Жамиятнинг энг қуйи босқичини тутқунга тушган қуллар тузган. Улар чорвачиликда қора ишларинигина бажаришган: ўтин олиб, тери ишлатишган в.ҳ.ш.к. ишларни бажаришган.

Бизнинг эрагача V асрга қараб сақларда катта бойликка эга бўлган оқ суяк одамлар пайдо бўлган. Пайдо бўлган мулкчи тенгсизликни сақлар қўйилган гўристонлардан пайқаса бўлади. Сақ подшоларининг гўристонлари ёлғиз ва қатор тизилган гўристонлардан иборат.

Сақларнинг жангчилик ишлари. Ҳар бир даражага етган сақ аскар бўлиб ҳисобланган ва бошқарувчининг чақирғи бўйича барча қурол-яроғи ва ўзининг номи билан талончиликка чиқишга мажбур бўлган. Отда юришни ва ёй отишни улар бола чоғлариданоқ ўзлаштиришган, шунинг учун сақларнинг отчанлари дунёдаги энг моҳир чавандозлар деб ҳисобланган. Юнон тарихчисининг айтишига кўра Ўрта Осиёда: «ёй билан отувчи дунёдаги барча ёйчиларнинг ичидан жуда чевар, биронта ҳам ёй ўқини бекорга кеткизмаган сақлар кўнгил қўйишган». Ёй отганни жангчилар жуда яхши билишган – қандайгина ҳолатда бўлмасин – ҳатто от чопиб бораётиб ҳам, орқага бурилаётганда ҳам нишонга тўппа-тўғри теккизишган. Сақ жангчиларининг қурол-яроғлари: қисқа ханжарлар, қисқа қиличлар-акинаклар, сопида тешикчаси бор япроқсимол найзалар, пайраҳалардан тўқилган ва қалин тери билан қопланган қалқонлар, уруш ой болталари бўлган. Ёй қисқа келиб, лекин ғоят маҳкам керилган. Ёй ўқини ёғочдан ёки қамишдан уч қиррали бронза билан, баъзан темир билан учлаб ясашган. Сақлар дубулға кийиб урушга киришган.

Ёвга яроқли отларни ўргатишга алоҳида эътибор беришган. Сақ армияси донгдор бўлиб, ўша замонда энгилмас қатори ҳисобланган.

Сақларнинг форс подшоларига қарши кураши. Бизнинг эрагача VI асрда сақлар кучли душманларига қарши мустақиллик учун кураш юргизишга тўғри келган. Сабаби, форс уруғла-

рини бирлаштириб, буюк давлат тузган Кир II чи сақларни босиб олишни кўзлаган. Унинг кучли армиясининг галабали ҳужумларининг натижасида йирик давлатларни ўзига бош эгдирди.

Бизнинг эрагача 530-йили ёзда Кир II 200 минг жангчиси билан сақларнинг территориясига келган. Қўл солиш учун баҳона излаб, у элчилар орқали Томирис тулнинг қўлини сўраган. Сақларнинг хоншоси Томирис Етти-Сув, Иссиқ-Кўл ва Тангри-Тоғи территорияларидаги сақ тиграхаудлардан Кир II нинг армиясига тенг куч йиғнаган. Ундан кейингина Кир II нинг таклифидан бош тортган. Бу форслар билан бўлган урушга олиб келган. Бироқ икки юзлашишдан кейиноқ сақлар форсларни тор-мор қила бошлаган.

Ерни яхши билган сақлар форсларни орқасидан эрчитиб тоғ дарасига қамаб, уларнинг икки юз минг армиясини тўлиқ вайрон қилган. Жангда отоқли Кир II ҳам ҳалок бўлган. Кир II ўлгандан кейин Форс давлатининг подшолигини Дарий I Гистасп бошқарган.

Бизнинг эрагача 519-йилда Дарий I сақларни бош эгдириш учун кўп сонли аскар билан қўл солган. Бу замонда сақ-тиграхаудаларнинг аскарлари тарқоқ бўлгани сабабли, аскарлар вақтида тўпланган эмас. Шундай қийин пайтда Ширав деган оддий қўйчи умрини қийиб, ўз халқини босқинчилардан сақлаб қолган. У қахрамон ўз қулоқ-бурнини кесиб, танасини ханжар билан тилиб, форс аскар бошчисига келган, у ўз уруғлари уни қийнаганлигини ва улардан ўч олиш учун уларнинг асосий кучи қаерда яширинганини топиб бермоқчи бўлганини айтган. Ширав етти кун бўйи босқинчиларнинг аскарларини қуёш куйган, сувсиз чўлга солиб, форс аскарлари чекасидан қирила бошлаган. Охирида Ширав-Сақ жангчисининг ҳийласини тушунган аскар бошчиси уни ўлим жазосига буюрган. Шундай дубулғаси қилиб, ўз эл-юртини севган сақ ўғли эли учун қурбон бўлган. Дарий I сақларни элаб ўзига қаратгани билан унинг ҳокимлиги маҳкам бўлмади. Босқинчиларга қарши курашга қатнашган Тангри-Тоғлик сақлар қарам бўлган эмас ва форс давлатининг таркибига кирмасдан, эркинлигини сақлаб қолишган.



Буни билиш қизиқарли

Иссиқ кўрғони

Олмотидан анча узоқ эмас ерда жойлашган Иссиқ кўрғонидан археологлар сақларга хос янги маълумотни олишди. Унда бизнинг эрагача V асрда ўлган 16-18 ёшдаги ўсмирнинг суяги ётган, унинг ёнида ҳар турли расмлар туширилган 4 мингдан ошмиқ олтин тахтачаларни топишди. Тахтачалар қачондир бир пайтда ўсмирнинг кийимига тикилибди. Олимлар кавлашда уларнинг биронтасини ҳам ўрнидан жидирмасликка ҳаракат-

ланишди ва улар «олтин одамнинг» костюмини шаклига келтиришди. Иссиқ қўрғонидаги олтин буюмлар гоят сифатлиги билан фарқ қилади.



✍ **Ёзиб олинг:**

**Кўчман жамоатлар** – қондош туғишганларнинг гуруҳидан иборат бир ерга доим яшамаган чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланишган халқларнинг гуруҳи.

**Жамиятдаги тенгсизлик** – меҳнат қуроллари ривожланган сари меҳнат унумдорлиги ўсиб, унинг натижасида ошиқча ундирилган маҳсулотларни уруғ оқсоқолларининг ўзларига ёзиб олиши.

**Династия** – ҳокимиятнинг ижтимоий келиб чиқишига мувофиқ бўғиндан бўғинга ўтиши.

② **Саволлар ва топшириқлар:**

1. Олимлар сақ уруғларининг яшаш турмушини билиш учун қандай манбаъларни фойдаланишсади?
2. Сақларнинг чорвачилиги ва ижтимоий тузилиши қандай бўлган?
3. Форс подшолари нима учун сақларни тўлиқ бош эгдиря олишган эмас, қандай ўйлайсиз?
4. Қўйчи Ширақнинг ўз умрини қийишига нима туртки берди, унинг қаҳрамонлигини қандай баҳолайсиз?

### § 9. Усун давлати

1 **Асосий саналар:**

Бизнинг эрагача 160-йилда – Усунларнинг Марказий Тангри-Тоғига ва Етти-Сувга келиши.

Бизнинг эрагача 107-йилда – Усунлар билан Хитойларнинг ўртасида иттифоқ тузилган.

Бизнинг эрагача 71-йилда – Усунлар билан Хитойлар бирлашиб хунларни тор-мор этган.

Бизнинг эрагача 45-йилда – «Улуғ кунбоғ» Цилими тахтга ўтиради.

✓ **Тушунчалар:** кунбоғ, мерос, кутқу, сулола.

Усун давлатининг тузилиши. Тангри-Тоғидаги усун халқи тузган давлат, хитой ёзувларида «усунь го» (усунлар давлати) деб аталган. Аввал усунлар Улуғ Хитой деворининг фарб томонида кўчиб қўниб юришган. Бизнинг эрагача 160-йилда улар сақларни тор-мор этиб, Тангри-Тоғи ва Етти-Сувга келишган. Уларнинг куч-қувватли уруғ бирикмасига Марказий Тангри-Тоғи, Олой, Етти-Сув, Иле дарёси, ундан нари Балхаш кўлигача

территориялар кирган. Усун давлатининг подшоши кунбоғ – «уруғ бошлиғи» деган унвонга эга бўлган. Унинг ўрда шаҳри Чигу ёки Чигучэн (қизил водийдаги шаҳар) бўлган. Археологик тадқиқотлар орқали Чигу шаҳрининг харобалари ҳозирги пайтдаги Иссиқ-Кўлнинг Туп кўрфазининг тубида қолганлиги аниқланди. У ердан усунларга тегишли гил идишлар, бронза ўроқлар, ханжарлар, қозонлар топилган. Бизнинг даврнинг бошланишида кўлнинг суви кўтарилиб, Чигу шаҳри сув остида қолган.

Кунбоғ ҳокимлиги меросга ўтган. Усунларнинг муҳим ишларининг бири уруш бўлиб, ғоят жангчи халқ бўлишган. Давлатни бошқаришда кунбоғ оқсоқоллар кенгашига таянган, улар давлатнинг муҳим масалаларини ҳал қилишган. Подшога давлатни бошқаришда 16 мансабдор ёрдам берган. Усун армияси ўша замонда жуда кучли бўлган. Усун отличлари суяк билан қопланган оғир ёй, темир учли ёй ўқи ва темир қилич билан қуролланишган.

Чорвачилиги. Усун давлатининг хўжалигини чорвачилик, деҳқончилик ва қўл ҳунарчилик тузган. Энг асосий хўжалик ярим кўчманчи мол чорвачилиги бўлиб ҳисобланган. Ёзда баланд тоғли яйловларда ва қишда водийларда қўра-қўра қўйларни, уюр-уюр йилқиларни боқишган. Асосий бойлик йилқи эди. Молнинг кўпчилиги қисми усунларнинг оқсуяқларига тааллуқли бўлган. Энг бойларида 4–5 минг арғумоқларнинг уюрлари бор эди. Уларга жуда яхши яйловлар тааллуқ бўлган, бунда қашшоқлашган қариндошлари ва қуллар уларнинг йилқиларини ва қўйларини боқишган. Кунбоғ ҳисобсиз йилқи уюрларига эгалик қилган. Иссиқ-Кўл ва Чуй водийларида археологлар томонидан усунларнинг турар жойлари топилган. Ҳозирги Қора-Болтанинг шимолидан, шунингдек Оламудун ва Қум-Ариқ қишлоқларининг ёнидаги усунларнинг турар жойларидан кўплаб тош қўл тегирмонлар, ўроқлар ва сопол идишлар топилган. Бу ёдгорликлар усунларнинг деҳқончилик ва қўл ҳунарчилик билан шуғулланиб, ҳаёт ўтказганидан хабар беради.



Иссиқ-Кўл тубидаги сопол намуна.



Усунларнинг сопол-оёқлари. Иссиқ-Кўл.

Хитой билан иттифоқ. Бизнинг эрагача II асрнинг 2-ярми-дан тортиб усунлар билан хитойларнинг ўртасида ўзаро алоқа тузилади. Хитойлар усунлар билан яхши муомала тузиш орқали азалги душмани хунларни тор-мор қилишни ва Ўрта Осиёдаги Улуғ Ипак йўлига назорат қилишни мақсад қилган. Буни амалга ошириш учун Хитой императори У-Ди подшо қизларининг биттасини кунбоғга хотинликка жўнатди. Хитой подшосининг қизига уйланган кунбоғ бизнинг эрагача 107-й. Хитой билан иттифоқ тузган. Хунларнинг ҳукмдори тагин усунлар давлатига ўзининг таъсирини йўқотгиси келмасдан, дарровоқ кунбоғга ўзининг қизини берган. Вақтнинг ўтиши билан четэл хон қизларининг авлодлари тоққа ўтиришган ёки унга талабгор бўлишган. Улар кунбоғнинг сулоласида «хань» ва «хунн» деб аталган ўзаро баслашган иккита доимий бутоқни тузишган.

Хуннлар билан бўлган уруш. Бизнинг эрагача I асрнинг бошланишида усунлар давлатининг бошига кунбоғ УнгуЙми туриб, тоққа ўтирганда Фейван деган номга эга бўлган. Бу кунбоғ сулоласининг «хань» бутоғига тааллуқ бўлган. У ҳам хитойлик хон қизига уйланган. Фейван бошқариб турган пайтда усунларнинг давлати куч олиб, унинг қадр-қиммати қўшни давлатлар орасида ўсган. Усун кунбоғининг болалари хитойлик императорнинг саройида билим олишган. Бизнинг эрагача I асрнинг 70-йилларида усунларнинг кучаганидан ва хитойлар билан алоқасининг ривожланишидан чўчиган хуннлар сун мулкларининг чегараларига бир неча марта ҳужум ясашган. Ўшанда Фейван Хань империяси билан хуннларга қарши биргалашган аскарый ҳаракатлар ҳақида келишув тузади. Бизнинг эрагача 71-йилда усунларнинг 50 минг аскари, 150 минг хитой армияси билан биргаликда хуннларга қақшатқич зарба уришган.

Усун давлатидаги ички чатоқлар. Усунларнинг кучаши Хань империясини қаттиқ тинчсизлаштирган. Унга баҳслаш эмас, сўзга кирадиган иттифоқдош керак бўлганди. Кўп ўтмай хитойлик ўрда усунлар давлатининг ички ишларига кириша бошлаган.

Бизнинг эрагача 64-й. кунбоғ Фейван вафот этгандан кейин, усунларнинг оқсоқоллар кенгаши, онаси хунн қизи бўлган меросхўри Нимини тоққа ўтиргизишади. Янги кунбоғ тоққа ўтиргандан кейин Қуанван деган исмга эга бўлган.

Кунбоғ Қуанван давлатни озгинаёқ бошқарди. Халқ уни яхши кўрмади. Оқсуяклардан ҳокимият олган кунбоғ уларнинггина манфаатини ҳимоя қилиб, оддий халқга эътибор берган эмас. Қуанваннинг хотини — Хитой подшосининг қизи УнгуЙми Қуанваннинг халқ орасида қадр-қиммати йўқ эканлигини император саройига билдирган. Уларнинг кўрсатмаси билан кунбоққа қарши қутқу

ташкил этилган. Хитой хонининг қизи Чигудаги оқ саройида тўй бериб, тўй ўргалаб қолганда тўрда ўтирган Қуанванни қутқучиларнинг бири қилич билан чопган. Бироқ қилич яхши тегмасдан, Қуанван ярадоргина бўлган. Қутқуга қатнашганларнинг бири қўл солишдан кейин тоққа қочиб кетган. Ундан кейин қўққисдан Қуанванга ҳужум қилиб, уни ўлдирган.

Бизнинг эрагача I асрнинг 60- йиллари ўртасидан бошлаб бизнинг эрагача 45-йилларгача усун кунбоғларининг сулоласининг «хунн» ва «хань» бутуқларининг ўртасида олий ҳокимият учун кураш юрган. Бу кураш давлатнинг тор-мор бўлишига олиб келган.



Тарихий манбаъ билан танишиш  
Қадимги Хитой тарихида усунларнинг баён этилиши.

«Усунларнинг катта гуньмоси Чигу шаҳрида яшайди. Чанғандан 8900 ли масофада, 120 000 хонадон, 630 000 одам, аскарининг сони 188 800, ери текис ва ўтли; ўлка ёғин-сочинли ва совуқ. Тоғларида игнабаргли ўрмон ва мань дарахти ўсади. Деҳқончилик қилишмайди, моли билан эса сувли ва ўтли ерларга кўчиб-қўниб юришади; ташқи кўринишлари хуннларга ўхшашиб кетади. Уларнинг мулкларида йилқи кўп, бойлари тўртдан беш минггача йилқи боқишади. Уларнинг мулки энг кучлилардан бўлиб ҳисобланади.



Ёзиб олинг:

**Кунбоғ** (гуньмо) – «уруғларнинг бошлиғи», усунларнинг подшосига берилган унвон.

**Мерос** – отадан болага ҳокимиятнинг меросланиб қолиши, усун давлатининг ҳокимияти меросга қолган.

**Қутқу** – бир неча одамнинг ҳокимиятга қарши махфий уюшганлиги.



Саволлар ва топшириқлар:

1. Усун давлатига таъриф беринг:
2. Усунлар билан хуннларнинг уруши қимларга фойдали бўлган?
3. Нима учун Қуанванга қарши қутқу ташкил этилди?
4. Усунларнинг ички чатоғи нимага олиб келди, давлатга қандай таъсир теккизд?
5. «Чин у шаҳри» деган мавзуда ҳикоя ёзинг.



## § 10. Давон давлати

1

Асосий саналар:

Бизнинг эрагача I минг йиллик – Фарғона водийсидаги Давон давлати.

Бизнинг эрагача 103-йилда – Фарғонага хитойликларнинг биринчи босқинчилиги.

Бизнинг эрагача 101-йилда – Фарғонага иккинчи босқинчилик.

✓ Тушунчалар: босқинчи, аргумоқ, хом ғишт.

Давон давлати. Фарғона водийсида бизнинг эрагача I минг йилликнинг бошланишидаёқ ривожланган, кучли давлат пайдо бўлган. Хитой ёзувларида у Давон деб аталган.

Давлатни маҳаллий подшоларнинг сулоласи бошқарган. Уларнинг ҳокимияти оқсуяклардан тузилган оқсоқоллар кенгаши билангина чекланган. Кенгаш подшоларни танлаган ва алмаштирган, уруш ва тинчлик масалаларини ҳал қилган, бошқа ўлкалар билан элчилик алоқаларни тузган ва узган.

Оқсоқоллар кенгашининг қарори айрим шаҳарларнинг раҳбарлари учун ҳам мажбурий бўлган. Давлатнинг таянчини эркин қишлоқ жамоати тузган. Уруш маҳалида улардан 60 минг одамгача халқ қўшини тўпланган, улар ёй ва найзалар билан қуролланган. Хўжаликда қўлларнинг меҳнати фойдаланилган, бироқ қўлчилик кўпинча оилалик сифатда эди, чунки ишлаб чиқаришда қишлоқ жамоати асосий аҳамиятга эга бўлган.

Хўжалиги, шаҳарлари. Бизнинг эрагача II асрда Давон хўжалиги энг юқори даражада ривожланган. Давлатнинг хўжалигини деҳқончилик тузган, жамоатдагилар гуруч, бугдой, пахта, беда, узум ўстиришкан, ундан энг яхши шароб тайёрлашган. Давоннинг фахри наслдор аргумоқлар эди, улар бутун Марказий Осиё бўйлаб доғдор бўлишган. Бу ўлкани «кўкдан тушган олам аргумоқларининг ўлкаси» – деб бекордан айтишган эмас, чунки: – «Хитой тарихчилари давонликларда аргумоқлар ғоят кўп. Аргумоқлар терлаганда қизғиш тер чиқади. У аргумоқлар йилқиларнинг осмон насл-насабларидан пайдо бўлган деган афсоналари бор» деб тамшаниш билан ёзишган. Фарғонада 70 тача катта ва кичкина шаҳарлар жойлашган. Давоннинг пойтахти Эрши шаҳри бўлган. Шаҳарни бир нечта ғов айлантириб ўраб турган, марказий қисми хом ғишдан қурилган минорали қалин деворлардан иборат. Давон давлатининг йирик шаҳарларининг бири Ўш шаҳри бўлган.

Давлатнинг шарқдаги чекини Ю шаҳри ҳимоя қилган. Шарқдан, ғарбдан ва шимолдан уни баланд минорали ҳимоя қилувчи

деворлар ўраб турган, жанубдан жўш урган дарё ҳимоя қилган. Хом гиштдан қурилган унча катта эмас турар уйларнинг тепасида гов деворлари юқори кўтарилиб турган.

Фарғона халқи тахминан 300 минг одамни ташкил этган, ташқи кўринишлари европалилар турида бўлган. Хитой тарихчилари «Давонликларнинг кўзлари чуқур, соқоллари қуюқ» деб ёзишган. Улар шарқ эрон тилларида гаплашишган.

Фарғонага хитойликларнинг биринчи босқинчилиги. Бизнинг эрагача II а. охирида Фарғона халқи Хитойдаги Хань сулоласининг тажовузкор босқинчилигига қарши курашишга дучор бўлган. Хань империясининг императори У-Ди бир неча босқинчилик урушларни юргизган. Кўчман хунн давлатининг кучдан кетишидан фойдаланиб, улар Улуғ Ипак йўли ўтган Шарқ Туркистонининг кўп қисмини босиб олган.

Бизнинг эрагача 105-й. улар усунлар билан иттифоқ туздандан кейин Фарғонани босиб олишни ва Фарғона орқали ўтган Улуғ Ипак йўлига эгаллик қилишни назарда тутган. У-Ди Фарғонага уларнинг аргумоқларини сотиб олиш учун элчи жўнатган. Оқсоқоллар кенгаши аргумоқларни хитойликларга сотишдан бош тортишган. Хань элчиси ўзини ғоят юқори даражада сезиб, давонликларга пўписа қилган, элчининг бундай қилиғи учун уни Ю шаҳрида ўлдириб қўйишган. Элчининг ўлдирилиши императорнинг фарғоналикларга уруш эълон қилиши учун яхши баҳона бўлган.

Император олти минг отлиқни ва бир неча минг пиёда аскарни аскар бошчиси Ли Гуанлининг раҳбарлигида босқинчиликка жўнатади. Бизнинг эрагача 103-й. хитой аскарлари оғир жанглар билан тоғни ошиб, Ю шаҳрига етган, шаҳарни ўраб олган. Хитой аскарлари шаҳарга ҳужум қилиб, уни бўйсундирган. Бироқ ундан нариги уруш ҳаракатлари учун кучи етмай, Ли Гуанли чекинишга буйруқ берган. Фарғонага босқинчилик муваффақиятсиз тамомланган. Хитойга ҳар бир беш жангчининг биригина келган.



Тоғ бетига чекилган ишқал  
Уш. В. э. I-минг йиллик.



Пами жангчилар

Хитойликларнинг Фарғонага иккинчи босқинчилиги. Император У-Ди фарғоналикларни эсдан кетмас қилиб жазолаш-ни ечган. Бизнинг эрагача 101-й. юз минг армия иккинчи босқин-чиликка чиққан. Барча қуролли кучларнинг бошида Ли Гуанли турган.

Биринчи босқинчиликдагидаёқ тажовузкорларнинг йўлида Ю шаҳри турган. Шаҳарнинг жангчилари далага чиқиб, Хитой ар-мияси билан очиқ жанг қилган. Бироқ шаҳарликлар оз бўлган ва мағлубиятга учраб қолишган, уларнинг қолганлари шаҳар ичига яшинишиб, мудофаага ўтишган. Ли Гуанли шаҳарнинг довурак мудофаачиларини қуршаб олиш учун аскарларининг бир қисми-ни қолдириб, асосий кучни давлатнинг пойтахти Эрши томонга қараб олиб жўнаган.

Фарғонанинг подшоси Мугуа душманнинг ортиқчилик қил-ган кучига очиқ жангга чиқиш натижасиз эканини тушуниб, озиқ-овқат ва мол учун ем-хашак ғамлаб, марказий шаҳарнинг дарво-заларини ёпишга буйруқ берган.

Хитой армияси Эршини 40 кун қуршовга олган. Марказга кирган сувни бошқа томонга буриб юборишган. Қуршовдагилар чуқур қудуқларни кавлаб олиб, мудофаани давом эттиришди. Хитойликлар шаҳарни қуршаб турган деворни буза бошлади. Ўшанда подшо Мугуа мудофаачиларни маҳкамроқ ички девор-нинг ичига киргизиб, қаршилик кўрсатишни давом эттираверган.


Фарғонанинг енгилиши. Ғовлардан ҳам мустаҳкамлик — бу бирикканлик эди. Мана шу бирикканлик шаҳар мудофаачи-лариди бўлмади. Энг оғир пайтда оқсоқоллар кенгашининг таъсирли одамлари босқинчилари билан тил топишмоқ йўлини излай бошлади. Довурак Мугуа хонлик билан ўлдиридди. Унинг бошнини ярашишнинг нишонаси сифатида оқсоқоллар Ли Гуанли-га юборишди. Ўртада тинчлик шартномаси тузилди.

Унинг шартига кўра хитойликлар бир неча ўнлаган наслдор аргумоқларни ва 3 минг чопқир отларни олишди. Мугуа ўлди-рилгандан кейин, бўш қолган подшонинг тахтига хитойликларга жон тортган тўра Моцай ўтирди.

Шундай қилиб, босқинчиларнинг армияси Эршини босиб олол-май қайтиб орқага жўнади. Озодликни севган Ю шаҳри Хитой билан тинчлик шартномани танимади. Ли Гуанли бу томонга кат-та куч юбориб, улар ҳужум билан Ю шаҳрини олишди. Фарғона-ликлар қувватли Хитой билан курашда енгилиб қолишди. Бироқ У-Ди учун ғалаба ўнгайга турган эмас. Хитойга 100 минг аска-рининг ўрига 10 минг аскаргина қайтиб келди, 3 минг Фарғона аргумоқларининг эса мингигина қолган.

Ли Гуанлининг армияси кетиши билан Фарғона давлатида хань империясининг сиёсий таъсири тўхтади. Оқсоқоллар подшо

Моцайни хоин қатори айблаб, ўлим жазосига ҳукм қилишди. Тахтга Мугуанинг энг кичик укаси Чаньфин ўтирди. Давон давлати тезгина ўзининг мустақиллигини тиклади.

 Тарихий манбаъ билан танишиш  
Қадимги Фарғона ҳақида Хитой маълумоти.

«Халқи 60 000 оиладан, 300 000 одамдан турган; аскарининг сони 60 000 Давон мулкдориди ҳамма ерда узумдан шароб ачитишади. Бойлар уни кўп меъёрда уйларида сақлашади ва улар бир неча ўнлаган йиллар бўйи бузилмасдан сақланиб тураверади. Давонликлар шаробни яхши кўришади; уларнинг отлари эса му-су ўтини (беда) ейишади. Давонда 70 дан ошиқ шаҳар бор. Арғумоқлари кўп, отлари терлаганда қизғиш тер чиқади.

Уларнинг йилқилари осмон отларининг тухумидан пайдо бўлган деган миш-мишни айтишади... Давонликларнинг кўзлари чуқур, соқоллари куюқ; савдога қобилиятли, фойда кўзлашда бир-бирига баҳслашади. Хонимларни ҳурмат қилишади, рафиқаси айтган сўзни эркаклар ҳеч қачон ерда қолдиришмайди.


 Ёзиб олинг:

**Оқсоқоллар кенгаши** – давлатдаги йирик оқсуяклардан иборат, подшонинг фаолиятини назорат қилиб турувчи идора.

**Тажовузкор** – давлатнинг иккинчи бир давлатга аскар кучлари билан қўл солиши.

**Хом ғишт** – лой ва сомон аралашмасидан ясалиб, қуёшга қуритилган ғишт.

**Арғумоқ** – наслдор отларнинг қадимги аталиши.

 Саволлар ва топшириқлар:

1. Давон давлати қайси пайтда пайдо бўлган, уни кимлар бошқарган?
2. Фарғоналикларнинг хўжалигининг асосини нима тuzган?
3. Хитойликларнинг Фарғонага уруш очилишининг сабаби нимада эди?
4. Биринчи ва иккинчи босқинчиликлар хитойликлар учун ва фарғоналиклар учун қандай натижалар билан тамомланди?
5. Фарғоналикларнинг қаҳрамонлигини ва довбюраклигини ақс эттирган кичкина эссе ёзинг.

## § 11. Қадимги қирғизлар хуннларнинг (гунн) даврида

1

Асосий саналар:

Бизнинг эрагача 1-минг йиллик — Марказий Осиёда хуннларнинг тарихий аренага чиқиши.

Бизнинг эрагача 209-й. — Маодуннинг ўзини хуннларнинг шоңуий қатори эълон қилиши.

Бизнинг эрагача 201-й. — Маодуннинг Гэгун (Қирғиз) эгаликларини босиб олиши.

Бизнинг эрагача 56-й. — Қирғизларнинг хуннлардан бўлиниб, мустақил давлат тузиши.

✓ **Тушунчалар:** шоңуий, гэгун.

Қирғизлар ҳақида дастлабки хотира ва қадимги қирғиз территориялари. Қирғизлар ҳақида бизга етган энг биринчи хотира Хитойнинг тарихий асарларида учрайди ва бизнинг эрагача 201-йилга тааллуқ. Худди ушбу замонда Маодун раҳбарлик қилган хуннларнинг қувватли давлати гэгунларни босиб олгани ҳақида маълумот бор. Гэгун деб хитойлилар қадимги қирғизларни аташган. Қирғизлар ҳақида кейинги хотира Хитой йилномасида юз йил ўтгандан кейин — бизнинг эрагача 101-йилда учрайди. Ушбу замонларда хуннлар, қирғизларнинг бошқарувчи қатламларини алмаштирган. Бизнинг эрагача 99-й. Қирғиз мулкдорлигини бошқаришга хуннларга асирга тушган хитой аскар бошчиси Ли Лин тайинланган. Бизнинг эрагача 90-й. қирғизларнинг янги бошқарувчиси хитойликларга қўл солган. Бу урушга қирғизлар фаол қатнашган, хитойликлар оғир мағлубиятга учраган. Ли Лин бизнинг эрагача 74-йилда вафот қилган.

Миш-мишларга кўра унинг авлодлари қирғиз ерида меросли мулкларга эга бўлишган. Қирғизлар хуннларнинг қўл остида қолаверишган. Бизнинг эрагача 56-й. хуннларнинг марказий бошқаруви ночорлаган пайтда қирғизлар уларга қарши чиқиб, озодликка эга бўлишган. Мана шу воқеадан кейин Хитой тарихий манбаъларида дастлабки Қирғиз давлати тўғрисида хотиралаш бошланган. У Қирғиз давлатининг территорияси Шарқ Тангри-Тоғининг шимол томонида Бўрў-Хўрў тоғ тизмаси билан Дзосотин-Элисун чўлининг ўртасида жойлашган.

Хуннлар давлатининг тузилиши. Маодун ҳақида миш-миш. Бизнинг эрагача 1-минг йилликнинг чекларида Марказий Осиёда қадимги кўчманлар хуннлар яшаган. Хуннлар давлатининг тузилиши Маодун шоңуийга боғлиқ. У ақлли, жасур, узоқни кўра билган сиёсатчи одам бўлган, Турк халқлари ўзларининг миш-мишларида уни ҳўккиз хон деб билишган. Унинг исми билан бизга ет-

ган энг қадимги турк афсонаси боғлиқ. Унинг отаси Туман шонуйнинг икки боласи бўлган. Туман яхши кўрган энг кичик боласига тахтини қолдириш учун, Маодунни қўшни уруғга бекорга берган ва қўшнилари ўсмирни тезоблик билан ўлдириб қўяди деб ҳисоблаган. Бироқ Маодун ўнгидан келганда энг яхши аргумоққа миниб, ўз юртига қочиб келади. Отаси унинг довиюраклигини баҳолаб, унга 10 000 оиладан иборат озгина ерни бошқаришга беради. Бошқариш территориясига эга бўлган Маодун аскар туза бошлаган. У аскарлари учун «ҳуштак чалиб учувчи» ёй ўқларини ясади. Маодун ўзининг отлиқларига, ўзи нима ясаса ўшанинг ҳаммасини сўзсиз бажаришга буйруқ берган, у ўзининг зувиллаган ёй ўқини қайси тарафни қараб отса, жангчилар ҳам ўша тарафга отиши лозим эди. Маодунга ҳеч нарсани ўйламасдан, у хоҳлаган нишонга тўппа-тўғри отувчи жангчилар керак эди. Кунларнинг бирида у ўзини асирдан қутқариб чиққан энг яхши кўрган отини отган. Юзлаб ёй ўқи теккан от қулаб тушган. Отни отмаганларнинг боши олинган. Тағин бир бор Маодун боши олинган. Тағин бир бор Маодун ўз рафиқасига ёй ўқини қаратган. Ўша пайтдаёқ рафиқасининг танаси, сайилган ёй ўқларидан кўринмай қолган. Отмай қолган аскар бўлгани йўқ, бу учун аскарларини аёвсиз мукофотлади. У ўзининг жангчилари бошлиқнинг хоҳлаган ишига тайёр эканини тушунди. Учинчи бор у буғуга овчиликка чиққан пайтда унинг ёй ўқи отасининг курак суягига мўлжалланиб, кўз очиб юмгунча юзлаган ёй ўқлари унга сайилди. Бу воқеадан кейин бизнинг эрагача 209-йилда Маодун ўзини хунларнинг шонуйиман (хониман) деб эълон қилган.

Тағин бир миш-миш Маодуннинг бошқарувчи фаолияти ҳақида баён қилади. Бир бор унга қўшни дунху халқининг элчилари келади. Улар Маодундан энг яхши аргумоғини беришини талаб қилган. Шонуйнинг кенгашчилари отни бермасликни айтишди. Маодун оқилларини тинглаб, «яхши қўшни учун от аянчли эмас» деб, энг яхши аргумоғини бериб ташлади. Ундан кўп ўтмасдан чавандоз келиб, энди Маодун ўзининг энг чиройли ра-



Маодун шонуй.



Хун жангчилари.

фиқасини беришини айтди. Аччиғи келган кенгашчилар дарров уруш очишни айтишди.

Бироқ шонуй қўшниси билан тинчликда яшаш учун севикли рафиқасини бериб юборди. Учинчи бор дунху халқининг элчиси чегарадаги ерларни беришини талаб қилди. Оқсоқоллар дарров ер беришни муҳокамага олди. Кенгашчиларнинг кайфини пайқаб Маодун: «Ерни мен ҳеч қачон ва ҳеч кимга бермайман, – деди оҳистагина, – ер давлатнинг асосини тузади». Маодун кенгашчиларнинг бошларини олиб дарров дунхуларга қарши босқинчиликка жўнади. Хуннлар сел қоплагандай қоплаб, дунхуларни тор-мор қилди. Ундан кейин Маодун қўшни уруғларни ва халқларни қаратиб, кучли хунн давлатини тузди. Бизнинг эрагача 200-йилда хуннлар Хитойга йирик ҳужум ясади, ўшандан бошлаб икки давлатнинг ўртасида узоқ давом этган урушлар бошланган. Узунлиги 6 минг км бўлган Улуғ Хитой девори ўша замонларнинг ёдгорлиги. Бизнинг эрагача II а. Хунн давлатининг территорияси шимолдан Байкал, жанубда Тибет, шарқда Хинган, ғарбда Тангри-Тоғигача чўзилиб ётган. Маодун-шонуй бизнинг эрагача 174-йилда вафот қилган.

Тарихий манбаъ билан танишиш  
Хунн давлатининг яралиши.

(Маодун ҳақида миш-миш, хитой тарихчиси Сима Цяннинг энг қадимги йилномасидан). Ундан кейин Маодун умумий ҳарбий чақириқ эълон қилди ва кечикканларнинг бошини олиш буйруғини бериб, қўкқисдан дунхуларга ҳужум қилиб, уларни тор-мор қилди. (Хитой тарихи бу воқеани бизнинг эрагача 209-йилга тааллуқ қилади.)

Ўшандан бошлаб Маодун от устидан тушгани йўқ. У хуннларнинг 24 уруғини бирлаштириб, энг кучли дала давлатини тузди. Қисқа пайтнинг ичидаёқ 300 минг одамдан иборат уруш имконияти энг юқори армия яралди. Хитой ноилждан бизнинг эрагача 198-й. хуннлар билан тинчлик шартномасини тузган.

*Ёзиб олинг.*

*Шонуй* – хуннларнинг хони.

*Гэгун* – қадимги қирғизларнинг хитойча айтилиши.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Қирғизлар ҳақида биринчи бор қачон хотириланади?
2. Қирғизлар билан хуннлар қандай муомалада бўлишган экан?
3. Хуннлар давлатига таъриф бериш.
4. Маодунга боғлиқ афсонави айтиб бериш.

### III БОБ. ҚИРҒИЗЛАР ТУРК ДАВРИ ЗАМОНИДА (VI–XII АСРЛАРДА)

#### § 12–13. Қирғизистоннинг территориясидаги турк ҳоқонликлари

1

Асосий саналар:

552-й. – Улуғ Турк ҳоқонлигининг тузилиши.

603-й. – Улуғ Турк ҳоқонлигининг иккига бўлиниши.

704–766-йй. – Турғўш ҳоқонлигининг замони.

751-й. – Таласдаги Атлах жанги.

✓ Тушунчалар: этнос, ҳоқон, шомон.

Улуғ Турк ҳоқонлиги. Марказий Осиёнинг ва Қирғизистоннинг тарихида VI–X асрлар қадимги турк даври деб аталади. «Турк» деган Хитой солномасида биринчи бор 546-й. ёдга олинган. Бу сўз халқнинг номи, руна сингари ёзувлар бўйича «кучли», «маҳкам» деган сўзни тушунтирган.

VI а. ўртасида Олтойда яшаган турк уруғ иттифоқини ашина уруғидан чиққан бир туғишганлар Бумин ва Истемин бошқарган. Улар миш-мишда айтилган бўрининг ўғли Ашинани ота-бобомиз деб ҳисоблашган. Дастлаб улар Марказий Осиёдаги аварларга (жуан-жуанлар) бош эгиб туришган. Бумин ва Истемин аскарларини кучлаб, аварларнинг ҳокимиятидан қутулишигина эмас, Марказий Осиёга ҳукмронлик қилишни кўзлаган. Уларнинг юқорилаш замони 546-йилда ўзларининг қўшниси теле уруғларини босиб олиш билан қўшланади. Ишончли кучга эга бўлган турклар аварларга солиқ тўлашдан бош тортади, пухта қуролланган жангчилари билан 552-йилда аварларнинг аскарларини тормор қилиб, Бумин аварларнинг давлат бошчисининг «ҳоқон» унвонини олган. Шундай қилиб, бу воқеадан кейин Марказий Осиёда янги «Улуғ турк» ҳоқонлиги тузилди. Турк ҳоқонлигининг асословчиси Бумин 553-йилда вафот қилгандан кейин унинг ўғли Мухан-ҳоқон Манчжурия ва Жанубий Сибирдаги қирғизларни бош эгдирган, ўша замондаёқ шимолий Хитой давлати туркларга солиқ тўлаб турган.

Туркларнинг урф-одатига кўра ҳоқонлик бош ҳокимият Буминнинг укаси Истеминга ўтган. У ғарбга йирик босқинчиликларни ясаб, бурунги босиб олган ерлари Етти-Сув, Марказий ва ғарбий Тангри-Тоғи территорияларини, Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг йирик далалари билан кенгайтган. Натижада Улуғ Турк давлати Марказий Осиёдаги бирдан-бир йирик давлат бўлиб қолган.



Ҳоқонликнинг бўлиниши. Турк ҳоқонлиги ташқи сиёсатида йирик муваффақиятларга эга бўлгани билан уни ушлаб туриш қўлидан келмади. Сабаби, куч билан босиб олган ерлардаги кўз-ғолонлар, ташқи душманлар — Хитой билан Эроннинг куч олиши ва ички ўзаро адоват халақит бўлди. 575-й. қадр-қиммати юқори Истемин-ҳоқон оламдан ўтди, ундан кўп ўтмасданоқ Турк ҳоқонлиги шарқ тарафининг бошқарувчиси Таспар-ҳоқон дунё солди. Бу одамлар ўз вақтида ҳар турли уруғлардан иборат давлатни қаттиқ ушлаб туришган. Энди ночорлаган ҳокимиятга эга бўлиш учун бир туғишганлар орасида уруш юрди. Узоққа чўзилган ҳокимият учун курашнинг натижасида 603-йил Улуғ Турк ҳоқонлиги иккига бўлинган, Шарқий-Турк ҳоқонлигининг марказий территориясини Мўғулистон ва Фарбий-Турк ҳоқонлигининг марказий территориясини Тангри-Тоғи тузган. Шундай қилиб, Улуғ Турк ҳоқонлиги 552-йилда тузилиб, 603-йилгача ҳукм сурган.

Қирғизистоннинг тарихи Фарбий-Турк ҳоқонлиги билан зич боғланишган. Фарбий-Турк ҳоқонлиги 603–704-йй. замонида яшаган. Бу ҳоқонликнинг таркибига Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё территорияларининг деҳқончиликка қулай ерлари, Орол бўйидаги ва Шимолий Кавказдаги ерлар кирган. Маркази аввал Талас водийсидаги Минг-Манбаъ, кейин 618-йилдан бошлаб Чуй водийсидаги Суяб шаҳри бўлган.

Фарбий-Турк ҳоқонлиги Тон жабғу ҳоқоннинг бошқариш замонида (618–630-йй.) ўз аро уришувлардан қутилиб, ривожланишга етишган. Замондошлари унга сиёсий томондан ҳам, аскарий томондан ҳам юқори баҳо беришган. «У ҳеч нарсадан тортинмаган, ҳаммасини олдиндан билган, зийрак одам бўлган. Унинг ҳар қандай тўқнашувни ғалаба билан битган», — деб ёзади хитой солномалари. Унинг вақтида ҳоқонликнинг территорияси кенгайган, ташқи душманлар теголмас бўлган. Фарбий-Турк ҳоқонлиги халқининг асосий хўжалиги молчилик бўлган. Туркларнинг усталари қурол-яроғларни, деҳқонларнинг меҳнат қуролларини ясаган. Бронзадан, мисдан, қумушдан ва олтиндан ҳар турли гўзал буюмлар ясаган заргарлар бўлган.

Фарбий-Турк ҳоқонлиги Фарб ва Шарқ давлатлари билан савдо ва сиёсий алоқада бўлиб, Жанубий Сибирдаги, Олтой ва Мўғулистондаги халқлар билан маданий алоқаларини узган эмас. Улар шомон динини тутиб, ўтга сиғинишган ва ўлган одамни қадимги одат бўйича қўйишган. Ўликни қўйганда тирик вақтида ўша одамга тегишли бўлган буюмларни — ёй, ханжар ёки найза, озиқ-овқат солинган идиш, безак буюмларни қўйишган. Атоқли бошқарувчилар ва аскар бошчиларини тантанали кўмишган. Унга бағишлаб хурофот-аломатлар ясашиб, кўрғончанинг шарқ ёки фарб тарафига мраммар тошдан ҳайкалинини ўрнаттишган.

Тон жабғу-ҳоқон аҳамиятли сиёсий-маъмурий ислоҳот юргизиб, кўчман халқ билан Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонда яшаган даражали одамларнинг ҳуқуқларини тенглаган. Бу дала оқсуякларининг ортиқчиларининг йўқотилишига олиб келиб, улар бир неча енгилликлардан ажраган. Ҳоқон ўзига бош эгиб юрган бошқарувчиларнинг ишини кузатиш учун ва солиқларни йиғиш учун махсус ҳокимлар-дудуқларни тайинлаган. Дала оқсуякларининг норозилигининг кучаши Тон жабғу-ҳоқонни ўлдириш билан тугалланди.

Мана шу воқеадан кейин Фарбий Турк ҳоқонлигида ҳокимият учун кураш бошланади. Охири Ашина сулоласининг охириги ҳоқони тургўшлар тарафидан ўлдирилиб, ҳоқонликнинг йўқ қилиниши билан тугади.

Тургўш ҳоқонлиги (704–766-йй.). VIII асрнинг бошланишида турк уруғларининг орасида Чуй дарёсининг шимолий-шарқида яшаган тургўш уруғи куч олади. 704-йй. тургўшларнинг раҳбарининг қўлидан охириги Фарбий Турк ҳоқони ўлади. Мана шундан кўп ўтмасданоқ Етти-Сувнинг территориясининг кўп қисмига ўз ҳокимиятини ёйилтириб, тургўшлар турк уруғларининг орасида бошқарувчи ҳолатни эгаллайди. Тургўш ҳоқонлигига йиғирма уруғ бириктирилиб, уларнинг ҳар бири ҳоқонга 7000 одамдан турган аскар бериб турган. Маркази Суяб шаҳри бўлган.

Тургўшларнинг энг кучли замони VIII асрнинг биринчи чорагида – Сулук деган ҳоқоннинг бошқариш йилларига тўғри келади. Бу замонда тургўшлар қўшни давлатлар билан боғланишни кучатиб, ўзларининг устунлигини Етти-Сувдан бошқа ерларга ҳам ёйишга ҳаракат қилган. Тургўш ҳоқонлигининг даври Қирғизистоннинг территориясида иқтисоднинг ва маданиятнинг юқорилаши билан белгиланди. Бу ишда Ўрта Осиёга арабларнинг қўл солишига боғлиқ Сўғдани ташлаб кетишган сўғдаликлар муҳим роль ўйнади. Шаҳар ҳаёти жонланиб, савдо ривожлана бошлайди.



Шаҳар ҳаёти жонланиб, савдо ривожлана бошлайди. Ҷша замонда ҳоқонликда тургўш мис тийинлари савдода кўп қўлланилган. VIII а. ўрталарида тургўш ҳоқонлиги учун ташқи сиёсий оғир аҳвол тузилган. Шарқда Хитой империясининг қўл солиш хавфи туғилган, жанубий-ғарб тарафдан эса араб босиб олувчилари кириб келган. Кўп узамасдан хитойлар тургўшларга қўл солиб, уларни тор-мор қилади. Бироқ 751-й. Етти-Сувга кириб келган хитойнинг жангчилари Таласда араблар билан учрашади. Араблар бўлса ўша пайтда бутунлай Ўрта Осиёни енгиб олиб, Етти-Сувга қараб келаётганди. Шиддатли жанг Атлах шаҳрининг ёнида бўлиб ўтади. Хитойлар мағлубиятга учраб қолади-да ўзининг еригача чекинади, араблар эса қайтадан Сўғдага кетишади. Тургўшларнинг араблар билан ва ичора урушлари ҳоқонликни тамоман ҳолдан кеткизган ва 759-й. қарлуқларнинг ҳужуми бошланганда тургўшлар уларга лойиқ қаршилик кўрсата олган эмас. Мана шундай вазиятда Етти-Сувдаги устунлик қилиш туркларнинг қарлуқ уруғига ўтади.

Қарлуқ давлати. Қарлуқлар аввало Олтойнинг ғарбида ва Иртиш дарёсининг қирғоқларида яшаган. VIII а. ўрталарида улар Иле дарёсининг қирғоқларидан бошлаб, Чуй ва Талас водийларигача жойни ўзгартишган. 766-й. Суяб шаҳрини эгаллаб олишгандан кейин қарлуқлар Қирғизистоннинг территориясида бутунлай мустаҳкамланиб олишган. Қарлуқларнинг бошлиғи «жабғу» унвонини олиб юрган. Қарлуқ ҳоқонлиги деярлик икки юз йил яшаган. У яшаган замон – Қирғизистоннинг дастлабки ўрта асрлардаги маълум юқорилаган даврини тузади. Ҳоқонликнинг ҳалқининг асосий қисмини этник жиҳатдан, шунингдек хўжалик жиҳатдан, маданияти ва маиший жиҳатдан бўлсин бир-бирига яқин турк тилида гапирувчи уруғлар ташкил этган. Шаҳарлар ривожланиб, савдо куч олган. Бироқ тобора бош кўтариб келаётган уйғурлар қарлуқларни қисимга ола бошлаган. Натижада қарлуқ давлати барбод бўлиб, тарқоқлик даврини бошидан кечира бошлади.



Тарихий манбаъ билан танишиш Қадимги хитой маълумоти

Турклар асосан йиғилма ўтовларда яшаган. Бошқарувчилари эса ўтовдагина эмас, катта томларда ҳам яшаган. Истеми ҳоқоннинг энг гўзал ўрда томи қараган кишининг кўзига иссиқ кўриниб, ўз вақтида гўзаллиги ва безаклари бўйича европадаги византиялилардан қолишган эмас. У томининг гаяичи олтин ялатилган ёғоч устунлардан иборат бўлиб, тепаси қизил ипак билан ёшилган эди. Кўчманларнинг бундай ўрдаси ташқи олам-



ларни қабул қилишда жуда яхши гўзал буюмлар, идиш-оёқлар билан тўлдирилиб, одам-одамни ҳайрон қолдирган. Ҳоқоннинг баланд тахтининг икки томонида жанговар кийимли, қуролли соқчилар туриб, туркларнинг кучидан хабар бериб турган.

✍ **Ёзиб олинг:**

**Этнос** – маълум бир территорияда шаклланган халқнинг ўзгармас гуруҳи.

**Ҳоқон** – қадимги турк, қирғиз, уйғур ҳоқонликларидаги одий бошқарувчининг ва аскар бошлиғининг номи.

**Шомонийлик** – диннинг энг қадимги шакллариининг бири.

② **Саволлар ва топшириқлар:**

1. Турк ҳоқонлигининг тузилиши ҳақида айтиб бering.
2. Бумин ва Истемиин ҳоқонликни қуришда қандай роль уйнаган?
3. Фарбий Турк ҳоқонлиги бўйича Қирғизистоннинг территориясида қандай ёдгорликлар бор?
4. Тургўш ҳоқонлиги ҳақида нима билдингиз?
5. Қарлуқлар ҳақида айтиб бering.

## § 14. Она-Сойдаги Қирғиз давлати

① **Асосий саналар:**

Бизнинг эрагача I аср – Чжичжининг қирғиз жангчилари билан Минг-Ўзан водийсига босқинчилиги.

Бизнинг эранинг V асри – Қирғизларнинг Она-Сойга юрт ўзгартиши.

Бизнинг эранинг VI асри – Она-Сойда қирғиз давлатининг тузилиши.

✓ **Тушунчалар:** ажо, цигу, қиштим.

Қирғизларнинг Она-Сойга юрт ўзгартиши. Қирғизлар – Марказий Осиёдаги халқларнинг энг қадимгиларининг бири. Уларнинг тарихи хуннлар билан зич боғланишли эканлиги хитой солномаларида акс эттирилган. Хуннларнинг қўл остидаги қирғизлар бизнинг эрагача 56-й. уларга қарши қўзғолонга чиқиб, ўз давлатининг мустақиллигини тиклашган.

Бироқ хуннларнинг хони Чжичжи бизнинг эрагача 49-й. қирғизларни қайтадан ўзига бўйсундирган. Ундан кейин Чжичжи ўзининг аскарларини довурак қирғиз жангчилари билан тўлдириб, ўрта Она-Сойдаги Минг-Ўзан водийсини эгаллаган динлин уруғларига қўл солиб, уларни босиб олган. Бу қирғизларнинг Она-Сойга биринчи марта бориши бўлган. Бироқ қирғизлар таркибида бўлган хуннлар у томонда кўпга туришган эмас, қайтиб келишиб, ҳозирги Талас территориясига жойлашган. Буерда Чжичжи

бизнинг эрагача 36-й. Хитой аскарларининг қақшатғич зарбасига дучор бўлиб, жангда тутқунга тушиб, боши олинади.

Ундан нари қирғизлар ҳақида маълумот бизнинг эранинг I–V асрларига таълуқли хитой солномаларида ёдга олиниб, унда қирғизлар хэгу ёки цигу деб аталган. V асрда қирғизлар жуан-жуанларга қарам бўлмас учун жон аямасдан курашишган. Марказий Осиёда эгаллик қилишга интилган ва жуан-жуан уруғларининг қисими остида қирғизлар Тангри-Тоғдан Она-Сойга юрт ўзгартишга мажбур бўлишган. V аср охирида қирғизлар Она-Сойдаги маҳаллий уруғларни ўзига қўшиб олиб, у ерларни эгаллай бошлаган.

Она-Сойда Қирғиз давлатининг тузилиши. Хитой солномалари ёзгандай VI асрларда қирғизларнинг ерлари Она-Сой дарёсининг ўрта оқимидаги Минг-Ўзан водийсида бўлган. Булар ҳар қайси халқларнинг тарихий манбаъларида ҳар қандай айтилади, сўғда, уйғур ва қадимги турк манбаъларида «қирғиз» деган ном билан маълум. VI асрда Она-Сой қирғизлари бут Минг-Ўзан водийсини бутунлай қаратиб олишиб, мустақил давлат тузишган. Бу ерларда яшаган маҳаллий уруғлар қирғиз уруғларига аралашган, баъзи бирлари эса тоғли томонларга сурилган. Улар қирғизларга солиқ тўлаб туришган. Солиқ тўлаган уруғларни қирғизлар қиштимлар деб аташган. Қиштимлар – Қирғиз давлатига қарам бўлган халқлар бўлиб ҳисобланган.

Қирғиз давлатининг бошида олий бошқарувчи – ажо турган. Ажо олтин иллардан тикилган учи чўққили қалпоқ кийиб, унинг қароргоҳида доимо қизил байроқ тикилиб турган. Ажонинг қароргоҳи яхши мустаҳкамланган, ўртада ажонинг ўтовни, уни айлантира эса кичкина ўтовлар тикилиб, уларда унинг яқинлари туришган. Хитой тарихчилари баён қилгандай Она-Сой қирғизлари номусли, ўзгармас бўлишган. Уларнинг низоми ғоят қаттиқ бўлган:



Қирғизларнинг Она-Сойга кўчиши.



Она-Сой жангичси, тортишган негротидиф.

«Жанг олдидаги тутуруқсизлик, элчилик вазифани бажармаганлик, ажога тескари маслаҳат бергани учун, кимлигидан қатъий назар боши олинган».

Қирғизларнинг хўжалиги ва маданияти. Қирғизларнинг асосий хўжалик ишларидан хабар берган бурунги ёзма дараклар кўп. Айниқса қирғизлар чорвачиликка жуда зўр диққат ажратган. Тан давридаги хитой солномаларида қирғизларнинг «ойилқилари семиз ва ҳайбатли, уларнинг пухталари ер тепиб, ирғишлаб туради. Туялари ва сигирлари бор, бироқ энг асосийи сигир билан қўй. Бойлари бир неча минг мол боқишади», — деб баён қилишган. Қирғизлар эса ўзларига тегишли гўё руник каби ёзувларида «менинг олти минг йилқим», «белги солинган молимга ҳисоб еткис эди», деган сингари сўзларни ёзишган. Чорвачилик қирғизларнинг хўжалигида муҳим ўринда турганлигини археологик топилмалар ҳам тасдиқлайди. Қирғизларнинг ер ўзгартиб, тиришқоқлик билан кўчиб-қўниб юрган ҳаётини уй ҳайвонларининг сонигина эмас, уларнинг туриб қолган ерлари, уйларининг тузилиш қиёфаси ҳам маълум қилади.


Кигиз билан ёпилган ўтовлар қирғизларнинг асосий турар жойи бўлган. Тарихий манбаъларда: «Ажонинг турган жойи Қора-Тоғда. Унинг янги ўтови устунчалар билан ўралган. Кигиз ёпилган. Қолган бошлиқлар ундан кичикроқ уйларда туришади», — деб ёзади.

Кўчманчи қирғизларнинг хўжалик ҳаётида овчилик муҳим роль ўйнаган. Бу тўғрида ёзма дараклар ва тоғ-тошга чекилган расмлар баён қилади. Ёввойи тирик жонлиларга от қўйиб, тайғон солиб, ёй тортиб, камон ўқи билан ёввойи қуш отиб овчилик касбини қилишган.

Қимматбаҳо терилар, (буғунинг мугузи) ва йилқи савдонинг асосий манбаи бўлган. Савдо-сотик ишларининг, талончилик урушларининг орқасидан чет томонлардан қирғизларга серҳашам қурол-яроқлар, чиройли идишлар, газлама-духобалар, тийинлар, бошқа безаклар келиб турган.

Қирғизларга сўғдалик кўпаслар савдо юргизган. Ёзма даракларнинг маълумотига кўра 20–25 туядан иборат карвонлар Она-Сойга икки ойлик йўл босиб, уч йилда бир келиб туришган.

Қирғизлар кон бойликларини ишлата билишган. Қирғиз қўл ҳунармандлари мис, кумуш, олтидан, темирдан уруш қурол-яроқларини ва энг чиройли безакларни ясаган. Сопол вазаларни, косачаларни ясашни билишган.

 **Тарихий манбаъ билан танишиш**  
**Она-Сой қирғизларининг дини**

Она-Сойдаги қирғизларнинг дини тангричилик бўлган. Бошқа турк халқлари сингариеъ Тангри билан Умай-она олий худолар деб ҳисобланган. Қирғизларнинг ишончини форс тарихчиси Гардиси қуйидагича баён қилади: «Қирғизлар индуслар сингариеъ ўлганларини ёндириб юборишади ва ўт – энг тоза нарса, ўтга дуч бўлганнинг ҳаммаси тозаланади: ўлган одамни яна ўт кирдан ва гуноҳлардан тозалайди» деб айтишади. Уларнинг орасида шомон деб аталган одамлар бор; улар янги йилда нима бўлишини: «муҳтожлик ва бойлик ҳақида, ёгин-сочин ва қурғоқчилик ҳақида, қўрқинч ва хавфсизлик ҳақида, душманларнинг қўл солиши ҳақида олдиндан айтишган ва кўпинча у қандай айтса, ўшандай бўлган».




 **Ёзиб олинг:**

**Цигу** – хитой солиномларида қирғиз деган аталешнинг берилиши.

**Қиштим** – қирғизларга солиқ тўлаган қарам халқларнинг аталешини.

**Ажо** – Она-Сойдаги қирғизларнинг олий бошқарувчиси.

 **Саволлар ва топшириқлар:**

1. Марказий Осиёдан қирғизларнинг Она-Сойга бориши ҳақида айтиб беринг.
2. Қирғиз давлатининг тузилиши ҳақида айтиб беринг.
3. Қирғизларнинг ҳўжалиги ва маданияти ҳақида нима билдингиз?
4. «Она-Сойдаги Қирғиз давлати» деган мавзуда эссе ёзинг.

## § 15. Барсбек – қирғиз ҳоқони

1

Асосий саналар:

703-й. – Иккинчи Турк ҳоқонлигининг қирғизларга биринчи бошқинчилиги.

709-й. – Туркларга қарши қирғиз, хитой ва турғўш бирлашувининг тузилиши.

710-й. – Қирғиз элчиси Эрен Улуқнинг Тибетга элчиликка юборилиши.

711-й. – Сунгтадаги жанг.

✓ Тушунчалар: ажо, Ишонувчи Баҳодир Билге, эпитафия.

Барсбек-ҳоқон. Она-Сойда шаклланган Қирғиз давлатининг ҳурмати Барсбекнинг шонли исми билан боғлиқ. Барсбек VII аср охирида Она-Сойдаги Қирғиз давлатининг ажоси (олий бошқарувчиси) бўлган. Бу руна сингари ёзмаларида маълум қилинган қирғиз бошқарувчисининг биринчи исми. Унинг ҳақида тош устунга қирғизлар томонидан ўйиб ясалган эпитафияда ёзилган. Барсбек ёшлигиданоқ етим қолган, тўртта бир туғишгани бўлган. У оиладаги фарзандларнинг каттаси эмас эди, лекин ўзининг шахсий сифати билан ажралиб турган. Унинг уруғи Умай-онанинг хусусий қўллашида туради деб ҳисобланган. Барсбекнинг ўзи ва унинг қариндошлари сийрак учрайдиган – Умай бек деган унвонни олиб юришган. Барсбек ажо ўзининг давлатининг куч-қувватини юксак баҳолаб, Ишонувчи Баҳодир Билге ҳоқон деган юксак унвонни олган. 679-йилда тузилиб, чегараларини аввалги шаклига келтириб, қўшни халқларни босиб олиш нияти авж олган Иккинчи Шарқий Турк ҳоқонлиги билан тенглашиш ҳуқуқига эга бўлган. Марказий Осиёда устунлик қилиш учун интилган туркларга қарши ҳаракат Қирғиз давлатининг қадр-қимматини кўтар-



Барсбек ажо



Барсбекка бағишланган тош устун.



ган. Шундай қилиб, қирғизлар Иккинчи Турк ҳоқонлигининг энг кучли душманларининг бири бўлиб қолган.

Турк ҳоқонлигининг босқинчилиги. Туркларга қарши бирдамлик тузиш ҳаракати. Турк бошқарувчиси Қопағон-ҳоқон 703-йилда аскарларини ўзи етаклаб қирғиз ерига келган. Туркларнинг бу босқинчилиги муваффақиятсиз битган. Чунки Билге ҳоқоннинг ҳурматиға қўйилган тош устунда Барсбекнинг зўр муваффақияти абадийликка ўйиб ёзилган: «Биз ўша пайтда Барсбекка ҳоқон унвонини татбиқ этдик ва менинг синглимни бердик». Демак, босқинчиликда нияти амалға ошмаган Қопағон-ҳоқон Барсбекнинг янги унвонини эътироф қилиб, унинг билан сулола никоҳи орқали қариндош тутинишға мажбур бўлган.

Иккинчи Турк ҳоқонлигининг бошқарувчиси билан қариндошлик алоқа тузилганиға қарамасдан, қирғиз ҳоқони аввалгидаёқ туркларға қарши фаол сиёсат юргизган. Сабаби Барсбек ажо келажакда Марказий Осиёда ўзи устунлик юргизиш мақсадини қаттиқ ният қилган. Туркларнинг кучини тўғри баҳолаган Барсбек уларға қарши жанговар бирлик тузишни ният қилиб, 707–709-йй. Хитойға элчилик юборган. Чу водийсидаги тургўш ҳоқонлигиға Эзгене тўранинг раҳбарлигида элчилигини юборган. 709-йилда Барсбек туркларға қарши бақувват жанговар бирлик тузиб, Унга Қирғиз ҳоқонлиги, Тан империяси (Хитой) ва Тургўш ҳоқонлиги кирган.

Турклар бу бирлик мустаҳкамланишидан олдинроқ шошиб, буларни ёлғиздан яқсон қилишни кўзлади. 709-йилда турк ҳоқонининг буйруғи билан меросхўр хонзода Билге ҳоқон қирғизларға қарши отланиб, уларнинг шериги бўлган чик ва аз уруғларини босиб олган. Улар бу территорияға эга бўлиб, қирғизларни босиб олиш учун қаттиқ тайёрликка ўтишган.



Сунга жанги.



Турк ҳоқонини бағишланган  
тошданги ёзув.

Қирғизлар Саян тизма тоғидаги доволарни мустаҳкамлаб, Минг-Узан водийсига ўтувчи Она-Сой тоғ дарасини баландлатиб тўсишган. Бу табиий ғов туркларнинг қўл солишидан сақлаб, ўз вақтида шерикларнинг ёрдамга келишини таъмин қилади.

Бироқ шериклар ўзларининг чекларинигина ҳимоя қилиш билан чекланиб, қирғизларга келишган эмас. Турклар билан ёлғиз урушиш кўрқинчини сезган Барсбек хитой ва тургўшларга душман бўлган Тибетга 710-йили кузда элчи жўнатган. Элчиликни кучли болчар (булсар) уруғидан чиққан Эрен Улуқ етаклаган. Бу тажрибали элчининг вазифасига куч-қувватли Тибетни туркларга қарши курашишга торттириш вазифаси юкланган, бироқ кеч бўлиб қолган, Эрен Улуқ номаълум сабаблар билан чет ерда вафот қилган. Тибет Барсбек билан иттифоқдош бўлишни билдирган эмас. Хитой ва Тургўшлар унга ёрдамга келгани йўқ. Тақдир ҳал қилинувчи кун яқинлашиб қолган.

Сунгтадаги тўқнашиш. Турк қўл бошчилари жон аямаган қадам ясашни: Саян тизма тоғларидан, қирғизлар мудофаа қилган доволардан айланиб ўтиб, қиш пайтларида йўлсиз ер бўйлаб ўтишга қарор қилишди. Мақсадлари қирғизларга тасодифан қўл солиб, тор-мор этиш бўлган. Босқинчиликка туркларнинг келажакдаги ҳоқонлари тувишган Билге ҳоқон билан Қултегин, шунингдек энг салобатли аскар бошчиси Тўникўк раҳбарлик қилишган.

Қишда Саян тизма тоғлари орқали туркларнинг босқинчилиги ҳақида Тўникўкнинг тош устунда қуйидагича ёзилган: «Мен қорни йириб йўл солдим, ўзим бошқалар билан бирга ёғоч сўйилга таяниб чиқдим. Ғоят қийинчиликлар билан тубан тушдик ва қор йиғиндисини айланиб ўтиб, ўн кеча деганда тоғнинг бағрига етдик». Туркларнинг аскарлари музлаган дарё орқали Минг-Узан водийсига етишди.

Шундай қилиб, 710–711-йилнинг бошида туркларнинг аскарлари беғам ётган қирғизларга қўл солишди. «Биз қирғизларга тун ичида, эл уйқуда ётганда қўл солдик... найзалар билан йўл солдик», – деб белгиланган туркларнинг руна сингари ёдгорлигида. Барсбек асосий кучини Сунгганинг тоғдаги ўрмонли ерига тўшлаб, душманга қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. Ваҳшийлашган жанг бўлди. Куч тенг эмас эди, қирғизларнинг минглаган жангчилари қаҳрамонлик билан уришишди. Барсбек охиригача жанг қилиб, ҳалок бўлди.

Сунгганинг олдидаги жангда қирғизларнинг мағлубиятга учраши, уларнинг тақдирига қайғуди таъсирини тегизди. Турклар Қирғиз давлатини йўқ қилишмади, лекин давлат бошчилигига қирғизлардан чиққан ўз одамини қўйишди. Қирғиз давлати Иккинчи Шарқий Турк ҳоқонлиги ағдарилганга қадар қарам бўлиб қолди.

Қирғиз ажоси Барсбекнинг Марказий Осиёга устунлик қилиш учун ясаган ҳаракати қайғули мағлубият билан тамомланган. Унга бағишланиб ёдгорлик тоши ўрнатилиб, қаҳрамонликлари ёзилган.

Инсон ҳақида билиб ол!

Эрен Улуқ – VII аср охири VIII аср бошидаги Она-Сойдаги Қирғиз давлатининг донгдор элчиси. Барсбекнинг ишончли довжорак элчиси бўлган. Эрен Улуқ қирғизларнинг донгдор болчар (булсар) уруғидан чиққан. У қирғизларнинг бошига қийин иш тушиб турганда Тибетга элчиликка бориб, номаълум сабабларга кўра Она Юртига қайтмай қолган. Бу маълумот Хакасиядаги Олтин-Кўл қирғизларига тааллуқли тош бетидаги руна сингари ёзма ёдгорликда ёзилган. Барсбекнинг махсус ҳурмат қилгани ва ўзининг қаҳрамонлиги ҳақида тош ёдгорликларида бундай деб ёзилади: «Мен халқимдан тўрт марта четга чиқиб, тўрт марта қайта келдим. Уша қаҳрамонлигимни Ишонувчи Баҳодир ғоят ҳурматлади».

Эрен Улуқ Тибетга элчилик сафар билан бориш олдидан 38 ёшда бўлган. Кўзи тирик пайтидаёқ хусусий қаҳрамонлиги учун Ишонувчи Баҳодир унвонига, шунингдек элчилик даражасига эга бўлгани айтилади.



Ёзиб олинг:

**Ажо** – Она-Сойдаги Қирғиз ҳоқонлигининг ҳокимият эгасининг мансаби.

**Ишонувчи Баҳодир Билге** – Давлат бошчисига берилувчи турк иерархиясидаги юксак унвон.

**Эпитафия** (юнон. Epitaphios – мирза ёзуви) – қабрга қўйилган ёдгорлик-тошнинг бетига ёзилган ёзув.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Барсбек ажо ҳақида нима билдингиз?
2. Қирғиз давлатининг турклар билан муомаласи қандай бўлган?
3. Қирғизларнинг ташқи алоқаси ҳақида нима билдингиз?
4. Сунгга жанги ҳақида айтиб беринг.
5. Барсбек, Эрен Улуқ ҳақида эссе ёзинг.

## § 16. Уйғур ҳоқонлиги

1

**Асосий саналар:**

744-й. – Иккинчи Шарқий Турк ҳоқонлигининг тор-мор қилиниши.

745-й. – Уйғур ҳоқонлигининг тузилиши.

758-й. – Уйғурларнинг қирғизларни босиб олиши.

820-й. – Уйғур-қирғиз ўртасидаги йигирма йиллик урушнинг бошланиши.

✓ **Тушунчалар:** ҳокимият инқирози, манихейчилик, тезучар отрядлар.

Уйғур ҳоқонлигининг тузилиши. Уйғурлар – Марказий Осиёнинг далаларида яшаган қадимги турк халқларининг бири бўлган. Хитойлилар бу уйғурларнинг уруғ бирикмасини теле деб аташган. Турк ва мусулмон тарихий манбаъларида эса уларни тўққиз хўкизлар деб ёзишган. VIII асрнинг ўртасида уйғурларнинг уруғ бирикмасини яғлақар уруғининг бошлиқлари бошқара бошлаган. Уйғурлар кучли аскар тўплаб, асосий душмани бўлган Иккинчи Шарқий Турк ҳоқонлигига қарши отланишган. Ўша даврда Иккинчи Шарқий Турк ҳоқонлигида ҳокимият инқирози авж олиб, тарқоқликда яшаётган. Улар ташқи ёвга қаршилик кўрсата олган эмас. 744-йили Иккинчи Шарқий Турк ҳоқонлигини уйғурлар тор-мор қилади. 745-йилда Марказий Осиёда янги Уйғур ҳоқонлиги асосланади. Унинг пойтахти Ўрда-Балиқ шаҳри бўлган. Яғлақар уруғининг вакили Элетмиш Билге ҳоқон деб эълон қилинади. Уйғурларга шарқда Маньчжуриядан тортиб ғарбдаги Иртиш дарёсигача барча халқлар бўйсунган. Уйғур ҳоқонлигининг давлат дини манихейчилик бўлган. Уйғурларнинг давлати жуда кучли бўлиб, унга Хитой солиқ тўлаб туришга мажбур бўлган.

Уйғурларнинг қирғизларни босиб олиши. Она-Сойдаги қирғизлар, уйғурлар томонидан Иккинчи Шарқий Турк ҳоқонлиги тор-мор келтирилгандан кейин мустақилликка эга бўлишган. Озодликка эришган қирғизлар давлатини мустаҳкамлай бошлаган. Улар уйғурларнинг босиб олиш кўрқинчини йўқ қилиш мақсадида, ўзига иттифоқдошларни излай бошлаган. Натижада уйғурларга қарши қарлуқ ва чик уруғлари билан иттифоқ тузади. Қирғизлар енгил қуролланган тайёр қўшинни (тезучар отрядлар) тарафдошлари чикларга юборади.

Бироқ уйғур ҳоқонлигининг аскар бошчилари бу тарафдошларнинг иш-ҳаракатларини олдиндан билишиб, уларни бирлаштирмасдан тор-мор қилиш қарорини чиқаришади. Яхши қуролланган уйғур аскарлари 751-йилда чикларни тор-мор қилишади, ундан сўнг қирғизларнинг тайёр қўшини мағлубиятга учрайди. Мағ-

лубиятга учраган қирғизлар уйғурларга солиқ тўлашга мажбур бўлиб қолишади.

Кучланиб олган уйғурлар қирғизларнинг территориясини бутунтай босиб олишга ҳозирлана бошлашган. 758-йилда уйғур аскарлари Минг-Ўзан водийсидаги Қирғиз давлатига қўл солиб босиб олган. Ғалабага эга бўлган уйғурлар қирғиз бошқарувчисини ҳоқон унвонидан ажратган ва қирғизларнинг мустақил ташқи сиёсат юргизишига тақиқ қилган. Уйғурларнинг оғир солиғи ва уларнинг талаб-тўнашлари номусли қирғизларнинг чидамини тугатган. Улар тўлиқ мустақиллик учун курашишга ҳозирлана бошлашган.

Қирғизларнинг қўзғолони. 795-йилда қирғизлар уйғурларнинг ҳукмронлигига қарши қўзғолон чиқаришган. Шу пайтларда Уйғур ҳоқонлигида марказий ҳукмронлик учун ички қарама-қаршилиқлар куч олган эди. Ундан ташқари уларнинг йирик Аскар кучлари Шарқий Туркистонда уруш ҳаракатини юргизаётганди. Уйғурлар билан қирғизларнинг уруши узоққа давом этди. Охирида Уйғур тахтига ўтирган Қутлуғ ҳоқон қирғизларга босқинчилик ясаб, қўзғолонни босган. Қирғизларнинг мағлубиятга учраганлиги ҳақида Қора-Боласағундаги ёзма эсдалиги аке эттириб, унда қирғиз ҳоқонининг 200 минг ёйчиси бўлганини, шунга қарамасдан уйғурлар уларни тор-мор қилиб зўр ўлжага эга бўлганини маълум қилади. Бироқ қирғизлар урушни давом эттиришдан безор бўлган эмас. 820-йилда қирғизлар уйғурлар билан бўлган курашни қайтадан давом эттиришган. Уруш йигирма йилга яқин чўзилган. Қирғизларни тўлиқ тор-мор қилишга уйғурларнинг куч-қуввати етмади. Уйғурлар ўша пайтларда бир тарафдан тибетликлар, иккинчи тарафдан қирғизлар билан уруш юритган, бу уларнинг кучини кекизган. Унинг устига ташқи урушлардаги мағлубиятлар ички жанжалларга олиб келди. Йирик ва кучли уруғлар ҳокимият учун кураш бошлашди. Бу уйғур ҳоқонлигининг ночорлашини тезлатган. Ўша маҳалда Она-Сойдаги қирғизлар эса бир хийла даражада куч олиб, уйғурларнинг асосий душманига айланган. Уйғур ҳоқонлигининг қайғули тақдири яқинлаб қолган эди.

Буни билиш қизиқарли

Шаҳар ҳақида баёни

Ўрда-Балиқ, 744-840-йй. Уйғур ҳоқонлигининг пойтахти бўлган. «Балиқ» - Қадимги турк тилида «шаҳар» маъносини тушунтирган. Ўрда-Балиқ ҳозирги Монголиядаги Орхон дарёсининг ўнг томон қирғоғида жой олган шаҳар чордевори. Бу шаҳар ҳақида араб тарих-



чиси Ибн Хордадбек бундайча ёзган: «Уйғурларнинг пойтахти, Ўрда-Балиқ ўн икки темир дарвозали деворлар билан ўралган. Шаҳарнинг ичида яхши мустаҳкамланган гов-қўрғони бўлган, унда ҳоқоннинг ўзи яшаган. Унинг 900га яқин одамни сиғдирган олтин чодирини шаҳардан 30 чақирим узоқдан кўриниб турарди».

✍ **Ёзиб олинг:**

**Ҳокимият инқироzi** – халқнинг ҳокимиятга қарши норозилиги ва ишонмовчилиги.

**Манихейчилик** – Мани деган одам асослаган. Унда яхши билан ёмоннинг, кун билан тушнинг кураши ҳақида ўқиш баён қилинган. Уйғур ҳоқонлиги манихей динини қабул олиб, давлатни мустаҳкамлашга фойдаланган.

**«Тезучар отрядлар»** – қирғизларнинг енгил қуролланган тайёр кўшини.

② **Саволлар ва топшириқлар:**

1. Уйғурларнинг давлати қандайча тузилган?
2. Қирғизларнинг озодликка эга бўлишига уйғурлар қандай роль ўйнаган?
3. Уйғур-қирғиз муомалалари қандай бўлган экан?
4. Қирғизлар нимага кўзғолон чиқаришган?
5. Нима учун уйғурлар қирғизлар билан бўлган урушни узоққа юргизишган?

## § 17. Буюк Қирғиз мамлакати

- ① **Асосий саналар:**  
 840-йил – Уйғур ҳоқонлигининг тор-мор қилиниши, Буюк Қирғиз мамлакатининг тузилиши.  
 840–855-йиллар – Қирғиз ҳоқонлигининг территорияларининг кенгайиши.  
 843–847-йй. – Қирғиз ҳоқонлиги билан Тан подшоҳлигининг алоқаси.


✓ **Тушунчалар:** уруш тактикаси, ёпиқ.

Қирғизларнинг куч-қувватининг мустаҳкамланиши. Қирғизлар уйғурлар билан йигирма йиллик урушнинг юришида куч-қувватга эга бўла бошлаган. Марказлаштирилган давлат ҳокимияти тузилиб, ҳаммаси ажога бўйсунган. Ўнлик, юзлик, минглик ва ўн минглик жангчиларни таркибига олган армия мустаҳкамланди. Бутун армия аскарларнинг икки туридан – оғир қиличбозлардан ва енгил отлик кўшинлардан иборат бўлган. Қирғизларнинг асосий кучини оғир қуролланган 30 минг жангчи ташкил этган. Жангчилар узун найзалар, қўш тигли қиличлар, ой болталар билан қуролланишиб, отлари ҳам ишончли ҳимоя қилинган.

70 минггача енгил отликлар кўшини тузилиб, улар қирғизларга бўйсунган қиштим уруғларидан иборат бўлган. У жангчилар ёй ва камон ўқи билан қуролланиб, темир ёки ёғоч қалқонлар билан ҳимояланган. Қирғиз ҳоқонлигининг армияси, урушишнинг тактикасини пухта ўзлаштиришган. Биринчилардан бўлиб урушга енгил отликлар кирган, улар душманнинг қаторини бузиб, қайта орқага чекинишган. Уларни қувлаган душман пистирмадаги Оғир қуролли аскарларга дуч келишган, натижада улар тўлиқ мағлуб бўлишган ёки қочиб қутулишга ҳаракатланишган. Бундай аскар тизимининг тузилиши ва уруш тактикасини ўзлаштириш қирғиз армиясининг урушиш қобилиятини кучатган.

Уйғурларнинг тор-мор қилиниши. Қирғизлар уйғурлар билан урушаётган пайтдаёқ кўшни халқларни бош эгдириб олишган. Натижада қирғизлар шимолий, шарқий ва ғарбий чегараларини кенгайтган. Қирғиз давлати бўйсунган территориялардан солиқ олиб турган. Бу уларнинг куч-қувватини мустаҳкамлаган. Ўша пайтда уйғурларнинг аҳvoli ночорлаб, Қирғиз мамлакати эса ўзининг аскарини кучайтириб ва территориясини кенгайтиб, куч ола бошлаган эди. IX асрнинг биринчи ярмида Қирғиз мамлакатининг жангчиларининг сони юз мингга етган. Улар мудофааланишгагина эмас, ҳужум қилиш қобилиятига ҳам тўлиқ эга бўлишган.

Мамлакатнинг ва армиянинг бошида ажо ўзи турган. Уйғурлар билан бўлган урушнинг тақдири ҳал қилина бошлаган. Куч-



Буюк Қирғиз мамлакатининг яралиши.

ли армияга эга бўлган қирғиз ажоси, уйғур ҳоқонига қаршиликсиз бўйсуниб бериши ҳақида талаб қилиб хат жўнатган. Унда: «Сенинг тақдиринг битди. Мен яқинда сенинг олтин ўрдангни оламан, унинг олдига ўз отимни боғлайман, ўз байроғимни кўтараман, агар мен билан олишгинг келса, унда дарров келгин: агар олиша олмасанг, тезда йўқол» — деб ёзилган.

Урушдаги мағлубиятлар Уйғур ҳоқонлигидаги ўзаро жанжални кучатган. 840-йилда қалин тушган қордан мол қийналиб, очарчилик ва юқумли касалликлар кучайган. Шундай қийин вазиятда, қирғизлар 100 минг аскарини Ўрда-Балиққа жўнатди. Селдай қоплаган қирғиз жангчилари уйғур аскарларини тор-мор қилиб, пойтахти Ўрда-Балиқни олиб, уни ёндириб юборишган. Уйғурларнинг ҳоқони урушда ҳалок бўлади. Уйғурларнинг тирик қолганлари, Хитойга, Шарқий Туркистонга қочишиб, ўзларининг яхши ерларини ва бойликларини қирғизларнинг қўлига қолдиришган. Бу Қирғиз мамлакатининг йирик ғалабаси бўлган.

Буюк Қирғиз мамлакати. Уйғур ҳоқонлиги ағдарилгандан кейин, унинг ўрнини Қирғиз мамлакати эгаллайди.

840-йилдан тўртиб Қирғиз ҳоқонлиги Она-Сой водийси билангина чекланмасдан, Марказий Осиёдаги кенг фазони эгаллаган. Бу даврни рус академиги В. В. Бартольд «Буюк Қирғиз мамлакати» деб тарихга киргизган. Қирғиз ҳоқонлигининг йирик қўл бошчиси Тапу Баҳодир Сўл 840-йилдан 855-йилгача жанубда Турфон, ғарб томонда Иле дарёсигача территорияни эгаллашга эришган. Вазир қўл бошчи А-бо (Апо) эса 847-йилда Амур дарёсининг бўйидаги швейлерни (татарлар) босиб олиб, ҳоқонатликнинг чегарасини кенгайтишга эришган. Шарқдаги энг охириги йирик кўчман турк мамлакати бўлган Қирғиз ҳоқонатлиги Марказий Осиёда зўр фазога эга бўлиб, IX а. биринчи ярмидан X асрнинг биринчи чорагигача умуман 80 йилдай ҳукм сурган. Бу пайтда қирғизларнинг куч-қуввати ҳақида Марказий Осиёнинг чекидан ташқари томонларга ҳам эшитилган. Хитойдаги Тан подшолиги Қирғиз ҳоқонлигини таниб, унинг билан 843–845-йилларда элчилик кутиб, хат-хабар олишган. Ўша даврда қирғиз деган ном донгдор, ғайратли уруғга тааллуқлиликини билдириб, Марказий Осиёдаги бошқа халқлар ҳам ўзларини қирғиз деб атаётган бўлган.

Марказий Осиёдаги Буюк Қирғиз мамлакати марказий бошқариш ҳокимиятининг ночорлаши сабабли X асрнинг дастлабки чорагида энг йирик территорияни бошқара олмай, бир неча кичкина Қирғиз мамлакатларига бўлиниб кетган.



↪ Инсон ҳақида билиб ол!

Тапу Баҳодир Сўл – IX асрдаги Қирғиз қўл бошчиси ва элчиси. 840-йилда қирғиз ҳоқонининг Уйғур мамлакатига ясаган катта ғазотида армиянинг чап қанотини бошқарган ва Она-Сойдаги Буюк Қирғиз Мамлакатини асослашга ҳисса қўшган. 843-йилда хитойнинг Тан сулоласининг императорига элчи қатори борган.



Бу ҳақда Хитой йил баёнида: «841-й. тахтга ўтирган император Вуцзун узокдаги Қирғиз ҳоқонидан келган элчига ғоят рози бўлиб, Бо-Хайдан келган элчидан юқори, тўрға ўтиргизди» – деб ёзилган. Тапу Баҳодир Сўл машҳур аскар бошчиси ва довиорақ, доно элчи қатори ўша пайтда Қирғиз ҳоқонининг ишончли одами бўлган.

✍ Ёзиб олинг:

**Уруш тактикаси** – қирғиз қўл бошчиларининг уруш пайтида душманларига қўлланувчи **усулларининг** (ҳийла-амаллари) ишланиб чиқиши.

**Жул** – от ёпқичи, уруш маҳалида жангчиларнинг отлари металл ёки ёғочдан ясалган ёпқичлар билан ҳимоя қилинган.

② Саволлар ва топшириқлар:

1. Қирғизларнинг куч-қувватининг мустаҳкамланишига нима сабаб бўлган?
2. Уйғур ҳоқонлигининг 840-йилдаги аҳволига таъриф беринг.
3. Қирғизларнинг Ўрда-Балиқни босиб олиши ҳақида баёнданг.
4. Буюк Қирғиз мамлакати ҳақида айтиб беринг.
5. Буюк Қирғиз мамлакати ҳақида класстер тузинг.

## § 18. Қорахонлар давлати

① Асосий саналар:

Х а. – Қорахонлар мамлакатининг тузилиши.

940-й. Қорахонларнинг Боласоғун шаҳрини босиб олиши.

999-й. – Қорахонларнинг Сомонийлар давлатини тор-мор қилиши.

✓ Тушунчалар: қорахон.

Қорахонлар давлати. Сатук Қорахон. Х а. Марказий Тангри-Тоғнинг ва Етти-Сувнинг территориясида қарлуқ, ягма ва чигил уруғлари яшаган. Х асрдан XIII асрнинг бошигача яшаган Қорахонлар ҳоқонликларининг тузилишида бу уруғлар асосий ролни ўйнаган. Уларнинг ичидан чигиллар Марказий Тангри-Тоғнинг ва Етти-Сувнинг халқининг босимли қисмини тузган. Чигил уруғидан чиққан Сатук Абд ал-Карим Қорахон Қорахон-

лар давлатининг асосчиси бўлган. Сатуқ Буура хоннинг ота-таги ҳақида Тангри-Тоғлик тарихчи Жамал Қарши қуйидагича ёзган: Сатуқ Буура хоннинг бувасининг исми Билге Қодир хон бўлган, унинг Базир Арслон хон (Сатуқнинг отаси) ва Ўғулчақ Қодир хон деган икки ўғли бўлган экан. Ўғулчақ Қодир хон бардам чиқиб, турк уруғларини бошқариб, ўрдаси Қашғар шаҳри бўлган. Сатуқ акалаш отаси Ўғулчақ хоннинг ўрдасида яшаб, тарбияланган, 25 ёш чоғида элликтача кўмакчилари билан яширинча ислом динига ўтиб, Қашғардан шимолга қочади, у томондан куч тўплаб келиб акасининг ҳокимиятини тортиб олади. Қора хонлар деган тушунча ҳоқонларнинг ичидан исломни биринчи қабул қилган Сатуқ Абд-ал-Карим Қорахоннинг унвонига нисбатан пайдо бўлган. Қора хон деган унвонни кейин бу мамлакатнинг бошқарувчилари олиб юрган.

Қора атамаси турк тилида эл, халойиқ халқ деген маънони бериб, қора хон эл-юртлар хони деган тушунчага айланган. Сатуқ Буура хоннинг иккита боласи бўлган – Муса (туркча Бойтош) ва Сулаймон. Сатуқ 955-й. вафот қилиб, унинг жасади Ортиш қишлоғига қўйилган. Ўлкада ҳокимият Мусага ўтиб, у 960-йилда ислом динини давлат дини деб эълон қилган. Сатуқ ва унинг болалари бошқариб турган пайтларда давлатнинг таркибига Марказий Тангри-Тоғ ва болалари бошқариб турган пайтларда давлатнинг таркибига Марказий Тангри-Тоғ ва Қашғарнинг шимолидаги ерлар кирган.

940-йилда Сатуқ Буура хоннинг аскарлари Чуй водийсига кириб, Боласоғун шаҳрини босиб олган. Ўшандан кейин Қорахонлар давлатининг пойтахти Боласоғун шаҳри бўлиб эълон қилинган.

Қорахонлар давлатининг территорияси. Дастлаб Сатуқ Буура хон Қашғар территориясинигина эгаллаб турса, ташқи босқинчиликларнинг натижасида X а. иккинчи ярмида унинг эгаллиги Марказий Тангри-Тоғ ва Етти-Сув территориялари билан тўлиқланиб, Қорахонлар ғарб томонга интилган. Дастлаб улар Фарғо-



Сатуқ Абд-ал-Карим.



Ёлчи жангчи.

нани эгаллашади, ўша пайтда Қорахонлар ғарбдаги қўшнисини бўлиб қолган Сомонийлар мамлакатада феодал ва аскар бошчиларининг ҳокимият талашуви кучайиб, борган сари ҳолсизланиб бораётганди. Бу ҳолатдан фойдаланган қорахонлар биринчи босқинчиликка чиқади, лекин у муваффақиятсиз тамомланган. Қайтадан куч-қувват тўплаган қорахонлар Сомонийлар мамлакатини биратўла тор-мор қилишни кўзлашган. Фарғонадаги Ўзган шаҳрининг бошқарувчиси қорахоний Наср Али ўғли 999-йилда Бухорони эгаллаб, Сомонийлар мамлакатини тор-мор қилиб, уларнинг Аму-Дарёсигача территориясини қаратиб олади.

Шундай қилиб, Қорахонларнинг территорияси Шарқий Туркистон, Жанубий Қозоғистон ва Марказий Осиёнинг Аму-Дарёсигача территориялар киреди.

Бу янги Турк мамлакатаи XI асрнинг биринчи ярмида сиёсий томондан кучайган. Бироқ Қорахонлар мамлакатининг бошқарувчиларининг ичора жанжаллари туфайли шарқий ва ғарбий ҳоқонликларига бўлиниб кетди. Шарқий ҳоқонликнинг пойтахти — Боласоғун, ғарбий ҳоқонликнинг пойтахти эса — Самарқанд шаҳри бўлган.

Қорахонлар мамлакатининг хўжалиги. Шаҳарлар билан аҳолини қишлоқларда деҳқончилик яхши ривожланган. Угина эмас, ўсимликларни ўстириш учун тоғ этакларидаги қия ёнбағрлар фойдаланилган, тоғларнинг бағрларига ариқлар чопилиб, сув етказилган.

Ундан ташқари конлар ва металл ишлатиш анча ривожланган. Қўл ҳунарчилик ва савдо ишлари кенг тарқалган. Ички савдо асосан мол боққан кўчман уруғлар билан шаҳар, қишлоқларда ўтроқлашган аҳолининг оасида юритилган. Карвон савдоси Қорахонлар мамлакатини бошқа ўлкалар билан алоқалаштириб турган. Бунга Иссиқ-Кўл ҳавзаси билан Чуй водийси орқали Шарқдан Ғарбга қараб кетган савдо йўли қулай шарт тузган.

Пул айланиши ҳам фоят кенг тарқалган. X—XI асрларда Қирғизистоннинг территориясида Ўзган, Ўш, Боласоғун, Барсқўўн (Иссиқ-Кўлда) ва Шельжи (Таласда) шаҳарларида тийин чиқарилган. Уй қуриш хийла яхширган. Пиширилган гишт, шунингдек сувоқ суваш кенг фойдаланилган. Ҳар турли безатишлар ва сирлаш кўп қўлланила бошлаган. Боласоғун, Ўзган ва Қашғар шаҳарлари меъморий қурилишларнинг маркази бўлиб қолган. Меъморларнинг орасидан бизгача келиб етган энг зўр эсдалик Бурана ва Ўзган миноралари бўлиб ҳисобланади.

Шаҳарларда сув тарновлари, тош тўшалган кўчалар, ижтимоий ҳаммомлар, карвон-саройлар, масжидлар, бошқарувчилар учун оқ саройлар энг юқори чеварчиликда қурилган.

Қорахонларнинг эгаликларида ўтроқлашган халқ билан қатор, асосан чорвачилик билан шуғулланган кўчман халқлар ҳам бўлган. Маълум бир даражада чорвачилик ҳам ривожланган. Аввалги кўчманларнинг мусулмон дунёсига аралашуви илми ва маданиятни ривожлантириш учун зўр аҳамиятга эга бўлган.

 Меъморий-ёдгорлик билан танишув

Бурана – Қорахонлар даврига тааллуқли тарихий-меъморий ёдгорлик, минора. Чуй водийсидаги Тўқмоқ шаҳридан 15 км жанубий-ғарбда ўрин олган. Минора Етти-Сувдаги туркларда ислом тарқала бошлаган пайтда, X а. охири XI а. бошида қурилган. Пишган гишт билан тўрт бурчакли пойдеворга саккиз қиррали тубланиб, цилиндр турида тургизилган минора ғовнинг ичида жойлашиб, ташқи бети безатишлар билан ҳусн киргизилган, ичида юқори томон басавлат чиқувчи тепкичлар ўрнатилган. Баландлиги 24 м, тубининг диаметри 9 м, тепасиники 6 м га яқин. Бурана Марказий Осиёдаги минора меъморий ёдгорликларнинг энг қадимгиси. Унинг айланасидаги қурилишнинг қолдиқлари, ғов деворлар бу ерда Қорахонлар мамлакатининг пойтахти Боласоғун шаҳри бўлганлигини тасдиқлайди. Минора Қирғизистоннинг территориясидаги қурилиш ҳунарининг юксак даражада ривожланганини баён қилади.



 Ёзиб олинг:

**Қорахон** – турк тилида эл, халойиқ, халқ деганини тушунтиради.

 Саволлар ва топшириқлар:

1. Сатук Буура хон, Бурана ҳақида нима билдингиз?
2. Қорахонлар нима учун ислом динини қабул олишган деб ўйлайсиз?
3. Қорахонлар ўз территорияларини қандай қилиб кенгайтишган?
4. Мамлакатнинг ҳужалниги қандай ривожланган?
5. Бурана ҳақида нима айта оласиз?

## § 19. Махмуд Қашғарий ва Юсуф Боласоғуний

 1 Асосий саналар:

1072–1077-йй. – «Турк тиллар тўпламининг» ёзилиши.  
1069–1070-йй. – «Қутадғу билиг» достонининг ёзилиши.

 Тушунчалар: «Хосс-ҳожиб».

Махмуд Қашғарий ва унинг мероси. Қорахонлар даврида Қирғизистоннинг халқининг маданияти ҳам жиддий ривож-

ланишга эга бўлган. Моддий маданиятнинг ривожланиши билан қатор руҳий маданият жиҳатида ҳам жиддий ривожланиш бўлди. Араб ҳарфининг тарқалиши энг муҳим муваффақият бўлган. Ўша пайтдаги энг машҳур асарлар турк энциклопедик-олими Махмуд Қашғарийга тааллуқли. Махмуд Қашғарий – умуман Қорахонлик турк халқларининг вакили. Иссиқ-Кўлнинг жанубий қирғоғидаги Барсқўён шаҳрида туғилган. Отаси Ҳусайин Барсқўён шаҳрининг амири бўлган. Буvasи бўлса улуғ ҳоқон Муҳаммад ибн Юсуф Қодир хон эди.

Махмуд Қашғарий ҳам амирлар ўзининг боболари бўлганлигини китобида хотирлаган. Унда: «Мен ўзим қорахон туркларининг тили ўткир гапга чечанидан, айтадигани очиқ етугидан, кўкраги тоза тетигидан, оқ суяк авлодига мансубидан бўламан», – деб ёзилган. Отаси Барсқўённи бошқарган Махмуд Қашғарий учун илм-билим олишга кенг имконият яратилган. У ўз давридаги файласуф, тилчи, тарихчи, жуғроф, диндор в.ҳ. мутафаккирларнинг асарлари билан яхши танишган. Махмуд Қашғарий турк тилларини ўрганиб кўп саёҳат қилган. У ўз хотирасида: «мен турк, туркман-ўғиз, чигил, қирғизларнинг қалъаларини ва далаларини тадқиқот қилдим, уларнинг тилларини ва нақл сўзларини зеҳнга тутдим» – деб ёзган. Натижада йиғилган билимларини тўплаб бизга келиб етган «Девони луғат ат-турк» (Турк тилларининг луғати) деган зўр асарини 1072–1077-йй. оралигида ёзган. Асарнинг асл нусхаси бизга етган эмас. Унинг 1266-йилнинг 1-августига нисбатан, Муҳаммад ас-Сави ад-Димашқий томонидан тайёр-



Махмуд Қашғарий



Туркий тиллар  
сўз тўплами.



Юсуф Баласоғуний

ланган кўчирмаси ҳозир Стамбул шаҳрида сақланади. Бу китоб қирғиз тилига Тинчтиқбек Чўрўтегин томонидан таржима қилинган. «Девонинг» бу кўчирмаси 638 саҳифадан иборат. Унинг кириш қисмида турк тилларини ўрганишнинг муҳимлиги баён қилиниб, туркларнинг ўз алифбоси билан туркларнинг асосий халқлари ва уруғларининг номлари аталади. Улар қайси территорияда яшаганлиги айтилади. Асар луғат шаклида тузилган. Мақол-матал ёки шеърларнинг парчалари ўрнида ёзилиб, ўз қўлидан чиққан мўнчоқдай тизилиб ёзилган. Ўз давридаги китоблардан айирмаланиб, Махмуд Қашғарий «турк эли» деб бермасдан, ҳар бир элни ўзининг уруғининг номи билан бўлиб ёзган. Мисоли: луғатда қирғиз, ўғиз, чигил, қипчоқ уруғ номлари билан белгиланади.

Ўзининг асарида Махмуд Қашғарий дунёнинг бир бошқача, доира харитасини тиркаган. Харитада ернинг булоқ жойи сифатида Муқаддас масжид жой олган Макка шаҳри эмас, муаллиф туғилиб-ўсган Барсқўён шаҳри бор Иссиқ-Кўл, Марказий Тангри-Тоғ территорияси жойлаштирилган. Махмуд Қашғарийнинг ўзи чизган рангли, тўгарак харитаси, ўз халқининг дунёга чизган рангли, тўгарак харитаси, ўз халқининг дунёга таниқлигини акс эттирган энг аввалги харита чизиш асари бўлиб ҳисобланади.

Юсуф Боласоғуний ва унинг «Қутадғу билиг» асари. Халқимизнинг ўрта асрдаги маданияти билан илмини ривожлантиришда Юсуф Боласоғунийнинг меҳнати зўр. У Боласоғун шаҳрида туғилиб-ўсган шоир, мутафаккир ва давлат арбоби бўлган. Туғилган ерига қараб унга «ал-Боласоғуний», арабча «Боласоғулик» деган ном берилган. Юсуф Боласоғуннинг бизга етган мероси «Қутадғу билиг» (Қут олувчи билим) дostonи. Бу буюк асар 1069–1070-йилларда ёзилиб битган. Достонни ёзиш Боласоғун шаҳрида бошланиб, уни Қашғар шаҳрида тўлиқ тамомлаган. «Қут олувчи билим» ) дostonини Қашғарни бошқариб турган Қорахонлар ҳокими Тавғач-Богра-Қора хонга тортиқ қилган. У Юсуф Боласоғуннинг меҳнатини юксак баҳолаб, унга юқори ўрда хизматини — «улуғ маҳсус хожибликни» («Улуғ хосс хожиб») тақдимлаган. «Қут олувчи билим» дostonида ҳақиқат, бахт, донолик, сабр ва оддийлик тўғрисида баён этилади.

Боласоғундан чиққан шоир ўша пайтда устунлик қилган араб ва форс тиллари билан қатор, адабиётга турк тилини биринчи бўлиб киритган.

Унда, Юсуф Боласоғун бундай деб ёзган:

Билим учун қўл чўздим тинмай ўзим,  
Сўзини сўзга уладим, қўшиб сезгим.  
Кийик эди турклар тоғда юрган,  
Ўргатдим, ҳунар қилдим унинг сўзин.

Достон ўрта асрда Шарқдаги энг юксак даражадаги насиҳатомуз асар бўлган. Юсуф Боласоғун асарини 54 ёшга келганда битирган. У Қашғар шаҳрида вафот қилиб, ўша ерга қўйилган.

Ҳамма ўтар, абадийлик – яхши шухрат,  
Яхши одамнинг ишларини айтса мақтаб,

дегандай Юсуф Боласоғун бизга ўлмас-ўчмас мерос қолдириб, унинг шон-шухрати асрлар бўйи яшайди.

Асардаги насиҳатлар. «Қут олувчи билим» дostonида айниқса кўп ўрин берилган насиҳатлар – бу ўқиш, билим олиш, илмга интилиш. Ўқишнинг фойдаси ҳақида:

«Айтгим келди, эй донишманд, сўз жойин, –  
Ўқиш, билим фойдасидан бошлайин.  
Ўқиш – тунги олдиндаги шам чироқ,  
Билим олсанг, манглай очиқ ярқираб.  
Ўқиш, билим кўп нарсага еткизар.  
Икковидан одам ҳурмат кўп кўрар».

Бола кичкиналигидан зийрак, тиришқоқ бўлса, кейин етилиб киши бўлган пайтда ўйлаган фикр-мақсадларига етиши тўғрисида кенг баён этади:

Ким ёшидан кўп ўқиб билим олса,  
Бўй етганда мақсади ўрин топар.  
Ўқишдаги тиришқоқлик берар мева,  
Илм, билим – бойликка кенг йўл очар.  
Пайқаб кўрсанг хатоси йўқ бу ҳақ сўз.  
Илм-билим олган одам ҳақиқат.  
Кимда ким ўқий олса, ўлжа топар,  
Кимда ким билим олса – бек аталар.

Инсон шухратини, буюк исми тоза сақлаш, адолатликка, бахт-саодатга, қаноатга эга бўлиш бахтиёр одам деган тушунчага олиб келади.

Бахт – бу яхшиликнинг барча хусусиятини ўз гаркибига олган баландлик.

Юсуф Боласоғун бахтиёрликни юксак ҳаволарга кўтариб, кейинги наслларга мерос сифатида тортиқ қилди. Бу насиҳатлар бизнинг келажакимизнинг яйловдай кенгайишига шарт тузади ва ёруғ яшашга еталайди.

*Ёзиб олинг:*

*Хосс-ҳожиб* – қорахонлар давридаги юқори давлат мансаби.

**?** Саволлар ва топшириқлар:

1. Махмуд Қашғарий деган ким бўлган, унинг қандай асари билан танишдингиз?
2. Дунёнинг харитасини тузишда Қашғарий нима учун ернинг маркази қилиб Иссиқ-Кўлни олган, ўйланиб, фикрингизни айттинг.
3. Юсуф Боласоғуний ҳақида нима айта оласиз?
4. «Қут олувчи билим» достони ҳақида нима тушундинг?

**§ 20. Буюк Ипак йўли**

**1**

Асосий саналар:

Бизнинг эрагача 138-й. – Хитой саёҳатчиси Чжан Цяннинг Фарғона водийсига келиши.

Бизнинг эрагача II а. – Буюк Ипак йўлининг асосланиши.

✓ **Тушунчалар:** буюк Ипак йўли.

Буюк Ипак йўлининг очилиши. Шарқ билан Ғарбни бирлаштирган шуҳрати оламга кетган Буюк Ипак йўли Қирғизистоннинг территорияси орқали ўтиб, тарихимизга чуқур из қолдирган. Бизнинг эрагача 138-й. – Хитой саёҳатчиси Чжан Цяннинг Олой тоғларини ошиб, Фарғона водийсини оралаб, Ғарб мамлакатларига саёҳат ясаши Буюк Ипак йўлининг очилишига замин бўлган. Шундай қилиб Бизнинг эрагача II асрдан бошлаб Буюк Ипак йўли асосий савдо йўли сифатида хизмат ўтай бошлаган. Ўрта Осиёга жойлашган халқлар ҳақида маълумот олиб, хитойлар аввал улар билан Буюк Ипак йўли бўйича, ундан кейин, у орқали Европа халқлари билан савдо алоқаларини тузишган. Аталган йўлнинг умумий узунлиги 7 минг километргача чўзилиб, уни карвонлар 3 йилда босиб ўтишган.

Буюк Ипак йўли Хитойнинг қадимги пойтахти – Лояндан бошланган. Чўллар, тоғлар ва далалар орқали туя карвони тинимсиз



Тош-Робот карвон саройи.



Карвон сарой.  
IV а. Реконструкция.



ўтиб турган. Хитойдан Буюк Ипак йўли орқали гарбга – чинни, қоғоз ва ҳаммасидан олдин ипак газламаларини ва ипак ипларни олиб ўтишган, уларни Европа чеварлари газлама тўқишга фойдаланишган.

Хитой бўлса Ўрта денгиздан ойна идиш-оёқларни, Ўрта Осиёдан узум, нўхат, анор ва бошқа ўсимликларни олишган. Савдогарларнинг фаолияти билан Ўрта Осиёга ипак кенг тарқалган. Қирғизистондаги бизнинг замоннинг дастлабки асрларидаги гўристонларидан ипак газламалар топилган.

Қирғизистон территорияси орқали ўтган савдо йўллари. Қирғизистон Буюк Ипак йўлининг муҳим қисмларининг бири бўлган. Қирғизистон орқали ўтган савдо йўли уч йўналишда бўлган. Савдогарлар Шарқий Туркистондан чиқиб, Кўк-Сув дарёсининг қирғоғини бўйлаб юриб ўтиришиб, Эркештом доvonини ошиб, Олой тоғларига келишган. Ундан Қизил-Сувни бўйлаб, Термез шаҳрига, ундан нари Аму-Дарёсидан ўтиб, Марв шаҳри орқали Эронга, ундан Ўрта денгизга чиққан.

Иккинчи йўл йўналиши Марвдан бошланиб, Бухоро, Самарқанд, Хўжанд орқали Фарғона водийсига келади. Савдогарлар ундан Ўш, Ўзган шаҳарларини оралаб, Ясси дарёсини бўйлаб Арпа, От-Боши орқали Шарқий Туркистонга кетган.

Учинчи йўналишдаги йўл Самарқанддан Тошкентга, ундан нари кўплаб шаҳарларни оралаб, Чуй водийсига, Чуй водийсидаги шаҳарларда савдосини юритиб, ундан нари Бўём дараси билан Иссиқ-Кўлга етиб, Барсқўўнда дам олган карвонлар, От-Бошига етиб, унда Тош-Робот карвон саройида дам олишиб, Тўруғарт орқали Хитойга киришган. Ўша пайтнинг ўзидаёқ Барсқўў



Ипак йўлининг Қирғизистон орқали ўтиши.

ўндан шимолга кетган карвонлар Сон-Тош орқали Она-Сой қирғизларига қараб йўл олишган.

Буюк ипак йўлининг тарихий аҳамияти. Буюк Ипак йўли Европа давлатлари билан Шарқ мамлакатларининг бир-бири билан танишувида катта аҳамиятга эга бўлган. Бир неча аср бурун ривожланган пул хўжалиги мавжуд, Шарқ билан Фарбнинг йирик цивилизацияларини бирлаштирган Ипак йўли савдога ва алмаштиришга кўмак берган. Бу ҳақда Қирғизистон территориясида топилган Парфиянинг, Юнон-Бактриянинг, Қушаннинг, Қадимги Римнинг тийинлари, бизнинг эранинг 1-минг йиллигидан тортиб эса Эрон, Византия, Хоразмнинг, Сўғданинг ва Хитойнинг тийинлари ойдинлаштиради.

Савдо, мол алмаштиришгина юрмасдан, илмий ва техник билимларни, маданий муваффақиятларни ҳам бири-биридан ўрганишган. Буюк Ипак йўли ўтган территорияларда бир-биридан қолишмаган йирик шаҳарлар ўсиб чиққан, меъморий бинолари кўзни олган шаҳарлар савдо марказларига айланган.

Буюк Ипак йўли бугунги кунда ҳам янгиланиб, Шарқ билан Фарбнинг алоқаси яхши йўлга қўйилмоқда.

 Тарихий манбаъ билан танишиш:

Ибн Хордадбекнинг 885-886-йй. ёзилган «Давлатлар ва йўллар китоби».

Бу асарда Ўрта Осиёнинг шаҳар-қишлоқлари ва савдо йўллари ҳақида маълумот бор. Ибн Хордадбекнинг ёзганига кўра Самарқанд тарафдан Қирғизистоннинг жанубий территориясида – Қува, Ўш, Ўзган, От-Боши (Қўшўй-Қўрғўн) ва Иссиқ-Кўлнинг қирғоғидаги Барсқўўи шаҳарлари орқали Шарқий Туркистон томонга савдо йўли ўтган. Самарқанддан чиққан шимолий савдо йўли эса Шош (Тошкент), Исфиджаб (Сайрам), Тараз (Жамбул), Мерке, Невакет, Бўём дараси орқали Барсқўўнга келган. Ибн Хордадбек турк халқларининг рўйхатида қирғизларни ҳам атаб кетган.

 Ёзиб олинг:

*Буюк Ипак йўли* – бизнинг эрагача II асрда хитой императори Шинхуан томонидан асосланган Хитой ва Ўрта денгиз мамлакатларини бирлаштирган савдо йўли бизнинг эрагача 109-йилда Тангри-Тоғ орқали Буюк Ипак йўли очилган.

 Саволлар ва топшириқлар:

1. Буюк Ипак йўли қачон очилган?
2. Қирғизистоннинг территорияси орқали қандай йўллар ўтган, харитани фойдаланиб айтиб беринг?
3. Буюк Ипак йўлининг бўйида қандай шаҳарлар жойлашган?

## IV БОБ. ҚИРҒИЗЛАРНИНГ МУСТАҚИЛЛИК УЧУН КУРАШИ

### § 21. Чингиз хоннинг ғазабли замони

1

Асосий саналар:

1206-й. – Мўнғул давлатининг тузилиши.

1207-й. – Жучининг Жанубий Сибирга юриши.

1218-й. – Мўнғулларнинг Етти-Сувга келиши.

1219-й. – Марказий Осиёни қулчиликка айлантириш.

✓ Тушунчалар: Чингиз хон.

Чингиз хоннинг аскарларининг қирғиз ерларига босиб кириши. XII а. охири XIII а. бошида мўнғул далаларидаги уруғлар ўртасидаги кураш охирига чиқиб, бўржигин уруғи устунлик ҳолатга эга бўлди. 1206-йилда мўнғул уруғларининг катта қурултойида бўржигин уруғининг машҳур бошқарувчиси Есугей ботирнинг ўғли Тэмучин оқ кигизга солиниб, бутун мўнғулларнинг хони деб эълон қилиниб, Чингиз хон унвонига эга бўлади.

Чингиз хон ўзининг сўзини ғинг демай эшитган, таланти қўл бошчиларига таяниб, қисқа муддатда кучли армия тузган. Барча мўнғуллар унинг буйруғи билан дарров юришга чиқишга мажбур бўлган. Аскарлари ўнликларга, юзликларга, мингликларга ва ўн мингликларга (туман) бўлинган. Ҳар бир бўлакнинг бошида довярак қўл бошчи бўлган. Ғоят қаттиқ тартибга эга бўлган, кучли армияси билан Чингиз хон босиб олувчилик юришларини бошлаган. 1207-йилда Чингиз хон ўзининг ўғли Жучига Жанубий Сибирнинг халқларини бўйсундиришга буйруқ берган. Ўша пайтда Она-Сойдаги қирғизлар бурунги куч-қувватидан айрилиб, тарқоқлик яшашни бошларидан кечираёттишган. Тарқоқ эгаликлари бошқариб турган қирғиз бошлиқлари, халқни беҳуда қирилиш-



дан сақлаб қолиш учун Чингиз хонга бўйсуниб беришга қарор қилишган.

Жучи қирғизларнинг эгалигига яқинлашиб қолганда, унга қирғизлар элчи жўнатиб, энг баҳоли оқ шунқор, оқ бўз от тортиқ қилиб, ўз ихтиёри билан ғазабли дала эгасининг фуқаролигига ўтишини билдиришган. Она-Сойликлар мўнғўлларга солиқ қатори темир, экин бериб туришга мажбурият олган. Мўнғўлларнинг эзуви ғоят ғазабли бўлиб, озодликни истаган қирғизлар 1218-йилда ўзларининг қўшниси туматлар билан бирга қўзғолон чиқаришган. Бироқ куч тенг келган эмас, мўнғўлларнинг Жучи бошида турган зўр армияси қўзғолончиларни қонхўрлик билан босиб жазолашган. Қирғизлар қайтиб куч тўплаш учун кўплаб йиллар талаб қилинган. Чингиз хоннинг босқинчилик даври кучайиб турганда ҳозирги Қирғизистоннинг территориясида найманларнинг бошчиси Кучлукнинг ҳокимияти ҳукм суриб турган. Шарқий Туркистон ва Етти-Сув халқи найманларнинг оғир эзувида бўлган. Кучлук бу ердаги мусулмонларни буддизмга ёки христиан динига ўтишга мажбурлаган.

1218-й. Чингиз хон Етти-Сувга Жебе-Нўйўн бошида турган 20 минг одамдан иборат армияни жўнатган. Етти-Сувнинг чекига етганда мўнғўл қўл бошчиси ҳар ким ўз динини тутишга ҳуқуқли деб жар солган. Ундан ташқари мўнғўлларнинг тартибли аскарлари одобли халқни тўнамасликка буйруқ олишган. Жебе-Нўйўннинг бундай сиёсати муваффақиятли бўлиб, маҳаллий халқлар Кучлукка қарши кўтарилиб, мўнғўлларни қутқазувчи қатори тўсиб олган. Масалан, Боласоғун шаҳрининг дарвозаси мўнғўлларга қаршиликсизоқ очилиб берилган. Шунингдәк усул билан мўнғўллар Қирғизистоннинг территориясидаги бошқа шаҳарларни ҳам эгаллашга етишишган. Кучлук мўнғўллар билан тўқнашишда яқсон қилиниб қочган, бироқ мўнғўллар уни қувиб етиб бошини олишган.

Марказий Тангри-Тоғ тўлиғи билан мўнғўлларнинг кузатиши остида бўлган. Бунда, Марказий Осиёга босқинчилик ясаб, босиш учун мўнғўллар куч тўплаган.

Марказий Осиёни қудчиликка айлантириш. Тангри-Тоғни мўнғўлларнинг эгаллаши Ўрта Осиёга босиб киришга йўл очди. Ўша пайтда Ўрта Осиёдаги энг катта давлат Хоразм шоҳлиғи эди. Хоразм шоҳи бутун Ўрта Осиё, угина эмас, Эрон ва Ироқнинг бир қатор территорияларини бошқариб, пойтахти гуллаб ривожланган Урганч шаҳри эди. Муҳаммад шоҳ ўзини бутун шарқнинг бошлиғиман деб ҳисоблаган. Чингиз хон 1218-й. Муҳаммад шоҳга элчи жўнатган, унда: «Мен сенинг билан тинчликда яшагим келади. Сен менинг энг улўғ ва қимматли хизматчим

бўл». Бундай камситишга чидамаган Муҳаммад шоҳ, Ўттар шаҳрида элчиларнинг бошини олдиради. Бу хабарни эшитган Чингиз хон уруш босқинчилигига чиққан.

1219-йилда 20 мўнғул тумани (200 минг отлик) чегарадаги Сир-Дарёга яқинлаб келишди. Хоразм шоҳнинг армияси очик қаршилик кўрсатмасдан йирик ғовларда мудофаа қилиш урушларини юргизган. Чингиз хон энг асосий кучи Ўттар шаҳрига йўналиб, уни йўқ қилган.

Улар ғовларни тош ирғитувчи машина билан яксон қилиб, умумий хужумга ўтиб, рақибларини аёвсиз қирган. Ҳеч кимга кечирим берилган эмас. Самарқанд халқи қаттиқ қаршилик кўрсатди, шаҳар тўлиғи билан тор-мор қилиниб, 30 минг эркак қирилиб, аёллар ва болалар қулликка сотилди. 1221-й. Урганч қамоққа олинди. Ўрда шаҳарининг халқи аёл-эркак, бола-чақа демай бутунлай душманга қаттиқ қаршилик кўрсатиб, қошиқ қони қолгунча жанг қилишди. Бироқ провардида босқинчилар ғалабага эришадиде, Аму-Дарёсидаги тўсмани бузиб, шаҳарни сел қоплаган. Шундай қилиб, 1221-й. Ўрта Осиёнинг кўпчилик қисми мўнғул босқинчиларининг қўл остида қолди.

Мўнғулларга барқарорлик билан қаттиқ қаршилик кўрсатган Хоразм шоҳининг ўғли Жалолиддин бўлди. Урушавериб, унинг аскарлари Ҳиндистон чегарасигача сурилди. Провардида душманларнинг қуршовида қолган Жалолиддин талпинган оти билан баландликдан Ҳинд дарёсига бўй уради. Оти, қурол-яроғи ва қўлидаги байроғи билан соғ-саломат нарги қирғоққа сузиб ўтди. Чингиз хон унинг орқасидан қувғун юборган эмас, у Жалолиддиннинг қаҳрамонлигига қойил қолиб, ўз жангчиларига: «Ундан ибрат олиш керак!» – деб айтган. Бу ботирнинг отаси Муҳаммад шоҳ Каспий денгизининг оролларининг бирига яшириниб, кўп ўтмасдан қазо бўлган.

1227-йилда 72 ёшдаги Чингиз хон оламдан ўтади. Унинг эғалигидаги ерлар улусларга бўлиниб, болаларига меросга қолган. Қирғизистоннинг территорияси, Марказий Осиёнинг кўпчилик қисми Чингиз хоннинг иккинчи ўғли Чағатойнинг эғалигига тегишли бўлган. Она-Сой билан Иртиш дарёларининг оралигидаги ва Балхаш кўлигача қирғизларнинг ери эса учинчи ўғли – Угедейга теккан. Кейин Угедей Мўнғул империясининг буюк хон бўлиб эълон қилинган.


✍ Езиб олинди:

*Чингиз* – турк тилида «тегин», «денгиз» деганини билдиради.

 Буни билиш қизиқарли

Чингиз хон Хоразмнинг йирик шаҳарларига хат жўнатган, унда бундай деб айтилган:

«Биласизми – Кўк Тангри менга Шарқни ва Фарбни, ер юзидаги барча подшоҳликни атаб қўйди. Агар қаршилик кўрсатмай бош эгсангиз кечирим берилиб умрингиз сақланади, йўқ агар қаршилик кўрсатишни ечсангиз халқингиз қирилиб, кулингиз кўкка совурилади». Шундай қилиб, баъзи бир шаҳарлар уришмасдан дарвозаларини очиб беришган, мўнғўллар халқни далага ҳайдаб чиқиб, бўш қолган шаҳарларни уч кун талон-торож қилишган, мудофааланиб қаршилик кўрсатганларни эса мўнғўллар бераҳмлиқ билан жазолашган.

 Саволлар ва топшириқлар:

1. Тэмучин деган ким бўлган?
2. Мўғуллар Тэмучинга Чингиз хон деган унвонни бериш билан нимани ибоят қилишган?
3. Чингиз хоннинг босиб олишлари қандай бўлган?
4. Қирғизларнинг мўнғўлларга бош эгиши ҳақида айтиб беринг.
5. Мўнғўллар босиб олган территориядаги халқнинг ҳаёти қандай бўлганини қўшимча адабиётдан топиб ўқиганга ҳаракат қилинг.

## § 22. Мўғулистон давлати

 Асосий саналар:

1348-й. – Мўғулистон давлатининг тузилиши.

1365-й. – Лой жанги.

 Тушунчалар: мўғул, улусбеги, бутнараст.

**Мўғулистон давлатининг тузилиши.** Ўрта Осиёни эгаллаб турган Чағатой улусининг территориясида асосан турк ва турклашиб кетган мўнғул уруғлари яшашган. Сир-Дарё билан Аму-Дарёсининг ўртасидаги территориялар Мовароуннаҳр деб аталиб, ундаги халқлар ўзларини «Чағатойлар» деб аташган, Тангри-Тоғ, Етти-Сув территориясидаги мўнғуллар эса ўзларини мўғуллармиз дейишган. XIV а. ўрталарида Ўрта Осиёнинг шарқида янги давлат – Мўғулистон, яъни «Мўғуллар ўлкаси» пайдо бўлган. Мўғулларнинг энг йирик уруғлари туркча ва мўғулча аталган. Уларнинг ҳаммаси аллақачонданоқ турк тилида гаплашишган, туркларнинг урф-одатини қабул қилишган, ўзларининг Она Ватани қатори Мўнғўлиянинг далаларини эмас, балки Марказий Тангри-Тоғни ҳисоблашган.

Мўғулистон давлатини дуглат уруғининг йирик бошлиқлари етаклашган. Улар Шарқий Туркистонни, Мангғалай-Субе билан Фарғонанинг бир қисмини, Олой, Иссиқ-Кўлгача бутун Марказий Тангри-Тоғ туманидаги ерларни эгаллаган.

Бу ерлар дуглат уруғининг амири Пуладчига тегишли бўлиб, унинг ўрдаси Оқ-Сув шаҳрида (Шарқий Туркистонда) жойлашган.

Талас, Чуй водийлари, Иссиқ-Кўл ва уларнинг шимолидаги ерлар Балхашга, шарқ томонидан Иртишгача дуглат уруғининг тагин битта бошчиси Камориддинга қараган. У Пуладчи амирнинг туғишган укаси бўлган.

Дуглат уруғининг бошлиқлари ўз уруғининг уруш кучларига таяниб, Мўғулистонни Мовароуннаҳрдан ажратиб олиш ҳаракатларига раҳбарлик қилишган.

Амир Пуладчи ўзи Чингиз хоннинг қавмидан бўлмаган сабабли хон тахтига ўтира олмаган. Шу сабабдан у чағатойларнинг қавмидан чиққан Тўғлиқ-Темир деган ёш болани топиб келиб, ўша орқали ўзим ҳокимлик юргизаман деган ниятда уни 1348-й. Мўғулистоннинг хони деб эълон қилади. Шундай қилиб, Мўғулистон давлати тузилиб, Пуладчи ўзи хоннинг олдида улусбеги деган юқори хизматни эгаллайди-да, уни наслдан-наслга меросга қолдирадиган қилади.

Мўғулистоннинг хони Тўғлиқ-Темир давлат ҳокимлигини кенгайтиб, мустаҳкамлашга қарор қилади. Тўғлиқ-Темир 24 ёшида ислом динини қабул олиб, уни давлат дини деб эълон қилади. Унинг устига у исломни қўл олдидагиларга куч билан тарқатади. Тарихчиларнинг маълумотида бир кунда бутпараст йўлини йўлловчи 160 минг киши ислом динини қабул олади.

Мовароуннаҳрга юришлар. Марказий Тангри-Тоғнинг кўчман оқ суяклари хондан бошқа ерларни босиб олишни талаб қилишган. Тўғлиқ-Темир агарда юриш муваффақиятли бўлиб қолса ўзининг обрўси кўтарилиб, ҳокимлиги мустаҳкамланадиганини тушунган. Хон ҳам, у таянган кўчман бошлиқлар ҳам Ўрта Осиёдаги Аму-Дарёси билан Сир-Дарёсининг ўртасида (Мовароуннаҳр) ётган ғарбий территорияларни осонгина босиб олишга бўлади деган қарорга келишган. Чунки, у ердаги ҳокимият тарқоқ ва ўзаро ёвлашиб турган турк амирларининг қўлида эди.

1360-йилнинг эрта баҳорида Тўғлиқ-Темир кўп аскарлари билан Етти-Сувдан Мовароуннаҳр томон юришга чиққан. Уларга урушсизоқ шаҳар халқи бўйсуниб беришиб, маҳаллий турк амирлари Тўғлиқ-Темирнинг тарафига ўтишди. Мўғул оқ суяклари Мовароуннаҳрни босиб олинган ўлка қатори ҳисоблашиб, халқни талон-тороғ қилиб, кўп бебошлик қилишди.

Шу сабабли халқ қўзғолонга чиқади, уларни баъзи бир маҳаллий бошлиқлар қўллаган. Самарқанд шаҳрига ҳоким қатори

қўйилган Тўғлиқ-Темирнинг ўғли Илёс Хўжа оғир аҳволда қолган. Ўша пайтларда Мўғулистоннинг хони Тўғлиқ-Темир оламдан ўтади, Илёс Хўжа Самарқанддан қайтиб келиб, отасининг тахтини эгаллайди. 1362–63-йй. Мовароуннаҳр вақтинча қўлдан чиқади. Илёс Хўжа 1365-йилда Мовароуннаҳрни қайтадан босиб олишга жўнайди. Мовароуннаҳрни Хусейин ва Темир деган амирлар бошқариб турган, улар билан мўғулларнинг ўртасида зўр уруш бўлиб, охирида Илёс Хўжанинг аскарлари ғалаба қозонади. Мўғулларнинг аскарларига Самарқандга қараб йўл очилади.

Мўғулларнинг мағлубияти, ичаро урушлар. Самарқанд шаҳрининг турғунлари тўдаланиб шаҳарни мудофаа қилишга чиқишади. Уларга босқинчиларнинг қўлига тушиб бергиси келмаган қатордагиёқ оддий одамлар раҳбарлик қилишади. Халқ шаҳарга кирган битта кўчадан бошқа барча йўللари кавлаб, қўлга теккан ҳар қандай нарсалар билан тўсиб ташлашади. Мўғулларнинг отличлари тўсилган, кавланган кўчага кираверганда ҳар тарафдан ёй отиб, тошга олиб, сўйил билан уриб, чиқиб бўлмайдиган ҳолатга туширишади. Бостириб кирганлар мингга яқин одамларидан, кўп сонли от-уловларидан ажраб, шаҳардан қайтиб эплаб чиқишади. Илёс Хўжа Самарқандни қуршовдан бош тортиб, аскарларини Мўғулистонга олиб кетади.

Илёс Хўжанинг Мовароуннаҳрдаги урушда мағлубиятга учраши Мўғулистондаги йирик бошлиқларнинг унга қарши чиқишига туртки бўлади. Дуглат уруғининг халқ билган обрўли амири Камориддин Илёс Хўжанинг ўрдасига қўл солиб, хонни ўлтириб, унинг оиласини йўқ қилади.

Мўғулистоннинг бошлиқларининг ўртасида ҳокимлик талashiш куч олиб, ичаро урушлар бошланади. Улар Темирнинг аскарларининг юриши бошланар олдида давлатни ҳолсизлантирган.



Мўғул аскар.



Мовароуннаҳрга юриш.




Бу воқеа Илс Хўжанинг Мовароуннаҳрга ясаган юришида бўлган. Мўғулларнинг аскарларини Мовароуннаҳрнинг бошқарувчиси Темир Тошкент билан Чинознинг ўртасидан, Сир-Дарёдан тўсиб чиқишади. Икки тараф юзлашиб уришаётганда изғирин бўлиб сел ёғди. Аскарлар ботқоққа ботишиб, берилган буйруқлар эшитилмайдди. Челақлаб куйгандай ёмғирда душман қаёқда, ўз қаёқда экани билинмайдди. Жанг ҳаддан ташқари кучайиб турган маҳалда мўғулларга янги куч келиб қўшилади-да, қайсарлик уларнинг фойдасига ҳал бўлади. Темирнинг аскарлари орқага қочишади. Саросимага тушиб қочганда тирикларнинг ва ярадор бўлганларнинг кўпи лойга тепаланиб қолади. Ўша пайтдагиларнинг айтишига кўра Сир-Дарёдаги «Жанг-и Лойда» («Лойдаги тўқнашиш») 10 мингга яқин одам қурбон бўлган.

 Ёзиб олинг:

*Мўғул* – турклашиб кетган мўнғул уруғлари.

*Улусбеги* – мўғул давлатидаги юқори хизмат.

*Бутпараст* – кўп худодиликка ишонич.

 Саволлар ва топшириқлар:


1. Мўғулистон давлати қачон асосланган, биринчи хоний ким бўлган?
2. Қайси территориялар Мўғулистонга кирган?
3. Нима учун Пуладчи хон бўлиш ҳуқуқига эга бўлган эмас?
4. Мовароуннаҳрга ясаган юришлар қандай бўлди?
5. Илс Хўжа нима сабабдан ўлдирилди?
6. «Лойдаги тўқнашув» қайси воқеани акс эттиради?

## § 23. Амир Темирнинг давлати

 Асосий саналар:

1370-й. – Амир Темирнинг давлатининг тузилиши.

1371-й. – Мўғулистонга Темирнинг юришининг бошланиши.

 Тушунчалар: «Амир».

Амир Темирнинг давлатининг асосланиши. Мўғулларнинг такрор-такрор ясаган юришларидан ва халқ қўзғолонларидан безор бўлган Мовароуннаҳрнинг бошлиқлари билан савдогарлари ўлкага қарши келаётган юришларни рад қилиб, халқни ёнги дегизмай ушлаб турган кучли одамни излай бошлашади. Охири улар халққа белгили бўлиб қолган Амир Темирни танлашган.

Темир Шахрисабз шаҳрининг атрофидаги турклашиб кетган мўнғул уруғи барласдан чиққан Тарағай бек деган одамнинг оила-

сида 1335-йилда туғилган. У ёш чоғиданоқ уруш ишларини яхшилаб ўрганган, йўл бошчилик қилишга тайёр инсоний сифати бор, довурак одам бўлган. У куч-қувватли, ғайратли деса ғайратли, қаҳрли деса қаҳрли йигитлардан ҳайбатли аскар тўплаб, карвонларни талон-торож қилиб, қўшниларига қўл солиб турган. Йигирма ёшга чиққанда Темир халқ орасида қадр-қимматли, Қазаған деган амирга хизматга ўрнашган. Тўғлик-Темир Мовароуннаҳрни босиб кирганда, Темир мўғулларга хизматга ўтиб, Кеш территориясига эғалик қилган.

У 1361-йилда Қазағаннинг невараси, ўша пайтда Мовароуннаҳрни бошқариб турган Хусайн амир билан иттифоқ тузадида, кўп ўтмасдан 1370-йилда уни тутқунга олиб ўлдиради, Мовароуннаҳрнинг тўла ҳуқуқли ҳокимият эгаси қатори ўзининг номидан давлат асослайди. Умрининг охирида Амир Темир Ўрта денгиздан тортиб Шарқий Туркистонни ўз ичига олган мамлакатни тузган. Унинг пойтахти Самарқанд шаҳри бўлган. Юришларнинг бирида Темир оёғидан ярадор бўлгани сабабли оқсаб босарди, шунинг учун уни «оқсоқ Темир», европалилар эса «Тамерлан» деб аташган.

Темирнинг қирғиз территориясига ясаган юриши. Ўзининг ҳукмронлигини кенгайтиш мақсадини кўлаб, Темир Мўғулистонни босиб олишга бир қатор юришларни ясаган. 1371-йилда Темир Камар ад-Диннинг улусига қарши юришга чиқиб, Иссиқ-Кўлга келади. Бироқ ўйлаган ўйи ўнгидан чиқмайди. Чунки, халқнинг бир қисми Шарққа, Иле билан Иртиш дарёларининг ўртасига кўчиб кетиб, иккинчи қисми босқинчилар осонлик билан етолмайдиган тоғли водийларга чиқиб кетган. Борган ерлари одам яшамайдиган бўлиб, бўш қолган. Мўғул уруғлари босиб олувчиларга қарши доим шундай амални қўлланишарди. Кўчманчи уруғлар билан бўлган йигирма йил давом этган уруш уларни тўлиқ бўйсундиришга мумкин эмаслигини кўрсатган. Унга қарамадан 1390-йилда Темир бир неча амирлар бошлаган 20 минг




Амир Темир.




Амир-Темирнинг жанрчиси.


аскарини Мўғулистонни вайрон қилиб, Камар ад-Динни қувғин қилиш учун жўнатади. Уларнинг бири шимолдаги йўл билан – Тошкент, Талас, Чуй орқали, иккинчиси жанубдаги йўл билан – Андижондан чиқиб, Жаази, Арпа дарёларини бўйлаб жўнайди. Аскарлар юриб ўтириб Иссиқ-Кўлдан қўшилади. Орқага чекиниб бораётган Камар ад-Динни қувлаб етиш учун, улар Иртишгача боришади. Ер одам яшамайдиган бўлиб, бўш қолган. Халқ босқинчилардан яшириниб, баланд тоғли территорияларга чиқиб кетган. Тангри-Тоғда яшаган кўчманчи уруғлар душманга бош эгишни истамай, Она Ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлишган эди. Темирнинг ҳокимлиги Чуй водийсигачагина тарқаган. Бу территорияни ва унга қўшиб умуман Мўғулистонни бошқаришни Темир ўзининг неварасига – ўрта асрдаги энг йирик олимларнинг бири қатори ном чиқарган машҳур Улуғбекка берган. Бироқ Улуғбек аслида Мўғулистонда ҳокимият юрита олган эмас.

 Буни билиш қизиқарли

Амир Темир ва унинг босқинчилик урушлари ҳақида қирғиз халқининг эсида кўп хотиралар сақланиб қолган. Ушбу кунларда ҳам Иссиқ-Кўлнинг шарқ тарафидаги, Сонтош довоидаги икки тош тепани халқ миш-миши «Оқсоқ Темир» исми билан боғлаштиришади. Унинг маъноси бундай: Темир Сонтош орқали Хитойга кетиб бораётиб, довога чиққанда ҳар бир жангчига «сойдан биттадан тош олиб, уларни бир ерга йиғинг» деб буйруқ беради. Қайтиб келаётганда тирик қолган жангчилар ҳалиги тош тепадан биттадан тош олиб, тепанинг қаторига йиғишади. Шундай тарзда довода иккита катта тош тепа пайдо бўлади. Уларнинг биттаси бўлак ерда қурвон бўлганларнинг ўз қўллари билан ўзларига ўрнатган ёдгорлиги. Иккинчиси юришдан соғ-саломат қайтганларники экан.

 Ёзиб олинг:

*Амир* – арабча аскар бошчиси.

 Саводлар ва топшириқлар:

1. Амир Темир қандай қилиб давлат тузибди?
2. Унга таъриф бериб кўринг.
3. Қирғиз территориясига яшаган ҳужумчи нима учун етмаётганларини билгиласизми?
4. Темир ҳақида қандай миш-мишлар йўр экан?
5. Амир Темир ҳақида эссе ёзинг.

## § 24. Муҳаммад Қирғиз (Тоғой бий)

- 1** Асосий саналар:  
 1510-й. – Муҳаммад Қирғизнинг хон бўлиб эълон қилиниши.  
 1517-й. – Мўғуллар билан Қирғизларнинг уруши.  
 1524-й. – Қирғиз-қозоқ иттифоқининг тузилиши.

✓ Тушунчалар: амир.

Марказий Осиёдаги вазият. Темирнинг Мўғулистонга ясаган вайрон қилувчи қонли юришларининг натижасида унда катта ўзгаришлар бўлган. Бир вақтлардаги кучли уруғлар одам жиҳатидан ҳам, тирикчилик жиҳатидан ҳам зўр йўқотишларга учради. Марказий Тагри-Тоғ, Иссиқ-Кўлнинг шаҳарлари ва Иле водийси бўш қолди, Мўғулистоннинг шарқий чет томонларида, Олтойда ва Жунғорияда яшаган қирғизлар Темирнинг урушларидан тор-мор бўлган мўғул уруғларининг қолганларини ўзига қаратиб, бўш қолган яйловларни аста-секин эгаллай бошлади. XV асрдаёқ қирғизлар қолган мўғуллардан деярли фарқланмай қолишади. Ўша вақтда уларнинг иккитагина фарқини белгилашган. Қирғизлар ўзларини жасурмиз деб ҳисоблашган. Мўғуллардан жанговарлиги билан ҳам, чидамлилиги билан ҳам фарқ қилишган. Довюррак, чаққон-эпчил бўлишган. Ўша сабабли улар «Мўғулистоннинг шерлари» деган фахрий ном олишган. Иккинчиси, қирғизлар бир қатор мўғул уруғларига ўхшаб, исломни қабул олмасдан, ўзларига одат бўлиб қолган кўп худоликка сифинишни давом эттираверишган ва мўғуллар тушинадиган, лекин бошқа турк тилида гаплашишган. XV а. 80-йй. Мўғулистоннинг территориясида сиёсий икки бирикма тузилган. Уларнинг бири Жунус хон бошида турган мўғулларнинг улуси, иккинчиси Шимолий Қирғизистонда энг кўпчилиги қирғизлардан иборат бўлган Султон Ҳалилнинг ўрдаси. Султон Ҳалил «қирғизларнинг обрўли подшоси» деган ном билан маълум, кейин буларнинг ўртасида йирик ўзаро урушлар авж олган, ундан ташқари бу территорияларга жунғорлар ва шайбонийларнинг қўл солиш хавфи кучаган.

Қирғизларнинг мустақиллик учун кураши. Бу пайтларда Мўғулистонда қирғизларнинг роли кучай бошлади. XVI а. қирғизлар анча илдиз отиб, ҳокимликни Чингиз хоннинг авлодларининг мерос қилиб бериш одатидан бош тортишиб, амирларни ўзларининг орасидан кўтара бошлаган. Ўша пайтда Иссиқ-Кўлнинг Барсқўўн территориясини етаклаб турган Муҳаммад Қирғизнинг номи чиқа бошлаган. Унинг фаолияти қирғиз уруғларининг ўнг ва чап қанотларининг иттифоқларини мустаҳкамлашга йўналтирилган. У 1510-йилда одатга кўра оқ кигизга солиниб, хон деб

эълон қилинган. Бу амалда қирғиз уруғларининг мустақилликка эга бўлишини нишонлади.

Қирғиз уруғлари Муҳаммад Қирғизнинг раҳбарлиги билан Мўғул давлатининг хони Султон Саидга 1514-йилда Қашғарни босиб олишда жиддий қўллаш кўрсатган. 1517-й. Муҳаммад Қирғиз Сайрам, Тошкент, Туркистонга қўл солиб, Тошкентнинг ҳокими хонзода Абдуллани тутқунга олган. Бироқ кейин уни ҳурмат билан қўйиб юборишади. Буни эшитган Султон Саид хон Муҳаммад Қирғизга қарши йўлга чиқиб, мусулмон ерларини харобага учратганлиги учун жазолашга қарор қилди. Ҳақиқатда хон қирғизларнинг бошқарувчиси ўзига душман шайбонийлар билан яширин иттифоқ тузмоқчи деб хавотирланган.

1517-йилда Саид хон ўзи бош бўлиб, аскарлари билан қирғизларга қарши жўнаган. Улар Барсқўўнга яқин ерда қирғизларга бехосдан қўл солади. Урушда қирғизлар мағлубиятга учраб, Муҳаммад Қирғиз тутқунликка тушади. У унга «Сени кўчманчиларнинг одати-га кўра ўлимга тортиш керак эди. Бироқ, мен сени олижаноблик билан кечираман» деб, уни кишанлашга буйруқ берган. Ҳалабадан кейин мўғуллар қирғизларнинг уюр-уюр йилқиларини, кўра-кўра қўйларини, тўп-тўпи билан туяларини ҳайдаб кетишади.

Муҳаммад Қирғиз Шарқий Туркистонга олиниб келингандан кейин 5 йил бўйи Қашғарда қамоқда бўлади. Келажакда қирғиз ерига эга бўламан деган умидда 1522-йилда Султон Саид Муҳаммад Қирғизни бўшатиб, ватанига юбориб, унинг қадр-қимматини фойдаланишга ҳаракатланган.

Бироқ унинг умиди оқланган эмас. Муҳаммад Қирғиз ўзининг атрофига барча қирғиз уруғ бирикмаларини тўплаган ва қайтадан амалда қирғизларнинг бошчиси бўлиб қолган.

Муҳаммад Қирғиз мўғул давлатининг босқинчилигига қарши Қозоқ хонлиги билан иттифоқ тузишга ҳаракат ясаган. 1524-йилда қозоқ хонлигининг бошқарувчиси Тоҳир-хон Муҳаммад Қирғиз билан мўғулларга қарши шериклашиш ҳақида суҳбатла-



Муҳаммад-Қирғиз



XVI а. қирғиз жангчиси

шувларни юргизган. Султон Саид бу ҳақда билиб қолиб, Муҳаммад Қирғизни қайтадан тутқунга олган ва уни Қашғарга юборган, бунда у Султон Саид ўлгунгача бўлган. 1533-йилда Муҳаммад Қирғизнинг ўзи ҳам вафот қилган.

Мўғул давлатининг бошқарувчиларининг Шимолий Қирғизистонни эгаллашга бўлган ҳаракати ишга ошган эмас. Муҳаммад Қирғизнинг зийрак сиёсати қирғизларга қозоқлар билан шेरклашиб, ўз мустақиллигини ҳимоя қилишга имконият берган.

✍ **Ёзиб олинг:**

**Амир** – шарқдаги баъзи бир мусулмон ўлкаларида ўлка бошқарувчиларининг номи.

② **Саволлар ва топшириқлар:**

1. XV асрларда Марказий Осиёда вазият қандай бўлган экан?
2. Муҳаммад Қирғиз деган инсон ким?
3. Мўғулларнинг қирғизлар билан уруши нима билан аёқлаб турган?
4. Қирғиз-қозоқ шेरклашланишининг маъноси қандай бўлган?

## § 25–26. Қўқон хонлигининг устунлиги

- 1 **Асосий саналар:**  
1709-й. – Қўқон давлатининг тузилиши.  
1762-й. – Ўзган билан Ўшни Қўқон хонлигининг босиб олиши.  
1825-й. – Шимолий Қирғизистонни босиб олишининг бошланиши.

✓ **Тушунчалар:** бий, ғов, сарбоз.

Хонликнинг тузилиши, қирғизлар билан алоқаси. XVIII а. бошида Бухоро амирлигидан бўлиниб, Фарғона водийсида ўзича, мустақил эгалик тузилади. Қўқондаги янги бошқарувчи сулоланинг асословчиси минг уруғидан чиққан ўзбек феодали Шохрух бий бўлган. Уни 1709-йилда зўр тантана билан оқ кигизга солишиб хон кўтаришган. Хонликнинг халқи ўзбек, тожик, қипчоқ ва қирғизларнинг кўчманчи ва турғунлашган уруғларидан иборат. Қўқон хонлиги тузилгангача Фарғона водийсини Қўқон территориясида Шохрух бий, Хўжанд территориясида Оқбўта бий бийлаган. Қирғизларнинг Наманган, Андижон тарафида қипчоқларнинг эгаликлари бўлиб, улар бир-бири билан зич боғланишда бўлишган. XVIII а. бошида Шохрух бийнинг эгалигига Наманган территорияси қўшилади. Хўжанднинг бошқарувчиси Оқбўта бий билан муоамаласини яхшилаб, Шохрух бий қизини куёвга берган. Унинг қизига уйланган Оқбўта бий Шохрух-

нинг боласини чақиртиб, унга эгалигини бошқаришни ишониб берган. Кейин бийликни энгсаган Шохрухнинг боласи Оқбўта бийни хонлик билан ўлдиради-да, Хўжанд территорияси Қўқон эгалигига ўтади. Шундай қилиб, Фарғона водийсидаги ерлар Қўқон эгалигига ўтиб, унинг территорияси кенгайверади.

Қўқоннинг бошқарувчилари қирғиз бошлиқлари билан алоқада бўлиб, уларнинг эгаликларига мустақил қўл сола олишган эмас. Угина эмас, ўз эгалиklarини кенгайтиш учун қирғизлардан ёрдам сўраб туришган. Масалан, жанубий қирғизларнинг қушчи уругининг бошчиси Қубат бий Ўра-Тева давлатининг бошқаришига қарши юриш ясаган пайтда, у Қўқон бошқарувчисининг тенг ҳуқуқли иттифоқдоши қатори чиққан. Уни Бухоро солномаларида «Эрденининг таянчи» деб аташган.

Қўқонлик тарихий манбаъларда Қубат бий «қирғизларнинг подшоси» деб ёзилган. Қубат бий ўз уруғдошлари билан Фарғонада ва Тангри-Тоғда анчагача кўзга кўринарли роль ўйнаган. У ўз номидан, Қўқоннинг асосий иттифоқдоши қатори Хитой императорига мурожаат мактубини юборган. Қубат бий Фарғона, Тангри-Тоғ, Шарқий Туркистонда қирғиз уруғларини бош қўштириш йўналишида фаолият юритиб, келажакда марказлашган Қирғиз давлатини тузишга интилган. Бироқ бу ҳаракатлар ишга ошган эмас. Бунга уруғлар ўртасидаги жанжаллар, ташқи душманларнинг ҳар қандай ҳаракатлари сабаб бўлган.

Қўқон хонлигининг кучайиши ва Жанубий Қирғизистонни босиб олиши. Эрдене қирғиз уруғларининг бирлашиш ҳаракати ўнгидан чиқмаганлигидан фойдаланиб, Ўрта Осиёда Қўқон бийлигининг вазиятини мустаҳкамлашга киришади. Қўқон хонлиги қирғизлар билан иттифоқини бузиб, Қубат бий билан муомаласини узади. Эрдене қирғиз тураржойини босиб олиш учун турли ҳийла-найранглари қўлланади. XVIII а. 60-йй. жанубий қирғиз уруғларининг ўзича бирлашмаси бўлган, уни адигине уруғидан чиққан Ажи бий бошқарган. Қўқон бошқарувчиси Ажи бий билан Қубат бийнинг ўртасига ўт ёқиб, уларни васвасага туширишга кўп куч сарфлаган.



Қўқон сароёи.



Қўқон сарбени.

Қирғизларнинг ўртасидаги жанжални амал билан фойдаланиб, Эрдене бий 1762-йилда Ўзганга қўл солади. Маҳаллий аҳолидан ҳосил қилинган қўл Ажи бийнинг байроғи остида қонли курашга чиқишади, бироқ куч тенг эмасди, қирғизлар чекинганда, қўқонлилар Ўшни босиб олиб, қирғиз қўлини тоғ тарафга суриб ташлайди. Кейин бу ерларни бўшатиб олиш учун Ажи бий қўл тўплаб қарши чиқади-да, мағлубиятга учраб тутқунга тушади. Қирғизларнинг мустақиллигини сақлаб қолиш оғирга тушди, чунки қўқонлиларнинг қисими кучаб, унинг аскарлари, қурол-яроғи ва ташкил этилиши томонидан анча кучлилиқ қилган.

Дарғазаблик билан бўлган қаттиқ жанглардан кейин олойлик қирғизлар ҳам бўйсунушга мажбур бўлишган, Қўқон аскарлари у ерларга Қизил-Қўрғон, Сўпу-Қўрғон ва Тош-Қўрғон деган ғовларни солишган. Чўнг-Олой бўйсундирилганда унинг ғарбида Дарўўт-Қўрғон ғови қурилган.

Қўқон эгаллиги 1808-йилда хонлик бўлиб эълон қилиниб, ўша вақтдан тортиб Фарғона водийси Қўқон хонлиги деб атала бошлайди. Бурун Қўқон давлатининг бошчилари бий номини олиб келса, Алим бийнинг бошқарувидан тортиб хон деган унвонга эга бўлишади. Алим хоннинг даврида қирғизларга қарши юриш кучайган. Улар Тошкентни босиб олишган, бу Талас, Етти-Сувга босиб киришга лойиқ изни яратади. Бироқ Кетмон-Тепа томонга қараб олдинган эмас.

Қўқонлиларга қарши қирғизлар жон аямасдан курашган, уларни Сатике исмли одам етаклаган. Бу территорияни босиб ололмаган қўқонлиларнинг аскар бошчилари ҳар қандай ҳийлагарликларни ўйлашган. Провардида Ўмўр хоннинг вақтида, қишнинг чилласида Қўқон аскарлари Кетмон-Тепани босиб олишган, бу воқеа 1821-йилда бўлган эди. Шундай қилиб, Жанубий Қирғизистон территорияси Қўқон хонлигига бош эгишга мажбур бўлган.

Шимолий Қирғизистонни итоат қилдириш. Қўқоннинг бошқарувчиси Мадали хон шимолий қирғиз уруғларининг — сарибағиш билан сўлтўнинг ўртасидаги жанжаллардан фойдаланиб, 1825-йилда Чуй водийсига Лашкер қушбек бошлаган 4 минг одамдан иборат қўшинни юборади. Ҳаёт-тирикчиликка ери қулай, баракали Чуй водийсида мустаҳкамланиб олиш учун қўқонлилар ўша йилдөқ Аламедин сувишнинг қирғоғига Бишкек ғовини қуриб, унда аскарларини жойлаштиришган. Ғов қирғиз қаҳрамони Бишкекнинг гумбазига қатор, қирғизларнинг бурунги мудофаа ғовининг вайроналарининг устига қурилган.

Қўқошли бек бу ердан Иссиқ-Кўл қирғизларига хоннинг ҳукмига бош эгишини, тегишли солиқ тўлаб туришини талаб қилиб мактуб жўнатади.



Бироқ озодликни севган қирғиз уруғлари бўйсунтишдан бош тортишган. Бу хабарни эшитган Мадали хон бу территорияларни босиб олиш учун уруш ҳаракатларини бошлайди.

1831-йилда Тошкентнинг ҳоқими Лашкер қушбеги аскарлари билан Чуй водийси орқали Иссиқ-Кўлнинг қирғоғига боради, иккинчи тарафдан Марказий Тангри-Тоғни босиб олиш учун Фарғонадан чиқиб, Кўк-Арт доволанини ошиб, Хаққула минг бошининг қўшини жўнайди. Хоннинг қўл бошчилари қирғиз уруғларининг орасидаги ноиттифоқликни билафонлик билан фойдаланишиб, қаршилиқ кўрсатишларни осонгина босишади.

Шундай қилиб, қўқонликлар Марказий Тангри-Тоғни, Иссиқ-Кўл айланасини босиб олишиб, у ерларга Тўқмоқ, Қуртқа, Жумғал, Барсқўён, Қорақўл в.ҳ. ғовларини солишган.

XIX а. ўртасида Қирғизистонда Қўқон хонлигининг тўлиқ устуңлиги ўрнаган.

➤ Исон ҳақида билиб олинг!

Қубат бий – XVIII а. иккинчи ярмида Фарғона водийсида яшаган қирғиз уруғларининг бошлиғи, қўл бошчи, қушчи уруғидан чиққан бий. У жунғор ва Қўқон босиб олувчиларидан қирғиз уруғларининг озодлигини ва мустақиллигини ҳимоя қилган. Қубат бий уруғдошларининг орасида довораклиги ва қаҳрамонлиги, ҳалоллиги, меҳрибонлиги ва одиллиги билан зўр қадрқимматга эга бўлган.



Қўқон адреси «Тарих-и Раҳим-Хони» уни «қирғизларнинг подшоҳи» деб атаган. Қубат бий ёлғиз ўзининг номидан Хитой императорига мурожаат юбора олган. Кўк тангри подшоҳчилигининг бошқарувчиси эса Қубат бийнинг фикрини эшитган, чунки унинг Тангри-Тоғнинг сиёсий ҳаётидаги ўрнини билган.

✍ Ёзиб олинг:

**Бий** – кўчманчи турк халқларидаги уруғ оқсоқолларидан чиққан мансабли одам; туманини, территорияни бошқарган.

**Ғов** – Қирғизистоннинг территориясидаги Қўқон хонлигининг маъмурий маркази.

**Сарбоз** – Қўқон жангчиларининг аталishi.

❓ Саволлар ва топшириқлар:

1. Қўқон хонлигининг тузилиши ҳақида айтиб беринг.
2. Оқбўта бий ва Қубат бий қандай одамлар экан?
3. Ажи бийнинг қаҳрамонлиги нимада?
4. Қўқонликлар жанубий қирғизларни қачон, қандай қилиб босиб олди?
5. Шимолий Қирғизистонни нима учун қўқонликлар осон эгаллаб олди?

## § 27. Босқинчиларга қарши кураш. Тойлоқ ботир

1

Асосий саналар:

XIX а. 30-йй. — Шимолий Қирғизистоннинг территориясини Қўқон хонлигининг босиб олиши.

1838-йй. — Тойлоқ ботирнинг қазо бўлиши.

✓ Тушунчалар: вилоят.

Қўқон хонлигининг эзиши. XIX а. биринчи ярмида Қўқон эгаллиги Ўрта осиядаги энг йирик хонликларнинг бирига айланди. Унинг территорияси Тангри-Тоғдан Балхаш кўли билан Орол денгизигача кенгайиб, халқининг сони ҳам қозоқларнинг, қирғизларнинг, ўзбекларнинг, тожикларнинг ҳисобидан кўпайган. XIX а. 30-ййларининг тахминан ўрталарида қирғизларнинг барча уруғлари Қўқон хонлигининг бийлиги остида қолади. Қўқон давлати вилоятларга, областларга бўлинган. Кичкина шаҳарларга беклар, қишлоқларга, хўжалик ҳаётга оқсоқоллар етакчилик қилишган. Йирик уруғларни манаплар, уруғларни бийлар бошқарган. Қирғиз кўчманларининг орасида бийлар суд вазифасини бажаришган. Турғунлашган, деҳқончилик билан тирикчилик ўтказганларда суд бийлиги қозининг қўлида бўлган. Суд ишини қозилар шариатнинг, қирғиз бийлари халқнинг урф-одатининг асосида юргизишган.

Ўзларининг устуңлигини ушлаб туриш учун қўқонликлар қирғизларнинг кўчиб юрган территорияларида бир қатор ғовларни: Чуй водийсида Бишкек, Тўқмоқ, Мерке, Марказий Тангри-Тоғда Қуртқа, Тўғуз-Тўрў, Жумғал, Олойда Қизил-Қўрғон, Дарўўт-Қўрғон ғовларини қуришган. Бу ғовлар Қўқонлик босқинчиларнинг аскарий, бошқариш ва савдо жойлари бўлиб ҳисобланган.

Қирғиз халқи қўқонликларга «шимолий закот» (тутун солиғи), «қўй закоти» (қўй солиғи), «хирож» (ер солиғи) туридаги ва бошқа оғир солиқларни тўлаб туришган. Йўлларни, бузилган кўприк ва ғовларни бепул тузатиш ҳам уларнинг вазифаси бўлган. Ислам динини ёйилтган дин вакиллариغا махсус солиқларни — «ушр», «фитрларни» тўлашган. Давлат солиғини ғовнинг беклари, солиқ йиғувчилар солиқнинг миқдорини хоҳлагандай кўпайтиб, бойишни кўзлашган. Ер масаласи ҳам оғир бўлган, Жанубий Қирғизистонда қирғизларнинг яхши ерлари тортиб олинди, улар тоғ тарафга сурилган. Хоннинг ҳокимияти куч билан ушланиб турган. Бундай эзишга чидамаган халқ ўз эркинлиги ва озодлиги учун ҳар доим курашиб келган.

Тойлоқ ботир. Қирғиз тураржойини босиб олишда зўр куч билан келаётган Қўқон аскарларига қирғизлар осонликчаёқ бўйсунди берган эмас. Уларнинг қаршилик кўрсатиш ҳаракати

ўшандаёқ бошланган. Айниқса Норин водийсидаги саёқ ва черик уруғлари қаттиқ қаршилиқ кўрсатишган. Буларнинг бошида — туғишган ака-укалар Тойлоқ ботир билан Отантой турган.

Хаққуланинг 7 минг қўлига қарши, қирғизларнинг қўшини тизилиб, ушлашишга чиққан. Ҳал қилувчи олишишда ўз ерини ҳимоя қилувчилар мағлубиятга учраб қолишади-да, уларнинг бошчилари Тойлоқ ботир билан Отантой тутқунга олинади. Бироқ Қўқон хони халқ орасида буларнинг қадр-қиммати юқори эканини сезиб, кўп ўтмай тутқундан бўшатади. Ўз уруғ дошларининг ғоят оғир эзишда қолиши, Тойлоқ ботирни қайтадан эркинлик учун курашга чақирган. Тойлоқ ботир йигитлари билан Норин водийсидаги Қўқон хонлигининг тираги Қуртқа ғовини олишга жўнайди.

Қуртқа ғови Норин сувининг ўнг қирғоғидаги тик жарнинг бошига қурилган, унинг уч тарафи тупроқдан урилган баланд девор билан ўралган. Ғовнинг икки дарвозасида замбараклар турган, атрофида қоровул, отувчи тешиклари бор минораси бўлган. Ичида бекнинг уйи, аскарлар турувчи ётоқ жой, солиқ йиғилган омбор, масжид ва зиндон (турма) жойлашган.

Тойлоқ ботир ғовни қуршовга олганда, унда андижонлик қирғизлардан тўпланган (орасида 50 гина ўзбек бўлган) 200 отлиқ сарбоз бўлган. Ғовнинг беги қўрқоқ, обрўсиз Тошмат деган одам бўлган.

Ғовни қуршовга олиш узоққа чўзилган эмас, ғовдаги қирғизлар дарровоқ Тойлоқ ботир тарафига ўтиб кетади. Тошмат бўлса эплаб қочиб чиқиб, Қўқонга қараб йўл олади. Қўқон ғовининг қирғизлар томонидан тор-мор қилинганини эшитган хон Тойлоқ ботирнинг курашини тўхтатиш мақсадида отоқли қўл бошчи Арап ботирни 500 сарбоз билан жўнатади. Тойлоқ ботир йигитлари билан Тўғуз-Тўрўдаги Бичан деган ерда Арапнинг қўли билан юзлашиб, ғалаба қозонади. Қўқонликлар 400дан ошиқ сарбозидан



Тойлоқ ботир.



Қуртқа ғови. Норин водийси

ажраб қочганда, Тойлоқ ботир уларни белда қувлаб етиб, якка-якка сайишда Арапни ўлдирган. Ўша ер «Арапнинг бели» деб аталиб қолган. Курашиб кучи етмаган Қўқонликлар Тойлоқ ботирни йўқ қилиш учун ҳийлаю-найрангларни ўйлана бошлашган.

Тойлоқ ботирнинг қазо бўлиши. Тойлоқ ботирнинг кўзини тозалаш учун қўқонликлар Кўр Аким деган айғоқчини давogar қатори, норинлик қирғизларга жўнатишади. У уч йил бўйи Тойлоқ ботирнинг элида яшаб, табиб қатори танилиб, ишончга кирган. Бир бор Тойлоқ ботир катта тўй бериб, томоша куради. Ўрда отаётиб, боши оғриб кетганликдан табиб чақиртиради. Мунофиқ фикрини амалга ошириш учун қулай пайтга кутиб юрган Кўр Аким дарров етиб келади. Ботирнинг бошига бузуқ қон тўлиб кетибди деб эли ишонтариб, табиб Тойлоқ ботирнинг бошидан қон олади. Оққан қонни у қайтиб тўхтата олмайди. Ботирнинг ҳоли кетиб, кўзи юмилиб бораётганини кўриб, табиб ўз ишини бажардим деб қочиб кетади.

Шундай қилиб, қўқонликлардан ва бошқа душманлардан эли ҳимоя қилиб турган Тойлоқ ботир 1838-йилда дунёдан ўтади. Тойлоқ ботирни Қуртқа суви Норин дарёсига қуйган ерга кўмишади. Кейин унинг туғишгани Отантойни ҳам ўша қирғоққа қўйишади.

### Буни билиб олинг!

Норин дарёсининг ўнг қирғоғи билан юқорига бораётган ҳозирги пайтдаги йўловчи қирғиз гумбазларининг гуруҳини кўради. Ўша гумбазларининг нақ ўргасида гўзал, ўзича бир бошқача безатилган қўш гумбаз туради.

У қирғизларнинг ботир ўғиллари, иккита бир туғишган Тойлоқ билан Отантойнинг гумбази. Солинганидан бери 150 йилга чўзилган вақт ўтганига қарамасдан Тойлоқ билан Отантойнинг гумбази юқори кўтарилиб савлат билан кўринган, алоҳида бир меъморий қурилиш. Қирғиз халқи бундай ботирлари билан доим фахрланиб келган.



### Ёзиб олинг:

*Видоят* = Қўқон давлатидаги видоятнинг аталиши.

### Саволлар ва топшириқлар:

1. Қўқон холиғи босиб олган территориясини қандай бошқарган?
2. Қирғизларга солинган солиқлар қандай бўлган?
3. Ғовлар нимага қурилган деб ўйлайсиз?
4. Тойлоқ ботир қандай кураш юргизган?
5. Нима учун қўқонликлар қандай ҳам бўлмасин ботирни ўлдирishга ҳаракат қилишган?

## § 28. Қўқон хонлигидаги тахт талашлар

1 Асосий саналар:

1842-й. — Қўқонда Шералининг хон бўлиши.

✓ Тушунчалар: минг боши.

Тахт талашлар жанжаллари, қирғиз бийларининг унга қатнашиши. Қўқон хонлигининг эгаллаган территорияси, халқининг таркиби бўйича Туркистоннинг деярлик барча қисмини ўз ичига олган. Шу сабабли хонликда яшаган барча халқларнинг вакиллари хонликнинг ижтимоий сиёсий ҳаётига фаол аралашган. Ҳокимиятнинг энг юқори босқичида хон турган, ундан кейин биринчи бийлик ўрни минг бошига, иккинчи ўрин қушбегига, ундан кейин парвоначи (додхоҳ) ва бошқаларга тўғри келган. Аталган бу бийлик ўринлари хонликда қирғиз, ўзбек, қипчоқ халқлари томонидан бўлиштирилиб келинган. Бийлик улушларини бўлиштириб келганда қирғизлар билан қипчоқларга минг бошилик, амирлашкарлик, оталик, додхоҳ, ноиб (ўринбосар), иноқ ўринлари тўғри келган.

Қирғизистонни қўқонликлар босиб олгандан кейин қирғиз уруғ бошқарувчилари хоннинг атрофидаги сиёсий муҳитга жуда тез аралашиб кетишади. Қўқонлик бошқарувчилар уларни ўзларига тортиб, душманларига қарши курашишда уларнинг қўллашига етишиш учун жонларини аямасдан ҳаракат қилишган. Ушбу мақсадда қирғиз бошлиқларига хизмат ўринларини, ҳар қандай мукофот-тортиқларни аяшган эмас. Қўқонни бошидан охиригача ҳамма вақтларда ўзбекларнинг биргина Минг деган сулоласи бошқарган. Бироқ XIX а. унга бир хийла қирғиз қони аралашиб кетган. Сабаби қирғизлар билан муомалаларини мустаҳкамлаш мақсадида Минг сулоласидан чиқишган хонлар қирғизларнинг эътиборли одамлари билан қуда-анда бўлиб, қариндошлашишга ҳаракат қилиб келишган.

1842-йилда Қўқонни бошқариб қолган Шерали хоннинг онаси қирғиз қизи бўлган. Шерали ўзининг умрининг кўп йилларини таласли қирғизларнинг орасида ўтказиб (бунга Қўқондаги тахт талашлар жанжаллари сабаб бўлган), Жарқиной деган чиройли қирғиз қизига уйлانган. Унинг болалари Малла-хон билан Худоёр-хон қирғизларга жиян бўлишган. Иккови тенг қирғиз яйлов-қишлоқларида балоғатга етишган.

Қўқон давлатидаги тез-тез алмашилиб турувчи хонликларнинг вақтида машҳур қирғиз бийи Нузуп ва қипчоқ Мусулмонкул ўз вақтида катта роль ўйнашган.

Нузуп оталик. Эсенбай ўғли Нузуп – Қўқон хонлигида қирғиз бийларидан биринчилардан бўлиб «минг бошилик» даражага етган, аскар бошчи бўлган. У доим Қўқон хонлигининг ички ишларига қатнашиб келган. Ўмўр хоннинг даврида у қатордаги жангчидан «юз бошилик» даражасигача етган. Кейин давлатнинг ташқи ишларида аралашиб, маълум кучга эга бўлган. У Ўра-Тепа, Қоратегин ва Олой территорияларида тинчлик ўрнатиб, Бухоро хонлиги билан бўлган чегара масаласини тартибга солган. Бу асарлари учун «додхоҳ» даражасини олган. Нузупнинг ташаббуси билан қирғизлар ўрдадаги ҳокимиятни қўлга олиб туришган. Нузупнинг тўғридан-тўғри таъсири остида қирғизларнинг вакили Шерали оқ кигизга солиниб, хонликка кўтарилади. Нузуп бий Шерали хоннинг буйруғи билан Қўқон давлатининг «минг бошилик» хизматига тайинланади. Нузуп ўрданинг асосий ишларини ўз қўлига олган, ўша пайтдаги давлатдаги энг таъсирли одам бўлган.

Мусулмонқулнинг бийлиги. Қўқон хонлигидаги қирғиз билан қипчоқларнинг таъсирли бошлиғи, хонликда оталик номига етган андижонлик қипчоқлардан чиққан Мусулмонқул катта роль ўйнаган. Мусулмонқул билан Шади додхоҳ ўрдада қутум уюштириб, Нузуп бийнинг қурбон бўлишига сабабчи бўлишган. Мусулмонқул Шерали хоннинг бийлигини тўлиқ ўз қўлига олади. Бироқ бунга қарши гуруҳ чиқиб, Шерали хонни ўлдиришиб, тахтга Алим хоннинг ўғли Шоҳ-Муродни ўтиргизишади.

Кўп ўтмай Мусулмонқул куч тўплаб хонлик ишга аралашиб, Шоҳ-Муродни тахтдан қулатиб, Шералининг Жарқин ойимдан туғилган тўнғич ўғли 14 ёшдаги Худоёрни хон кўтаради. Ўзини оталик эълон қилиб, давлат ҳокимиятини тўлиқ қўлга олган.

Янги хоннинг вақтида ҳокимият Мусулмонқулнинг қирғиз, қипчоқ бошлиқларидан иборат гуруҳининг қўлига ўтди. Бу орада кўплаб воқеалар бўлди. Мусулмонқул Кетмон-Тепалик қирғизларнинг қизига уйланиб, Худоёр хонга ўзининг қизини олиб беради. Худоёр каттайиб эр етгандан кейингина тагин бир қипчоқ Тошкентнинг қушбеги Нурмуҳаммаднинг ёрдами билан қайнатасининг бийлигидан аранг қутилади.



Қўқон хон строи.



Худоёр хон.

✍ Ёзиб олинг:

**Минг боши** – аскар қўшинининг қўл бошчиларининг бири, унинг қўли минг аскардан турган.

② Саволлар ва топшириқлар:

1. Қўқон хонлигида бийлик даражалари қандай бўлган?
2. Қирғизлар давлат юқори ҳокимиятига қандай қилиб эга бўлишган?
3. Нузуп бий билан Мукулмонқул ҳақида нима билдингиз?
4. Қўқондаги бийлик жанжалига нималар гувоҳ бўлишини аниқлаб чиқинг.

## V БОБ. ҚИРҒИЗИСТОН РОССИЯНИНГ ТАРКИБИДА

### § 29. Қирғизистоннинг Россия билан дастлабки алоқаси

① Асосий саналар:

1785-й. – Биринчи қирғиз элчиларининг Россияга жўнатилиши.

1787-й. – Екатерина II нинг жавоб мактубининг келиши.

✓ Тушунчалар: қурултой, элчи.

Қирғизистоннинг XVIII а. охиридаги сиёсий аҳволи. XVIII асрнинг охирида Қирғизистонда сиёсий вазият жуда оғир бўлган. Ҳа пайтдаги жанговар замон, уруғчилик тузилиш, ўзаро душманлашиш, бўлиниб-ёрилиш кучайиб, Қирғиз халқи бирлашган бир давлатни туза олган эмас. Унинг устига ташқи аҳвол ҳам оғирлашган. Бирданига Жанубий Қирғиз уруғлари яшаган территорияни Қўқон хонлигининг босиб олиши, уларнинг бирлашувига чек қўйиб, ноилождан қўқон фуқаролигига ўтишга мажбурлаган.

Шимолӣ Қирғизистондаги уруғларнинг ҳам боши бирикмай ҳар бир водийдаги уруғнинг ўз манапи бошқариб, бирлашиш нияти бўлган эмас. Уруғларнинг боши бирикмай бўлинди бўлиб турган аҳвол, ташқи душманларга осон ет бўлишни кучайтирган. Тарқоқликдан фойдаланган Қўқон хонлиги уруғларнинг ўртасига ўт ёқиш усулини қўлланиб, қирғизларни ўзига бўйсундириш ҳаракатига ўтди.

Шарқий Туркистон тарафда хитойлар еримизга кўз ортиб, бо-сиб олишни кўзлаган. Бир пайтларда ташқи душманларга қарши курашда бирлашиб келган қозоқ бошқарувчиларининг қирғиз ерига қўл солишлари кучайган. Шундай қилиб, XVIII а. охирида қирғизларда ички бирикканликнинг йўқлиги туфайли, ташқи душманларнинг куч олиши, қирғизларни бу аҳволдан чиқишнинг йўллари излашга мажбур қилди.


Ўз халқининг бундан кейинги тақдирини ўйлаган, Чуй бағридаги сарибағиш уруғининг бийи, Отаке ботир кучли бир давлатнинг бийлигини таниш мақсадини кўзлаб, бутун шимол уруғларининг бошчиларини йиғиб, қурултой ўтказишга қарор қилади.

Қурултойга – Талас, Чуй, Иссиқ-Кўл, Қўчқор, Жумғал, Норин, От-Боши, Тўғуз-Тўрўда яшаган уруғларнинг вакиллари келишган. Бу қурултойда улуғ бийлар томонидан ҳар қандай ўйлар, маслаҳатлар айтилиб, охириги сўзни Отаке ботир олиб: – «Ўзингиз кўрдингиз, ҳурматли юрт бошчилари, қай томонидан олманг, руслар билан қўл ушлашмасак бўлмай қолди. Оқ подшонинг фуқаролигини олайлик. Қўлнинг бир панжасидан ҳеч нарса келмайди, беш панжа муштум бўлиб туйилса, бу ўзича бир куч. Агар қирқ уруғ қирғиз душманга бир муштумдай туйилсак, ким бизга яқин келади? Сиз мақул бўлсангиз, Оқ подшога элчи жўнатайлик!».

Отаке ботирнинг фикрини ҳаммаси қўллашиб, охирида Россияга элчи юборишга ғам кўришган.

Россияга элчиларни жўнатиш. Узоқдаги ўлкага элчи бўлиб боришга, тил билган, кўп ер қидирган, белгили савдогар Абдирахмон бормоқчи бўлади.

Абдирахмон Кучоқ ўғли Россиянинг Астрахань губерниясида яшаб, Она Ватанига келгандан кейин Тошкентда савдо қилган, ундан кейин Отаке бийга хизматга ўтиб, савдо карвонларининг бошчиси бўлган. Уни қирғиз кўчманлари яхши билишган, у рост-ўйлиги, хушмуомалалиги ва савдо ишларида ҳаққонийлиги учун



Абдирахмон  
Кучоқ ўғли



Екатерина II.



кадр-қимматга эга бўлган. Унинг устига у саводли бўлиб рус тилини билган.

Ёшлигига қарамай зирак ўсган Шерғозини унинг билан қўша юборишга қарор қилишган. Улар йўлга 1785-й. баҳорида отланишган. Екатерина II нинг шахсан ўзига бағишланган мактубни икки от, илбирс билан силовсин терисини, унга қўшиб тури мўъжиза араб қулни тортиққа олишган.

Петербургда элчиларни Екатерина II ўзи қабул олган. Отаке бийнинг хатини эшитиб, рози бўлган хоншоҳ унга 800 сўм кумуш танга, Абдирахмон Қучоқовга 100 ва Шерғозига 25 сўм кумуш танга бердирган.

1787-й. хоншоҳ ойим Отаке бийга хат йўллатган, унда бийнинг дўстлик ҳақидаги таклифи қабул олинганини билдирган ва «рус савдосини кенгайтишга ёрдамлашувини» илтимос қилган.

Россияга элчилик вазифасини бажарган Абдирахмон Қучоқ ўғли Қирғизистонга қайтмай қолган. У оғриб, Сибирь чекига келиб етганда 1789-й. 20-июнда масжидда намоз ўқиб ётган ерида қазо бўлади. Уни тўсиб борган ўғли Сатинбой билан элчи Шерғозининг суягини элига олиб келиб, барча хурофотларни ясаб узатишган. Тангри-Тоғдан Россияга борган биринчи элчиликнинг вазифаси муваффақиятли тамомланган. Натижада, қирғизларнинг Россия билан алоқасига асос солинган.

Исмон ҳақида билиб ол!

Отаке ботир Тинай бий ўғли – XVIII а. иккинчи ярмида Чуй водийсидаги сарибағиш уруғидан чиққан бий. Ёш вақтида қирғизларнинг қозоқларнинг ва кипчоқларнинг орасида жунгғорлар билан курашишдаги довиюраклиги билан донги чиқиб, «ботир» деган фахрли машҳурликка эга бўлган.

Рус манбаъларида қирғизлар ҳақида бундай деб ёзишган: «уларда ҳеч қандай хон ва султон йўқ, бўлгани биргина князи ёки бийи, Отакегина бор. У, уларнинг барча ўрдаларига бошчилик қилади, у тоғларда ўз эли билан бирга кўчиб юради».

Бий кўп йиллар бўйи Қўқон хонлигига қарши турган. Қўқонликларга ва бошқа ташқи душманларга қарши курашда қирғизларни қўллайдиган кучли иттифоқдош излаб, Отаке ботир Россия билан иттифоқ тузишни ечган.

Сарибағиш уруғининг йўл бошчиси. Отаке ботир тарихга Россия билан дўстлик муомалаларини ўрнатишининг ташаббускори қатори кирган.



Ёзиб олдинг:

*Қурултой* – турк халқларидаги умумий ҳалқ йиғилишининг аталиши.

*Элчи* – бир давлатнинг бошқа бир давлат билан суҳбатларни юргизувчи ишончли вакили.

② Саволлар ва топшириқлар:

1. XVIII а. охирида қирғизларнинг сиёсий аҳволи қандай бўлган?
2. Нима учун қирғизлар Россия давлатини тандаб олишган ва у ўлка билан алоқалашиш қандай воқеадан кейин ҳал қилинган?
3. Дастлабки элчиликини кимлар етаклаган ва у қандай тугалланди?
4. Отаке ботир ҳақида эссе ёзинг.

### § 30. Шимолий Қирғизистоннинг Россияга қартилиши

Асосий саналар:

1

1842-й. – Ўрмоннинг шимолий қирғизларда хон кўтарилиши.

1847-й. – Қозоқ султонининг қирғизлардан мағлубиятга учраши.

1855-й. – Буғу уруғининг рус фуқаролигига ўтиши.

✓ Тушунчалар: «Ўрмон ўқиш».

Мустақил қирғиз хонлигининг тузилиши ва ағдарилиши. Ўрмон хон. XIX а. биринчи чорагида Шимолий Қирғизистонда истиқомат қилган сарибағиш, саяқ, буғу, сўлтў уруғларининг ўртасидаги жанжаллар авжига чиқиб, Қўқон хонлигининг бу территорияларни босиб олишига йўл берди. Ундан кейин ҳам туғишган элнинг ўртасидаги уруш юриб, аҳоли хийла жафо чекди. Шундай вазиятда сарибағишларнинг катта манапи Ўрмон – Отакенинг урвоғи қирғиз уруғларини бирлаштириб, хонлик эълон қилишга ҳаракат ясайди.

1842-й. ёзида ҳозирги Балиқчида шимолий қирғиз уруғларининг қурултойи чақирилади. Аҳволнинг оғирлигини халққа айтиб етказган Ўрмон қурултойда: «Биз бирикмасак қирғиз бўлмай қоламиз. Бир муштумга тугилайлик. Қўқоннинг хони бор, Қашғарнинг хўжаси бор, Қозоқнинг султони бор. Биз бўлса, ҳар кимимиз ўз уруғимизнинг орсиз номусини тутиб, сачраб, бирла-



Ўрмон хон.



Бўрўмбой.

шолмай юрамиз. Бундай қилиб юраверсак, эл-юртимизни йўқотиб оламиз. Биз ҳам бирлашайлик. Ўзимизга хон сайлаб олайлик. Хонни эл сайлайди. Шунинг учун Ушбу қурултой чақирилди» — деб мурожаат қилади. Қалиғул, Ажибек ботир, Жантай, Тўрўгелди, Бўрўмбой, Жангғарачлар чиқиб, хонликка Ўрмонгина сазовор дейишган. Эл мақул бўлиб, сарибағиш уруғининг катта манапи Ўрмон Ниёзбек ўғлига ой ҳарfli қизил кимхоб билан ёпилган қизил телпак кийгизиб, хон сайлашган. Ўрмон хон ўрдасини Байсўрунга ўрнатган. Хоннинг ҳарфи, муҳри бўлган. Ўрмон хон бўлиб сайлангандан кейин, мустақил ўзича давлатни тузишга ҳаракатланган. «Ўрмон ўқиш» деган низомини чиқариб, натижада уруғлар ўртасидаги урушлар тўхтатилиб, иттифоқ ўрнаган.

Қирғизларнинг бу ҳаракати Қўқон хонлигини чўчинқиратган. Улар Мусулмонқул оталик бош бўлган 5000 аскарини юборган. Буни эшитган Ўрмон хон Жангғарач, Жантай билан биргаликда қўл бошлаб, душманини тўсиб чиққан. Тўқнашиш бир ҳафтага чўзилиб, Мусулмонқул қайта чекинишга мажбур бўлади. Ўрмон хоннинг асосий мақсади — қирғиз ерини бошқаларга эгаллатмай, кўз қорачиғидай сақлаш, чегарани кенгайтиш бўлган. Унинг даврида шимолий қирғизлар бирдамликка етишган. Бу айниқса қозоқ султони Кенесари Қосим ўғли қирғиз ерини босиб кирган 1845-й. очиқ кўринган. Ўрмон хоннинг аскар ишини пухта билганлиги, элнинг иттифоқининг кучи орқали Тўқмоққа яқин ерда 1847-й. қозоқлар тор-мор қилиниб, мақсадлари ишга ошган эмас.

Қирғизларнинг кадр-қиммати кўтарилиб, Ўрмон хоннинг қирғиз уруғлар орасида таъсири кучаган.

Ўрмон хон газабли ва мустақил адаб-ахлоққа эга одам бўлган. У ўз билганини бермайди деб буғу манапи Бўрўмбойга гуноҳ ортади. Қўқонликларнинг яширин тўқнатлари эса бурун иттифоқли сарибағиш билан буғунинг ўртасидаги тўқнашувга олиб келган. Бу тўқнашувнинг бирида 1854-й. Ўрмон хон қаза бўлган. Бу Қирғиз хонлигига ярамас дов келтирган. Сарибағишларнинг буғуларга бўлган чолиши кучаган. Бу урушлар Шимолий Қирғизистон Россиянинг таркибига киргунгача тўхтаган эмас.

Шимолий қирғиз уруғларининг Россияга бош егиши, Бўрўмбой, Дастлабки Қирғиз давлатининг тузилишига сарибағиш билан буғу уруғларининг ўртасидаги жанжал касофатини теккизди. Бундан ташқари ташқи душманларимиз ҳам қирғизларнинг мустақил бирлашган давлат бўлишини хоҳлашган эмас. Қирғиз хонлигининг тарқалиши билан Россия подшочилигининг қирғиз манзилини ўзига қаратишига қулай шартлар тузилган. Сарибағишларнинг қақшатқич зарбаларига дучор бўлган буғу уруғи Россиянинг фуқаролигига ўтиб, ҳимоя қилинишни кўзлади. Буғу

уруғининг манәпи Бўрўмбой Бекмурат ўғли юборган элчи Қачибек Шерали ўғли Омск шаҳрида 1855-й. 17-январда ўз уруғининг Россиянинг фуқаролигига ўтганлиги ҳақида қуръон ушлаб қасам ичди. Қирғизлардан биринчи бўлиб, буғу уруғининг ўз хоҳиши билан Россияга ўтиши, русларнинг Чуй водийсини, Марказий Тангри-Тоғнинг, Кетмон-Төпа билан Таласнинг халқини ўзига тортишига йўл солди. Қудай ерларга ғов солган руслар, куч-қувватини тўплаб, Чуй водийсига юришларни ясаши, уларнинг қўқонликлар билан тўқнашувига олиб келди.

Байтик, Шобдон ботирлар. Россиянинг аскар кучи, қирғиз уруғи манапларининг Қўқон бийлигидан бош тортиб, русларга жон тортишига туртган. 1862-йилда Қўқон бийлигига қарши сўлтў уруғининг манәпи Байтик Қанай ўғли очиқ курашга чиққан. У Чуй водийсидаги Қўқон хонлигининг таянчи бўлган Бишкек ғовини рус аскарлари билан бирга тор-мор қилган. Сўлтў уруғи рус фуқаролигини қабул олган. Байтик ботир ўзининг 200 йигити билан рус аскарларига қўшилиб, Қўқон ғовларини олишга қатнашган. Хизмати юқори баҳоланиб, рус ҳокимияти унга аскар мансабини бериб, орден билан мукофотлаган.

Ўша вақтдаёқ бурун Қўқон хонлигига хизмат қилган, бироқ аҳволни тўғри пайқаган сарибағишларнинг улуғи Жантай ўғли Шобдон рус ҳокимиятига хизматга ўтган. У ўз аскарлари билан Тўқмоқ ғовини қўқонликлардан бўшатган. Сўлтўлар кабиёқ сарибағиш уруғи ҳам Россия фуқаролигига ўтган. Кетмон-Төпа билан Марказий Тангри-Тоғни русларнинг қаратиб олишида Шобдон ботир катта хизмат кўрсатган. Подшога кўрсатган ҳақ хизмати учун ҳарбий номга ва мукофотларга сазовор бўлган.

Қирғизларнинг баъзи бир манаплари иккиланиб, Россия билан муомалага анча ишонган эмас. Уларнинг баъзилари кутиб туришни исташди, баъзи бирлари эса подшо аскарларига қаршилик кўрсатиб, қасдлашишгача боришди. Олиб кўрсак, Марка-



Байтик ботир.



Шобдон ботир.

зий Тангри-Тоғда русларга Ўсмон билан Уметали қаттиқ қаршилик кўрсатишган.

Бироқ пухта қуролланган, тайёрлиги жойида аскарларга қарши туриш, улардан ўз ерини ҳимоя қилиб қолиш мумкин эмас эди.

Натижада 1855–1868-йилларгача Шимолий Қирғизистон Россиянинг қарамоғига баъзиси ўз эрки билан кирса, баъзи бирлари куч билан киргизилди.

Тарихий манбаъ билан танишиш.

Омскада Қачибек Шерали ўғлининг Буғу уруғининг номидан қасамд килиши.

«... Мен, ҳеч бир давлатга бўйсунмаган қадимги қирғизларнинг ўрдасидаги буғу уруғининг манапларининг, бийларининг ва бошқа уруғ бошчилари билан оқсоқолларининг номидан келган киши қатори буғу уруғининг ишончли, ниятлаш, итоатгўй ва абадий фуқаро бўлиб, улуғ мартабали подшоҳнинг руҳсати ва ёрлиғи бўлмагунча бошқа ўлканинг хизматига кирмаслигимга, қудратли Оллоҳ олдида қасамд килиб, онт бераман...».

Ёзиб олинг:

*Ўрмон ўқиш* – Ўрмон хонининг инзом тўплами.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Ўрмон деган ким ва қирғиз хонлигининг тулиши қандай хусусиятга эга бўлди?
2. Сарибегини ва буғу чопишининг касофати қандай бўлди?
3. Бўрўмбой руслари а ўттиш ҳаракатини қандай юргизди, у нима билан тамом бўлди?
4. Шимолий Қирғизистон Россияга тўлиги билан қачон қўшилди?

## § 31. Жанубий Қирғизистонни Россиянинг босиб олиши

Асосий саналар:

1

1865-й. – Ташкентни русларнинг босиб олиши.

1873–1876-йй. – Пўлат хоннинг қўзғолони.

1876-й. – Қўқон давлатининг ағдарилиши, Олой қирғизларининг Россияга қаратилиши.

Тушунчалар: додхоҳ, оталик.

Қўқон хонлигининг ночорлаши. Олимбек додхоҳ, Олимкул оталик. XIX а. ўртасида Қўқон хонлигининг аҳволини тинимсиз такрорланган қўзғолонлар, хонларнинг тез-тез алмашилиб туриши ҳокимиятни ҳолдан тойдирди. Рус аскарларининг

Фарғона водийсига ва Жанубий Қирғизистонга босиб киришини енгиллаштирди. Аввалгидаёқ бу пайтларда ҳам қирғиз бошлиқлари ўрдадаги ҳар қандай ишларга қатнашган. Қўқон хонлигида тахт талашган хонзодалар доим Ўш, Олой территориясидаги қирғиз бошлиқларига таяниб, ўз мақсадларига етиб туришган. Олиб кўрсак, 1858-й. Мала бекнинг тахтга ўтиришига қирғиз билармонлари Олимбек билан Олимқул катта ёрдам берган. Олимбек Ҳасан ўғли ўз пайтида Олой қирғизларининг бошида туриб, Қўқон хонлигига бош эгмасдан тенг ота бўлган, унинг қадр-қимматининг юқори эканини сезган Қўқон хони унга додхоҳ номини берган эди. Мала хон кўрсатган хизмати учун уни Андижон территориясининг ҳокими қилган. Олимбек додхоҳ кейин хонликда улуғ вазирлик мансабигача етиб, хонликдаги қўзғолоннинг бирида қурбон бўлган. XIX а. иккинчи ярмида жанубий қирғизларнинг бошлиғи Мулла Олимқулнинг хонликдаги таъсири ўсган. Олимқул бола чоғида мусулмон мактабидан билим олиб, кейин Андижон, Қўқон мадрасасида ўқиган, билимдон ва аскар ишини пухта ўзлаштирган улуғ инсон бўлган. Навбатида Мала хонга ёрдам кўрсатиб, ҳурматга эга бўлса, 1863-йилда 12 яшар Султон Саидни хон кўтаришда фаол роль ўйнаган. Кўпни кўриб чиниққан, сиёсий арбоб Олимқул ўсмир хоннинг бош маслаҳатчиси – оталик мансабига тайинланади. Энди Қўқон хонлигида ҳокимият қирғиз-қипчоқ билармонларининг қўлига ўтган. Бу пайтда руслар Марказий Осиёга аста-секин кириб келаётган. Рус жаноблари хонликдаги асосий шаҳар Тошкентни босиб олишга қаттиқ тайёрлик кўришган. 1865-йилда Тошкентга Олимқул оталик қўл бошчилик қилган кўп аскар келиб, руслар билан қонли тўқнашиш бошланган. Қирғиз-қипчоқ кўшинлари жон аямасдан уришишган, бироқ урушда Олимқул оталик ўққа учиб қаза бўлганда, улар майдон даласини ташлаб, шаҳарни ҳимоясиз қолдиришган. Тошкентни руслар эгаллаб, босиб олинган территорияларда Туркистон вилояти тузилган.



Олимбек Джемалов



Олимқул оталик

Пўлат хоннинг қўзғолони. Тошкент русларнинг қўл остига ўтди. Ўшандан тортиб, Қўқон хонлигининг бийлиги Фарғона водийси ва Олойдаги қирғиз қўнишлари билангина чекланиб қолади. Бу эса хонни қолган аҳолидан олиқ-солиқ олишни кўпайтишга мажбур қилади. Саройдаги жанжаллар, хонларнинг тахт талашishi ва эзишдан қашшоқлашган халқнинг норозилиги кучайган. 1873–1876-йиллари Қўқон хонлигига қарши Исҳоқ Ҳасан ўғли етаклаган қўзғолон чиққан. Бу ҳаракат тарихда халқ ҳаракати, Қўқон қўзғолони, Пўлат хоннинг қўзғолони деган номлар билан маълум бўлган. Қўзғолон Фарғонанинг бутун территориясини эгаллаган, унга қирғизлардан бошқа ўзбек, тожик халқлари қатнашган. Қўзғолоннинг юришида Исҳоқ Ҳасан ўғли Пўлат хон деган номга эга бўлган. Қўқон хонлиги бу қўзғолончиларга қарши турулган эмас, Қўқон хони рус ҳокимиятидан ҳимоя сўраганга мажбур бўлган. қўзғолончилар Қўқон шаҳрини эгаллаган. Худди мана шу пайтда руслар Қўқон хонлигини тўлиқ босиб олишни кўзлаб, қўзғолончиларга қарши очиқ чиққан. Пўлат хон бошлаган қўзғолончиларга рус аскарларига қарши урушишга тўғри келган. Пухта тайёрликдаги рус аскарлари қўзғолонни қонхўрлик билан босиб, Пўлат хонни тутқунлаб, 1876-йилнинг 1-мартида дорга осадди. Шундай қилиб, руслар томонидан бу қўзғолон қонли босилиб, Қўқон хонлигининг ағдарилишига олиб келган.

Олой қирғизларининг Россияга қараши. Қурвонжон додхоҳ. Фарғонадаги қўзғолонни босгандан кейин Россия, Қўқон давлатини йўқ қилиб, эгаллаган территорияни, Фарғона вилояти деб атайдди. Янги Фарғона вилоятини бошқариш, рус аскар бошчиси Скобелевга белгиланади. Ўша пайтда Жанубий Қирғизистоннинг тоғли территориялари, яъни Олой ҳали бош эгиб бермаганди. Бу томонларни қаратиш мақсадида рус аскарлари жўнатилган. Олимбек додхоҳ хон ўрдасидаги қўзғолондан қайтиш бўлгандан кейин, Олой водийсини аёли Қурвонжон бошқариб қол-



Исҳоқ Ҳасан ўғли



Қурвонжон додхоҳ

ган. Қурвонжоннинг иш билармонлигини, донишмандлигини, қирғиз уруғларини иттифоқда тутганлигини Бухоро амири юқори баҳолаб, унга «додхоҳ» деган номни берган эди. Ўз навбатида Қурвонжон додхоҳ Қўқон хонлигига бош эгмай, мустақиллигини сақлаб, қадр-қиммати билан халқ орасида ҳурматга эга бўлган.

Олимбек додхоҳ билан Қурвонжон додхоҳнинг болалари аскар тузиб, ерига кириб келган рус аскарларига қарши кураш бошлашиб, рус аскарларининг Олойга киришини тўхтатишга ҳаракат қилишган. Қурвонжон додхоҳ русларнинг қўл солишидан сақланиб, Қашғар чегараси томондаги Кўк-Сув водийсига кўчиб кетиб, кўп ўтмай Олойга қайтиб келади. Қурвонжон додхоҳ Чўнг Олойда генерал Скобелев билан учрашади. Унда Қурвонжон додхоҳ русларга қарши туриш фойдасиз эканлигини кўриб, ўз халқини беҳуда қирғинга учратмасликни кўзлаб, рус фуқаролигига ўтганлигини билдирган. Суҳбатлашувларнинг юришида рус генерали Қурвонжон додхоҳнинг ақлига, ҳушёрлигига тан бериб, уни «Олой хоншаси» деб баҳолайди. Шундай қилиб, Олой водийси Қурвонжон додхоҳнинг раҳбарлигида Россия ҳукмронлигига ўтади.

✍ **Ёзиб олинг:**

**Додхоҳ** – Қўқон хонлигидаги йирик феодал бошлиқларига берилган аскарый, ҳокимлик мансаб.

**Оталик** – ўтган асрдаги Ўрта Осиёда ёш хонзодаларни тарбияловчи олий мансабнинг номи.

⑦ **Саволлар ва топшириқлар:**

1. XIX а. ўртасида Қўқон хонлигининг аҳволи қандай эди?
2. Қўқон хонлигида Олимбек, Олимкуллар қандай роль ўйнаган?
3. Пўлат хоннинг қўзғолонининг сабаби, унинг натижаси?
4. Жадубий Қирғизистоннинг Россияга қаратилиши қандайча тугалланди?



## § 32. Миллий-озодлик учун кураш

- 1** Асосий саналар:  
 1998-й. – Андижон қўзғолони.  
 1916-й. – Миллий-озодлик қўзғолони.

✓ **Тушунчалар:** мустамлака, низом.

Подшоликнинг мустамлакачилик сиёсати. Россия империяси Қирғизистонни тўлиқ қаратиб олгандан сўнг, у ерларда ўзининг бошқариш тартибини киргизган. Қирғизистоннинг территорияси Туркистон губернаторлигига қарашли вилоятларга кириб, вилоятлар эса туманларга бўлинган, туманларга эса бўлисликлар бўйсунган. Қаратилиб олган ерларда бошқаришнинг махсус низомлари ишланиб чиққан. У бўйича вилоят ва туманларни рус аскар бошлиқлари, бўлислик билан қишлоқларни эса маҳаллийлар бошқариши лозим бўлган. Бўлислиқ ўринларга сайлов ўтказишиб, халқ сайлаганларга ғинг демай бош эгиши лозим эди. Низомлар бўйича маҳаллий халқнинг барча ҳуқуқлари чекланган. Қирғизистонда яшаган кўчманчи халқнинг ерлари давлат ерлари бўлиб ҳисобланган. Бу иш юзида қирғизларнинг қадимдан бери эгаллаб келган қишловларини, яйловларини Россия империяси хоҳлаган пайтда тортиб олиб, уларни ерсиз қолдира олади деган низом эди. Бутун Қирғизистон территориясидаги ерлар тортилиб олиниб, уларга русларнинг бийлигининг таянчи бўлган келгинларни жойлаштира бошлашган. Шундай қилиб, рус қишлоқлари биридан қолмай бири пайдо бўла бошлади. Улар қирғизларнинг сув босган яхши ерларини эгаллаб, маҳаллийларни эзишга ўтган. Россия империяси солиқларнинг сонини кўпайтиш билан халқнинг қашшоқлигини кучайтган. Натижада Россияга қарагандан бошлаб қирғизларнинг ҳуқуқлари чекланиб, мустамлака устунлигининг бош кўтаргис бийлигига душвор бўлишган.

Андижон қўзғолони. Россия империясининг мустамлака сиёсатидан азоб чекиб, чидамай туганган Фарғона водийсининг халқи 1898-й. озодлик курашига чиққан.

Курашга Фарғона водийсининг қирғиз, ўзбек, тожик ва бошқа халқлари қатнашиб, унинг бошида Мадали эшон турган. У халққа кенг танилган, Маккага бориб, ҳожиб бўлиб келган қадр-қимматли одам бўлган. Халқнинг қўзғолонга чиқишига: «Русларнинг халққа арақ-шаробни, бузуқиликни ёйилтгани, масжид, мадрасаларни ёптириши, халқни шариат йўлидан чиқаришнинг ҳаракатлари сабаб бўлди», – деб тушунтирган. Халқ қўзғолонининг асосий сабабларининг бири Фарғонадаги асосий бойлик пахта-нинг Россияга ташилиши, халқнинг эзилиши ва қашшоқланиши

бўлган. Кураш 1898-й. 17-майда Минг-Тева қишлоғида бошланиб, қуролланган халқ Андижондаги рус аскар ётоқхонасига қўл солган. Қўзғолонга 1500 дан ошиқ одам қатнашиб, тўлқинланишлар бошқа туманларда ҳам чиққан. Бироқ, маҳаллий халқларнинг рус колонизаторларига қарши бу кураши бир ҳафтага етмай босилиб, асосий раҳбарлари дорга осилиб, 500дан ошиқ одам Сибирга сургунга ҳайдалган. Уларнинг ичида ёлғон ғийбат билан қамалган отоқли ақин Тўқтўғул Сатилғанов ҳам бўлган. Жазога тортилганларнинг 257си қирғизлар эди. Руслар Минг-Тева қишлоғини ер билан яқсон қилиб, унинг ўрнига рус қишлоғини турғизишган. Рус ҳукмдорларининг бийлиги кучай берган. Енгилиб қолса ҳам, Андижон қўзғолони подшоликка қарши дастлабки миллий-озодлик кураш қатори тарихга кирган.

1916-йилдаги Миллий-озодлик қўзғолони. Россия империясининг мустамлакалик жабр-зулмига қарши энг йирик кураш 1916-йилда бўлган. Қирғизлар билан қозоқлар яшаган территориялардан рус келгинларига ер кесиб бериш кучаган. Подшолик бийлик бошлиқлари урушга баҳона қилиб олиқ-солиқнинг ҳажмини кескин кўтаришган. Чунки, Россия биринчи жаҳон урушига қатнашаётган эди. Халқнинг қашшоқланиши кучаган, у оз келгансиз, 1916-йилнинг 25-июнида маҳаллий халқларни урушдаги яқин ишларга чақириш ҳақида подшонинг буйруғи эълон қилинган. Усиз ҳам жаҳди чиққан халқ қўзғолонга чиққан. Аввал 1916-й. 4-июлда Хўжанд шаҳрида бошланган кураш, буткул Туркистон территориясига тарқаган. Қўзғолоннинг авж олган ери Шимоллий Қирғизистонда бўлди. Август ойидан бошлаб руслар билан уришиш Чуй, Иссық-Кўл, Норин территорияларида бошланган. Октябрь ойигача чўзилган бу курашнинг бошида довюрак билармонлар турди.

Кемшилик қирғизларда Шабдан ўғли Мўкуш хон кўтарилса, Иссық-Кўлда Ботирқан Нўғўй ўғли, Марказий Тангри-Тоғда эса Қанат Убуке ўғли хон кўтарилган. Қўзғолончилар рус аскарларининг ҳужумининг дамини бир неча бор қайтаришган. Қўзғолоннинг куч олишидан чўчиган подшолик махсус яхши қуролланган жазолаш аскарларини жўнатган. Жазоловчи бу аскарлар ночор қуролланган халқни бераҳм қирғинга олишиб, қишлоқларни ёндиришган. Халқ жон иложини қилиб, Она Юртидан қочишга мажбур бўлган, шундай қилиб, кеч кузда қўзғолончилар Хитойга қочган, бу тарихда «Фулула» деб аталиб қолди.

Қўзғолонга қатнашган халқнинг 150 мингдайи қирилган. Қўзғолонга чиққанларнинг урушга тайёрлиги йўқ эди, қурол-яроғ етишсиз бўлган. Подшолик аскарларнинг қуролларининг ортиқчилиги, уларнинг ғалабасини таъминлади. Мағлубиятга учраса

хам қирғиз халқининг Она Юртини бўшатиш учун, эркинлик учун курашга чиқиши гоят катта аҳамиятга эга. 1916-йилдаги қайғули воқеа – қирғиз халқининг XX а. бошидаги миллий-озодлик ҳаракатининг энг йириги. У халқнинг ёдида «Фулғула» деган ном билан абадий сақланиб қолди.

✍ Ёзиб олинг:

**Мустамлака** (лот. Colonia – жойлаштириш) – ёт халқнинг маҳаллий халқнинг бўш ёки жойлашган ерларига зўрлик билан кўчиб келиб ўтrockланиши.

**Низом** – Россия подшоисининг мустамлака территорияларига таалдуқли низоми.

② Саволлар ва топшириқлар:

1. Подшодикнинг мустамлака сиёсати қандай юрган?
2. Андижон кўзғолонини ким етаклаган ва сабаби нимада?
3. Қирғизистондаги миллий-озодлик кўзғолон қандай юрган?
4. Кўзғолоннинг натижаси қандай бўлди?
5. «Фулғула» ҳақида қўшимча адабиётлардан ўқиб келинг!

### § 33. Қирғиз халқининг маданияти

Донгдор манасчилар, ақинлар. XIX а. ва XX а. бошида кўчманчи ҳаётда яшаган қирғиз халқининг оғзаки ижодиёти – манасчилиги, ақинлиги (шоирлиги), мусиқаси зўр ривожланишга эга бўлган.

Келдибек, Бекмурат, Тинибек, Чўюке, Сағимбой, Саяқбой каби машҳур манасчилар «Манас» эпосини ойлаб, йиллаб айтишиб, халқнинг ғам-ғуссасини ёзиб, эпосни ўстириб-ривожлантириб келишган. Ярим миллион сатрдан иборат «Манас» эпосини янглишмасдан, зўр чеварчиликда айтиш улкан талантни талаб қилган. Ўшандай талантлар жаҳон халқларининг орасидан қирғиз халқидагина яралган.

Бу даврларда қирғиз халқида ақинчилик (шоирлик) ҳунар ҳам ривожланган. Қалиғул Бой ўғли билан Арстанбек Буйлаш ўғли биргина пайтда ўтганини, ўз замонасини, келажакни равшан ақс эттирган чуқур мазмунли шеърларни яратишган. Қалиғул «Тор замон», Арстанбек эса «Охир замон» деган шеърларида русларнинг келишини олдиндан айтишиб, ўша пайтда замоннинг бузилишини, замоннинг келажаги нима бўлишини равшан айта олишган. Бир-бирининг асарларини тўлиқлаган бу шеърлари туфайли, улар *замончи ақинлар (шоирлар)* деб аталишган.

XIX а. қирғиз халқининг маданиятидаги тагин бир хусусият ёзувчи ақинларнинг (шоирларнинг) яралиши. Ундай ақинларга (шоирларга) Мўлдў Ниёз, Мўлдў Қилич ва Тўғўлўқ Мўлдў қирган. Араб ҳарфининг асосида ўзларининг асарларини ёзишган. Булар билимли инсонлар бўлгани сабабли, уларга Мўлдў деган қўшимча номлар берилган. Мўлдў Ниёзнинг «Санат» шеърлари бизгача етди. Мўлдў Қилич эса 1911-й. Қозон шаҳрида «Зилзила» деган шеър китобини чиқарган.

Женгижўқ, Тўқтўғул оқ танглай тайёргарликсиз шеър айтувчи қирғиз ақинлари бўлган. Женгижўқ «Манас», «Семетей», «Қўжўжаш», «Эр Тўштук» каби дostonларни кеча-кундуз айтган эртакчи бўлиб, айтишганда олдиға киши чиқармаган талантли инсон эди.

Тўқтўғул Сатилған ўғли мисли кўрилмаган оҳанг, куйларни чиқариб, сўз чеварчилиги томонидан ҳам бошқа ақинлардан фарқ қилиб турган. Унинг ашулалари (ирлари) халқ орасида кенг тарқаган.

Дастлабки тарихчилар ва маорифчилар. Қирғизларнинг дастлабки тарихчиси ва маорифчиси – Ўсмонали Сидиқ ўғли бўлган. У Қўчқорда катта манапнинг оиласида туғилган. Унинг акаси Жарқинбой мулла бўлган, ундан таълим олган. Кейин Ўсмонали Уч-Турпандаги, Бухородаги, Уфадаги билим марказлари бўлган медресаларда ўқиган. У қирғиз тарихини тўплаб, ёзишға киришган. Энг аввал қирғиз тарих китобини босмадан чиқарган. 1913-й. Уфа шаҳрида «Қисқача қирғиз тарихи», кейинчароқ «Шобдонға бағишланган қирғиз тарихи» деган китобларини чиқарган.

«Қалбида ўти бор йигитларға тарихни билиш керак ва у – кўп эътибор берилувчи бир илм», – деб тарихға эҳтиёт муомала қилишға чақирган.

Ўсмонали Сидиқ ўғли мактабларда дарс бериб, ўз вақтида саводсизликни тугатишға зўр ҳисса қўшган.



Мулла Қилич



Бек Серикбаев

Қирғизнинг тагин битта йирик тарихчиси – Белек Сўлтўнўев Чўнг-Кемин водийсидан чиққан. Етти-саккиз ёшидан хат таниган. Қора-Қўлда рус мактабида, кейин Бишкекдаги боғбончилик мактабида ўқишини давом эттирган. 1890-й. тортиб Қирғиз тарихини ёзиш учун маълумот тўплаган. Унинг «Қизил қирғиз тарихи» асари қўл ёзма тарзида сақланиб қолган. Белек Сўлтўнўев 1916-й. Отаке бўлислигининг бўлиси қатори сайланган, Улуғ Фулгула маҳалида Хитойга қочиб бориб, 1917-й. қайтиб келган. Маориф, илмий хизматларда ишлаган. Асарида энг қадимги замондан 1917-йилгача даврни ўз ичига олиб, мусулмонлик жиддий тарихий маълумотларни, қирғиз шажарасини, миш-миш гапларни Европа олимларининг асарлари билан уйғунлаштириб ёзишга ҳаракатланган.

Қирғизистоннинг Россияга қаратилиши билан Волга ва Уралдаги мусулмон турк маданияти билан Ола-Тоғ халқининг ўзаро алоқадорлиги куч олган. Татар билан бошқир маорифчилари «янги усул» йўли билан қирғизларнинг саводини чиқаришга кўмаклашган. Қирғизларнинг орасида ҳам маорифчилик ҳаракати жонланган.

Моддий маданият. Қирғизларнинг Россиянинг таркибига киришига боғланишли XX а. иккинчи ярмида қирғизларнинг моддий маданиятида маълум бир ўзгаришлар бўлиб ўтган. Руслар ва бошқа халқлар билан бўлган алоқанинг асосида турар-жой, кийим-кеча, турмуш-тирикчилик буюмларида янгиликлар пайдо бўлган. Бироқ қирғиз халқи ўзининг жиддий маданиятини сақлаб, ривожлантириб келган. Қирғиз халқининг қўл ҳунаричилигида кигиз босиш жуда пухта ривожланган. Ўйиб расм солинган кигизлари, ширдоқ, ола кигизлар гўзаллиги, ранг солишининг юксак чеварчиликда ясалгани билан фарқ қилган. Қирғиз усталари терини ишлатишнинг энг юқори чеварлари бўлишган. Ишлатилган теридан уй тирикчилигига қўлланилувчи кўндалаган буюмлар: идиш-оёқлардан, белбоғлардан, от жабдуғлардан бошлаб гиламчалар, ҳар хил кийимлар ясалган. Қайишчи чеварлар қайиш буюмларини кумушга ушлатилган металл билан безатишган. Қирғизларда темир устачилик, заргарчилик, тўқувчилик, каштачилик, ёғоч ушлаб турувчилик, чий тўқиш каби уй ишлаб чиқаришининг турлари бир хийла ривожланишга етишган.

Қирғиз заргарлари олтин, кумушни қайтиб ишлатиш билан энг гўзал олифталик буюмларни – билагузук, сирға, узук ва бошқаларни яшашган.



Қирғизларнинг бадий кашталари, гиламлари ва нақшли ширдоқлари, ола кигизлари, кийим-кечаларининг кўркемлиги, гўзаллиги билан айирмаланиб, маданиятнинг юқори ривожланишини ошкоралаган.

➔ Инсон ҳақида билиб ол!

**Саяқбой Қаралаев** (1894-й. Иссиқ-Кўлдаги Тўнг туманининг Оқ-Ўлўнг қишлоғида туғилган. 1971-й. Бишкек шаҳрида қазо бўлган) – зўр манасчи, эпоснинг тўлиқ айтувчиси. Кўллик манасчи Чўюке Ўмир ўғлини эрчиб, «Манас» айтишни ўрганган.

1932-й. Фрунзегга келиб, «Манас», «Семетей», «Сейтек» бўлимларини айтиб ёздирган. Саяқбойнинг айтган «Манас» эпоси 500 553 сатр шеърдан иборат. 1963-й. Москвада ўтган халқаро конференциянинг иштирокчиларига «Манас» айтиш билан у эпосни дунё халқига танитган. Буюк манасчи Саяқбойни ёзувчи ва эпосни тадқиқот қилувчи М. Ауэзов «XX асрнинг Гомери» деб атаган.



② Саволлар ва топшириқлар:

1. Манасчилар деган кимлар ва манасчилик деган нима?
2. Замончи ақилларнинг вакиллари кимлар экан?
3. Тарихчилар ва маорифчилар ҳақида айтиб беринг!
4. Моддий маданият қандай ривожланган экан?

## VI БОБ. ҚИРҒИЗИСТОН СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ДАВРИДА

### § 34–35. Қирғизистонда Совет ҳокимиятининг ўрнаши

1

Асосий саналар:

1917-й. февраль – Россияда подшолик ҳокимиятнинг қулаши.

1917-й. октябрь – Россияда ишчи-деҳқонлар Советининг ҳокимиятнинг ўрнаши.

1917–1920-йй. – Гражданлар уруши даври.

✓ **Тушунчалар:** революция, гражданлар уруши, босмачилик.

Подшолик ҳокимиятнинг қулаши, янги сиёсий ташкилотларнинг тузилиши. Қирғизистонда Россия империясининг қаттиқ сиёсати айниқса 1916-й. воқеадан кейин кучайган. Халқнинг қирилишдан сақланиш учун Хитойга қочиши, ерларидан ажраши, хўжаликнинг тўлиқ вайронликка учраши билан қўшилиб, ҳаёт-тирикчилик жуда оғир бўлди. Ўша пайтда Россиянинг ўзида ҳам аҳвол оғир эди, подшолик камситиш жонига теккан оддий рус халқининг ҳокимиятга қарши норозилиги кучайган эди. Рус халқининг ҳокимиятга қарши кураши 1917-й. февралда бошланиб, подшонинг тахтдан қулаши билан тугалланган.

Подшонинг ҳокимиятдан қулагани билан Россияда халқнинг тилагини бажо келтирувчи янги ҳокимият тузилган эмас. Йирик бойларнинг вакилларида иборат Муваққат ҳукумат ўрнаб, бурунгиёқ подшолик сиёсатни юритган. Жой-жойларда ҳокимиятга бурунгиёқ подшонинг шериклари ўтириб, халқларга миллий эркинлик, тенглик берилгани йўқ. Қирғизистонда аҳвол ўзгарган эмас. Ер мустамлакачиларнинг, маҳаллий бойларнинг қўлида бўлиб, қирғиз гадолари бурунгиёқ азобли ҳаётда яшаган. Хитойга қочган қирғизлар: «Подшо қулабди, эркиндик берилибди», – деган сўзларни эшитиб, Она Юртига қайта бошлашган. Бироқ кутган озодлик йўқ, ўз ерларига эга бўла олмай, маҳаллий рус бошлиқларидан оғир азобларни тортишди.

Шундай қилиб, Муваққат ҳукумат қирғизларни миллий эркинликка чиқарган йўқ, подшоликнинг мустамлакали сиёсати давом эттирилиб, қўзғолонга қатнашган халқни қувғин қилиш давом эттирилди.

Россиядагидаёқ Қирғизистонда 1917-й. мартдан бошлаб, ишчилар кўп тўпланган территорияларда, ишчилар совети ва бошқа сиёсий ташкилотлар тузила бошлади. Улар миллий эркинлик, Муваққат ҳукуматнинг азобидан қутилиш, гадо-камбағалларнинг манфаатини ҳимоя қилиш мақсадларини кўзлашган.

Қозоқ-қирғизларнинг илғор билимли граждaнлари «Алаш» партиясини тузишган, унинг мақсади келажакда қозоқ-қирғиз миллий давлатини тузиш эди. Унинг Қирғизистондаги бўлимини Абдикерим Сидиқов етаклаб, ўша пайтдаги илғор билимли одамлар – Иманали Айдарбеков, Ишенали Арабаев, Қасим Тинистановлар аъзо бўлишган.

Гадо-камбағалларнинг манфаатини ҳимоя қилиш, халқнинг онгини кўтариш, уларнинг яшаш шартини яхшилаш мақсадида Қўжумурат Сариқулоқов бошида турган «Фуқаро» иттифоқи тузилган.

Умумий халқ орасида миллий озодликка чиқиш, ўз ерига эга бўлиш, халқнинг ҳаётини енгиштириш мақсадларини кўзлаган ва яшаб ётган ҳукуматнинг адолатсизлигига норозилик билдирган фаолиятлари куч ола бошлаган.

Қирғизистонда Совет ҳукуматининг ўрнаши. Муваққат ҳукуматга қарши, Россиядаги гадо-камбағалларни қўллаган большевиклар партияси 1917-й. 25-октябрда тўнтариш ясади, у тарихда Улуғ Октябрь Социалистик Революцияси деб аталиб қолган. Муваққат ҳукумат кулади, тарихда биринчи бор ишчи-деҳқонларнинг ҳукумати ўрнаб, унинг ҳукумати – Халқ комиссарлар Совети тузилди. Бу ҳукумат оддий халқнинг истаб келган тилагини ўз низомлари билан ишга ошира бошлади. Тинчлик ва Ер ҳақидаги декретлар (низомлар) қабул олинди. Тинчлик ҳақида декретда адолатли демократик тинчлик ҳақида музокараларни тўхтовсиз бошлаш, урушдан чиқиш, Ер ҳақидаги декретда помешчикча ёки бой-манапча ер эгаллашни йўқ қилиш, ерларни деҳқонларга бериш қаралган. Большевикларнинг халқ орасида қадр-қиммати кўтарилди. Қирғизистонда ҳам большевикларнинг раҳбарлигида советлар тузила бошлади. Совет ҳокимияти ишчилар кўп тўпланган Судукта ва Қизил-Қияда 1917-й. декабрида ўрнаган. Ундан кейин Жалол-Ободда, Ўшда ҳокимият советларнинг қўлига ўтган. Шимолий Қирғизистонда 1917-й. декабрида Таласда,



К. Сарикүлоқов.



М.В.Фрунзе.



1918-й. Пишпекда, ундан кейин Норин, Иссиқ-Кўлда янги ҳокимият мустаҳкамланган. Янги ҳокимият Қирғизистонда 1918-й. ўртасига-ча ўрнаб, оддий халқнинг манфаатини ҳимоя қилишга киришган.

Гражданлар уруши, Совет ҳокимиятини ҳимоя қилиш. Совет ҳокимиятининг галабаси, большевикларнинг фаолиятлари бурунги бошқарувчиларнинг, бой манапларнинг қаршилигини туғдириб, улар қандайгина бўлмасин янги ҳокимиятни йўқ қилишни кўзлашди. Бу тирашиш гражданлар урушига олиб келди. Бир тарафи гадокамбағалларнинг манфаатини ҳимоя қилиб, уларга эркинлик, тенглик, ер бериш мақсадини кўзласа, иккинчи тараф бурунги подшолликнинг вакиллари ўзларининг ҳокимиятини ва мулкини сақлаб қолиш билан эски ҳокимиятни қайтиб ўрнатишни кўзлаган. Гражданлар уруши 1918-й. иккинчи ярмидан тортиб, 1920-йилгача бўлган.

Қирғизистонда Совет ҳокимиятига қарши кураш босмачилик ҳаракат билан бошланган. Бунга бурунги бойлар, мустамлакачи ҳукуматнинг мансабдорлари ва дин вакиллари кирган. Уларнинг асосий қўшини оддий одамлардан тузилган, унга жой-жойлардаги дастлабки совет ҳокимиятининг миллат сиёсатидаги ва диний кўз ташлашидаги камчиликлар бирдан бир сабаб бўлиб берган. Босмачилик айниқса Қирғизистоннинг жанубида кучаб, унга Холхўжа, Омон Полвон, Мадаминбек номли қўрбошилар раҳбарлик қилишган. Шимолда эса маҳаллий бой манаплар билан рус қулоқлари ҳар қандай кўзғолонларни уюштиришган.

Совет ҳокимиятининг биринчи вазифаси қаршилашларни йўқ қилиб, ҳокимиятини сақлаб қолиш бўлди. Унинг учун Қирғизистонда Қизил Армиянинг отрядлари тузилган. Дастлабкилардан бўлиб, 1-Пишпек полки уюштирилди, унинг қаторига руслар, украинлар кирган, ундан ташқари, қирғиз ва бошқа миллатларнинг вакиллари ҳам бўлишган. Тўнгич уюшилган Пишпек полкининг командири революционер Я.Н.Логвиненко бўлган. Қизил Армиянинг аскарлари ўз вазифаларини аниқ бажаришиб, Беловодск, Пржевальск ва Норин шаҳридаги кўзғолонларни босишда ва жанубдаги босмачиларни тор-мор қилишда зўр қаҳрамонликларни кўрсатишди. Қизил Армиянинг қаторига ўтиб, қаҳрамонлик кўрсата олган қирғиз ватанпарварларига Совет ҳокимияти тарафидан ишонч кўрсатилиб, улар қизил командирликка тайинландишган. Улар вазифаларини аниқ бажаришиб, Сулаймон Кучуков, Арстанали Ўсмўнбеков, Исабек Бектемировлар жанговар мукофотларга сазовор бўлишган. Гражданлар урушини бутунлай тўхтатиш ва Туркистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида 1919-й. 14-августда Туркистон fronti тузилади. Унинг бош команди-

ри бўлиб, ҳамшаҳаримиз М.В. Фрунзе тайинланади. М. В. Фрунзенинг буйруғи билан Етти-Сувдаги қирғиз-қозоқлардан махсус қирғиз отликлар бригадаси тузилган, унинг командири А.Ўсмўнбеков бўлган.

Большевиклар Туркистоннинг маҳаллий халқининг қўллашига эга бўла бошлаган. Босмачиларнинг куч-қуввати ночорлади. Кўплаб қўзғолонлар Қизил Армиянинг кучи билан босилди. Совет ҳокимиятига ишонган умумий халқнинг қўллашининг натижасида 1920-йилнинг охирида Қирғизистонда гражданлар уруши тугалланиб, Совет ҳокимиятини қуриш бошланди.

✍ **Ёзиб олинг:**

**Революция** (лат. *revolutio* – тўнтариниш) – яшаб турган ҳукуматнинг таг-туғидан бери ўзгариши.

**Гражданлар уруши** – бир давлатнинг ичидаги граждандарнинг ўртасидаги келишмасликдан келиб чиққан уруш.

**Босмачилик** – (турк. босмоқ-кисимга олиш, хўрлик кўрсатиш) – Қирғизистондаги Совет ҳукуматига қарши чиққан ҳаракат.

➡ **Инсон ҳақида билиб олинг!**



**Арстанали Ўсмўнбеков** – Туркистонда ва Қирғизистонда Совет ҳукуматини мустхкамлашга фаол иштирок этган. Наманганда рус-маҳаллий мактабида ўқиган. Биринчи жаҳон урушида ўзриқ ишига олиниб, урушга қарши курашга қатнашган. 1919-йилда наманганлик қирғизларнинг ихтиёрий отликлар дивизионига командир бўлиб, босмачиларга қарши курашган. Довюрак командир қаторида ва босмачиликни тор-мор қилишда фаоллиги учун Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган.

② **Саволлар ва топшириқлар:**

1. Подшоҳчилик қулагандан кейин қандай ҳукумат ҳукм суриб, у қандай сиёсат юргизган?
2. «Алаш» ва «Фуқаро» қандай мақсадларини кўзлаган экан?
3. Совет ҳукумати халқ истагини бажарган қандай низомларини чиқарган?
4. Қирғизистонда гражданлар уруши нима учун бўлган?
5. Совет ҳукумати қандайча мудофаа қилинди?

## § 36–37. Иқтисоддаги социалистик қурилишнинг бошланиши

1

Асосий саналар:

1921–1922-йй. – Шимолий Қирғизистондаги ер-сув ислоҳоти.

1927–1928-йй. – Жанубий Қирғизистондаги ер-сув ислоҳоти.

1925-йй. – Қирғизистонда «Интергельпо» кооперативининг тузилиши.

✓ **Тушунчалар:** ислоҳот, ўтроқлаштириш, кўлхозлаштириш.

Ер-сув ислоҳоти ва кўчманчи халқни ўтроқлаштириш. Россияда граждaнлар уруши совет ҳокимиятининг ғалабаси билан тугаллангандан кейин, ҳукумат 1917-йилдаёқ қабул олинган Ер ҳақидаги декретни амалга оширишга киришган. Барча территорияларда ер помешчикларнинг ва дин вакилларининг мулкчиликларидан тортиб олиниб, деҳқонларга берилган. Ерга эга бўлганларга ҳукумат меҳнат асбоб-ускуналарини ва уруғларни бекор беришди. Совет ҳокимиятининг бундай ер ҳақидаги иш-ҳаракати халқнинг кенг қўллашига эга бўлди.

Қирғизистонда асосий масалаларининг бири ер-сув бўлиб ҳисобланган. Подшолик пайтда қирғизларнинг деҳқончиликка яроқли ерлари тортиб олиниб, махсус кўчириб келинган рус деҳқонларига бўлиштириб берилган. Қирғизистондаги совет ҳокимиятининг вазифаси рус қулоқларининг, шунингдек маҳаллий бой-манапларнинг ерларини олиб, қирғиз ва бошқа миллатларнинг гадо-камбағалларига бўлиштириб бериш бўлиб ҳисобланган. Бу мақсадларни амалга ошириш учун Қирғизистоннинг шимолий территорияларида 1921–1922-йилларда ер-сув ислоҳоти юрган. Бурунги қирғизларнинг ерларига ўтроқлашган келгин деҳқонларнинг ва қозоқ-рус бойларининг мулки ўртага олиниб, уларнинг ери қирғиз деҳқонларига бўлиниб берилган. Рус қишлоқларининг ўрнига, ўтроқлашган қирғиз қишлоқлари пайдо бўлган.

Жанубий Қирғизистон территорияларида босмачилик ҳаракати тугатилгандан кейин 1927–1928-йй. ер-сув ислоҳоти ўтказилган. Уларда ҳам бой-манапларнинг ерлари тортиб олиниб, ерсиз ва ери оз деҳқонларга бўлиб берилиб, меҳнат асбоб-ускуналари бекор тарқатилиб, унинг билан бирга солиқдан бўшатилган амалга оширилган. Бу ислоҳотларнинг якунида қирғизлардаги кўчманчи ва ярим кўчманчи хўжаликлар ўтроқлаштирилди. Аста-секинлик билан ерга эга бўлган деҳқонларни коллектив хўжаликка ўтказиш юрди. *Коллектив хўжалик – бу хусусий хўжаликни йўқ қилиб, ер улушлари, меҳнат асбоб-ускуналари, уруғ, от-улов ўртага йиғилиб, меҳнат асбоб-ускуналарини бирлаштириш дегазликлка ётган.* Аввал деҳқонлар коммуна, артелларга бирлаштирилиб,

охир катта-катта ширкат бирикмаларининг пайдо бўлишини писанда қилган. Бундай бирлашиш ҳайдов ерларининг кўпайиши, деҳқонларнинг биргалашиб ишлашининг натижасида меҳнатнинг яхшиланиши, ҳосилнинг кўп олинishi ва ем-хашакнинг кўп тўпланиши билан ҳайвонот миқдорининг ўсишига замин тузган. Совет давлатининг бундай иш-ҳаракати қишлоқ хўжалигини юксалтиришни таъминлаган.

Саноатнинг ривожланиши. Совет ҳокимиятигача Қирғизистоннинг территориясида кон ишлатиш, айниса тош кўмир кавлаб олиш, ундан ташқари пахта тозаловчи, тери ишлатувчи, мой ишлаб чиқарувчи кичкинагина корхоналар бўлган. Гражданлар уруши даврида бунинг ҳаммаси вайрон бўлган эди. Совет ҳокимияти табиий кон бойликларини ишлатиш, халққа керакли нарсаларни чиқарадиган кичкина корхоналарни қуриш, уларда ишчиларнинг миқдорини кўпайтиш мақсадини кўзлади. Бу мақсадларни амалга оширишда 1925-йилда Қирғизистонда «Интергельпо» (Ўз аро ёрдам) деган кооператив ташкилот тузилган. Чехословакиядан келган мутахассис ишчилар ўзлари билан қўша ҳар қандай асбоб-ускуналарни олгач келишган. Кооперативда 14 миллатнинг вакили ишлаб, тез орада мовут фабрикаси, булғори заводи, электростанцияларни, устахоналарни қуришган. Саноат корхоналарининг бундан нари кенгайишида 1926-й. бошланиб, 1930-й. битган Туркистон-Сибирь темир йўли зўр аҳамиятга эга бўлган. У орқали машиналар, станоклар, жабдуқлар, металл в.ҳ. ташилиб келиниб турган. Совет ҳокимияти мустаҳкамланган сари Қирғизистонда саноатнинг ривожланиши ихчамлаб, беш йиллик режа асосида ишлаш йўлга қўйилган. Қирғизистонда биринчи беш йиллик режага кўра 1928–1932-йилларда 40дан ошиқ йирик корхона қурилган. *Беш йиллик режа – бу давлат томонидан белгиланган беш йил ичида битказиладиган чора-тадбирлар.*

Колхозлаштириш. Ер-сув ислоҳоти ва ўтроқлаштиришнинг асосида хусусий хўжаликлар, ўрта деҳқонлар хўжаликлари, коллектив хўжаликлар биринчи қадам ташлаб – қишлоқ хўжалигини юксалтиришда муваффақият тезоб яратилганди. Совет ҳокимияти хўжаликнинг бундай ҳар турли ривожланишидан бош тортиб, уларни йирик хўжаликларга бирлаштириш сиёсатини ишлаб чиқди. Унинг мақсади давлат учун арзон қишлоқ хўжалик маҳсулотини ишлаб чиқарувчи колхозларни тузиш бўлган. 1929-йилнинг ёзида Сталин «ёппасига коллективлаштириш» шioriини эълон қилди, демак уни бажариш ҳокимият томонидан қаттиқ назоратга олинган. Сталиннинг талаби билан колхозга кириш ихтиёрий тартибда юрмай, мажбурийлик билан бирга юз берадиган бўлди. Кўпчилик хусусий хўжаликлар, ўрта ва бой деҳқонлар барча мулки

билан колхозга киришга мажбур бўлишди, агар кирмаса колхозга қарши чиққан қатори мулкидан ажратилиб, турмага қамалади ёки чет томонларга кўчирилади. Колхозга ҳайдов ерларигина эмас, бурун умумий фойдаланишда бўлган яйловлар, ўрмонлар берилди. Колхозларни қўллаш учун давлат атайлаб чора-тадбирларни ташкил этган, уй-жой қуришга материал беришган. Натижада янги овул-қишлоқларнинг сони ўсган. Ҳайдов майдонларини кўпайтиш мақсадида йирик каналлар халқнинг кучи билан қурила бошлаган. Янги колхозларни қўллаш мақсадида совет давлати уларни техника билан таъминлай бошлаган. Техникани қўлланиш меҳнатни енгиллатиб, ҳайдов майдонини кенгайтишга, ҳосилни юқорилатишга имкон берди. 1938-йилларда деҳқон хўжаликларининг деярли ҳаммаси колхозларга ўтган. 40-йилларнинг бошида Қирғизистонда ўтроқлаштириш ва колхозлаштириш тўлиқ тугалланган.

✍ **Ёзиб олинг:**

*Ислоҳот* – ижтимоий ҳаётда ҳар қандай янгилликларни киритиш.

*Ўтроқлаштириш* – кўчманчиликнинг ўзгармас яшаш қудайлигига ўтиш жараёни.

*Колхозлаштириш* – СССРнинг меҳнаткаш деҳқонларининг ихтиёрий бирикма ташкилоти. У ижтимоий ишлаб чиқариш воситаларини ўртага солиб, йирик социалистик хўжалик юритиш учун ташкил этилган.



**Буни билиш қизиқарли**

Интергельпо (лат. Inter – ўз аро. чех. гельпо – ёрдам) – 1925–41-йй. Қирғизистонда ишлаган ишлаб чиқариш кооперативи. Чехословакияда коммунист ишчиларнинг ташаббуси билан 1923-йилда тузилган. 1925–32-йй. Қирғизистонга Чехословакиядан ҳаммаси 1317 одам келиб, уларнинг 390 одами Интергельпонинг аъзоси бўлишган. Кооперативнинг жамоати пойтахтимизда корхоналарнинг ривожланишига зўр ҳисса қўшган. Дастлабки беш йилда электр станциясини, қишлоқ-хўжалик асбоб-ускуналарини, фишт, черепица, булғори заводларнинг, мебель фабрикасини в.ҳ. муҳим саноат корхоналарини қурган. Шунингдек Туркистон-Сибирь темир йўлининг, Чуй каналининг, Қантдаги қанд заводининг қурилишига иштирок этишган. Қирғизистоннинг саноат тармоғининг ривожланишига бебаҳо ҳисса қўшишган.



**Саволлар ва топшириқлар:**

1. Ер-сув ислоҳотининг мақсадлари қандай бўлган?
2. Ўтроқлаштириш деган нима?
3. Саноатнинг ривожланиши қандай юрган?
4. Колхозлаштиришнинг мақсади нимага бўлган?

### § 38. Миллий давлат тузумининг тикланиши ва ривожланиши

1

Асосий саналар:

1917-й. 2-ноябрь — «Россия халқларининг ҳуқуқларининг декларацияси» эълон қилинди.

1924-й. 14-октябрь — Қора-Қирғиз автоном области тузилди.

1926-й. 1-февраль — Қирғиз АССРи эълон қилинди.

1936-й. 5-декабрь — Киргиз ССРи тузилди.

✓ **Тушунчалар:** декларация, конституция.

Совет ҳокимиятининг мустақамланиши, қирғизларнинг ватанига қайтиши. Россиядаги совет ҳокимияти тинчлик, ер масаласини ҳал қилиш билан бурунги империянинг мустамакаси бўлган халқларга миллий озодликни беришни ҳам кенг эълон қилишган. 1917-й. 2-ноябрда қабул олинган «халқларнинг ҳуқуқларининг декларациясида» барча халқларнинг тенг ҳуқуқлиги, ўз тақдирини ўзлари эркин ҳал қилиш, мустақил давлат тузиш ҳуқуқи эълон қилинган. Унинг асосида 1918-й. январда кўп миллатли Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси тузилди. Бу ҳукуматга маҳаллий халқларнинг вакиллари кенг тортилиб, улар совет ҳукуматининг бундан буён мустақамланишига зўр ҳисса қўшишган.

Қирғизистон территориясида совет ҳокимияти ўрнагандан кейин 1916-й. кўзғолонда Хитойга қочган қирғизларнинг ватанига қайтиб келишига кўмак кўрсатилиб, уларни жазолаш, таъқиб этиш деган тўхтатилган. Миллий ишлар бўйича махсус тузилган қўмита миллатларнинг бир-бирига бўлган ишончини орттириш, рус-қирғиз муомалаларини яхшилаш ишларини юритган. Очарчиликка учраган қирғизларга озиқ-овқат бериш жойлари ташкил этилган. Хитойда қолиб кетган қирғизларни кўчириб келиш бўйича иш-ҳаракатлар юрган. Совет ҳукумати буларга зўр диққат ажратиб, махсус маблағ бўлиб, унинг ҳисобидан бепул мол, қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари, ўтовлар, қурилиш материаллари берилган. Ватанига келган қирғизларга ҳайдов ерлари ва яйловлар тарқатилган. Улар беш йиллик муддатга солиқдан бўшатилган. Бу ғамхўрликнинг ҳаммаси қирғизларнинг Совет ҳукуматига бўлган ишончини ортдирган.

Қирғизларнинг миллий давлатнинг тузилиши. Марказий Осиёда Совет ҳукуматига қарши курашган кучларнинг тормор қилиниши билан бу территорияларда яшаган халқларни миллий давлатларга бўлиш имконияти тузилган. Туркистон Автоном Социалистик Республикасининг ичига кирган қирғиз, қозоқ, ўзбек,

туркман, тожик халқларининг мустақил миллий давлатининг тузилишига, 1922-й. 30-декабрида пайдо бўлган Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи (СССР) туртки бўлди. 1924-йил 14-октябрида Марказий Осие миллий давлатларга бўлинади. Унинг асосида Туркман ССРи, Ўзбек ССРи, Қозоқ АССРи, Тожик автоном области ва РСФСРнинг таркибидаги Қора-Қирғиз Автоном области тузилган.

Қора-Қирғиз Автоном области сачранди бўлиб бўлиниб қолган қирғиз халқини бир миллий давлатга бирлаштирди. Бу қирғиз халқидаги давлат тузумининг тузилишидаги зўр тарихий воқеа бўлган.

Қирғиз халқи давлат тузумига эга бўлиб, ўз ҳукуматини тузган. Область партия ташкилоти бошчилигига Михаил Каменский ва Жусуп Абдраҳмонов тайинланган. Ревкомнинг раислигига Иманали Айдарбеков бекитилган.

1925-йилдан бошлаб Қирғиз Автоном области деб аталиб, унинг территориясига Фрунзе, Қорақўл, Жалол-Обод, Ўш округ ижроия қўмиталари, 72 бўлислик ижроия қўмитаси, 437 қишлоқ кенгаши кирган. ҚАОнинг оближроқўмининг биринчи раислигига Абдиқодир Ўрозбеков сайланган.

Областнинг аҳолиси 800 минг одамдан турган, унинг ичида қирғизлар 63,5% тузган. Қирғиз халқи келажакка интилиб, ўз давлатини ривожлантиришга тайёрланиб киришган.

1926-йилнинг 1-февралида Қирғиз Автоном областини қайтиб тузиш қаралиб, Қирғиз Автоном Совет Социалистик Республикаси яралади. Бунинг тузилишига қирғиз ерининг территория кенглиги, чет ўлкалар билан чеклашганлиги, иқтисодий аҳволи, халқининг сони сабаб бўлган. Шундай қилиб, қирғизларнинг давлат тузуми ундан нари юқорилаб, унинг ҳуқуқлари кенгайди. Қирғиз АССРининг ҳукумати – Халқ Комиссарлар Совети тузилиб, унинг раиси Жусуп Абдраҳмонов бўлган.

Конституциянинг қабул олиниши. Қирғиз ССРининг тузилиши. Автоном республиканинг давлат бийлиги ундан нари



мустақкамланди. Икки йилдан кейин 1929-й. 30-апрелида Қирғиз АССРининг биринчи Конституцияси қабул олинди. У Қирғиз Миллий давлат тузумини низомлаштирди. Қирғиз АССРи барча давлат ҳуқуқларига эга бўлган. Қирғизистонда яшаган барча халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги эълон қилиниб, улар ўз тилида билим олиш ҳуқуқига эга бўлишган. Қирғиз АССРида давлат тили қатори қирғиз ва рус тиллари ҳисобланган. Республиканинг пойтахти – Фрунзе шаҳри бўлиб аниқланган.

Қирғизистоннинг ундан нари давлат тузумининг ўсишига – Жусуп Абдраҳмонов, Бояли Исакеев, Абдиқодир Ўрозбековлар зўр ҳисса қўшишди. Улар Қирғизистонни қўшни республикалар билан тенг ҳуқуқда СССРнинг таркибига киргизиш илтимоси билан СССРнинг ҳукуматиға мурожаат қилиб келишган. Натижада 1936-йилнинг 5-декабрида Қирғиз ССРи эълон қилинган.

Қирғизистон иттифоқдош республикаға айланиб, унинг асосида 1937-йилда Қирғиз ССРининг Асосий низоми – Конституция қабул олинди. Қирғиз ССРининг бошқариш ҳокимияти аниқланди. Одам ҳуқуқлари ва граждандарнинг озодликлари мустақкамланди. Конкурсе асосида Қирғиз ССРининг герби ва байроғи қабул олинди. Қирғиз ССРи тенг ҳуқуқли қатори СССРнинг таркибига кириб, ўз давлат тузумининг олға юришиға кенг шароитлар тузилди.

Инсон ҳақида билиб ол!



Жусуп Абдраҳмонов – 1901-йилда Иссык-Кўлдаги ҳозирги Жарқинбоев қишлоғида туғилган сиёсий Давлат арбоби. 1911-йилда маҳаллий рус мактабида ўқиб, кейин Қора-Кўлда олий бошланғич мактабни битирган. Ўз даврининг билимли инсони бўлган. 1916-йилда халқ билан бирга Хитойға қочиб, 1917-йилда қайтиб келган. Ундан кейин Совет ҳокимиятининг қурилишиға зўр ҳисса қўшган. 1920-й. Москваға комсомолларнинг съездиға делегат бўлиб бориб, В.И.Ленин билан гаплашиб, фикр олишган қирғизнинг биринчи ватаншарвари. 1924-йилдан бошлаб Қирғиз давлат тузумининг тузилишиға зўр ҳисса қўшиб, унинг пойдевориға асос солган. Олий давлат ҳокимиятида ишлаб, елғон тухмат билан қамалган. 1938-й. халқ душман деб отилиб, 1958-йилда оқланган.



📖 **Билиб алинг.**

**Декларация** – Совет ҳукуматиининг муҳим қарори.

**Конституция** – Давлатдаги энг асосий қонуни.



② Саволлар ва топшириқлар:

1. Совет ҳукуматининг миллий сиёсати қандай бўлган?
2. Нима учун Қўқон автономияси тузилган?
3. Совет ҳокимияти қочқин қирғизларга қандай ёрдам берди?
4. Миллий давлат тузумининг тузилиши ҳақида айтиб беринг.
5. Қирғиз давлат тузумининг тузилиши ҳақида класстер тузинг.

## § 39–40. Қирғизистон Улуғ Ватан уруши йилларида

①

### Асосий саналар:

- 1939-й. 1-сентябрь – Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши.  
 1941-й. 22-июнь – Совет халқига фашист Германиясининг қўл солиши.  
 1945-й. 9-май – Улуғ Ватан урушининг битиши.  
 Буюк ғалаба.

Урушнинг бошланиши, Панфиловчиларнинг қаҳрамонлиги. Совет халқининг тинч ҳаётига хавф туғдириб, бутун дунёни босиб олиш мақсадига интилган фашистлар Германияси 1939-й. 1-сентябрида Европадаги Польша давлатига босиб кириши билан иккинчи жаҳон уруши бошланган. Европанинг кўпчилигини босиб олган фашистлар куч-қувватини тўплаб, 1941-й. 22-июнида чегарани бузиб, Совет Иттифоқига бостириб кирди. Шундай қилиб, бир неча йилга чўзилган, ғазабланган уруш бошланди. Совет мамлакатининг тинчлик ривожланишини бузган бу воқеа тарихда Улуғ Ватан уруши деб аталди. Қирғизистоннинг халқи бутун юртимиздагидек, фашистларнинг қўл солишини ўз бошига тушган офат қатори қабул олди. Уруш ҳаракати юраётган территориялардан узоқ турганига қарамасдан Қирғизистон Ватанини ҳимоя қилиш учун чаққонликни кўрсатишди. Қари-ёши демай урушга кетиш талаби билан аскар комиссариатига тўпланишди. Уларни биргина мақсад – Она Юртни ҳимоя қилиш, душманга муносиб жавоб бериш бирлаштирган. Қирғизистоннинг территориясида аскар қисмлари тузилиб, урушга диққат билан тайёрланиб, қон куйган ғарбга жўнатилиб турди. Урушнинг дастлабкиёқ кунларида Қирғизистондан майдонга отланган жангчилар қаҳрамонликларни кўрсатди. Совет чегарасини бузиб кириб келган душманлар Брест ғовида қаттиқ қаршиликка учрашди. Бу ғовнинг ботирлари бир ой бўйи тенгсиз урушда душманларга ғовни беришгани йўқ. Уларнинг орасида Қирғизистонлик жангчи В.И. Фруцев бўлган. Бу воқеа совет жангчиларига ватанпарварлик иштиёқ берган, фашистлар Европанинг баъзи бир мамлакат-

ларини бир кунда босиб олса, бу ғовни бир ой ололмасдан, қандай душман билан ушлашишга тўғри келганини тушунишган. 1941-й. июлда Борисово шаҳрини ҳимоя қилишда ватандошимиз Николай Дмитриев кўрсатган қаҳрамонлиги учун қирғизистонликлардан дастлабки бўлиб энг юқори мукофотга, Совет Иттифоқининг Қаҳрамони деган номга сазовор бўлди.

Чекланмаган кучга эга бўлган фашистлар куз олдида Москвага яқинлашади. Совет жангчиларига Москвани мудофа қилиш муқаддас бурчи юкланган. Қирғизистонда тузилган қирғиз ва қozoқ вакилларида иборат 316-отувчилар дивизияси генерал-майор Иван Васильевич Панфиловнинг командирлигида Москвани мудофаа қилишга қатнашди. Душманнинг бир неча бор ҳужумини қайтаришди. Жангда олд чекда юрган И.В.Панфилов қазо топди. Унинг қаҳрамонлиги юксак баҳоланиб, Совет Иттифоқининг Қаҳрамони номи берилди. Айниқса тарих варағида 28 панфиловчи жангчиларнинг қаҳрамонлиги абадий ёзилиб қолди. Улар тенгсиз жангда душманнинг ўткирлигини қайтариб, бирлашганликни, жасоратни, маҳкам ўзгармасликни кўрсатди. Улар душманнинг 50 танкасига қарши туришиб, 18 танкасини парчалашган, душман мақсадига етмай чекинишга мажбур бўлган. Кўрсатган мардликлари учун улар Совет Иттифоқининг Қаҳрамони деган номга эга бўлишган. Уларнинг қаторида қирғизистонлик Дуйшўнкул Шўпўқов, Николай Ананьев, Григорий Шемьякин в.х. ватандошларимиз бўлган. Совет жангчиларининг ғайратли мардлиги орқасида Москва шаҳри мудофаа қилиниб, душман орқага сурилган.

Ч. Тулўбердиев, Д. Асанов, А. Садирбоевларнинг мардликлари. Москванинг олдида чекинишга учраган фашистлар ундан баттар ўчашиб, барча кучини совет халқига қарши ишлатди. Урушнинг қон куйган майданларида бошқа қон-қариндош миллатлар сингариёқ қирғизистонликлар ҳам биридан ўтиб бири мардликларни яратишаяпти. Қирғиз халқининг ўғли Чўлпонбой Тулўбердиев 1942-йили ёзда ўлмас-ўчмас мардлик кўрсатди. У хизмат ўтаётган полкнинг олдида Дон дарёсини кечиб ўтиб, душ-



И. В. Панфилов



Д. Шўпўқов



Ч. Тулўбердиев



Д. Асанов

маннинг ўнг қирғоқдаги жойлашган еридан қувлаб чиқиш вазифаси қўйилади. Ёмғирдай ёққан ўқнинг олдида дарёдан сузиб ўтиб, бу оғир вазифани бажариш 11 жангчига юкланган. Уларнинг ичида Чўлпонбой Тулўбердиев ҳам бўлган. Жангчилар қийинчилик билан аскарларнинг ҳужумга ўтишига тўсқин бўлган дзотга етишиб, гранаталарни ирғитишди. Бироқ душман ўқ отишини тўхтатмади, ўшанда Чўлпонбой аста-секин олға жилиб, дзотнинг оғзини ўз танаси билан тўсиб қолди. Бу уруш тарихидаги Қирғиз ўғли ясаган биринчи мардлик эди. Душман мағлубиятга учраб, аскарлар муваффақиятли ҳужумга ўтди. Чўлпонбой Тулўбердиевнинг мардлиги юқори баҳоланиб, Совет Иттифоқининг Қаҳрамони деган номга сазовор бўлган.

Сталинград ва Харьковнинг ёнидаги жангда сержант Дайир Асанов хусусий аскарний усталикни ва довиоракликни кўрсатди. У танкаларни парчаловчи артиллерия полкида хизмат қилган. Сталинграднинг олдида аниқ отиш билан душмanning икки танкасини йўқ қилган. Харьковнинг ёнидаги жангда душмanning уч марта ҳужумини қайтариб, замбарағи билан душмanning 8 танкасини, 6 бронемашинасини, кўп сонли ўқ отувчи нуқталарини йўқ қилган. Сержант Дайир Асанов бу мардлиги учун Совет Иттифоқининг Қаҳрамони деган ном олган.

Кавказ учун жангда қисмнинг командири Ақун Садирбоев душмanning навбати билан ирғитилган 16 гранатасини довиораклик билан тўсиб олиб, уларни душманга қайтиб ирғитишга етишган. 17-чи граната қўлида ёрилиб қурбон бўлган. Ўртоқлари ёрдамга келгунгача ўзи турган чекни душманга берган эмас. Қаҳрамонлиги учун А.Садирбоев қурбон бўлгандан кейин Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган.

Урушнинг охириги пайтидаги мардликлар, Совет жангчиларининг қаҳрамонлик кураши душмanning дамини қайтариб, уларни ҳолдан кетказди, уларнинг совет халқини қулчиликка айлантириш мақсади амалга ошмай қолди. Қирғизистонлик жангчилар аскар қисмларининг барча тармоқларида хизмат ўтаб, қаҳрамонликларини кўрсатишди. Олсак, 1944-йилда Эстониядаги ҳаво жангида қирғиз учувчиси Исмойил Таранчиевнинг самолетига ўқ тегиб, ёна бошлаган. Учувчи самолетини душмanning техникаси тўпланган ерга тўғрилаган, натижада душманлар кўп йўқотишга учраган. И.Таранчиевга Совет Иттифоқининг Қаҳрамони деган ном берилди. Уруш пайтида эркаклар билан қатор аёллар ҳам ўзларининг мардликларини кўрсатишган, Қирғизистондан урушга кетган Е. Пасько бомбаловчи авиация полкида хизмат ўтаб, самолети билан ҳавога 780 марта кўтарилиб, душмanning орқа томонига 93 тонна бомба ташлаган. Ғайратли, довио-

рак учувчи Е.Пасько Совет Иттифоқининг Қаҳрамони номига сазовор бўлган.

Душманни тўлиқ йўқ қилиш мақсадида 1945-йилнинг апрелидан бошлаб Берлин учун жанг бошланади. Бу жангларни Қирғизистонлик жангчилар Совет Иттифоқининг икки марта Қаҳрамони, учувчи, капитан Талғат Бегелдинов ва Совет Иттифоқининг Қаҳрамони, лейтенант Қалийнур Усўнбеков ва бошқа мард азатларимиз аскарӣй ҳақиқӣй қаҳрамонликларни кўрсатишган.

Совет халқининг ғайратчан қаҳрамонлиги, жангчиларимизнинг мардликларининг натижасида 1945-йилнинг 9-майида душман тор-мор қилиниб, Берлинда фашистларнинг уяси йўқ қилинди. Улуғ Ватан уруши майдонида Қирғизистондан чақирилган 380 минг жангчимиз Она Юртни мудофаа қилган. Урушдаги мардликлари учун 10 минглаган қирғизистонлик жангчилар орден, медалга сазовор бўлса, 76 жангчимиз Совет Иттифоқининг Қаҳрамони, 38 жангчимиз «Шухрат» орденининг тўлиқ эгаси бўлишди. Уларнинг ўлмас-ўчмас мардликлари қалбимизга сақланиб, унутилмайди!

✈ Буни билиш қизиқарли

Майдонга мактуб!

Қирғизистоннинг меҳнаткашлари, фронт билан доим алоқада бўлиб, уларнинг мардликлари билан руҳланиб турган. 1943-й. республикамизнинг 700 минг кишиси қўл қўйган мактуб қирғиз жангчиларига юборилган. Унда: «Қирғизистоннинг ўғли, сен душмандан бўшатган Кавказ билан Волганинг шаҳарлари, Марказий Россиянинг шаҳарлари Иссиқ-Кўл, Сўнг-Кўл, Оқ-Сой, Талас ва Олой водийларида қирғиз тили билан қирғиз маданиятини, сенинг ота-онангнинг умрини, сенинг опа-сингилларингнинг умрини, сен севган болаларингнинг умрини сақлари ёдингда бўлсин...» — деб ёзилган.

② Саволлар ва топшириқлар:

1. Урушни кимлар бошлаган ва қандай мақсадни кўзлашган?
2. Қирғизистонлик жангчиларнинг дастлабки мардликлари ҳақида нимга биддингиз?
3. Улуғ Ватан уруши ҳақида ҳессе ёзинг.

## § 41. Орқа томондаги чаққонлик меҳнат

1

Асосий саналар:

1941-й. июнь – СССРда эвакуация Совети тузилган.

✓

Тушунчалар: эвакуация.

Уруш пайтидаги саноат. Улуғ Ватан уруши пайтида, душман СССРнинг иқтисодий ривожланган территорияларини босиб олиш билан аҳволни қийинлаштирган. Урушиб ётган ерлардаги фронт талабини қаноатландириш учун иқтисодни уруш йўлига буриш керак эди. Халқ истеъмол молларини чиқарган саноатни, уруш талабига лойиқ қайта қуриш керак эди. Қирғизистон ўлканинг ҳарбий-хўжалик таянч пунктига айлантирилди. Саноат ҳарбий заказларни ишлаб чиқаришга ўтди. Урушга боғли оғир нишомлар чиқди, мажбурий меҳнат нормалари киргизилди. Асосий ишчи кучини аёллар ва ёш болалар ташкил этиб қолди. Бироқ унга қарамасдан меҳнаткаш халқ «Ҳаммаси фронт учун, ҳаммаси ғалаба учун!» деган шиорнинг олдида тиришқоқ ғайратчанлигини кўрсатишди. Фарбдаги ишлаб чиқаришни ва халқни орқа томонга эвакуациялаш учун 1941-й. июнда махсус Совет тузилди. Қирғизистонга 38 йирик корхона кўчирилиб келиб, тез орада маҳсулот чиқаришга ўтди. Уруш саноати учун керак бўлган кон бойликларини ишлатиш қўлга олинди. Уруш пайтида ғоят керакли симоб, сурьма, қўрғошин ундирилиб, ҳарбий техника ва ўқ дори чиқаришга ишланаётди. Енгил саноат тармоқлари жангчиларга кийим-кечакларни тикиш ва жўнатиш билан банд бўлди. Озиқ-овқат саноати урушдаги жангчиларга миллионлаган банка консерва, қанд, колбаса ва бошқа озиқ-овқатларни кўп ишлаб чиқариб, фронтга бетиним жўнатиб турди.

Қирғизистонга уруш юраётган территориялардан 200 мингга яқин одамлар эвакуацияланиб келди. Уларнинг кўпи завод-фабрикаларда ишлай бошлади. Кўпчилик ёш болалар, қари-қартангларни қирғиз халқи ўз бағридай қабул олиб, уй, кийим-кечак би-



Ҳарбий саноат.

«Совет Қирғизистонини  
Танги Қозоқистон»

лан таъмин қилди. Уруш пайтида саноатда ишлаганлар зўр ғайратчанликни кўрсатишди ва ҳарбий талабларни аниқ бажаришга эришишди.

Қишлоқ хўжалиги фронт учун. Уруш ўзининг касофатини қишлоқ хўжалигига ҳам тегизди, мард азаматлар фронтга отланиб, овул-қишлоқларда аёллар билан ёш болалар қолди. Бутун оғирчилик уларнинг бўйнига юкланди. Улар кеча-кундуз фронт учун ишлашган. Жангчиларни дон билан таъмин қилиш иш-ҳаракатлари куч олди. Қирғизистондаги дон тайёрловчи территорияларда «Экиннинг ҳар бир тоннаси – фашистларнинг лагерига ташланган снаряд!» – деган чақириқ ҳукм сурди. Қишлоқда меҳнат кучи етишмади, техникалар ишламай, қўл меҳнати фойдаланилди, бу оғир қийинчиликларни тузди.

Шундай қийинчиликларга қарамасдан колхозчи деҳқонлар майдонни ва ўлкани озиқ-овқат билан таъминлаш, душман устидан ғалабага эришиш учун мумкин бўлганларнинг ҳаммасини ясашди. Ҳар бир меҳнат соҳасида қаҳрамонлар яралди. Сўқулуқ районидаги «Қизил-Аскар» колхозидан лавлагичи Керимбуби Шўпўқова етаклаган звеноси 1942-йилда ҳар гектардан 684 центнердан ошди лавлагичи ўстириб, йиғиб олишган. Ғайратчан меҳнати учун Керимбуби Шўпўқова Социалистик Меҳнат Қаҳрамони номини олган. Шундай қилиб, Дуйшўнқул Шўпўқов фронтда мардлик кўрсатса, аёли орқа томонда қаҳрамонлик меҳнатни яратди. Бундай меҳнат қаҳрамонлари кун санаб ўсди. Уларга Чуй районидан лавлагичи А.Жўлдўшевани, Сузақ районидан пахтакор И.Исмаиловани қўшишга бўлади.

Деҳқончиликдагина эмас, чорвачиликда ҳам ғайратчан мардликлар яралди, мол бошини кўпайтиш, гўшт тўкиш ишларида молчилар ғайратчанлик билан ишлашди.

Умумий халқ ёрдами, урушнинг касофати. Бутун давлатдагидаёқ, уруш бошлангандан тортиб, Қирғизистонда ҳам мудофаа жамғармаси тузилиб, маблағ тўплаш иши бошланган. Қирғизистоннинг орқа томондаги меҳнаткашлари фронтга саноатдаги, қишлоқ хўжалигидаги ғайратчан меҳнатларигина эмас, шахсий маблағлари орқали ёрдам беришга фаол қатнашишган. Ўзларининг ҳол-аҳволининг қийинликларига қарамасдан, оддий халқ фронтга, тўплаган бойликларини, ишҳақиларининг бир қисмини, қимматбаҳо буюмларини, олтин, кумуш безакларини, озиқ-овқатларини жўнатишган. Уруш йилларида қирғизистонлик ишчилар, колхозчилар, хизматчилар ва ўқувчилар ўлкани мудофаа қилиш жамғармасига ҳаммаси бўлиб 189 млн. сўм тўплашган. Қирғизистонда тўпланган маблағлар 93 танк ёки 189 самолет қуришга етмоқ. 1942-йилда қирғизистонлик меҳнаткашларнинг маблағи-

га қурилган «Совет Қирғизистони» танк колоннаси Совет Армияси вакилларига топширилган.

Совет халқига ғалаба осонга тургани йўқ. Урушда 27 миллиондан ошиқ одамлар қурбон бўлишди. Минглаган шаҳар, овулқишлоқлар, саноат корхоналари тор-мор қилинди. Иқтисод оғир зарар тортди. Ҳар бир оила ўз яқинларидан айрилди. Урушнинг доғи кўпгача халқнинг ёдида қолди.



Буни билиш қизиқарли

Қирғизистонлик меҳнаткашлар коллектив посилкаларни, иссиқ кийим-кечакларни йиғиб, майдонга жўнатишган. Блокадада қолган Ленинград шаҳрига қирғиз халқи 100 вагондан ошиқ озиқ-овқат берган. Душмандан бўшатишган районларга молчиларимиз 130 минг бош пода мол, кўй ва эчкиларни жўнатишди. Шунинг ҳаммаси шаклланиб қолган совет халқининг дўстлигининг, қардошлигининг яққол мисоли бўлиб қолди.



Ёзиб олинг:

*Эвакуациялаш* – уруш пайтида Ғарбдаги саноат жабдуқларини ва халқнинг кенг массасини Шарққа кўчириш.



Саволлар ва топшириқлар:

1. Қирғизистондаги уруш пайтидаги саноатлар ҳақида айтиб бериш.
2. Эвакуация деган нима?
3. Қишлоқ меҳнаткашлари қандай ғайратчанликни кўрсатишган?
4. Халқ ёрдами қандай юрган, уруш қандай касофатларни олиб келди?
5. Уруш мавзуйига бағишланган Ч. Айтматовнинг асарлари бўйича эссе ёзинг.

## § 42. Халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш (1946–1964-йй.)



Асосий саналар:

1946–1950-йй. – Халқ хўжалигини тиклаш пайти.

1953-йй. март – Сталин ҳокимиятининг тугалланиши.

1950–1961-йй. – И. Раззоқовнинг Қирғизистонни бошқариши.



Тушунчалар: демократия, репрессия.

Саноатни тинчлик ҳаётга ўтказиш, Улуғ Ватан уруши совет халқининг йирик ғалабаси билан томонланди. Кўпни куттирган тинчлик иши бошданган. Албатта, ҳарбий йўлга бурилган иқтисодни тинчлик йўналишига солмоқ асосий масала бўлиб қол-

ди. Уруш пайтидаги қаттиқ тартиб олиб ташланди, ишчиларнинг ишлашига шарт тузила бошлади. Вайронликка учраган хўжаликни тиклаш учун урушдан кейин дарров беш йиллик режа қабул олиниб, у 1946–1950-йй. ичига олди. Режа бўйича тор-мор қилинган саноатларни қуриш, сув босган шахталарни, керакдан чиққан йўлларни ўнглаш билан иқтисодни тез орада ривожлантириш қаралган. Қирғизистон бошқа регионларга нисбатан халқ хўжалиги ҳолсизланиб, барбод бўлишга учраган эмас. Уруш пайтида саноат бўлиб кўрмагандай ўсган, асосий вазифа тинчлик маҳсулотини чиқаришга ўтиш ва ундан нари саноат даражасини кўтариш бўлган. Беш йил ичида рангли металлургия, кўмир, нефть, машина қуриш саноатлари ривожланди. Бистровка – Балиқчи темир йўли 1950-йилда фойдаланишга берилиб, Қирғизистоннинг иқтисодий ривожланишига катта ҳисса қўшди.

Қишлоқ хўжалигини тиклаш. Уруш Қирғизистоннинг қишлоқ хўжалигига кўплаган қийинчиликларни олиб келган. Натижада халқни озиқ-овқат билан таъминлашда, саноат корхоналарини ишлатишда қийинчиликлар пайдо бўлди. Колхозларда ишчи кучи етишмади, урушнинг касофатидан 1946-йилда бўлгани 66 мингдан озроқгина эркалар бўлган. Бунинг натижасида ҳайдов майдонлари қисқариб, далаларнинг ҳосилдорлиги ночорлаган. Қишлоқ хўжалигида техника етишмади. Қўл кучи талаб қилинди, натижада ем-хашак оз тўпланиши билан молнинг сони озайган.

Бироқ ғалабадан кейин Совет Армиясининг қаторларидан бўшанганларнинг ҳисобидан колхозларда ишчи кучлари кўпайиб, техника тикланиб, ҳайдов майдонлари кенгайтилган. Ўшанга қарамасдан қишлоқ хўжалиги тўлиқ тузала олган эмас, унга кўп вақт талаб қилинган.

Қишлоқ хўжалигини яхшилаш асосий вазифа бўлган. Усиз ҳаётни тузатиш, саноатни кўтариш, шаҳар халқини озиқ-овқат билан таъминлаш амалга ошмоқ эмас.

Давлат томонидан қишлоқ хўжалигини кўтариш учун пул маблағлари бўлина бошлайди. Техникаларни олиш, ҳайдов майдонларини кенгайтиш, ер ўғитларини фойдаланиш билан ернинг ҳосилдорлигини орттириш, суғориш ишлари учун каналларни қуриш қўлга олинади. Меҳнаткашларни меҳнатга қизиқтириш учун социалистик мусобақалар ташкил қилинади. Илғор ишлаб-чиқаришда ишловчиларни қўллаш, уларнинг ойлик ҳақиларини кўпайтиш қаралади. 1947-йилда лавлагичи Зуурақан Қайназарова режадан ошиқча ҳосил олгани учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлади. Бундай қаҳрамон меҳнат йўлини давом эттирувчилар авж олиб, беш йилликнинг ичида Қирғизистонда 47 одам юқори қаҳрамонлик номларга эга бўлган.



Сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар. 1953-йилнинг 5-мартда 30 йилдан ошиқ вақт бўйи давлатни бошқариб турган И.В.Сталин дунёдан қайтади. Сталиннинг ўлими билан ўлкадаги қаттиқ буйруқчи-ҳокимчи тизим барбод бўлган. Ҳокимиятга Н.С.Хрушчевнинг келиши ўлкада янги сиёсий ўзгаришлар билан қўшланди. Н.Хрушчев СССРдаги ғоят қаттиқ тартибни йўқ қилиб, бошқаришнинг демократик турини киргизишга ҳаракат қилди. 1950-й. Қирғизистонни етаклаш ишига Исҳоқ Раззоқов тайинланган.

И.Раззоқов Совет ҳокимияти ўрнагандан бери республиканинг юқори партия ҳокимиятини етаклаган биринчи қирғиз бўлган. У ғоят билимли, эл-ерини севган ҳақиқий ватанпарвар эди. 1950–1961-йиллари Қирғизистон Компартиясини етаклаган. Унинг мақсади СССРда юргизиладиган ислохотларга таяниш билан Қирғизистоннинг мустақиллигини кенгайтиш бўлган. Натижада Қирғизистондаги 225 саноат корхоналарини, иттифоқ бошқарувидан республика бошқарувига ўтказган. Бир вақтларда «Халқ душманлари» деб репрессияланганлар оқланди. Қирғиз интеллигенциясига диққат ажратилиб, олий ўқув юртлири очилди. И. Раззоқовнинг ташаббуси билан мактаб ўқувчиларига, айниқса кенжа синфларга ҳар куни иссиқ овқат бериш ташкил этилди. Рус мактабларида қирғиз тилини ўқитиш киргизилди.

Бироқ бундай мустақиллик, демократик ўзгаришлар кўпга чўзилгани йўқ. Москвадаги ҳокимият бошлиқлари республикаларнинг мустақилликларини ёқтиришмади. Бир қатор раҳбарларнинг ясаётган иш-ҳаракатлари қаттиқ танқидга олинди. И.Раззоқов ўйлаган кўп ишларини амалга оширишга улгурмасдан хизматидан олинди ва ўзига хос «миллатчи» қатори Москвага олиб кетилди.

Қирғизистонда мустақиллик тўхтатилди. Қайтадан Москвага бош эгиш, марказлаштирилган бошқариш ҳокимияти тиклана бошлади.



Инсон ҳақида билиб ол!

**Исҳоқ Раззоқов** – 1910-йилда ҳозирги Лайлак районидаги Хўросон қишлоғида туғилган. Эрта етим қолиб, Хўжаанда болалар уйида тарбияланган. Тошкент, Москва шаҳарларида олий ўқув юртиларидан билим олган. Кўп йил бўйи Ўзбекистонда давлат масъул хизматларда ишлаб тобланган. Иш билармонилиги, зийраклиги ва чуқур донишмандлигининг натижасида 1950-йилда Қирғизистон Компартиясининг Марказий қўмитасининг раҳбари бўлиб тайинланган. Бу пайтларда Қирғизистоннинг иқтисоди юқори даражада ривожланган. 1979-йилда Москва шаҳрида қалю бўлган. И.Раззоқовнинг «Мен тоза бўлсам, сен тоза бўлсанг, жамият ҳам



тоза бўлади», – деган сўзи абадий халқ орасида қолди. И.Раззоқов ўз пайтидаги қирғизнинг машҳур улуғ инсони бўлган.

✍ **Ёзиб олинг:**

**Демократия** (гр. demos – халқ, kratos – ҳокимият) – халқ ҳокимиятига асосланган сиёсий тузилиш шакли.

**Репрессия** – низомсиз судлаш, оммавий отиш, халқнинг айрим қисмини қувғинлаш.

❓ **Саволлар ва топшириқлар:**

1. Ҳарбий иқтисодни тинчлик иқтисодига ўтказиш деганга қандай тушундинг?

2. Халқ хўжалигини тиклаш қандай юрди?

3. Қишлоқ хўжалигида аҳвол қандай бўлган, уни кўтариш учун қандай иш-ҳаракат бўлди?

4. Сталиннинг қазо бўлиши билан жамиятда қандай ўзгариш бўлган?

5. И.Раззоқовнинг фаолияти тўғрисида нима билдингиз?

### § 43. Қирғизистон «Ривожланган социализм» пайтида (1964–1985-йй.)

1 **Асосий саналар:**

1964–1985-йй. – «Ривожланган социализм» пайти.

1961-йй. – Т.Усубалиевнинг Қирғизистон КП раҳбарлигига келиши.

1965-йй. – Халқ хўжалигидаги ислохотнинг бошланиши.

Иқтисодни ислохотлаш. Т.Усубалиевнинг фаолияти. 1964-ййлда Н.С.Хрушчевнинг ҳокимиятдан кетиши билан Л.И.Брежнев бошида турган янги олий партия раҳбарлиги келди. Марказлаштирилган ҳокимият аппарати куч олди. Л.И.Брежневнинг даври СССРда «ривожланган социализм» қатори тарихда қолди. Қирғизистонда ҳам сиёсий ўзгариш бўлди. 1961-ййлдан тортиб Қирғиз ССРидаги партия давлат раҳбарлиги – Турдақун Усубалиевга ўтган.



Т. Усубалиев



Түктүгүл ГЭСи.

У 1985-йилгача Қирғизистон Компартиясининг Марказий Қўмитасининг биринчи котиби бўлиб, республикамизни стаклаб турган.

Бироқ Т.Усубалиев ўзининг фаолиятида Москвадаги ҳокимиятнинг айтганларини аниқ бажаришни ўзлаштиришга мажбур бўлган. Унга ҳеч қандай мустақиллик берилган эмас. Ҳаммаси юқори томондан бошқарилиб турган. 1965-йилда қабул қилинган ислоҳот Қирғизистонда ҳам дастлаб ижобий натижаларини берди. Бошқа иттифоқдош республикалардагидаёқ Қирғизистоннинг иқтисоди тез ривожланди. 1966-йилдан 1985-йилгача Қирғизистонда 150дан ошиқ йирик корхона ишга берилди. Машина қуриш, рангли металлургия, электроника, прибор қуриш, гидроэнергетика тармоқлари ўсди.

Қирғизистонда чиқарилган маҳсулотлар жаҳон давлатларига экспортлана бошлаган. Қуввати юқори бўлган Тўқтўғул ва Курпсой ГЭСи битказилди. У Қирғизистондагина эмас, Марказий Осиёдаги халқ хўжалигида катта роль ўйнаган. Бироқ бу муваффақиятларни ушлаб туришга имконият бўлмади. Буйруқбоз ҳокимият режанинг бажарилишини талаб қилиши билан ишлаб чиқариш маҳсулотларининг сифати ночорлади. Сабаби корхоналар режани бажариш мақсадларинингина кўзлаб қолди, ишга бўлган жавобгарчилик пастлаб, меҳнат тартибини бузишлар бошланди. Ҳокимият бу кўринишларга қарши чора кўллангани йўқ.

Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ва камчиликлар. Қирғизистон асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чиқаришга ихтисослашиб, «ривожланган социализм» даврида қишлоқ хўжалигига айниқса диққат ажратилган. 60-йй. ўртасидан 80-йй. ўртасигача қишлоқ хўжалигини кўтариш мақсадида давлат томонидан йирик йиғиндидаги пул маблағи ишлатилган. Уларнинг кўпчилиги қисми ҳайдов ерларини кўпайтишга ва уларнинг ҳосилдорлигини ортдиришга, ишлаб чиқаришни механизациялашга, овул-қишлоқларни қайта қуришга ишлатилган. Айниқса қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлаш бир хийла юқорилаган.

Бу ҳайдов майдонларининг ўз вақтида ҳайдалишига, ҳосилни зарарга учратмай маҳалида йиғиб олишга шарт тузган. Экин,



Янги таълим овули.



Ҳайдов майдонлари.

пахта, картошка, лавлаги, тамаки ҳайдов кўпайтилиб ва уларнинг ҳосилдорлигини ортдириш учун ер ўғитлари сотиб олинган.

Республикадаги йирик ГЭСларнинг қурилиши билан қишлоқ хўжалигини электрлаштиришга шарт тузилди. Электр энергияси ҳар бир қишлоққа етиб, қолаверса молчиларнинг тоғдаги саройларигача тортилди. Суғориш ишларини яхшилаш мақсадида, йирик сув омборлари, каналлар қурилиб ишга киришди. Давлатнинг озиқ-овқатларни сотиб олиш баҳосини юқорилатди. Колхозчиларнинг иш ҳақиси кўпайтилди. Бу ҳаракатнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалик маҳсулотини кўп ишлаб чиқаришга шарт тузган.

Етишилган муваффақиятлар билан қатор камчиликлар ҳам ўрин олган. Ҳаммасидан бурун ҳокимиятнинг буйруқ-фармойиш билан бошқариши. Ҳар бир колхознинг имкониятини қарамай режа берилиши, унинг устига улар давлатдан сотиб олувчи техника билан ер ўғитларининг баҳосининг улар ундирган маҳсулотлардан қимматлиги, аста-секин уларни қарзга ботира бошлади. Қишлоқ хўжалигига ишлатилган чиқимлар ўрни оқланмай қолди.

Овул-қишлоқларининг ижтимоий ҳаёти. Қишлоқ хўжалигидаги асосий куч, деҳқонларнинг ва молчиларнинг яшаш аҳволи катта ўзгаришларга учради. Колхозлар ишлаб чиқарган маҳсулотининг ҳисобидан даромад ола бошлади. Колхозчиларга таъмин этилган иш ҳақи тўлаш тартиби киргизилди. Давлат томонидан қариларга, болалар учун тиргович пул тўлана бошлаган. Албатта, бу халқнинг яшаш-тирикчилигини яхшилашга олиб келган. Янги типдаги овул-қишлоқлар кўпайган. Турар уйлар янги меъморий стилда солиниб, кўчаларга асфальт тўшалиб, ободонлаштириш ишлари олға жилган. овул-қишлоқлардаги халқни маданиятли хизмат қилиш мақсадида юқори кўтарилган клублар, кутубхоналар, мактаблар, болалар боғчалари, дўконлар ва медицина муассасалари қурилган. Меҳнаткашларнинг дам олиш ва соғлиқларини мустаҳкамлаш учун санаторийлар ва курортлар қурилган.

Халқнинг яшашини қаноатландирган барча маданиятли жойлари бор овул-қишлоқлар районнинг марказига ёки шаҳарга яқин территориялардаёқ бўлиб, олис колхозлар эса бундай имкониятдан қуруқ қолишган. Оила аҳволини яхшилаш чекланган, кўлидан келганига бир уй ва бир машина олишгагина руҳсат берилган. Давлат эса ҳаммасини уй билан таъминлай олган эмас.

Таъмин этилган иш ҳақи бериш ҳам ўзини оқлай олмади. Колхозчилар ой сайин ишласа ҳам, ишламаса ҳам ойлик олиб туриши, уларнинг онгига тескари таъсирини теккизди. Натижада ишга салқин муомала қилган, ялқовликни ҳунар қилганлар кўпайди. Давлат ўз пайтида камчиликларни йўқота олмади.

Албатта, яшаб турган ҳокимият тизими ўзгармагунча, янгича кўз қарашдаги одамлар ҳокимиятга келмагунча саноат ва қишлоқ хўжалиги ўйдагидай кўтарила олмоқ эмас. Ўлка қандайдир бир янгиланишни кутиб ётди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. «Ривожланган социализм» пайтида саноат қандай ривожланган?
2. Қандай тармоқларда мувификациялар яралган?
3. Қишлоқ хўжалигида қандай юқорилар ва камчиликлар бўлган?
4. Халқнинг яшов шартини нимага боғланишли бўлган?

#### § 44. Қирғизистон «Қайта қуриш» йилларида (1985–1991-йй.)

Асосий саналар:

1985-йй. март – СССРда қайта қуриш пайтининг бошланиши.

1985-йй. октябрь – А.Масалиевнинг Қирғизистон Компартиясини етаклашга келиши.

1990-йй. февраль – Қирғиз ССР Олий Советига альтернатив сайлов.

Тушунчалар: альтернатив сайлов.

Ижтимоий-сиёсий яшашдаги ўзгаришлар. А.Масалиев, «Ривожланган социализм» йилларидаги дастлабки ривожланишлар 80-йй. ўртасидан бошлаб пасайди. Давлат билан халқнинг ўртасида ажрим кучади, партиявий қарорларга ишонмаслик яралди, сиёсий бепарволик сиёсий ижтимоий-иқтисодий инқирозга олиб келди. Халқ қандайдир бир ўзгаришларни кута бошлади. 1982-ййили ноябрда Л.И.Брежнев қаза бўлгандан кейин икки марта партиявий-давлат раҳбарлик алмашди. СССРдаги ҳокимиятнинг юқори босқичидаги алмашувлар кенг халқ оmmasининг иштирокисиз юрган.

1985-йй. мартада СССРдаги олий партиявий ҳокимиятга М.С.Горбачев келган. У бурунгидай яшашга ва бошқаришга бўлмайд қолганини тушунган. М.С.Горбачев «тезлатиш», «қайта қуриш» ислохотини юргизган. 1985-ййили октябрда Т.Усубалиев хизматдан бўшатилиб, ўрнига Апсамат Масалиев тайинланган. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасида янгича ишлаш белгиланди. Маълумликнинг натижасида социалистик ривожланишдаги камчиликлар очикқа чиқди. Ишлаб чиқаришни кўтариш, сифатли маҳсулотларни чиқариш режалаштирилди.

1988-йй. июнда СССРда «инсонпарвар, демократик социализмни» қуриш ғояси биркитилди.

Қирғизистонда демократик ташаббуслар кўтарилди. Сталин замонидаги бегуноҳ қамалиб отилган инсонларни оқлаш қайтадан бошланди. Тарих варақларидаги унутда қолган, давлати учун, халқи, ери учун хизмат қилган одамлар, асосли тарихий воқеалар равшанлаштирилиб акс эттирила бошлади. Халқнинг ижтимоий онги кўтарилди. Энди улар сиёсий иш-чораларда ҳам фаолликларини кўрсата бошлади.

Янги сайловлар. 1989-йилда СССРнинг Конституциясига ўзгартишлар киргизилиб, сунъий сайлов системаси йўқ қилинади. СССРда олий ҳокимият органи – СССР Халқ депутатларининг съезди бўлади. Бундай ўзгариш Қирғизистонда ҳам юритилди. Сайловнинг янги низомига лойиқ сайлов тартиби ўзгарди. Депутатликка талабгорларнинг сони чекланган эмас. Халқнинг ўз ишлаган жойида талабгорларни кўрсатиши қаралган.

Қирғизистоннинг тарихида биринчи бор демократик формада 1990-й. февралда Қирғиз ССРининг Олий Советига ва маҳаллий советларга сайлов бўлди. Қирғиз ССР Олий Советидан иборат бир палатали парламент тузилди. У 5 йиллик муддатга сайланган 350 депутатдан иборат бўлган. Бу депутатлар биринчи бор альтернатив сайлов йўли билан сайланишган. 1990-йили апрелда Қирғиз ССРининг Олий Советининг биринчи сессиясида Апсамат Масалиев Қирғиз ССРининг Олий Советининг раиси бўлиб сайланиб, давлат бошчилигининг ҳуқуқини олди. 1990-йили мартда СССРда, унинг ичида Қирғизистонда тарихий зўр воқеа бўлди. СССР Халқ депутатларининг 3-съезди ўлканинг Конституциясидан КПССнинг жамиятдаги раҳбарлиги ҳақидаги моддани олиб ташлади. Конституциядаги бу низомнинг олиб солиниши билан давлатни бир партиянинг бошқаришининг куни битди. Сиёсий равшанлик ва кўп партиялиликнинг ривожланиши учун йўл очилди.

Инсон ҳақида билиб олинг!



Апсамат Масалиев – партиявий ва давлат арбоби. А.Масалиев 1933-йилда Боткен областининг Қадамжой районининг Олиш овулида туғилган. 1956-йилда Москвадаги тоғ-кон институтини тамомлагандан кейин тош кўмир қонида, партиявий хизматларда ишлаган. 1985-йилда Қирғизистон КП биринчи секретари, 1990-й. бошлаб эса Қирғиз ССРининг Олий Советининг раиси бўлиб сайланган. У ўзининг ҳақ меҳнати билан танилган. Қирғиз давлатининг ривожланишига зўр ҳиссасини қўшган.

Ўзиб олинг:

**Альтернатив сайлов** – сайлов халқнинг талабгорларни эркин танлаши

② Саволлар ва топшириқлар:

1. Ижтимоий ҳаётда нима учун сиёсий ўзгариш керак бўлди?
2. Қайта қуриш, тезлатиш, маълумликни қандай тушунасан?
3. А. Масалиев ҳақида нима айти оласиз?
4. Сайловдаги ўзгаришлар қандай фойда олиб келди?

## § 45. Совет ҳокимиятининг пайтидаги маданий революция

① Асосий саналар:

- 1924-й. – И. Арабаевнинг «Қирғиз алифбосининг» босмадан чиқиши.  
1932-й. – Қирғиз давлат педагогика институтининг очилиши.  
1954-й. – Қирғиз Фанлар Академиясининг очилиши.

Маданий революция, саводсизликни тугатиш. Совет ҳокимиятининг асосий вазифасининг бири, совет жамиятини қуришда маданий революцияни амалга ошириш бўлиб ҳисобланган. Унинг вазифаси совет маданиятини тузиш ва маданиятнинг муваффақиятларини меҳнаткаш халқ ўзлаштириб, юксак онгли, жамиятнинг ривожланишига фаол қатнашган, саводли, ҳар тарафдан етук ривожланган одамини шакллантириш эди. Бу вазифани амалга ошириш Қирғизистонда айниқса мураккаб бўлган. Чунки;

- Қирғизистоннинг умумий иқтисодий ва маданий томондан орқада қолиши;
- қирғиз халқининг кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳаёти;
- ишчиларнинг оз миқдорда бўлиши;
- ёппасига саводсизлик;
- она тилидаги ёзманинг йўқлиги маданий революциянинг юришини оғирлаштирган. Бунга қарамасдан Қирғизистонда маданий қурилиш иши бошланган.

1919-й. «РСФСРнинг халқининг орасида саводсизликни йўқ қилиш ҳақидаги» декретнинг қабул оlinиши, саводлилик учун курашнинг бошланишига тўртки бўлди. Қирғизистонда 20-йилларнинг ўртасида Саводсизликни йўқ қилиш бўйича махсус комиссия ва «Саводсизлик йўқолсин» номи иштиёрли жамият тузилган. Улар орқада қолувчиликни йўқ қилиш бўйича зўр ишларни юргизишган, араб алифбосининг асосида 1924-йилда Қирғиз халқининг миллий ёзмаси тузилган. Саводлиликни тезлатиш мақсадида мактаблар очилиб, қирғиз болаларини умумий ўқишга тортиш қаралган. Бироқ улар ўқий оладиган қирғиз тилидаги китоблар йўқ эди. Бу масалани ҳал қилишда Ишенали Арабоев ва Қасим Тинистанов айниқса хизмат кўрсатишган. 1924-йилда

И.Арабоевнинг «Қирғиз алифбоси» деган асари Тошкентдан чиққан. Бу қирғиз тилидаги биринчи дарслик бўлган. Ундан кейин 1925-йилда «Саводсиз катталар учун алифбони» тузган. Қасим Тинистанов эса ўша 1924-йилдаёқ «Дарсликни» ва 1927-йилда «Бизнинг тил» деган китобларини нашр эттирган. Мактабларда асосий ўқиш қуроллари бўлган бу китоблар, саводсизликнинг йўқ қилинишида зўр роль ўйнади. Қирғизистоннинг территориясида 1925-йилда 156 саводсизликни йўқ қилиш мактаблари очилиб, уларнинг 134и овул-қишлоқларда бўлган. Бу мактабларда 8 минг одам саводсизлигини йўқ қилган. 1926-йилнинг охирида Қирғизистоннинг халқининг умумий саводлилиги 15,1%ни ташкил этган. 1930-йилларда саводсизликни йўқ қилиш ундан нари авж олган. Ўқиганни ва ёзганни ўргатувчи ликбезларда 100 мингга яқин одам ўқиган. Ушбу йилда «Саводли бўл!» деган газета чиққан.

Халқнинг саводлиликка бўлган ҳаракатининг орқасида 1939-йилда Қирғизистонда 9 ёшдан 49 ёшгача халқнинг саводлилиги 82% га етган. Улуғ Ватан Урушининг олдида Қирғизистонда саводсизликни йўқ қилиш асосан тугалланган.

Билим бериш. Совет ҳокимиятининг йилларида Қирғизистонда халққа билим бериш системаси шаклланган. Ўқиш қирғиз тилида юритилган мактаблар очилган. 1930–31-ўқиш йилида республикада умумий мажбурий бошланғич таълим бериш киргизилиб, у муваффақиятли тугалланиб, 30-йилларнинг охирида овул-қишлоқларда умумий мажбурий етти йиллик, шаҳарларда ўн йиллик таълим беришга ўтишга имконият берган. Умумий таълим берувчи мактабларнинг сони тезлик билан ўсган. 1940–41-ўқиш йилида умумий таълим берувчи 1645 мактабда 328 минг бола ўқиган. Қирғиз халқининг тарихида биринчи бор махсус ўрта ва олий ўқув юртлари ташкил этилган. 1925-й. Қирғиз маориф институти, Ўш педтехникуми очилган. 1932-йилда республиканинг энг дастлабки олий ўқув юрти – Қирғиз давлат педагогика институти, 1933-



И. Арабаев.



Қирғиз алифбоси.  
1924-й.



й. зооветеринария институти, 1939-й. медицина институти очилган. 1940-йилда Қирғизистонда 33 махсус ўрта ва 6 олий ўқув жойи бўлган. Бу ўқув жойлари маҳаллий миллий мутахассисларни тайёрлаган. Олий ўқув жойларида билим берган мутахассислар Москва, Ленинград шаҳарларидан келишиб, Қирғизистонда таълим беришнинг совет системасининг ривожланишига ҳисса қўшишган.

Фаннинг ривожланиши. Қирғизистондаги таълим беришнинг ривожланишининг натижаси, фаннинг шаклланишига замин бўлди. Дастлабки илмий муассаса – Қирғиз ўлкашунослик илмий-тадқиқот институти бўлиб, у 1928-йилда очилган. Улар Қирғизистоннинг халқ хўжалигини, тарихини ва маданиятини ўрганишган.

1943-йилда илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш мақсадида СССР Фанлар Академиясининг Қирғиз филиали ташкил этилган. У илмий мутахассисларни тайёрлашга ва фаннинг ривожланишига зўр ҳисса қўшган. 1954-йилда бу филиал мустақил Қирғиз Фанлар Академияси бўлиб тузилган. Унинг президенти бўлиб И.Ахунбаев сайланган. Академиянинг олдида кўплаган фан соҳалари бўйича тадқиқот институтлари очилиб, унда кўплаган олимлар ишлаган. Қирғизистонда фаннинг чўққисига етган йирик олимлар чиқа бошлаган. Улар медицина соҳасида машҳур доктор Иса Ахунбаев, тарихчи академик Бегимали Жамғирчинов, қирғиз тилини ривожлантириш соҳасида Б.Юнусалиев ва К.Юдахин, тоғкон бойликларини текширишда академик Муса Адишев бўлган. Бу инсонларнинг фандаги йирик муваффақиятлари бугунги илмий-тадқиқот олимларига ўрнак бўлиб келмоқда.

➔ Инсон ҳақида билиб олинг!

Ахунбаев Иса Қўнўевич – Қирғиз совет олими, хирург, Иссиқ-Кўлдаги Тўри-Айғир қишлоғида 1908-йилда туғилган. Меҳнат йўлини 1935-йилда Ўрта Оснё медицина институтини тамомлагандан кейин Бишкек шаҳар касалхонасининг хирургия бўлимида бошлаган. 1959-йилнинг июнида Ўрта Оснёда биринчи бўлиб юракка операция ясаган. Қирғиз ССРининг фанга хизмат кўрсатган арбоби, унинг исми республика клиника касалхонасининг умумий хирургия бўлимига берилган.



② Саволлар ва толшириқлар:

1. Мадааний революция деган нима?
2. Саводлилик учун қуран қандай юрган?
3. Таълим беришда муваффақиятлар бўладими?
4. Илм соҳасидаги иш-ҳаракатлар ҳақида айтиб бериш.
5. Отоқли олимлар ҳақида эссе ёзиш.

## VII БОБ. ҚИРҒИЗИСТОН МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ

## § 46. Қирғизистон мустақиллиги учун ҳаракатлар

1

Асосий саналар:

1989-й. 23-сентябрь – Қирғиз тилини давлат тили қатори эълон қилиш.

1990-й. 27-октябрь – Парламент томонидан Қирғизистоннинг биринчи Президенти бўлиб А. Ақаевнинг сайланиши.

1990-й. 15-декабрь – Қирғиз давлатининг мустақиллиги ҳақида декларациянинг қабул олинниши.

✓ Тушунчалар: декларация, парламент, президент.

Қирғизистонда демократик ҳаракатнинг ривожланиши. Қирғизистон Совет Иттифоқига 1936-йилда Иттифоқдош республика қатори киргандан бошлабоқ, ўзича давлат қатори сиёсий, миллий масалаларни еча олган эмас. Давлатнинг юқори раҳбарлари, республикада яшаган халқ орқали сайланмасдан, Москвадаги компартиянинг раҳбарлари орқали тайинланган. Қирғизистоннинг иқтисоди Москва тарафдангина тартибга солинарди. Демак, барча иттифоқдош республикалар СССРнинг пойтахти Москвага тўғридан тўғри қарам бўлиб туришган.

1985-йилнинг 11-мартда, СССРда юқори партиявий раҳбарликка М.С.Горбачевнинг ҳокимиятга келиши билан янги имкониятларга йўл очилди. Бурунги иттифоққа кирган республикаларда ҳар қандай кўз ташлашлар уйғониб, янги ижтимоий сиёсий ташкилотларни тузиш ташаббуси авж олди. Қирғизистонда ҳам оддий халқнинг сиёсий фаолияти юксалди. Улар равшанлик тўлиқ киргизилишини, қирғиз тилининг маъносига, халқнинг тарихий ўтказганларига тўғри баҳо бериш, халқ урф-одатларни кўтариш масалаларини талаб қилишди. Айниқса ёшлар томонидан дастлабки сиёсий музокаралар юритилиб, ҳар қандай ўй-фикрлар айтилаверди. Ўша пайтда ер масаласи жуда ўткирлашган. Қирғиз ёшлари шаҳар ерларидан ўзларига турар-жой ола олишган эмас. Уй-жойи йўқ ёшлар шаҳарнинг чет ёқасидаги ерларни 1989-йилда баҳор-ёз ойларида ўз бетича эгаллаб олиб, уй қуришга киришган. Ҳокимият бу масалани тўғри қабул олиб, уни тартиб билан ҳал қилишга қудрати етмади. Ёшларни қувғунлашга киришди. Бунга қаршилик қилиш мақсадида уй-қурувчилар 1989-йилда биринчи бор ижтимоий-иқтисодий манфаатдорликни кўзлаган «Ҳашар» ташкилотини тузишган. У келажакда Қирғизистонда сиёсий ташкилотларнинг пайдо бўлишига замин яратди.

Давлат тил низомининг қабул олинниши. Қайта қуришнинг юришида миллатларнинг онги юқорилаб, ҳар бири ўзининг

тарихини, маданиятини, тилини, ниятини сақлашга интилган. ҳар бир миллатнинг миллатлигини аниқлаган унинг тили. Совет даврида қирғиз халқи миллий тилидан очиқдан очиқ ажрай бошлаган. Рус тили устунлик қилган. Болалар боқчасидан, мактабдан бошлаб олий ўқув юртларигача рус тилида ўқитиш кучаб, миллий тил тубанлаган.

Барча тармоқларда рус тилининг устунлиги, қирғиз тилининг аста-секин йўқ бўлишига шарт тузмоқ, буни тушунган маҳаллий халқ тил масаласини кўтариб чиққан. Қирғиз тилини ривожлантириш учун унга давлат тили ҳуқуқини бериш ҳаракати кенг қулоч ёйди. Тилни сақлаш билан миллатни сақлаш масаласи кун тартибда турди. Натижада, умумий халқнинг талаби бўйича, Қирғиз ССР Олий Совети 1989-йилнинг 23-сентябрида «Давлат тили ҳақида» низомни қабул олди. Унда Қирғиз тили давлат тили деб эълон қилинди. Рус тили миллатлар орасидаги қатнаш тили қатори танилиб, республикада яшаган ҳамма миллатларнинг тилларининг тенг ҳуқуқли ва эркин ривожланиши таъмин қилинади деб белгиланди.

Тўнгич Президентни сайлаш. Демократиянинг ғалабаси. СССР халқ депутатларининг 1990-йили март ойидаги махсус қарори бўйича СССРда Президентлик ҳокимияти киргизилган. Унга партиянинг устунлигининг тубанлиши, миллатлараро муомалаларнинг мураккабланиши, кўп партияларнинг пайдо бўлиши, иттифоқдош республикаларнинг мустақилликка интилиши сабаб бўлди. Қирғизистонда президент постини киргизиш масаласи муҳокамаланиб, махсус низом қабул олинди. Президент – сайланувчи давлат бошчиси. У ҳукуматнинг ишига йўналиш бериш, уни назоратга олиш, низом қабул олиш, халқ хўжалигини бошқаришни ташкил қилиш ишларига раҳбарлик қилиш вазифасини бажаради. Олий Кенгеш президентни сайлови олдидан, Қирғизистонда тузилган сиёсий ташкилотларнинг демократик вакиллари очлик эълон қилишган. Сабаби улар давлатнинг бошчилигидан Қирғизистон компартиясининг бурунги раҳбари Апсамат Масалиевнинг ҳокимиятдан кетишини талаб қилган. 1990-йилнинг 27-октябрида демократик тўлқиннинг кучи билан Қирғиз ССРининг Олий Кенгешидagi сайловнинг асосида, республиканинг биринчи Президенти бўлиб – Асқар Ақаев сайланди.



А. Ақасев

Қирғизистонда компартиянинг давлат юқори ҳокимиятидан кетиши ва ҳокимиятга Президент бош бўлган демократик кучларнинг келиши ўлкадаги вазиятни ўзгартди. Ўлка демократик ривожланиш йўлига тушиб, мустақилликка эга бўлиш ҳаракати

юқорилади. Олий Кенгешда мустақилликни, қарам эмасликни ёқлаган депутатларнинг сони кўпайди.

Натижада улар 1990-й. 15-декабрда «Қирғиз Республикасининг давлат мустақиллиги ҳақидаги декларацияни» қабул олишди. Қирғизистон Совет Иттифоқининг таркибидаги мустақил ўлка бўлб қолди. У Қирғизистон ўз бойлигига ўзи эгадор, ўзи чиқарган низом ҳаммасидан баланд туриб, бошқа давлатлар билан алоқа туза олади деганни билдирган.

✍ **Ёзиб олинг:**

**Декларация** (лат. Declaratip – билдириш, маълумлаш) – бир тарафли, икки тарафли акт. Қандайдир бир масала бўйича давлатнинг ўз позициясини билдириши.

**Парламент** – (анг. Parliament – гапириш) – низом чиқазувчи сайланма вакилчиликли орган.

**Президент** – (лат. Praesidens – раис) – бошқаришнинг республика шакли бор ўлкаларда энг юқори давлат бошчиси.

② **Саволлар ва топшириқлар:**

1. Қирғизистондаги демократик ҳаракат қандай ривожланди?
2. Ҳашар ҳаракати нима учун тузилган?
3. Қирғиз тили ҳақидаги низомнинг маъноси нимада?
4. Президентни сайлов қандай юрди?
5. Мустақиллик ҳақида декларация қачон қабул олинди?

## § 47. Мустақил Қирғиз давлатининг асосланиши

1

**Асосий саналар:**

1991-й. 19-август – Москвадаги давлат тўнтариши.

1991-й. 31-август – «Қирғиз Республикасининг мустақиллигининг декларациясининг» қабул олинishi.

1991-й. 21-декабрь – СССРнинг йўқ қилиниши.

1991-й. 19–21-августдаги давлат тўнтариши. СССРдаги демократик қайта қуришларнинг асосида, иттифоқдош республикалар демократик йўналишга тез ўтишди. Кўпчиликлари мустақилликка эга бўлишди, баъзи бирлари, масалан: Балтика бўйидаги ўлкалар иттифоқдан чиқиш мақсадларини кўзлади. Бурунгидек, пойтахтга – Москвага тўппа-тўғри бош эгиш бўлмади қолди. СССРнинг яшаб туришига қўрқинч туғилди. Шундай аҳволда умумий иттифоқ раҳбарлиги СССРни сақлаб қолиш масаласини кўтариб чиқди. Унда барча миллатларнинг ҳуқуқларининг тенглигини таъмин қилган. янгиланган мустақил республикаларнинг

иттифоқи қатори СССРни сақлаб қолиш таклиф қилинган. Кўпчилик республикалар маъқул бўлган, бу иттифоққа 20-августда қўл қўйилмоқ. Бироқ бурунги марказий ҳокимиятнинг маҳкамлигига ва юқоридан бошқаришга кўнган айрим партиявий раҳбарларга бу ёққан эмас. Улар иттифоқдош республикаларни бурунгидаёқ марказдан маҳкам бошқариб туришни кўзлашган. 1991-й. 19-августда СССРнинг Президенти М.С.Горбачевнинг дам олишга кетганидан фойдаланиб, бурунги ҳокимиятнинг талабгорлари давлат тўнтаришини уюштиришган. Улар Давлат фавқулодда тадбирлар қўмитасини (ДФТҚ) тузиб, Москвада фавқулодда ҳолат киргизишган. Баъзи бир коммунисттик партиянинг вакиллари тўнтаришни қўллашган. Бироқ давлат бошида турган Президент, Олий Кенгеш, демократик кучлар бунга қаттиқ қарши туришди.

Қирғиз Республикасининг Олий Кенгешининг раиси М.Шеримқулов ўзининг баёнотида ДФТҚ томонидан киргизилган «фавқулодда ҳолат Қирғиз Республикасида ҳеч қандай кучга эга бўлмайди» деб билдириб, тўнтаришчиларни айблади ва уни қўлламаслигини билдирди.

Президент томонидан республиканинг мустақиллигини ҳимоя қилиш, демократик ривожланишни сақлаб қолиш иш-ҳаракатлари ясалди.

Қирғизистон – мустақил давлат. СССРнинг барбод бўлишини Москвадаги воқеа тезлатди. 1991-й. 19-августда Фавқулодда уюштирилган давлат қўмитасининг СССР Президенти М.С. Горбачевни ҳокимиятдан четлатиш ҳаракати ўрнидан чиқмай, Иттифоқ ҳукуматининг иши вақтинча тўхтатилган. Иттифоқдош республикаларнинг ўзича бошқаришга ўтишига шарт тузилган. Улар бирдан қолмай иккинчиси ўзларининг мустақиллигини эълон қила бошлашди. 1991-йилнинг 31-августида Қирғиз Республикасининг Олий Кенгешининг сессияси тарихий ҳужжатни – «Қирғиз Республикасининг мустақиллиги ҳақида Декларацияни» қабул олди.

Унинг асосида Қирғиз Республикаси қарам эмас, мустақил демократик давлат деб тантанали эълон қилинди. Шундай қилиб, дунёнинг харитасида янги, ўз ҳолича, тобе эмас давлат – Қирғиз Республикаси пайдо бўлди. 31-август Қирғиз Республикасининг мустақиллигининг байрами қатори белгиланиб қолди.

Мустақиллиги эълон қилингандан кейин Қирғиз Республикаси умумий иттифоқ органларининг назоратидан қутулиб, бутун ҳокимиятни ўз қўлига тўплай бошлади. Мустақилликнинг шартларида 1991-й. 12-октябрда Асқар Ақаев умумий халқ сайловида Қирғиз Республикасининг Президенти бўлиб сайланди.

1991-йилнинг 8-декабрида Минскида Украина, Белоруссия, Россия Федерациясининг раҳбарларининг мустақил давлатлар-

нинг ҳамкорлиги ҳақидаги тузилган шартномаси СССРнинг қулашининг бошланиши бўлди. 21-декабрда эса бурунги иттифоқдаги 11 давлат ўзаро қарам эмас давлатларнинг ҳамкорлигини тузиши билан СССР қулади. Бурунги республикалар Иттифоқи ҳеч қандай қон тўкмасдан, жанжалсиз, тинчлик йўл билан йўқ қилиниб, унинг ўрнига мустақил давлатларнинг янги бирлиги – Мустақил Давлатларнинг Ҳамкорлиги (МДҲ) тузилди.

**?** Саволлар ва топшириқлар:

1. Бурунги буйруқчи ҳокимиятнинг сақлаб қолиш учун коммунистлар қандай ҳаракат қилишган? Нима учун халқ оммаси бунга қарши турди?
2. Қирғиз давлати Москвадаги воқеага қандай қараган?
3. Мустақил давлатнинг тузилиши бизга нима олиб келди?
4. Мустақиллик ҳақида декларация деган нима?

**§ 48–49. Янги давлатнинг шаклланиши.  
Миллий символикалар**

**1** Асосий сана:

1993-й. 5-май – Қирғиз Республикасининг Конституциясининг қабул олинishi.

Янги Конституциянинг қабул олинishi. Давлатнинг шаклланиши. Қирғиз Республикаси мустақилликка эга бўлиши билан демократик давлатни қуришга киришди. Асосий вазифалар: бурунги ҳокимият тузилишини тўлиқ барбод қилиш, ҳуқуқий ва демократик давлатни қуриш, иқтисодни қайтиб жонландириш, миллатлараро муносабатларни яхшилаш, бошқа ўлкалар билан тенг ҳуқуқли муомала тузиш бўлган. Бунинг учун аввал Қирғиз Республикасининг Конституциясини ишлаб чиқиб, қабул олиш вазифаси турган. Конституция – бу давлатнинг бош низоми бўлиб ҳисобланади. Конституцияда давлатнинг тузилиши, халқнинг ҳуқуқи ва эркинлиги, давлатнинг ривожланишининг ҳар тарафли йўналиши кўрсатилади. Қирғиз Республикасининг янги Конституцияси 1993-й. 5-майда қабул қилинган. Бу умумий халқ байрами – Қирғиз Республикасининг Конституциясининг кунини деб эълон қилинди. Конституция бўйича Қирғиз Республикасининг Президенти беш йиллик муддатга сайланади. Биргина одам икки муддатдан ошди республиканинг Президенти бўла олмайди. Давлатнинг Президенти бўлиб ёши 35 билан 65нинг ўртасидаги, қирғиз тилини билган, 15 йилдан ошди Қирғизистонда яшаган ватанпарвар сайлана олади.

Қирғизистонда низом чиқариш ҳокимияти беш йилда бир сайланувчи Олий Кенгешга тааллуқли бўлган. Олий Кенгеш низом чиқаришни, уларнинг амалга ошишини талаб қилувчи олий орган. Қирғизистоннинг 25 ёшдан ўтган барча граждани депутатликка сайланишга ҳуқуқли. Депутатларни сайлов альтернатив асосда ўтиши лозим.

Ижроия ҳокимиятига – Ҳукумат билан маҳаллий бошқариш органлари киради.

Қирғиз Республикасининг ижроия ҳокимиятининг бошида Бош вазир туради. Бош вазирни Президент танлаб, уни Олий Кенгеш тасдиқлайди.

1991-й. 22-январда Олий Кенгешнинг сессиясида мустақил республиканинг биринчи Бош вазирлигига – Насирдин Исанов тасдиқланган.

Низом чиқарувчи ва ижроия давлат ҳокимияти билан қатор Конституцияга лойиқ суд ҳокимияти тузилган.

Қирғиз Республикасининг Конституциясида давлат тузилишидан ташқари, одам ҳуқуғи ва эркинлиги белгиланган. Унда Қирғиз Республикасида яшаган ҳар бир гражданининг ҳуқуғи ва эркинлиги таъмин қилинади.

Конституциянинг қабул олинishi демократик Қирғизистоннинг ўсиб-ривожланишига замин тузган.

Давлат символлари. Мустақил мамлакатнинг асосий ишораларининг бири – давлат байроғи. У давлат идораларининг иморатига, Қирғизистоннинг чет мамлакатлардаги элчиликларига илинади. Америкадаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) ёки Франциядаги ЮНЕСКОнинг бош иморатларининг олдида бошқа давлатларнинг байроқларининг орасида Қирғизистоннинг ҳам байроғи ҳилпираб илиниб туради.

1992-й. 3-мартда Қирғиз Парламенти Давлат байроғини бекитган.

Байроқнинг муаллифлари – олим Собир Иптаров, rassomлар Бекбўсин Жайчибеков, Жусуп Матаев, архитекторлар Маматбек Сидиқов, Эдил Айдарбеков.

Қипқизил бўлиб нурланиб, эркинликнинг донгини чиқарган байроғимизни қарасак, унда асрлар бўйи ота-бободаримиз яшаб келган ўтовнинг тундугини (тепа тешигини), ярқираб нурини сочган қуёшни кўрамыз. Тундук – одам яшашининг, онла иттифоқини муқаддас тутган кўчманчи халқнинг ишораси.

Байроқдаги қуёшнинг нури – ўз олдида тундук кўтарган Қирғиз давлатига қуёш доим тегиб ёрув сочиб турсин деганини тушунтиради. Ватанни мудоффа қилишга қасам ичган Қирғиз жангчилари ҳар доим байроқни ўзиб таъзим қилишади.

**Қирғизистоннинг гимни.** Азалдан ота-боболаримиз байроғини ҳилпиратиб, эн тамғасини тошга чекиб шиор чақириб келгани маълум. Гимн шиор сингари – давлатни донг кўтарган тантанали шеър. Ҳар куни тонгнинг отиши билан Қирғиз радиоси давлат гимни билан бошланиб, тунги соат 12да гимн билан якунланади. Тантанали йиғинлар ҳам гимн билан бошланади. Унга таъзим қилган йиғиннинг иштирокчилари ўринларидан туриб ўнг қўлини кўкрагига қўйиб қўшилиб ашула айтишади. Мамлакатнинг Президенти чет мамлакатларга расмий иш сафарига борганда, Қирғизистоннинг байроғи кўтарилиб, гимни ўйнатилиб, ҳурмат билан тўсиб олишади. Халқаро спорт мусобақаларида ватандошимиз 1-ўринни енгиб олса, минглаган одамларнинг олдида мамлакатимизнинг байроғи кўтарилиб, гимни янграйди.

Гимн 1992-й. 18-декабрда Олий Кенгешнинг йиғинида қабул қилинган. Унинг сўзини – Қирғиз Халқ ақини Жалил Содиқов билан ақин Шабдонбек Қулуев ёзган. Оҳангини – Қирғиз халқига кенг таниқли композиторлар, СССР Халқ артистлари Қалий-Мўлдўбасанов билан Носир Давлесов яратишган.

Қирғиз герби. Герб мустақил давлатнинг расмий белгиси. Герб ҳам байроқ сингари муқаддас сақланиб, лойиқ ерларга илиниб, махсус аҳамиятли ҳужжатларда қўлланилади.

Қирғизистоннинг герби 1994-й. 14-январда қабул қилинган. Унинг муаллифлари – rassом А. Абдраев билан милициянинг генерали С. Дубанаев. Гербдаги оқ музли Ола-Тоғимиздан қуёш нури янгидан чиқиб келаяпти. Ундаги тоғлар манзилимизни билдирса, кўл қирғиз халқининг фаҳри Иссиқ-Кўлни эсга солади. Уларни қаноти билан пардалаб турган Оқ шунқор – Манас бобомизнинг шунқори.

Қадимги замондан бери Қирғиз халқи оқ шунқорни муқаддас ҳисоблаб сажда қилиб келади. Гербнинг икки ёнидаги пахта билан буюдой иссиқликнинг, тўқчиликнинг белгиси.

Ҳокимиятнинг янгиланиши. 2005-йилнинг феввалида Қирғиз Республикасининг бир палатали Олий Кенгешига сайлов ўтказилган. Бу сайловлар ҳақиқатсиз юриб, демократик тартиблар бузилган. Халқнинг яшаш шарти тубанлаган. Мамлакатда



Қирғиз Республикасининг давлат байроғи.



Қирғиз Республикасининг давлат герби.



сиёсий вазият кескинлашган, халқ оммасининг Конституциянинг, қонунийликнинг гарови бўлган Президент А.Ақаевга бўлган нозилиги кучаган.

2005-йилнинг 24-мартида умумий халқ революцияси бўлиб, Қирғизистонда давлат ҳокимияти алмашди. 2005-йили 10-июлда Қирғиз Республикасининг янги Президентини сайлов альтернатив тарзда ўтди. Демократик асосда ўтган сайловнинг якунида халқ ўз овозини Қурманбек Бакиевга берган. Шундай қилиб, демократиянинг дами билан Қ. Бакиев – Қирғиз Республикасининг Президенти бўлиб қолди.

**Бакиев Қурманбек** – Жалол-Обод областидаги Сузоқ районининг Тейит қишлоғида туғилган. Куйбишев политехника институтини (Россия) битирган. Заводда инженердан бошлаб, директорлик ўрингача ишлаган. 1990-й. бошлаб давлат масъул хизматларида ишлаган. Чуй областининг губернатори, мамлакатимизнинг бош вазири хизматида ишлаган. Олий Кенгешнинг депутати бўлган. 2005-йилдан Қирғиз Республикасининг Президенти.



Қ. Бакиев

Қирғизистондаги демократик ривожланиб-ўсиш ундан нари давом этган. 2007-йилнинг 21-октябрида умумий халқ муҳокама-си билан Қирғиз Республикасининг Конституцияси қабул қилинган. 2005-йилнинг октябрида сайланган парламент шу йилдаёқ тарқатилди. 2007-й. декабрда партиявий рўйхат бўйича 90 депутатдан иборат бир палатали Олий Кенгеш – янги парламент сайланган. Бурунги парламентдан фарқ қилиб, ҳар миллатнинг вакиллари, ёшлар ва аёллар депутатлик ўринга эга бўлишди. Бугунги кунда Олий Кенгеш янги низомларни қабул қилиб, давлатнинг манфаати учун ишламоқда.

② Саволлар ва топшириқлар:

1. Янги давлатнинг шаклланиши учун имзолар зарур?
2. Конституциянинг қабул қилиниши (ўзгариши) имзоларни бандлиги?
3. Давлат символлари ҳақида айтиб беринг.
4. Ҳокимиятнинг янги шаклини ҳақида айтиб беринг.
5. Қ. Бакиев ҳақида нима билдингиз?

## § 50. Мустақил Қирғиз Республикасининг иқтисодий аҳволи

1

Асосий саналар:

1991-й. декабрь – Олий Совет томонидан «Хусусий мулкчилик ҳақида низом» қабул қилинади.

1993-й. 4-май – Қирғиз Республикасининг Миллий пул бирлиги – сўм қабул қилинади.

✓ **Тушунчалар:** бозор иқтисоди.

Бозор иқтисодига йўл олмоқ. СССРнинг қулаши билан иқтисодий оғир аҳвол пайдо бўлди. Сабаби, СССРнинг таркибидаги иттифоқдош республикалар иқтисодий томондан бир-бирига қарам бўлган. Қирғизистонда иттифоқ пайтида қурилган завод-фабрикалар, мустақилликка эга бўлгандан кейин ишламай тўхтаб қолди. Чунки уларнинг ишлаб туришига имконият бўлмади. Олсак, Бишкекдаги Фрунзе номли машина қуриш заводи, иттифоққа кирган республикалардан ҳар қандай керакли деталларни олиб, сўнг маҳсулот чиқарарди. Иттифоқ таркагандан кейин заводга келадиган керакли деталлар ўз вақтида келмай, заводнинг тўхташига олиб келган. Кўплаб одамлар ишсиз қолди. Давлат иқтисодни кўтариш, халқни иш билан таъминлаш йўлини излай бошлаган. Одамларнинг меҳнатга бўлган қизиқишини уйғотиш учун уларга иқтисодий эркинлик бериш талаб қилинди. Иттифоқ пайтида қайси тармоқда бўлмасин корхоналарнинг ҳаммасига режа берилиб, режани бажариш учун чиқарган молнинг сифатига диққат ажратилган эмас. Ишчиларнинг яхши ишлагани, ёки ишга қобилияти йўқлари ҳам бирдай иш ҳақи олишарди. Бу одамларнинг, айниқса ҳақиқий меҳнаткашларнинг меҳнатга қизиқишини йўқотган. Албатта, бунинг ҳаммаси иқтисодга ўз таъсирини тегизган. Мустақилликнинг йўлига тушган Қирғизистон иқтисодий аҳволини тўлиқ ўзгартишга ҳаракат ясади. Хукумат иқтисодий ислохотларни юргизишни ишлаб чиқди. Бу режали ривожланишдан бош тортиб, бозор иқтисодига ўтиш эди. Бозор иқтисоди – бу ривожланишнинг бирдан бир йўли, унда корхоналар қандай мол чиқаради, деҳқон нимани экади, тўлиқ эркинлик берилиб, улар чиқарган маҳсулотини эркин баҳода сота олишарди. Бу одамларнинг меҳнатга бўлган қизиқишини пайдо қилмоқ. 1990-й. октябрда Олий Кенгеш халқ хўжалигини бозор иқтисодига ўтказиш дастурини қабул қилди. Унда тенг ҳуқуқли мулкчиликни киргизиш, корхоналарга иқтисодий эркинлик бериш қаралган. Унга нисбатан Олий Кенгеш 1991-й. декабрда «Мулкчилик ҳақида низом» қабул қилади. Давлат мулки кўмитаси тузи-

лади. Унинг вазифаси — низоми чегарасида давлат мулкидаги барча мулкни шахсий мулкка бериш бўлган. 1992-йилдан бошлаб давлатдаги йирик завод-фабрикалар, хизмат муассасалари, турар-жойлар, қурилишлар ва ерлар шахсий мулкка ўта бошлади. Мустақил Қирғизистонда мулкнинг кўп хиллиги ўрин олди. Одамлар шахсий мулкка эга бўлди, уларнинг хоҳласа шахсан ишлаши ёки биргалашган корхоналарни тузишига шарт тузилди. 1993-йили 4-майда Миллий пулни чиқариш қарори қабул қилиниб, 10-майда Миллий пул бирлиги киргизилди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар. Қирғизистоннинг халқ хўжалигининг асосини қишлоқ хўжалиги тuzган. Халқнинг кўпчилиги қишлоқларда яшаб, далачиликда ва чорвачиликда ишлашган. 80-йилларнинг охирида колхоз ва совхозлар ўзини оқламай қолди. Колхозчилар меҳнат қилишга қизиқишган эмас, сабаби, улар давлат учун, режани бажариш учунгина ишлашиб, тирикчилик ҳолатлари ночорлаган. Колхоз-совхозлардаги ҳайдов майдонлари озайган, уларнинг ҳосилдорлиги ночорлади, молнинг сони озайди, яйловлар қисқарган. Қишлоқ хўжалик техникаларига муомала ночорлаб, совуққонликдан атайлаб сотиб олинган техникалар тез бузилди. Меҳнат унумдорлиги пастлади. Буларнинг ҳаммаси янги шартларда қишлоқ хўжалигида ислохотни бошлаш кераклигини исботлади. Қирғизистонда 1991–1993-йиллар ичида ер ислохоти юргизилди. Унинг натижасида колхоз-совхозларнинг мулклари эгалikka берилиб, ерлар ижарага ўтди. Кўплаган фермер хўжаликлари пайдо бўлди. Энди деҳқонлар ерни қандай фойдаланиш, нима сепиб, нима экиш, ҳосилни хоҳлагандай сотиш ҳуқуқларига эга бўлишди. Уларнинг меҳнатга бўлган қизиқиши ўсди. Давлат тарафидан уларнинг ривожланиши учун имтиёзли кредитлар берилди.

1998-йили 17-октябрда ерга шахсий мулк ҳуқуқи тўғрисида масала умумий халқ ислохотига қўйилиб, уни халқнинг кўпчилиги қўллашди. Натижада, деҳқонлар ернинг ҳақиқий эгаси бўлиб қолди. Ҳар бир оила ерга эга бўлиб, олган ер улуши наслдан наслга мерос қатори ўтади. Одамларнинг ерга бўлган муомаласи ўзгарган, энди улар ер уни боқилиши тушуниб, унга эҳтиёт муомала ясашга ўтди. Қишлоқ хўжалигида деҳқонлар ишлаб чиқаришнинг асосий воситаларига, ернинггина эмас, шунингдек, ўзининг меҳнати натижасига ҳам тўлиқ ҳуқуқли хўжайинларига айланди. Қисқа муддатнинг ичида халқнинг озиқ-овқатга нисбатан эҳтиёжлари қониқтирилиб, деҳқонлар ошиқча дон экишлариши, тамакини, пахтани, сабзавот-меваларни сотишга имконият олди.

✍ Ёзиб олинг:

**Бозор иқтисоди** – халққа иқтисодий эркинликнинг берилиши, мулкнинг эркин савдо ҳуқуқи.

② Саволлар ва топшириқлар:

1. СССР қулагандан кейин, республикаларда иқтисод нимага ночорлаб кетди?
2. Бозор иқтисоди деган нима экан?
3. Қирғизистонда саноат ва қишлоқ хўжалигини эгаллаш қандай бошланган?
4. Иқтисодий эркинлик одамларнинг меҳнатга бўлган муомаласини ўзгартдими?

### § 51. «Қирғизистон ҳаммамизнинг ватанимиз». Миллатлар орасидаги бирдамлик

- 1 Асосий саналар:  
1994-й. 21-январь. – Қирғизистон халқларининг биринчи қурултойи ўтказилган.  
1994-й. 26-сентябрь – Бишкекда Дўстлик уйи очилган.

Қирғизистон – кўп миллатли давлат. Мустақил Қирғиз Республикамизда ҳозирги кунда 80дан ошиқ ҳар хил миллатларнинг вакиллари яшайди.

Давлат миллатлар ўртасидаги бирдамликнинг асосидагина яшай олади. Миллатларнинг бидамлиги, бир-бирига оғир қийинчиликларда таянч бўлиши, уларнинг биргалашиб олдидаги қийинчиликларни енгишигина Қирғизистонни ривожланган давлатга айлантира олади.

Қирғизистон мустақил давлат бўлгандан бошлаб, мамлакатда яшаётган ҳар миллатнинг халқига ғамхўрлик кўрилиб, уларнинг Қирғиз халқи билан биргаликда тенг ҳуқуқда, эркин ривожланишига шарт тузилмоқда. Қирғиз ерининг гўзаллиги, хал-



Кўп миллатли Қирғизистон.



Ассамблеяга бағишланган тантана.

қининг меҳмондўстлиги бошқа халқларнинг бу территорияларга ўтроқлашиб қолишига шарт тузган. Илгариданоқ Қирғиз халқи Марказий Осиё халқлари билан ўзаро алоқадорликда яшаб келишган. Уларнинг ўртасидаги алоқага қўни-қўшничилик ҳисса қўшган. Шарқий Туркистондаги қўзғолондан кейин у томондаги дунган, уйғур халқлари бош беркитиб, қирғиз ерига келишган. Рус подшолиги пайтида Қирғизистонга Россиянинг марказий қисмларидан рус, украин халқлари кўчириб келтирилган. Уруш вақтида ғарбдан кўплаган миллатлар Қирғизистонга кўчирилган.

Қирғизистон аста секинлик билан кўп миллатларнинг ватанига айлана бошлаган. Қирғизистондаги саноатни ривожлантириш пайтида ҳам СССРга кирган иттифоқдош республикалардан кўплаган миллатдаги мутахассислар келиб, тамомила ўтроқлашиб қолишган. Бугунги кунда Қирғизистондаги миллатларнинг ҳаммаси тенгликда ҳаёт кечиришмоқда. Уларнинг барча ҳуқуқлари низом даражасида бирдай. 1993-йили қабул қилинган Конституциямизда: — «Қирғиз Республикасида одамнинг қадр-қиммати муқаддас ва қўл теккис... низом ва суд олдида барча одамлар бирдай» деб ёзилган.

Мустақил давлатга айланишимиз билан унга асос қуриш кўплаган қийинчиликларни яратди. Айниқса иқтисоддаги оғир аҳвол турмуш-тирикчиликка қаттиқ таъсир теккизган. Иттифоқнинг тарқashi, ҳар бир мустақил давлатларнинг яралиши билан Қирғизистонда яшаётган миллатлар ўз она ватанига кўча бошлаган. Европали халқларнинг Қирғизистондан кўчиб кетишига республикадаги оғир иқтисодий инқироз, кўпчилик саноат корхоналарининг ёпилиб қолиши, бозор иқтисодига ўтишдаги қийинчиликлар туртки берган. 1991-йилдан бошлаб, Қирғизистондаги миллатларнинг тарихий ватанига кўчиб кетиши кўнаймаган. Халқнинг кўчиб кетишини тўхтатиш, миллатлараро муомалаларнинг ўзгармаслигини таъминлаш қирғиз ҳукуматининг асосий вазифаларининг бири бўлган.

Қирғизистон халқларининг Ассамблеяси (1994). Қирғизистонда яшаган миллатларнинг бирдамлигини мустаҳкамлаш ва уларга ғамхўрлик кўриш мақсади давлатимизнинг диққат марказида бўлиб қолди. Қирғизистонда миллатлараро муомалаларни мустаҳкамлаш учун 1994-йили 21-январда Бишкек шаҳрида Қирғизистон халқларининг биринчи қурултойи чақирилади. Унга республикамизда яшаган барча миллатларнинг вакиллари қатнашиб, келажакдаги миллий бирдамлик ишлари муҳокамаланди. Қурултойда Қирғизистон халқининг Ассамблеяси тузилиб, унинг Устави қабул қилинди, раҳбар органи — ҚХА Кенгеши сайланди. «Бирдамликнинг, тинчликнинг ва иноқликнинг декларацияси»

қабул қилинди. Қирғизистоннинг халқини ташкил этган миллатларнинг манфаатини қўллаган бу ижтимоий ташкилот кўплаган яхши ишларни олиб бормоқда. Унга 30га яқин миллий-маданий марказ ва ижтимоий бирикмалар киради. Ассамблея тил ва миллий маданиятни ривожлантириш бўйича ишларни олиб боради. Улар байрамларда ўз миллатларининг одатини, маданиятини кўкларга кўтариб, ҳар қандай ўйин-кулгиларни уюштиришади. Бу ташкилотнинг иш-ҳаракатлари давлат тарафидан доим қўллашга олиниб туради.

Миллий маданий марказлар учун 1994-йилнинг 26-сентябрида Бишкекда Дўстлик уйи очилган. Қирғизистондаги ҳар миллатнинг вакилларининг биргалашиб иш олиб боришига, ўз маданиятини ривожлантиришига бу уйнинг очилиши кенг йўл берди. Ҳар хил миллатлар урф-одатини, маданий ривожланишини ўстириш билан Қирғизистон халқларининг иноқлигига зўр ҳисса қўшди.

**?** Саволлар ва топшириқлар:

1. Қирғизистонда миллатлар вакилларининг тўпданишига қандай тарихий воқеалар таъсир тегизган?
2. Конституцияда миллатларнинг ҳуқуқи қандай ҳимоя қилинган?
2. Қирғизистон халқларининг қурултоғин қандай муҳим иш-ҳаракат ясаган?
3. Қирғизистон халқларининг Ассамблеяси ҳақида айтиб бериш.

## § 52. Мустақил Қирғизистоннинг ташқи сиёсати

- 1** Асосий саналар:  
1991-й. 27-декабрь – АҚШнинг Қирғиз Республикасининг мустақиллигини таниши.  
1992-й. 2-март – Қирғиз Республикасининг БМТга аъзо бўлиб кириши.  
1996-й. – «Шанхай беш илтигининг» тузилиши.

Қирғизистоннинг мустақиллигини дунё мамлакатларининг таниши. Қирғизистон мустақилликка эришгандан кейин халқаро муомалаларга ўз ҳолича қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Қирғизистоннинг ташқи сиёсатининг мақсади ўз ҳолича давлат қатори дунёга танилиш ва бошқа мамлакатлар билан тинчликда ёнма-ён яшаш эди.

Қирғизистон тез орада халқаро аренада қўллашга эга бўлиб, кенг танилди. 1991-й. 27-декабрда Америка Қўшма Штатлари Қирғизистоннинг мустақиллигини таниди. 1992-йилнинг 1-февралда эса Марказий Осиёнинг ва Қирғизистоннинг тарихида биринчи бор – Бишкекда АҚШнинг, Вашингтонда Қирғиз Респуб-

ликасининг элчиликлари очилди. Бу Қирғизистоннинг дунёда кадр-қимматини кўтарган. Хитой Халқ Республикаси, Туркия, Германия, Россия ва бошқа давлатлар Қирғизистоннинг мустақиллигини таниш билан элчиликларини очишган. 1991-йилдан 1998-йилларгача Қирғизистоннинг мустақиллигини 135 давлат



Шанхай дамборднө ташкилотчининг саммитининг шикиллери.

таниган. Дунёнинг 91 давлати билан дипломатик муомалалар тузилган. Қирғизистоннинг пойтахтида четэл давлатларининг 11 элчилиги ва вакилчилиги очилган. Қирғизистон бўлса, дунёнинг 17 мамлакатига ўз элчилигини очышга эришди, улар Қирғизистоннинг манфаатларини ҳимоя қилишади. Қирғиз Республикасининг халқаро кадр-қимматининг кўтарилишига президент А.Ақаевнинг 90-йй. Фарб билан Шарқнинг йирик мамлакатларига ясаган давлат расмий сафарлари, ўз навбатида у мамлакатларнинг раҳбарларининг Қирғизистонга келиши туртки бўлган.

Қирғизистон ва дунёвий ташкилотлар. Дунё давлатлари бир сайёрада яшаётгандан кейин, муҳим масалаларни биргалашиб ечиш зарурлиги келиб чиққан. Бу мақсадларни халқаро ташкилотлар тузилиб, унга кирган мамлакатлар дунёвий масалаларни биргалашиб ечишга имконият олишган. Қирғизистон мустақилликка етишгандан кейин бундай ташкилотларга киришга йўл очилган.

1992-йили 2-мартда Қирғизистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) аъзолигига қабул қилиниб, ўша куниде Америкадаги БМТнинг иморатининг олдида унинг давлат байроғи илинди. Дунёнинг барча давлатлари аъзо бўлган БМТга кириш мустақил Қирғизистон учун зўр тарихий воқеа бўлиб ҳисобланади. Бу ташкилотга кириш билан Қирғизистон ўз муаммоларини дунёвий жамоатчиликка билдириб туришга имконият олди. Шунинг билан қатороқ Қирғизистоннинг баъзи ташаббуслари, таклифлари БМТнинг йиғинларида қўллашга олиниб келмоқда. Олсак, 2002-йили Халқаро тоғ йили деб эълон қилиш бўйича Қирғизистоннинг ташаббусини БМТнинг йиғини тўлиқ қўллаган. 1992-йй. Қирғизистон тағин бир дунёвий кадр-қимматли ташкилот ЮНЕСКОга аъзо бўлиб қолди. Дунёвий маданий меросларнинг ривожланиши учун ғам кўрган бу ташкилот Қирғизистоннинг маданий, илм-билим томонида ривожланишига зўр қўллаш кўрсатмоқда. 1995-йй. «Манас» эпосининг 1000 йилдик маъракаси унинг

қўллаши олдида ўтди. 2000-й. Ўш шаҳрининг 3000 йиллик тантанасига ҳам ҳар тарафлама ёрдам берди. Ҳозирги пайтда Қирғизистон 40дан ошиқ Бутун дунёвий ва халқаро ташкилотларнинг аъзоси. 1998-й. кузда МДХ мамлакатлари ичидан Қирғизистон биринчи бўлиб Дунёвий савдо ташкилотининг аъзоси бўлиб қолди.

Қирғизистоннинг МДХ мамлакатлари билан алоқаси. СССР тарқайдан кейин унинг таркибига кирган барча республикалар мустақил давлатга айланишган. 1991-йили 21-декабрда бурунги Совет республикаларининг ўн биттаси Мустақил Давлатларнинг Ҳамкорлигини (МДХ) тузишган эди. Улар бир-бири билан тенг ҳуқуқли ҳамкорликни ривожлантиришга маъқуллашишган.

Қирғизистоннинг ташқи сиёсатида МДХ айниқса Марказий Осиё давлатлари билан алоқани кучайтиришга ва мустақамлашга зўр аҳамият бериб келади. Чунки улар асрлар бўйи ёнма-ён яшаб, зич алоқада бўлиб келишган. 1991-йили Қирғизистон, Қозоғистон, Ўзбекистон ва Туркменистон билан дўстлик, ҳамкорлик, иқтисодий ёрдамлашиш бўйича шартномага қўл қўйган. Бу алоқалар ривожланиш йўлига тушиб, 2000-йили Россия, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ЕвроОсиё иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти тузишган. Унинг асосий мақсади бирлашган иқтисодий фазони тузиш эди. Қирғизистон билан Россиянинг ўртасидаги муомала кун сайин мустақамланмоқда. Марказий Осиёда барқарорликни сақлаш ва халқаро терроризмга қарши курашиш учун 1996-йили Шанхайда таркибига Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой, Россия, Тожикистон кирган «Шанхай беш илтиги» тузилган. 2001-йили Ўзбекистон қўшилиб «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти» деб аталиб қолди.

Ташқи сиёсатдаги энг аҳамиятли воқеа – 2007-йили 16-августда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига кирган мамлакатларнинг саммитининг Бишкекда ўтиши бўлиб қолди. Бу йиғинга 10 давлат бошчилари қатнашиб, аҳамиятли қарорларни қабул қилишди. Шундай қилиб, Қирғизистоннинг кадр-қиммати тағин бир марта юқорилади.

② Саводлар ва тошпириқлар:

1. Халқаро ташкилотлар билан Қирғизистоннинг муомаласи қандай ривожланмоқда?

2. Ташқи сиёсатда қандай аҳамиятли мушаррафликлар яради?



## § 53. Мустақиллик давридаги маданият, илм-билимдаги янгиланишлар

1

Асосий саналар:

1993-й. – «Билим бериш ҳақида низомнинг» қабул қилиниши.

Маданият тармоғидаги янгиланишлар, Қирғиз Республикасининг мустақиллигининг эълон қилиниши билан маданият тармоқларини ривожлантириш ишлари қўлга олинди. Қирғизистоннинг ҳукумати «Маданият» деган давлат дастурини ишлаб чиқди. У бўйича маданият арбобларига махсус диққат ажратиш, давлат тарафидан уларни қўллаш қаралган. Машҳур маданият арбобларига бағишланган халқаро фестиваллар ўтказилган. Олсак, донгдор опера ашула айтувчиси Қирғизистонни кўкларга кўтаришга ҳисса қўшган Бўлўт Мингжилқиевни хотирлашга бағишланган фестиваль ўтказилиб, бунга кўплаган донгдор опера ашула айтувчилари келишган. 1996-йили очилган Қирғиз Республикасининг Расм академияси халқаро расм кўргазмасини уюштирган. Унга дунёвий отоқли рассомлар чақирилган. Театрларимизда қирғиз тарихи, тарихда изи қолган улуг инсонларни акс эттирган спектакллар қўйилмоқда. Қирғиз музыкаси илгарилаб, ҳозирги ёшларнинг табиғига лойиқ кўшиқлар яратилиши билан қатор халқ фольклорига ҳам эътибор берилмоқда. «Қамбарқан» фольклор-этнографик ансамблининг жўрлигида Халқ артисти Саломат Содиқова қирғиз халқ музыкасини ва кўмузини дунёга танитмоқда. Халқаро кинофестивалларда таланти кинорежиссер А.Абдиқалиқовнинг «Бешкампир» ва «Маймун», Э.Абдижапаровнинг «Овул ҳукумати», «Бўз салқин», Т.Бирназаровнинг «Белгисиз маршрут» фильмлари пойғали ўринларга етишди. Қирғизистоннинг тарихида биринчи бор «Гул» номли мультфильм халқаро фестивалга қатнашиш ҳуқуқини олди.



Қирғиз Халқ артисти  
Г. Содиқова



«Манас-Ўраан» Талды-Колган

«Манас» эпосининг 1000 йиллик таяниси. Мустақилликнинг шарофати билан қадимги тарихимизга бўлган муомала янги кўз қарашга эга бўлди. Халқимизнинг фахри бўлган «Манас» эпоси янги даврда миллатнинг бирлашганлигининг ва рухий такрорий яратилганлигининг, маданиятининг, миллатнинг ўзини-ўзи танишининг символига айланди.

Қирғиз Республикасининг Президенти А.Ақаевнинг Фармони билан 1995-й. «Манас» эпосининг 1000 йиллигини белгилаш эълон қилинди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Халқаро тарихий меросларни қўллаш, ривожлантириш ташкилоти 1995-йилни «Манас йили» деб белгилади. Маъракага биноан Талас ерида «Манас-Ўрда», Бишкек шаҳрида «Манас-овули» тарихий-маданий комплекслари очилди.

Адабиётнинг ривожланиши. Қирғиз давлати мустақиллик йилларида бадиий адабиётда ҳам зўр олға силжишларга эга бўлди. Отоқли ёзувчиларимиз Тўлўғўн Қасимбековнинг «Кел-кел», қайтиб ёзилган «Синган қилич» романи, Тугўлбой Сидиқбековнинг «Кўк асаба» тарихий романи, Қачқинбой Ўсмоналиевнинг «Кўчманлар тўқнашуви» романлари босилиб чиқиб, қирғиз халқининг севиқли асарларига айланди.

Қирғизистонни ўзининг ўлмас-ўчмас асарлари билан дунёга танитган Чинғиз Айтматовнинг «Кассандра тамғаси» деган янги романи ёзилиб, дунё тилларига таржима қилиниб чиқа бошлади. Чинғиз Айтматовнинг асарлари дунё халқининг севишига эга бўлган. Ҳар бир китобининг таржимасини чет элликлар жуда қизиқиш билан ўқишиб, Улуғ ёзувчи қатори қабул қилишади. Асарлари дунёга таниқлик Улуғ ёзувчимиз Чинғиз Айтматовнинг 70 йиллиги 1998-йили Туркияда, 1999-йили Қирғизистонда зўр таъна билан белгиланди. 2000-йили отоқли ёзувчимизнинг маъракаси дунёвий қадр қимматли ташкилот ЮНЕСКОнинг минтақасида белгиланди.

2008-йили ёзувчининг 80 йиллик маъракаси ялпи ЕвроОсиёда, унинг ичида Қирғизистонда ҳам зўр таъна билан ўтказиш қаралган.

Миллий меросларнинг қайта яралиши, Мустақиллик, қайта яралиш оқими тарихий меросларимизнинг халққа етишига замин яратди. Ўтган замондаги ёзма ақинларимизнинг, халқ орасидан чиққан шоирларнинг асарлари, қирғиз тарихи, маориф тармоқлари бўйича асарлар совет даврида чиқарилган эмас. Энди



Халқ ёзувчиси  
Ч. Айтматов.

буларни тадқиқот қилиб, ялпи қирғиз халқига таништириш ишлари ихчам юра бошлади. Эски даврни мартабалаган деган баҳона билан XIX асрда яшаган Мўлдў Ниёзнинг чиқарилмай келган оқилона, тарихий шеърлари текширилиб, ёруғликка чиқди. Замоначи ақинлар деб аталган Қалиғул, Арстанбек, Мўлдў Қиличнинг асарлари алоҳида китоб бўлиб чиқарилди. Тарихий зўр аҳамияти бор Махмуд Қашғарий ва Юсуф Боласоғунининг асарлари ёруғликка чиқарилиб, халққа тарқади. Дастлабки тарихчимиз Ўсмонали Сидиқ ўғлининг «Шобдонга бағишланган тарихи» ва Белек Сўлтўнўевнинг «Қизил қирғиз тарихи» деган китоблари босилиб, тарихимизни чуқур билишга имкон берди. Қирғизларнинг билим саводини очишда зўр роль ўйнаган Ишенали Арабоевнинг китоблари, Қасим Тинистановнинг асарлари ёруғ кўрди. Қирғиз халқи мустақиллик йилларида унутда қолган, ўз навбатида таққиланган тарихий меросларга қайтадан эга бўлди.

Илм-билимдаги янгиланишлар. Билим бериш соҳаларини янгилаш йўналишида иш-ҳаракатлар тезлаган. 1993-йили «Билим бериш ҳақида» низом қабул қилиниб, унда ёшларга замонабоб билим бериш масалалари қаралган. 1996-йили бўлса «Билим» деб аталган Миллий Билим бериш дастури ишланиб чиққан. Унда ўқувчиларнинг дунёвий тилларни ўзлаштириш, компьютер билимига эга бўлиши бўйича шартлар қаралган. Бурун давлат мактабларигина бўлса, энди шартта мувофиқ шахсий мактаблар пайдо бўлди. Лицей, гимназиялар, колледжлар очилиб, болалар янги дастурда ўқитила бошлади. Қирғизистондаги билим тармоғининг ривожланишига чет эл фирмалари, шахсий арбоблар, давлат муассасалари зўр ҳисса қўшишмоқда. Олсак, «Сорос» жамғармаси янги китобларни чиқаришга ва мактабларни компьютер билан таъминлашга кўп ҳисса қўшди. Ўқувчилар дунё тилларини ўзлаштириши учун кўп тил ўргатувчи марказлар очилмоқда. Бишкекдагина эмас, Қирғизистоннинг узоқ минтақасидаги болаларнинг замонабоб билим олишига «Себат» билим бериш муассасаси ҳам кўп ҳисса қўшмоқда. Бундаги ўқувчилар дунё олимпиадаларига қатнашиб, қирғиз халқининг номини чиқармоқда. Ҳар бир бугунги ўқувчи чет тилларни ўрганишга, компьютер билимига эга бўлишига тўлиқ имконият очилмоқда. Давлат билим бериш бўйича жуда катта ишларни ясамоқда. Олий ўқув юртлари янгиланмоқда. Қирғизистоннинг барча областларида олий ўқув юртлари очилган. Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Россия каби мамлакатларнинг университетлари очилиб, қирғиз ёшлари дунёвий билимга эга бўлмоқда. Бугунги шартда ўқувчиларнинг вазифаси – пухта билимга эга бўлиб, Қирғизистоннинг келажакдаги ривожланишига ҳисса қўшиш.

② Саволдар ва топшириқлар:

1. Маданият, илм-билим янгиланишлари ҳақида нима билингиз?
2. «Манас» эпосининг 1000 йиллиги қандай ўтган?
3. Адабиётдаги ўзгаришларни пайқай олдингизми?

§ 54–55. Чет мамлакатда яшаган қардошлар

1 Асосий саналар:

- 1992-й. Қирғизларнинг Бутун Дунёвий биринчи қурултойи.  
2003-й. Қирғизларнинг Бутун Дунёвий иккинчи қурултойи.

Қирғизларнинг Бутун Дунёвий қурултойи. Қирғизлар – Марказий Осиёда яшаган халқ. Бизнинг қадимги тарихимизни, яшаган территорияларимизни исботлаган кўплаган тарихий манбаълар бор.

Қадимги хитой маълумоти бўйича қирғиз номи бизнинг эрагача III асрга тааллуқли. Қирғизлар Осиёнинг кенг территорияларида кўчманчилик қилган ботир эл бўлган. Охири минг йилликларда тарихий ватани бўлган Қирғизистоннинг ҳозирги территориясида тамоман ҳардоим яшаб қолишган. Ҳозирги пайтда чет мамлакатларда ҳам қардошларимиз яшайди.

Қирғизистон мустақилликка эришгандан кейин, бошқа мамлакатларда яшаган қирғизлар билан зич алоқа тузишга имконият очилди. 1992-йилнинг 24-августидан 1-сентябригача Бишкек шаҳрида Бутун Дунёвий Қирғизларнинг биринчи қурултойи ўтди. Унга Хитойда, Ўзбекистонда, Россияда, Туркияда, Афғонистонда, Тожикистонда, Европа ва Америка малакатларида, Яқин Шарқда, Ҳиндистон, Австралияда яшаган қирғизларнинг вакиллари келишди. Улар Ола-Тоғимизнинг ҳамма областларида бўлиб, қариндошлари билан танишди. Бундай зўр воқеа чет томондаги қирғизлар билан алоқани мустаҳкамлашга, қардошларимизнинг тарихини тадқиқотлаб ўрганишга замин тузди.

Хитойда яшаган қирғизлар. Шарқий Туркистонда қадимги даврдан буёноқ қирғизлар истиқомат қилиб келишгани тарихий манбаълардан маълум. Бу территория қирғизларнинг дастлабки Ота Юрти бўлганлиги исботланмоқда. У ердаги Манас шаҳри, Манас кўли каби қирғизча аталган ер-сув номлари қадимги пайтдан қолган эсдаликлар. 1758-йили Цин империяси Шарқий Туркистонни босиб олгандан бери у территорияда Хитой ҳокимияти ўрнаган. Биз яшаган ҳозирги территориялар Россияга ўтгандан бошлаб, Хитой билан Россиянинг ўртасида чегарани аниқлаш ишлари бошланган. Кейин 1884-йилда икки мамлакатнинг ўртасида чегара аниқланиб, бу территорияларда яшатаган қирғиз-

ларнинг асосий қисми Россияга, бир гуруҳи Хитойга қараб қолган. Ушбу пайтдан бошлаб Хитой фуқаролигига ўтган қирғизлар Хитойлик қирғизлар деб аталган. Хитойлик қирғизлар Қашғар, Урумчи, Қулжа территорияларида ўtroқлашган. Ҳозирги пайтда 160–170 мингдай қирғизлар яшайди. Қирғизлар яшаган территория Қизил-Сув, Қирғиз Автоном округи деб аталади. Пойтахти Артиш шаҳри. У ердаги қирғиз мактабларида ўқиш қирғиз тилида юргизилиб, кўшимча хитой тилини ўрганишади. Ўқишни тамомлаганлар Пекиндаги олий ўқув юртларида ўқишади. Машҳур манасчи Жусуп Мамай «Манас» эпосини қоғозга тушириб, етти томли китоб қилиб чиқарган. Таниқли тарихчи Анвар Бойтур Хитойдаги қирғизларнинг тарихини тадқиқот қилиб, бир қатор китобларни чиқарган. Мустақилликнинг шартларида Хитойда яшаган қирғизлар билан алоқамиз яхшироқда.

Тожикистонда яшаган қирғизлар. Кўшни Тожикистоннинг тоғли Бадахшон областига қарашли Жерге-Тол, Мурғаб районларида қирғизлар яшашиди. Бу территорияларда қадимги даврдан бериёқ қирғизлар яшаб келгани ёзув дарақларида маълум. Шунингдек, у ердаги ер-сув аталишлари, ҳар қандай овозалар ҳам қирғизларнинг доимо яшаб келганини мустаҳкамлайди. Охириги маълумотларга қараганда Тожикистонда 106 мингдан ошиқ қирғиз яшайди. Улар яшаган қишлоқларда қирғиз мактаблари бор. Дарсликларни, газета-журналларни Қирғизистондан олиб туришади. Ўрта мактабни битирган ўқувчилар Қирғизистоннинг олий ўқув юртларидан билим олиб кетишади. Тожикистондаги 1990-й. Бошланган гражданлар урушида қирғизлар ҳам қийинчиликларга дучор бўлишди. Урушдан азоб чеккан баъзи одамлар республиканинг Ўш, Чуй, Жалол-Обод областларига кўчиб келиб яшаб қолишди. Қирғиз давлати кўчиб келган қардошларимизга паспорт бериб, улар қирғиз гражданлигини қабул қилишди.

Ўзбекистонда яшаган қирғизлар. Ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг деярли барча областларида қирғизлар яшайди. Уларнинг кўпчилик қисми Андижон, Наманган, Фарғона, Жиззах, Қўқон, Тошкент, Самарқанд, Сир-Дарё областларида туришди. Кўпчилик қирғиз қишлоқлари тоғ орасидан ўрин олган. Уларнинг аталишлари ҳам қирғиз тилида сақланган.

Кейинги маълумотлар бўйича Ўзбекистонда 160 мингдай қирғиз бор. Унда яшаган қирғиз болалари қирғиз ўрта мактабларида ўқишади. Бугунги кунда Ўзбекистонда 40қа яқин қирғиз тилидаги мактаблар бор. Дарсликлар ва бошқа тегишли ўқиш қуроллари Қирғизистонда тайёрланади. Мустақиллик йилларида кўшни икки мамлакат Абадий дўстлик шартномасига қўл қўйиб, бир жон, бир тан бўлиб яшаб келишмоқда. Ўзбекистонда яшаган қирғизлар меҳнатқаш-захматқашлиги билан маълум. Уларнинг баъзилари кейинги вақтларда Қирғизистонга кўчиб келишмоқда.

Туркия ва бошқа мамлакатларда яшаган қирғизлар. Узоқ Туркияда ҳам қирғиз гуруҳлари яшамоқда. Улар Туркиянинг Ван кўлининг ёнида, ундан ташқари Адана шаҳрига яқин территорияларда ўрин олишган. Ван кўлининг ёнидаги қирғизлар Афғонистондан Раҳмонқул хоннинг ҳаракатларининг натижасида кўчиб боришган. Адананинг ёнидаги қирғизлар эса большевикларнинг қувғинларидан Ўшдан Хитойга, ундан Туркияга ўтиб келишган. Туркияда бош аёғи бўлиб 4 мингга яқин қирғизлар яшайди. Туркияда яшаган айрим ёшларнинг Бишкекка келиб олий ўқув юртиларидан билим олишига имконият очилди.

Туркияга кўчмай қолган қирғизлар эса ҳозиргача Афғонистоннинг Кичик Помир, Катта Помир деган ерларида яшашмоқда. Уларга Қирғизистон томонидан ёрдам берилиб, алоқа тузилиб келинмоқда.

Чет мамлакатда яшаган қирғизларнинг яна бир кўпчилик қисми Россияда яшашади. Мустақилликкача Россиянинг ҳар қайси территорияларида 10 мингдай қирғиз яшаган. Ҳозирги пайтда эса Россиянинг кўпчилик шаҳарларидаги бозорларда минглаган қирғизлар савдо-сотиқ ишларини юргизишмоқда. Уларнинг орасида расмий тарзда рўйхатдан ўтиб, йил бўйи у ерларда доимий яшаганлар бор. Баъзи маълумотларга қараганда ундай қирғизларнинг сони 500 мингдан ошди. Россиядан ташқари бурунги Иттифоқдош республикаларда қолиб яшаётган 20 000дан ошиқ қирғизлар бор. Оз сонли қирғиз оилалари Европа мамлакатларида, Америкада, Покистонда, Австралияда, Иорданияда ҳам яшашади.

Қирғиз диаспорасининг вакиллари ўзлари яшаган давлатлар билан Қирғизистоннинг ўртасида дўстлик қарим-қатнаш қуришда кўприк хизматини бажармоқда. Қирғизистон ҳокимиятига чет мамлакат қирғизларининг бирдамлиги ўз Ота Ватанини таниб билишни орттириш мақсадларида ҳар қандай ишларни олиб боришмоқда. 2003-йили 28–30-августда Чўлпон-Ота шаҳрида Бутун Дунёвий Қирғизларнинг иккинчи қурултойи ўтказилди. Унга дунёнинг 22 давлатида яшаётган қирғизлардан 200га яқин вакиллар келишди.

Қирғизистон мустақилликка эга бўлгандан бери ташқарида яшаган қардошлар билан қарим-қатнаш яхшиланди.

## ② Саволлар ва топшириқлар:

1. Қирғизистон чет мамлакатдаги қирғиз қардошлари билан қандай алоқа тузмоқда? 2. Қирғизларнинг Бутун Дунёвий қурултойининг аҳамияти қандай? 3. Хитой қирғизлари ҳақида нима биламиз? 4. Туркиядаги қирғизлар ҳақида айтиб бериш. 5. Дунёнинг бурчиқларида яшаётган қирғизлар ўз ватани билан қандай боғлашнинг тўғри?

## ХРОНОЛОГИК ЖАДВАЛ

800–1000 йил аввал – қадимги одамлар томонидан Қирғизистоннинг баён қилиниши.

Бизнинг эрагача I мингйиллик – Марказий Осиё сақлари томонидан сақларнинг ўзлаштирилиши.

Бизнинг эрагача VI–V а. – сақлар икки йirik қабила иттифоқига бирилашган.

Бизнинг эрагача 160 йилда – усунларнинг Марказий Тиеншон ва Етти-Сувга кўчиши.

Бизнинг эрагача I минг йилда – Фарғона водийсида Давон давлатининг ташкил топиши.

Бизнинг эрагача I минг йилда – Марказий Осиёда гуинларнинг пайдо бўлиши.

Бизнинг эрагача 201 йилда қирғизлар мулкларининг гуинлар томонидан истило қилиниши.

Бизнинг эранинг VI а. – Она-Сойда Қирғиз давлатининг ташкил топиши. 552-й. – Буюк Турк ҳоқонотининг пайдо бўлиши.

745-й. – Уйғур ҳоқонотининг ташкил топиши.

840-й. – Қирғиз улуғ давлатининг бошланиши.

Ха. – Қорахонлар давлатининг ташкил топиши.

1206 –й. Мўнғул давлатининг ташкил топиши. Она-Сой қирғизларининг забт этилиши.

1348-й. – Мўғулистон давлатининг ташкил топиши.

1370-й. – амир Темир давлатининг асосланиши.

1510-й. – Муҳаммад қирғизнинг амир (ҳоким) деб эълон қилиниши.

1709-й. – Қўқон давлатининг асосланиши.

1855-й. – буғу қабиласининг Россия фуқаролигини қабул олиши.

1916-й. – миллий-озодлик кўзғолони.

1917-й., декабрь – 1918-й., июнь – Қирғизистонда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши.

1924-й., 14 октябрь – Қора-Қирғиз автоном областининг ташкил топиши.

1926-й., 1 февраль – Қирғиз АССРининг ташкил топиши.

1936-й., 5 декабрь – Қирғиз ССРининг ташкил топиши.

1941-й. 22 июни – Улуғ Ватан урушининг бошланиши.

1945-й. 9 майи – Улуғ Ватан урушининг тугаши, Буюк ғалаба.

1950-1961-йй. – И. Раззоқов Қирғизистон КПни бошқарган.

1961-й. – Қирғизистон КП раҳбарлигига Т.Усубалиевнинг келиши.

1985-й. – Қирғизистон КП раҳбарлигига А.Масалиевнинг келиши.

1990-й. 27-октябрь – парламент томонидан Қирғизистоннинг биринчи Президенти А.Ақаевнинг сайланиши.

1991-й. 31-август – «Қирғиз Республикасининг давлат мустақиллиги ҳақида» декларациясининг қабул олиниши.

1993-й. 31-майи – Қирғиз Республикасининг Конституциясининг қабул олиниши.

2005-й., 24-март – Халқ революцияси куни.

2005-й., 10-июль – Қ.Бакиевнинг Қирғизистоннинг Президенти бўлиб сайланиши.

2007-й., 16-август – Бишкекда Ҳамкорликнинг Шанхай ташкилоти (ХШТ) давлатлари саммитининг ўтказилиши.

2007-й., 21-октябрь – Қирғиз Республикасининг Конституциясининг қабул олиниши.

2007-й., 16-декабрь – партия рўйхатлари бўйича янги парламент – бир палатали Жўғурку Кеңеш сайланган.

2008-йил Президент томонидан Қирғизистондаги Ч. Айтмытов йили деб эълон қилинган.

№	Фамилияси, исми	Ўқиш тили	Китобнинг ҳолати*	
			йилнинг бошида	йилнинг охирда

\* 5 балли шкала билан китобнинг қўлланилган баҳоси



Ўқиш босилиши

**А. Дўталиев**

ҚИРҒИЗИСТОННИНГ ТАРИХИ БЎЙИЧА  
ҚИСҚАЧА ҲИКОЯЛАР

Ўрта мактабнинг 5-синфлари  
учун дарслик

Қирғизчадан *М. Жўраев* таржимаси

Бош муҳаррири *С. Давлатова*

Бадий муҳаррири *Б. Жайчибеков*

Компьютер расмийлаштирувчиси *У. Давлатова*

Техника муҳаррири *Т. Урускулов*

Шакли 60x90  $\frac{1}{16}$ . Times Uzb ҳарфи. Офсет қоғози.

Ҳажми 10,25 физ. босма тобоқ. Нусхаси 13 807 дона. Заказ № YD296.

Стамбул шаҳри, Йенибосна, Ата Турк жаддеси, Гөл кўчаси 1,

Имак офсет басим йайин сан. ве тижарет лтд. шти босмаси.





